ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент Молия институти

АБДУЛЛАЕВА ШАРБАТ ЗУЛФИҚАРОВНА

ПУЛ, КРЕДИТ ВА БАНКЛАР

Д а р с л и к

Тошкент
“IQTISOD-MOLIYA”
2007

Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. - Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007 йил, 348 бет.

Қўлингиздаги ушбу китоб пул, кредит ва банклар ҳақида ўқув қўлланма бўлиб, унда пул муомаласи, кредит тизими ва банклар фаолиятини ташкил этиш асослари кўрсатиб ўтилган. Қўлланма, шунингдек, пулнинг зарурлиги, функциялари, миллий валютани муомалага киритилиши, кредит ва унинг шакллари, кредит тизими, унинг таркиби, кредит муассасалари, банкларнинг ташкил топиши, ривожланиши, Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ташкил топиши ва ривожланиши, банк фаолияти барқарорлиги ва ликвидлилиги тўғрисида фикр юритилган. Бир қатор банк операциялари, жумладан, банкнинг актив, пассив ва бошқа операциялари назарий жиҳатдан ҳозирги замон талаблари асосида ёритиб берилган.

Ўқув қўлланма Тошкент Молия институти қошидаги Олий ўқув юртлараро илмий-услубий Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2006 йил 22 июль, 8-сонли мажлис баёни).

Тақризчилар: **Иқтисод фанлари доктори, проф. Рашидов О. Ю.,**
Иқтисод фанлари номзоди, доц. Муругова И.А.

© “IQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 2007

КИРИШ

Бозор иқтисодиёти асосида товар-пул муносабатлари ётади. Товар-пул муносабатлари – товар ишлаб чиқариш, товарларни айирбошлаш ва пул муомаласига хос муносабатларни ифода қилади. Бозор иқтисодиёти эркин товар-пул муносабатларига асосланган иқтисодий монополияни инкор қилувчи, ижтимоий тараққиётга, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш йўналишига эга бўлган ва бошқарилиб бориладиган иқтисодиётдир.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида бозор муносабатларини қарор топтириш долзарб омиллардан бўлган пул, кредит ва банклар тизимида ҳам чуқур ўзгаришларни амалга оширишни тақозо қилади. Бозор муносабатларига ўтиш иқтисодий категория сифатида пулнинг, кредитнинг, фоиз, солиқ ва бошқа категорияларнинг моҳияти ва аҳамиятига бошқача ёндашиш зарурлигини тақозо қилади.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида банк-молия тизимининг аҳамияти тубдан ўзгармоқда. Бозор муносабатларини бошқариш соҳасида давлат томонидан олиб бориладиган барча ишларнинг оғирлик маркази ана шу тизимларга кўчди.

Шу сабабли, банк тизимини такомиллаштириш, банкларнинг мустақиллигини ва пул муомаласидаги аҳвол учун жавобгарлигини ошириш, пул-кредит муносабатларини тартибга солиш, сўмнинг барқарорлиги ва юксак нуфузини таъминлаш соҳасидаги муаммоларни ўрганиш, шунингдек, тегишли илмий хулосалар чиқариш ва тавсияларни ишлаб чиқиш ўта долзарб масалалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда қуйидаги саволлар илмий нуқтаи назардан ўз жавобларини кутмоқда:

1. Нақд пул ва кредит эмиссиясининг ўсишига сабаб нима?
2. Аҳоли қўлидаги пулнинг ҳаракатсиз туриб қолишига қандай қилиб йўл қўймаслик мумкин?
3. Миллий валюта курсининг алмашуви ва барқарорлашувини таъминлаш учун қандай тадбирлар амалга оширилиши керак?
4. Инфляциянинг олдини олиш ва уни пасайтириш омиллари нималардан иборат?

Бозор муносабатларини талаб даражасида ташкил қилиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва шу асосида иқтисодий тараққиётга эришиш кредитдан фойдаланишни, банклар фаолиятининг самарадорлигини оширишни, кредитдан фойдаланишда салбий ҳолларнинг олдини олишни тақозо қилади. Ҳозирги вақтда тижорат банклари томо-

нидан бериладиган кредитларнинг салмоғи ва сифати соҳасида анча муаммолар мавжуд.

Ҳар бир жамиятда банк тизими иқтисодиётнинг муҳим ва ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Тарихан товар ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг ривожланиши банкларнинг ривожланиши билан ўзаро боғлиқ ҳолда тараққий қилиб борган. Банклар хўжаликларга кредит бериш, корхона, ташкилотлар ўртасида ҳисоб-китобларни ўтказиш жараёни, капитал ҳаракатида воситачи сифатида майдонга чиқади. Бозор иқтисодиёти шароитида банк тизимида катта таркибий ўзгаришлар юзага келди ва банкларнинг таркиби ва улар бажарадиган функциялар ҳамда уларга юкланган вазифаларнинг моҳияти ва сифати ўзгариб бормоқда. Банклар маъмурий-буйруқбозлик тизимида ишлашдан янги бозор муносабатлари шароитида ишлашга ўтди. Бозор муносабатлари шароитида ишлаш банклардан янги хизмат турларини татбиқ қилишни, мижозларнинг қизиқишларини ҳисобга олишни, уларга хизмат кўрсатишнинг янги усулларини жорий қилишни, янги кредит воситаларини банк фаолиятида қўллашни, турли хил кредит институтларининг барпо қилишни тақозо қилди.

Бозор иқтисодиёти банкларнинг ўрни ҳамда фаолиятининг муҳимлиги, пул, кредит ва банк тизимининг такомиллашиб боришини, шу соҳада малакали кадрлар тайёрлашни ва мавжуд муаммолар ечимини топишни тақозо қилади.

Мазкур дарслик “Пул, кредит ва банклар” курсининг ўқув дастури асосида яратилган бўлиб, ушбу йўналиш соҳаларига тааллуқли бўлган мавзуларни ўз ичига олади. Бу дарсликда бозор иқтисодиёти нуқтаи назаридан иқтисодий категориялар ва уларга тааллуқли бўлган масалалар кўриб чиқилди. Бу курс иқтисодий фанларни аниқ мустақил йўналишларидан бўлиб, ишлаб чиқариш муносабатларининг махсус бўлими – пул, кредит, банклар биржалар билан боғлиқ соҳалардаги иқтисодий муносабатларнинг ифодасини ўзида акс эттиради. Дарслик умумиқтисодий назария таълимотлари, хорижий олимларнинг тадқиқотларини эътиборга олган ҳолда тадқиқот қилиш асосида яратилган.

Дарсликда бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласи ва кредитнинг ривожланиш қонуниятлари, асосий тамойиллари, банклар ва банк операцияларининг олиб борилиши ва валюта тизимининг ривожланиш босқичлари каби масалалар ўз ифодасини топган.

Мазкур дарслик, аввало, иқтисодиёт олий ўқув юртлари талабалари, илмий ходимлар, аспирантлар, тижорат банклари ва Марказий банк ходимлари, молия ташкилотларининг ходимлари ва шу соҳа билан қизиқувчилар учун мўлжалланган.

I боб. Пулнинг зарурлиги ва моҳияти

1-§. Товар ишлаб чиқариш ва пулнинг зарурлиги

Ҳар бир иқтисодий категорияда амал қилувчи ҳамда мамлакат ривожланишининг асосий дастакларидан бири пул бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтиш ва унда иш юритишда пулнинг мавқеи ва аҳамияти янада ошиб боради. Дарҳақиқат, пул - «бозор тили» деб бекорга айтишмаган. Ҳар бир иқтисодий ахборот, товарлар ва хизматлар баҳоси, тўловлар, даромадлар ва харажатлар, молиявий талаблар ва мажбуриятлар, иқтисодий алоқалар макро ва микро даражаларда фақат пулда ифода қилинади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида пулнинг аҳамиятининг ошиши шундаки, жамиятимизда мавжуд юридик ва жисмоний шахслар фаолияти ҳамда уларнинг натижаси даромади пул билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам, пул барча иқтисодий ривожланиш поғоналарида одамларни ўзига жалб қилиб келган.

Австралиялик иқтисодчи олим К. Менгернинг фикрича, Арасту ва Афлотундан бошлаб XX асрнинг бошигача пул тўғрисида жаҳонда беш-олти мингдан ортиқ махсус ишлар чоп қилинган. Агар биз, ҳозирги кунда пул тўғрисида ёзилган ва чоп қилинган адабиётлар сони бир неча марта ошиб кетган, десак муболаға бўлмаса керак. Тадқиқотлар шунчалик кўп бўлишига қарамасдан, пул ва унинг хусусиятлари, ҳар бир тизимда ишлатилиши, роли, иқтисодиётга таъсири, нега алоҳида олинган индивидумлар қўлида пулнинг кўпайиши, улар бойлигининг кўпайишига олиб келади-ю, жамият миқёсида муомаладаги пул массасининг кўпайиши жамият бойлиги ортиб боришига салбий таъсир кўрсатади, деган саволларга ҳали тўлиқ жавоб берилган эмас.

Пул ва унинг вазифалари тўғрисида мавжуд хорижий мамлакатлар иқтисодчиларининг қўлланмаларини олиб қарайдиган бўлсак, пулнинг келиб чиқиши тўғрисида икки хил ғоя мавжудлигини кўришимиз мумкин. Булар рационалистик ва эволюцион ғоялардир.

Рационалистик қарашнинг асосчиларидан бири Арасту бўлиб, у пулнинг келиб чиқишининг асосини ўзаро бир-бирига тенг қийматни ҳаракатга келтирувчи бирор бир махсус «қурол», кишилар орасида ўзаро келишув натижасида қабул қилинган шартли бирлик эканини айтади. Ўзаро товарларни алмаштиришда пул қатнашмаганда, товарни сотиш жараёни товарни сотиб олиш жараёни сифатида юзага келган. Товарлар ўртасидаги пропорция тасодифан, масалан, соти-

лиши керак бўлган маҳсулотга талаб қай даражада ва унинг миқдори кам-кўплигига боғлиқ ҳолда ўрнатилган. Кейинчалик, шу товарлар ичидан умумий эквивалент сифатида баъзи товарлар ажралиб чиқди. Жамиятнинг ривожланиши муомалага металларнинг кириб келишига олиб келади.

Ривожланишнинг биринчи босқичларида мис, бронза, темир ишлатилиб, алмашинув Т-П-Т шаклида олиб борилган. XVIII асрларнинг охиригача пул томонлар ўртасидаги шартнома воситаси деб қараб келинган. Ҳозирги вақтда ҳам баъзи чет эл олимлари, масалан, Поль Самуэльсон пулни сунъий социал шартлашиш белгиси[1] деб изоҳлаган. Бошқа америкалик олим Жон Гелбреит қимматбаҳо металларнинг пул вазифасини бажариши бу кишилар ўртасидаги келишувнинг маҳсули эканлигини уқтиради.

Узоқ йиллар давомида собиқ СССРда пул ва пул муомаласи соҳасидаги тадқиқотлар К. Маркснинг таълимоти асосида олиб борилган. У пулнинг келиб чиқишини тадқиқ қилишда А. Смит, Д. Рикардоларнинг тадқиқотларига асосланган ҳолда, пулнинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган. Шунингдек, у пулнинг ўзи ҳам товар эканлигини, пулнинг келиб чиқиши босқичларини изоҳлаб бера олди. У олтин ва кумуш қазиб олиш ва ишлатиш учун маълум меҳнат сарфланади, шу меҳнат олтин ва кумушда гавдаланган ҳолда, бошқа товарларнинг қийматини ўлчашнинг асоси бўлиб хизмат қилади, деб кўрсатган. Ҳозирги вақтда юқоридагига ўхшаган реал пуллар ўрнига ўз қийматига эга бўлмаган қоғоз ва кредит пуллар муомалада ишлатилмоқда. Шунинг учун қоғоз ва кредит пуллар пул келиб чиқиши тўғрисидаги рационалистик концепциянинг тўғридан-тўғри исботи бўла олмайди. Қоғоз пуллар юзага келгунча, жамият бир неча ривожланиш босқичларини босиб ўтган.

Пулнинг келиб чиқиш тарихи кўпроқ пулнинг эволюцион назарияси билан боғлиқ. Товар муомаласининг эволюцион ривожланиш жараёнида умумий эквивалент шаклини ҳар хил товарлар ўйнаган. Ҳар бир жамоа ўз товарини эквивалент сифатида ўртага қўйган. Лекин жамият тараққиёти шу товарлар ичидан икки гуруҳ товарларнинг ажралиб чиқишига олиб келди. Булар– биринчи эҳтиёж учун зарур бўлган товарлар ва зебу зийнат товарларидир.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида деҳкончилик ва чорвачиликдаги меҳнат тақсимоти, товар турларининг кўпайиши алмашинув жараёнининг янада ривожланишини тақозо қилди. Алмаши-

[1] Самуэльсон П. Экономика .- М.:1964, - 64 б.

нув жараёнида товар эгалари ўзаро мулоқотда бўлиб, товарнинг эгаси ўз маҳсулотини (мулкини) баҳолаган. Шу баҳолаш жараёни бирор ўлчов бирлиги бўлишини тақозо қилган.

2-§. Пулнинг моҳияти ва унинг хусусиятлари

Ўтган асрдаги иқтисодчилар пул – бу товарларнинг товари, деб ифодалашган ва унинг қуйидаги хусусиятларини изоҳлаб беришган: Биринчидан, пулнинг истеъмол қийматида бошқа товарларнинг қиймати ўз ифодасини топади. Иккинчидан, пулда ифодаланадиган аниқ меҳнат асосини абстракт меҳнат ташкил қилади. Учинчидан, пулда ифодаланувчи хусусий меҳнат ижтимоий меҳнат сифатида намоён бўлади.

Шунга асосланган ҳолда, пул ҳам товар, лекин бошқа товарлардан фарқ қилувчи хусусиятларга эга бўлган махсус товар деган хулосага келиш мумкин. Унинг махсус товар сифатида хусусияти шундаки, у барча товарларнинг қийматини ўзида ифода қилувчи, умумий эквивалент ҳисобланади.

Умумий эквивалент ролини узоқ йиллар давомида олтин бажариб келган бўлса-да, товар хўжалигининг ва пул муомаласининг ривожланиши қоғоз пуллар, бошқа кредит воситалари юзага келишига, кредит ва пул маблағларининг банкда бир счётдан иккинчи счётга ўтказилиши каби жараёнлар бўлишига олиб келган.

Пул қандай шаклда бўлишидан қатъий назар пул бўлиб қолаверади. Юқоридагиларга асосланган ҳолда, пулнинг моҳиятини қуйидагича таърифлашимиз мумкин. Пул – бу махсус товар, умумий эквивалент бўлиб, абстракт меҳнат харажатларини ўзида акс эттиради ва товар хўжалигидаги ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини ифодалайди.

Бу таъриф пулнинг барча хусусиятларини ўзида тўлиқ ифодалайди, деб айтишимиз мумкин. Булар, биринчидан; пулнинг бошқа товарлардан ажралиб турувчи махсус товарлиги; иккинчидан пул бу умумий эквивалент ягона товар бўлиб, қолган товарларнинг қийматини ўзида ифода қилиши, (бошқа хоҳлаган бир товар бу хусусиятга эга бўла олмайди); учинчидан, пулнинг эквивалент сифатида товарни яратишга кетган меҳнат ва бошқа харажатларини ўзида ифода қилиши; тўртинчидан, пулнинг ҳар бир иқтисодий тизимда, товар ишлаб чиқаришда кишилар ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатларини ифода қилиши ва бошқалардир.

Пул тўғрисидаги эволюцион назария унинг ўлчов бирлиги ва муомала воситаси эканлигини очиб беради.

Чет эл иқтисодчилари пулнинг иқтисодий категория сифатида моҳияти ва зарурриятига кам эътибор қаратганлар. 1857 йилда таниқли инглиз иқтисодчиси У.Джевонс, иқтисодий фанлар учун пул масаласи бу геометриядаги айлана квадратурасига тенг демакдир, деган экан. Шунинг учун чет эл иқтисодчилари бу бобни четлаб ўтишган. XX асрнинг 50 - йилларидаги дарсликларнинг муаллифлари пулнинг моҳиятидан кўра унинг иқтисодиётга, ишлаб чиқариш ва бандлик, моддий ресурслар ва улардан фойдаланишга таъсирини ўрганиш муҳимроқдир, деб таъкидлашган ва кўп чет эл олимлари шу йўналишда иш олиб боришган. Ҳозирги вақтда пул тўғрисида бизда мавжуд чет эл адабиётларида кўрилган масалалар фикримизнинг исботи бўлиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, бозор иқтисодиётга ўтиш шароитида пулнинг зарурлиги, моҳиятини тадқиқ қилишдан кўра, пулнинг иқтисодиётга, ишлаб чиқаришга, бандликка таъсирини тадқиқ қилиш жамиятимиз учун аҳамиятлироқ деб ўйлаймиз.

Пулнинг турлари

Пул ўзининг эволюцияси жараёнида металл (олтин, кумуш, мис), қоғоз, кредит пуллар шаклида ишлатилиб келган. Қийматни ўзида ифодалашига кўра пуллар икки турга бўлинади:

– ҳақиқий пуллар;

– ҳақиқий пул издошлари - қиймат белгилари.

Ҳақиқий пуллар номинал қийматини ўзида ифодаловчи, реал қийматга эга бўлган металл пуллар бўлиб, улар ҳар хил шаклларда чиқарилган ва кейинчалик амалиётда қулай бўлган айлана (шу шаклда металл емирилиши кам бўлади) шаклда чиқарилган. Тарихий маълумотларга кўра, биринчи тангалар бундан 26 аср олдин Лидия ва Хитойда, VII асрларда ҳозирги Марказий Осиё давлатларида, ИХ-Х асрларда Киев Русида зарб қилинган. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида тангалар, асосан, олтиндан зарб қилинган, кейинчалик, олтин ва бошқа қимматбаҳо металларни қазиб чиқариш қийинлашуви, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва тўлов, муомала воситасига бўлган эҳтиёжнинг ошиши натижасида муомалага қиймат белгиларини киритиш зарур бўлиб қолди. Олтин ва кумуш муомаладан йўқола борди.

Қоғоз пуллар. Пулнинг бу тури ҳақиқий пулларнинг вакили бўлиб, пулнинг муомала функцияси ривожланиши натижасида юзага келган.

Қоғоз пуллар юзага келишининг қуйидаги босқичларини келтириш мумкин.

1-босқич – тангаларнинг узоқ вақт муомалада бўлиши, қўлдан-қўлга ўтиши натижасида емирилиши;

2-босқич – тангадаги металл таркибининг бузилиши. Давлат томонидан онгли равишда давлат хазинасига тушумни ошириш мақсадида тангалар металл (олтин, кумуш) миқдорининг камайтирилиши;

Бу босқичда танга таркибининг бузилишига олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо металларни қазиб чиқариш қийинлиги, улар захираларининг камлиги ҳам сабаб бўлган.

3-босқич – давлат томонидан эмиссион даромад олиш мақсадида хазина билетларининг чиқарилиши.

биринчи қоғоз пуллар XII асрда Хитойда чиқарилган, деб кўрсатилади. Лекин тарихий маълумотларга қараганда, 700 йилларда кумуш тангалар чиқарилгунга қадар, Бухоро давлатида қоғоз материаллардан пул сифатида фойдаланилган экан.

Қоғоз пуллар Америка ва Европада XVII- XVIII асрларда, Россияда 1769 йилда чиқарилган.

Қоғоз пуллар деб, ҳукумат томонидан бюджет тақчиллигини қоплаш учун чиқарилган, металл пулларга алмаштирилмайдиган, лекин давлат томонидан маълум курс ўрнатилган пул белгиларига айтилади.

Тўла олтин ва кумушдан бўлмаган тангалар муомалада пул сифатида ишлатилса-да, уларнинг номинал миқдори реал миқдоридан фарқ қилган. Шундай бўлса ҳам, бу тангалар маълум миқдордаги металлни ифодалаган. Қоғоз пуллар бўлса, муомалага чиқарилган вақтда ва кейин ҳам узоқ йиллар давомида маълум бир миқдордаги олтинни ўзида ифода қилган. Аммо бирор давлатнинг пулида металлнинг зарраси ҳам бўлмаган, яъни улар қийматни белгилаб берган, холос.

Қоғоз пулларнинг эмитенти давлат хазинаси ёки эмиссион банк ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида муомалага пул белгиларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки чиқаради. Қоғоз пулларнинг табиати уларнинг инфляцияга мойиллигини кўрсатади. Қоғоз пулларни муомалага чиқаришда пул муомаласи қонуни талабларини эътиборга олиш керак. Лекин амалиётда ҳар доим ҳам шу талаблар эъти-

борга олинавермайди. Пул муомалага товар айланмаси эҳтиёжини қоплаш учунгина чиқарилиши керак. Ҳақиқатда пул юқоридагидан ташқари, бюджет тақчиллигини, давлатнинг бошқа харажатларини қоплаш учун ҳам чиқарилади, яъни эмиссия миқдори товар айланмаси билан чекланмасдан давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган талабларига ҳам боғлиқ бўлади. Бу, албатта, муомаладаги пул массасининг ўзгариб туришига, аксарият ҳолларда унинг муомалага керагидан ортиқча чиқиб кетишига олиб келади. Натижада пулнинг барқарорлигига путур етади, унинг қадри тушади, халқнинг давлатга бўлган ишончи пасаяди, тўлов балансининг барқарорлиги йўқолади, (пассив қолдиқ ҳажми ортади) миллий валюта курси тушади ва ҳ. к.

Кредит пуллар

Ишлаб чиқариш ва товар айланмасининг ривожланиши, металл пулларнинг етишмаслиги кредит муносабатларининг ривожланишига олиб келади. Товар ва тўлов айланмасининг эҳтиёжини қоплаш мақсадида муомалага олтин, кумуш тангалар билан бир қаторда кредит воситалари: чек, вексель, банкноталар чиқарилган.

Кредит пуллар деб кредит муносабатлар асосида юзага келувчи, тўлов воситасини бажарувчи қиймат белгиларига айтилади.

Кредит пуллар ўзининг мустақил қийматига эга эмас, чунки уларни яратиш учун абстракт зарурий меҳнат сарфланмайди. Кредит пуллар қоғоз пуллардан фарқ қилиб, улар бир вақтнинг ўзида қийматни ифодалайди ва у кредит ҳужжат бўлиб, кредитор ва қарз олувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатни акс эттиради. Кредит пулларнинг асосий турларидан бири векселдир.

Вексель – бу қарздорнинг (оддий вексель) ёки кредиторнинг (ўтказма вексель - тратта) кўрсатилган суммани, кўрсатилган вақтда ва жойда тўлаш тўғрисидаги ёзма мажбурияти ҳисобланади.

Тижорат векселларнинг оддий ва ўтказма турлари мавжуд. Ундан ташқари, маълум суммани қарзга бериш билан боғлиқ бўлган молиявий векселлар мавжуд. Молиявий векселнинг бир тури хазина векселлари бўлиб, уларда давлат қарздор сифатида иштирок қилади.

Яна векселларнинг ўртоқлик, бронза вексель турлари мавжуд.

Банкнота – кредит пулларнинг етакчи вакилларидан бўлиб, Марказий банк томонидан, векселларни ҳисобга олиш йўли билан чиқарилади.

Ўтмишда банкнота муддатсиз мажбурият бўлиб, хоҳлаган вақтда уни банкка топшириб, ўрнига унда кўрсатилган суммага олтин ёки кумуш олиш мумкин бўлган.

Вексель банкнотадан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

– вексель маълум муддатни ўзида ифодалайди (3-6 ой муддатга эга бўлган вексель), банкнота маълум муддат билан чегараланмайди.

– вексель бўйича векселни берган томон уни тўлашни кафолатласа, банкнотада уни тўлашни давлат (давлат банки) кафолатлайди.

Банкнота қоғоз пуллардан қуйидагилар билан фарқ қилади:

– келиб чиқиши бўйича қоғоз пуллар асосан муомала воситаси функциясини бажариш асосида, банкноталар тўлов воситаси функцияси асосида келиб чиққан:

– алмашинуви бўйича, банкноталар олдин олтин ва кумушга алмаштирилган, қоғоз пуллар эса металларга ҳеч қачон алмаштирилмаган;

– эмиссия қилиниши бўйича қоғоз пулларнинг банкноталардан фарқи бўлган (хазина билетларини Молия вазирлиги, банкноталарни Марказий банк чиқарган)ва ҳ. к.

Ҳозирги замон банкноталари олтинга алмашилмайди. Лекин улар қуйидаги йўллар билан пул муомаласига келиб тушади:

– хўжаликларни банк томонидан кредитлаш орқали берилган кредитларнинг бир қисми муомалага кириб келади;

– давлатни кредитлаш. Яъни банкноталар давлатнинг қарз мажбурияти сифатида муомалага чиқади;

– актив тўлов балансига эга бўлган давлатларда расмий валюта захираларининг ўсиши орқали ва бошқалар;

Чек вексель ва банкнотадан кейин пайдо бўлган кредит воситаси ҳисобланиб, тўловчининг ўз банкига унинг счётидан маблағни олувчининг счётига ўтказиб қўйиш тўғрисидаги буйруғидир.

Биринчи чеклар тахминан 1683 йилларда Англияда қўлланила бошлаган.

Чекнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Исми ёзилган чек – бу чек бир киши номига ёзилади ва уни бошқага бериш мумкин эмас.

2. Ордерли чек – бир киши номига ёзилган ва уни индоссамент бўйича бошқа шахсга бериш мумкин.

3. Кўрсатилганда тўланиши лозим бўлган чек.

4. Ҳисоб чеки – нақд пулсиз ҳисоб-китобларда қўлланиладиган чек.

5. Акцептланган чек – банк чекни тўлаш бўйича розилик беради ва бошқалар.

Чек ёрдамида банкдан нақд пул олиш мумкин. У билан тўловларни ва бошқа ҳисоб-китобларни амалга ошириш мумкин.

Ҳозирги вақтда кредит пулларнинг замонавий турлари сифатида электрон пуллар ва кредит карточкалардан фойдаланилмоқда.

Банклар фаолиятида ЭҲМ лардан фойдаланиш электрон пуллар ёрдамида қарзларни тўлашни тезлаштиради. АҚШда пул маблағларининг электрон ўтказиш тизими – ЕФЦ (Елестронис Фундс Трансферт Систем) айланманинг самарали бўлишини таъминламоқда.

Ҳозирги замон амалиётида қўлланилаётган кредит карточкалар нақд пуллар ўрнига ҳисоб-китобларни олиб бориш учун чиқарилган бўлиб, улар жуда қулай ва бир қатор афзалликларга эга. Кредит карточка билан барча турдаги чакана савдо ва хизматларга ҳақ тўлаш мумкин. Ҳозирги вақтда кредит карточкалар банк, савдо хизматларини тўлашга мўлжалланган.

Қуйидаги таянч сўзларни таърифланг.

1. Товар.
2. Бартер.
3. Олтин.
4. Пул.
5. Қиймат.
6. Умумий эквивалент.
7. Алмашув тенглиги.
8. Баҳо.
9. Баҳолар масштаби.
10. Пулнинг моҳияти.
11. Банкнота.
12. Металл пул.
13. Қоғоз пуллар.
14. Пул қиймати.
15. Кредит пуллар.
16. Ҳақиқий пуллар.

Мавзуга оид саволлар

1. Пул ўзига хос товар сифатида қандай ажралиб чиққан?
2. Пулнинг моҳияти деганда нимани тушунасиз?
3. Пулнинг харид қобилияти деганда нимани тушунасиз?
4. Пул товар қийматининг умумий эквиваленти сифатида.
5. Пулнинг ўзига хос хусусиятлари.
6. Бозор иқтисодиёти шароитида пулнинг аҳамияти.

II боб. Пулнинг функциялари ва роли

1-§. Пулнинг функциялари ва уларга тавсиф

Пул иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттира туриб, маълум функцияларни бажаради. Пулнинг моҳияти унинг бажарадиган функцияларида янада яққолроқ намоён бўлади.

Пулнинг функцияси тўғрисидаги савол бир вақтнинг ўзида ҳам қийин ҳам жуда осон саволдек туюлади.

Бу саволнинг соддалиги шундаки, пулнинг функциялари реал ҳаётга яқин ва иқтисодий амалиётдаги мавжуд жараёнларни ўзида ифодалайди.

Қийинлиги шундаки, пулнинг функциялари, уларнинг моҳияти иқтисодчилар томонидан ҳар хил талқин қилинади. Иқтисодий адабиётларда пулнинг турли хил функцияларини учратиш мумкин.

Биз пулни иқтисодий категория деб қараб, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган функцияларини таҳлил қилиб, пул асосан тўрт функцияни бажаради, деган фикрни таъкидламоқчимиз. Булар: қиймат ўлчови, муомала воситаси, тўлов воситаси ва жамғарма воситаси функциялари.

Пул қиймат ўлчови сифатида. Пулнинг биринчи функцияси унинг қиймат ўлчови эканлигидир, яъни пул барча товарларнинг қийматини ўлчайди, уларнинг баҳосини аниқлашда воситачи бўлиб хизмат қилади.

Қиймат ўлчови функциясида пул товар ишлаб чиқаришга сарфланган ижтимоий меҳнатни ифодалайди ва шу меҳнат асосида товарнинг қийматини белгилайди. Пулнинг бу функциясида нақд пуллар эмас, нақдсиз пуллар иштирок қилади. Масалан, биз савдо дўконига кириб, бирон товарнинг баҳосини кўриб, баҳо шу товарга арзийдими ёки товарга баҳо юқори аксинча паст қўйилганми – шу тўғрида ўзимизнинг хулосамизга эга бўлишимиз мумкин. Мана шу бизнинг хулосамиз асосида пулнинг қиймат ўлчови функцияси ётади.

Пулнинг қиймат ўлчови функциясида бир товарнинг қиймати иккинчи бир товар қиймати орқали ифода қилинади. Агар тарихан олиб қарайдиган бўлсак, бу вазифани ўз қийматига эга бўлган товар-олтин ёки олтиннинг ўзида ифодалайдиган пул бирликлари бажариб келган.

Пулнинг қиймат ўлчови функцияси қиймат қонунига асосланиб аниқланади.

Пулнинг қиймат ўлчови функцияси баҳолар масштабини ўрнатишни талаб қилади.

Баҳолар масштаби ҳуқуқий характерга эга бўлиб, у давлат томонидан ўрнатилади ва товар қийматига асосланган ҳолда унинг баҳосини ифодалайди. Баҳолар масштаби орқали, фикран намойиш қилинган товар баҳоси давлат баҳоси ёки бозор баҳосига айланади ва миллий пул бирлигида ифодаланади.

XX асрнинг 80 - йиллари охиригача баҳолар масштаби деб, давлат томонидан тасдиқланган, товар қийматини ўлчаш ва баҳолар белгилаш учун киритилган, маълум олтин миқдорини ўзида ифодалаган пул бирлигига айтилган. Қарийб 30 йил давомида 1961 йилдан бошлаб собиқ Иттифоқда баҳолар масштаби қилиб 1 рубль қабул қилинган ва у 0,987412 грамм олтинга тенглаштирилган эди. XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб, Иттифоқда пул бирлигини олтинга тенглаш ғояси ўз кучини йўқотди. Ваҳоланки, бошқа кўпгина мамлакатлар амалиётида бу тенглаштириш 70 - йиллардан бошлаб эътиборга олинмади. Ривожланган иқтисодиётга эга бўлган мамлакатларда валютани олтинга тенглаштириш ҳал қилувчи дастак эмаслигини уларнинг иқтисодий ва социал тараққиёти исботлаб берди.

XX асрнинг 60 - йилларида янги пул ислоҳоти ўтказилганда, девальвация ёки ревальвацияда давлат қонуний равишда баҳолар масштабини, пул бирлигининг олтин миқдорини, баҳоларни белгилаш учун ўрнатиб берган. Пул бирлиги маълум миқдор олтинга тенглаштирилган бўлса-да, муомалага чиқарилган пул бирликлари ҳеч қачон олтинга алмаштирилган эмас. Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда жаҳондаги бирор мамлакат ўз пулини олтинга алмаштирмайди. Баъзи мамлакатлар пул бирлигини олтинга тенглаштирса-да, пул бирлигига тўғри келиши мумкин деб белгиланган олтин миқдорини муомаладаги пул бирлигига алмаштириб бермайди. Шунинг учун бу тенглаштириш ўзининг иқтисодий моҳияти ва кучини йўқотганлиги аниқ. Чунки олтин оддий товарга айланди ва унинг қиймати ҳам пулда ифодаланадиган бўлди. Пулнинг функциялари олтиндан ажралди, ўзгарувчан валюта курслари жорий қилинди.

Ҳозирги вақтда баҳолар масштаби талаб ва таклиф таъсирида ташкил топади ва баҳо орқали товарлар қийматини ўлчашга хизмат қилади. Шуни таъкидлаш керакки, пул ёрдамида товарлар тенглаштирилади. Иккала томон учун ҳам тенглаштиришнинг асоси бўлиб абстракт меҳнат ҳисобланади.

Товар қийматининг пулда ифодаланиши баҳо дейилади. Баҳо – бу идеал шаклда онгимиздаги қиймат ўлчови. Қиймат ўлчови вазифасини фикран ифода қиладиган пулимиз бажаради, баҳо эса тўла тўкис реал моддий бойликларнинг қийматини ифода қилади.

Қиймат шаклига эга бўлган товар, баҳога ҳам эга бўлади. Пул ўзи ўз баҳосига эга эмас, унинг қиймати ўзи билан аниқланиши мумкин эмас. Баҳо ўрнига пул сотиб олиш қобилиятига эга. Пулнинг сотиб олиш қобилияти деганда пул бирлигига тўғри келувчи товарлар ва хизматлар миқдори тушунилади. Агар пул бирлигига тўғри келувчи товарлар миқдори (сони) қанча кўп бўлса, пулнинг сотиб олиш қобилияти ҳам шунча юқори бўлади ва аксинча.

Муомала воситаси функцияси. Муомала воситаси функциясида пул ёрдамида товар ўзининг пул қийматига айирбош қилинади. Бу функцияни бажариш учун нақд пул бўлиши лозим. Бу функция ёрдамида товарларни бир-бирига айирбошлаш-бартер усулига чек қўйилади. Тарихий тараққиёт кўрсатадики, жамият ривожланишининг илк босқичларида бартер меҳнат маҳсулини айирбош қилишнинг ягона йўли бўлган. Бартернинг ноқулайлиги шундан иборат бўлганки, А товар эгаси, Б товарни сотиб олиш учун, нафақат Б товар ишлаб чиқарувчини, балки Б товар эгасига зарур бўлган товарни ҳам топа олиши керак эди. Бу жуда қийин жараён бўлиб, юзлаб товарларни муомалага жалб қилган ҳолда кўзлаган мақсадга эришиш мумкин бўлган. Олтиннинг пул сифатида ишлатила бошлаши натижасида бартер усули товар айирбошлашнинг усули сифатида ўз аҳамиятини йўқотди. Лекин шуни таъкидлаш керакки, бартер усули ҳозирги кунда ҳам баъзи ҳолларда жаҳон амалиётида қўлланилиб келмоқда.

Товар дефицити, инфляция суръатларининг ошиб кетиши, мамлакатда сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг йўқлиги шароитида бартер бўйича товарлар ҳаракатини амалга ошириш томонлар учун қулай ҳисобланади.

Пулнинг муомала воситаси функциясида товар қўлдан қўлга ўтади ва муомаладан четлашади, яъни истеъмолчи эгалигига ўтади. Пул ва товарнинг ҳаракати (Т-П-Т) қисқа вақт ичида тугалланади.

Қийматнинг доимо бир шаклдан иккинчи шаклга (товар-пул ва пул-товар) ўтиб туриши пулнинг муомала воситаси функциясининг асосини ташкил қилади.

Шунинг учун ҳам, бу функцияни бажаришда нақд пул бўлиши, у барқарор, сифати юқори бўлиши керак.

Ўзбекистонда муомала воситаси функциясини Марказий банк томонидан чиқарилган қоғоз пуллар ва металл тангалар бажаради. Муомалага чиқариладиган нақд пуллар миқдори савдо-сотиқ ҳажмига, иш ҳақи тўлашнинг вақтига, аҳолининг банкдан қарзга маблағлар олиш имкониятига ва бошқа омилларга боғлиқ. Савдо-сотиқ ҳажмининг кўплиги ва иш ҳақининг тез-тез тўлаб турилиши муомалага кўп пул чиқариш зарурлигидан, аҳолининг банкдан кўпроқ кредит олиш имкониятига эга эканлиги камроқ муомала воситаси керак эканлигидан далолат беради. Шуни айтиш керакки, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, натурал хўжалик, кичик корхона, фермер хўжаликларининг кўпайиши муомала воситасига бўлган талабни камайтиради.

Пулнинг муомала воситаси сифатида ишлатилиши муомала харажатларининг бартер харажатларига нисбатан анча паст бўлишини таъминлайди. Пулнинг муомала воситаси функцияси унинг бошқа функцияларидан ўзининг маълум хусусиятлари билан ажралиб туради. Муомала воситаси функциясининг хусусиятлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– бу функцияни реал, нақд пуллар бажаради;

– товар ва пул бир-бирига қарама-қарши, бир траекторияда ҳаракат қилади;

– товар ва пул ҳаракати бир вақтда юзага келади;

– товар сотувчи ва товар сотиб олувчи ўртасидаги муносабат тугалланади ва томонлар товарга ёки пулга эга бўладилар;

– пул муомала воситаси бўлиши учун, аввалambор қиймат ўлчови бўлиши керак.

Пулнинг тўлов воситаси функцияси. Мавжуд чет эл иқтисодий адабиётларида ва кейинчалик,[1] Россия олимлари томонидан чоп қилинган адабиётларда, пулнинг муомала воситаси функцияси унинг тўлов воситаси эканлигидан далолат беради, деган каби чалкаш хулосаларни учратиш мумкин. Лекин биз юқорида келтирилган муомала воситаси функциясининг хусусиятлари тўлов воситаси функциясига ҳам мос келади, деб айта олмаймиз. Бу хусусиятлар пулнинг тўлов воситаси функцияси муомала воситаси функциясидан тубдан фарқ қилишини кўрсатади.

Товарлар ҳар доим ҳам нақд пулга сотилавермайди. Товар сотувчи товарни сотиш учун муомалага олиб чиққан вақтда товарни сотиб

[1] Кэмбелл Р., Макконел. Экономикс,- М.: 1993 г. с. 264
Стэнли Л. Брю, Э. Дж.Долан. «Деньги, банки и денежно-кредитная политика» с. 25-30

олиш учун истеъмолчининг етарли нақд пули бўлмаслиги мумкин. Натижада товарни кредитга сотишга зарурат туғилади, яъни товарнинг пулини тўлаш муддати кечиктирилади. Товар кредитга сотилганда, пул товарнинг баҳосини аниқлашда қиймат ўлчови функциясини бажаради, лекин у муомала воситаси бўла олмайди. Истеъмолчи сотиб олган товари учун унинг пулини тўлов муддати келгандан кейингина тўлайди. Бу ҳолда товар ва пулнинг ҳаракати бир траекторияда, бир вақтнинг ўзида, бир-бирига қарама-қарши тура олмайди.

Товар ҳаракати амалга ошгандан маълум вақт ўтгандан кейин пул ҳаракати содир бўлади. Тўлов воситаси функциясининг асосий хусусияти товар ва пул ҳаракатининг бир вақтда амалга ошмаслиги, ҳаракатнинг бир томонламалиги ва ҳаракатда бўлинишлар мавжудлигидадир.

Пулнинг тўлов воситаси сифатида ишлатилиши нафақат товар кредитга сотилганда содир бўлади, балки барча жараёнларда товарлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ўша заҳотиёқ нақд пулда амалга оширилмаса, бундай иқтисодий муносабатлар пулнинг тўлов воситаси функцияси юзага келишидан далолат беради.

Тўлов воситасида сотувчи товарнинг пулини олгунча товар истеъмолчи ихтиёрига келиб тушади ва у ўз эҳтиёжини қондириш учун товардан тўла фойдаланиши мумкин.

Агар товар учун тўлов олдиндан (аванс) амалга ошириладиган бўлса, товар маълум вақтдан кейин истеъмолчи ихтиёрига тушуши мумкин. Демак, иккала ҳолда ҳам товар ва пул ҳаракати бир вақтнинг ўзида амалга ошмайди. Чунки товар айланиши (Т-П-Т) узилади ва пул ҳаракати товар ҳаракатига нисбий равишда мустақил бўлади. Пулнинг бу ҳаракати тўлов деб айтилади ва бу ерда пул тўлов воситаси сифатида иштирок қилади. Пулнинг тўлов воситаси функцияси товар ишлаб чиқариш ва муомала ривожланишининг юқори босқичлари маҳсули бўлиб, у пулнинг қиймат ўлчови ва муомала воситаси функцияларидан кейинроқ юзага келган, деб хулоса қилиш мумкин.

Тўлов воситаси функциясининг яна бир хусусияти шундаки, сотувчи билан истеъмолчи ўртасидаги муносабат муомала воситасидаги каби қисқа муддатли бўлиб, тезда тугалланмайди. Тўлов воситаси функциясида истеъмолчи товарга эга бўлганидан кейин ҳам, у билан мол сотувчи ўртасидаги муносабат узоқ вақт давом қилади. Бу муносабат – кредит муносабати ҳисобланади ва истеъмолчи – қарздор, сотувчи - кредитор сифатида иштирок қилади.

Баъзи иқтисодчиларимиз вексель асосида ўтказиладиган жараёнларни ҳам муомала воситаси функциясига киритадилар. Бу, бизнинг фикримизча, тўғри эмас. Чунки вексель – маълум маблағни тўлаш тўғрисидаги кредит мажбурият, у қийматга эга эмас. Демак, айирбошлашнинг эквиваленти сифатида иштирок қила олмайди. А сотувчи бир миллион сўмлик товарни Б истеъмолчининг векселига алмаштирди, дейлик. Б бир млн. сўмлик товарга эга бўлди. А бўлса, ўз қийматига эга бўлмаган, сотиб олиш қобилияти эмитент томонидан белгиланадиган векселга эга бўлади. Сотувчи А, бир млн. сўмлик векселни сотсагина, пул маблағига эга бўлиши мумкин. Шунга асосан, биз вексель жараёнларини муомала воситасига киришини, тўлиқ ишонч билан таъкидлай олмаймиз. Бу жараёнлар кўпроқ тўлов воситаси функциясига тааллуқлидир. Пулнинг тўлов воситаси функцияси яна турли қарз ва мажбуриятларни тўлаганда:

– корхона, ташкилотлар ўртасида товар ва хизматлар учун тўлаганда;

– давлат бюджетига ва кредит тизимига тўловларни амалга оширганда (фойдадан тўланадиган тўловлар, кредит бўйича қарз ва фоизларни тўлаш ва бошқалар);

– ишчи хизматчиларига иш ҳақи тўлаш ва аҳолига бошқа тўловларни тўлаш (нафақа, стипендия ва бошқалар)да;

– бошқа ҳар хил қарз ва мажбуриятларни тўлаш (масалан, кредит учун тўлов, уй-жой, электроэнергия ва бошқа хизматлар учун тўловлар) да амалга оширилади.

Пулнинг тўлов воситаси функциясининг яна бир хусусияти шундаки, бу функцияда тўловлар нақд пуллик ёки нақд пулсиз шаклда амалга оширилиши мумкин. Бу хусусияти билан ҳам пулнинг тўлов воситаси функцияси муомала воситаси функциясидан фарқ қилади.

Пулнинг бу функцияси ёрдамида амалга ошириладиган нақд пуллик ва нақд пулсиз тўловлар биргаликда тўлов айланмасини вужудга келтиради.

Пулнинг тўлов воситаси функциясини биз иккинчи даражали деб қарашимиз мумкин эмас, чунки бу функциянинг бажарилмаслиги тўловларнинг ўз вақтида амалга ошмаслигига, бу эса ҳозирги кунда мавжуд муаммолар дебитор - кредиторлик қарзларининг кўпайишига, кредит бўйича ва бошқа молиявий мажбуриятларнинг бажарилмаслигига, хўжалик жараёнларининг нормал боришига катта таъсир кўрсатиши мумкин.

Пул жамғарма воситаси. Пулнинг бу функцияси сотиш ва сотиб олиш жараёнига зарурат бўлмаган ҳолда юзага келади. Агар товар ишлаб чиқарувчи товарни сотгандан кейин узоқ вақт давомида бошқа товар сотиб олмаса, пул муомала ва тўлов айланмасидан четлашади. Йиғилган пуллар жамғарма воситаси функциясини бажаради. Товар ишлаб чиқариш ва муомала жараёни пулни жамғаришга имконият яратади. Жамғарма икки йўналишда юзага келиши мумкин. Мақсадли жамғариш ёки умуман жамғариш. Шунақа жамғармалар борки, аниқ бир мўлжал бўлмаган ҳолда йиғиб борилади, мақсадли жамғармада одамлар машина, асбоб-ускуна, уй-жой сотиб олиш ёки бошқа маълум мақсадни амалга ошириш учун маблағ жамғарадилар.

Пулнинг жамғарма воситаси функцияси пулнинг пул айланмасидан чиқиб кетишига олиб келади. Жамғармада пул пул айланмасининг қайсидир каналларида туриб қолади, натижада у мавжуд айланмадан ажралиб маълум вақтгача маблағ айланмасига қайтиб тушмаслиги мумкин.

Пулнинг жамғарма ва бойлик тўлаш воситаси функцияси пул муомаласини стихияли равишда бошқариб боради. Товар ишлаб чиқариш ҳажмининг узлуксиз ўзгариб туриши, пул массасининг доимий ўзгариб туришига олиб келади. Қимматбаҳо металлар, буюмларнинг муомалага келиб-кетиб туриши, пул массасининг ҳажмини ушлаб туриши, пул муомаласи каналларида пул оқими кўпайиб кетишининг олдини олиши мумкин.

Пулнинг муомала воситасидан чиқиб, жамғармага айланиши ва жамғарманинг муомала воситасига айланиши пул тизимини мувозанатда ушлаб турувчи зарурий шарт ҳисобланади.

Пулни жамғаришга ундайдиган омил – унинг махсус товар, умумий эквивалентлиги, яъни бошқа барча товарларга хоҳлаган вақтда алмаштириш мумкинлигидадир. Пулга сифат ва сон жиҳатдан ёндашиш мумкин. Чунки пулнинг сифати, сони бор. Пулнинг сифати чексиз бўлиши, яъни пулни зарур бўлганда хоҳлаган товарга айлантириш имконияти мумкинлигида ўлчанса, сон жиҳатдан, албатта, пул суммаси чекланган бўлиши мумкин, чунки унга чекланган миқдорда товар сотиб олиш мумкин. Демак, пулнинг сифат жиҳатдан чекланганлиги билан сон жиҳатдан чекланмаганлиги ўртасида қарама-қаршилик бор. Мана шу қарама-қаршилик пулни жамғаришга, пул қанча кўп бўлса, уни янада кўпайтиришга интилишга олиб келади. Жамғарма функцияси пул муомаласида асосий бўлмаса-да, уни олиб боришда катта аҳамиятга эга.

Жамғариш, хазина тўплаш қийматнинг қотиб қолишига олиб келади. Хазина тўплаш воситаси вазифасини тарихан олтин, кейинчалик бошқа қиммат баҳо металлар, тошлар бажариб келган ва ҳозирги кунда ҳам шу товарлар бойлик (пул) сифатида жамғарилиб келинмоқда. Хазина сифатида олтин ёки бошқа қимматбаҳо металл, тошларнинг аҳамияти ривожланган мамлакатларда деярли юқори эмас, чунки мамлакат иқтисодий жиҳатдан барқарор бўлса, пулни бирор қимматбаҳо металлда жамлаб қотириб қўйгандан кўра, унга давлат ёки корпорацияларнинг қимматбаҳо қоғозларини сотиб олиб, улардан ҳар йили даромад кўрган анча қулай ҳисобланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатганки, 100 бизнесмендан фақат 4 таси ўз пулини тўғри жамғариб бойиб кетар экан. Қолганлари бўлса, пулни топади, лекин оқилона жамғариш йўлини билмагани учун уни йўқотаркан.

Бозор иқтисодиёти юксак ривожланган мамлакатларда пул маблағини қуйидаги активларга қўйиш афзал ҳисобланади.

Биринчидан, давлатнинг қимматбаҳо қоғозлари, яъни узоқ муддатли облигациялар, қисқа муддатли векселларга қўйиш. Давлатнинг қимматбаҳо қоғозлари кафолатланган бўлади ва уларнинг баҳоси камдан-кам ҳолларда ўзгаради. Ўзгарганда ҳам, сезиларсиз миқдорда ўзгаради. Шунинг учун ҳам, давлатнинг қимматбаҳо қоғозлари юқори ликвидликка эга бўлади.

Иккинчидан, саноат корхоналари ва корпорацияларнинг қимматбаҳо қоғозлари, яъни акция ва облигацияларига қўйиш. Корпорация, корхоналарнинг акция, облигацияларининг ишончлилиги давлатникига нисбатан кам бўлиши мумкин. Чунки уларнинг баҳоси у ёки бу сабаб билан тушиб кетса, қўйилган маблағ кўзланган натижа бермаслиги мумкин.

Агар маблағ иқтисодий барқарор корхоналарнинг қимматбаҳо қоғозига қўйилса, у давлатнинг қимматбаҳо қоғозига нисбатан юқори даромад келтириши мумкин.

Ўзбекистон шароитида корпорация, ассоциация, корхоналарнинг қимматбаҳо қоғозларини чиқариш, уларнинг иккинчи сотилиш бозорини вужудга келтириш ва ривожлантириш бўйича анча ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш ва такомиллаштириш долзарб вазифа ҳисобланади ва бу жараён Ўзбекистон иқтисодини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири бўлиб қолади.

Учинчидан, пулни қимматбаҳо, ноёб буюмларга, санъат асарларига қўйиш йўли билан жамғариш.

Бу усулда иқтисодиётнинг ижобий ва салбий томонга ўзгаришига қарамай буюмда ифодаланган қиймат ўзини йўқотмайди. Агар давлат барқарор иқтисодиётга эга бўлиб, бозор муносабатлари яхши ривожланган бўлса, бу активларнинг ликвидлиги унча юқори бўлмаслиги мумкин.

Пул юқори даражадаги ликвидлиликка эга бўлгани учун, уни хоҳлаган вақтда, хоҳлаган тўловни тўлашга йўналтирилиш мумкинлиги учун, номиналини ўзгартирмаслиги учун пул жамғарма ва хазина тўплаш функциясини бажаради. Пул жамғармаси бойликнинг бир шакли ҳисобланади. Кишилар бойликни фақат пул шаклида эмас, бошқа шакллардан, масалан уй-жой, ер, машина, асбоб-ускуна, акция, облигация ва бошқа шаклда ҳам мужассамлаштириши мумкин. Бойликнинг бу шаклларида ликвидлилик даражаси пулга нисбатан (агар инфляция бўлмаса) паст бўлади ва уларнинг нархи ҳам ўзгариши мумкин. Ер, уй-жой, асбоб-ускуна, қимматбаҳо қоғозларни пулга айлантирмасдан туриб бирор тўловни қоплаш учун йўналтириб бўлмайди. Пулни эса хоҳлаган пайтда турли тўловларни қоплаш учун йўналтириш мумкин.

Инфляция шароитида пулни жамғариш хоҳлаган режани амалга оширишга имкон бермаслиги мумкин. Чунки жамғариладиган пуллар ўз қадрини бир неча марта йўқотиб боради ва унга ишонч йўқолади. Бу шароитда миллий пул бирликлари муомала ва тўлов воситаси ҳамда баҳолар масштаби бўлади, лекин жамғариш воситаси бўлиб барқарор бирор чет эл валютаси муомалага киради ва пул активлари шу валюталарга алмаштирилади. Шу ҳолни 50-йилларда Жанубий Кореяда, 70-йилларда Исроилда, ҳозирги кунларда МДҲ давлатлари амалиётида кўриш мумкин.

Одатда, пул барча функцияларини бир вақтда, кетма-кет бажариши мумкин. Баъзида мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий барқарорликка қараб, пулнинг функциялари бир-биридан ажралиб қолиши ҳам мумкин. Масалан, 40-йилларда Хитойда товарлар баҳоси АҚШ долларида аниқланган. Ҳисоб-китобларда товар сотиш ва сотиб олишда Хитой валютаси қўлланилган. Худди шундай ҳол гиперинфляция даврида Исроилда, Аргентина, Мексика каби мамлакатларда жорий қилинган. Бу мамлакатларнинг миллий валютаси муомала ва тўлов воситаси сифатида ишлатилган.

Адабиётларда[1] пулнинг жаҳон пули функцияси тўғрисидаги ғояни ҳам учратиш мумкин. Бу функцияни бирор валютага боғлаб қўйиш тўғри деб бўлмайди.

Агар биз тарихга эътибор берадиган бўлсак, ташқи савдо, халқаро алоқалар, халқаро кредит муносабатларининг ривожланиши олтиннинг жаҳон пули сифатида қўлланилишига олиб келган. 1867 йилда Парижда қабул қилинган келишувга асосан, олтин давлатлар ўртасида ягона пул (жаҳон пули) сифатида қабул қилинган. 1922 йилда Генуяда ўтказилган конференциядаги валюта битимига асосан, АҚШ доллари ва Англия фунт стерлинги олтиннинг ўринбосари сифатида эълон қилинди ва халқаро тўловларда қўлланила бошлади. 1944 йилдаги Бреттонвуд конференциясидан кейин жаҳон пули функцияси олтинда қолдирилган ҳолда, халқаро тўловларда АҚШ долларидан кўпроқ фойдаланишга имконият берилди. Долларни олтинга алмаштириш бўйича доллар курси белгиланди ва 35 доллар 31,1 гр. олтинга тенг деб қабул қилинди. Кейинчалик ҳар хил валюта блоклари, валюта клиринги ташкил қилинди. XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб халқаро тўловларда ХВФ томонидан киритилган махсус ҳисоб ва тўлов бирлиги СДР (Спесиал Драwинг Ригҳц) қўлланила бошлаган.

1971 йилда СДРнинг олтин миқдори АҚШ долларинikидек 0,888 671 гр. олтинга тенг деб белгиланган. Доллар девальвация бўлганидан кейин, 1 июль 1974 йилдан бошлаб СДР қиймати 16 давлат валютасининг ўртача курси, кейинчалик етакчи беш мамлакат валютаси курси бўйича аниқланадиган бўлди.

1979 йил мартдан бошлаб, Европа валюта тизимига кирувчи мамлакатларда халқаро ҳисоб-китобларни олиб бориш учун халқаро ҳисоб бирлиги – ЭКЮ (Еуропен Сурренсу Унит)ни қўллайдиган бўлишди. ЭКЮ – бу аъзо мамлакатларнинг банкларидаги ҳисоб рақамларига ёзиб қўйиладиган ҳисоб бирлиги. Иқтисодчиларимиз ўртасида пулнинг жаҳон пули функцияси мавжуд деювчилар, биз юқорида қисқача таърифлаган валюта клиринги, СДР, ЭКЮ каби тўлов воситаларига жаҳон пули сифатида қарайдилар. Лекин СДР, ЭКЮлар асосан, тўловларни амалга оширишда қўлланилади. Бу жараён эса пулнинг тўлов воситаси функциясида ўз аксини топади. Бу ҳолда тўлов жараёни мамлакат ичидагина эмас, давлатлараро муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

[1]Дробозина Л.А. Финансы, денежное обращение, кредит.-М.: «Финансы» 1997 г. с. 23.
Жукова Е.Ф. Общая теория денег и кредита.-М.: «Юнити» 1995 г. с. 79.

2-§. Пул функцияларининг ўзаро боғлиқлиги

Бизнинг фикримизча, пул юқорида келтирилган функцияларни алоҳида олинган давлатда ёки давлатлар ўртасида бажариши мумкин. Бу ҳолда, бирор мамлакатнинг валютаси жаҳон пули функциясини бажаради, деб хулоса қилишга ўрин қолмайди.

Пулнинг функциялари бир-бири билан узвий боғлиқ ва улар бир-бирини тўлдирган ҳолда пулнинг моҳиятини тўлиқ ифода қилади.

Пулнинг асосий функцияларидан бири қиймат ўлчови функцияси ҳисобланади. Баъзи чет эл иқтисодий адабиётларида пулнинг биринчи функцияси сифатида муомала воситаси функцияси, кейин қиймат ўлчови функцияси келтирилади. Бизнинг фикримизча, пулнинг функциялари тўғрисида гапирганда, функцияларнинг кетма-кетлигига эътибор бериш зарур. Пул қиймат ўлчови функциясини бажармасдан туриб, муомала, жамғарма воситаси бўла олмайди. Пулнинг қиймат ўлчови сифатидаги мустаҳкамлиги унинг муомала, тўлов, жамғарма функцияларида ўрни ва аҳамиятини оширади.

Қуйидаги таянч сўзларни таърифланг.

1. Функция.
2. Пул муомаласи.
3. Пулнинг функцияси.
4. Қиймат ўлчови.
5. Муомала воситаси.
6. Тўлов воситаси.
7. Жамғариш воситаси.

Мавзуга оид саволлар

1. Пулнинг функцияларини санаб беринг?
2. Пул қиймат ўлчови функциясини қандай бажаради?
3. Пулнинг муомала воситаси ва тўлов воситаси функцияларининг ўзига хос хусусиятларини айтинг?
4. Ривожланган давлатларда пулнинг қандай функциялари ўрганилади?
5. Жамғариш воситаси функциясининг ҳозирги вақтдаги долзарблиги.

III боб. Пул айланмаси ва унинг тузилиши

1-§. Пул айланмасиа тавсифнома ва унинг тузилиши

Нақд пулсиз ва нақд пул ўтказиш йўли билан амалга ошириладиган тўловларнинг йиғиндиси пул айланмасини ташкил қилади.

Халқ хўжалиги тармоқларида яратилган товарларнинг бариси пул ёрдамида айирбош қилинади. Пул айланмасига товар айланишининг пул шаклидаги кўриниши, деб қараб бўлмайди. Чунки пул айланмаси товар айланмасидан кенгроқ бўлиб, у товарнинг сотилиши ва сотиб олинишидан ташқари, ҳар хил соҳаларда меҳнатга ҳақ тўлаш жараёнини ҳам ўз ичига олади.

Пул айланмасининг содда схемасини қуйидагича ифода қилиш мумкин, яъни пул ҳаракати фақат аҳоли ва корхона, ташкилотлар ўртасида бўлади, деб қараймиз. Бу схемада пул айланмасининг асосий икки омили: бир томондан товар ва ресурслар ҳаракати билан; - иккинчи томондан пул ҳаракати кўрсатилган. Бу схемада, давлат ташкилотлари, молиявий бозор, пул бозорлари, экспорт ва импорт ҳамда бошқа иқтисодий муносабатлар йўқ деб қаралган. Аҳоли ва корхоналар ҳеч қандай воситачиларсиз, тўғридан-тўғри иқтисодий муносабатда бўладилар. Бу содда чизмада кўрсатилган.

1-чизма

Товарлар ва маҳсулотлар.



1-чизма. Иқтисодий тизимда товар ва пул айланишининг содда кўриниши

Бу чизма бўйича ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурслар ва товарлар ҳаракати соат миллари ҳаракати бўйича кўрсатилган. Бу кўринишда ресурсларнинг барчаси фақатгина аҳолининг ўзига тегишли деб қаралган ва бу ресурслар корхоналарнинг товар ва бошқа маҳсулотларига айирбош қилинади. Бу жараённинг амалга ошишида пул каби воситачи иштирок қилмайди. Айирбошлаш жараёни пулсиз бартер тариқасида намоён бўлади. Айирбошлашнинг оддий шакли, биз олдинги бобларда таъкидлаганимиздек, мазмун жиҳатдан содда бўлса-да, амалга ошириш жараёнида маълум қийинчиликлар мавжуд.

Шунинг учун томонлар ўртасидаги олди-сотди жараёнини тезроқ ва самаралироқ амалга оширувчи воситачи зарур. Бу жараённинг кечиши 2-чизмада соат миллари йўналишига тескари кўрсатилган. Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий ва меҳнат ресурслари шу ресурслар учун тўловлар - иш ҳақи, рента тўловлари, фоиз даромадлари билан боғланган ҳолда товар ва пул массасини тенглаштирувчи мустақил айланмани юзага келтиради.

Иккинчи айланма шу корхоналарда ишлаб чиқарилган товарларни аҳолига сотиш ва аҳоли томонидан шу товарлар учун қиймат тўлаш натижасида юзага келган айланмадир. Бу айланманинг бир-бири билан боғланиб кетиши иқтисодий тизимда даромадлар ва маҳсулотларнинг айланишини юзага келтиради. Умумлаштирилган ҳолда жамияти-мизда юзага келувчи пул ҳаракатини қуйидаги чизмада кўрсатиш мумкин.



2-чизма. Ривожланган иқтисодий тизимда пул ва товар айланмаси

Ушбу чизма бўйича пул айланмасининг қуйидаги гуруҳларини ифодалаб бериш мумкин.

– ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган тўловлар (ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш, иш ҳақи тўлаш ва бошқалар);

– харажатларни қоплаш учун келиб тушадиган тушумлар ва жамғармаларни ташкил қилиш;

– турли хил молиявий мажбурият ва даромадлардан тўловларни амалга ошириш ва бошқа тўловлар. Корхоналар оладиган даромадлардан бюджетга тўловлар, яъни солиқлар ва бошқа тўловларнинг амалга оширилиши ҳам пул айланмасининг бир қисмини ташкил қилади.

Товар бозори ва ресурслар бозорининг юзага келиши, маҳсулот ва миллий даромаднинг юза келишига олиб келади. Миллий даромаднинг бир қисми аҳоли томонидан жамғарилиб молиявий бозорлар орқали инвестиция шаклида корхона, ташкилотлар ихтиёрига келиб тушади, бир қисми эса давлат заёмлари орқали бюджет дефицитини қоплашга йўналтирилади. Натижада пул оқими ўзининг асосий каналлари орқали корхона, ташкилот, аҳоли, товарлар бозори ва ресурслар бозоридан ўтиб молия бозори ва давлатгача етиб келади, яъни, аҳолига келиб тушадиган даромаднинг бир қисми солиқлар сифатида давлат ихтиёрига келиб тушади. Шунинг учун ҳам, пул айланмасининг салмоқли қисмини миллий даромадни яратиш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш билан боғлиқ бўлган жараёнлар ташкил қилади. Миллий даромадни яратишда пул айланмаси жамият аъзолари билан корхоналар ўртасидаги тўловда намоён бўлади.

Пул айланмаси молиявий ресурслардан фойдаланиш жараёнини ҳам ўз ичига олади. Капитал маблағлардан фойдаланиш ва баъзи соҳаларда харажатларни молиялаштириш, банклар томонидан кредитлаш жараёнларининг амалга оширилиши ҳам пул айланмасининг юзага келиши учун зарур шароитдир. Кредитлаш учун зарур бўлган кредит ресурслари пулнинг узлуксиз айланиши натижасида вужудга келади. Корхона, ташкилотлар томонидан моддий бойликлар, материаллар, ёқилғи ва бошқаларни сотиб олиш учун мўлжалланган пул маблағлари олдиндан авансланштирилади. Қиймат пул шаклидан товар шаклига ўтади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот сотилади ва мол етказиб берувчининг ҳисобварағига пул маблағлари келиб тушади. Шу тариқа, корхоналарнинг пули узлуксиз айланиб туради. Товарлар учун тўловлар нақд пулсиз амалга оширилгани учун корхона ҳисобварағига келиб тушган пул, уни ишлатишга зарурат пайдо бўлгунча банкларда сақланади.

Корхона, ташкилотларнинг вақтинча бўш турган пуллари уларнинг розилигига асосан банк томонидан кредит ресурс сифатида ишлатилиши мумкин. Корхона ташкилотларининг бўш пул маблағларидан ташқари, банклар жамоат ташкилотларининг, бюджет, суғурта ташкилотларининг, аҳолининг банклардаги пул маблағларидан ўз ресурслари сифатида фойдаланиб, халқ хўжалиги тармоқларига кре-

дитлар бериши мумкин. Шундай қилиб, банклар томонидан пул маблағларининг йиғилиш жараёни пул айланмасида намоён бўлади.

Корхона ва ташкилотларни кредитлашда пул маблағлари вақтинча фойдаланишга берилади. Кредит бериш ва кредит ҳисобидан товар моддий бойликларни сотиб олиш ва уни бошқа ишлаб чиқариш харажатлари учун сарфлаш ва кейинчалик кредитни тўлаш ссуда ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш жараёни пул айланмасининг элементларидан бири ҳисобланади.

Пул айланмаси инвестиция билан боғлиқ харажатларни, суғурта жараёнларини амалга оширилишини, мулкни, ҳаётни, транспорт воситаларини, экин боғларни, бошқа буюмларни суғурта қилиш ва уни тўлашни ўз ичига олади.

Пул айланмаси аҳоли томонидан уй-жой, коммунал хизматлар, газ, электр энергияси, алоқа хизматлар учун тўловлар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига тўловлар, транспорт учун тўловларни, аъзолик бадалларини ва пайларни тўлашни ўз ичига олади. Шундай қилиб, пулнинг айрим каналларида ҳаракатини кўриб чиқа туриб, пул айланмасининг моҳиятини қуйидагича таърифлаш мумкин. Пул айланмаси – бу нақд пуллик ва пул ўтказиш йўли билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг йиғиндисидир. Пул айланмасини икки асосий белгига қараб - биринчидан, жами ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш; иккинчидан, пулнинг функцияларига қараб таркибий қисмларга бўлиш мумкин. Жами ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ ҳолда пул айланмаси товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш, капитал қурилиш билан боғлиқ айланмага ҳамда товар ва уларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлмаган айланмага бўлинади.

Пул айланмасининг биринчи турига 2 чизмада келтирилганидек, ишлаб чиқариш жараёни учун зарур жами ресурслар – меҳнат қуроллари, меҳнат воситалари, иш кучи сотиб олиш ва аксинча аҳоли томонидан давлат, коопертив-савдо ташкилотлардан, колхоз бозорларидан, фуқаролардан истеъмол учун зарур товарларни сотиб олиш ҳамда аҳоли томонидан юқоридаги субъектларга товарлар сотиш, капитал қурилиш ва таъминлаш соҳасидаги ҳисоб-китоблар ва бошқалар киради.

Пул айланмасининг иккинчи турига ишчи, хизматчиларга иш ҳақи тўлаш, миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш билан боғлиқ тўловлар, кредитлаш жараёни билан боғлиқ тўловлар ва бошқа товар ҳаракати билан боғлиқ бўлмаган тўловлар киради.

Пул функцияларига ва тўлов турига кўра пул айланмаси нақд пуллик ва нақд пулсиз айланмага бўлинади.

Пул айланмаиснинг асосий қисмини нақд пулсиз айланма, яъни корхона, ташкилотлар ўртасидаги, уларнинг давлат бюджети, кредит ташкилотлари билан нақд пулсиз бир ҳисоб рақамидан иккинчи ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш йўли билан амалга ошириладиган айланмаси ташкил қилади.

Пул айланмаси таркибида нақд пулсиз айланма салмоғининг юқори бўлишининг сабаби, аввалambор, корхона, ташкилотлар ўртасида иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, ишлаб чиқаришни юксалтириш зарурати, баъзи бир тармоқларнинг ихтисослашуви, кредит тизимининг такомиллашуви ва бошқалар билан боғлиқ.

Товарларни сотиш жараёнидаги ҳисоблар моддий бойликлар айланиши билан боғлиқ бўлиб, улар, асосан, корхона ва ташкилотлар ўртасида олиб борилади.

Нотовар характердаги ҳисоб-китобларга миллий даромадни тақсимлаш, қайта тақсимлаш билан боғлиқ бўлган тўловлар, даромаддан тўловлар, ҳар хил солиқлар, кредитларни тўлаш, уй-жой, ҳар хил хизматлар учун тўлов ва бошқалар киради.

Товарлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз ўтказилиши, моддий бойликларни етказиш ва кўрсатилган хизматлар учун тўлов муддатини яқинлаштиришга ёрдам беради. Товар моддий бойликлар ва хизматлар учун тўловларнинг ўз вақтида ўтказилмаслиги, корхоналар маблағларининг хўжалик айланмасидан чиқиб кетишига, кўзланган режаларни бажариш учун маблағларнинг етишмаслигига олиб келади. Тўловнинг товарларни олишдан олдин амалга оширилиши мол сотиб олувчи корхона маблағларининг хўжалик айланмасидан чиқиб кетишига олиб келади. Шунинг учун товарлар ҳаракати ва тўловлар бир-бирига мос келиши катта аҳамиятга эга.

Пул айланмасини кўриб чиқишда биз тўлов айланмаси билан нақд пулсиз айланмалар ўртасида фарқ мавжудлигини таъқидламоқчимиз. Тўлов айланмаси деб пулнинг тўлов воситаси сифатидаги ҳаракати туфайли вужудга келган пул айланмага айтилади. Тўлов айланмасининг таркибий қисми бўлиб, тўлиқ нақд пулсиз айланма ва нақд пул айланмасининг пулнинг тўлов воситаси функцияси туфайли юзага келувчи қисми ҳисобланади.

3-чизма



3-чизма. Пул айланмасининг таркибий қисмлари.

2-§. Нақд пулсиз пул айланмаси, уни ташкил қилиш тамойиллари, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг шакллари

Пул айланмасининг асосий қисмини нақд пулсиз айланма, яъни корхона, ташкилотлар ўртасидаги, уларнинг давлат бюджети, кредит ташкилотлари билан нақд пулсиз бир ҳисоб рақамидан иккинчи ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш йўли билан амалга ошириладиган айланма ташкил қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири пул айланишини тўғри ва аниқ ташкил қилишдан иборат, чунки бозор иқтисодиёти товар пул муносабатларининг ҳолати ва тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Корхона ва ташкилотлар ўзларининг хўжалик фаолияти жараёнида доимо бир-бирлари билан алоқада бўладилар. Улар ўртасида товар айирбошлаш жараёни пул ва пулли ҳисоб-китоблар ёрдамида амалга оширилади. Товар айирбошлашнинг ўзи эса пул айланишининг моддий асоси ҳисобланади, унинг асосида бошқа пулли муносабатлар, жумладан, пенсия фонди, суғурта фонди, солиқ идоралари, банк муассасалари билан бўладиган пулли муносабатлар вужудга келади.

Пуллик муносабатларда пул шаклларидан фойдаланиш хусусиятлари ва тўлов усулларига кўра пул айланиши нақд пулли ва нақд

пулсиз айланишига бўлинади. Чакана савдо ва аҳолига пулли хизмат кўрсатиш асосан нақд пулда амалга оширилади. Бундан ташқари, нақд пуллар айланишига коммунал хизматлар учун тўловлар, маиший хизматлар учун тўловлар, ишчи – хизматчиларга иш хақи ва шунга тенглаштирилган тўловларни тўлаш, суғурта ташкилотларга бадаллар тўлаш, уй-жой ва бошқа мақсадлар учун аҳоли томонидан олинган кредитни нақд пул кўринишида қайтариш билан боғлиқ тўловларнинг тўланиши киради.

Иқтисодиётда бўладиган пул айланишининг 70-80 фоизини нақдсиз пул айланиши ташкил этади. Нақдсиз пул айланиши нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари асосида олиб борилади. Нақдсиз пул ҳисоб-китобларнинг кенг ишлатилишига кўп тармоқли банк тизимининг ривожланиши, давлат томонидан макроиқтисодий жараёнларни ўрганиш ва уни тартибга солиш нуқтаи назаридан давлатнинг қизиқиши, мулкчилик шаклларининг кўпайиши ва турли мулкчилик шаклларига тегишли бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг кенгайиб бориши асос бўлади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда, корхона ва ташкилотларнинг товар айирбошлаш, хизмат кўрсатиш ва товарсиз операциялари бўйича бир-бирига бўлган талаб ва мажбуриятларни нақд пул ишлатмасдан пул маблағларини бир ҳисобварақдан иккинчи ҳисобварақка ўтказиш орқали амалга ошириш тушунилади.

Иқтисодиётда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар маълум тизим асо-сида олиб борилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими ўз ичига ҳисоб-китобларни ташкил қилиш тамойиллари, шакллари, усуллари ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш олдига қўйилган талабларни олади.

1930-32-йилларда ўтказилган кредит ислоҳоти даврида киритилган ва Собиқ Иттифоқ даврида мавжуд бўлган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий буйруқбозлик усулларига асосланган эди. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими биринчи навбатда ишлаб чиқариш ва сотиш режаларини бажариш нуқтаи назаридан маҳсулот сотувчи корхона қизиқишларига хизмат қилар эди. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш тамойиллари корхоналарнинг шартнома мажбуриятларини бажариш учун иқтисодий қизиқишлари ва жавобгарлигини чегараланган қатъий қилиб белгиланган эди.

Бу тамойиллар қуйидагича белгиланган:

– банк нақд пулсиз-ҳисоб китобларни ташкил қилади ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилади;

– тўлов вақти қатъий белгиланган, яъни барча тўловлар товарлар жўнатилгандан кейин ёки хизмат бажарилгандан сўнг ўтказилади. Аванс тўловлари тижорат кредитига рухсат этилмас эди;

– тўловчининг розилиги тўлов ўтказилишининг асоси сифатида тан олинган;

– қайси соҳада қайси ҳолларда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларини ишлатилиши, уларни ташкил қилиш тамойиллари тўловчининг тўловга ва кредитга лаёқатлилик қобилиятини ҳисобга олмас эди.

Ҳозирги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг биринчи тамойили мулкчилик шаклидан қатъий назар, хўжалик юритувчи субъектлар ўз маблағларини банкдаги ҳисобварақларда сақлашлари ва барча операцияларни банк орқали ўтказишлари лозимлигини билдиради. Бозор муносабатлари шароитида ҳисоб-китобларнинг банк орқали ўтказилиши бозор иштирокчиларининг иқтисодий мустақиллиги билан қўшиб олиб борилиши керак.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилишнинг иккинчи тамойили шундан иборатки, мижозларнинг ҳисобварақларидан пул маблағларини кўчириш, уларнинг топшириғи ёки розилигига асосан ҳисобварақдаги маблағлар миқёсида бажарилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши муносабати билан Марказий банк томонидан мижозларнинг ҳисобрақамлари бўйича операциялар ўтказиш тартиби белгиланган. Ҳисобварақлардан маблағларни ўтказиш ҳисобварақ эгасининг топшириғига биноан бажарилади. Мижозларнинг буйруғисиз ҳисобварақлардаги пул маблағлари фақат суд қарорига биноан, қонунда белгиланган тартибда банк ва мижоз ўртасидаги шартномага асосан кўчирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига асосан мижозларнинг ҳисобварақларида барча талабларни бажаришга пул маблағлари етарли бўлган ҳолларда пул кўчириш бўйича мижознинг топшириғи ва бошқа ҳужжатларнинг келиб тушиши тартибида ҳужжатлар тўланиши лозим. Мижоз ҳисобварақдаги барча талабларни тўлашга маблағлар етарли бўлмаган тақдирда ҳужжатларнинг тўланиши Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Хўжалик субъектларининг банкдаги ҳисобварақларидан пул маблағларини кўчи-

риш тўғрисида”ги 615- сонли йўриқномасига асосан амалга оширилади.

Агар мижоз билан банк ўртасида кредит шартномаси тузилган бўлса, тўловлар банк кредити ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилишнинг учинчи тамойили шундан иборатки, маблағлар тўловчининг ҳисобварағидан ўчирилгандан сўнг олувчининг ҳисобварағига ўтказилади. Тижорат банкларининг ҳисоб чеклари бўйича пул ўтказиш бундан мустасно.

Ҳисоб-китоблар бўйича хўжалик юритувчи субъектлар орасидаги ўзаро эътирозлар белгиланган тартибда банк иштирокисиз кўриб чиқилиш ҳисоб-китобларни ташкил қилишнинг тўртинчи тамойилидир. Банклар ўз вақтида тўланмаган ҳужжатлар бўйича пеняларни ҳисоблаш ва ундиришга жавобгар эмас. Тўловчи юклаб жўнатилган маҳсулотлар учун ўз вақтида тўланмаган суммага ҳисобланган пеняни тўловчи ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасида тузилган хўжалик шартномасида кўзда тутилган тартибда тўлайди. Агар банк билан мижоз ўртасидаги шартномада пеня ҳисоблаш ва ундириш кўзда тутилган бўлса, бу ҳолда банк ўз вақтида тўланмаган ҳужжатлар бўйича пеня ҳисоблаш ва маҳсулот сотувчи корхона фойдасига ундириб бериши мумкин.

Накд пулсиз ҳисоб-китобларни олиб боришнинг бешинчи тамойили ҳисоб-китоб шаклларини танлаш билан боғлиқ. Мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти товар-пул муносабатлари ривожланиши шароитида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш хўжалик органлари томонидан ҳисоб-китобни эркин танлаш тамойилидан келиб чиқади ва улар шартномаларда мустаҳкамланади. Хўжалик органларининг шартномавий муносабатларига банк аралашмайди. Бу тамойил ҳисоб-китоб иштирокчиларининг ўзаро муносабатларининг ижобий натижалари учун моддий жавобгарлигини оширишга, ҳисоб-китоб ва шартномавий муносабатларини ташкил қилишда иқтисодий мустақиллигини мустахкамлашга хизмат қилади.

Накд пулсиз ҳисоб-китобларнинг олтинчи тамойили тўловнинг муддатлилигидир. Бу тамойил катта амалий аҳамиятга эгадир. Хўжалик юритувчи субъектлар тўловнинг қандай муддатга келиб тушиши тўғрисидаги ахборотга эга бўлган ҳолда хусусий маблағларининг айланишини оқилона ташкил этиш, қарз маблағларига бўлган заруратни ҳисоблаб кўриши, шу билан бирга, ўз балансининг ликвидлигини бошқариб бориши мумкин бўлади. Маҳсулот сотувчи ва олувчи

томонлар келишувига кўра тўловлар муддатли, муддатидан олдин ҳамда муддати кечиктирилган бўлиши мумкин.

Муддатли тўловлар қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

– товарлар жўнатилмасдан ёки хизматлар бажарилмасдан олдин, бундай тўловлар аванс тўловлари ёки олдиндан тўлов кўринишида амалга оширилади;

– товар жўнатилгандан кейин, яъни товарни бевосита акцепт қилиш йўли билан;

– йирик суммада тузилган шартномаларда кўрсатилган суммаларни бўлиб-бўлиб тўлаш йўли билан амалга оширилади. Муддати узайтирилган тўловлар белгиланган муддатда тўловни амалга оширолмай қолган ҳолларда, тўлов муддатини муайян муддатга чўзиш, яъни янги тўлов муддатини белгилашни билдиради. Муддати узайтирилган тўловлар томонларнинг молиявий аҳволига зарар етказмаган ҳолда шартномавий муносабатлар доирасида бўлиши лозим.

Муддати кечиктирилган тўловлар тўловчи корхонанинг ҳисобварағида ҳужжатда кўрсатилгани суммани тўлаш учун пул маблағлари бўлмаган ҳолатда юзага келади. Агар корхона банкдан кредит олиш ҳуқуқига эга бўлмаса, ҳужжат корхона ҳисобварағига пул келиб тушгандан сўнггина белгиланган тартибда тўланади.

Юқорида биз корхона ва ташкилотлар ўз пул маблағларини банкдаги ҳисобварақларида сақлашлари лозимлигини таъкидлаган эдик. Банкларда мижозларга бир қатор ҳисобварақлар очилади. Булар талаб қилингунча сақланадиган депозитлар бўйича ҳисобварақлар, жамғармали депозитлар ва муддатли депозитлар бўйича ҳисобварақдир. Талаб қилингунча сақланадиган депозитлар бўйича ҳисобварақлар илгариги ҳисоб-китоб варақларига тенглаштирилган бўлиб, хўжаликларнинг барча операциялари айнан мана шу ҳисобварақлардан ўтказилади. Жамғармали ва муддатли даромад олиш ёки пул маблағларини аста-секин кўпайтириб, йиғиб бориш мақсадида очилади.

Талаб қилингунча сақланадиган депозитлар бўйича ҳисобварақ очиш учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

– ҳисобварақ очиш учун ариза;

– давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида ҳужжат;

– солиқ идораларидан рўйхатдан ўтганлиги ва корхонага идентификация коди берилганлиги тўғрисида маълумотнома;

– имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсларнинг имзолари ва корхона муҳри туширилган икки нусхадаги ариза.

Юқорида санаб ўтилган барча ҳужжатлар маълум мақсадларда тузилиб, ҳаммаси биргаликда банк юристи ёки бош бухгалтерига топширилади. Бу ҳужжатлар тегишли экспертиза ва текширувдан ўтказилгандан сўнг, банк бошқарувчиси томонидан корхонага ҳисобварақ очиш учун рухсат берилади. Корхона томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида мижоз тўғрисидаги барча зарурий маълумотлар – реквизитлар Марказий банк қошида очилган Банк Депозиторларининг Миллий Ахборот базасига «Ўзбекистон Республикаси Банк Депозиторларининг Миллий Ахборот базаси тўғрисида»ги Низомга асосан тақдим этилади. БДМАБда мижоз рўйхатга олиниб, унга махсус хосрақам (уникал код) берилади. Юридик шахснинг у рўйхатга олинган жойда биринчи марта очилган «Талаб қилингунча сақланадиган депозит» ҳисобварағи унинг асосий ҳисобварағи ҳисобланади. Мижозга берилган хосрақам «Талаб қилингунча сақланадиган депозит» ҳисобварағи ичида кўрсатилади. «Талаб қилингунча сақланадиган депозит» ҳисобварағининг тузилиши ҳам бошқа банк ҳисобварақлари каби 20 разряддан иборат.

Ўзбекистон Республикаси банкларида ахборотларга компьютерларда ишлов бериши, ҳисоб юритиш ва ҳисобот ишларини соддалаштириш мақсадида шахсий ҳисобварақларга номерлар ягона қоидалар асосида белгиланади.

Банкларда мижозларга ҳисобварақлар очилиши мижоз ва банк ўртасидаги шартнома билан мустаҳкамлаб қўйилади. Шартнома мижоз ҳисобварағини юритиш бўйича шартнома деб юритилади. Шартномада депозит шартлари, депозитдан фойдаланиш тартиби, банк томонидан тўланадиган фоизлар миқдори, банк томонидан мижозларга кўрсатиладиган хизматлари, шу хизматлар учун корхона томонидан тўланадиган тўловлар миқдори, банк мижознинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги ва бошқалар кўрсатиб корхона раҳбарларининг имзолари ва муҳрлари қўйилади.

Корхонага ҳисобварақ очишда банк томонидан белгиланган миқдорда тўлов ундирилади. Банкларда юридик шахсларга «Талаб қилингунча сақланадиган депозит» ҳисобварағи билан биргаликда жамғармали ёки муддатли депозит ҳисобварақлари очилади. Бундай ҳисобварақларининг очилишини расмийлаштириш учун юридик шахслар томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

– ҳисобварақ очиш учун ариза;

– солиқ тўловчига берилган рақамнинг рўйхатга олинганлиги тўғрисида билдиришнома;

– имзолар ва муҳр изи намуналари қўйилиб, нотариус тасдиқлаган карточка (варақча).

Санаб ўтилган ҳужжатлар корхона ушбу банкда илгари ҳисобварақ очмаган тақдирда тақдим этилади. Агар корхона илгари шу банкда бирор ҳисобварақ очган ва тегишли ҳужжатларни банкка тақдим этган бўлса, у холда фақат ҳисобварақ очиш учун ариза расмийлаштирилиб топширилади. Аризада қандай депозит бўйича ҳисобварақ очиш лозимлиги кўрсатилади ва белгиланган тартибда корхона раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланади.

Бюджет муассасалари учун жамғармали ва муддатли депозитлар бўйича ҳисобварақлари фақат уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари учун очилади.

Жамғармали ва муддатли депозитлардан юридик шахслар билан бир қаторда жисмоний шахслар ҳам фойдаланишлари мумкин. Бунинг учун жисмоний шахс томонидан ҳисобварақ очиш тўғрисидаги ариза, имзо намунаси қўйилган варақча ҳамда ҳисобварақ очишни сўраган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат топширилади. Ҳужжатлар кўриб чиқилиб, тегишли назорат ўтказилгандан сўнг, банк билан мижоз ўртасида банк ҳисобварағини очиш бўйича шартнома имзоланиб, унда шартнома шартлари белгилаб қўйилади. Айни пайтда шартномада депозитларнинг ҳисобварақ очилаётганда жамғарма ёки муддатли депозит шартлари билан таништирилиши кўзда тутилади ҳамда депозитор дастлабки ҳисоб шакллари бўлган ҳужжатларга тегишли ёзув киритиб имзо қўяди.

Умуман, ҳисобварақ очиш учун мижозлар томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар уларнинг «юридик ҳужжати» ҳисобланиб, алоҳида папкага тикилади ва бош бухгалтерда сақланади. Имзо ва муҳр намунаси туширилган варақчалар масъул ижрочи ва банкнинг сўнгги назорат ходимига топширилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг амалдаги шакллари

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг иқтисодий асоси бу моддий ишлаб чиқаришдир. Моддий ишлаб чиқариш жараёнида жўнатилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун тўловлар амалга оширилади. Бундан ташқари, корхона ва ташкилотларнинг бюджет билан ҳисоб-китоблар, давлат, ижтимоий суғурта муассасалари, суд, арбитраж идоралари билан ҳам ҳисоб - китоблар юритилади. Юқоридаги ҳисоб - китобларнинг асосий қисми нақд пулсиз ҳисоб - китоблар асосини ташкил этилади.

Нақд пулсиз пул айланиши пулли муносабатлар иштирокчиларининг ҳудудий жойлашувига кўра бир шаҳар ичидаги ва шаҳарлараро пул айланишига бўлинади. Бир шаҳар ичидаги бир ёки турли банклар хизматидан фойдаланадиган корхона ва ташкилотлар ўртасида юзага келадиган нақдсиз пул айланиши бир шаҳар ичидаги нақд пул айланиши дейилади. Турли шаҳарларда жойлашган банкларнинг хизматидан фойдаланувчи корхона ва ташкилотлар ўртасида юзага келадиган пул айланиши шаҳарлараро нақдсиз пул айланиши дейилади.

Товар операциялари ҳамда нотовар операциялари бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоблар нақд пулсиз ҳисоб - китобларнинг турли шакллари ёрдамида амалга оширилади. Бу шаклларнинг ҳар бири ҳужжатлар айланиши, мазмуни жиҳатдан алоҳида хусусиятларга эга.

Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигига кўра хўжаликлар ўртасидаги ўзаро китоблар нақд пулсиз ҳисоб - китобларнинг қуйидаги шакллари асосида амалга оширилади:

– тўлов топшириқномаси;

– тўлов талабномаси;

–аккредитивлар;

– инкасса топшириқлари;

– ҳисоб чеклари;

– мемориал ордер;

– пластик карточкалар.

Тўловчи ва маблағ олувчи томонлар орасидаги ҳисоб - китоб қилиш учун танланган шакл хўжалик шартномаси асосида белгиланади. Ҳисоб - китоб шакллари бу ҳуқуқий меъёрларда кўзда тутилган, ҳисоб - китоб ҳужжатининг тури, ҳужжатлар айланиш тартиби, маблағларни мол сотувчи корхона ҳисобварағига ўтказиш ва ёзиш усули бир-биридан фарқ қилувчи ҳисоб - китоб турларидир.

Нақд пулсиз ҳисоб - китоб ҳужжатларининг ҳар бири белгиланган тартибда расмийлаштирилгандагина банк томонидан ижро учун қабул қилинади. Ҳар бир ҳужжат шакли талабларга жавоб берадиган ҳолда расмийлаштирилиб, унда қуйидаги реквизитлар бўлиши шарт:

– ҳисоб-китоб ҳужжатининг номи;

– ҳужжатнинг номери ва расмийлаштирилган сана;

– тўловчи корхонанинг номи, банкдаги ҳисобварақ номери, унга хизмат кўрсатувчи банк номи ва банк коди;

– пул олувчи корхона ёки ташкилот номи, унинг банкдаги ҳисобварақ номери, унга хизмат кўрсатувчи банк номи ва банк коди:

– тўлов суммаси;

– тўлов мақсади.

Ҳужжатлар корхона раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланган ва корхона муҳри туширилган бўлиши шарт. Ҳужжатлар банк томонидан банк операцион куни давомида ижро учун қабул қилинади ва шу куни балансдан ўтказилади.

Нақд пулсиз ҳисоб - китобларнинг алоҳида шаклларини қуйида кўриб чиқамиз.

Тўлов топшириқномалари бўйича ҳисоб – китоблар

Тўлов топшириқномаси бу – тўловчи корхонанинг унинг банкдаги ҳисобварағидан пул маблағларининг маълум бир суммасини бошқа мижознинг ҳисобварағига ўтказиш ҳақида ўзига хизмат кўрсатувчи банкка берган ёзма топшириғидир. Тўлов топшириқнома-си 0505411002 шаклдаги стандарт бланкада тўловчи томонидан расмийлаштирилиб, банкка топширилади. Тўлов топшириқномалари орқали қуйидаги тўловлар амалга оширилади:

– товарлар ва хизматлар учун ҳисоб - китоблар;

– нотовар операциялар бўйича ҳисоб - китоблар;

– марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган бўлса, банк ссудалар унга қўшилган фоизларни қоплаш учун маблағ ўтказиш;

– ҳукумат қарорлари ва банк қоидаларида белгиланган ҳоллардаги банк тўловлари.

Илгари тўлов топшириқномалари расмийлаштирилган кундан бошлаб 10 кун ичида банкка топширилиши мумкин бўлиб, шу давр ичида ҳақиқий бўлиб ҳисобланар эди. Ҳозир эса топшириқноманинг санаси уни банкка тақдим этилган кун билан бир хил бўлиши керак, мос келмаган ҳолда тўлов топшириқномаси ижро учун қабул қилинмайди. Лекин бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар бўйича тўловлар бундан мустасно.

Тўлов топшириқномаларининг банкка топширадиган нусхалар сони тўловчи ва маблағ олувчиларнинг қайси банкда жойлашганлигига боғлиқ. Тўловчи ва маҳсулот сотувчи корхоналар бир банк бўлими хизматидан фойдалансалар, топшириқномалар банкка уч нусхада тақдим этилади. Топшириқнома нусхаларининг ҳар бири қуйидагича ишлатилади:

биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак муҳрининг изи туширилган ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда кунлик ҳужжатлар йиғмаси тикилади;

иккинчи нусхаси тўловни олувчининг ҳисобварағига илова сифатида масъул ижрочи томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак муҳр изи туширилган ҳолда тўловни олувчи корхона вакилига берилади;

учинчи нусха операция бажарилгандан сўнг, банк бўлимининг тўртбурчак штамп изи туширилган, масъул ижрочи томонидан имзо, тўловни амалга ошириш ва топшириқномани қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда, тўловчи корхона вакилига уларнинг депозит ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда берилади.

Лекин ҳар доим ҳам бир-бири билан муносабатда бўлган хўжалик юритувчи субъектлар бир банк хизматидан фойдаланмайдилар. Агар тўловчи ва маблағ олувчи корхоналарга бир ҳудуд ичидаги ёки бошқа ҳудудда жойлашган турли банк бўлимлари томонидан хизмат кўрсатилса, тўлов топшириқномалари банкка икки нусхада тақдим этилади:

биринчи нусхаси тўловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг муҳр изи туширилган, қабул қилиш санаси кўрсатилтан ҳолда кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;

иккинчи нусхага банк бўлимининг муҳр изи туширилган, банк масъул ижрочисининг имзоси, тўлов амалга оширилган сана ва топшириқномани қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда тўловчи корхона вакилига берилади.

Тўлов топшириғида қуйидаги реквизитлар кўрсатилиши лозим:

а) тўлов топшириғининг номи ва номери;

б) тўлов топшириғи тўлдирилган сана, яъни кун, ой ва йил;

в) тўловчининг номи, тўловчи банкининг номи ва коди;

г) тўловчининг ҳисобварақ номери ва идентификация коди;

д) маблағларни олувчи корхона номи, унга хизмат кўрсатувчи банк номи ва код;

ж) маблағ олувчининг ҳисобварақ номери;

з) тўловларнинг суммаси рақам ва ёзувларда кўрсатилади;

и) тўловнинг мақсади.

Тўлов топшириғининг барча реквизитлари тўлдирилгандан сўнг, топшириқноманинг алоҳида ажратилган пастки қисмига тўловчи корхона раҳбари ва бош бухгалтерининг имзоси ҳамда муҳр изи қўйилади. Ушбу муҳр ва имзолар тўлов тошириғининг фақат биринчи асл нусхасига қўйилади.

Корхоналардан ҳужжатлар қабул қилиш, шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, бутун кун давомида банкнинг мижоз билан ишлаш вақтидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Бунда операцион кун давомида банк томонидан корхоналардан олинган ҳужжатлар шу куннинг ўзида ижро қилинади. Агар тўлов топшириғи тўлиқ расмийлаштирилиб, уни тўлашга етарли пул маблағлари бўлса, масъул ижрочи топшириқномадаги барча маълумотларни дастурий йўл билан компьютер орқали банкнинг электрон тўловларини амалга оширувчи ҳисоблаш марказига ўтказади. Эртаси куни эрталабдан кечикмаган муддатда банк баланси чиқарилгандан кейин ҳужжатнинг биринчи нусхаси банкнинг кундалик йиғма жилдига тикилади ва белгиланган тартибда аввал жорий архивда, бир йил ўтгандан сўнг умумий банк архивига топширилади. Тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхаси эса мижознинг ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда операциялар ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида мижозга берилади.

Шундай қилиб, тижорат банкининг ҳисоблаш марказидан дастурий йўл орқали модем усули билан электрон тўлов ўтказилади, яъни электрон тўлов тизими орқали электрон тўлов топшириғи Марказий банк қошидаги ҳисоб-китоб касса марказига, ўтказилади. Марказий банк қошида очилган ҳисоб-китоб касса маркази тўловчи корхонага хизмат қилувчи тижорат банкдан олинган маълумотлар асосида электрон тўлов топшириғини модем орқали маблағ олувчи корхонага хизмат кўрсатувчи тижорат банкига ўтказади.

Электрон тўловлар тизими орқали олинган электрон тўлов топшириқномалари маблағларни олувчи банкда икки нусхада қоғозга чиқарилади. Топшириқноманинг биринчи нусхаси банк масъул ижрочисининг имзоси ва банк муҳр изи қўйилиб, кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади. Иккинчи нусхаси эса банк масъул ижрочисининг имзоси ва банк муҳри изи қўйилган ҳолда мижоз ҳисобварағига илова сифатида мижозга берилади

Таъминотчилар томонидан маҳсулот етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш транспорт хизмати билан биргаликда бир текисда амалга оширилса, ўзаро ҳисоб-китоблар доимий тўловлар тартибида ўтказилиши мумкин. Бундай ҳисоб-китоблар ҳар бир алоҳида савдо битими яъни маҳсулот ортиш, жўнатиш ёки хизмат кўрсатиш бўйича эмас, барча томонлар олдиндан келишиб олган муддатлар ва ҳажмларда тўлов топшириқномаларида фойдаланган ҳолда маблағларни даврий равишда кўчириш йўли билан бажарилади. Томонлар даврий равиш-

да, лекин ҳар ойда камида бир марта маҳсулотнинг амалда жўнатилиши ёки хизматлар кўрсатилиши асосида ўтган давр учун қиёслашни бажариш ва шартномада белгиланган тартибда қайта ҳисоб-китоб қилишлари лозим. Аниқланган фарқлар алоҳида топшириқнома билан ўтказилиши ёки навбатдаги тўловда ҳисобга олиниши мумкин. Ўзаро қарзлар энг кам миқдорда бўлиши учун ҳисоб-китобларга ойнинг охирида аниқлик киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кунда республикамизда банклар орқали ўтказилаётган барча тўловларнинг 65-75 фоизи тўлов топшириқномалари ёрдамида амалга оширилмоқда, бу унинг афзалликлари билан боғликдир.

Бу афзалликлар қуйидагилардан иборатдир:

биринчидан, ҳужжатлар айланишининг оддийлиги ва тезлиги, яъни ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг техник жиҳатдан қулайлиги. Бу эса, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар ва банк ходимларининг меҳнат сарфини камайтиради;

иккинчидан, пул маблағлари ҳаракатининг тезлиги, яъни тўлов талабномасига нисбатан тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китобларда ҳужжатларнинг айланиш ҳаракати қисқалиги сўзсиз хўжалик айланма маблағларининг айланиш тезлигини оширади;

учинчидан, товар сотиб олувчининг қабул қилган товарлари ёки хизматлар сифатини олдиндан аниқлаб олиниши ҳисоб-китобларнинг бу шаклида тўлов талабномаси орқали ҳисоб-китобларда бўлгани каби банкка рад аризаси топширилмайди, чунки тўловчининг ўзи тўловни тўлашга рози бўлса, топшириқномани банкка топширади;

тўртинчидан, тўлов топшириқномасининг барча товарсиз операцияларда қўлланиши, бу эса ушбу шакл бўйича ҳисоб-китобларнинг аҳамиятини янада яққол акс эттиради.

Тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китоблар афзалликлар билан бир қаторда камчиликларга ҳам эга. Камчиликлар шундан иборатки, мол жўнатувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона учун тўловнинг ўз вақтида ўтказилиши тўла кафолатланмаган. Чунки тўловнинг ўз вақтида ўтказилиши тўловчи корхонанинг депозит ҳисобварағидаги маблағлар миқдорига боғлиқ. Тўловнинг тўлиқ ўтказилишига етарли пул маблағларининг етишмаслиги пул айланишини секинлаштиради ва маҳсулот жўнатувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхонанинг молиявий ҳолатини ёмонлаштиради.

Лекин кўрсатилган камчилик тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг накд пулсиз ҳисоб-китобларнинг бошқа шакллари олдидаги аҳамиятини камайтирмайди. Аксинча, ҳозирги даврда хўжалик субъ-

ектлари ўртасида тўлов топшириқномаларининг қўлланилиш доираси янада кенгайиб бормоқда, чунки олдинги йилларда тўлов топшириқномалари бўйича тўловлар фақат маҳсулот жўнатилгандан ва хизматлар кўрсатилгандан кейингина амалга оширилар эди. Бундай ҳолат бозор муносабатлари шароитида ўзини оқламади, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ошиб кетишига олиб келди, бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётда қарздорлик занжирини келтириб чиқарди.

Юқорида кўрсатилган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан бир қатор механизмлар ишлаб чиқилди, қарор ва фармойишлар қабул қилинди. Дастлаб, 1995 йил 5 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг халқ хўжалигидаги ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказишни таъминлаш бўйича жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 154-сонли фармони чиқарилди. Фармонга мувофиқ, мулк шаклидан қатъий назар ҳар бир хўжалик субъекти агар мол олувчи корхона бўлса, у, албатта, ўша маҳсулот қийматининг камида 15% суммасини олдиндан тўлаши талаб этилади. Табиийки, бу тўлов топшириқномаси асосида амалга оширилади.

Олдиндан тўлов ўтказиш илгари ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва бошқа баъзи ҳолларда Давлат банкининг рухсати билан амалга оширилар эди. Лекин ҳозирги пайтда, хўжаликлар ўзлари ўзаро хўжалик шартномалари орқали олдиндан тўловлар ўтказишни келишиб оладилар. Юқорида кўрсатилган механизм эса, иккала томонлар ўртасида шартномада кўрсатилган мажбуриятларнинг бажарилишини олдиндан назорат ўрнатишга ёрдам беради. 1996 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг яна бир "Ҳисоб-китоблар тизими ҳамда тўлов интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони чиқарилди. Фармонда корхона ва ташкилотлар томонидан банкка топшириладиган тўлов топшириқномасида қатъий равишда шартнома номери, тўлов тартиби, 15 фоиздан кам бўлмаган аванс тўлови миқдори кўрсатилиши шарт қилиб белгиланди. Демак, нақд пулсиз ҳисоб - китобларнинг қоидаси шаклидан фойдаланишдан қатъий назар, хўжаликлар, аввало, тўлов суммасининг 15 % дан кам бўлмаган миқдорини тўлай олувчи корхо-на ҳисобварағига айнан тўлов топшириғи ёрдамида ўтказадилар. Бу эса тўлов топшириғининг иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларини қамраб олаётганидан далолат беради. Умуман, иқтисодиётда хусусий секторнинг ўрни кенгайиб борган сари кичик ва бошқа хусусий корхоналар сонининг ошиши

тўлов топшириқномалари бўйича ҳисоб-китоблар ҳажмининг кенгайишига йўл очиб беради.

Тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китоблар.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларидан бири тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китоблар бўлиб, улар 90-йилларнинг ўрталаригача қарийб 45% ини ташкил этар эди.

Ўзбекистон иқтисодиётида ҳисоб-китобларни тартибга солиш, ҳолатини яхшилаш, жаҳон андозаларига мослаштириш мақсадида, 1999 йил ишдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона ва ташкилот учун тўлов талабномаларининг ўрнига тўлов талабнома топшириқномаси бўйича ҳисоб-китоблар амалиётга киритилди. Шу билан бирга, 1995 йил августгача тўлов талабномаларининг муомалада бўлишига рухсат этилди. Лекин корхона ва ташкилотлар тўлов талабномаси орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китобларга ўрганиб қолганликлари сабабли, Марказий банкка тўлов талабномасини амалиётга қайтадан татбиқ этиш бўйича кўплаб талаб ва таклифлар келиб тушаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, бу масала қайта кўриб чиқилиб, 1996 йил 29 февралдаги Марказий банкнинг Хатига асосан қайта муомалага киритилди. Тўлов талабномаси бу – маҳсулот етказиб берувчи ва маблағ олувчиларнинг белгиланган суммани тўловчи банк орқали тўлаши тўғрисидаги талабномани ўз ичига олган ҳисоб-китоб шаклидир. Тўлов талабномаси бўйича ҳисоб – китоблар "Акцепт" шаклидаги ҳисоб-китоблар ҳам деб юритилади. "Акцепт" сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, розилик маъносини англатади, яъни бу тўловчининг тўловни амалга ошириш учун банкка берган розилигидир. Акцепт шакли асосий инкасса ҳисоб-китоб шакли ҳисобланади. "Инкассо" атамаси итальян тилидан олинган бўлиб, банк ўз мижози тақдим этган ҳужжатга асосан етказиб берилган маҳсулот учун унда кўрсатилган суммани тўловчидан унинг банки орқали олиб бериш бўйича мажбурият ҳисобланади. Розилик билдириш усулига кўра акцепт ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Тўловчи корхонанинг розилиги ҳам, норозилиги ҳам ёзма равишда билдирилиши ижобий акцепт ҳисобланади. Салбий акцепт эса сукут сақлаш орқали билдирилади. Агар тўловга норозилик хати ёзма равишда келиб тушмаса, банк томонидан тўлов амалга оширилади.

Салбий акцептнинг ўзи тўловни амалга ошириш муддатига кўра олдиндан акцепт ва сўнгги акцептга бўлинади. Талабномани олдиндан акцептлаш усулида ҳисоб-китоблар ўтказилганда талабноманинг пули акцептлаш муддати тугагандан сўнг. акцептлашнинг сўнгги тўрт

тўлов талабномаси банкка келиб тушганида тўланади, лекин тўлов ўтказилгандан кейинги 3 кун ичида тўловдан бош тортиш ҳуқуқи сақланиб қолади. Белгиланган муддат ўтгандан сўнг тўловчи томонидан раддия аризаси келиб келиб тушмаса, тўлов тўланганлигича.

Ҳисоб-китобларнинг акцепт, яъни тўлов талабномалари орқали ўтказиладиган шаклида ишлатиладиган асосий ҳужжат бу - тўлов талабномасидир. Тўлов талабномалари маҳсулот етказиб берувчи томонидан белгиланган шаклдаги бланкаларда банкка тақдим этади. Тўлов талабномалари қуйидаги ҳолларда ишлатилиши мумкин:

а) юклаб жўнатилган товарлар учун;

б) бажарилган ишлар учун;

в) кўрсатилган хизматлар учун;

г) амалдаги қонунчиликда, меъёрий ҳужжатда ёки шартномада кўзда тутилган бошқа тўловлар учун.

Тўлов талабномасида маҳсулот етказиб берувчи томонидан талабнома номери, жўнатилган сана, шу корхона номи, унинг ҳисобварақ номери, хизмат кўрсатувчи банк номи, банкнинг коди, тўловчи корхонанинг номи, унинг банкидаги ҳисобварақ номери, тўловчига хизмат кўрсатувчи банк номи ва коди, тўлов суммаси ва тўлов мақсади кўрсатилади. Ҳужжатларда кўрсатилиши лозим бўлган умумий реквизитлардан ташқари тўлов талабномасида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

а) шартнома санаси ва номери;

б) маҳсулотларни юклаб жўнатиш санаси ва товар-транспорт ёки қабул қилиш топшириқ ҳужжатлари ва транспорт турининг, товарлар почта ва телекоммуникация агентлиги орқали жўнатилганда эса, почта квитанцияларининг номери.

Агар маҳсулот, уни сотиб олувчининг транспорт воситаси билан олиб кетилса, талабноманинг алоҳида ажратилган жойида юк уни сотиб олувчининг ўз транспорти билан олиб чиқиб кетилгани ҳамда ишончноманинг номери кўрсатилади. "Шундай ҳоллар ҳам бўладики, маҳсулот контрактация шартномалари асосида реализация қилинади. Контрактация шартномалари бўйича маҳсулот етказиб беришда тўлов талабномасининг юқори қисмида "Контракция шартномаси" деб кўрсатилиши лозим. Тўлов талабномасининг пастки, алоҳида ажратилган қисмида маҳсулот жўнатувчи корхона раҳбари ва бош бухгалтерининг имзолари ва корхонанинг муҳр изи қўйилади.

Тўлов талабномалари 2 ёки 3 нусхада тўлдирилади. Агар маҳсулот етказиб берувчи ва тўловчи томонларга битта банк бўлими хизмат

кўрсатса талабнома 3 нусхада тақдим этилади. Бу ҳолда тўлов талабномаларнинг ҳар бир нусхалари қуйидагича ишлатилади:

биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, тўловни амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак муҳр изи туширилган ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда кунлик ҳужжатлар тикилади;

иккинчи нусхаси тўловни олувчининг ҳисобварағига илова сифатида масъул, ижрочи томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак муҳр из қўйилгандан ва қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда берилади;

учинчи нусха қабул қилиш санаси, тўловни амалга ошириш санаси, масъул ижрочининг имзоси ва банк тўртбурчак муҳр изи қўйилган ҳолда тўловчига унинг ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда берилади.

Агар тўловчи ва маҳсулот етказиб берувчи бир ҳудуд ичидаги ёки турли ҳудудларда жойлашган турли банк бўлимлари ҳам хизматидан фойдалансалар, бу ҳолда тўлов талабномалари 2 нусхада банкка тақдим этилади. Уларнинг ҳар иккала нусхалари почта алоқаси ёки курьерлар орқали тўловчи банкига жўнатилади.

Тўловчи корхона банкига маҳсулот етказиб берувчи корхона банкидан биринчи ва иккинчи нусха тўлов талабномаси почта алоқаси ёки курьерлар орқали келиб тушади. Тўлов талабномалари томонлар ўртасида тузилган шартномага асосан акцептлаш тартибида ёки акцептламасдан тўланиши мумкин. Банк томонидан талабномаларни акцептлаш учун 3 кун муҳлат берилади. Лекин корхонанинг илтимосига кўра банк бу муддатни бир иш кунигача чўзиши мумкин. Акцептлаш тартибида тўланадиган талабномаларнинг биринчи нусхаси тўлов учун акцептланишни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари картотекасига жойлаштирилади. Бу картотека банкда 1-картотека деб юритилади. Талабноманинг иккинчи нусхаси товар-транспорт ҳужжатлари билан бирга кейинги иш кунидан кечиктирилмасдан ҳужжатни акцептлаш учун қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда тўловчига берилади.

Тўловчи тўлов талабномасининг иккинчи нусхасини олгандан кейин, унинг тўғри расмийлаштирилгани, шартнома шартларига тўғри келишини текшириб чиқади. Тўловчи белгиланган муддатда товар моддий қийматликларни жўнатишда, хизматлар кўрсатишда амалдаги қонуний ҳужжат талабларига ҳамда шартнома шартларига амал қилинмаган ҳолларда талабномани қисман ёки тўлиқ тўлашдан

бош тортиши мумкин. Бунинг учун банкка ёзма равишда раддия аризаси топширилиши лозим. Агар белгиланган муддатда банкка раддия аризаси топширилмаса, талабнома акцептланган ҳисобланади. Акцептлашни рад этиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар доирасини банк бўлими бошқарувчиси белгилайди. Банклар акцептларни рад қилиш моҳияти бўйича келиб чиққан баҳс ва низоларга аралашмайдилар.

Тўлов талабномасини тўлашдан бош тортиб ёзилган раддия аризасининг ҳақи тўловчи томонидан банкка топширилганда таланомалар шу куннинг ўзидаёқ 1-картотекадан олинади ҳамда товартранспорт шартлари ва бошқа иловалар билан бирга маҳсулот етказиб берган корхона банкига ижросиз қайтариб юборилади. Тўловчи талабномани акцептлашдан қисман бош тортганда, тўловчи томонидан акцентланган сумма бўйича тўловлар ўтказилади. Маҳсулот тўловчи ҳисобварағида талабноманинг акцептланган суммани тугашга етарли пул маблағлари бўлмаганда, талабнома муддатда тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари картотекасига жойлаштирилади. Бу картотека банкда 2-картотека деб юритилади. Бунда, талабноманинг дастлабки суммаси ўчирилади ва ёнида тўловчи акцептлаган сумма ёзиб қўйилади. Картотекага кирим қилинган сумма тўловчи корхона ҳисобварағига пул маблағлари келиб тушгандан сўнг тўланади.

Агар 1-картотекага жойлаштирилган тўлов талабномаси бўйича тўловчи томонидан раддия аризаси келиб тушмаса, тўлов талабномаси акцептлаш учун берилган 3 кун муҳлат ўтгандан сўнг тўланади.

Тўлов талабномасини тўлашдан аввал тўловчи корхонанинг депозит ҳисобварағи юритувчи масъул ижрочи талабномани тўлаш учун етарли пул маблағларининг тўловчи ҳисобварағида мавжудлигини текширади. Агар депозит ҳисобварағида етарли пул маблағлари бўлса, талабнома тўланади.

Баланс ичидаги ҳисобварақлар бўйича бажарилган бухгалтерия ёзувлари билан бир қаторда балансдан ташқари кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлар бўйича ҳам бухгалтерия ёзувлари бажарилади, 1-картотекадаги тўлов талабномасининг ўзи картотекадан олинади ва ҳисобдан чиқарилади.

Тўланган талабнома электрон тўловлар тизими ёрдамида Марказий банк қошидаги ҳисоб-китоб касса маркази орқали маҳсулот сотувчи корхона банкига ўтказилади. Талабноманинг ушбу нусхаси банкнинг кундалик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади.

Лекин ҳар доим ҳам тўловчи корхонанинг ҳисобварағида тў-лов талабномасини тўлашга етарли пул маблағлари бўлмаслиги мум-кин. Тўловчининг ҳисобварағида маблағ бўлмаганда талабномалар 2-картотекада тўловни кутаётган ҳужжатлар қаторига жойлаштирилади. Бу ҳақда маҳсулот етказиб берувчи банкига хабар берилади. Тўлов талабномаси 2-картотекада тўловчи корхонанинг талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига талабномани тўлашга етарли пул маблағлар келиб тушгунча сақланади. Пул келиб тушгандан сўнг, келиб тушган маблағлар доирасида меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган тартибда тўлов амалга оширилади.

Баъзи вақтларда тўлов талабномасини тўлаш учун тўловчи корхонанинг розилиги, яъни акцептлаши талаб этилмайди. Тўловчиларнинг ҳисобварақларидан маблағларни, акцептламасдан ҳисобдан чиқариш томонлар ўртасида тузилган шартномага асосан коммунал хизматлар, телефон, канализация, почта-телеграф харажатлари ҳамда ташилган чиқинди учун амалга оширилади. Коммунал хизмат тўловлари амалдаги тариф ўлчов асбоблари асосида газ, сув, иссиқлик ва электр-энергияси учун ҳисобланади. Бунда акцептсиз тўловларни амалга ошириш учун банкка тақдим қилинган тўлов талабноманинг юқори қисмига "акцептсиз" ҳамда "ҳисоблаш асбоблари асосида" деган сўзлари кўрсатиб" қўйилган бўлиши лозим. Ушбу ёзувлар бўлмаган тақдирда талабномалар умумий асосда акцептланади ва тўланади. Талабномада масъул тўловларни акцептламасдан ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга бўлган қонуний ҳужжат ёки шартноманинг санаси, номери ва тўловниинг мақсади кўрсатилиши шарт. Бундай банк илова қилинган ҳужжатларни талабномада кўрсатилган уларнинг реквизитларига мослигини текшириб кўради.

Банк операцион куни келиб тушган акцептсиз тўланадиган талабномалар шу куннинг ўзида тўланади. Тўловчи корхонанинг депозит ҳисобварағида талабномани тўлаши учун маблағи йўқлиги ёки камлиги аниқланса ҳамда уларни тўлаш учун банк кредит бериш имконияти бўлмаганда, тўланмаган сумма ҳозирги "муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари" картотекаси бўйича алоҳида ҳисобварақка ўтказилади, талабноманинг ўзи эса 2-картотекага жойлаштирилади.

Операцион кун тугаганидан сўнг банкка келиб тушган тўлов талабномалари кейинги иш куни тўланади. Бундай талабномаларга "Кечки" деган белги қўйилади.

Тўловчи корхона банкида тўланган тўлов талабномаси "Элек-трон почта электрон тизими орқали Марказий банк қошидаги ҳисоб марказига узатилади. Ҳисоб марказида тўловчи корхона банкнинг корреспонденция ҳисобварағидан тўлов талабномасида кўрсатилган пул суммаси маҳсулот етказиб берувчи банкнинг корреспонденция ҳисобварағига ўтказилади. Электрон тўлов тизими орқали олинган электрон талабномалар маблағларни олувчи банкда икки нусхада қоғозга чиқарилади. Уларнинг биринчи нусхаси банк масъул ижрочисининг имзоси ва банк муҳри қўйилиб, кундалик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади. Талабноманинг иккинчи нусхаси банк масъул ижрочисининг имзоси ва банк муҳри қуйилган ҳолда маҳсулот етказиб берган корхонанинг депозит ҳисобварағига илова сифатида қўшиб берилади. Шу билан бирга, бу корхонага ҳисобварақдан кўчирма ҳам берилади. Маҳсулот етказиб берувчига тегишли банкда тўловчи банкдан келиб тушган тўлов суммаси маблағ олувчининг ҳисобварағига ўтказиб қўйилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг бошқа шакллари каби тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китоблар ҳам маълум афзаллик ва камчиликларга эга:

1) маҳсулот сотувчи билан маҳсулот олувчи томонидан бир-бирини ўзаро назорат қилиш;

2) маҳсулот олувчига товарни жўнатиш кечиктирилмайди;

3) мол жўнатувчи билан ҳисоб-китоб қилиш учун маҳсулот олувчининг маблағини алоҳида ҳисобварақда депонент қилиб қўйиш талаб этилмайди, яъни тўловчининг маблағлари бирор муддатга айланмадан ташқарига чиқиб кетмайди;

4) тўловчига тақдим этилган ҳужжатлар асосида мол етказиб берувчининг шартнома шартлари қай даражада бажарилишини текшириш ҳуқуқи берилади. Шу билан бирга, шартнома шартларидан бири бўлган ҳолда тўлов тўлашдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлади;

5) мол олувчи ҳисобварағидан акцептланган талабномалар бўйича маблағларнинг мажбурий олиниши маҳсулот етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчи томон манфаатларига мос келади.

Тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг камчиликлари қуйидагилар:

1. Маҳсулот сотувчи корхонага тўловнинг ўз вақтида ўткази-лиши кафолатланмайди

2. Тўлов ўтказилиши билан товар жўнатилиши вақтининг бир-бирига мос келмаслиги. Товар келиб тушгандан сўнг корхона ҳисоб-

варағида пул бўлмаса, тўлов ўтказилмаганига қарамай, шу корхонанинг кредитор қарздорлигининг ошиши ва айланма маблағлари самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

3. Тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китобларга ҳужжатлар айланиши тўлов топшириғига нисбатан узоқроқ давом этади.

Умуман, тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг ишлатилишини кўп ҳолларда ўз вақтида тўланмаган тўлов талабномаларнинг кўпайишига шароит яратади, чунки талабнома банкка тўлов учун келиб тушган вақтда тўловчининг ҳисобварағида ҳар доим ҳам тўловни амалга ошириш учун етарли пул маблағлари бўлмаслиги, картотекага қўйилган ҳар бир тўлов талабномаси республика халқ хўжалигида дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ошганлигидан далолат беради. Шу сабабли республика банклари ўз мижозларининг картотекадаги ҳужжатлари ва уларни тўлаш бўйича қандай ишлар олиб борилаётганлигини назорат қилиб турадилар.

Аккредитивлар бўйича ҳисоб - китоблар

Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли тўлов айланмасида жуда кичик улушни ташкил этади. Жўнатилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўловни кафолатлаш олдида аккредитив шаклдан фойдаланилади. Аккредитив мижознинг топшириғига кўра шартнома бўйича унинг контрагенти фойдасига берилаётган банкнинг шартли пул мажбуриятидир. Унга кўра аккредитив очган банк маҳсулот етказиб берувчи тўловни бажариши ёки бошқа банклар томонидан аккредитивда кўзда тутилган ҳужжатлар тақдим қилганда ва аккредитивнинг бошқа шартлари бажарилганда, уларга тўловларни бажариш учун ваколат бериши мумкин.

Аккредитивлар очилганда, аккредитив очган банк тўловчининг шахсий маблағидан ёки унга берилган кредит ҳисобидан мол етказиб берувчининг банки тасарруфидан алоҳида "Аккредитивлар", баланс ҳисобварағи ва маблағларни етказиб берса, бундай аккредитивлар қопланган аккредитивлар дейилади. Аккредитив очган банк халқаро қабул қилинган андозалар асосида банк-эмитент деб юритилади.

Аккредитивларнинг иккинчи тури қопланмаган аккредитив бўлиб, банк ва бошқа корхоналар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажарилган хўжаликларга бунда аккредитивлардан фойдаланишга рухсат этилади. Қопланмаган аккредитивнинг қопланган аккредитивдан фарқи шундан иборатки, бунда тўловчи корхонанинг пул маблағлари алоҳида ҳисобвараққа ўтказиб қўйилишини талаб қилади. Банк тўловчи ҳисобварағида тўлов ҳужжатлари келиб тушганда пул бўлма-

ган тақдирда банк маблағлари ҳисобидан тўлаб беришни кафолатлайди. Аккредитивнинг бу турининг қулайлиги шундан иборатки, мол сотиб олувчининг пул маблағлари айланмада тарқалиб кетмайди, иккинчи томондан мол жўнатувчи корхона учун ҳам тўлов кафолатланган фақат бўш маблағларга ҳисобидан тўлов амалга оширилганда шартномада келишилган миқдорда ҳақ тўланади.

Қопланган ва қопланмаган аккредитивлар чақириб олинадиган ва чақириб олинмайдиган бўлиши мумкин. Агар аккредитив бўйича ҳужжатларда бу ҳақда белги мавжуд бўлмаса, бундай аккредитивлар чақириб олинувчи ҳисобланади. Чақириб "олинувчи аккредитив банк-эмитент томонидан маблағларни олувчи билан олдиндан келишиб олинмасдан ҳам ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Масалан, шартномада кўзда тутилган шартларга риоя этилмаганда, банк-эмитент аккредитив бўйича тўловларни кафолатлаш муддатидан аввалроқ воз кечганда ва бошқа ҳолларда аккредитив чақириб олиниши мумкин. Тўловчи маҳсулот етказиб берувчига чақириб олинадиган аккредитивнинг шартлари ўзгартириши (бекор қилиниши) тўғрисидаги барча фармойишларни фақат банк-эмитент орқали бериши мумкин. Ушбу банк маҳсулот етказиб берувчининг банки, яъни бажарувчи банкда, у эса, ўз навбатида, маҳсулот ўтказиб берувчи корхонани хабардор қилади. Бажарувчи банк маҳсулот етказиб берувчи тақдим этган ва маҳсулот етказиб берувчининг банки томонидан қабул қилинган, аккредитив шартлариги оид бўлган ҳужжатлар бўйича тўловларни мазкур банк аккредитивни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги хабарномани олгунга қадар тўлаши шарт. Маҳсулот етказиб берувчининг розилигисиз, унинг фойдасига очилган чақириб олинмайдиган аккредитив ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас. Маҳсулот етказиб берувчи корхона аккредитив шартларида кўзда тутилган ҳолларда аккредитивдан фойдаланишдан муддатидан олдин воз кечиши мумкин.

Бир вақтнинг ўзида аккредитив суммаси аккредитивларни ҳисобга олувчи кўзда тутилмаган ҳоллар ҳисобварағига киритилади. Тўлов ўтказилгандан сўнг аризанинг иккинчи нусхаси банк масъул ижрочисининг имзоси, банкнинг тўртбурчак муҳри, амалга оширилган сана ҳамда қабул қилиш санаси қўйилган ҳолда тўловчига кўчирма билан биргаликда берилади.

Аккредитив фақат бир таъминотчи билан ҳисоб-китоб қилишга мўлжалланган бўлиши мумкин. Аккредитивнинг муддати ва ҳисоб-

китоб қилиш тартиби томонлар ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

Шартномада:

- банк эмитентининг номи;
- аккредитив тури ва уни бажариш муддати усуллари;
- мол етказиб берувчининг аккредитив бўйича маблағ олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар рўйхати;
- товарларни етказгандан кейин ҳужжатларни тақдим қилиниш муддати;
- мол етказиб берувчи ва олувчи томонлар номи, уларнинг юридик адреслари;
- бажарувчи банк номи ва бошқалар кўрсатилади.

Аккредитив сана учун харидор ўз банкига банк эмитентга 2 нусхада тақдим этади. Аризада аккредитив очиш учун асос бўлган шартнома аккредитивнинг амал қилиш муддати, аккредитивни бажарадиган банкнинг номи ҳамда тўлов ҳужжатларида кўрсатиладиган барча реквизитлар кўрсатилади.

Банкда ушбу корхонага хизмат кўрсатувчи масъул ижрочи аккредитив очиш хақидаги аризани олиб, унинг тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилганлиги барча керакли реквизитларнинг тўғрилигини текширади. Қабул қилинган аккредитив очиш ҳақидаги аризанинг биринчи нусхасига ўз имзосини, банкнинг тўртбурчак муҳр изини, аризани қабул қилиш санаси ва тўлов ўтказиш санаси қўяди. Аризанинг биринчи нусхасида кўрсатилган барча реквизитлар компьютерга киритиб, электрон тўловлар тизими Марказий банкнинг ҳисоблаш Маркази орқали маҳсулот жўнатувчи корхона муҳр изи қўйилган ҳолда банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади

Маҳсулот етказиб берувчи аккредитив бўйича келиб тушган маблағларни ўзининг талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига ўтказиш учун унга хизмат кўрсатувчи банкка юклаб жўнатиш ва аккредитив шартларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатларни тақдим этади. Аккредитив бўйича тўловларни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар аккредитив муддати келгунга қадар маҳсулот етказиб бурувчи томонидан банкка тақдим этилиши ва аккредитивнинг барча шартларини бажарилганини тасдиқлаши шарт. Аккредитив бўйича тўловларда маҳсулот етказиб берувчининг банки маҳсулот етказиб, берувчи томонидан аккредитивнинг барча шартларига риоя қилинганини ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини

текширилиши лозим. Ушбу шартларнинг бирортаси бузилганда ёки бажарилмаганда банк аккредитивлар бўйича тўловларни ўтказиши мумкин эмас. Бир томони-дан маҳсулот етказиб берувчининг аккредитивлар бўйича ҳисобварағидаги маблағларни унинг талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига мемориал ордер орқали ўтказилади. Мемориал ордер масъул ижрочи томонидан 4 нусхада тўлдирилиб, унда тўлов бўйича шартнома номери, санаси, тўловнинг мазмуни ҳисобварақлар номери кўрсатилади. Мемориал ордернинг алоҳида нусхалар қуйидагича ишлатилади:

– мемориал ордернинг биринчи нусхаси бухгалтернинг имзоси, банкнинг тўртбурчак муҳрининг изи туширилиб тасдиқловчи ҳужжатнинг бир нусхаси билан биргаликда банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;

– мемореал ордернинг иккинчи, учтаси нусхалари масъул ижрочининг имзоси ва тўртбурчак муҳрининг изи қўйилиб, тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда банк эмитентга жўнатилади;

– мемореал ордернинг тўртинчи нусхаси масъул ижрочининг имзоси, банкнинг тўртбурчак муҳр изи қўйилиб маҳсулот етказиб берувчи корхона ҳисобварағига илова сифатида берилади.

Шундай қилиб, аккредитив маҳсулот етказиб берувчи корхонага бошқа хизмат қилувчи банкда қуйидагича ёпилади:

а) аккредитив муддати тугагандан кейин бажарувчи банк аккредитив ёпилганлиги тўғрисида эмитент банкка хабар беради;

б) маҳсулот етказиб берувчининг муддатдан олдин аккредитивни ишлатишдан воз кечиш тўғрисидаги аризага кўра, маҳсулот етказиб берувчининг кейинги аккредитивдан фойдаланишдан воз кечганлик тўғрисидаги аризасига асосан, банк-эмитентга кўчирилганлиги тўғрисидаги билдиришнома юборилади.

в) сотиб олувчининг аккредит қисман ёки тўла чақириб олиш тўғрисидаги аризасига кўра, агар аккредитив шартларида кўзда тутилган бўлса, аккредитивлар эмитенти банкдан хабар етиб келган куни 22602 "Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлар ҳисобварағидаги мавжуд маблағлар доирасида тўлиқ ёки қисман қопланади.

Аккредитивлар бўйича депозит ҳисобварақлардан нақд пул берилиши аккредитивлари бошқа корхоналар номига ўтказилиши ва қайта расмийлаштирилишига рухсат этилмайди.

Банк эмитент аккредитивни ишлатганлиги тўғрисида бажарувчи банкдан ҳужжатларни олгандан кейин мемориал ордерга асосан кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағидан тўлиқ ҳисобдан чиқади ва тас-

диқловчи ҳужжатларни мемориал ордернинг нусхаси билан биргаликда тўловчи корхонага беради. Кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағи аккредитив тўлиқ ишлатилмаган ва у сотиб олувчи банкидаги ҳисобвараққа қайтарилганда ҳам ёпилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклининг ўз афзаллиги, шу билан бирга, бир қатор камчиликлари мавжуд. Аккредитив шакллари бўйича ҳисоб-китоб қилишнинг афзал томони шундаки, маҳсулот етказиб берувчи учун тўлов тўлиқ, кафолатланган бўлади. Аккредитив шаклининг камчиликлари эса қуйидагилардан иборат:

- аккредитив шакли бўйича ҳужжатлар айланиши техник жиҳатдан бирмунча қийинроқ;
- транспортга қулай эмас, аккредитив очилган пайтда юкни жўнатиш учун тайёр транспорт бўлмаслиги мумкин, бу эса юк жўнатишини кечикишига олиб келади;
- бу шаклда тўловчининг маблағлари айланмадан қисман четлашади, бошқа ҳисоб-китоблар бўйича бу маблағлардан фойдаланишга рухсат этилмайди;
- аккредитив бўйича, одатда, фақат бир мол етказиб берувчи билан ҳисоб-китоб қилинади.

Инкассо топшириқномалари бўйича операциялар.

Инкассо топшириқномаси – ушбу топшириқномани берган банкка мижознинг банк-эмитентга тўловчининг ҳисобварағидан сўзсиз тартибда маблағ чиқариш тўғрисидаги талабидир. Инкассо топшириқлари қуйидаги ҳолларда тақдим этилади:

– биринчидан, ўз вақтида тўланмаган солиқларни ундириш учун;

– иккинчидан, давлат бюджетига ўтказиладигансолиқлардан ташқари тўловлар, жумладан, пенялар, жарималарни ундириб олиш тўғрисидаги солиқ органларининг фармойишига кўра;

– учинчидан, бюджетдан ташқари фондлардан тўловларни ундириб олишда агар бу қонуний ҳужжатларда кўзда тутилган бўлса;

– тўртинчидан, божхона органларнинг ишининг қарорига кўра ўз вақтида тўланмаган божхона тўловларини ундириш учун.

Булардан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тақдим ҳужжатлар, шунингдек, хўжалик судининг шифо варақалари ва ўша тенглаштирилган ҳужжатлари учун инкассо топшириқларини расмийлаштириб, банкка топшириш учун асос бўла олади. Ижро ҳужжатларга хўжалик судининг буйруқлари, судлар томонидан берилган ижро варақалари ҳамда нотариуслар томонидан бузилган устхатларни киритиш мумкин.

Бюджет божхона ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини тўловни ундирувчи деб юритамиз. Тўловни ундирувчилар инкассо топшириқлар ижро ҳужжатларини илова қилаётган ҳолда тўловни ундириш учун банкка тақдим қиладилар. Агар тўловни ундирувчи ва тўловчи томонлар бир шаҳар ичидаги банк хизматидан фойдалансалар, инкассо топшириғи тўловчининг ҳисобварағи топшириладиган шахс бўлимга топширади. Агар инкассо топшириғи бошқа шаҳар тўловчилар номига расмийлаштирилган бўлса, бу ҳолда ҳужжат ундириб олувчига хизмат кўрсатувчи банк бўлимига топширилиши лозим.

Хўжалик юритувчи субъектлар фойдасига маблағларни ҳисобдан чиқариш бўйича ҳужжатлар қонунда белгиланган муддатдан ўтказиб тақдим этилган бўлса, банк бўлимлари ушбу ҳужжатларни инкассо учун қабул қилмайдилар. Ижро ҳужжатларининг бажарилиши муддатлари қуйидагича белгиланган:

– судлар томонидан берилган ижро варақлари бўйича –3 йил;

– ижро устхатлари бўйича, агар қонунчилик томонидан бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса –3 йил;

– хўжалик судларининг ижро варақалари бўйича – 3 йил;

– хўжалик судининг томонидан берилган суд буйруғи бўйича ундириб олиб, буйруқ берилган кундан бошлаб – 10 кун муддат давомида амалга оширилади.

Давлат суғуртаси, ижтимоий суғурта идоралари, давлат бюджети фойдасига маблағларни ўтказиб бериш учун ҳужжатлар банк томонидан амал қилиш счетдаги чекланмаган ҳолда қабул қилинади.

Инкассо топшириқномаси банк бўлимига ундириб олувчи томондан 05054110131 шаклда уч нусхада топширилади. Ундириб олувчи ва тўловчи томонларга битта банк бўлимида хизмат кўрсатилса, инкассо топшириқномаларининг алоҳида нусхалар қуйидагича ишлатилади:

– биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, банкнинг тўртбурчак муҳр изи, тўлов амалга оширилган сана, қабул қилинган санаси кўрсатилган ҳолда кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади.

– иккинчи нусхаси ижро ҳужжатлари билан бирга тўловчининг ҳисобварағига ва сифатида масъул ижрочи томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг муҳр изи туширилган ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда тўловчига берилади;

– учинчи нусхаси банк бўлимининг тўртбурчак муҳр изи туширилган масъул бажарувчи томонидан имзо, тўлов амалга оширилган

сана ва қабул қилинган санаси кўрсатилган ҳолда тўловни олувчига берилади.

Ундириб олувчи ва тўловчига бир шаҳар ичидаги турли банкдан хизмат кўрсатганда ҳам инкассо топшириқномаси 3 нусхада расмийлаштирилиб ундириб олувчи томонидан бевосита берувчи корхона банкига топширилади. Инкассо топшириқномасининг алоҳида нусхалари қуйидагича ишлатилади:

– биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг муҳри изи туширилган ҳолда ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади;

– иккинчи нусхаси ижро ҳужжатлари билан биргаликда тўловчининг ҳисобварағига илова сифатида масъул ижрочи томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, қабул қилиш санаси кўрсатилган ва банкнинг муҳр изи туширилган ҳолда тўловчига берилади;

– учинчи нусхаси бош бўлимининг тўртбурчак муҳр изи туширилган, масъул ижрочининг имзоси, тўлов амалга оширилган сана, қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда тўлов; олувчининг ўзига инкассо топшириқномасининг учун банк томонидан қабул қилганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида қайтарилади.

Амалиётда бундай ҳоллар ҳам бўлади, бунда тўловни ундирувчи ва тўлов тўловчи турли шаҳарларда жойлашган бўлиб, уларга турли банклар хизмат кўрсатади. Бунда шаҳарлараро ёхуд, ҳудудлараро операциялар банклараро ҳисоб-китоблар орқали амалга оширилади. Шаҳарлараро ҳисоб-китобларда инкассо топшириқлари ундирувчилардан хизмат кўрсатувчи банк бўлимларига ундирувчи томонидан топширилади. Бу ҳолда инкассо топшириғи икки нусхада расмийлаштирилиб банкка топширилади. Унинг биринчи ва иккинчи нусхалари ижро ҳужжатлари билан бирга почта алоқаси орқали тўловчининг банкига жўнатилади. Топшириқномани жўнатишдан аввал унга масъул ижрочи томонидан имзо, ҳужжатнинг қабул қилиниш санаси қўйилади ҳамда банкнинг тўртбурчак муҳр изи туширилади. Инкассо топшириқномасининг учинчи нусхаси банк бўлимининг тўртбурчак муҳр изи туширилган, масъул ижрочининг имзоси, қабул қилиш санаси қўйилган ҳолда ундирувчига қайтарилади.

Инкассо топшириқномалари бўйича ҳисоб-китобларда бажарилади. Бунда бухгалтерия ёзувлари ундирувчи ва тўлов тўловчиларга хизмат кўрсатувчи банкларнинг жойлашувига боғлиқ.

Тўлов тўловчи ва ундирувчи томонлар бир шаҳар ичидаги турли банклар хизматидан фойдалансалар, ундирувчи томон инкассо топшириғини тўловчи банклар уч нусхада топширади. Топшириқномани нинг тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилганлиги, унинг барча реквизитларининг мавжудлиги, шу билан бирга, тўловчининг ҳисоб-варағида ушбу топшириқномани тўлаш учун пул маблағларининг етарлилиги банк масъул ижрочиси томонидан назорат қилинади. Шундан сўнг биринчи нусха асосида бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Тўлов электрон тўлов тизими орқали ҳисоб Марказига ўтказилади. Инкассо топшириқномаларининг бошқа нусхалари юқорида кўрсатиб ўтилганга мувофиқ ишлатилади.

Тўлов тўловчи ва ундирувчи томонларга турли шаҳардаги турли банклар хизмат кўрсатсалар, ундирувчига хизмат кўрсатувчи банк инкассо топшириғини ижро ҳужжатлари билан биргаликда почта алоқаси орқали тўловчига хизмат кўрсатиб турли банкка жўнатади тўловчининг банки келиб тушган ҳужжатларнинг тўланиши мумкинлиги ва тўғри расмийлаштирилганлигини текшириб юқоридаги бухгалтерия ёзувини ўтказади электрон тўлов тизими орқали ҳисоб Марказига тўловни жўнатиш ҳисоб Маркази орқали тўлов ундирувчига хизмат кўрсатувчи банкнинг корреспондент ҳисобварағига келиб тушади. Бир вақтнинг ўзида келиб тушган пул маблағлари ундирувчи томоннинг ҳисобварағига ўтказилади.

Ундирувчи банкида электрон тўлов тизими орқали қабул қилинган электрон инкассо топшириқномаси икки нусхада қоғозга чиқарилади. Уларнинг биринчи нусхаси банкнинг муҳр изи ва масъул ижрочининг имзоси қўйилиб, кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади. Иккинчи нусхаси эса банк муҳр изи ва масъул ижрочининг имзоси қўйилган ҳолда ундирувчи ҳисобварағига илова қилиб берилади.

Ҳисобланаётган маблағлар ҳисобига ёки топширилган нақд пул суммасига берилади, ҳисоб-китоб чеки 2 қисмдан иборат:

– биринчи қисми ҳисоб-китоб чеки;

– иккинчи қисми чек корешоги.

Чекнинг корешок қисми чекнинг биринчи қисмида кўрсатилган суммаларни тасдиқлаш учун белгиланган назорат рақамларини ўз ичига олади. Банк ходими чекини беришда қуйидаги реквизитларни тўлдириб бериши лозим: чек берилган сана:

– чек бўйича тўланиши лозим бўлган суммани рақамлар ва сўз билан;

– ҳисоб-китоб чекига номи ёзиб берилаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми,

– унинг паспортининг серияси ва номери;

– чек берувчининг депозит ҳисобварағи номери;

– чек берган банкнинг бўлимининг номи ва коди;

– чекнинг амал қилиш муддати.

Кўрсатиб ўтилган барча реквизитлар тўлдирилгандан сўнг, банкнинг масъул ходим ҳисоб-китоб чеки ва корешок қисмларига имзо қўяди ва ҳисоб-китоб чекининг ҳисоб-китоб чеки суммасига мос келиши учун ҳисоб-китоб чеки назорат сонлар ҳошияси бўйича корешокни ажратади ҳамда муҳр билан мустаҳкамлайди.

Шундан сўнг чек мижозга берилади. Чек олувчи мижоз чекни олганлиги ҳақида корешокка ўз имзосини қўяди.

Банкнинг масъул ходими алоҳида дафтарга ҳисоб-китоб чекининг серияси номерини, номига чек ёзиб берилган шахснинг фамилияси, қисми, отасининг исми ва чек суммасини ёзиб қўйиши лозим. Бунда ушбу чек омонат бўйича ҳисобварақда сақланган маблағлар ёки депозит ҳисобварақдан кўчирилган ёхуд нақд пулларда қўйилган маблағлар ҳисобидан берилганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиши шарт.

Банк чек берганда жисмоний шахснинг аризасига кўра чекнинг суммасига 20206 "Жисмоний шахсларнинг талаб қилингунча сақланадиган депозитлари" алоҳида ҳисобварағини очади ва тўловлар мана шу ҳисобварақлардан амалга оширилади. Масъул банк ходими барча расмийлаштириш ишларини бажаргандан сўнг чекни корешоги билан биргаликда кассирга беради. Кассир масъул ижрочидан барча зарурий ҳужжатларни олгандан сўнг, аввало, ҳужжатларда бажарилган ёзувларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текширади ва уларни имзолайди. Агар ҳисоб-китоб чеки нақд пул ҳисобидан расмийлаштирилаётган бўлса, чек олувчидан нақд пулларни ва чек учун тўловни қабул қилади. Пулнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилгач, чек ва омонат дафтарчасининг алоҳида белгиланган жойига ўз имзосини қўйиб чекни омонат дафтарчаси билан биргаликда ҳисоб-китоб чекини олувчига топширади. Чекнинг корешок қисми эса операцион кун охирига қадар кассирнинг ўзида қолади.

Операцион кун охирида банк кассири бандероллардаги ҳисоб-китоб чекларининг корешокларида белгиланган реквизитлар билан бирга, нақд пулларда қабул қилинган суммани ва омонатлар бўйича ҳисобварақлардан ҳисобдан чиқарилган суммани кўрсатади. Шундан сўнг чек корешогини масъул ижрочига топширади.

Ҳисоб-китоб чекини расмийлаштириш даврида хатога йўл қўйилиши мумкин. Агарда ҳисоб-китоб чекини тўлдиришда хатога йўл қўйилса, унда ушбу чек варақаси бузилган деб ҳисобланади ва унинг ўрнига ҳисоб-китоб янги варақаси тўлдирилади. Бундай ҳолларда ҳисоб-китоб чеки қуйидаги тартибда ҳисобдан чиқарилади:

– ҳарфлар билан ёзилган «ҳисоб-китоб» сўзидан бир қисми қирқиб олинади;

– чек варақасининг ўртасига "бузилган" деган дастхат ёзилади ва ушбу ёзув ёзилган сана кўрсатилади;

– чек варағига кассир ва бош бухгалтер томонидан имзо қўйилади. Тижорат банкларида қабул қилинган чекларнинг ҳисоби қимматбаҳо бланкаларнинг ҳаракати ҳисобини киритишга доир дафтарда олиб борилади ва балансдан ташқари кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича 93609 "Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар" ҳисобварағида ҳисобга олиб борилади. Иш куни давомида ишлатилган чек варақалар чиқим ордери бўйича 93609 "Сақланаётган қимматбахо буюмлар" ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади.

Чекни олган жисмоний шахс сотиб олаётган товари ёки кўрсатилган хизмат учун ҳисоб-китоб чеки билан ҳисоб-китоб қилиши мумкин. Ҳисоб-китоб чекини қабул қилиш ваколатига эга бўлган савдо ташкилоти ходими маҳсулот тўлови учун чекни қабул қилаётганда чек белгиланган намунадаги бланкада расмийлаштирилганлигини назорат рақамларнинг ёзилган суммага мувофиқлигини, чек муддати ўтказиб юборилмаганини унда банк бўлими муҳрнинг аниқ изи ва банк ходимларининг мавжудлигини текшириб кўради. Шу билан бирга, чек берувчининг паспортини ҳам олиб чекда кўрсатилган паспорт серияси ва номерлари билан солиштириб кўради. Чек бўйича текширувдан сўнг ҳисоб-китоб чекининг орқа томонига савдо ходими савдо ташкилотининг белгисини қўяди. Чек маҳсулот учун тўлов сифатида қабул қилинган ҳисобланади. Ҳисоб- китоб чеки савдо ташкилотлари томонидан нақд пулга алмаштирилмайдиган чекни сотиб олинаётган маҳсулот қиймати чекларда ҳам кўрсатилган суммадан кам бўлса, ташкилот ушбу чек суммасининг 25 фоизидан ошмаган миқдордан қийматини қайтим сифатида қайтиб беради

Маҳсулот учун тўлов сифатида қабул қилинган чеклар савдо ташкилотлари томонидан уларга хизмат кўрсатувчи банк бўлимларига пул тушуми билан бирга инкассаторлар орқали топширилади, яъни инкассаторлар белгиланган вақтда банкка келиб савдо таш-

килоти ходимлари томонидан тайёрлаб қўйилган инкассаторлик халта ёки сумкаларини олиб кетадилар. Ушбу сумкаларга олдинги пул тушуми билан бирга ҳисоб китоб чеклари жойлаштирилган бўлади.

Банк томонидан қабул қилинган чеклар бўйича тўловлар қуйидаги тартибда амалга оширилади.

1. Чек эгаси ва чек берувчига битта банк бўлимида хизмат кўрсатилганда:

– чек суммаси савдо ташкилотининг ҳисобварағи кредити ва "Инкассация қилинган пул тушумлари ва ҳисобварағи орқали чек берувчининг ҳисобварағининг дебетидан ўтказилади. Чекнинг асл нусхаси банк масъул ижрочисининг имзоси, санасининг тўртбурчак муҳр изи туширилган ва қабул қилинган санаси кўрсатилган ҳолда кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади.

2. Чек эгаси ва чек берувчига турли банк бўлимлари хизмат кўрсатса:

– Чек эгасининг банки чекда кўрсатилган суммани қабул қилинган чекка асосан берувчининг ҳисобварағига ўтказиб беради. Бир вақтнинг ўзида тижорат банкларининг электрон ҳисоб чеклари электрон тўлов тизими орқали чек берувчининг банкига жўнатилади. Чекнинг асл нусхаси масъул ижрочи томонидан имзо қўйилган, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак муҳр изи туширилган ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади.

Чек берувчи банки электрон тўлов тизими орқали электрон ҳисоб-китоб чекининг қабул қилиб оладиган банкда чек суммаси электрон ҳисоб-китоб чеки асосида даврий йўл билан автоматлаштирилган тарзда чек берувчининг ҳисобварағидан ҳисоблаб чиқарилади. Электрон чек банк масъул ижрочиси томондан имзо қўйилган, банкнинг тўртбурчак муҳр изи туширилган ҳамда тўлов амалга оширилган сана кўрсатилган ҳолда банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади.

Фойдаланилмаган ҳисоб-китоб чеки қайтиб банкка топширилиши мумкин. Фойдаланилмаган ҳисоб-китоб чекларни банкка тақдим қилинганда, банкнинг масъул ижрочиси, аввало, чекнинг ҳақиқийлигини ва ҳужжатни кўрсатувчи шахснинг паспорти билан текшириб кўради.

Банк бош бухгалтерининг рухсати асосида чекда кўрсатилган сумма банк бухгалтериясида чекда кўрсатилган ҳисобвараққа ўтказиб берилади.

3-§. Нақд пул айланмаси ва унинг хусусиятлари

Нақд пуллик айланма бу – нақд пул ёрдамида амалга ошириладиган тўловлар йиғиндисидир. Бу айланма пул ўзининг тўлов ва муомала воситаси функцияларини бажаришида юзага келади.

Нақд пуллар муомала воситаси сифатида аҳоли билан ўзаро ёки корхона, ташкилотлар ўртасида, товарлар сотиб олишда ва сотишда қўлланилади.

Пул тўлов воситаси сифатида иш ҳақи, нафақалар, мукофотлар, якка тартибдаги қурилиш учун бериладиган кредитлар, суғурта тўловларни тўлашда намоён бўлади.

Бундан ташқари, нақд пуллик айланмага:

– коммунал хизматлар учун тўловлар;

– маиший хизматлар учун тўловлар;

– суғурта ташкилотларига пайларни тўлаш;

– солиқнинг баъзи турларини тўлаш;

– банк кредитини тўлаш;

– акционерлик жамиятлари билан аъзолари ўртасидаги тўловлар ва бошқа тўловлар киради.

Баъзи иқтисодчилар пул айланмасини нақд пулли ва нақд пулсиз айланмаларга бўлиб ўрганишга зарурат йўқ деб ҳисоблайдилар.

Биз чет эл иқтисодчиларининг тадқиқотларини олиб қарайдиган бўлсак, албатта, юқоридагидек пул айланмасини иккига бўлиб ўрганиш йўқ. Бунинг асосий сабаби, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда ҳисоб-китоблар, асосан, нақд пулсиз олиб борилади. Ҳисоб-китобларни бу турларда олиб бориш қулай ва шароитга мос келади. Лекин ҳали ривожланган иқтисодиётга эга бўлмасдан туриб, биз хорижий давлатларнинг ҳозирги ҳисоб-китоблари мавқеи билан ўз ҳисоб-китоб тизимимизни тенглаштира олмаймиз. Бундан ташқари, бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш, миллий пул бирлигини барқарорлаштириш, муомаладаги пул массасини ва пул эмиссиясини камайтириш масалалари долзарб турган бир шароитда биз пул айланмасини нақд пулли ва нақд пулсиз айланмаларга бўлиб ўрганишимиз, уларнинг таркибини такомиллаштиришимиз, самарали йўлларни қўллаб жамиятимизда тўлақонли пул айланмасини яратишимиз ва уни жамият ривожланиши учун хизмат қилдиришимиз зарур. Мана шу шароитдагина ривожланган хорижий мамлакатларга ўхшаб пул айланмасини таркибий қисмларга бўлмасдан таҳлил қилишимиз мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, пул айланмасининг икки қисми бир -

бири билан узвий боғлиқ, чунки пул нақд пул айланмасидан нақд пулсиз айланмага ўтади ва аксинча айланиб доимий ҳаракатда бўлиб, умумий пул айланмасини юзага келтиради.

Корхона, ташкилотларнинг банкдаги ҳисоб рақамидаги пул маблағлари қуйидаги йўллар билан нақд пулга айланади:

– ишчи, хизматчиларга иш ҳақи бериш;

– кўрсатилган хизматлар, меҳнат учун тўловлар;

– нафақалар тўлаш;

– ҳар хил мукофотлар;

– аҳолидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, товарлар сотиб олишда;

– давлат заёмлари ва лоторея билетлари бўйича тўловлар;

– аҳоли банклардан жамғармаларини олганда;

– аҳолига суғурта тўловларини тўлаганда ва ҳоказо;

Нақд пуллар чекланган миқдорда муомалага чиқарилади. Нақд пулларнинг муомалага чиқарилиши устидан банк назорат олиб боради.

Нақд пуллар қуйидаги йўллар билан нақд пулсиз айланмага тушади.

– уй-жой ва коммунал хизматлар учун тўлаганда;

– алоқа ташкилотларига тўлаганда;

– ҳар хил солиқлар ва пайлар тўланганда;

– давлат заёмлари ва лоторея билетлари сотиб олингандаги тушумлар орқали;

– якка тартибдаги қурилиш учун олинган кредитларни тўлаганда;

– ҳар хил божлар ва жарималарни тўлаганда;

– болалар боғчалари ва бошқа муассасалар учун тўланганда;

– дам олиш уйлари ва бошқа соғломлаштириш муассасаларининг йўлланмалари учун тўланганда ва бошқа ҳолларда.

Пулнинг нақд пулсиз айланмага ўтганидан нақд пуллик айланмага кўпроқ ўтиши пул муомаласи учун хатарлироқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, пулнинг нақд пуллик айланмага ўтиш жараёни давлатнинг Марказий банки томонидан назорат қилиб борилиши керак.

Пул айланмаси бўлимлари ўртасида юзага келадиган номутаносиблик иқтисодий чоралар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан йўқотилиши керак.

Бунинг учун муомалага халқ эҳтиёжи учун зарур бўлган товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш, аҳолига хизмат кўрсатувчи ташкилот ва муассасалар сонини ва хизмат турларини яхшилаш нақд пулларнинг нақд пулсиз айланмага ўтиш жараёнини тезлаштиради. Ўз

навбатида бу маблағлар ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтиришга имкон беради.

Баъзи адабиётларда, нақд пул айланмаси ва пул муомаласи тушунчалари бир хил моҳиятга эга, деган хато фикрларни ҳам учратиш мумкин. Пул муомаласининг ўзига хос хусусияти шундаки, бир пул белгиси бир неча марта тўловларни амалга оширишда ишлатилиши мумкин. Муомалада бўлган нақд пул массаси маълум бир давр (ой, квартал, йил)да ўзгармас бўлиб турган ҳолда, нақд пул айланмаси пул бирлигининг айланиш тезлигига қараб муомаладаги нақд пул миқдоридан бир неча марта кўп бўлиши мумкин ёки аксинча.

Ўзбекистонда пул Марказий банк томонидан муомалага чиқарилади. Аҳоли томонидан иш ҳақи ва бошқа тўловлар шаклида олинган пулларнинг бир қисми бозордан товарлар сотиб олишга сарфланади. Аҳоли бу пулларга савдо ташкилотларидан товарлар сотиб олади. Савдога тушган пуллар савдо тушуми сифатида банкларга топширилади. Кўриниб турибдики, банкдан чиққан пуллар бир неча тўловларга ишлатилади, нақд пул айланмасининг ҳажми тўловларни амалга ошириши учун муомалага чиқарилган пуллар миқдоридан бир неча марта кўпдир. Нақд пул айланмаси нақд пуллар билан амалга ошириладиган тўловлар йиғиндиси бўлиб, у сонларда ифодаланади.

Пул муомаласи муомаладаги пул массасини, банк томонидан муомалага чиқарилган пулларнинг банкга қайтиб келиш тезлигини ифодалайди.

4-§. Пул муомаласи қонуни

Қиймат қонуни ва унинг муомала доирасида юзага чиқиш шакли – пул муомаласи қонуни товар-пул муносабати мавжуд бўлган барча ижтимоий тузумларга хосдир. Қиймат шакллари ва пул муомаласи тараққиёт йўлини таҳлил қилаётиб, К. Маркс пул муомаласининг қонунини очди. Бу қонунга асосан муомала воситаси функциясини амалга ошириш учун керак бўлган пул миқдори аниқланади.

Металлик пул муомаласида муомаладаги пул миқдори стихияли тарзда, пулларнинг хазина функцияси ёрдамида тартибга солиб турилган. Агар пулга эҳтиёж камайса, ортиқча пуллар (олтин танга) муомаладан хазинага оқиб ўтиши кузатилган ёки аксинча. Шундай қилиб, муомаладаги пул миқдори керакли даражада ушлаб турилган. Кейинчалик, муомалага банкноталар чиқарилиши ва уларнинг металлар (олтин ёки кумуш)га эркин алмашиниши ҳам муомалада пулнинг ортиқча миқдори бўлишини инкор этади.

Агар муомалада олтинга алмашинмайдиган банкноталар ёки қоғоз пуллар (хазина билетлари) амал қилса, у ҳолда нақд пул муомаласи пул муомаласи қонунига асосан амалга ошади.

Қоғоз пуллар миқдори муомала учун керак бўлган олтин пулларнинг назарий миқдорига тенг бўлганда пул муомаласида ҳеч қандай салбий жараёнлар юз бермайди. Юқорида кўрсатилган талаб пулнинг барқарорлигини таъминлайди, шунингдек, пул муомаласи мавжуд бўлган барча ижтимоий тузумларда ўз кучига эга.

Пул муомаласи қонуни муомаладаги товарлар массаси, уларнинг нарх даражаси ва пул муомаласи тезлиги орасидаги иқтисодий алоқадорликни акс эттиради. Бу қонунга асосан муомала учун зарур бўлган пул миқдорини қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

Реализация қилинадиган товарлар нархи суммаси	—	Кредитга сотилган товарлар нархи суммаси	+	Мажбуриятлар бўйича тўловлар-суммаси	—	Бир-бирини қоплайдиган тўловлар суммаси.

Пулнинг муомала ва тўлов воситаси сифатида ўртача айланиш тезлиги.

Шундай қилиб, муомала учун зарур бўлган пул миқдорига ишлаб чиқариш ривожи ва шарт-шароитларига боғлиқ бўлган турли хил омиллар таъсир кўрсатади. Муомала учун зарур бўлган пул миқдорига таъсир кўрсатувчи асосий омил – бу товарлар ва хизматлар баҳоси ҳисобланади. Пул миқдори товарлар ва хизматлар баҳосига тўғри пропорционал, яъни товарлар ва хизматлар баҳосининг ошиши муомалага кўп пул чиқаришни талаб қилади. Пул миқдорига таъсир қилувчи иккинчи омил – бу пулнинг айланиш тезлиги ҳисобланади. Бу омил пул миқдорига тескари таъсир кўрсатади. Одатда, пул қанчалик тез айланса, муомала учун зарур бўлган пул миқдори шунча кам талаб қилинади ва аксинча.

Муомала учун зарур бўлган пул миқдорини камайтириш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш муҳимдир. Булар:–истеъмол кредитни ривожлантириш; кредитга қанчалик кўп товар сотилса, шунча кам миқдорда пул муомалада керак бўлади;

– нақд пулсиз ҳисоб - китобларнинг ривожланиши;

– пулларнинг муомала тезлигини оширишга эришиш ва бошқалар.

Ҳар бир жамият пул муомаласи қонуни талабларини ҳисобга олган ҳолда иш юритиши зарур. Чунки пул муомаласи қонунининг

бузилиши пул барқарорлигига путур етказади. Бу ҳолда муомалага чиқарилган пул миқдори муомаладаги товарлар баҳосидан ошиб кетиши, яъни инфляция бўлишига ёки пул танқислигига (етишмовчилигига) олиб келиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, пул муомаласини ушлаб туриш шарт-шароитлари ва қонуниятлари икки омилнинг ўзаро таъсири билан, яъни хўжаликнинг пулга бўлган эҳтиёжи ва амалда пулларнинг муомалага бориб тушиши билан белгиланади. Амалиётда кўпроқ учрайдиган ҳол бу айланмада хўжаликка керак бўлганидан кўпроқ пулнинг бўлишидир. Бу, албатта, пулнинг қадрсизланишига – пул бирлиги харид қобилиятининг тушишига олиб келади.

5-§. Пул агрегатлари ва пулни тартибга солишнинг амалиётда қўлланилиши

Пул муомаласининг муҳим кўрсаткичи пул массаси ҳисобланади. Пул массаси хўжалик айланмасидаги нақд пуллик ҳисоб-китобларни аҳоли, корхоналар, давлат муассасаларига тегишли харид ва тўлов воситаларининг ялпи ҳажмини ўзида ифодалайди.

Пул муомаласининг белгиланган муддат ва белгиланган даври учун миқдорий ўзгаришларини билиш учун, шунингдек, пул массаси ҳажми ва ўсиш суръатларини тартибга солиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқариш учун турли хил кўрсаткичлар (пул агрегатлари) дан фойдаланилади.

Саноати ривожланган мамлакатларнинг молия статистикасида пул массасини аниқлашда қуйидаги асосий пул агрегатлари тўпламидан (гуруҳидан) фойдаланилади:

М-1 агрегати – муомаладаги нақд пуллар (банкноталар, тангалар) ва жорий банк счётларидаги маблағларни ўз ичига олади;

М-2 агрегати – М-1 агрегати ва тижорат банкларидаги муддатли ва жамғарма қўйилмаларидан (тўрт йилгача) таркиб топган;

М-3 агрегати – ўз ичига М-2 агрегати ва ихтисослашган кредит муассасаларидаги жамғарма қўйилмаларини киритган;

М-4 агрегати – М-3 агрегати ҳамда йиллик тижорий банкларининг депозитли сертификатларидан иборат.

АҚШ да пул массасини аниқлаш учун 4 та пул агрегати, Япония ва Германияда – 3 та, Англия ва Францияда – иккита пул агрегатидан фойдаланилади.

Пул массаси таркиби ва динамикасини таҳлил қилиш Марказий банк томонидан тўғри пул-кредит сиёсати олиб боришда муҳим аҳамият касб этади.

Россия Федерацияда муомаладаги жами пул массаси ҳисоб-китоби учун қуйидаги пул агрегатлари қўлланилади.

М-О агрегати – нақд пуллар;

М-1 агрегати – М-О агрегати ва ҳисоб-китоб, жорий ва бошқа счётлар (махсус счётлар, капитал қўйилмалар счётлари, аккредитив ва чек счётлари, маҳаллий бюджет счётлари, бюджет, касаба, уюшмалари, жамоат ва бошқа ташкилотларнинг счётлари, давлат суғурта маблағлари, узоқ муддатга кредитлаш фонди) даги маблағлар тижорат банкларига қўйилмалар ва жамғарма банкларидаги талаб қилиб олинадиган депозитларнинг йиғиндисига тенг;

М-2 агрегати – М-1 агрегати ва жамғарма банкларидаги муддатли қўйилмалардан иборат;

М-3 агрегати – М-2 агрегати ҳамда депозитли сертификатлар ва давлат заём облигациялари йиғиндисидан иборат.

Пул массаси таркибини унинг ҳаракатига қараб иккига бўлиш мумкин, яъни пул массасининг актив қисми – бу пул маблағларининг хўжалик фаолиятидаги турли хил шаклдаги ҳисоб-китобларни олиб бориш билан боғлиқ қисми ва иккинчиси пассив қисм – жамғармадаги пуллар ва ҳисоб рақамлардаги қолдиқлар ҳисобланади.

Пул массаси нақд пуллардан ташқари муддатли ҳисоб рақамдаги маблағ ва жамғармаларни, депозит сертификатлари, инвестицион фондларнинг акцияларини ўз ичига олади. Пул массасининг юқоридаги элементлари «квази» - “қарийб пуллар” деб ҳам юритилади. Квази - пуллар ликвид активлар бўлиб, улар тез орада пулга айланиши мумкин.

Ўзбекистонда пул массаси қуйидаги таркибий қисмлардан иборат.

$М_0$ – нақд пуллар;

$М_1$ – $М_0$ + счётлардаги пул қолдиғи + маҳаллий бюджет маблағлари + бюджет, жамоа ва бошқа ташкилот маблағлари;

М2 –М1 + тижорат банкларидаги муддатли жамғармалар;

М3 – М2 + сертификатлар + мақсадли заём облигациялари + давлат заём облигациялари + хазина мажбуриятлари.

Пул агрегатлари М1 ва М2 нинг бир-биридан фарқи М2 нинг ўз таркибига яқин орада пулга айланиши мумкин бўлган «квази» - қарийб пулларни олишдадир.

Ўзбекистонда охирги йилларда пул агрегатлари ҳисоб қилинадиган бўлди.

1995 йилда номинал пул массаси М2 пул массасининг 1994 йилдаги ўсиш даражасидан 1,5 марта кам бўлган. Марказий банк томонидан инфляцияга қарши олиб борилаётган чора - тадбирлар натижасида пул массасининг ўсиш суръатлари қисқариб бормоқда. 1996 йилнинг биринчи ярмида пул массасининг ўсиши 1995 йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан 7,6% ҳисобида ва 1994 йил даражасидан 2 баробарга кам бўлган.

1996 йил бошида муомалага нақд пул чиқариш ҳажми 1995 йилдаги 20,7% ўрнига 15,8% ни ташкил қилган.

1-диаграмма



Пул массасининг турли хил кўрсаткичларини ишлатиш пул муомаласи ҳолатини таҳлил қилишга турли томонлардан ёндашишга имкон беради.

Мамлакат миқёсида пул массаси ҳажмининг ўзгариши муомаладаги пул массасининг ўзгариши натижаси ва пулнинг айланиш тезлашганлигининг натижаси бўлиши мумкин.

Пулнинг айланиш тезлиги – пул муомала ва тўлов воситаси сифатида амал қилгандаги унинг ҳаракат кўрсаткичидир. Унинг миқдори ни ҳисоблаш қийин, шунинг учун уни ҳисоб-китоб қилишда билвосита маълумотлардан фойдаланилади.

Саноати ривожланган мамлакатларда асосан пул айланиш тезлиги ўсишининг икки кўрсаткичи ҳисобланади:

– даромадлар айланмаси пулнинг муомалада бўлиш тезлиги кўрсаткичи. Бу кўрсаткич ялпи миллий маҳсулот (ямм) ёки миллий даромаднинг пул массасига, аниқроғи М-1 ёки М-2 пул агрегатига нисбати билан аниқланади. Бу кўрсаткич пул муомаласи ва иқтисодий ривожланиш жараёни орасидаги ўзаро алоқадорликни кўрсатади;

– тўлов айланмасида пулнинг айланувчанлик кўрсаткичи. Бу кўрсаткич жорий банк ҳисоб рақамлари бўйича ўтказилган маблағлар

йиғиндисининг пул массаси ўртача қийматига нисбати сифатида аниқланади.

Пулнинг айланиш тезлиги ўзгариши умумиқтисодий (иқтисодиётнинг даврий ривожланиши, иқтисодий ўсиш, нархлар суръатлари), ҳам тўла монетар (тўлов айланмаси таркиби, кредит операциялари ва ўзаро ҳисоб-китобларнинг ривожланиши, пул бозорида фоиз ставкаларнинг даражаси ва ҳ.к. лар) омилларига боғлиқ.

Пул айланишининг тезлашувига металл пулларнинг кредит пуллар билан алмашиши, ўзаро ҳисоб-китоблар тизимининг ривожланиши, банклар ишига ЭҲМнинг киритилиши, пуллик ҳисоб-китобларда электрон воситаларнинг ишлатилиши ёрдам беради.

Пул қадрсизланган ҳолларда истеъмолчилар пулларининг тўлов қобилиятини сақлаб қолиш учун кўпроқ товарлар кўпроқ харид қиладилар. Бу эса пул айланишини тезлаштиради. Бошқа кўрсаткичлар ўзгармас бўлганида пул айланишининг тезлашиши пул массаси ошишини билдиради.

Қуйидаги таянч сўзларни таърифланг

1. Пул айланмаси.
2. Нақд пул айланмаси.
3. Нақдсиз пул айланмаси.
4. Тўлов айланмаси.
5. Товар операциялари.
6. Товарсиз операциялар.
7. Ҳисоб-китоб.
8. Мемориал ордер.
9. Инкассо топшириғи.
10. Аккредитив.
11. Пластик карточка.
12. Тўлов талабномаси.
13. Тўлов топшириқномаси.
14. Вексель.
15. Чек.
16. Пул муомаласи.
17. Пул массаси.
18. Пул агрегатлари.
19. Ҳужжатлар айланиши.
20. Пластик карточкалар.
21. Электрон пуллар.

Мавзуга оид саволлар

1. Пул айланмаси деганда нимани тушунасиз?
2. Нақд пул айланмаси нима ва унинг ўзига хос хусусиятлари?
3. Нақд пулсиз пул оайланмаси ва уни ишлатиш кўлами?
4. Электрон пул тизимининг мазмуни ва унинг аҳамияти.
5. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг алоҳида шаклларига тавсиф беринг?
6. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш тамойилларини санаб ўтинг?
7. Пул муомаласи қонуни нима?

2. Пул массаси ва унинг таркибий қисмлари нималардан иборат?
3. Пул агрегатларига изоҳ беринг?
4. Пул муомаласини барқарорлаштириш йўллари нималардан иборат?

IV боб. Инфляция ва пул муомаласини барқарорлаштириш усуллари

1-§. Инфляция, унинг мазмуни, келиб чиқиш сабаблари ва шакллари

Инфляция лотинча «инфлатио» сўзидан олинган бўлиб «иш», «бўртиш», «кўпчиш» деган маънони англатади. Бу сўз XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб иқтисодчилар томонидан иқтисодий атама сифатида ишлатилгунга қадар, тиббиётда хавфли ўсма касаллигини ифодалашда қўлланилган.

Тарих, ҳақиқатан ҳам бу сўзнинг моҳияти ҳар томонлама хавфли эканлигини кўрсатди. Чунки инфляция қандайдир алоҳида олинган бозорда товарлар ва хизматлар нархининг ўсишидангина иборат бўлмасдан, бу умумиқтисод учун хавфли ҳодисадир. Инфляция сўзининг иқтисодий моҳияти – муомалада мавжуд бўлган товарлар ва уларнинг баҳосига нисбатан кўп пул чиқариш деган маънони англатади.

Иқтисодиётда инфляциянинг якуни товарлар баҳосининг ўсишига, қониқтирилмаган, лекин қисман тўланиши мумкин бўлган талабларнинг вужудга келишига олиб келади. Одатда, инфляциянинг бу тури – классик инфляция деб юритилади.

Инфляция сўзи АҚШнинг Шимолий ва Жанубий штатлари ўртасида фуқаролар уруши бўлганда муомалага жуда кўп миқдорда (450 млн. грин бек) қоғоз доллар чиқарилган вақтдан бошлаб қўлланила бошлаган. Уларнинг сотиб олиш қобилияти икки йилдан кейин 50 фоизгача тушиб кетган. Агар тарихга эътибор берадиган бўлсак, уруш ва бошқа офатлар сабабли давлат харажатларининг ошиб кетиши инфляция билан узвий боғлиқ. Масалан, Англияда кучли инфляция XIX асрнинг бошида Наполеон билан уруш даврида, Францияда - француз революцияси даврида, Россияда XIX асрнинг ўрталарида намоён бўлган. Германияда жуда юқори суръатлардаги инфляция 1923 йилларда бўлиб, муомаладаги пул массаси 496 квинтиллион маркагача етган ва пул бирлиги триллион марта қадрсизланган. Бу тарихий мисоллар шуни кўрсатадики, инфляция ҳозирги давр жараёни бўлмасдан, тарихан мавжуд бўлган жараёндир.

Ҳозирги давр инфляцияси, ўтган давр инфляциясидан фарқ қилувчи хусусиятларга эга. Олдинги инфляциялар вақтинчалик бўлиб, улар, одатда, уруш вақтида ҳарбий харажатларни қоплаш учун қоғоз

пуллар чиқарилиши натижасида юзага келган. Бирор даромад олмасдан туриб, яъни ишлаб чиқариш ва товар айланмаси суръатларини оширмасдан ёки бу кўрсаткичлар камайиб кетган ҳолда давлат томонидан бўладиган харажатларни молиялаштиришнинг асосий йўлларидан бири қоғоз пулларни муомалага чиқаришдан иборат бўлган. Натижада муомалага чиқарилган пуллар, муомала учун зарур бўлган олтин миқдоридан ошиб кетган ва пулнинг реал қиймати унинг номинал қийматидан тушиб кетган, яъни ҳақиқатда пул бирлиги ўзида кўрсатилганидан кам олтин миқдорни ифода қила бошлаган.

Олдинги инфляцияларнинг яна бир хусусияти шундаки, улар маълум даврда намоён бўлган. Ҳозирги давр инфляцияси эса, одатда, доимий (хроник) характерга эга бўлиб, хўжалик ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиши, пул омилларидан ташқари бошқа иқтисодий омилларга таъсир қилиши билан фарқланади.

Охирги йилларда инфляция тез-тез учраб турадиган жараён бўлиб, сифати ҳам ўзгариб бормоқда. Бунинг сабаби шундаки, ҳозирги кунлардаги инфляция: биринчидан, узлуксиз баҳоларнинг ошишига; иккинчидан, пул муомаласи қонунининг бузилиши натижасида умумхўжалик механизмининг ишдан чиқишига олиб келади. XX аср инфляциясининг асосий сабаби товар камёблигигина бўлиб қолмасдан, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқаришда инқирозлар мавжудлиги билан ифодаланади.

Ҳозирги давр инфляцияси пул талабининг товар таклифидан ошиши натижасида пул муомаласи қонунининг бузилиши, ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар салмоғининг ўсиши натижасида товарлар баҳосининг ошиши ва шу сабабли пул массасининг ортиб бориши билан ифодаланади.

Инфляциянинг асосий сабаби – бу халқ хўжалигининг турли соҳалари ўртасида вужудга келган номутаносибликдир. Бу, аввалам–бор, жамғарма ва истеъмолчи ўртасидаги талаб ва таклиф, давлатнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги муомаладаги пул массаси ва хўжаликларнинг нақд пулга бўлган талаби ўртасидаги номутаносибликлардан иборатдир.

Инфляцияни юзага келтирувчи омилларга қараб, унинг сабабларини ички ва ташқи сабабларга бўлиш мумкин.

Инфляциянинг ички омиллари монетар-пул сиёсати билан ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ турларга бўлинади. Хўжалик фаолияти билан боғлиқ омиллар бу хўжаликдаги ва иқтисодиётдаги

мутаносибликнинг бузилиши, ишлаб чиқаришда якка ҳукмронликка йўл қўйиш, иқтисодиётнинг даврий ривожланиши, инвестициялашда номутаносиблик, баҳоларни ташкил қилишда давлатнинг якка ҳокимлиги, кредит сиёсатининг нотўғри олиб борилиши ва бошқалар ҳисобланса, пул билан боғлиқ омилларга давлат молияси соҳасидаги инқрозлар; давлат бюджетнинг тақчиллиги, давлат қарзларининг ўсиши, пул эмиссияси, пул муомаласи қонунининг бузилиши, кредитлашда автоматизмга йўл қўйиш ва бошқалар киради.

Инфляциянинг ташқи омилларига жаҳон иқтисодиётида бўлган кризислар, (хом ашё, ёқилғи, валюта бўйича) давлатнинг валюта сиёсати, давлатнинг бошқа давлатлар билан ташқи иқтисодий фаолияти, олтин ва валюта захиралари билан бўладиган ноқонуний операциялар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишида юзага келувчи диспропорциялар сабабли товарлар ва хизматлар баҳосининг умумий ёки тўхтовсиз ўсиши натижасида пул муомаласи қонунининг бузилиши ва пул бирлигининг қадрсизланишига инфляция деб айтилади.

Инфляция қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

– товар ва хизматлар баҳосининг узлуксиз ва тартибсиз ўсиб бориши натижасида пулнинг қадрсизланиши ва уни сотиб олиш қобилиятининг тушиб бориши;

– чет эл валютасига нисбатан миллий валюта курсининг тушиб кетиши;

– миллий пул бирлигида олтин нархининг ошиб бориши ва бошқалар.

Баъзи бир иқтисодчиларнинг[1] фикрича, инфляция – бу барча товарлар баҳоларининг ошишини билдирмайди. Инфляция жуда тез ўсган тақдирда ҳам айрим товарлар баҳоси барқарор бўлиб қолиши, бошқаларининки тушиши ҳам мумкин экан. Бундай хулосалар 70-80 йилларнинг инфляциясига мос келиши мумкин.

Албатта, инфляция даврида баҳоларнинг ошиши доим бир хил суръатларда бўлмасдан, сакраб турадиган бўлиши мумкин. Лекин баъзи товарлар баҳосининг тушиши ёки барқарор бўлиб туриши, XX асрнинг инфляцияси учун мос, деб тўлиқ ишонч билан уқтира олмаймиз. Баъзида давлат аралашуви билан аҳоли истеъмоли учун зарур

[1] Кэмбелл Р., Макконел, Стенли Л. Брю. Экономикс – М.: 1993 г. с. 163.
Жўраев Т.Т., Жўраев А.Д. Пул капитал ва хазина моллари бозори. Молия, кредит-банк тизими ва давлатнинг солиқ сиёсати.– Т.: 1994 й.

бўлган айрим бир товарлар баҳосини маълум даврда барқарор ушлаб туриш мумкин, аммо инфляциянинг кучайиб бориши шу товарлар баҳоларининг ҳам охир оқибатда ошишига олиб келади. Бизнинг фикримизча, баҳолар ошиши тўғрисида гапирганда, инфляция даражасида баҳолар ошиши ва умуман баҳолар ошиши тушунчаларини тўғри талқин қила олиш керак. Масалан, ҳамма вақт ҳам баъзи товарлар баҳосининг ошиши инфляцияни англатмаслиги мумкин. Товарлар баҳоси ошиши инфляция бўлмаган даврда, олтин пул муомаласи шароитида ҳам бўлиши мумкин.

2-§. Инфляциянинг турлари ва тоифалари

Халқаро амалиётда бозорда товарлар ва хизматлар баҳосининг ўсиб боришига кўра инфляция бир неча турларга ажратилиб ўрганилади.

1. Судралувчи инфляция. Баҳоларнинг ўртача йиллик ўсиши 5-10% дан ошмайди. Инфляциянинг бу тури кўпроқ ривожланган мамлакатларга хос бўлиб, мамлакат иқтисодий ривожланиш даражасига қараб баҳолар ошиши 3-4% атрофида ҳам бўлиши мумкин. Бу инфляция аксинча ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришни рағбатлантирувчи омил сифатида намоён бўлиши мумкин. Пул қийматининг барқарорлигидаги ўзгариш сезилмаслиги мумкин.

2. Шиддатли инфляция. Баҳоларнинг ўртада йиллик ўсиши 10-100% (баъзида 200% гача) бўлиши мумкин. Инфляциянинг бу тури ривожланаётган мамлакатларда кўпроқ учрайди.

3. Гиперинфляция. Баҳоларнинг ўсиш суръатлари йилига 200% дан ошиб кетади. Бу инфляция мамлакатлар иқтисодий ривожланишининг инқирозли даврига мос келади ва у иқтисодиёт таркибий қисмларининг ўзгариши билан боғлиқ. Ҳозирги даврда ХВФ баҳолар ойига 50% дан ошган вақтда бу гиперинфляция, деб қабул қилган. Гиперинфляция даврида баҳолар кун сайин ошиб боради ва баҳолар билан иш ҳақи ўртасидаги фарқ жуда юқори бўлади. Аҳолининг яшаш шароити қийинлашади, корхоналар фаолияти ёмонлашади. Хўжалик фаолияти ва бозор фаолиятида натураллаштириш авж олади.

Инфляциянинг келиб чиқиш сабабларига кўра унинг икки тоифасини кўрсатиш мумкин: талаб инфляцияси ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ инфляция (таклиф инфляцияси).

Талаб инфляцияси. Инфляциянинг бу анъанавий тури талаб ошиб кетганда юзага келади. Ишлаб чиқариш соҳаси аҳолининг талабини тўла қондира олмайди, таклифга нисбатан талаб ошиб кетади. Натижада

товарлар баҳоси ўсади. Кам миқдордаги товарларга кўп пул массаси тўғри келади.

Талаб инфляциянинг юзага келиш сабаблари қуйидагилардан иборат:

а) ҳарбий харажатларнинг ўсиши ва иқтисодиётнинг милитарлашуви.

Ҳарбий техника сотиб олиш ва бошқа ҳарбий харажатларни қоплаш билан боғлиқ бўлган жараёнлар муомала учун керагидан ортиқча пул чиқаришнинг омили ҳисобланади;

б) давлат қарзларининг ўсиши ва бюджет тақчиллигининг мавжудлиги.

Бюджет тақчиллиги, одатда, заёмлар чиқариш ёки банкноталарни эмиссия қилиш йўли билан қопланади. Бу, ўз навбатида, қўшимча муомала воситалари бўлишига, қўшимча талаб юзага келишига олиб келади. Ўзбекистонда бюджет тақчиллиги юқоридагидан ташқари, 1996 йилдан бошлаб давлат қисқа муддатли мажбуриятларини (ДҚМО) сотиш орқали ҳам қопланмоқда;

в) халқ хўжалигига ортиқча кредитлар бериш натижасида муомалада кредит билан боғлиқ муомала воситалари юзага келади. Булар товар ва хизматларга бўлган талабни оширади.

г) чет эл валютасининг мамлакатга кириб келиши ва унинг миллий валютага алмашинуви натижасида, муомалада пул массаси ортиб боради, миллий пулга нисбатан чет эл валютасининг қадри ошади;

д) халқ хўжалигининг етакчи тармоқларини керагидан ортиқча инвестициялаш ҳам айланмага қўшимча пул эквивалентларини чиқаришга олиб келади.

Шундай қилиб, талаб инфляцияси умумий талабнинг ўсиши натижасида баҳолар ўсиши билан намоён бўлади.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ (таклиф) инфляция

Бу инфляциянинг сабаблари қуйидагилар бўлиши мумкин:

а) ҳар хил жараёнлар ва таркибий ўзгаришлар туфайли меҳнат унумдорлигининг пасайиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажатлар ошади. Умуман, халқ хўжалиги бўйича ишлаб чиқариш ҳажми, бинобарин, товарлар бўйича таклиф қисқаради ва товарлар баҳоси ошади. Корхоналарнинг фойда ҳажми қисқаради.

б) ҳар хил янги хизмат турлари пайдо бўлади, кам меҳнат унумдорлигида юқори иш ҳақи олишга имконият туғилади. Натижада товар ва хизматларга бўлган баҳо ошиб боради.

в) аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида иш ҳақининг ошиши, товарлар баҳосининг ошишига олиб келади ва яна иш ҳақи ошади ва ҳ.к. Бу занжир узлуксиз давом қилиш мумкин.

Инфляцияда нафақат чакана баҳо, балки улгуржи баҳо ҳам ошиб боради. Ғарб мамлакатларида инфляциянинг асосий кўрсаткичи қилиб чакана баҳоларнинг ўзгариши (ошиши) қабул қилинган. Агар маълум даврда баҳолар икки марта ошса, пул ҳам икки марта қадрсизланган деб ҳисобланади.

Чакана баҳолар ўсишини ҳисоблаш махсус давлат органлари томонидан аниқланадиган баҳолар индексига асосланади. Баҳолар индексини ҳисоблашнинг бошланғич нуқтаси сифатида (юз фоиз деб) базис йили олинади ва жорий йилда баҳолар ўзгариши, ўртача йиллик ўсиш суръати ҳисобланиши мумкин.

Баҳолар индекси бу жорий йилдаги товарлар ва хизматлар баҳоси йиғиндиси, яъни товарлар бозор савати баҳосининг шу товар ва хизматларнинг базис йилдаги умумий баҳоси, яъни бозор савати баҳосига нисбати сифатида аниқланиши мумкин. Юқоридаги фикрни қуйидаги формула орқали ифода қилиш мумкин.

жорий (2007) йилда баҳолар индекси	=	жорий (2007) йилда бозор савати баҳоси	x10 0
		базис йилдаги бозор савати баҳоси (масалан 2006 йил)	

Баҳолар индексини ҳисоблашда истеъмол товарлар баҳосининг индекси катта аҳамиятга эга. Баҳолар индекси турли усулларда баҳолар даражасини солиштиришга имкон беради. Жорий йилдаги баҳолар индекси базис йилдаги баҳолар индексига нисбатан ошиши - инфляция – «Баҳолар даражасининг ошиши»дан, баҳолар индексининг камайиши–дефляция–«Баҳолар даражасининг камайиши»дан далолат беради.

Айтайлик, базис давр 1990 йил бўлсин (баҳолар даражаси 100% деб оламиз) ва 1997 йилда баҳо даражаси 350. Демак 1990 - 1997 йилларда баҳолар 3,50 марта ёки 250% га ошган, ёки 1990 йилда бирор товар 100 сўм турган бўлса, 1997 йилда шу товар 350 сўм туради.

Истеъмол товарлар баҳоси индексидан ташқари баъзи гуруҳ товарлар ва хизматлар, масалан: кийим, оёқ кийимлар, транспорт, уй-жой хизматлари ва бошқалар бўйича баҳолар индексларини ҳисоблаш мумкин.

Баҳолар индексига асосланиб, инфляция суръатларини аниқлаш мумкин. Бунинг учун жорий йил баҳолар индексидан базис давр баҳолар индексини чегириб, базис давр баҳолар индексига бўламиз.

Масалан, 2005 йилда истеъмол товарларнинг баҳо индекси 110, 2007 йилда 140 бўлса, 2007 йилда инфляция суръати қуйидагича аниқланади:

$$\text{Инфляция суръати} = \frac{140 - 110}{110} \times 100 = 27{,}27\%$$

Демак, 2007 йилда инфляциянинг ўсиш суръатлари тахминан 27,3% тенг бўлади.

Инфляциянинг ўсиш суръатлари тўғрисида гапирганда, унинг ривожланишини сон жиҳатдан аниқланишнинг бошқа йўли ҳам мавжуд. Бу усул «70 лар қоидаси» деб аталади. Агар ҳар йиллик инфляция даражаси маълум бўлса, баҳолар икки карра ошиши учун неча йил керак эканлигини аниқлаш мумкин. Бунинг учун «70» ни ҳар йилги инфляция даражасига бўлиш керак. Масалан, инфляциянинг ҳар йиллик даражаси 5% бўлса, баҳолар даражаси 14 йилдан кейин икки марта ошиши керак. Агар ҳар йиллик инфляция даражаси 20% бўлса, баҳолар даражаси 3 йилдан кейин икки марта ошиши керак.

Шуни таъкидлаш керакки, бу усул ҳамма вақт ҳам, масалан, инфляциянинг ўсиш суръатлари юқори, (ҳар куни, ойда ўзгариб борадиган) бўлса, қулай ҳисобланмайди. «70 лар қоидаси» аҳоли жамғармаларининг, реал ёки миллий маҳсулот ҳажмининг икки марта ошиши учун неча йил керак эканлигини тўғри аниқлаб беришга имкон беради.

Пулнинг қадрсизланиш даражаси турли мамлакатларда ҳар хил бўлиши мумкин. Инфляция даражаси ривожланган мамлакатларда пастроқ ва тез ўтиши кузатилса, иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган мамлакатларда унинг даражаси юқори, сурункали ва «даволаш» ҳам кўпроқ вақт талаб қилиши мумкин. Масалан, 1971 - 1984 йилларда баҳоларнинг ўсиш суръатларини оладиган бўлсак, у ривожланган мамлакатларда 4,9% дан (Германия), 71% (Жазоир) гача бўлса, ривожланаётган мамлакатларда 8,5% дан (Ҳиндистон), 153% га (Аргентина) етган. Инфляциянинг намоён бўлиши ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш даражасига, миллий хўжалик фаолиятига ва хусусиятига, миллий анъаналарига, минтақавий, иқтисодий ва сиё-сий ривожланиш хусусиятларига боғлиқ.

Ривожланган мамлакатларда инфляциянинг шароит ва омиллари ҳар хиллигини ҳисобга олиб уни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга ривожланаётган Лотин Америка мамлакатлари - Аргентина, Бразилия, Перу кабилар киради. Бу давлатларда сурункали давлат бюджети тақчиллиги, иқтисодий мувозанатнинг йўқлиги асосий ва айланма маблағлар қийматининг доимо индексация қилиниши, миллий валюта курсининг чет эл валютасига нисбатан тушиб бориши пул қадрсизланишининг омиллари ҳисобланади.

Бу мамлакатларда сурункали бюджет тақчиллигини эмиссия йўли билан молиялаштириш натижасида йиллик пул қадрсизланиши бир неча минг фоизга етиши кузатилган.

6-жадвал

Лотин Америкаси мамлакатларида чакана баҳолар динамикаси (йиллик ўзгариш, %)

Мамлакатлар	1987	1989	1990
Никарагуа	1347,9	3452,4	8500,0
Перу	114,5	2948,8	8291,5
Аргентина	174,8	3731,0	1832,5
Бразилия	365,9	1765,0	2359,9

Аргентина, Чили каби мамлакатларда инфляция пул қадрини емириб ташлаши натижасида бирор товарни сотиб олиш учун бир неча миллион пул бирлиги зарур бўлган.

1983 йилнинг июнигача, яъни муомалада эски песо бўлганда, Аргентинада бир жуфт туфли етти миллион песо, енгил машина сотиб олиш учун бир неча миллиард песо керак бўлган.

Бу ҳол ҳисоб-китобларни олиб боришда, пул муомаласида жуда катта қийинчилик туғдирган. Бир неча марта ўтказилган деноминациялар пул қадрсизланишини тўхтатишга асос бўла олмаган. Лотин Америкаси мамлакатларида бўлган инфляция даражасини баҳолар индексидан ҳам кўриш мумкин. Бу мамлакатларда баҳолар индекслари бир неча сонлардан иборат бўлган. Масалан, Чилида 1971-1984 йилларда баҳолар индекси 842162 ёки бу кўрсаткич шу йилларда баҳолар 8,4 минг марта ошганини, Аргентина учун шу индекс 436432250, бу баҳолар 436 минг марта ошганини билдиради. Юқоридаги жадвал маълумотлари кўрсатиб турибдики, 1990 йилда Никарагуада товарлар баҳоси 8500%, Перуда - 8291,5%, Бразилияда - 2359,9% га ошган.

Иккинчи гуруҳ мамлакатлар – Колумбия, Эквадор, Венесуэла, Эрон, Сурия каби мамлакатларда ҳам иқтисодий мувозанатнинг йўқлиги, молиявий сиёсатдаги камчиликлар - тақчилликни молиялаштириш, халқ хўжалигига кўп кредитлар ажратиш инфляциянинг мав-

жуд бўлишини таъминламоқда. Бу мамлакатларда инфляция шиддатли характерга эга бўлиб, баҳоларнинг йиллик ўсиши 30-40% атро-фида, баъзида ундан юқори бўлади. Инфляция суръатига қараб жамғармалар, тўловлар бўйича индексация ўтказиб борилади, ишсизлик ошиб бормоқда.

Учинчи гуруҳга Ҳиндистон, Индонезия, Покистон, Таиланд, Филиппин каби мамлакатлар киради. Бу мамлакатларда чекланган иқтисодий мувозанат мавжуд бўлиб, экспортдан валюта тушуми анча юқори. Йиллик инфляция суръати 5-20% атрофида ва қисман индексация ўтказилиб турилади.

Тўртинчи гуруҳ давлатлар – Сингапур, Малайзия, Жанубий Корея, Баҳрайн, Арабистонда – иқтисодий мувозанатнинг мавжудлиги инфляция суръатларининг сустлигини кўрсатади. Бу мамлакатлардаги инфляция 2-6%ни ташкил қилади ва буни судралувчи инфляция деб аташ мумкин.

Бу мамлакатларда товарлар ва хизматлар баҳоси ошиши устидан қаттиқ назорат олиб борилади. Ишсизлик бошқа мамлакатларга нисбатан кам, иқтисодиёти ривожланган бозор шароитида бошқарилади. Экспорт ҳажми ва чет эл валютаси тушумининг юқорилиги, инфляциянинг олдини олишда муҳум аҳамиятга эга омил ҳисобланади.

Ўзбекистондаги инфляция бу мустақиллик туфайли вужудга келган инфляция эмас. Тарихан бу инфляция собиқ СССР да юзага келган. Бу инфляциянинг умумий иқтисодий сабаби давлат бошқарувида иқтисодиётга нисбатан сиёсатга кўп эътибор берилганидадир. Натижада ишлаб чиқариш суръатлари тушиб кетди. Товар камёблиги яширин жараён бўлиб, товарларни ишлаб чиқариш учун кўп харажат қилинсада (хом ашёларнинг нархи юқорилиги туфайли), товарлар паст баҳода сотилган. Фарқ давлат бюджетидан қопланган. 1992 йилнинг бошидан эркин баҳоларга ўтиш натижасида (озиқ-овқат ва ёқилғи ресурслардан ташқари) инфляция юзага чиқди ва тез суръатлар билан ривожланиб кетди.

Шу туфайли Ўзбекистондаги инфляция собиқ СССР даврида юзага келган инфляциянинг қолдиғидир ва уни даволаш узоқ вақт талаб қилади.

Собиқ СССРда, жумладан, Ўзбекистонда 90 - йиллардаги инфляциянинг асосий сабаблари: – иқтисодий мувозанатнинг йўқлиги, ишлаб чиқариш суръатларининг тушиб кетиши;

– маҳсулотлар сифатининг, меҳнат унумдорлигининг пастлиги;

– ишлаб чиқаришда харажатлар салмоғининг ошиб кетиши, бе-ҳуда сарфлар, иқтисодий тамойилларга риоя қилмаслик ва бошқалар ҳисобланади.

Бундан ташқари, ривожланган бозор шароитига ўтмасдан туриб, баҳоларнинг эркинлашуви, товар массаси устидан баъзи бўлимлар-нинг якка ҳукмронлик ўрнатиши, баҳоларни хоҳлагача бошқариш, кредит, молия сиёсатларини нотўғри олиб бориш, иқтисодиётнинг «долларлашуви», «миллий валюта ҳудуди»нинг емирилиши, валюта тушумлари ва миллий бойликнинг четга оқиб кетиши ва бошқалар инфляция жараёнининг яна ривожланишига олиб келган.

Инфляция жамиятнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

1. Мамлакат иқтисодий аҳволини танг ҳолга олиб келади:

– ишлаб чиқариш ҳажми тушиб кетади ва баҳоларнинг ошиб бориши ишлаб чиқариш истиқболларига тўғаноқ бўлади.

– капиталнинг асосий қисми ишлаб чиқаришдан савдо (муомала) соҳасига, воситачилик соҳасига оқиб ўтади. Чунки ишлаб чиқариш-дан кўра, савдо соҳасидаги капитал тезроқ ва кўпроқ фойда келтиради;

– баҳоларнинг ўзгариб туриши олиб-сотарликни ривожлантиради, арзон вақтида олиб, қиммат бўлганда сотиш жараёни, товар захираларини яшириш жараёнлари авж олади;

– кредит бериш жараёнлари чекланган бўлади. Қарз олувчилар кўпаяди-ю, қарз берувчилар сони қисқаради, чунки қарз берган ютқа-зиши мумкин;

– давлатнинг молия ресурслари қадрсизланади ва ҳ.к.

5. Аҳолининг кам даромад олувчи қисмининг ижтимоий аҳволи ёмонлашади. Уларнинг реал даромадлари камаяди. Номинал даро-маднинг баҳолар ўсишидан тушиши натижасида аҳолининг турмуш даражаси пасаяди. Айниқса, нафақа, давлат ташкилотларидан маош олувчиларнинг аҳволи қийинлашиши мумкин. Инфляция аҳоли жам-ғармаларининг қадрсизланишига олиб келади. Инфляция аҳоли баъзи қатламларининг (савдо-сотиқ соҳасида) бойишига олиб келади.

Давлат аҳолининг даромадлар даражасини тенглаштириш мақса-дида даромад ва солиқларни индексация қилиб боради.

3-§. Пул муомаласини барқарорлаштириш ва инфляцияни бартараф қилиш йўллари

Инфляциянинг ҳар томонлама авж олиб кетиши мамлакатда иж-тимоий ва иқтисодий жиҳатдан қарама-қаршиликлар юзага келишига

олиб келади. Шунинг учун давлат инфляциянинг олдини олиш, пул муомаласини барқарорлаштириш чора - тадбирларини ишлаб чиқади. Инфляцияга қарши курашнинг асосий шакллари– инфляцияга қарши сиёсат ва пул ислоҳоти ҳисобланади.

Ҳар бир давлатда пул муомаласи маълум қонун-қоидалар асосида тартибга солиб турилади.

Аввалги марказлашган, режали бошқарувга асосланган иқтисодий тизимда пул муомаласи режалаштириш асосида бошқариб келинган. Аҳолининг даромади ва харажатлари давлат томонидан мувофиқлаштириб турилган. Барча жараёнлар давлат томонидан бошқарилгани учун пул муомаласи қонуни бузилганда, давлат ўз ваколати доирасида нархларни ўзгартириш ва ислоҳот йўли билан пул муомаласини тартибга солиб келган.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласи маълум усуллар ёрдамида тартибга солиб турилади.

Бизнинг давлатимизда пул муомаласини тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қуйидаги усуллардан фойдаланади.

1. Мажбурий захира ставкаси меъёрини белгилаш.
2. Тижорат банкларининг очиқ бозорда қатнашиши.
3. Марказлашган кредитлар учун қайта молиялаштириш ставкасини ўрнатиш.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонунга кўра, Марказий банк тижорат банкларига минимал мажбурий захира бўйича маблағларни махсус ҳисобда сақлаб туриш мажбуриятини юклаш ҳуқуқига эга. Бундай захиралар меъёрлари банкнинг мажбуриятлари турига, омонат ва муддатига қараб белгиланади. Бу механизм, асосан, тижорат банкларининг ликвид маблағлари ҳажмининг мувофиқлаштириш учун фойдаланади.

Бу билан Марказий банк тижорат банкларининг кредит бериш қобилиятига таъсир этади. Кредит эса ўз навбатида, пул массасининг кўпайишига, баҳоларнинг ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун мажбурий меъёр тез-тез ўзгартирилмайди, чунки у муомалада пул массасининг тебраниб туришига ва охири иқтисодий беқарорликка олиб келиши мумкин. Мажбурий захира ажратмаларининг фоизлари олдинги йилларда қуйидагича белгиланган:

02.09.92 дан - 15 %
01.07.93 дан - 20 %
01.05.94 дан - 30 %

01.01.95 дан - 30 %
01.07.98 дан - 25 %
01.12.97 дан - 20 %
02.02.05 дан - 15 % миллий валютадаги маблағлар бўйича ва 8 % хорижий валютадаги маблағлардан.

Марказий банк тижорат банкларга кредитлар бўйича қайта молиялаштириш ставкасини белгилаб беради. Бу ставка тижорат банклари берадиган кредитнинг баҳосини аниқлашда асос бўлиб хизмат қилади. Қайта молиялаштириш сиёсати тижорат банкларининг бошқа манбаларидан маблағлар жалб қилишига таъсир этмайди. Марказий банк қайта молиялаштириш ставкаларини ўрнатиб тижорат банкларини ликвидлик даражасини мувофиқлаштириб туради. Марказий банкнинг кредит сиёсати халқ хўжалигини ҳал қилувчи бўғинларини кредитлаш ва ундан оқилона фойдаланишга қаратилган қайта молиялаштириш ставкаси олдинги йилларда қуйидагича белгиланган.

01.01.94 дан – 40% (ойига 3.3%)
01.10.94 дан – 225%(ойига 18.7%)
01.03.95 дан – 300%(ойига 10%)
01.07.95 дан – 120% (ойига 10%)
01.08.95 дан – 84% (ойига 7%)
01.07.96 дан – 60% (ойига 5%)
01.08.96 дан – 48% (ойига 4%)
01.08.97 дан – 39,6% (ойига 3,3%)
16.07.03 дан – 24 % (ойига 2 %)
10.09.03 дан – 20 % (ойига 1.66 %)
05.07.04 дан – 18% (ойига 1.5 %)
21.12.04 дан – 16% (ойига 1.33 %)
15.06.06 дан – 14 % (ойига 1.167 %)

Ҳозир кўпгина давлатларда пул муомаласини тартибга солишда очиқ бозорда операциялар ўтказиш усулидан фойдаланилмоқда.

Бу ҳозирги кўп қўлланадиган монетар сиёсатнинг бир усули ҳисобланади. Бу усул тижорат банкларининг ликвидлик даражасига тезда таъсир ўтказа оладиган эшилувчан (мосланувчан), амалий ва оператив усул ҳисобланади. Бу усулнинг бошқаларидан фарқи шундаки, уни заруриятга қараб ва хоҳлаган миқдорда ўтказиш мумкин. Бу механизм бозорнинг ривожланиш тенденциясига қараб пул муомаласини барқарорлаштириши мумкин. Марказий банкнинг очиқ бозорда операциялар ўтказиш ҳуқуқи қонунда белгиланган. Бунда олди

- сотди объекти бўлиб, давлат қимматбаҳо қоғозлари ва Марказий банкнинг ўзи чиқарган қарз мажбуриятлари бўлиши мумкин.

2-жадвал

Фоиз ставкаларининг ўзгаришлари

Давр	қайта молиялаштиришнинг йиллик ставкаси	қисқа муддатли кредитлар бўйича олинган ўртача ставка, сўмда	Юридик шахсларнинг тезкор депозитлари бўйича олинган ўртача ставка, сўмда	Жисмоний шахсларнинг тезкор депозитлари бўйича олинган ўртача ставка, сўмда
2000	32.3	25.7	12.9	32,2
2001	26.8	28.0	16.0	38,1
2002	34.5	32.2	19.2	40,2
2003	27.1	28.1*	17.1*	36,2*
03/I	34.5	30.9*	19.2*	38,5*
03/II	34.5	31.4*	19.5*	38,3*
04/I	20.0	19.8*	13.0*	33,9*
04/II	20.0	20.6	11.9	32,2

Манба: Ўз.Р. Марказий банки.

Бундан ташқари, қайта молиялаш ставкаси иқтисодиётда муайян даражада фоиз ставкаларининг индикатори бўлиб хизмат қилади. Амалдаги қонунчиликка кўра, тижорат банклари жалб қилинган депозитлар ва берилаётган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини ўзлари мустақил равишда белгилашлари мумкинлигига қарамасдан, қайта молиялаш ставкасининг камайтирилиши фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келади.

Ҳозир кўпгина давлатларда пул муомаласини тартибга солишда очиқ бозорда операциялар ўтказиш усулидан фойдаланилмоқда.

Бу ҳозир кўп қўлланадиган монетар сиёсатнинг бир усули ҳисобланади. Бу усул тижорат банкларининг ликвидлик даражасига тезда таъсир ўтказа оладиган эшилувчан (мосланувчан), амалий ва оператив усул ҳисобланади. Бу усулнинг бошқаларидан фарқи шундаки, уни заруриятга қараб ва хоҳлаган миқдорда ўтказиш мумкин. Бу механизм бозорнинг ривожланиш тенденциясига қараб пул муомаласини барқарорлаштира олиши мумкин. Марказий банкнинг очиқ бозорда операциялар ўтказиш ҳуқуқи қонунда белгиланган. Бунда олди - сотди объекти бўлиб давлат қимматбаҳо қоғозлари ва Марказий банкнинг ўзи чиқарган қарз мажбуриятлари бўлиши мумкин. Ҳозиргача муомалада Марказий банкнинг уч ой муддатда сўндириладиган депозит сертификатлари юрган бўлса, 1996 йил март ойи охирида

ДҚМО чиқарилди. Бу тижорат банклари ва корхо-наларининг маблағларини хавф-хатардан сақлаш ва даромад олиш имконини беради.

Давлат қимматли қоғозларини киритиш биринчидан, Молия вазирлигига ўз жорий харажатларининг бир қисмини инфляциядан ҳоли манба ҳисобидан қоплашга, иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг бўш маблағларини фойда олиш эвазига инвестиция қилишга имконият яратди.

ДҚМОларнинг бирламчи бозори Марказий банк валюта биржасида тижорат банклари иштирокида чиқарилади.

Зарур бўлса, облигация эгаси иккиламчи бозорда ўз фойдаси эвазига уни сотиши мумкин.

Шундай қилиб, Марказий банк пул муомаласини барқарорлаштириш, уни тартибга солиш борасида барча ваколат ва ҳуқуқий нормаларга эга.

Юқорида кўрсатиб ўтилган усуллар кўпгина давлатларда қўлланилади. Давлатнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, бошқа селектив усуллардан ҳам фойдаланиши мумкин. Бу усулларнинг мақсади кредитлаш ҳажмига ва умумий пул массасига таъсир ўтказиб боришдир. Бу усулларни ҳар бир давлат ўзининг ривожланиши даражасига қараб қўллаши мумкин.

Масалан, ривожланган давлатларда, асосан, очиқ бозорда операциялар ўтказиш усулидан фойдаланилади. Юқоридагиларни таҳлил қилсак, ҳар бир усул у ёки бу йўл билан (бевосита ёки билвосита) муомаладаги пул массасининг камайишига ёки кўпайишига таъсир қилади.

Иқтисодиётдаги аҳволга қараб, Марказий банк ўзининг пул- кредит соҳасидаги стратегиясини аниқлайди. Бундан ташқари, мамлакатдаги пул муомаласи ҳукумат томонидан чиқарилган қарор ва буйруқлар билан ҳам бошқарилади. Бунга мисол қилиб, корхона-ташкилотларнинг касса тушум режасини бажариши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, барча савдо шохобчаларини инкассацияга тортиш, аҳолининг ўз даромадини давлат банкларида сақлашга тарғиб қилиш ва ишонтириш, қимматли қоғозлар бозорини кенгайтириш, ҳисоб чекларидан кенг фойдаланиш, банк тизимини такомиллаштириш, яъни электрон карточкаларини жорий қилиш ва бошқалар буларнинг ҳаммаси муомаладаги пул массасининг камайишига, эмиссия миқдорининг қисқаришига олиб келиши мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган усуллар кўпгина давлатларда қўлланилади. Давлатнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб бошқа

селектив усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу усулларнинг мақсади кредитлаш ҳажмига ва умумий пул массасига таъсир ўтказиб боришдир. Бу усулларни ҳар бир давлат ўзининг ривожланиш даражасига қараб қўллаши мумкин.

Масалан, ривожланган давлатларда асосан очиқ бозорда операциялар ўтказиш усулидан фойдаланилади. Юқоридагиларни таҳлил қилсак, ҳар бир усул у ёки бу йўл билан (бевосита ёки билвосита) муомаладаги пул массасининг камайишига ёки кўпайишига таъсир қилади.

4-§. Пул ислоҳотлари ва унинг пул муомаласини барқарорлаштиришдаги ўрни

Пул ислоҳоти деб пул муомаласини барқарорлаштириш мақсадида давлат томонидан пул тизимини ўзгартиришга айтилади. Пул ислоҳоти металл пул муомаласи даврида, II Жаҳон урушидан кейин - олтин девиз, олтин доллар муомаласи даврида ўтказилди.

Собиқ СССРда пул ислоҳоти 1922 – 24 йилларда ва 1947 йилларда ўтказилди.

Ўзбекистонда пул ислоҳоти 1994 йилда ўтказилди ва республика мустақил давлат сифатида ўзининг миллий пул бирлигига эга бўлди.

Пул муомаласини барқарорлаштиришга пул ислоҳотини ўтказмасдан ҳам эришиш мумкин. Пул муомаласини барқарорлаштиришнинг қуйидаги усуллари мавжуд: ревальвация, девальвация, деноминация. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига, иқтисодиётнинг ҳолатига, пулнинг қадрсизланиш даражасига, давлат сиёсатига кўра давлат пул ислоҳотини ўтказиши, пулни ревальвация, деноминация қилиши мумкин.

Пул кучли қадрсизланган вазиятда фақат пул ислоҳотини ўтказиш йўли билан пул тизимини барқарорлаштириш мумкин. Пул ислоҳоти, яъни нуллификацияда кучли қадрсизланган пул бирлиги бекор қилинади ва ўрнига янги пул бирлиги киритилади. Масалан, собиқ СССРда 1922-24 йилларда совзнакларнинг кучли қадрсизланиши натижасида 1 рубл 50 млрд. совзнакга алмаштирилган. Урушдан кейинги Германияда гиперинфляция натижасида 1924 йилда муомалага янги немис маркалари киритилган. Эски рейхсмаркалар кучли қадрсизланиши натижасида муомалага чиқарилган янги маркалар 1 марка 1 триллион эски рейхсмарка нисбатида алмаштирилди. Рейхсмаркалар муомаласи бекор қилинди.

Ревальвация – бу пул бирлигининг олтин қийматини тиклашдан иборат. Масалан, И жаҳон урушидан кейинги 1925-1928 йилларда ўтказилган пул ислоҳоти туфайли фунт стерлингнинг урушгача бўлган олтин қиймати белгиланди. II Жаҳон урушидан кейин ревальвация натижасида долларнинг валюта курси кўтарилди. Германия Федератив Республикасида 1961, 1969, 1971 йилларда ревальвация ўтказилган.

Девальвация – бу миллий валюта курсининг чет эл ваютасига нисбатан тушишидир. Пул бирлигининг олтин миқдори белгиланган шароитда девальвация олтин миқдори тушиб кетишини англатган. Масалан, 1971 йилда АҚШ долларининг олтин миқдори 7,89 % га, 1973 йил февральда 10% га камайтирилган. Сузувчи валюта курсларига ўтгандан кейин девальвация бошқариладиган валюта курслари асосида олиб борилади.

Деноминация – баҳолар масштабини йириклаштириш, яъни пул бирлигидаги «0»ларни қисқартиришдан, пул бирлигида кўрса-тилган номинални камайтиришдан иборат. Совет пул тизими қарор топа бошлаган давр – 1921 -1922 йилларда икки марта деноминация ўтказилган. Биринчи деноминацияда муомалага «1922 йил пул бирликлари» чиқарилган ва улар олдинги пул бирликларига 1000 : 1 нисбатда алмаштирилган. Иккинчи деноминацияда муомалага «1923 йил пул бирлиги» чиқарилган ва 1922 йил пул бирлигига» 100 : 1 нисбатда алмаштирилган. Пул деноминацияси инфляция сурьатлари паст бўлган шароитда қулай бўлиши мумкин. Агар инфляция сурьатлари юқори бўлса, деноминация ўтказиш ҳеч қандай самара бермаслиги мумкин. Фақат пул ислоҳотини ўтказиш йўли билан пул тизимини барқарорлаштириш мумкин бўлади.

Пул ислоҳотини ўтказиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилиши мумкин:

– муомаладаги пул массасини камайтириш мақсадида, дефляция курси бўйича эски пулларни янги пулларга алмаштириш:

– аҳоли ва корхоналарнинг банклардаги жамғармаларини вақтинча (тўлиқ ёки қисман) ҳаракатсиз ушлаб туриш (қотириб қўйиш):

– иккала усулни биргаликда қўллаш йўли орқали пул ислоҳотини ўтказиш: бу усул халқаро амалиётда «шок йўли» билан даволаш номи билан машҳурдир. Бу усул 1948 йилда Ғарбий Германияда ҳарбий давлат бошқарувидан бозор иқтисодиётга ўтишда қўлланилган. «Шок йўли» билан даволашда иш ҳақини тўлашни тўхтатиб қўйиш, ишлаб чиқаришни қисқартириш, пул ислоҳотини ўтказиш, иш ўринларини қисқартириш каби қаттиқ чоралар қўлланилиши мумкин. Масалан,

Ғарбий Германияда 1948 йилнинг июнь ойида ўтказилган пул ислоҳотида аҳолининг нақд пуллари ва жамғармалари 6,5 янги немис маркасига 100 эски рейхсмарка нисбатан алмаштирилди. Аҳолининг пул жамғармаларини тўлаш вақтинча тўхтатилган, кейинчалик фақат 30 фоиз атрофида тўланган ва ҳар бир кишига 60 немис маркаси миқдорида нафақа ажратилган. Натижада давлатнинг рейхс маркасидаги қарзи, мамлакатда бўлган дисбаланс тугатилган ва шу йўл билан инфляциянинг ўсиш суръатлари тўхтатилган.

«Шок йўли» билан даволаш Японияда 1949-50 йилларда ўтказилган ва у «Додж режаси» деган номни олган.

Бу режага асосан Японияда инфляцияга қарши жуда қаттиқ чоратадбирлар амалга оширилди. Эркин баҳога ўтиш билан бир вақтнинг ўзида ер ислоҳоти ўтказилди, бюджет камомадини йўқотиш йўллари ишлаб чиқилди. Японияда мавжуд зарар билан ишловчи корхоналарга давлат томонидан бериладиган субсидия бекор қилинди, корхона, ташкилотларга кредит бериш шартлари мукаммаллаштирилди, аҳоли жамғармалари ишлатилмасдан қотириб қўйилди.

Иқтисодиётни «шок йўли» билан даволаш Шарқий Европа мамлакатлари - Югославия, Польша каби мамлакатларда ҳам қўлланилган. «Шок йўли» билан даволаш иқтисодий сиёсати 1989 йилнинг охирларида Польшада қўлланилган бўлиб, иш ҳақи вақтинчалик қотириб қўйилган ҳолда, баҳолар эркинлаштирилган. Натижада 1990 йилнинг бошларига келиб, Польшада товарлар мўл-кўлчилиги вужудга кела бошлади ва товарлар баҳосининг бир неча баробар ошиши натижасида инфляция суръатлари секинлашишига эришилди. Польшада бу иқтисодий тадбирнинг ўтказилиши аҳолининг яшаш шароитини анча қийинлаштирди ва ишсизлар сонини кўпайтирди.

Қуйидаги таянч сўзларни таърифланг

1. Инфляция.
2. Судралувчи инфляция.
3. Сузиб юрувчи инфляция.
4. Гиперинфляция.
5. Дефляция.
6. Пул массаси.
7. Пул ислоҳоти.
8. Пул муомаласи қонуни;
9. Девальвация.
10. Деноминация.
11. Ревальвация.
12. Дезинфляция.
13. Баҳолар индекси.
14. Инфляция суръати.

Мавзуга оид саволлар

- Инфляция қандай ҳолларда юзага келади?
- Пулнинг қадрсизланиши деганда нимани тушунасиз?
- Инфляциянинг қандай турларини биласиз?
- Пул массасини бошқариш усуллари?
- Инфляциянинг ички ва ташқи омиллари деганда нимани тушунасиз?
- Инфляциянинг намоён бўлиш шаклларини келтиринг?
- Инфляцияни келтириб чиқарувчи омилларни сананг?
- Инфляцияга қарши курашишнинг қандай йўллари мавжуд?
- Пул муомаласини барқарорлаштириш деганда нимани тушунасиз?
- Пул ислоҳотининг қандай турларини биласиз?

V боб. Пул назарияси

1-§. Пул назариялари тўғрисида умумий тушунча

Пул назариялари - пул табиати ва пулнинг ишлаб чиқаришни шакллантиришга таъсири ҳақидаги назариялардир. Бу назариялар капиталистик ишлаб чиқариш усулигача бўлган даврда вужудга келди. Капиталистик ишлаб чиқариш усули даврида, пул-товар муносабатлари хўжалик соҳасининг ҳамма тармоқларини қамраб олган даврдагина пул назарияси кенг тарқалди.

Пул ва унинг сотиб олиш қуввати орасидаги муносабат пул назарияларининг марказий масалаларидан бири бўлиб келган. Хуллас, иқтисодчиларнинг пулнинг моҳияти, унинг функциялари ва пул муомаласига бўлган қарашлари пул назарияларини келтириб чиқарди.

Илк тарихий пул назариялари сифатида номиналлик ва металлик назарияларни келтириш мумкин. Капитализм тараққиёти билан бирга бу назариялар ҳам ўзгариб янги, миқдорий назариянинг пайдо бўлишига асос бўлди.

Ҳозирги кунда монетаризм ва иқтисодиётни пул-кредит муносабатлари орқали тартиблаштириш назариялари ҳам мавжуд. Аммо энг асосий пул назариялари сифатида металл, номинал ва миқдорий пул назариялари тадқиқот қилиб келинмоқда.

Пул назарияларининг келиб чиқишига асосий сабаб ишлаб чиқаришнинг тараққий этиши ва пул муомаласининг тараққиётдан маълум даражада оқсашини олдини олиш ва уни ривожлантириш масаласи ҳисобланади.

Қўл меҳнатидан манифактурага, манифактурадан саноат ишлаб чиқаришига ўтилиши билан халқ хўжалигида меҳнатнинг интеграциялашуви ҳам кучайди. Бунинг натижасида хўжалик юритувчи субъектлар орасидаги пуллик муносабатлар ҳам мураккаблаша бошлади. Феодализмгача бўлган нақд пуллик муносабатлар бу давр талабларига жавоб бера олмай қолди. Буни биз Европадаги XВ асрдаги «пул танқислигидан» дан кўришимиз мумкин. Худди шу даврдан бошлаб пул назариялари тўғрисидаги илк фикрлар юзага келди. Бу назарияларнинг ўша даврдаги муаммоларни ечишда ўрни беқиёс бўлди. Илк бор вужудга келган пул назариялари бу металлик ва номиналлик пул назариялари ҳисобланади. Қуйида биз пул назарияларининг баъзи бирларига қисқача таъриф бериб ўтамиз.

2-§. Пулнинг металлик назарияси

Пулнинг металлик назарияси капитал ҳаракатининг дастлабки даврида тараққий этди. Монета таркибини бузиш (монетанинг оғирлик миқдорини камайтириш)га қарши курашда прогрессив роль ўйнади. Бу назариялар ўша давр руҳи ва тузилаётган буржуазия эҳтиёжларини акс эттириб, меркантилистлар бақувват металл пуллар тарафдори бўлиб чиқдилар. Бу назария ўша давр капитализмининг энг ривожланган давлати Англияда майдонга келди. Металлик назариянинг асосчиларидан бири У. Стеффорд (1554-1612 й.) эди. У ўз қарашларини ўзининг Лондонда 1581 йилда чоп этилган «Ватандошларимизнинг баъзи одатий аризаларининг қисқартмаси» асарида баён этди. Бу оқим тарафдорлари Англияда Т. Мен (1571-1641й.), Д. Норс (1641-1691й.), Францияда бу таълимотни А. Монкретьен (1575-1621й.), Италияда Ф. Тамани (1728-1787й.) ва бошқалар ривожлантирди.

Уларнинг фикрича, барқарор металл валюта жамият иқтисодий тараққиётининг муҳим шартларидан биридир. Жамият аъзоларининг жамғаришга бўлган интилиши иқтисодчиларнинг бойлик манбаини ўрганишларига сабаб бўлади. Улар бу манбани савдодан изладилар. Уларнинг эътироф этишларича, актив савдо баланси мамлакатга олтин ва кумушнинг келишини таъминлайди.

Шундай қилиб, илк металлик назария тарафдорлари жамият бойлигини қимматбаҳо металлар билан алмаштириб, улар пулнинг ҳамма функцияларини бажаради, деб ҳисоблар эдилар. Илк металл назария тарафдорларининг асосий камчиликлари қуйидагилардан иборат эди:

– илк металлчилар ҳақиқий пулларни қиймат белгилари билан алмаштириш зарурлиги мақсадга мувофиқ келишини тушуниб етмадилар;

– илк металлчилар пулнинг жамият тараққиётида товар муомаласи асосида юзага келган тарихий категория эканлигини тушунмадилар;

– улар жамият бойлиги деб қимматбаҳо металларни жамғаришни тушундилар ва «бундай бойлик манбаи савдодир» деган ноўрин фикрга келдилар.

Улар жамият бойлиги меҳнат натижасида вужудга келадиган моддий ва руҳий қадриятлар йиғиндиси эканлигини тушуна олма-

дилар. Илк металлик назария тарғиботчилари савдо буржуазияси манфаатларини ҳимоя қилиб чиққан эдилар.

XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмига келиб саноат буржуазияси манфаатларини қондира олмаган металлик назария ўз мавқеини йўқотди. Аммо XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб немис иқтисодчиси, тарихий мактаб вакили К. Книс (1821-1898 й.) бу назарияни ҳимоя қилиб чиқди. Бу ғоянинг қайта тикланишига 1871-1873 йиллар. да Германияга киритилган олтин танга стандарти сабаб бўлди. К. Книс тарғиботи металлчилар назарияларини янги шароитга мослаштирди. Книс пул сифатида фақатгина металлни эмас, балки Марказий банк банкноталарини ҳам эътироф этди. Бу пайтга келиб хўжаликда кредит асосий мавқега эга бўла бошлади ва бу олтин монеталар билан бирга муомалада бўлиб, уларга алмаштири-ладиган банкнота эмиссиясининг асосини ташкил этди. К. Книс банкноталарни тан олган ҳолда, ҳеч нима билан таъминланмаган қоғоз пулларга қарши чиқди. Унинг фикрича, пул муомаласи металл билан таъминланган банкноталар ва металл монеталарга асосланиши шарт. Қоғоз пуллар худди «қоғоз булка» каби маъносиз нарсадир. К. Книс таъкидлашича, олтин ўз табиатига кўра пулдир.

И Жаҳон урушидан сўнг металлизм тарафдорлари олтин монета стандартини қайта тиклаш мумкин эмаслигини тан олиб, ўз назарияларини ҳимоя қилиш мақсадида олтин қуйма стандарт ва олтин девиз стандартга асосланган банкнота ишлаб чиқаришни ёқлаб чиқдилар.

1. Олтин танга стандарти

Олтин стандарти биринчи марта XBIII асрда Англияда ва XIX асрнинг охирларида бошқа мамлакатларда жорий этилди. Бу стандарт олтин монометализми деб ҳам аталди. Олтин танга стандарти олтин стандартининг илк кўринишидир. Бу стандарт I Жаҳон уруши бошланишига қадар ҳукм сурди.

Олтин танга стандартига хос бўлган белгилар қуйидагилардан иборат бўлган: товарларнинг баҳолари фақатгина олтинда ўлчаниши; олтин танганинг муомалада бўлиши; давлат хазинаси томонидан чекланмаган миқдорда монета зарб қилиниши; кредит пулларни уларнинг номинали бўйича олтинга эркин алмаштирилиши; олтинни олиб кириш ёки олиб чиқишнинг тақиқланмаганлиги; ички бозорда олтин монета ва банкноталар билан бирга ҳақиқий қийматга (яъни, тўла ҳақиқий қийматга) эга бўлмаган чақалар ва маълум курсга эга бўлган давлат қоғоз пулларининг муомалада бўлиши.

Бу тизим мустаҳкам пул тизими бўлиб, инфляцияни инкор этар эди. Муомала учун зарур бўлмаган олтин миқдори яна хазина кўринишига қайтар эди. Аммо капитализмнинг кризиси даврида бу мувозанат издан чиқди. II Жаҳон уруши даврида АҚШдан бошқа урушаётган давлатлар банкноталарни олтинга алмаштиришни ва олтинни четга олиб чиқишни бекор қилишди. Олтин муомаладан суриб чиқарилиб хазинага айлантирилди. АҚШда эса олтин монеталар 1934 йилга қадар муомалада бўлди.

2. Олтин қуйма стандарти

И Жаҳон урушидан кейин, 20-йилларда баъзи мамлакат-ларда олтин қуйма стандарти жорий қилинди. Бу стандартнинг олтин танга стандартдан асосий фарқи шунда эдики, муомаладаги банкно-талар 12-12,5 кг. атрофидаги олтин қуймаларга алмаштириларди. 12,5 кг. лик қуймага банкнотани алмаштириш учун Англияда 1700 фт. ст., Францияда 215 минг фр. талаб қилинар эди. Бу билан олтин муомаладан халқаро айланмага чиқарилди. Ички айланмада эса бундай имкониятга фақатгина йирик фирмалар ва пулдорлар эга бўлиб қолдилар, холос.

3. Олтин девиз стандарти

Олтин қуйма стандартга кирмаган мамлакатларда банкноталарни бевосита олтинга алмаштириш тикланмади. Бу мамлакатлар ўз кредит пулларини олтин қуйма стандартга кирувчи мамлакатларнинг девиз-ларига (яъни валюталарига) алмаштиришни мўлжалланган эдилар. Бу бир мамлакат валютасининг иккинчи давлат валютасига боғлиқ-лигини келтириб чиқарар эди. Пул тизимининг бу кўриниши олтин девиз стандарти номини олди.

1929-33 йиллардаги жаҳон кризисидан кейин барча мамлакатларда олтин девиз стандартнинг баъзи элементларини олтин доллар стандарт ўзида олиб қолди. Бу стандартнинг ўзига хос хусусияти шунда эдики, биринчидан, бу стандартдан фойдаланиш ҳуқуқи фақатгина чет эл эмиссион банклари учунгина сақлаб қолинган эди, иккинчидан, бу стандартда фақатгина АҚШ долларигина олтин билан алоқасини сақлаб қолган эди, холос. 1971 йил декабрь ойидан бошлаб долларнинг олтин паритети бекор қилиниши билан олтин стандартнинг барча кўринишлари ўз кучини йўқотди.

Олтин стандарти барбод бўлиши ва иқтисодиётни давлат иштирокида бошқарилишига ўтилиши билан металл пул назарияси бошқа назария билан алмаштирилади. Неометализмоимининг асосий камчилиги шундаки, улар иқтисодиётни давлат томонидан бош-

қарилиши билан олтинга алмаштирилмайдиган кредит пуллар орасида ички боғлиқликни эътиборга олмадилар.

3-§. Пулнинг номиналлик назарияси

Номинализм қулдорлик тизими давридаги файласуфлар таълимотида юзага келган бўлиб, бу илк номинализмдир. Биринчи номиналистлар танга таркибини бузиш (танганинг оғирлик миқдорини камайтириш)ни кўр-кўрона мадҳ этувчилар бўлганлар. Емирилиб кетган тангаларни тенг қийматли тангалар билан муомалада бир хилда юрганлигига асосланиб, улар пулнинг металл миқдори эмас, балки номинали муҳимдир деб даъво қилиб чиқдилар.

Номинализм XVII-XVIII асрларда пул муомаласи тўла қимматга эга бўлмаган тангалар билан тўлган даврда шаклланди. Худди шу тўла қимматга эга бўлмаган тангалар (қоғоз пуллар эмас) илк номинализм асосида ётар эди.

Худди металлизм назарияси сингари илк буржуа номинализм вакиллари ҳам Англиядан чиқди. Булар епископ, файласуф-идеалист Ж.Беркли (1683-1753й.) ва иқтисодчи Ж.Стюарт (1712-1780 й.) лардир.

Номиналистлар қуйидагича хулосага келдилар: пулни давлат бунёдга келтиради; пулнинг қиймати унинг кўрсатилган номинали билан аниқланади. Янги пайдо бўлган бу назария номинализм деб атала бошланди.

Номинализмнинг асосий хатоси шундаки, бу назария бўйича пулнинг қиймати давлат томонидан аниқланар эди. Ж. Беркли, пул аслини олганда марка, унинг қандай материалдан ясалганлигининг ва нимани акс эттиришининг қанақа аҳамияти бор, деган ғояни олдинга сурди. У меҳнат қиймат назариясини ва пулнинг товарлик табиатини рад этди. Пулнинг умумий қиймат эквиваленти сифатида объектив равишда пайдо бўлиш моҳиятини тушунмай, номиналистлар унинг қиймати давлатнинг субъектив хоҳиши ва иродасига боғлиқлигини илгари сурдилар.

Номиналистлар пулнинг қиймат ўлчовини ва баҳолар масштабини аралаштириб юбордилар. Ж. Стюарт пулни тенг бўлган бўлакларлардан иборат масштаб сифатида аниқлади. Шу билан бирга, агар бунинг асосида масофа мавжуд бўлса, географик масштабни тушуниш ва ишлатиш мумкин. Агар у қандайдир оғирликка эга бўлса, маҳсулот оғирлигини ўлчаш мумкин. Шу каби пул ҳам қиймат

ўлчови функциясини бажариши учун товар билан қандайдир жинс-дошликка эга бўлиши кераклигини қайд қилиб ўтди.

Номинализмнинг кейинги ривожланиши (асосан Германияда) XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошига тўғри келади. Бу давр номиналистларнинг асосий намояндаларидан бири Г.Кнап (1842-1926 й.) эди. Г.Кнап ўзининг «Давлат пул назарияси» (1905) асарида айтишича, пулнинг давлат томонидан белгиланадиган сотиб олиш қобилияти мавжуд. Шу сабабли ҳам, пул давлат томонидан ярати-лади. Бу назарияни эса давлат пул назарияси деб атайди.

Кнап ва унинг издошлари олдинги номиналистлардан фарқли ўлароқ ўз назарияларини тўла қимматга эга бўлмаган тангаларга эмас, балки қоғоз пулларга асослаган эдилар. Кнапп пул массасини таҳлил қилишда давлат хазина билетлари ва алмашинадиган тангаларнигина эътиборга олди. Кредит пуллари (вексель, чек, банкнота)ни алоҳида тушунча деб қараб, уларни ўз тадқиқотларидан доирасидан чиқариб ташлайди. Бу уларнинг катта хатоси эди. Номиналистларнинг асосий камчилиги шундаки, улар пулнинг моҳиятини унинг ҳуқуқий асосидан изладилар.

4-§. Пулнинг миқдорий назарияси

Миқдорий назария XVI-XVIII асрларда меркантилистларнинг концепциясига жавобан пайдо бўлди. Бу назариянинг асосчиси француз иқтисодчиси Ж.Боден (1530-1596) эди. У биринчи бўлиб Европада ўша даврда юз берган «баҳолар революцияси»ни очиб беришга ҳаракат қилди. Баҳоларнинг сакрашига сабаб, Европага Америка қитъасидан оқиб келган қимматбаҳо металлар бўлганлигини тушунтирди. XVI-XVIII асрларда Европада олтин миқдори 1500 йил-да бўлган олтин миқдоридан 16 марта кўпайиб кетган эди. Ж.Боден баҳоларнинг ўзгариши муомаладаги пул миқдори билан аниқланди деб тушунтирди. Шу сабабли ҳам, бу назария миқдорий назария деган ном олди. Аммо илк миқдорий назария тарафдорлари пул миқ-дорининг баҳога бўладиган таъсирини буни қандай йўллар билан ва қайси ҳолларда бўлишини аниқ очиб бера олмадилар.

XVIII асрга келиб бу назарияни инглизлар Д.Юм (1711-1726) ва Ж.Милль (1773-1836) ҳамда француз Шарль Монаскьё (1689-1755) ривожлантирдилар. Инглиз иқтисодчиси, файласуф, психолог ва тарихчи Д.Юм ўзининг субъектив идеалистик қарашлари билан қий-мат субстанцияси тушунчасини рад этди. Америкадан қимматбаҳо металларнинг оқиб келиши ва баҳоларнинг ошиши орасидаги тўғри

пропорционал боғланишни кўрсатмоқчи бўлиб, «пул қийматини унинг миқдори белгилайди» деган фикрни илгари сурди. Юмнинг фикрича, товарларнинг баҳоси ва пулнинг қиймати муомалада бўлган товар ва пул ҳажми билан аниқланади. Муомаладаги пулнинг кўпайиши дастлаб бир товар баҳосининг ошишига, сўнгра иккинчи товарнинг ва охир-оқибатда барча товарлар баҳосининг муомаладаги пул миқдорига пропорционал равишда ошишига олиб келади. Мана шу пулнинг миқдорий назариядаги пул массаси ўртасидаги боғлиқни кўрсатади:

Пул массаси Баҳолар даражасининг
ўсиш суръатлари = ўсиш суръатлари

Демак, товарлар баҳоси ҳамиша пул миқдорига тўғри пропорционал бўлади. Ҳақиқатда эса, янги олтин ва кумуш конларининг очилиши билан бу металлар камроқ ижтимоий меҳнатни ўзларида акс эттира бошладилар.

Шундай қилиб, миқдорий назария вакилларининг фикрлари шунда эдики, пулнинг сотиб олиш қобилияти худди баҳо каби (янги товар баҳоси каби) бозорда аниқланади; муомалада барча чиқарилган пуллар бўлади; пулнинг сотиб олиш қобилияти пул миқдорига тескари пропорционал ва баҳолар ўзгариши пул миқдорига тўғри пропорционал тарзда гавдаланади.

Миқдорий назария тарафдорлари пулнинг фақат муомала воситаси эканлигини кўра олди, холос. Уларнинг таъкидлашича, пул ва товар массаларининг тўқнашиши натижасида баҳолар белгиланади ҳамда пулнинг қиймати аниқланади. К. Маркс Юмни танқид қилиб: «Унинг асосий хатоси шундаки, у «пул муомалага кираётганда қийматга эга эмас, товар эса баҳога эга эмас»–деган нотўғри тахминда эди», деб ёзган эди.

Уларнинг иккинчи хатоси шунда эдики, улар ҳамма пул массаси фақат муомалада бўлади, деб қарашган. Аслида, қиймат қонунига мувофиқ муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқловчи иқтисодий қонун мавжуд. Муомалада бўлган ҳақиқий нақд пулга, ҳар қандай пул миқдори эмас, балки шу давр учун зарур бўлган, тўлов муддати узайтирилган, ҳисоб-китоблар ва пул бирикмаларининг айланишида банд бўлган пуллар киради.

Миқдорий назария хазинанинг металл пул муомаласида стихияли регулятор эканлигини рад этади.

5-§. Пул назариясининг янгича талқин қилиниши

Замонавий миқдорий назария қоғоз пуллар муомаласига асосланади. Бу назария А. Маршалл, америкалик И. Фишер, шведлар Г. Нассель ва Б. Хансен, иқтисодчи А. Пигу, монетарист М. Фридмен тадқиқотларида ўз аксини топди.

Америкалик иқтисодчи, статистик ва математик И.Фишер (1867-1942йй) пулнинг миқдорий назариясига янги сифат киритди. У пулнинг меҳнат қийматини рад этди ва пулнинг «сотиб олиш қуввати»га асосланди.

Миқдорий назарияни математик йўл билан исботламоқчи бўлган И. Фишер пулнинг «сотиб олиш қувватига» таъсир этувчи олти омилни кўрсатди:

М–муомаладаги нақд пул массаси;

В–пулнинг айланиш тезлиги;

Р–ўрта (тортилган) баҳо;

Қ–товарлар миқдори;

$М^{И}$–банк депозитлари йиғиндиси;

$В^{И}$–депозит-чек муомаласи тезлиги.

Товарлар учун тўланган пул йиғиндиси, товарлар йиғиндисининг товарлар баҳосига кўпайтмасига тенг:

$$МВ = РҚ$$

Бу тенгламани Фишер «алмашинув тенгламаси» деб атади. Юқоридаги формула асосида муомаладаги пул массасини топиш мумкин.

$$М = \frac{РҚ}{В}$$

Энди, Фишер назариясининг баъзи камчиликларини кўриб чиқсак. Биринчидан, у товарлар баҳолари йиғиндиси ўрнига, барча товарлар миқдорининг ўртача тортилган баҳоларини олади. (РҚ). Унинг фикрича, товарлар бозорга баҳога эга бўлмаган ҳолда кириб келади. Қиймат назариясига кўра эса, товар бозорга баҳо билан киради. Демак, баҳони товардан ажратиш мумкин эмас. Иккинчидан, Фишер узоқ вақт оралиғидаги В ва Қ ўзгарувчиларни ўзгармас (бир маромли) деб олди. Бунинг натижасида эса иккита эрксиз ўзгарувчи – пул миқдори ва баҳо қолади.

Учинчидан, бу икки ўзгарувчиларнинг ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқиб, Фишер баҳолар кўлами натижа бўлиб, у бошқа омиллар ўзгаришига сабаб бўла олмайди, деган бир томонлама хулоса чиқаради. Пулнинг миқдорий назарияларидан бири Кембриж ёки касса қолдиқлари назариясидир. Бу назарияни А. Маршалл, А. Пигу кейинчалик Ж. Кейнс тарғиб қилган. Бу ғоя бўйича пул ҳаракатининг боши бўлиб жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг хўжалик айланмада бўлган пуллар (касса қолдиқ пуллари) ҳисобланади. Касса қолдиқларидан А. Пигу фикри бўйича истеъмол фондларидан ташқари суғурта фонди, инвестиция бўйича жамғарма фонди ташкил қилиниши керак. Пигу тенгламаси «алмашув тенгламаси»дан фарқ қилади. Яъни унда янги кўрсаткич «жамғарма коэффициенти» қўлланилган бўлиб қуйидаги кўринишда ифодаланади.

М= К х Р х П бир қисми (пул шаклида)

Бу ерда, К – коэффициент ёки РП нинг бир қисми (пул шаклида), касса қолдиғи.

Р – маълум давр ичида ишлаб чиқарилган реал маҳсулот ҳажми. Масалан, РП – 800 млрд. доллар бўлса, К унинг 1/8 қисмини ташкил қилади. У вақтда М қ 800 млрд. : 8 қ 100 млрд. доллар. Демак, яратилган ялпи маҳсулотни кўрсатилган баҳода жойлаштириш учун РП дан 8 марта кам бўлган пул массаси зарур.

Ҳозирги замон монетаризми. Монетаризм пул назарияси 50 йиллар ўртасида пайдо бўлган. Бу оқимнинг кўзга кўринган намоёндаси М. Фридман ҳисобланади, у Чикаго университетининг профессори, иқтисод соҳаси бўйича Нобель мукофоти соҳиби. Бу оқимга М. Фридмандан ташқари, К. Бруннер, А. Мольцер, Д. Лейдлер, Ф. Кейген ва бошқа иқтисодчилар киради.

Пул назариясида катта муваффақият қозонган ғоя – Фридманнинг пулнинг миқдорий назарияси бўлиб, у муомаладаги пул миқдори ўзгариши билан товар баҳолари ўзгариши ўртасидаги боғлиқликни, монетар сиёсат назарияси, яъни жамиятда бўлган иқтисодий тебранишлар пул массасининг ўзгариши туфайли бўлиши, пулнинг иқтисодий самарадорликка таъсири кабиларни ёқлаб чиқади. Ҳозирги замон монетаризмига бир гуруҳ иқтисодчилар қаламига мансуб «Пулнинг миқдорий назариясига оид тадқиқотлар» (1956 йил) деб номланган асар билан асос солинди. Унинг бош ғояси иқтисодий ўсишни бозор механизми таъминлайди, бу механизмнинг асосий воси-

таси пул ҳисобланади деган хулосадан иборат. Монетаризм пулни олқишловчи назариядир. Монетаристлар иқтисодий ўсишнинг энг муҳим шарти инфляцияни даф этиш ва пулни соғломлаштириш, пулни хўжалик муомаласи воситасига айлантириш, деб қарайдилар. Уларнинг фикрича, давлатнинг иқтисодиётга аралашиши пул муомаласини тартибга солиш билан чекланиши керак

Монетаристлар илгаридан маълум бўлган пулнинг миқдорий назариясига бориб туташадиган «барқарор пул» назариясини олға сурадилар. Улар пул ва иқтисодий фаоллик ўртасида узвий боғланиш борлигини қайд қилиб, иқтисодий кризисларнинг сабабини пул муомаласидаги бузилишлардан ахтардилар. Пулнинг етишмай қолиши иқтисодий ўсишни сусайтира бориб, турғунлик ҳолатини келтириб чиқаради, бу эса аввал юзароқ тангликка, сўнгра эса чуқур иқтисодий тангликка олиб келади. Бинобарин, иқтисодий цикл пул миқдорига боғлиқ, бу, ўз навбатида, пул эмитенти бўлган Марказий банк фаолиятига боғлиқ. Пул-кредит сиёсатини ўзгартириб тангликдан чиқиш ва иқтисодни ривожлантириш мумкин. Монетаристлар иқтисодиётда бош масала ишлаб чиқариш ва пул массасининг тенглиги бўлиб, шу орқали макроиқтисодий мувозанат ҳосил этиш мумкин деб ҳисоблайдилар.

М. Фридмен касса қолдиғи талаби миллий даромад, депозит баҳо қоғозлар, товарлар баҳосининг ўсиши ва бошқа омилларга боғлиқ эканлигини кўрсатади ва уни қуйидаги формула бўйича ифодалайди.

Мс = ф (Й х Х)

Бу ерда:

Мс – режалаштирилаётган касса қолдиғи,

ф – Й, Х ларнинг ўзгарувчан функцияси,

Й – миллий даромад,

Х – юқорида келтирилган жами омиллар

ҳ, п, й, у – бошқа таъсир этувчи омиллар.

Фақат монетаризм эмас, балки бошқа назариялар ҳам пул массаси билан ишлаб чиқариш ўртасида боғланиш мавжудлигини тан олади. Фарқи шундаки, монетаризм бу боғланишни бош масала деб қарайди. Унинг намояндалари пул массасига таъсир этувчи чора-тадбирлар давлат инвестициясидан фарқлироқ дарҳол иқтисодий вазиятига таъсир этади, деб қарайдилар.

Монетаристлар иқтисодиётга амалий жиҳатдан ёндашиб, пул массасини йилига ўртача 3% оширишни тавсия этишади.

Аммо монетаристлар кейинги пайтларда иқтисодиётда юз берган ўзгаришларни инобатга олиб, пул массасини доимий равишда ва бир меъёрда олиб боришни маъқул деб билдилар. Бу меъёр шундайки, пул миқдорининг ўсиши меҳнат унумдорлигининг ўсиши суръатига нисбатан 1-2% юқори бўлиши керак. Бунинг бир меъёрда ўсиб бориши иқтисодиётни барқарорлаштиришга ва даврий тебранишларни чеклашга имкон беради. Монетаристлар тавсияларига биноан бир қатор мамлакатларда қонун йўли билан пул массаси аниқ белгиланади ёки юқори, қуйи чегараси кўрсатилади. Монетаризм учун бош масала антиинфляцион сиёсатни асослашдир. Монетаризм тавсиясига асосланган баъзи мамлакатларда пул миқдори устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, инфляциянинг олдини олиш иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Қуйидаги таянч сўзларни таърифланг.

1. Пул назарияси.
2. Металл пул.
3. Қоғоз пул.
4. Олтин танга стандарти.
5. Қуйма олтин стандарти.
6. Олтин девиз стандарти.
7. Қимматбаҳо металл.
8. Хазина билетлари.
9. Кредит пул.
10. Номинализм.
11. Монетаризм.

Мавзуга оид саволлар

1. Пул назариясининг келиб чиқиш сабаблари қайсилар?
2. Металлик назариянинг вужудга келиши ва уларнинг намояндалари қандай ғояни илгари суришган?
3. Металлик пул тизими қандай кўринишларда юзага келган?
4. Пулнинг номиналлик назарияси ва унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Пулнинг номиналлик назарияси асосчилари кимлар?
6. Пулнинг миқдорийлик назарияси ва унинг намояндалари.
7. Ҳозирги замон пул назарияларидан қайсиларни биласиз?
8. М. Фридман ва Кейнс ғоялари тўғрисида нималарни биласиз?
9. Ҳозирги замон монетаризми ҳақида нималарни биласиз?

VI боб. Пул тизимининг моҳияти, турлари ва элементлари

1-§. Пул тизими ва унинг асосий элементлари

Пул тизими–бу мамлакатда тарихан таркиб топган ва миллий қонунчилик билан тасдиқланган пул муомаласини ташкил қилиш шаклидир. Пул тизимлари XВИ-XVII асрларда ишлаб чиқариш капиталистик усулининг юзага келиши ва қарор топиши муносабати билан шаклланган, бироқ шундай бўлса ҳам, унинг айрим элементлари бундан анча олдин пайдо бўлган. Товар-пул муносабатлари ва ишлаб чиқаришнинг капиталистик усули ривожланиши билан пул тизимида сезиларли ўзгаришлар юз беради.

Пул тизими турлари пул қандай шаклда амал қилишига боғлиқ, яъни умумий эквивалент - товар сифатида ёки қиймат белгиси сифатида бўлишига қараб қуйидагича пул тизимлар мавжуд бўлган.

1. Металл пул муомаласи тизимлари. 2. Қоғоз ва кредит пуллар муома-ласи тизимлари.

Биринчи тизимда металл пул бевосита муомалада бўлади ва пулнинг барча функцияларини бажаради, кредит пуллар эса металлга алмашиниши мумкин;

Кредит ва қоғоз пуллар муомалага киритилиши билан қоғоз пуллар муомаласи тизими юзага келган.

Мамлакатда умумий эквивалент сифатида қабул қилинган металлга ва пул муомаласи базасига қараб пул тизими биметализм ва монометализм пул тизимларига бўлинади.

Биметализм – пул тизимида умумий эквивалент ролини металл (кўпинча олтин ва кумуш) бажарган, бу тизимда иккала металлдан ҳам тангаларнинг эркин муомалага чиқарилиши ва уларнинг чексиз алмашишига амал қилинган.

Параллел валюта тизимида икки металл қиймати стихияли, металлнинг бозор баҳосига муносиб тарзда белгиланган. Бу пул тизимида давлат металлар орасидаги мутаносибликни ўрнатиб қўйган. Олтин ва кумуш тангаларнинг чиқарилиши ва уларнинг аҳоли томонидан қабул қилиниши ана шу мутаносибликка мувофиқ амалга оширилган.

Биметализм XVI-XVII асрларда кенг тарқалган бўлиб, Ғарбий Европанинг қатор мамлакатларига XIX асрда етиб келган.

1865 йили Франция, Бельгия, Швейцария ва Италия мамлакатлари биметализмни халқаро сулҳ – Лотин танга Иттифоқи ёрдамида

сақлаб қолишга уринишган. Тузилган конвенцияда иккала металлдан ҳам 5 франк ва ундан юқори қийматли тангаларни чиқариш, олтин ва кумуш ўртасида 1:15,5 қиймат мутаносиблигини ўрнатиш шартлари кўзда тутилган.

Бироқ биметаллик пул тизимининг қўлланилиши ривожланган капиталистик хўжалик эҳтиёжларига мос эмас эди, чунки қиймат ўлчови сифатида бир вақтнинг ўзида икки металл - олтин ва кумушнинг қўлланилиши пулнинг ушбу функцияси табиатига тўғри келмаган. Умумий қиймат ўлчови сифатида фақат биргина товар хизмат қилиши мумкин. Бундан ташқари, икки металл орасидаги давлат томонидан ўрнатиладиган нисбат уларнинг бозор нархига тўғри келмас эди. XIX аср охирида кумуш ишлаб чиқаришнинг арзонлашиши ва унинг қадрини йўқотиши натижасида олтин тангалар муомаладан хазинага кета бошлади. Бунда Коперник-Грешемнинг қонуни юзага чиққан, яъни ёмон пуллар муомаладан яхшиларини чиқариб ташлаган.

Капитализм тараққиёти мустаҳкам пул, ягона умумий эквивалент бўлишни талаб қилди, шунинг учун биметализм ўз ўрнини монометализмга бўшатиб берди.

Монометализм – бу пул тизимида ягона металл (олтин ёки кумуш) умумий эквивалент ва пул муомаласининг асоси бўлиб хизмат қилади. Амал қилаётган танга ва бошқа қиймат белгилари қиймматбаҳо металларга алмашинилади.

Кумуш монометализми Россияда 1843-1852 йилларда, Голландияда – 1847-1875 йилларда мавжуд бўлган.

Россия империсида кумуш монометализми тизими 1839-1843 йилларда ўтказилган пул ислоҳоти натижасида қабул қилинган. Пул бирлиги кумуш рубли бўлган. Кейинчалик, муомалага кредит билетлари ҳам чиқарилган, улар кумуш танга билан тенг муомалада қатнашган ва эркин тарзда металлга алмаштирилган. Лекин бу ислоҳот сўнаётган крепостнойлик тизими давлат бюджети ва ташқи савдо баланси тақчиллиги шароитида пул муомаласини узоқроқ муддатга тартибга сола олмаган. 1853-1856 йиллардаги Қрим уруши кўп миқдорда қўшимча кредит пуллар эмиссиясини талаб қилди ва амалда улар қоғоз пулга айланиб қолди.

Илк бор олтин монометализми (стандарт) пул тизими сифатида Буюк Британияда XVIII аср охирида қарор топган ва қонун билан 1816 йилда тасдиқланган. Кўпчилик бошқа давлатларда бу тизим XIX аср-нинг охирларида жорий қилинган: Германияда – 1871-1873 йил-

да, Швеция, Норвегия, Данияда – 1873 йилда, Францияда – 1876-1878 йилда, Австрияда – 1892 йилда, Россия ва Японияда – 1897 йилда, АҚШда - 1900 йилда.

Қиймат белгиларининг олтинга алмашинишига қараб олтин монометализми уч кўринишга ажратилади: олтин танга стандарти, олтин ғишт стандарти, ва олтин валюта стандарти.

Олтин танга стандарти капитализмнинг эркин рақобатига жуда мос келган, ишлаб чиқариш, кредит тизими, жаҳон савдо капитали келиб чиқишининг ривожланишига ёрдам берган. Бу стандарт қуйидаги асосий хусусиятлар билан тавсифланади:

– мамлакат ички муомаласида тўлақонли олтин танга мавжуд бўлади, олтин пул барча функцияларни бажаради;

– хусусий шахсларга тангаларни эркин зарб қилишга рухсат этилади (кўпинча мамлакат зарбхонасида);

– муомаладаги тўла қийматли бўлмаган пуллар (банкнота, кредит пуллар) эркин ва чексиз тарзда олтин пулларга алмашинилади;

– олтин ва чет эл валютасини эркин тарзда олиб чиқиш ва олиб киришга ҳамда эркин олтин бозорларининг амал қилишига йўл қўйилади.

Олтин танга стандартининг амал қилиши Марказий эмиссия банкларида олтин захиралари бўлишини талаб қилган. Булар танга муомаласининг захираси бўлиб хизмат қилган, банкноталарнинг олтинга алмашиниши таъминланган ва жаҳон пуллари захираси бўлган.

И Жаҳон уруши даврида бюджет тақчиллигининг ўсиши, унинг заёмлар чиқариш ва тобора ўсиб бораётган пул эмиссияси билан қопланиши муомалада пул ҳажмининг ортиб кетишига олиб келган. Бу пул массаси эмиссия ҳажми ва банкларнинг олтин захираларидан анчагина устун эди. Бу ҳол эса қоғоз пулларнинг олтин тангаларга эркин алмашинишини хавф остига қўйди. Бу даврда олтин танга стандарти урушда қатнашган давлатларда, кейинчалик эса кўпчилик бошқа мамлакатларда ҳам (АҚШдан ташқари, унда 1933 й. гача бу тизим амал қилган) ҳаёт даврини ўтаб бўлади: банкноталарнинг олтинга алмаштириш тугатилди, уни чегарадан олиб чиқиш ман қилинди, ҳамма олтин тангалар хазинага қайтарилди. И Жаҳон уруши тугагандан сўнг капитализмнинг умумий инқирози шароитида ҳеч қандай капиталистик мамлакат ўз валю-тасини барқарорлаштиришни олтин танга стандартига қайтиш асо-сида амалга ошира олмади. Олтин қолип стандартида, олтин танга стандартидан фарқли ўлароқ, муомалада олтин танга ва унинг эркин зарб этилиши кўзда тутил-

майди. Банкнота ва бошқа тўла қийматга эга бўлмаган пуллар олтин қуйилмаларга алмашилади. Англияда стандарт 12,4 кг олтин қуйилмаси 1700 ф. ст., Францияда эса 12,7 кг олтин қуйилмаси 215 минг франкка тенглаштирилган.

Австрия, Германия, Дания, Норвегия ва бошқа мамлакатларда олтин девиз стандарти ўрнатилган, бунда ҳам олтин тангалар муомаласи ва эркин зарб этилиши кўзда тутилмайди. Тўла қиймати бўлмаган пулларни олтинга алмашиш олтин қўйилма стандарти бўлган давлат валютасига алмашиш орқали амалга оширилган. Бу йўл билан олтин валюта стандарти ўрнатилган давлат пул бирлигини олтин билан билвосита алоқаси сақланиб турилган.

Шундай қилиб, олтин девиз стандартида бир мамлакат валютаси бошқа давлат валютасига боғлиқ бўлган.

1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози натижасида олтин стандарт барча мамлакатларда бекор қилинди (масалан, Буюк Британияда – 1933 йилда, АҚШда – 1933 йилда, Францияда – 1936 йилда) ва банкноталар муомаласи қарор топди.

1944 йилда ташкил қилинган Бреттонвуд Жаҳон валюта тизими ўзи билан давлатлараро олтин-валюта стандарти тизимини, бошқача қилиб айтганда, ўз моҳияти бўйича эркин конвертацияланадиган валюта ассосида давлатлар учун олтиндоллар стандарти тизимини қарор топтирган. Олтин-доллар стандартининг моҳияти шундаки, у фақат марказий банклар учун ўрнатилган ва бунда фақат битта валюта - АҚШ доллари олтин билан алоқадор бўлган. Олтин захира салмоғининг сусайиб кетиши сабабли қўйилмаларини долларга сотиш тўхтатилди ва олтин-доллар стандартига ҳам якун ясалди.

Ривожланган капитализм шароитида банкноталар кредит табиатини сақлаб қолган, улар иқтисодиёт, давлатни кредитлаш учун мўлжалланган бўлиб, расмий чиқарилади ва қоғоз-пул муомаласи қонуниятларига бўйсунади.

Пул тизимининг ҳолати мамлакат иқтисодиётга, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига узвий боғлиқ бўлади. Пул тизими ишлаб чиқариш суръатларини ушлаб туриш ёки тезлаштиришга таъсир кўрсатади.

2-§. Ривожланган мамлакатлар пул тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Замонавий пул тизими қуйидаги элементларни ўз ичига олади: пул бирлиги, валюта курсини ўрнатиш қоидалари, баҳолар масштаби, пул кўринишлари, эмиссия тизими, давлат ёки кредит аппарати.

миллий валюта тизимидир нисбатан мустақил бўлса ҳам пул тизимининг таркибий қисми.

Пул бирлиги – қонуний тарзда ўрнатилган пул белгиси бўлиб, барча товарлар баҳосини ўзаро солиштириш ва ифодалаш учун хизмат қилади. Кўпинча пул бирлиги майда бўлинувчи қисмларга ажралади. Кўпчилик мамлакатларда ўнлик бўлиниш тизими ўрнатилган. Масалан, 1:10:100 (АҚШ доллари 100 центга 1 фунт стерлинг - 100 пенсга, 1индонезия рупияси - 100 сенга тенг ва ҳ.к.)

Расман баҳолар масштаби ўзининг иқтисодий маъносини давлат-монополистик капитализми ривожланиши ва кредит пулларни олтинга алмашиниши тўхтатилгандан сўнг йўқотди. 1976-1978 йилда ўтказилган Ямайка валюта ислоҳоти натижасида олтиннинг расмий нархи ва пул бирликларининг олтин таркиби бекор қилинди.

Қонуний тўлов воситаси бўлган пул кўринишлари - булар асосан банк кредит билетлари, қоғоз пуллар (хазина билетлари) ва тангалардир. Масалан, АҚШда муомалада қуйидаги пуллар мавжуд: 100, 50, 20, 10, 5 ва 1 доллар, банк билетлари. Хазина билетларидан ташқари кумуш-мис ва мис-никель тангалар (50,20, 10, 5, 1 центли) чиқарилади, Буюк Британияда муомалада 50, 20, 10, 5, 1 ф. ст. банкноталар: 1 ф. ст – 50, 10, 5, 2 пеннли, 1 ва 1/2 пенсли тангалар амал қилади. Яна эски 2 ва 1 шиллинг тангалари юритилади, улар янги 10 ва 5 пенсга тенг. Агар ривожланган мамлакатларда асосан банк билетлари чиқарилса, қатор ривожланаётган мамлакатларда кўпроқ хазина билетлари чиқариш кенг тарқалган. Масалан, Индонезияда 50, 25, 10, 5, 1 сен қийматли, Ҳиндистонда – 1 рупия қийматли хазина билетлари чиқарилади.

Ривожланган мамлакатларда банк билетларининг эмиссияси Марказий банклар томонидан, хазина билетлари ва тангалар қонунда белгиланган эмиссия ҳуқуқига асосан хазина муассасалари томонидан чиқарилади. Бу мамлакатларда пул эмиссиясининг асосий канали – депозит чек эмиссиясидир. Мижоз ҳисоб рақамларидаги депозитларга мувофиқ тарзда тўлов айланмасини таъминлайдиган чек мас-

саси кўпайтирилади. Унда тижорат банклари ва бошқа кредит муассасалари иштирок этади.

Пул сиёсати кредит сиёсати билан чамбарчас боғлиқ бўлгани учун бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни давлат пул-кредит сиёсати билан тартибга солиб туради. Кўпгина ривожланган мамлакатларда 70–йиллардан монетарлаштириш сиёсати киритилган. Бу сиёсатга асосан Марказий банклар муомаладаги пул массасининг ўсиши ва кредитларни тартибга солишда мақсадли мўлжалларни ўрнатиши лозим. 1975 йилдан бошлаб Германия Марказий банки (давлат банки) келаси 12 ойга режалаштираётган муомаладаги пул массасининг ўсиш ёки қисқариш суръатлари тўғрисида конгрессга ҳисобот беради.

Ривожланган мамлакатларнинг замонавий пул тизими қуйидаги хусусиятларга эга.

– пул бирлигининг олтин таркиби, банкноталарини олтин билан таъминлаш ва унга алмашишнинг бекор қилиниши;

– олтинга алмашинмайдиган, кейинчалик қоғоз пулга айланадиган, кредит пулларга ўтиш;

– пулни муомалага нафақат хўжаликларни банклар томонидан кредитлаш, балки давлат харажатларини қоплаш учун чиқариш;

– пул муомаласида нақдсиз пул айланмаси устунлиги;

– пул муомаласини давлат томонидан тартибга солишнинг кучайиши.

1929-1933 йлардаги жаҳон иқтисодий инқирози даври ва ундан кейин юзага келган валюта блоклари, ривожланаётган мамлакатларда эмиссия институтлари ва уларнинг операцияларини назорат қилиб турган метрополияларга боғлиқ бўлган пул тизимлари сақланиб қолишини таъминлаганлар. Эмиссия миқдори хўжалик эҳтиёжлари билан эмас, тўлов балансларини ҳолати билан белгиланган. Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги даврда урушгача бўлган валюта блоклари асосида алоҳида валюта зоналари яратилди. Бу валюта зоналари асосий валютага нисбатан бошқа валюталарнинг қатъий курсини ушлаб туриш; миллий валюталарни гегемон – давлат банкларида сақлаш; зона ичида валюта ҳисоб-китобларнинг имтиёзли тартиби каби хусусиятларга асосланиб фаолият олиб боради.

Қуйидаги таянч сўзларни таърифланг

1. Метал пул.
2. Қоғоз пул.
3. Банкнота.
4. Биметализм.
5. Монометализм.
6. Чек.
7. Вексел.
8. Валюта масштаби.
9. Баҳолар масштаби.
10. Олтин.
11. Тангалар.
12. Хазина билетлари.
13. Эмиссия тизими.
14. Пул бирлиги.

Мавзуга оид саволлар

1. Пул тизими деганда нимани тушунасиз?
2. Биметализм пул тизимининг ўзига хос хусусиятлари?
3. Нима учун монометализм пул тизимига ўтилди?
4. Металл пул тизимидан қоғоз ва кредит пуллар тизимига ўтишнинг асосий сабаблари?
5. Кредит пулларнинг турлари ва уларни изоҳланг?
6. Пул тизимининг асосий элементларига нималар киради?
7. 1976-1978 йилларда Ямайкада ўтказилган давлатлараро келишувнинг мақсади?
8. Олтинни демонетизация қилиш деганда нимани тушунасиз?

VII боб. Ўзбекистон Республикаси пул тизими

1-§. Ўзбекистон Республикасида пул тизими ва унинг ривожланиш тарихи

Ўзбекистон замини ва халқи олдиндан мукаммал тарихга, соҳа-лар бўйича ўз мустақил тизимига эга бўлган. Шунинг учун биз қисқача пул тизимимизнинг тарихи тўғрисида тўхталмоқчимиз.

Баъзи манбаларда келтирилишига қараганда, Ўрта Осиёда биринчи пуллар Искандар Зулқарнайн даврида милоддан аввал 261 - 250 йилларда чиқарила бошланган.

Ўзбекистон Республикаси заминида, яъни Бухоро давлатида биринчи металл пуллар зарб қилинган. Металл пуллар зарб қилингунга қадар Бухоро давлатида савдо-сотиқда пул бирлиги сифатида буғдой ва қоғоз материал ишлатилган.

Биринчи металл пуллар Бухоро давлатида 700 йилларда зарб қилинган. Бу пуллар кумуш тангалар бўлиб, Бухоро давлати шоҳи Кана Бухоро худот томонидан чиқарилган. Танга юқори сифатга эга бўлган тоза кумушдан зарб қилинган. Танга ўртасида шоҳнинг тасвири ва унинг атрофига Қуръон оятларидан ёзилган. Бу кумуш пуллар «дирҳам» деб аталган. Бухор худот 40 йил давлатни бошқаргандан кейин, тахтга халифа Абу Бакр Сиддиқ ўтирган. Абу Бакр, кейинчалик шоҳ Ҳорун ар-Рашид даврида Бухоро давлатида пул тизими барқарор бўлиб, савдо кўпроқ дирҳамларда олиб борилган. Бу орада Хоразм давлати ҳам ўзининг кумуш тангаларини муомалага киритган. Лекин аҳоли кўпроқ дирҳамлар билан савдо олиб боришни афзал кўрган. Дирҳамларга бўлган талабнинг ошиши, Бухоро давлатининг кўпгина бошқа мамлакатлар билан савдо олиб бориши ҳамда дирҳамларнинг жуда юқори проба ва сифатга эга бўлиши аста - секинлик билан уларнинг муомаладан йўқолишига олиб келган.

801 йилнинг кузида тахтга Гидриф келган ва у пул тизимини барқарорлаштириш мақсадида муомалага 6 турдаги олтин, кумуш, тери, темир ва мис, ҳар хил металл қоришмасидан зарб қилинган пул бирликларини чиқарган. Бу пуллар халқ орасида «гидрифи»лар деган ном олган. Кумуш гидрифилар дирҳамларга қараганда сифати паст ва кумуш темир қоришмаси натижасида қорамтир рангда бўлган. Бу пуллар аҳоли орасида муомалада яхши қабул қилинмаган, шунинг учун давлат олдинги пулга нисбатан янги кумуш гидрифининг мажбурий курсини белгилаб қўйган, яъни 6 гидрифи 1 дирҳамга тенг-

лаштирилган ва аста-секинлик билан солиқ ва тўловларни фақат гидрифида олишни жорий қилиш орқали 1 гидрифини 1 дирҳамга тенглаштиришга эришилган. Давлат томонидан ҳар хил солиқ ва тўловларни фақат гидрифида тўлашни жорий қилиш натижасида 822 йилларга келиб 100 кумуш дирҳам 70 гидрифига, 1 гидрифи тилло 7,5 гидрифи кумушга тенглаштирилган. Гидрифилар Бухорода Маҳак Қасрида зарб қилинган.

Шуни таъкидламоқчимизки, биринчи рус давлатида муомалада пайдо бўлган металл пуллар дирҳамлар ҳисобланади. Рус давлатида дирҳамлар бир неча бўлакларга бўлиниб муомалада ишлатилган. Топилмалар шуни кўрсатганки, рус давлатида ИХ-Х асрда савдода қўлланилган дирҳамлар 40 бўлакка бўлиниб, ҳар бир кумуш бўлакчаси пул бирлиги сифатида ишлатилган. Кейинчалик рус давлатига, Европа давлатлари металл пуллари кириб келган ва фақат Х асрнинг охиридагина Киев князи Владимир томонидан биринчи рус тангалари «гривни» зарб қилинган.

Х асрнинг ўрталари (943-954 йиллар)да Исмоил Сомоний даврида Бухоро давлати майдони кенгайиб ҳозирги Ўрта Осиё давлатларини қарийб барча майдонини ўз ичига олган ва у уч ҳамда ундан ортиқ Европа мамлакати майдонига тенг келган.

Сомонийлар даврида пул тизими жуда юқори даражада ривожланган. Муомалага яна сифатли кумуш тангалар – дирҳамлар, олтин пуллар киритилган. Бу пуллар муомалада доналаб ва оғирлиги ўлчаб, қабул қилинган. Бухоро давлати Европа давлатлари билан кенг савдо-сотиқ олиб бориши натижасида юқори сифатли кумуш тангалар Европа ва Рус давлатига оқиб ўтган ва биз юқорида таъкидлаганимиздек, Рус давлати бу дирҳамларни бўлакларга бўлиб, пул бирлиги сифатида муомалада ишлатган.

ХИ асрда сомонийлар давлатидан туркларнинг ўрин олиши пул муомаласини ҳам ўзгартирса-да, олтин ва кумуш тангалар пул тизимининг асосий элементи сифатида сақланиб қолди.

XII-XIII асрларда Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, кейинчалик Темурийлар даврида муомалада асосан олтин, кумуш, мис тангалар кўплаб зарб қилинган. Шайбонийхон даврида (1507 йилда) пул ислоҳоти ўтказилиб, чекланган миқдорда муомалага олтин, кумуш, мис, мис ва кумуш қоришмасидан танга пуллар чиқарилган. Олтин тангалар «тилло», кумуш танга «танга», мис танга «динор» деб номланган ва энг майда танга динорнинг 1/6 қисмига тенг бўлиб «пул» деб номланган.

Темурийлар даврида «амири» дирҳамлари муомалага чиқарилган. Уларнинг вазни 5,7-6,0 гр. атрофида бўлган ва кейинчалик дирҳамларда кумуш миқдорини камайтирилгани учун тангалар вазни ҳам камайиб борган.

Ўзбекистон пул тизимининг яна бир муҳим санаси бу 1708-1709 йилларда Бухорода ўтказилган пул ислоҳотидир. Бу ислоҳот шоҳ Убайдуллахон томонидан ўтказилган бўлиб, муомалага паст сифатли тангалар чиқарилган. Бу тангаларда кумуш миқдори олдинги тангаларга нисбатан кам бўлган ва улар давлатнинг уруш билан боғлиқ ҳарбий харажатларини қоплаш учун зарб қилинган. Олдинги 1 кумуш танганинг оғирлиги 1 мисқолга тенг бўлган. Пул ислоҳотига асосан 1 кумуш танга 4 га бўлиниб, энди тўрт кумуш танга зарб қилинган ва уларни ҳар бирининг вазни 1 мисқолга тенг бўлган. Натижада кумуш танганинг сифати тушган. Муомаладаги пуллар «яхши» ва «ёмон» пулларга бўлинган. 1 мисқол 24 нухудга тенглаштирилган, яъни 24 нухуд = 1 мисқол, 1 мисқол = 4,8 гр. кумушга тенг бўлган.

Убайдуллахон ўтказган пул ислоҳотининг хусусияти шундаки, у тангадаги кумуш миқдорини энг минимал даражагача камайтирган, бундай ҳол унгача ва ундан кейин амалиётда қўлланилган эмас. Бу тўғрида қуйидаги жадвал маълумотларига мурожаат қилишимиз мумкин.

Жадвалдан кўриниб турибдики, танганинг кумуш миқдори 90 фоиздан Убайдулла – Баҳодирхон даврида 22,5 фоизгача тушган, яъни тангаларнинг сифати тушиб борган.

2-жадвал

	Йиллар	Тангадаги кумуш миқдори - %
	1608-1610	90
2	1615-1623	80
3	1617-1678	70
4	1699-1700	35
5	Убайдуллахон даврида	22,5

Қарийб юз йиллардан кейин, XVIII аср ўрталарида Муҳаммад Раҳимхон даврида тангадаги кумуш миқдори 30%гача оширилган. XVIII асрнинг охири XIX асрни бошларига келиб, Бухоро давлати яна юқори сифатли пул тизимига эга бўлган.

Россиянинг Ўрта Осиёга юриши натижасида, 1865 йилда Тош-кент руслар қўлига ўтган. Кейинчалик Бухоро давлатининг Ўра тепа, Жиззах, Самарқанд, Каттақўрғон, Ургут каби шаҳарлари Россия тасарруфи ўтган. Бухоро амири Россия билан дўстлик шартномасини тузган ва ярим мустақил давлат бўлиб ўзининг мустақил пул тизимини сақлаб қолган ҳамда мустақил пул сиёсатини олиб борган. Ўша даврда муомалага олтин, кумуш, мис тангалар чиқарилган. 1 тилло Россиянинг 6 рубль 80 копеек, 1 танга (кумуш) 15 копеекка, 1 мис танга - (мира) 4 копеекка, пул 1/4 копеекка тенглаштирилган. Муомалада кўпроқ кумуш танга ишлатилиб, унинг курси 1 тангага 12 копеекдан 20 копееккача ўзгариб турган. Ўтган асрнинг 90-йилларида Россия Тошкент ва Қўқонда, кейинчалик, Бухорода ўз банкларини очган. Муомалага рус олтин, кумуш тангалари ва кредит билетлари кириб келган. Бухорода рус олтин, кумуш тангасидан кўра кредит билетлари жуда машҳур бўлган. Бухоро бекларига амирга тўлайдиган солиқ ва бошқа тўлов, инъомларини кумуш тангада карвонларда олиб келгандан кўра, кредит билетларда олиб келиш арзон ва осон бўлган. Шунинг учун кумушлар рус кредит билетларига алмаштирилган. Рус банкларида кумуш тангалар қайтиб муомалага чиқмаган. Улар Россияга жўнатилган ва Петербургдаги зарбхонада қайта ишлатилиб рус кумуш тангаси сифатида муомалага чиқарилган. Бухоро тангаси 84 фоизли пробадаги кумушдан тайёрлангани учун рус кумуш тангасидан анча сифатли бўлган ва у қайта ишланганда бир Бухоро тангасидан бир неча рус тангаси зарб қилинган. Бу эса Россия хазинасига жуда катта фойда келтирган. Ҳисоб-китобларни олиб боришда, тиллони рублга айлантиришда қийинчиликлар бўлгани учун Россия давлати Бухоро давлати пул тизимини Россияга бирлаштириш тўғрисидаги масалани қўйган. Россия Молия вазирлиги томонидан Бухоро давлати пулининг лойиҳаси ишлаб чиқилган. Унга асосан чиқариладиган пул 15 копеекка тенг бўлиб, унинг бир томонида Россия ҳукумат белгиси тасвири иккинчи томонида Бухоро давлати белгиси, тасвири, бўлиши керак эди. Лекин Бухоро амирининг хизмати туфайли бу иш амалга ошмасдан қолиб кетган. 1923-24 йилларгача Бухоро ўзининг пул бирлигини сақлаб қолган. Туркистоннинг Россия томонидан истило этилиши натижасида XX асрнинг бошларида Туркистонда рус кредит билетлари, маҳаллий векселлар, кейинчалик совзнаклар, «Туркбон»лар, червонецлар муомалада бўлган. 20-йилларининг ўрталаридан бошлаб ягона пул тизими барпо қилиниб,

Собиқ СССР ҳудудида рубль пул бирлиги сифатида қабул қилинган ва мустақилликача пул муомаласи шу пул бирлигида олиб борилган.

2-§. Ўзбекистон Республикасида мустақил пул тизимининг жорий қилиниши

Маълумки, ҳар бир давлат ўзининг пул тизимига эга бўлади. Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида ажралиб чиқиши унинг мустақил пул тизимига эга бўлишини тақозо қилди. Мустақил пул тизими жорий қилинишининг И босқичи 1993 йилдан бошлаб «сўм-купон»ларнинг муомалага чиқарилиши ҳисобланади. Ўзбекистон пул тизимини қуришнинг иккинчи босқичи – 1994 йил июлдан бошлаб миллий валюта–«сўм »нинг муомалага чиқарилиши бўлиб, у Ўзбекистон тарихида жуда катта аҳамиятга эга.

Ҳар бир давлатнинг пул тизими маълум элементлардан ташкил топади ва қонун асосида юқори давлат органлари орқали бошқариб борилади.

Ўзбекистон Республикаси пул тизими элементлари қуйидагилар ҳисобланади:

– пул бирлигининг номи;

– пул бирлигининг турлари - қоғоз ва металл пуллар;

– уларни муомалага чиқариш қоидалари;

– пул, кредит, валюта бошқарувини амалга оширувчи давлат органлари;

– нақд пулсиз тўлов айланмаси ва кредит пуллар (чек, вексель) муомаласини олиб боришда давлат томонидан белгиланган шартлар;

– миллий валютани четга олиб чиқиш ва четдан олиб келиш қоидалари;

– халқаро ҳисоб-китобларни ташкил қилиш асослари;

– миллий валютани чет эл валютасига алмаштириш тартиби ва давлат томонидан ўрнатилган валюта курси.

Алоҳида олинган давлатнинг пул тизими ўз хусусиятларига эга бўлиб, унинг элементлари у ёки бу томонга ўзгариши мумкин.

Пул тизими ижтимоий ҳаётнинг кўзгуси ҳисобланади, десак хато бўлмаса керак. Шунинг учун ижтимоий ишлаб чиқариш жараёни пул тизимини объектив талаблар, яъни пул тизимининг ягона бўлиши, пул бирлиги қийматининг доимийлиги ва пул муомаласининг талабга қараб ўзгариб туриши кераклигини қўяди.

Собиқ СССРнинг давлат сифатида тарқалиб кетиши марказлашган пул тизимининг ҳам тугашига олиб келади. Натижада баъзи

республикалар рублни миллий валютаси сифатида ишлатиб тургани ҳолда, ўз пул сиёсатини олиб борди. Эстония, Латвия, Литва, Украина биринчи бўлиб рубль зонасидан чиқиб ўз миллий валютасини қабул қилишди. Кейинчалик, Озарбайжон, Қирғизистон ва Молдавия республикалари бу йўналишни давом эттирдилар. Рубль тизимида вужудга келган тартибсизликлар, миллий валюталар ва купонларнинг муомалага чиқарилиши, ягона пул–рубль зонасининг тугашига, унинг ҳар хил курсга эга бўлишига олиб келади.

1992 йил охирига келиб Россияда товарлар баҳосининг ойлик ўсиши 25-30 фоизгача кўтарилди. Москва валюта биржасида рублнинг номинал қиймати бир долларга 125 рублдан, 1992 йил декабрда 485 рублгача, 1993 йил мартда 1 доллар 660 рублгача тенглашди. Пул қадрининг тушиши, нақд пул етишмовчилигига, охири эса иш хақи, нафақаларни тўлашда қийинчиликлар бўлишига олиб келди. СССР давридаги охирги банклар тўғрисидаги қонунга асосан давлат банки ўрнига Марказий банк, мустақил давлатларда Марказий (ёки миллий) банклар ташкил қилинди.

3-жадвал

Собиқ Совет иттифоқи давлатлари валюталари 1993 йил, апрель

Республикалар	Пул бирлиги ва унинг курси
Арманистон	Рубль
Озарбайжон	Манат ва рубль (1манат=10 рубль)
Беларуссия	Рубль ва Б. Рубли (1 Б. Рубли=10 рубль)
Эстония	Крона (8 крон=1 немис маркаси)
Грузия	Рубль ва купон
Қирғизистон	Сом (3 май 1993 йилдан)
Латвия	Латвия рубли (130 л.р. = АҚШ доллари)
Литва	Талонлар (505 талон = 1 АҚШ доллари)
Молдавия	Рубль ва купон
Россия	Рубль
Тожикистон	Рубль
Туркманистон	Рубль
Украина	Корбонавец (1 корбонавец=0,3 рубль)
Ўзбекистон	Рубль ва сўм купон

Россия Марказий банки пул эмиссияси билан боғлиқ бўлган операцияларни бажариш ҳуқуқини ўз қўлига олди. Бундан ташқари, давлат пул белгиларини босиб чиқарувчи муассаса Россияда жойлашган эди. Мустақил давлатлар Марказий банкларининг пул муома-

ласини олиб бориш бўйича ҳаракатлари чеклаган эди. Натижада пул тақчиллиги юзага келди ва у алоҳида олинган республикаларда ҳар хил даражада намоён бўлди. Масалан, Россия Марказий банки муомалага чиқарган пулларда Россиянинг салмоғи 1991 йил декабрда 64 фоизни ташкил қилган бўлса, 1992 йил июнга келиб эмиссиянинг 77 фоизи Россияни нақд пул билан таъминлашга йўналтирилган. Қолган барча Республикаларни нақд пул билан таъминлаш учун муомалага чиқарилган пулларнинг фақат 23 фоизигача сарфланган, яъни бошқа республикалар эҳтиёжини пул билан таъминлаш салмоғи тушиб кетган. Масалан, Белоруссия, Грузиянинг салмоғи 3 фоиздан 1,5 фоизгача, Украина ва Болтиқбўйи республикаларининг салмоғи янада кўпроқ қисқарган. Ўзбекистонда ҳам пул ресурслари тақчиллиги нақд пулга бўлган талабнинг қондирилмаганлигида намоён бўлган. Шу иқтисодий танглик шароитида пул тизимини шакллантириш бўйича мустақил давлатлар олдида икки муыобил йўл турарди.

– Ягона пул тизими зонаси – рубль зонасида қолиш ва ягона пул сиёсатини олиб бориш;

– Ўз миллий валютасини муомалага чиқариб, ўз пул тизимига эга бўлиш ва қўшни мамлакатлар инфляциясидан ўзини ҳимоя қилиш.

Пул тақчиллиги давом қилаётган ва Россия рубллари барқарор бўлмаган шароитда пул тақчиллигини йўқотиш мақсадида кўпгина республикалар, жумладан, Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг биринчи йилларида пул тизимини шакллантириш лойиҳаси тузилди. Юқорида таъкидлаганимиздек, муомалага купон талонлар чиқарилди ва кейинчалик Ўзбекистон ўзининг миллий валютасини муомалага чиқарди.

Ўзбекистон миллий пул тизимининг асосий элементи бўлмиш сўм жамият манфаатларига хизмат қилади. Шунинг учун пул тизимининг асосий вазифаси миллий пулимизнинг қадрини мустаҳкамлашдан иборат. Бу жуда масъулиятли ва осон бўлмаган вазифа. Ўзбекистоннинг ўз иқтисодиётини бозор талабларига мос равишда ривожлантиришга қаратиши, бозор иқтисодиётига ўтишда мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларига эга эканлиги миллий валютанинг барқарор бўлишини тақозо қилади.

Ҳозирги кунимиз, иқтисодиётимизнинг ривожланишида амалга оширилаётган иқтисодий жараёнлар, катта қурилишлар ва молиялаштиришлар Ўзбекистон иқтисодий мустақилликка эришиш учун тўғри йўл танлаганини кўрсатиб турибди. Зеро, мустақил пул тизимига эга бўлмасдан иқтисодий жиҳатдан мустақил давлат барпо этиш мумкин эмас.

3-§. Пул тизимининг бақарорлиги ва миллий валютанинг конвертабеллигини таъминлаш йўллари

«Миллий валюта – миллий ифтихор, давлат мустақиллиги-нинг рамзи, суверен давлатга хос белгидир. Бу республикага тегишли умумий бойлик ва мулкдир»[1]

Ҳар бир жамиятда пулга юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилиши иқтисодий ва ижтимоий ўсишни рағбатлантиради, пул қадрининг тушиши эса тартибсизликка, жамият ривожланишида бошқа тўқинликлар бўлишига олиб келиши мумкин.

Пулнинг барқарорлиги деганда, пулнинг сотиб олиш қийматининг ўзгармаслиги ва валюта доимийлиги тушунилади.

Пулнинг сотиб олиш қобилияти шу пул бирлигига тўғри келувчи товар ва хизматлар миқдори билан ифодаланади. Бинобарин, пулнинг сотиб олиш қобилиятини ифодаловчи «кўрсаткич» товарлар ва хизматлар баҳоси ҳисобланади. Агар товар ва хизматлар баҳоси барқарор бўлса, пулнинг сотиб олиш қобилияти ҳам барқарор бўлади. Агар пул ўзгармаган шароитда товарлар баҳоси ошадиган бўлса, бу ҳол пулнинг сотиб олиш қобилияти тушганини кўрсатади ва аксинча, товар ва хизматлар баҳосининг тушиши пулнинг сотиб олиш қобилиятини ошганлигидан далолат беради.

Демак, пулнинг қадри товарлар ва хизматлар баҳосига тескари пропорционал – нарх пасайса, пул қадри ошади ёки нарх ошса пулнинг қадри тушади.

Пул товар бўлганлиги учун ҳам унга талаб ва таклиф таъсир қилади. Пул таклифи муомалага чиқарилган турли шаклдаги пулларнинг йиғиндиси бўлиб, у талабдан ортиқ ёки кам бўлиши мумкин. Муомалага чиқарилган пул миқдори пулнинг айланиш тезлигига қараб ҳам ўзгариб туриши мумкин.

Пулга бўлган талаб мамлакат пул айланмаси асосида аниқланади. Пул талаби корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, аҳоли, давлат ташкилотлари олиб борадиган нақд пуллик ва нақд пулсиз айланма учун зарур пул миқдори асосида аниқланади. Пулга бўлган эҳтиёж хўжалик субъектлари - ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида бўладиган пуллик жараёнларнинг кўламига ва тезлигига боғлиқ. Пулни қўллаш йўли билан бажариладиган жараёнларнинг кўлами

[1]И. Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида» Т.: «Ўзбекистон» 1995, 217 бет.

қанча кенг бўлса, пулга бўладиган талаб шунча кўп бўлади. Агар пул билан боғлиқ операциялар тез бажарилса, пулга бўлган талаб шунча кам бўлади демак, муомалага кам пул чиқариш керак бўлади.

Пулга бўлган таклиф ва талабнинг тенглиги пул мувозанатини билдиради. Пулга бўлган таклиф, унга бўлган талабдан ошмаса пул барқарор деб хулоса қилиш мумкин, аксинча бўлса, пулнинг қадри тушиб кетади ва пулдан қочиш жараёни бошланади. Амалиётда пулни жамғаргандан кўра уни товарларга айлантириб қўйиш ёки бошқа бир қадрлироқ валютани жамғариш қулай бўлиб қолади.

Пулнинг барқарорлигини таъминлашнинг асосий йўналишларидан яна бири бюджет тақчиллигининг бўлмаслигидир. Давлат бюджети харажатларининг даромадларидан ошиб кетиши натижасида юзага келадиган бюджет тақчиллиги муомалага товарлар билан таъминланган пуллар чиқариш ҳисобидан қопланади. Бу тадбир муомалада таъминланган пулнинг кўпайишига, оқибатда пул қадрининг тушиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ҳар бир мамлакат пул тақчиллиги бўлмаслигига ёки унинг салмоғи сезиларсиз бўлишига эришиши керак.

Пулнинг барқарорлигини таъминлашнинг яна бир йўналиши бу олтин ва валюта захираларининг мавжудлиги ва уларнинг кўпайишидир. Олтин валюта захираларининг салмоғи қанча кўп бўлса, пул шунча барқарор бўлиши мумкин.

Миллий валютани мустаҳкамлашнинг яна бир шарти – инфляцияга қарши пухта ўйланган сиёсат юритишдир. Муомалага чиқарилган ҳар бир сўм муайян миқдордаги товар ва хизматлар билан таъминланган бўлиши зарур. Ички бозоримизни товарлар билан тўлдириш, аҳолига хизмат кўрсатишнинг сифати ва турларини ошириш ҳам миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашнинг асоси ҳисобланади.

Қуйидаги таянч сўзларни таърифланг.

1. Купон.
2. Пул тизими.
3. Қоғоз пуллар.
4. Кредит пуллар.
5. Сўм-купон.
6. Рубль зонаси.
7. Пул ислоҳоти.
8. Миллий валюта.
9. Конвертация.
10. Миллий валюта конвертацияси.
11. Пул барқарорлиги.

Мавзуга оид саволлар

1. Собиқ Иттифоқ пул тизими ҳақида нималарни биласиз?
2. МДҲ давлатларининг Москвада бўлиб ўтган давлатлараро Мажлисида қандай масалалар кўрилган эди (1992 йил 6 сентябрь)?
3. Россия Ҳукумати МДҲ давлатларининг рубль зонасида қолиши учун қандай шартлар қўйган?
4. Нима учун Ўзбекистон ўз миллий пул тизимига ўтишга қарор қилди?
5. Ўзбекистонда пул ислоҳоти неча босқичда амалга оширилди?
6. Рублни купонга алмаштириш қандай тартибда ўтказилган?
7. Сўм-купон қачон муомалага киритилган?
8. Ўзбекистон миллий валютаси “сўм” қачон ва қандай тартибда муомалага киритилган?
9. Ўзбекистон Республикаси пул тизимининг асосий элементлари нимадан иборат?
10. Ўзбекистон миллий валютасининг ички ва ташқи конвертациясига қандай эришиш мумкин?

VIII боб. Халқаро валюта муносабатлари

1-§. Халқаро иқтисодий алоқалар – валюта муносабатларининг асоси сифатида

Валюта муносабатларининг баъзи бир элементлари қадимий Римда векселлар асосида ва бир мамлакат савдогарининг пулини иккинчи бир мамлакат савдогарига алмаштириб бериш заминида вужудга келган. Валюта муносабатларининг ривожланишининг кейинги босқичи қадимий Лионда ва бошқа Ғарбий Европа мамлакатларида ўтказиладиган тратта операцияларининг ривожланиши ҳисобланади. Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, жаҳон бозорининг барпо бўлиши, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва жаҳон хўжалик тизимининг ривожланиши халқаро валюта муносабатлари ривожланишининг асосидир. Валюта муносабатлари халқаро иқтисодий муносабатларнинг бир бўлаги ҳисобланиб, унинг ҳолати миллий ва жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш даражасига, сиёсий аҳволга, мамлакатнинг иқтисодий потенциалига, унинг жаҳондаги ўрнига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

2-§. Валюта тизими ва унинг асосий элементлари

Валюта тизими давлатлараро битим ёки миллий қонунларга мувофиқ валюта муносабатларини ташкил қилиш ва бошқариш шаклларини ўз ичига олади. Валюта тизимининг қуйидаги турлари мавжуд. Булар – миллий, жаҳон ва халқаро (минтақавий) валюта тизимларидир.

Саноати ривожланган давлатлар иқтисодиётлари ўртасидаги интеграциянинг чуқурлашуви шароитида валюта тизими жаҳон хўжалик алоқаларида муҳим ва мустақил ўрин тута бошлаяпти. Валюта тизими мамлакатнинг иқтисодий ҳолатига бевосита таъсир этади (яъни ишлаб чиқариш омиллари, суръатларига, нархга, иш ҳақига ва бошқаларга).

Миллий, жаҳон ва халқаро (минтақавий) валюта тизимлари тушунчалари бир-биридан фарқланади.

Миллий валюта тизими – тарихан юзага келган бўлиб, алоҳида олинган давлатнинг валюта муносабатларини қонун асосида ташкил қилиш ва бошқариш муносабатларини ўз ичига олади. Миллий валюта тизимининг элементлари миллий валюта, валюта захиралари ҳажми ва таркиби, валюта паритети ва миллий валюта курси, валютани конвертирлаш шартлари, мамлакат валюта муносабатларини бошқа-

рувчи миллий маҳкамалар ва ташкилотлар мақоси, валюта ва олтин миллий бозорларининг фаолият юритиш шартлари, валюта назорати, валютавий чекланишлар бор-йўқлиги қоидаларини, халқаро кредит воситаларини миллий пул айланишида қўллаш қоидалари ва бошқалар ҳисобланади. Миллий валюта тизими мамлакат пул тизимининг асосий қисмини ташкил қилади.

Минтақавий валюта тизими элементлари тегишли шартнома шартлари асосида аниқланади.

Жаҳон валюта тизими қуйидаги элементларини, яъни халқаро тўлов воситаларининг маълум бир йиғиндиси, валюта курслари ва валюта паритети, конвертирлаш шартлари, халқаро ҳисоб-китоб шакллари, халқаро валюта ва олтин бозорлари режими, халқаро ва миллий банк ташкилотлари, халқаро кредит воситаларини муомалада қўллаш қоидаларини, валюта чекловларни давлатлараро бошқариш усуллари ва бошқаларни ўз ичига олади.

Халқаро ва минтақавий валюта тизимларининг асоси халқаро меҳнат тақсимоти, ташқи савдо ҳисобланади.

Жаҳон валюта тизими ўз ичига валюта инструментлари (воситалари)нинг амал қилишини таъминловчи халқаро кредит – молия муассасалари ва халқаро битим ҳамда давлат ҳуқуқий меъёрлари мажмуаларини ўз ичига олади.

Минтақавий валюта тизими ривожланган давлатларнинг жаҳон валюта тизими чегарасида ташкил этилади. Масалан, Европа валюта тизими – ЕВТ бир қатор Европа давлатларининг валюта соҳасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатлари шакли сифатида намоён бўлади ва фаолият кўрсатади.

Валюта механизми самарадорлиги, давлатнинг ва халқаро валюта-молия муассасаларининг валюта, пул ва олтин бозорларига аралашиш даражаси иқтисодий ўсиш, давлатнинг ташқи иқтисодий стратегиясига таъсир этади.

Валюта тизими аҳамиятининг ўсиши ривожланган мамлакатларнинг миллий ва маҳаллий доирада валюта соҳасида давлат монополистик бошқарувининг янги усули ва воситаларини излашга мажбур этмоқда.

Жаҳон валюта тизими (ЖВТ) ва унинг эволюцияси

Ривожланган давлатларнинг валюта тизими нафақат улар ўртасидаги пул ҳисоб-китоб муносабатларини, балки ички пул муомаласининг катта қисмини ҳам ўз ичига олади. ЖВТ олтин стандартга асосланган тизимдан аста-секин мақсадли бошқариладиган, қоғоз-кредит

пулларига асосланадиган тизимга айланди. Шу билан бирга, унинг ривожланиши (ўн йилликлар фарқи билан) миллий пул тизимининг ривожланиш босқичларини такрорлайди. Ички иқтисодиётда пул тизими олтин танга стандартидан олтин қуйма ва олтиндевиз, ундан кредит-қоғоз пул муомаласига ўтди ва охирги босқичда кўпроқ эътибор кредит воситаларига қаратиладиган бўлди.

Жаҳон миқёсида бу ҳолат кейинроқ махсус шаклларда намоён бўлди. Бунда олтин-танга стандарти мутлақо бўлмаган, олтин қуйма стандарти асрлар давомида мавжуд бўлган; олтин билан бир қаторда ёрдамчи кредит пуллари вексель, чек ва бошқа кўринишида ривожланган. Аммо XX аср бошига келиб, бу тизим халқаро иқтисодий муносабатларнинг янги шаклига жавоб бермай қолди. Бу даврнинг энг асосий белгиларидан бири капитални экспорт қилиш – ЖВТ нинг янги олтин стандарт шакллари билан қарама-қаршиликка учради. Бундан ташқари, олтин захиралари тез ривожланиб бораётган давлатлар хазинасида тўплана борди. Шунинг учун ҳам, давлатлар ўртасида янги бошқариладиган валюта тизими зарур эди. 30-йилларининг иккинчи ярмида олтин стандарт шакллари ўрнига қоғоз-кредит пул муомаласи келди. У давлатга эмиссия механизмидан иқтисодиётни бошқариш воситаси сифатида фойдаланиш имконини берарди.

Жаҳон валюта тизими ривожланишининг муҳим босқичи Иккинчи Жаҳон урушидан кейин бошланди.

Иккинчи Жаҳон уруши олтин захираларининг янги тақсимотига олиб келди:

барча давлатларнинг деярли 4/5 олтин захиралари АҚШда тўпланди. Долларнинг ЖВТда етакчи ўриндалиги, олтиндевиз стандартининг олтин доллар шаклини олганлигидан далолат берарди.

Бу ҳолат расмий равишда 1944 йил июлда Бреттонвудсдаги (АҚШ) БМТ Конференциясида тасдиқланганди. Унда урушдан кейинги Жаҳон валюта тизимига асос солинди.

ЖВТининг ташкилий ва фаолият тамойиллари қуйидагилар қилиб белгиланди:

– олтин ЖВТининг асоси сифатида тан олинди;

– доллар ва фунт-стерлингга халқаро ҳисоб-китобларда ва чет эл валюта захираларида асосий ўрин берилди ва уларни олтин ўрнига тақдим этилиши мумкинлиги тасдиқланди;

– долларга нисбатан барча мамлакат валюталарининг қатъий паритети ўрнатилди, доллар орқали эса – олтиннинг ва чет эл валюталарининг бир-бирига нисбатан баҳоси аниқланадиган бўлди;

– валюта курсининг доллар паритетига нисбатан тебраниши = 1 % даражасида белгиланди;

– ЖВТ ни бошқариш мақсадида Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) ва Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки (ХРТБ) ташкил этилди;

– валюта чеклови тизими бекор қилиниб, миллий валюта конвертацияси тикланди.

Бу шаклда тузилган, II Жаҳон урушидан кейинги ЖВТ халқаро валюта-молия муносабатларидаги тартибсизликни йўқотишга имкон берди.

Аммо Бреттонвудс тизимининг қарама-қаршилиги – тартибсиз бозор (олтинстандарт) ва бошқариладиган доллар тизими бўйича иш юритиш қуйидагиларга олиб келди:

– ўзгармас олтин нархи ва нархи ўсувчи товар ва хизматлар орасида фарқ юзага келишига;

АҚШдан кўп миқдордаги капиталнинг бошқа давлатларга оқиб кетишига (1957-1971 йилларда 54,2 млрд. доллар миқдорида тўғри инвестициялар тарзида АҚШдан бошқа давлатларга оқиб ўтган);

– чет эллардаги катта ҳарбий харажатларга;

– АҚШнинг тўлов баланси тақчил бўлишига (унинг миқдори 1953-1972 йилларда – 69 млрд. долларни ташкил қилган);

– долларнинг реал курси ва унинг олтин паритети орасида узулишнинг бўлишига ва бошқалар.

Бундан ташқари, 60-йилларнинг иккинчи ярмида Ғарбий Европа ва Япония АҚШдан ўз олтин захиралари ва экспорт ҳажми бўйича икки баравар ошиб кетди. Натижада, ҳатто олтиндевиз стандарти таянадиган умумиқтисодий асос ўз умрини тугатди. Олтиндоллар стандартининг бузилиши валюта бозорларида долларнинг «тушиши» ва «валюта иситмаси» деган иборалар тарзида ўз аксини топди.

Шунинг учун 1970 йилда ХВФ чегарасида махсус ҳисоб ва тўлов бирлиги (СДР) киритилди ва у аъзо - давлатларнинг валюта захираларини тўлдириш учун мўлжалланганди. СДР жаҳон пулининг бир қатор функцияларини бажарадиган бўлди. У ХВФ аъзоларининг квоталарига пропорционал тарзда тақсимланади, шунинг учун унинг асосий қисми (2/3 дан 3/4 гача) ривожланган давлатларга, 1/4 қисми ривожланаётганларига тўғри келади. СДР нинг бошланғич курси АҚШ долларининг расмий олтин миқдорига тенглаштирилган.

Кейинчалик унинг қобилияти 16 валюта савати бўйича, ҳозирда эса 5 асосий миллий валюталар бўйича аниқланади. СДР ЖВТнинг асосий захира воситасига айланмокда.

Бу шароитда АҚШ икки марта доллар девальвациясини ўтказди (1971 ва 1973 йилларда). Натижада олтиннинг расмий курси троя унцияси 42,22 долларгача қилиб белгилаб берилди. Бу даврда кўпчилик ривожланган давлатлар ўз валюта курсини маълум даражада ушлаб туриш (долларга нисбатан) мажбуриятларидан воз кечибди. 1973 йилдан олтин - махсус олтин ва товар биржаларидаги нарх асосида сотиладиган ва сотиб олинадиган бўлди. Олтин нархи ЖВТга бевосита таъсир ўтказмайдиган бўлди.

Бу шароитда халқаро валюта муносабатларини қайта ташкил қилиш муаммоси вужудга келди. 1976 йил январда ХВФнинг Вақтли Қўмитаси ХВФ Низомига бир қатор ўзгаришларни киритди. Бу ўзгаришлар ХВТи фаолиятини расмий равишда қайта тақсимлашни билдирарди (Ямайка келишуви, 1976-1978 йй.). Валюта муносабатлари механизмидаги ўзгаришлар 1978 йил 1 апрелдан кучга кирди ва у қуйидагилардан таркиб топганди:

– олтиннинг расмий нархи бекор қилинди (ХВФнинг мавжуд олтин захираси 33 фоизининг 1/6 қисмини очиқ аукционларда сотиб ва яна 1/6 қисмини аъзо давлатларга тарқатиш йўли билан ҳисобдан чиқаришганди);

СДР ЖВТнинг асосий захира активига расмий равишда айлантирилди.

Валюта курсларининг «сузувчи» тизими қонунлаштирилди. Аъзо давлатлар ўз валюта паритетини СДР ёки бошқа чет эл валютасида ифодалай олиши мумкин эди (аммо олтинда эмас).

Халқаро валюта бошқариш соҳаси кенгайтирилди. Бунинг учун ХВФ қошида иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш бўйича аъзодавлатлар вазирлари даражасида қўмита ташкил этилди.

Ташкил топган валюта тизими кўп жиҳатдан XX асрнинг 70-йилларидаги жаҳон хўжалигининг ўзгарган шароитларига жавоб берарди.

Минтақавий валюта тизими (МВТ)

Ғарбий Европа валюта интеграциясининг чуқурлашуви Европа валюта тизимининг (ЕВТ) вужудга келишига олиб келди. Бу валюта тизими минтақавий валюта тизими (МВТ) бўлиб, у ЖВТининг элементларидан биридир.

ЕВТ 1979 йили ташкил этилди. Бу МВТнинг асосий белгиси ЭКЮ механизмидир. ЭКЮ - махсус Европа ҳисоб бирлиги бўлиб, ГФР (1/3 қисми) маркаси бошчилигидаги Ғарбий Европанинг 10 мамлакати валютасининг «савати»га асослангандир. СДРдан фарқли равишда ЭКЮ банк ва фирмаларнинг хусусий операцияларида қўлланилади. Миллий валюталар квотаси - ЭКЮнинг ташкил этувчилари - мамлакатнинг иқтисодий потенциали билан аниқланади ва ҳар 5 йилида қайта кўриб чиқилади. «Савat»ни қайта кўриб чиқишда ҳамма актив ва пассивлар янги курс бўйича қайта баҳоланади. Охирги марта ЭКЮ 1989 йилда белгиланган бўлиб, валюталар улуши (% ларда):

ГФР маркаси – 30,1
Франция франки – 19,0
Голланд гульдени – 9,4
Бельгия франки – 7,6
Испания песетаси – 5,3
ва бошқалар – 5,45 ни ташкил қилган.

ЕИ чегарасида ягона пул бирлигига ўтилиши ЭКЮни асосий валютага айлантиради.

Ямайка валюта тизимидан фарқли равишда, ЕВТ олтиндан ЭКЮнинг таъминоти сифатида кисман фойдаланади ва аъзо мамлакатларнинг расмий олтиндоллар захираларининг 20 фоизини бирлаштиради.

Валюта курслари режими валюталарнинг белгиланган чегарада сузишига асосланган (асосий курсдан = 2,25 %, Италияда беқарорлик туфайли 6 %).

ЕВТ мамлакатлараро минтақавий валюта бошқаришини Европа валюта ҳамкорлиги фонди (ЕВХФ) орқали амалга оширади. У Марказий банкларга қисқа ва ўрта муддатли кредитларни валюта интервенцияси билан боғлиқ тўлов баланси тақчиллигини қоплаш учун беради.

Валюта соҳасида ягона пул асоси - жаҳон пули мавжуд эмас.

Эркин конвертация қилиш ва капитал оқиб ўтиши шароитида мамлакатларда ички пул муомаласи ва халқаро тўлов айланмаси ўртасидаги чегаралар йўқолмоқда:

Миллий ва халқаро пул-кредит бозорининг биргалашиши тенденцияси миллий пул-кредит бозорларининг ўзига хослиги, ихтисослигини сақлаган ҳолда ривожланмоқда.

Ҳатто АҚШ, ГФР, Англия, Швейцария ва бошқа бозорларда операцияларни эркинлаштирган давлатларда ҳам халқаро ва миллий

капитал бозорлари фарқ қилмоқда. Масалан, АҚШнинг евродоллар ва миллий капитал бозорларини олайлик. АҚШда сотувга қўйилган резидент ва резидент бўлмаганларнинг облигациялари рўйхатдан ўтиши лозим. Бундай ҳолат халқаро бозорда мавжуд эмас.

Бундан ташқари, халқаро бозорда чиқарилганига бир ой бўлмаган қимматли қоғозлар АҚШнинг инвесторларга тақдим этилиши мумкин эмас. Бошқа кўпчилик давлатларда бундай ҳолатлар эркинроқ намоён бўлади (Франция, Бельгия, Италия, Япония ва бошқалар).

Валюта соҳасининг халқаро айирбошлаш муносабатларидаги мавқеининг ошиш тенденцияси ЖВТ ривожининг ҳамма босқичларида (олтин стандартдан бошлаб) кузатилади. Миллий хўжалик жаҳон хўжалик алоқаларига қанчалик кўп жалб этилган бўлса, маҳаллий қўмиталар иқтисодиётни ташқи номақбул таъсирлардан ҳоли этишга ҳаракат қилади. Бу зиддият ҳар бир давлатнинг олтин стандартдан бошлаб, то ҳозирги кунгача бўлган эволюциясини белгилаб берди. Масалан, олтин стандарт давридаги олтиннинг тартибсиз оқими (давлатлар ўртасида) охир-оқибатда уларнинг ишлаб чиқарувчи кучларига салбий таъсир этди. 1929-1933 йилги иқтисодий кризис валюта механизмининг олтин стандарт давридаги ҳолатига путур етказди: эркин валюта алмашинуви қаттиқ валюта чекловлари билан алмашди, валюта блоклари ва зоналари ташкил топди, байналмилаллашув жараёни тўхтатилди. Бреттонвудсда тузилган халқаро ҳисоб-китоблар модели валюта механизмини тиклашга қаратилган қадам бўлди. У аниқ белгиланган тамойиллар асосида иш юритар, унинг устидан назоратни ХВФ ўз бўйнига олганди.

Бреттон-Вудс валюта механизми XX асрнинг 70-йиллари бошларигача фаолият юритди, у миллий манфаатларни халқаро мажбуриятлар билан бирлаштирди: давлатларнинг нисбий мустақиллиги (ички иқтисодий сиёсатни ўтказиш соҳасида) халқаро кредит тизими иштироки билан таъминланарди. У ўз ичига ХВФ кредити, заёмлар тўғрисида бош келишув (1961 йил), Марказий банклар ўртасидаги своп кредитлари ва бошқаларни олар эди.

Ўтган асрнинг 70-йиллари бошида ривожланган давлатлар иқтисодиёти шундай чегарага яқинлашдики, бунда кейинги иқтисодий ўсиш бутун базасини янгилаш, валюта таъминотининг самарадорлигини оширишни талаб этарди. Шунинг учун 1971-1973 йиллардаги «сузувчи» валюта курсларининг киритилиши ЖВТнинг эволюциясининг қонуний босқичи эди. Ҳозирги сузувчи валюта курслари тизими асосида халқаро ҳисоб-китоб тизимида чуқур таркибий ўзгариш-

лар бўлишига олиб келади. Улар нафақат молиявий опера-циялар ҳажмининг ўсишида (улар савдо операциялари билан 10:1 нисбатни ташкил этишди), балки молиявий оқимлар ҳаракатининг давлат бюджети, солиқ ва кредит сиёсатидаги фарқларда ўз аксини топади. Ва шу муносабат билан мамлакатлар ўз миллий валютаси курсини мустақил белгилаш имконини олдилар.

Шундай қилиб, ҳозирги валюта тизимида, халқаро ва байнаминаллик ўртасидаги нисбат миллий омиллар томонига хал бўлди.

XX асрнинг 80-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб, ЕВТни валюта ҳамжамиятига айлантириш йўллари тўғрисидаги баҳс фаоллашди. Бу «Чегарасиз Европа» ёки «Европа-92» деб ном олган жараён билан боғлиқ эди. Масала ягона ЕТ валюта сиёсатига аста-секинлик билан ўтиш устида борарди. Валюта интеграцияси истиқболлари муҳокама қилинганда асосий эътибор Европа Марказий банки, ҳамжамиятнинг ягона валютаси ва валюта ҳамжамиятига ҳаракат йўлларига қаратилганди.

Биринчи масала бўйича кўпчилик Европа Марказий банки аҳамияти АҚШ Федерал захира тизими моделидек тузиш керак, деган хулосага келди. Бунда худдудий захира банклари анча мустақил бўлиш, Марказий бошқариш маҳкамаси эса уларнинг фаолиятини тартибга солади, бошқаради. Янги Марказий банк учун ном ҳам берилди–«Еврофед».

ЕТнинг янги Марказий банки масаласи билан биргаликда ягона валютани ташкил қилиш муаммоси ҳам бор. ЭКЮнинг ролини ошириш учун энг асосий қадамлардан бири «расмий» ва «хусусий» ЭКЮ орасидаги фарқни йўқотиш, ЕВТ марказий курсларнинг узоқ муддатли барқарорлигини таъминлашдир. Кўрсатилган чора-тадбирлар ягона валюта сиёсатига эга. ЕТ Валюта иттифоқининг тузилишини билдирар эди. Бу ният 1991 йил Маастрихтда (Голландия) ги ЕТ аъзоларининг иқтисодий ва Молия вазирликлари йиғилишида тасдиқланиб, Валюта иқтисодий ҳамжамиятини (ВИХ) тузишнинг уч босқичли режаси тузилди.

Ривожланган мамлакатлар валюта сиёсати ягона ва ўзаро боғлиқ дунёда амал қилади. Шунинг учун учинчи давлатлар омили унга қандай даражада таъсир этишини аниқлаш лозим. Сўз асосан ривожланаётган давлатлар тўғрисида бормоқда. Кўпчилик Шарқий Европа ва МДҲ давлатлари ўзида Ғарбнинг валюта сиёсати таъсирини сезмоқда. Ҳали халқаро валюта муносабатларида иштирок этишнинг

муқобил шаклларини қўллаш йўлларини излаш лозим. Бунда эса ривожланаётган мамлакатлар малакаси қўл келади.

Ривожланаётган давлатларга ғарб валюта сиёсати таъсири ҳақида сўз борганда, шу давлатлар расмий инвалюта захираларининг 95 % олти давлат валютасига тўғри келади:

АҚШ доллари (67,5 %), ГФР маркаси, япон иенаси, фунт стерлинг, Швейцария ва Франция франки. 90 %га яқин ривожланаётган мамлакатлар ўз пул бирлигининг АҚШ доллари, Франция франки, СДРга нисбатан ўзгармас курсини ушлаб турибди. Ғарб давлатлари фоиз ставкасининг халқаро ва миллий капитал бозоридаги даражаси ривожланаётган давлатларнинг ташқи қарзлари бўйича тўловларига таъсир этади. Юқоридаги мисоллардан маълум бўлдики, ривожланаётган давлатлар ривожланган давлатларнинг миллий валюта кўрсаткичларининг барқарорлашувидан манфаатдор. Бунда асосий конвертирланадиган валюталарнинг миллий валютани сиқиб чиқариш жараёни кузатилади. Бунда ривожланган давлатлар валюта сиёсатининг ривожланаётган давлатлар валюта сиёсатига кириб бориши кузатилади. Бу жараён албатта, резидентларга чет эл валютасида шартномалар тузиш рухсат этилган давлатлардагина амалга ошади.

Бу валюта ўрин алмашинувининг энг салбий оқибатларидан миллий бюджет, пул ва курс сиёсатининг таъсирчанлигининг камайишидир.

Аммо бу дегани, ривожланаётган давлатлар ривожланган давлатларнинг пассив объекти, дегани эмас.

3-§. Валюта курси ва унга таъсир қилувчи омиллар, валюта курсларининг турлари

Валюта курсининг келиб чиқиши мамлакатлар иқтисодий фаолиятининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми бўлган халқаро савдони ривожлантириш билан боғлиқ. Валюта курси халқаро савдони ривожланишига таъсир кўрсатиш билан ички иқтисодиётга ҳам таъсир кўрсатади. Бунга сабаб валюта курси ҳолати билан мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларининг ҳолати ўртасидаги ўзаро боғлиқликдир.

Валюта курси, асосан, капитал ва кредит ҳаракатида, товар ва хизматлар савдосида валюталарни ўзаро айирбошлаш каби жараёнларни амалга оширади. Масалан, экспорт қилувчи чет эл валютасидан олган тушумини ўз миллий валютасига айлантиради, чунки бошқа давлатнинг валютаси унинг ўз давлатида қонуний равишда

харид қилиш ва тўлаш воситаси сифатида амал қила олмайди. Импорт қилувчи четдан сотиб олган товарларни тўловни амалга ошириш учун миллий валютада олган тушумини чет валютасига алмаш-тиради. Жаҳон бозори ва миллий бозор нархларини ҳамда турли мамлакатларнинг миллий ва чел эл валютасида ифодаланган қиймат кўрсаткичларини таққослайди.

Шунингдек, фирма ва банкларнинг чет эл валютасида мавжуд бўлган даврий қайта баҳолаш ва бошқа жараёнлар учун. Валюта курси – бу бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакатлар пул бирликларида ёки халқаро пул бирликларида (СДР, ЭКЮ) ифодаланган баҳосидир. Ташқи жиҳатдан валюта курси жаҳон бозоридаги талаб ва таклиф асосида аниқланган бир валютани бошқа бир валютага нисбатан ҳисоблаб чиқилган коэффициенти сифатида намоён бўлади. Аммо валюта курсининг қиймат асоси валютани харид қилиш қобилияти ҳисобланади. Бу иқтисодий тушунча товар ишлаб чиқаришда иштирок этади ва товар ишлаб чиқарувчилар билан жаҳон бозори ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатларини ифодалайди. Қиймат товар ишлаб чиқариш иқтисодий шароитларининг барча жиҳатларини ифодалайди. Бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигига таққосланиши ишлаб чиқариш ва айирбошлаш жараёнида юзага келадиган қиймат муносабатларига асосланади. Ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар валюта курси ёрдамида товар ва хизматларнинг миллий нархларини бошқа давлатлар нархлари билан солиштиради. Бундай солиштириш натижасида ишлаб чиқаришни мамлакат ичкарисида ривожлантириш ёки чет элга инвестиция қилишни ривожлантиришга асосланган фойдалилик даражаси юзага келади.

Валюта курси бошқа иқтисодий тушунчалар билан узвий боғлиқдир. Валюта курсининг ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир этади. Бу омиллар иқтисодий, сиёсий, структура, ҳуқуқий ёки психологик характерга эга бўлиб, валюта курсига тўғри ёки тескари таъсир кўрсатади. Валюта курсига таъсир этувчи омилларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Валюта курсининг динамикасини бевосита аниқловчи ёки халқаро иқтисодий айирбошлаш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган омиллар:

– халқаро айирбошлашда қатнашувчи мамлакатларнинг ялпи миллий маҳсулотининг (ЯММ) тўлов баланси;

– пулнинг ички ва ташқи таклифи;

– фоиз ставкалари.

Бу кўрсатилган омилларни сабаб (уюшган) сифатида кўрсатиш мумкин.

2. (Уюшган) сабаб-омилларнинг ўзгаришига таъсир этувчи ва валюта курсини ўрнатиш механизмида бошқарувчи сифатида таъсир этувчи омиллар.

3. Иқтисодий тизимни динамик тизим тенглигидан чиқиб кетиши натижасида юзага келадиган омиллар:

– иқтисодий тангликнинг намоён бўлиши;

– давлат бюджети тақчиллиги

– назоратсиз эмиссия;

– инфляция;

– ички ва ташқи баҳолар ўртасидаги фарқ.

– монопол ишлаб чиқариш;

– пулларнинг хорижий валюта функциясини бажариши.

а) Тўлиқ ҳажмда тўлов воситаси;

б) жамғариш воситаси;

в) Капиталнинг четга оқиб кетиши;

– инвестицияни қисқартириш;

– ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши.

– ресурслар айланмасида қатнашмаслик;

– истеъмолчилар фойдаларининг пасайиши;

– валюта биржасидаги ўйин;

– товарларнинг «ювилиши»;

– демпинг баҳоларидан фойдаланиш орқали айрим фирма-ларнинг олиб бораётган ташқи савдо фаолияти.

4. Сиёсий омиллар;

– мамлакат пул тизимига бевосита ўзгариш киритувчи сиёсий қарорлар;

– бошқарув тузилмасининг барқарорлик даражаси;

– иқтисодий тизимни бошқаришда ишончлилик даражаси;

– иқтисодий ва сиёсий структура вакилларини бир-бирини тушуна олиш даражаси;

– қонунларни бажарилиш даражаси;

– иқтисодиётда давлат улушининг миқдори;

– мамлакатдаги сиёсий кучлар ўртасидаги келишмовчиликлар дара-жаси;

– иқтисодиётни кўтариш бўйича аниқ ишланган дастурнинг йўқлиги;

– аҳолининг бошқарув структурасига ишончлилик даражаси;

– хусусий капиталнинг ҳимояланганлик даражаси.

Қонуний меъёрларга ва амалиётга мос ҳолда биржада чет эл валютасининг курсини, қимматли қоғозлар курсини ёхуд товарлар баҳосининг ўрнатилиши, қисқача қилиб айтганда, валюта курсини ўрнатиш котировкалаш деб аталади. Жаҳон амалиётида котировкалашнинг 2 хил усули мавжуд;

- Тўғри котировка. Агар хорижий валюта бирлигининг баҳоси миллий валютада кўрсатилса, яъни миллий валютада хорижий валютанинг бир бирлигига тўғри келадиган миқдорда кўрсатилса, тўғри котировка деб аталади. Масалан, 2006 йилнинг 30 сентябрида 1 АҚШ долларига нисбатан ўзбек сўмининг курси 1250.00 сўмни, 1 Россия рублига нисбатан 47.00 сўмни ташкил этди. Бундай котировка ҳозирги вақтда жаҳондаги кўпчилик мамлакатларда қўлланилиб келинмоқда.
- Эгри (тескари) котировка. Бунда бир бирлик миллий валютанинг хорижий валюталардаги миқдори ўрнатилади, яъни бир бирлик миллий валютанинг хорижий валютадаги баҳоси кўрсатилади, масалан;

$$1 \text{ сўм} = \frac{1}{1250.00} \text{ АҚШ доллари ёки 1 АҚШ доллари } 1250.00 \text{ сўм}$$

$$1 \text{ сўм} = \frac{1}{47.00} \text{ Россия рубли ёки 1 Россия рубли} = 47.00 \text{ сўм}$$

Буюк Британияда фунт стерлинг, Австралия доллари ва ЭКЮнинг курси тескари котировкалаш ёрдамида ўрнатилади. Агарда икки валюта ўртасидаги нисбат қандайдир учинчи валютага нисбатан олинган курсларида аниқланса, бундай нисбатни «кросс-курс» деб аталади.

Масалан: 1 АҚШ доллари = 30.00 Россия рубли

1 АҚШ доллари = 5.00 Украина гривна

1 Украина гривнаси = 6.00 Россия рубли

Кўриниб турибдики, (кросс-курс) юқорида келтирилган нисбат Украина гривнасининг Россия рублига нисбатан аниқланган кросс-курсидир. Ушбу мисолда АҚШ доллари учинчи валюта сифатида гавдаланади. Жаҳон амалиётида асосан учинчи валюта сифатида АҚШ

доллари қўлланилади, яъни барча валюталар жаҳон айирбошлашида айнан шу валютага нисбатан котировка қилинади.

Кросс-курсдан фойдаланиш анча оғир ва таваккалдир. Аммо уларни қўллаш қуйидаги 2 ҳолатда зарур ва фойдалидир;

– сизнинг талабингиздаги валютага эга бўлган сотувчиларда сизнинг валютангизга талаб мавжуд эмас. (Масалан, сўмни Япония иенасига алмаштириш керак. Бу ерда учинчи валюта АҚШ доллари бўлсин. Япония иенаси сотаётганлар ичида сизнинг валютангизни сотиб олишни хоҳлайдиганлар йўқ).

Олди-сотди битимларини амалга оширишда валюта бозорида қуйидаги валюта курсларининг кўринишларидан фойдаланилади;

«Спот-курс» бу нақд (касса) битимларнинг курсидир. Спот-курс бу бир мамлакат пул бирлигининг шартнома тузилган вақтда ўрнатилган баҳо бўйича бошқа мамлакатлар пул бирликларида ифодаланган баҳосидир. Бунда валютани валюта битими тузилган кундан бошлаб 2 иш кунида алмаштириб бериш шарт ҳисобланади. «Форвард» курс–бу муддатли валюта битимларининг курсидир.

Форвард курси валютани келажакда аниқ бир кунга етказиб бериш шарти билан сотилиш ва харид қилиш баҳосини ўзида ифода этади.

Форвард битимлари, одатда, валюта курсларининг ўзгариши натижасида юзага келадиган хавф-хатарларни бартараф қилиш мақсадида ишлатилади. Битим тузилаётган пайтда форвард курсда аниқланади ва ана шу курс бўйича валюта сотилади ёки сотиб олинади. Агар шартнома муддати тугаган кунда курс шартнома курсидан фарқ қилса, унда бир томон фойда кўради иккинчи томон эса зарар кўради. Масалан, сиз 2003 йил 1 январда 1$=965 сўм курсида сотиб олиш битимини туздингиз. Аммо 2003 йил 1-июнь куни 1$=970 сўмни ташкил этди, натижада сиз ҳар бир долларга 5 сўм миқдорида қўшимча фойда кўрдингиз.

Агар 1-июнь куни 1$=963 сўмни ташкил этса, унда ҳар бир долардан 2 сўмдан зарар кўрасиз.

Муддатли битимлар бўйича валюта курслари (репорт) устама ёки дастхат методи бўйича котировка қилинади ва «аутрайт» курслари, деб аталади.

Форвард курс + Спот курс + Устама Форвард курс + Спот курс-Дисконт.

Мисол.

Битим суммаси - 1 млн

Битим муддати - 90 кун

Битим валютасидаги кредитнинг % ставкаси (УСД) - 3,5 % Баҳоловчи валютадаги депозитларга тўланадиган % ставкаси (ДЕМ) - 5,5 % Спот курс 1 = 1,5210-1,5220 ДЕМ

$$\text{Уст/Диск} = \frac{\text{СК} \times \text{ФСФ} \times \text{БМ}}{(360 \times 100) = (\text{БВФС} \times \text{БМ})} = \frac{1{,}5210 \times (5{,}5-3{,}5) \times 90}{(360 \times 100) + (3{,}5 \times 90)} = \frac{273{,}78}{36315} = 0{,}0075$$

Форвард курс = 1,5210 = 0,0075 = 1,5285 (устама).

Устама ёки дисконт эканлиги фоиз ставкалари ўртасидаги фарқдан билиш мумкин. Агар валюта битими бўйича фоиз ставкаси баҳоловчи валютанинг фоиз ставкасидан паст бўлса, бу валюта юқори курсда котировка қилинади ва чиққан кўрсаткич устама сифатида сотилади. Агар валюта битимининг фоиз ставкаси юқори бўлса, бу кўрсаткич дисконт бўлади. Агар миллий валютадаги депозитларнинг % ставкаси битим валютасидаги кредитларнинг фоиз ставкасидан юқори бўлса, олинган натижа дисконт ҳисобланади аксинча бўлса устама ҳисобланади.

Банклар валюта операцияларини амалга оширишда валютани сотиш ва сотиб олиш курсини ўрнатади. Бу курслар сотувчининг ва харидорнинг курси деб аталади.

Сотувчи курси – банкнинг валютани сотиш курси.

Харидор курси – банкнинг валютани сотиб олиш курси.

Бу курслар ўртасидаги фарқ маржа деб аталади ва у хизмат харажатларини қоплашга ва маълум даражада фойда олишга сарфланади.

Валютанинг энг муҳим характеристикаси унинг конвертирланганлигидир.

Конвертирланганлик даражасига кўра валюта курси 3 га бўлинади.

– эркин «сузиб» юрувчи;

– чекланган даражада «сузиб»юрувчи;

– қайд этилган валюта курслари.

Валюта курси товар баҳоси каби шу гуруҳларга бўлинади.

Эркин «сузиб» юрувчи валюта курси маълум валютага бўлган бозор талаби ва таклифи таъсирида ўзгариб туриши мумкин. Масалан, АҚШ

доллари, Япония иенаси, Англия фунт стерлинги. Шу боис, бу валюталар жаҳон валюта айирбошлашида кенг иштирок этади.

Чекланган даражада «сузиб» юрувчи валюта курсларининг ўзгариши айрим валюталар ёки бир гуруҳ валюталар (валюта савати) курси ўзгаришига боғлиқ. Мисол учун «Учинчи дунё»нинг кўпчилик мамлакатлари ўз валюталарини АҚШ долларига, Европа мамлакатларининг ЕУРО га ва бошқа хорижий валюталарга боғлайдилар. Собиқ социалистик мамлакатлар валюта курсларини валюта саватига нисбатан ҳисоблайдилар. ЭКЮ ҳам худди шундай тартибда ҳисобланади. Чекланган даражада “сузиб” юрувчи валюта курслари киритилган мамлакатлар ўз валюталарининг тебраниш чегарасини ўзлари ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар билан келишиб оладилар.

Қайд этилган валюта курси – бу хорижий валютада ифодаланган миллий пул бирлигининг давлат томонидан расмий ўрнатилган баҳоси бўлиб, унга валюта бозорларидаги талаб ва таклифнинг ўзгариши таъсир қилмайди. Ҳозирги вақтда қайд этилган валюта курси кам ривожланган мамлакатларда ёки иқтисодий ташқи бозорга етарли даражада кириб бормаган мамлакатларда уларнинг молия тизимини ва миллий ишлаб чиқаришини кучли хорижий рақобатчиларидан ҳимоя қилиш ва қувватлаш мақсадида қўлланилади.

Реал самарали айирбошлаш курси динамикасида пасайиш содир бўлади. Агар 2000-2002 йилларда реал самарали айирбошлаш курси динамикасида кескин пасайиш содир бўлган бўлса, 2003 йилдан бошлаб курс анча барқарорлашди. 2003 йил давомида реал самарали айирбошлаш курси 12,1%га пасайган ва 2004 йилнинг дастлабки ярим йилида 6,6%га пасайди. Миллий валюта реал алмашинув курсини барқарор-лашуви Ў.Р. МБнинг қаттиқ монетар сиёсати натижасидир.

5-жадвал

Реал самарали айирбошлаш курси(1994 йил декабрь = 100%)



Манба: Ўз.Р. Марказий банки, International Financial Statistics (IFS), IMF;

Барча мамлакатлар маълум муддатда ўз валюталари курслари тўғрисидаги ахборотни эълон қилиб борадилар. Масалан, Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси иш якунлари матбуотда, телевидениеда эълон қилиб борилади. Бунда номинал валюта курси белгиланади. Лекин кучайиб бораётган инфляция жаҳон бозорида миллий маҳсулотга бўлган талабни, уни рақобатбардошлигини аниқлашда миллий ва хорижий товарлар баҳолари ўртасидаги нисбатини ҳам билиш керак бўлади. Яъни миллий валютанинг реал алмаштириш курсини ҳисоблаб чиқиш керак. Реал валюта курсини ҳисоблашни Ўзбекистон ва Россияда ишлаб чиқариладиган газлама мисолида кўрсатиш мумкин. Масалан, 1м газламанинг баҳоси республикамизда 1000 сўм, Россияда 35 рубл. Валюталарнинг амалдаги нисбати 1 Россия рубли = 35 сўм ёки 1сўм = 0,032 Россия рубли бўлганда, 1 м ўзбек газламасининг баҳоси Россия рублида 0,032*1000=32 рубль туради. Бундай ҳолда Ўзбекистон ва Россияда ишлаб чиқарилган 1 м газлама баҳолари нисбати тенг

$$\frac{0{,}032 \times 1000}{35} = \frac{32}{35} = 0{,}9$$

бўлади. Демак, ушбу нисбат ўзбек газламасининг баҳоси Россия газламаси баҳосидан 0,9 ва ундан арзон эканлигини кўрсатади. Шундай қилиб, реал валютадаги баҳосига ва номинал алмаштириш курсига боғлиқ бўлиб, қуйидаги тенглик билан изоҳланади:

Реал курс = номинал курс Ўз мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар баҳоси хорижий товарлар баҳоси. Бу тенгликни умумий кўринишда шундай ёзиш мумкин: Реал валюта курсининг номинал валюта курси баҳолар даражаси нисбатлари паст валюта курсида миллий товарлар нисбатан арзонроқ, хорижий товарлар эса нисбатан қимматроқ туради. Шунинг учун экспорт ўсиб боради, импорт эса қисқариб боради, ва аксинча, юқори реал валюта курсида миллий товарлар нисбатан қимматроқ, хорижий товарлар эса нисбатан арзонроқ туради. Натижада импорт ўсиб, экспорт қисқариб боради.

Қуйидаги таянч сўзларни таърифланг

1. Чет эл валютаси.
2. Халқаро валюта тизими.
3. Жаҳон валюта тизими.
4. Валюта савати.
5. СДР.
6. ЭКЮ.
7. Евро.
8. Валюта таваккаличилиги.
9. Валюта чегаралари.
10. Валюта тенглиги.
11. Халқаро валюта бозори.
12. Захирадаги валюта.
13. Экспорт операцияси.
14. Импорт операцияси.

Мавзуга оид саволлар

1 Валюта тизимининг асосий элементлари.
2. Ямайка валюта тизимининг асоси нима?
3. Париж валюта тизимини асоси нима?
4. Евровалюта тизимининг ташкил топиши?
5. Халқаро валюта фондига изоҳ баринг.
6. Нима мақсадда Евро муомалага киритилди?
7. Халқаро валюта тизимининг элементлари.

IX боб. Халқаро ҳисоб-китоб операциялари

1-§. Халқаро ҳисоб-китобларни ташкил қилиш асослари

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари нафақат мамлакат ичкарисида, балки бошқа мамлакатлар билан ҳам турли хил операцияларни олиб борадилар. Тижорат банкларининг бошқа мамлакатлар билан олиб борувчи операциялари уларнинг халқаро операциялари деб юритилади. Тижорат банкларининг халқаро операциялари ўз ичига халқаро савдода иштирок килувчилар ўртасидаги муносабатларни, ссуда капитали бозорида инвестиция фаолиятини юритувчи, туризм, хорижий қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш, валютани айирбошлаши чек, вексель, инкассация учун банк акцептларини қабул қилиш билан шуғулланувчи мижозлар томонидан талаб қилинадиган хизматларни ўз ичига олади.

Халқаро операциялардан банкка тушадиган даромаднинг энг асосий қисмини кредит беришдан тушадиган даромадлар ташкил қилади. Халқаро савдони банк томонидан кредитлаш товар ва товар ҳужжатларини гаровга олиш асосида кредит бериш, вексель бўйича ва акцепт кредитларни, банк ссудаларини бериш шаклида амалга оширилади. Ташқи савдони кредитлашнинг янги шаклларига лизинг, факторинг ва форфетирлаш кабиларни киритиш мумкин. Ўрта ва узоқ муддатли халқаро банк кредитлари евро кредит шаклида ҳам берилади.

Банклар халқаро операцияларининг яна бир тури бу банкларнинг валюта операциялари ҳисобланади. Банкнинг бир валютани бошқа валютага алмаштириш билан боғлиқ халқаро операциялари валюта операциялари дейилади. Уларни амалга ошириш зарурияти мавжудлигининг асосий сабаби халқаро савдо, халқаро кредит ва хизматлар бўйича ҳисоблашишларда ягона тўлов воситасига эга бўлиш зарурлиги ҳисобланади.

Турли хил валюта операциялари йиғиндиси жаҳон ссуда капитали бозорининг асосий қисмларидан бири бўлган валюта бозорини ҳосил қилади. Валюта бозорида хорижий валютага талаб ва таклиф мужассамлаштирилади. Таклиф сотилган товар ва хизматлар учун даромад олган экспорт қилувчидан, талаб эса сотиб олинган товар ва хизматларни тўлаш учун хорижий валютага муҳтож импорт қилувчилардан келиб чиқади. Валюта операциялари асосини товарлар ва хизматлар, капитал ва кредитларнинг халқаро ҳаракати ташкил этади.

Валюта бозорида операцияларни алоҳида олинган банклар, компаниялар ва жисмоний шахслар амалга оширадилар. Биржа ичида ва ундан ташқаридаги валюта бозорлари бир-биридан фарқ қилади. Валюта операцияларининг кўпчилиги биржадан ташқаридаги бозорларда тижорат банклари орқали амалга оширилади.

Банклар бир-бири билан (бевосита ёки брокерлар орқали), мижозлари билан валюта операцияларини халқаро банклараро валюта бозорида ва биржаларда олиб боради. Валюта шартномаларининг асосий қисми халқаро банклараро валюта бозорида тижорат банклари ўртасида имзоланади.

Валюта чекловлари йўқ ёки сезиларли бўлмаган давлатларда (АҚШ, Япония, ГФР, Буюк Британия, Гонконг, БАА ва бошқ) валюта муомалаларини ихтиёрий банк амалга ошириши мумкин. Миллий валюта конвертирланмаган давлатларда валюта операцияларини фақатгина давлат рухсат берган банклар амалга оширади.

Банкнинг валюта бозоридаги фаоллиги банкнинг йириклигига, унинг обрўсига, хорижий бўлимлари ва филиаллари тармоқларининг ривожланганлик даражасига, ЭҲМ билан таъминланганлигига, телефон ва телеграф алоқаларининг ривожланганлигига боғлиқ. Валюта операцияларининг асосий қисми йирик тижорат банкларига тўғри келади. Улар нафақат валютани сотади ва сотиб олади, халқаро ҳисоб-китобларни бажаради, балки хорижий валюта захираларини сақлайди ва валюта курсларини аниқлайди. Бошқа банклар уларга котировка юзасидан мурожаат қилади ва ўз мижозлари учун валютани сотиб олади.

Кўпчилик мамлакатларда (Япония, ГФР, Франция, Италия, Австралия, Нидерландия) яхши тараққий қилган махсус валюта биржалари мавжуд. XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб, фонд ва товар биржаларида валюта билан савдо қилиш тарқалган.

Банклар томонидан валюта операциялари банкнинг ўз ҳисобидан ёки мижозлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Валюта операциялари хорижий валютада ифодаланган нақдсиз тўлов воситалари: банк депозитлари, чеклар векселлар, ўтказмалар ҳисобига амалга оширилади. Нақд хорижий валютаси ҳисобига амалга ошириладиган операциялар ҳажми анча кичикдир.

2-§. Халқаро ҳисоб-китоб шакллари

Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб - китоб операцияларида турли ҳисоб шакллари қўлланилиши мумкин. Булар қаторига банк буйруғига асосан пул ўтказиш, банк чеки, банк вексели, аккредитив, инкассо шакллари ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўтказма – бу банкни ўз мижозининг талабига асосан, унинг маблағи ҳисобидан тўланиши зарур бўлган маблағни почта ёки телеграф йўли билан ўтказиб қўйиш тўғрисидаги бошқа мамлакатдаги банк-корреспондентга берган буйруғи ҳисобланади. Валютани олишнинг энг тез ва ишончли воситаси телеграф ўтказмасидир. Банк-корреспондентлар томонидан махсус коднинг қўлланиши валюта маблағлари бўйича зарар келтириш ва ўз мижозларига маблағларни ўтказишда банк томонидан хатоларга йўл қўйишдан сақлайди. Ўтказмада банк икки операцияни бир вақтнинг ўзида бажаради. Миллий валюта ҳисобига мижозига хорижий валютани сотади ва хорижий валютани чет элга ўтказиб беради.

Банк чеки – бу банкнинг хорижий банк-корреспондентга маълум миқдордаги пулни чек эгасига, унинг шу банкда мавжуд бўлган корреспондентлик варақасидан тўлаш тўғрисидаги ёзма буйруғидир.

Банк вексели - бу ўтказма вексель (тратта) бўлиб, банк томонидан хорижий банк корреспондентига тўлаш учун берилади.

Халқаро ҳисоб-китоб деганда биз талаблар ва мажбуриятлар бўйича тўловларни мувофиқлаштириш тизими тушунамиз. Халқаро ҳисоб-китоблар тижорат банк-корреспондентлари орқали ўтказма, чеклар, векселлар, ўзаро талаб ва мажбуриятларни тенглаштириб воз кечиш йўли билан нақд валютасиз амалга оширилади.

Халқаро ҳисоб-китоблар шаклларининг баъзилари ўтказилиш йўллари билан ички ҳисоб-китобларга ўхшаш бўлса-да, аммо уларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу хусусиятларни қуйидагича таърифлаш мумкин.

Биринчидан, одатда, улар ҳужжат тарзида, яъни молия (чек, вексель) ва тижорат (коносамент, накладной) ҳужжатлари ёрдамида амалга ошади.

Иккинчидан, халқаро ҳисоб-китоблар унификациялашган (бир шаклга келтирилган). Бундай ҳисоб-китобларни амалга оширишда аксарият мамлакатларнинг банклари, шу жумладан, МДҲ вексель ва чек конвенцияларига амал қилишади. Женевада 1930 ва 1931 йилларда кабул қилинган ва Париж халқаро савдо палатаси эълон қилган

«Ҳужжатли аккредитивлар бўйича унификациялашган қоида ва анъаналар» ва «Инкассо бўйича унификациялашган қоидалар»га мувофиқ халқаро миқёсда ҳисоб - китоб операциялари олиб борилади. Бу ҳужжатларга ташқи савдо алоқаларида банкка аккредитив тўғрисида буйруқ берилганда ва инкассо топшириқномалари берилганда мурожаат этиш лозим бўлади.

Ҳужжатли аккредитив ва ҳужжатли инкассо классик ва энг кенг тарқалган ҳужжатли ҳисоб-китоб шакли бўлиб ҳужжатли аккредитив ва ҳужжатли инкассо ҳисобланади.

Аккредитив бу банк (банк-эмитент) мажбурияти бўлиб, мол сотиб олувчи (импорт қилувчи) кўрсатмасига биноан мол сотувчи (экспорт қилувчи) варағига маблағни ўтказиш ёки траттани тегишли суммада (хизмат ёки товар) акцептлашни сотувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатга мувофиқ амалга оширишни ифодалайди. Аккредитив шаклидаги ҳисоб-китобларда бир қанча банклар иштирок этиши мумкин: аккредитивни очувчи банк-эмитент, сотувчига аккредитив очилгани тўғрисида хабар берувчи банк, аккредитивни тўловчи ёки траттани акцептловчи банк. Шу билан биргаликда банк эмитентда бошқа банклар ўрнида бир банкнинг ўзи ҳам иштирок этиши мумкин.

Аккредитив операциялари тўрт асосий босқични босиб ўтади.

Биринчи босқич. Импорт қилувчи товарнинг жўнатишга тайёрлиги тўғрисида хабар олгандан кейин ўз банкига (банк-эмитент) экспорт банкида маълум сумма ва муддатга аккредитив очиш топшириғини беради. Аккредитив очиш топшириғи билан бирга аккредитив берилиши учун талаб қилинадиган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилади.

Иккинчи босқич. Банк-эмитент тегишли банкда аккредитив очилади ва экспорт қилувчига бу ҳақда хабар қилинади, зарур бўлса аккредетив очилганлиги тасдиқланади.

Учинчи босқич. Товарни жўнатган экспорт қилувчи банкка талаб этилган ҳужжатларни тақдим этади ва товар учун тегишли тўловни олади (одатда у экспорт қилувчининг ҳисобварақасига ўтказилади).

Тўртинчи босқич. Экспорт қилувчи банки товар ҳужжатларини банк-эмитентга юборади, у, ўз навбатида, бу ҳужжатларни импорт қилувчига тақдим этади ва аккредитив суммасини қоплайди (импорт қилувчи бу суммани тўлаб беради).

Мажбурият турига кўра банк аккредитиви «чақириб олинадиган» ва «чақириб олинмайдиган» бўлади. «Чақириб олинадиган» аккредитив муддатдан илгари импорт қилувчи ёки банк-эмитент кўр-

сатмасига биноан бекор қилиши мумкин. Бундай аккредитив экспорт қилувчи манфаатларига жавоб бермайди ва амалиётда кам учрайди. «Чақирил-майдиган» аккредитив экспорт қилувчи рухсатисиз бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин эмас. У банк-эмитентнинг экспорт қилувчига тўловни амалга ошириш ёки траттани акцептлашнинг қатъий мажбуриятини ўз зиммасига олади. Экспорт қилувчи учун «чақирилмайдиган» аккредитив қўлланилиши жиҳатдан афзал ҳисобланади. Агар банк - эмитент аккредитивни очувчи банкка валюта қопламасини жўнатса, аккредитив таъминланган, акс ҳолда таъминланмаган дейилади.

Ҳужжатли инкассо операциясида экспорт қилувчи ўз банкига инкассо топшириқномасини беради ва ташқи савдо шартномасида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиш билан импорт қилувчидан маълум валюта миқдорини олиш лозимлигини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, экспорт қилувчи ўз банки орқали импорт қилувчи банкига инкассация учун ҳужжатларни жўнатади. Инкассация операцияси тўрт асосий босқичдан ўтади.

Биринчи босқич. Экспорт қилувчи ўз банкига инкассо топшириқномаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни беради.

Иккинчи босқич. Экспорт қилувчи банки импорт қилувчи мамлакатдаги банк-корреспондентга инкассо топшириқномаси ва ҳужжатларни юборади.

Учинчи босқич. Банк-корреспондент импорт қилувчига ҳужжатларни тақдим этади ва инкассо топшириқномасида кўрсатилган суммани олади ёки траттани акцептлайди.

Тўртинчи босқич. Олинган тўлов миқдори импорт қилувчи банкидан экспорт қилувчи банкига, ундан эса экспорт қилувчи счётига ўтказилади.

Валюта операцияларини валюталар ўртасидаги нисбатни аниқламасдан ва уларни алмашмасдан ўтказиш мумкин эмас. Бу нисбатлар валюта «котировка»лари ёрдамида ўрнатилади. **Валюта котировкаси** деганда алмаштириш учун тақдим этилган валюталар курсини ўрнатиш ва улар орасидаги нисбатни ўрнатиш тушунилади.

Валюта котировкаси расмий ва бозор котировкасига бўлинади. **Расмий валюта котировкасини** давлат амалга оширади (асосан Марказий банк). Расмий валюта курсидан давлат валюта операцияларида, божхона ишларида, тўлов балансини тузишда фойдаланилади.

Валюта курсини аниқлаш усуллари валюта тизимларининг хусусиятларига кўра турли мамлакатларда турличадир. Қаттиқ валюта чекланишлари мавжуд давлатларда валюта курси икки усулда ўрнатилиши мумкин. Биринчиси - соф бошқарув усули. Ҳукумат ёки Марказий банк талаб ва таклифдан қатъий назар миллий валюта курсини белгилайди. Бунда валюта курси бошқа валюта ёки бир қанча валюталар(валюта савати)га нисбатан белгиланади. Шу билан бирга, кўпчилик Марказий банклар турли операцияларда турлича валюта курсларини белгилашади.

Иккинчи усул Польша, Чехия, Словакия, Болгария, Руминия каби давлатларда кўпроқ қўлланилади. Бу усулда Марказий банк расмий валюта курсини биржа курси даражасида белгилайди ва биржа курсининг расмий валюта курсига нисбатан ўзгариш чегарасини белгилаб беради. Валюта курсининг шу ўзгариш чегарасини белгилаб бериш банк ишида валюта коридори деб ҳам юритилади. Амалиётда валюта биржа курсининг расмий курсга нисбатан ўзгариш хавфи кузатилса, Марказий банк валюта интервенциясини амалга оширади, яъни хорижий валютани сотади ёки сотиб олади.

Валюта чекловлари йўқ ёки сезилмас даражада бўлган давлатларда Марказий банк талаб ва таклиф (миллий валютанинг эркин сузиб юришида) ҳамда валюта интервенцияси (бошқарилувчи сузишда)дан келиб чиққан ҳолда валюта курсини белгилайди. Валюта биржалари фаолият кўрсатувчи давлатларда валюта курси қарийб ҳар куни биржа маклери ва Марказий банк томонидан валютани сотиш ва сотиб олишга берилган аризалар, Марказий банк интервенцияси сиёсати бўйича фаолиятини инобатга олган ҳолда ўрнатилади.

Бозор котировкаси талаб ва таклиф асосида нобиржавий валюта бозорида амалга оширилади.

Қаттиқ валюта чекловлари мавжуд мамлакатларда бозор котировкаси деярли мавжуд эмас. Ҳамма операциялар расмий курс бўйича амалга ошади. Валюта чекловлари қисман мавжуд (сезиларсиз) ёки йўқ мамлакатларда бозор курсини бир-бири билан доимий мулоқотда бўлган йирик тижорат банклари ўрнатади. Бу банкларни **маркет-мейкерлари** деб атайдилар. Бошқа банклар котировка юзасидан уларга мурожаат қилишади. Банклараро валюта котировкалари маркет - мейкерлар томонидан ҳар бир валюта бўйича мавжуд бўлган ёки кутилаётган талаб ва таклифни таққослаш (бу операция амалиётда фиксинг деб аталади) асосида белгиланади.

Валюта биржаси йўқ давлатларда валюта бозори қатнашчилари банкларарo курслардан фойдаланади. Банкларарo бозордаги ўртача курс банк мижозлари учун валюта курсини ўрнатишнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Валюта биржалари мавжуд давлатларда банкларарo котировкалар банкларнинг тўлов айланиши, тўловга лаёқатлилигини ҳисобга олган ҳолда, расмий биржа котировкалари атрофида ўзгариб туриши мумкин. Бундай банкларда расмий биржа котировкаси уларнинг мижозлари учун валюта курсларининг асоси бўлиб хизмат қилади. Эркин валюта бозорида унинг ҳар бир элементлари (биржадаги ва биржадан ташқаридаги) бир-бирига таъсир этади ва улардаги валюта котировкалари ўзаро боғлиқ бўлади.

Валюта бозорида валютани котировка қилишнинг икки усули мавжуд: тўғри ва эгри. Кўпчилик давлатларда тўғри курс қўлланилади. Бу усулнинг моҳияти шундаки, хорижий валюта бирлигининг курси тўғридан-тўғри миллий валютада ифодаланади. Эгри котировкада миллий валюта бирлиги маълум миқдордаги хорижий валютада ифодаланади. Бу усул (эгри катеровка) Буюк Британияда, 1987 йилдан эса қисман АҚШда қўлланилади. Банкларарo валюта бозорларида валюта курсининг котировкаси кўпроқ АҚШ долларига нисбатан белгиланади. Бу ҳол долларнинг халқаро тўловларда кўп қўлланилиши ва захира воситаси сифатида сақланиши билан боғлиқ. Савдо-саноат соҳасида фаолият олиб борувчи мижозлар учун валюта котировкалари амалга ошириш кросс-курсга асосланади.

Кросс-курсда икки валютанинг курсга асосланган нисбати учинчи валютага нисбатан аниқланади. Масалан, Ўзбекистон Марказий банки сўмнинг япон иенига нисбатан курсини аниқламоқчи дейлик. Бу ҳолда иенанинг сўмга нисбатан курси долларга асосланган ҳолда аниқланади. Айтайлик,

1250 сўм -------1 доллар

1 доллар -------115 япон иени десак,

у ҳолда кросс курсда 1 япон иен неча сўм туришини

1 япон иен ---------- 1250 сўм х 1 х 1 / 1 х 115 = 10,87 сўм, ёки 10 япон иени 100 сўм 87 тийинга тенг.

XX асрнинг 70-йиллари охирларидан бошлаб, Ғарбий Европада валюталарни сотиш ва сотиб олишда Америка долларидан кўра, Германия Федератив Республикасининг маркаси кўп қўлланила бошлади. Бу эса халқаро иқтисодий муносабатларда Германия маркасининг обрўсининг ошишига олиб келди.

Кўпгина валютаси конвертация қилинмайдиган, валютавий чекланишлар мавжуд бўлган давлатларда расмий валюта бозори билан бирга норасмий валюта бозори, яъни қора бозор ҳам мавжуд. Ҳамма банклар ҳам бозор(олдин айтиб ўтганимиздек маркет-мейкерда)да актив валюта котировкасини олиб бора олмаслиги мумкин. Бунинг учун банклар маълум миқдорда ўзларининг валюта захираларига эга бўлишлари лозим. Банклар валюта битимларининг салмоғи улар фаолиятининг салоҳиятига боғлиқ бўлади. Масалан, жаҳонда йирик банклардан саналмиш Дойче Банк, Барклайс Бэнк каби банкларнинг валюта битимларининг суммаси 6-10 млн. долларни ташкил қилса, баъзи бир кичик банклар валюта битимининг энг юқори ҳажми 3-5 млн. долларни ташкил қилиши мумкин. Маржа ҳажми турли омилларга боғлиқдир. Одатда, беқарор конъюктура даврида, валюта курсларидаги фарқдан зарар кўриши эҳтимоли юқори даврларда маржа ошади. Маржа миқдорига шартнома ҳажми ҳам таъсир этиб, у кичик бўлса, маржа юқори бўлади. Расмий ахборотномаларда иккала курс, улардан бири ёки ўртача курс кўрсатиши мумкин. **Ўртача курс** - сотувчи ва сотиб олувчи курсларининг ўрта арифметиги. **Сотувчи ўртача курси** – сотувчи ва ўртача курснинг ўрта арифметиги. **Харидор ўртача курси** – харидор ва ўртача курснинг ўрта арифметиги.

Халқаро тўлов айланмасида хорижий валюта нақд эмас, балки нақдсиз ҳолатда амал қилади. Табиийки, турли хил тўлов воситалари курслари турлича, чунки уларда ишончлилик ва валюта таваккалчилиги даражалари турличадир. Телеграф ўтказмаси курси энг юқоридир, чунки унда хорижий валюта шу заҳоти ёки келаси куни тўланади. Бу валюта таваккалчилигини деярли четлаб ўтиш имконини беради. Одатда, уларнинг курслари расмий бюллетен ва котировка жадвалларида эълон қилинади. Бошқа тўлов воситалари курси у асосида аниқланади.

Валюта бозорида турли хилдаги шартномалар амал қилади. Уларнинг кўпчилиги **спот** шартлари асосида амалга оширилади. Унинг асосий хусусияти шундаки, битимни имзолаш ва бажариш вақтлари қарийб мос келади. Битимнинг бундай турида валюта сотувчидан сотиб олувчига шартнома имзоланиши биланоқ етказилади (кўпи билан икки иш куни ичида). Спот шартномаларига жами валюта шартномаларининг 90 % тўғри келади.

Иккинчи валюта шартномаси тури – **муддатли** шартнома. Бундай шартномаларнинг икки хусусияти бор. Биринчидан, шартнома

имзоланиши ва бажарилиши орасида маълум вақт интервали бор: бир ҳафтадан олти-ўн икки ойгача.

Иккинчидан, валюта курси шартнома имзоланган даврда белгиланган бўйича қабул қилинади. Валюта курсларининг ўзгаришлари унга таъсир этмайди. Муддатли шартномалар валюта таваккалчиликларидан суғурталаниш ёки валюта спекуляцияси мақсадида амалга оширилади. Экспорт қилувчи ўзини хорижий валюта курсининг тушишидан суғурталаш мақсадида келгуси валюта даромадини муддатли курс бўйича сотиши мумкин. Импорт қилувчи хорижий валюта курси ошувидан ўзини суғурталаш мақсадида келгуси валюта тушумини маълум муддатга муддатли курс бўйича сотиши мумкин. Ривожланган давлатлар валюта бозорларида валюта курсининг ўзгаришига қараб ишловчи валютачилар фаолияти тўғрисида қисқача тўхталиш мумкин. Бу валютачиларнинг асосий мақсади валюта бозорларида валюта курсларининг ўзгариши асосида катта фойда олишдан иборат. Валюта курсининг ошиши ёки пасайишига қараб фаолият кўрсатувчиларни халқаро амалиётда «айиқлар» ва «буқалар» деб аташади. Улар фаолиятининг моҳияти қуйидагилардан иборат. Агар амалиётда валюта курси тушиши кутилса, валюта курси пасайишига ўйновчилар (уларни халқаро валюта бозорларида «айиқлар» деб аташади) валютани шартнома тузилган давр (муддатли курс) курси билан сотиш тўғрисида муддатли шартнома тузадилар. Агар бу муддатда валюта курси тушса, «айиқлар» валютани бозордан пасайган курсда сотиб олиб, уни муддатли курс, яъни олдинги шартномада кўрсатилган юқори курс бўйича сотадилар ва курслар ўртасидаги фарқ миқдорида фойда оладилар.

Валюта курсининг кўтарилишига ўйновчилар («буқалар») эса валюта курси ошиши кутилганда, валютани кейинчалик шартнома тузилган вақтдаги курс бўйича сотиб олишга келишилган муддатли шартнома тузадилар. Курс ошганда эса валютани муддатли шартномада белгиланган (олдинги) нарх бўйича сотиб оладилар ва ошган - юқори нархда сотиб фойда кўрадилар.

Банклар томонидан амалга ошириладиган муддатли операциялар **форвард** операциялари деб юритилади.

Форвард операцияларидаги валюта курси спот шартномаси бўйича курсдан фарқланади. У мукофот ва чегирма усули билан ўрнатилади. Мукофот форвард курси спот курсидан кўплигини билдиради. Форвард маржаси, яъни спот ва форвард орасидаги фарқ жаҳон капитали бозоридаги депозитларнинг фонд ставкаларига боғлиқ бўла-

ди. Депозит фоизи кам давлатларда валюта курси мукофот билан, депозит фоизи катта давлатларда валюта курси чегирма билан белгиланади.

Касса ва форвард операцияларини мувофиқлаштирувчи валюта шартномаларидан бири **своп** шартномасидир. Бу шартнома икки валюта савдо-сотиғини дарҳол амалга ошириш шарти (спот) ва шу билан бирга унга қарши муддатли шартномани тузишни англатади. Масалан, долларни маркага спот шартида сотиш ва шу заҳоти уни сотиб олиш бўйича муддатли шартномани тузиш ёки унга тескари операция долларни маркага сотиб олиш спот шартномаси ва уни сотиш бўйича муддатли шартномани тузиш киради.

Форвард шартномаси турларидан бири опцион шартномасидир. Опцион шартномасининг ўзига хос хусусияти бу сотиб олувчининг валютани эмас, балки уни сотиб олиш ҳуқуқини сотиб олишидир. Бунда сотувчи маълум валютани маълум миқдорда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олади. Сотиб олувчи эса шу миқдордаги валютани сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланмаслик ҳуқуқига ҳам эга. У бу учун сотувчига опцион мукофотини тўлайди. Агар сотиб олувчи ўз ҳуқуқидан фойдаланмаса, у мукофот суммасида зарар кўради.

«Спот», форвард ва опцион шартномалари банкларарo бозорларда ва биржаларда амалга оширилади. Биржада амалга ошириладиган ихтисослашган шартномаларга **фьючерс** шартномалари киради. Фьючерс операциялари фьючерс шартномаларини сотиш ва сотиб олиш бўйича тузилади. Фьючерс операцияси валютани сотиб олиш ёки унга қарама-қарши операция билан тугайди. Фьючерс операциясининг натижаси бу ютқизган томоннинг ютган тамонга шартнома тузилган ва амалга оширилган вақт орасидаги курс фарқини тўлашидир. Бу фарқни биржанинг ҳисоб-китоб (клиринг) палатаси тўлаб беради. Фьючерс шартномалари имзоланиши заҳоти биржанинг ҳисоблаш марказида рўйхатдан ўтади.

Фьючерс ва бошқа муддатли шартномаларининг мақсади валюта операцияларини хеджирлаш ёки чайқовчилик асосида фойда олишдир. Банклар ўз мижозларининг валюта таваккалчиликларини ўз зиммасига олсалар (форвард операция ўтказганда), унга тескари фьючерс битими ёрдамида бу таваккалчиликларни камайтиради (йўқотадилар). Фьючерс битими тугаганда эса улар реал товарлар битимидан кўрган зарарни, валюта курси орасидаги фарқ орқали қоплаш имкониятига эга бўладилар.

Валюта курси орасидаги фарқ туфайли фойда олиш мақсадида банклар **валюта арбитражини** ўтказишади. Бу валютани сотиш ёки сотиб олиш бўлиб, кейинчалик тескари битим қилиб, валюта курслари фарқи ёрдамида фойда олиш мақсадида ўтказишни ифодалайди. Арбитраж икки хил, яъни жойлашувга кўра ва вақтли бўлади. Жойлашувга кўра арбитраж банкларнинг турли валюта бозорларидаги курс фарқи орқали фойда олишини билдиради. У валюта таваккалчилиги билан боғлиқ эмас, чунки валюта савдоси бир вақтнинг ўзида амалга ошади. Масалан, банк вакили Гонгкокда валютани сотиб олади (сотади) ва шу вақтнинг ўзида у ўзининг Нью-Йоркдаги корреспонденти орқали шу валютани сотади (сотиб олади).

Вақтли арбитраж вақт ўтиши билан валюта курси орасидаги фарқ орқали фойда олишдир. Валюта арбитражи спот ва форвард шароитида амалга оширилиши мумкин ва бу турдаги операцияларда валюта таваккалчилиги мавжуд бўлади.

Банк валюта операцияларини бажарганда унга ўз валюта ресурсларининг бир қисмини сарфлайди. Бунда банкнинг хорижий валюталар бўйича мажбурият ва талаблари орасидаги нисбат ўзгаради. Банкнинг хорижий валюталарни сотиш ва сотиб олиш жараёнида валюталар бўйича талаб ва мажбуриятлар нисбатининг ҳолати банкларнинг валюта ҳолати дейилади. Валюта бўйича мажбуриятлар ва талаблар тенг бўлган ҳолат ёпиқ, тенг бўлмагани очиқ валюта ҳолати дейилади.

Очиқ валюта ҳолатида – банк валюта бўйича қарши битимни амалга оширганда валюта курсининг ўзгариши натижасида олдинги сотган валютасига нисбатан кам валюта олиши, яъни зарар кўриши мумкин. Шунинг учун бу ҳолатда валюта курсининг ўзгариши валюта таваккалчилигининг вужудга келишига олиб келади.

Очиқ валюта ҳолати узоқ ёки қисқа бўлиши мумкин.

Қисқа валюта ҳолатида сотилган валюта бўйича мажбуриятлар, сотиб олинган валюта бўйича талаблардан ошади, яъни хорижий валютани сотиш уни сотиб олишдан юқори бўлади. **Узоқ ҳолатда** эса аксинча хорижий валютани сотиб олиш уни сотишдан юқори бўлади, яъни сотиб олинган валюта бўйича талаблар уни сотиш мажбуриятларидан кўп бўлади. Бу ҳолатларни қуйидаги мисоллар билан яққолроқ тушинтириш мумкин.

Масалан, эрталаб банкда япон иени ва фунт стерлинг бўйича ёпиқ валюта ҳолати бўлсин. Банк очилиши билан мижоз банкка иена эвазига фунт стерлинг сотиш тўғрисида мурожаат қилсин. Агар шу

пайтда 1фунт стерлинг курси = 172 иена бўлса, банк мижозга 172 валюта курси бўйича 1 миллион фунт стерлинг сотсин. Бунда банк очиқ валюта ҳолатига эга бўлади.

Англия фунт стерлинги бўйича қисқа ҳолати = 1000000 фунт стерлинг.

Япония иени бўйича узоқ валюта ҳолат = 172000000 Япония иени.

Банклар ҳар бир валюта ҳолати бўйича таваккалчилиги даражасини белгилайдилар.

Ривожланган мамлакатлар амалиётида валюта ҳолатини доимий равишда назорат қилиш учун улар билан боғлиқ жараёнлар ЭҲМ ларига киритилади ва ундаги маълумотлар бўйича валюта таваккалчиликларининг олдини олиш чоралари кўриб борилади.

Қуйидаги таянч сўзларни таърифланг

1. Ўтказма.
2. Банк чеки.
3. Банк вексели.
4. Ҳужжатли аккредитив.
5. Ҳужжатли инкассо.
6. Валюта коридори.
7. Кросс-курс.
8. Форворд.
9. Своп.
10. Фьючерс.

Мавзуга оид саволлар

1. Валюта айирбошлаш деганда нимани тушунасиз?
2. Валюта савати нима?
3. Ҳужжатли аккредитивнинг ўзига хос хусусиятлари?
4. Валюта биржаси фаолияти ва унинг операциялари?
5. Банк чеки деганда нимани тушунасиз?
6. Банк вексели нима?
7. Ўзбекистонда Халқаро ҳисоб-китобларнинг ташкил этилиши.
8. Халқаро ҳисоб-китоб шаклларини қўллаш имкониятлари.
9. Ўтказма деганда нимани тушунасиз?

X боб. Савдо, тўлов ва ҳисоб-китоб балансларн
1-§. Ҳисоб-китоб баланси ва унинг ташқи иқтисодий алоқалардаги ўрни

Халқаро иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар тегишли давлатнинг халқаро ҳисоб-китоб балансларида ўз аксини топади. У йиғма иқтисодий кўрсаткичлар тизимида муҳим роль ўйнайди, чунки давлатларнинг миллий даромадини қайта тақсимланишини ифодалайди. Шунинг учун ЯММ ва МДни аниқлашда халқаро талаб ва мажбуриятларнинг соф қолдиғи ҳисобга олинади.

Халқаро ҳисоб-китоб балансларн – бир мамлакатнинг бошқа мамлакатга нисбатан пул мажбуриятлари ва талаблари, тушумлари ва тўловлари нисбатидир. Бундай балансларнинг асосий турлари:

– тўлов баланси, халқаро қарздорлик баланси ва ҳисоб-китоб балансидир.

Ҳисоб-китоб баланси – мазкур давлатнинг, тўлов муддатидан катъий назар, бошқа давлатларга нисбатан ўзаро талаб ва мажбуриятларининг маълум вақтдаги нисбатидир. Бундай талаб ва мажбуриятлар товар ва хизматларни экспорт (импорт) қилиш, кредит, заём бериш (олиш) натижасида вужудга келади.

Ҳисоб-китоб балансининг актив моддалари – бу тегишли календарь даврдаги бир давлатнинг бошқа давлатларга янги талаблари (даъволари) ва инвестициялари йиғиндисидир.

Балансннг пассив моддалари янгидан вужудга келган мажбуриятлар ва шу давлатга хориждан қилинган инвестициялари миқдоридир.

Даврий ҳисоб-китоб баланси ўзаро талаб ва мажбуриятнинг динамикасинигина (маълум бир даврдаги) кўрсатади. У орқали давлатнинг валюта - молиявий ҳолатига баҳо бериб бўлмайди.

Давлатнинг халқаро ҳисоб-китоблар билан ҳолатини билиш учун маълум фурсатдаги (йил охири ёки боши) ҳисоб-китоб баланси муҳимдир. У ўзаро талаб ва мажбуриятларни келиб чиқиш муддатидан мустасно тарзда умумий суммани тавсифлайди. Балансннг актив сальдоси давлатнинг бошқа давлатлардан кредитни ва инвестицияни жалб этганига нисбатан уларга кўпроқ кредит берганини,

инвестиция қилганини (сарфланганлигини) билдиради. Пассив сальдо эса давлатнинг қарздорлигидан далолат беради.

Халқаро қарздорлик баланси ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар статистикасида кенг қўлланилади. У ҳисоб-китоб балансига ўхшайди, аммо ундан моддалари ва турли давлатлардаги ҳисоблаш услублари билан фарқ қилади. Масалан, АҚШда қуйидаги моддалардан иборат халқаро инвестициялар баланси ишлатилади:

(млрд. доллар)

	1981 йил	1992 йил
АҚШнинг хорижий активлари. Расмий олтин-валюта захиралари	719,6	1253,7
Бошқа давлат активлари, (узоқ ва қисқа муддатли заёмлар билан биргаликда)	68,7	85,5
АҚШнинг хориждаги хусусий активлари	620,8	1120,4
шу жумладан:		
тўғри инвестициялар	228,3	326,9
портфель инвестициялар	63,1	156,8
АҚШ нобанк корпорацияларининг хорижий активлари	35,9	32,9
АҚШ банкларининг хорижий активлари	293,5	603,8
Хорижий инвесторлар олдида АҚШнинг мажбуриятлари	578,7	1786,2
Хорижий ҳукумат қўйилмалари (асосан АҚШ қимматли қоғозларига)	180,4	322,1
Бошқа мажбуриятлар (асосан хусусий)	398,3	1464,1
шу жумладан:		
Туғри инвестициялар	108,7	328,9
портфель инвестициялар	93,6	490,2
АҚШ нобанк корпорацияларининг мажбуриятлари (хорижий)	30,6	35,5
АҚШ банкларининг хорижий мажбуриятлари	165,4	609,5
АҚШ халқаро инвестициялар баланси	140,9	- 532,5

Манба : Интернатионал Финансиал Статистисс, Феб. 1993.

Жадвалдан кўриниб турибдики, АҚШ XX асрнинг 80-90 йилларда кредитордан нетто-қарздорга айланган. Бу «портфель инвестициялар» ва «АҚШ банкларининг хорижий мажбуриятлари» моддалари бўйича мажбуриятларнинг ортиши ҳисобига бўлган. Бу асосан, АҚШ

қимматли қоғозлари ва банкларга қўйилган «иссиқ пуллар» дир. (Булар бир мамлакатдан бошқасига осон ўтказиладиган, валюта курси ва фоиз ставкаси ўзгариши натижасида фойда олиш мақсадидаги маблағлардир.)

Кўпчилик ривожланаётган давлатлар ҳам нетто-қарздордир. Аммо «иссиқ пуллар» оқими сабабли эмас, балки чет эл қарзлари ва заёмларига кўп мурожаат қилиш натижасидадир. Бу шу гуруҳ давлатларида ташқи қарз муомаласининг чуқурлашувига олиб келди. 90-йиллари бошида шу давлатларнинг қарзида 1,5 трлн. долларни ташкил этди.

2-§. Тўлов баланси, уни тузиш тамойилларининг асосий бўлимлари

Тўлов баланси – халқаро ҳисоб-китоб балансларида марказий ўрин-ни эгаллайди. У мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларининг масштаби, таркиби ва хусусияти тўғрисида миқдор ва сифат тавсифини беради. Тўлов баланси – аниқ бир вақт мобайнидаги чет элдан келган тушумлар ва чет элга қилинган тўловлар миқдорининг нисбатидир.

Тўлов баланси даврли ва фурсатли бўлади. Даврли тўлов баланси аниқ бир вақт (йил, ой, чорак) оралиғида тушумлар ва тўловларнинг ўзгаришини ва давлатнинг ташқи иқтисодий фаолияти соҳасидаги ўзгаришлар ва иқтисоднинг ҳолати, ривожланишини ифодалайди. Фурсатли (аниқ бир муддатдаги) тўлов баланси статистик кўрсаткичларни чоп этиш шаклида эълон қилинмаса ҳам, маълум бир вақтда бажарилиши лозим бўлган кунлик тўлов ва тушумлар нисбатини ифодалайди.

Агар валюта тушумлари тўловлардан ошса баланс актив, акс ҳолда пассивдир. Ҳисоб-китоб баланси ва тўлов баланси орасидаги фарқлар қуйидагидир:

– тўлов балансида мамлакатнинг валюта тушумлари ва тўловлари ўз ифодасини топади, ҳисоб балансида эса, давлатнинг ташқи иқтисодий алоқалар бўйича талаб ва мажбуриятлари ҳисобга олинади;

– тўлов баланси фақат реал тушум ва тўловларни ифодалайди, ҳисоб-китоб баланси эса ҳали тўланмаган қарз ва мажбуриятларини ҳам ўз ичига олади;

– тўлов балансининг ҳисоб-китоб балансида ўз ифодасини топ-ган ҳали «узилмаган», берилган ва олинган кредитлар ҳисобга олинмайди;

– тўлов ва ҳисоб-китоб балансларининг охирги сальдолари-актив ёки пассив бўлиши моҳияти жиҳатдан мос келмайди ва қара-мақаршидир. Чунки кредитор давлатларнинг ҳисоб-китоб баланслари асосан актив, тўлов баланслари эса пассив (АҚШ, ГФР, Япония ва бошқалар) бўлиши мумкин. Қарздор мамлакатларда эса пассив ҳисоб-китоб баланси сальдоси баъзи вақтларда актив тўлов баланси сальдосига тўғри келади;

– тўлов баланси фақат тўланган экспорт ва импортни ўз ичига олади, ҳисоб-китоб баланси эса ҳали тўланмаган, кредитга берилган товаро обортни ҳам ўз ичига олади.

Шундай қилиб, тўлов ва ҳисоб-китоб баланслари орасидаги фарқ халқаро кредит муносабатларининг ривожланиши билан аниқланади. Эълон қилинувчи тўлов баланслари операциялари хусусиятига кўра икки асосий бўлимни ўз ичига олади:

1 - бўлим - жорий операциялар бўйича тўлов баланси:

– ташқи савдо операцияларидан тушумлар ва савдо баланси;

– хизматлар (халқаро юк ташишлар, фрахт, суғурта ва бошқалар) ва нотижорат (патентлар бўйича ҳисоб-китоблар, техник ёрдам) баланси, инвестиция бўйича даромад ва тўловлар.

2 -бўлим - капитал ва кредит ҳаракати баланси (қисқа ва узоқ муддатли операциялар).

Тарихан ташқи савдо халқаро иқтисодий алоқаларни олиб бориш ва ривожлантиришнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланган. Шунинг учун ҳам, ташқи савдо тўлов балансида асосий ўринни эгаллайди. Товарларни экспорт ва импорт қилиш жараёни ташқи савдо балансида ўз ифодасини топади. Алоҳида олинган давлатнинг ташқи савдо баланси актив ёки пассив бўлиши мумкин. Бу ҳол мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланиш даражасига мамлакатнинг жаҳон бозоридаги мавқеига, унинг экспорт қудратига ва бошқа сабабларга боғлиқ бўлади. Баъзи Япония, Германия каби риво-ланган мамлакатларнинг ташқи савдо баланси актив қолдиққа эга бўлиши бу давлатларнинг бошқа хорижий мамлакатлар заминида иқтисодининг ривожланишига асос бўлмоқда.

Хизматлар баланси юкларни етказиб бериш, суғурталаш, электрон, телеграф, телефон - алоқанинг бошқа турлари, ҳалқаро туризм, тажриба алмашиш, дипломатик хизматлар, илм-маданият соҳасида анжуманларни ўтказиш, ярмарка, рекламалар ўтказиш ва бошқалар билан боғлиқ бўлган хизматлар бўйича бўладиган чет эл валютасидаги тўловларни ва тушумларни ўз ичига олади.

Капитал ва кредитлар ҳаракати баланси давлат ва хусусий капиталнинг кириб келиши ва чиқиб кетиши ҳамда халқаро кредитлар бериш ва олиш билан боғлиқ бўлган операцияларни ифода қилади. Ўзининг муддатлилигига қараб капитал ва кредитлар оқими қисқа муддатли ва узоқ муддатли бўлиши мумкин.

Капитал ва кредит оқими балансига «хатолар ва ҳисобга олинмаган» моддаси бириктирилади. У қисқа муддатли капиталнинг ҳисобга олинмаган ҳаракатини ифодалайди. Валюта захираларининг ўзгариши Марказий банкларнинг Халқаро валюта операцияларини белгилайди, улар тўлов балансини тенглаштириш ва миллий валюта курсини ушлаб туриш билан боғлиқдир. АҚШда жорий тўлов баланси «доимий» пассивдир. Манфий сальдо 1988-94 йиллари 100 млн. доллар (йилига) атрофида бўлди, Ташқи қарзнинг табиий тўпланиши юз бермоқда. Шу билан бирга, АҚШда бошқа мамлакатларнинг мажбуриятлари йиғилмоқда. Бир қатор давлатларда (ГФР, Япония, Швейцарияда) актив сальдо кўзга ташланади. Шу давр ичида йиллик соф актив ГФРда 51 млн. доллар, Японияда 40,8 млн. доллардир. Шимол ва Жанубнинг ўзаро молиявий алоқалари натижасида «учинчи дунё» мамлакатларининг қарзи XX асрнинг 90-йиллари бошида 1,5 трлн. долларга етди.

Тўлов балансининг сальдоси аниқланганда, унинг моддалари асосий ва балансловчиларига бўлинади. Асосий моддаларга тўлов баланси сальдосига таъсир этадиган ва нисбий мустақилликка эга операциялар киради:

– жорий операциялар ва узоқ муддатли капитал ҳаракати.

Балансловчи моддаларга мустақилликка эга бўлмаган ёки чекланган мустақилликка эга операциялар киради.

Булар:

– тўлов баланси сальдосини тугатиш манбалари ва воситалари.

– валюта захиралари ҳаракати;
– қисқа муддатли активларнинг ўзгариши;

– хорижий ёрдамнинг баъзи бир турлари;

– ташқи давлат заёмлари ва бошқалар.

Асосий ва балансловчи моддаларнинг якуний кўрсаткичлари бир - бирини қоплайди, яъни тўлов баланси расман мувозанатлашади.

Агар тўловлар тушумлардан ошса, тақчилликни қоплаш муаммоси пайдо бўлади. Бунинг учун анъанавий манбалар ва усуллар, яъни заём ва тадбиркорлик капиталини киритишдан фойдаланилади. Бу вақтинчалик усулдир. Чунки қарздор давлат фоиз, дивиденд ва заём суммасини тўлаб бериши лозим.

Пассив сальдо балансини қоплашнинг янги усули Марказий банкларнинг миллий валютада берадиган своп келишуви бўйича қисқа муддатли кредитидир.

Тўлов балансининг вақтинчалик тақчилликни қоплаш учун ХВФ аъзо давлатларга захира (шартсиз) кредитини беради (квотанинг 25% чегарасида).

Ривожланган давлатлар ўз тўлов баланси тақчилликни қоплаш учун банк консорциумлари кредитлари, облигацияли заёмлардан фойдаланади.

Тўлов баланси тақчилликни вақтинчалик қоплаш усулларига шунингдек «хорижий ёрдам» линиясидан олинган имтиёзли кредитлар киради.

Тўлов балансини баланслашнинг охирги усули бу расмий олтин валюта захиралардан фойдаланишдир.

Тўлов балансини якуний баланслашнинг асосий усулига чет эл конвертирланадиган валюта захираси киради.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб тўлов баланси тақчилликни қоплаш учун хорижий валютани сотиб олишда СДРдан фойдаланила бошлади. 1979 йилдан бошлаб ЕВТ давлатлари бу мақсадда ЭКЮдан ҳам фойдаланади. Тўлов баланси тақчилликни қоплашнинг охирги воситаси субсидия ва беғараз ёрдамлар тарзидаги хорижий ёрдам ҳисобланади.

Тўлов балансини мувозанатлашнинг ёрдамчи усулларига чет эл ва миллий қимматли қоғозларни чет эл валютасига сотиш киради.

Масалан, АҚШ пассив сальдони қоплаш мақсадида хазина облигацияларини хорижий давлатлар Марказий банкларида сақлайди.

Тўлов балансини тузиш услуби.

Халқаро иқтисодий алоқалар натижасини баҳолаш ва кўламини ҳисоблашга уринишлар ХИВ аср охирларига тўғри келади.

ХХ аср бошларида АҚШ ва Англияда тўлов балансини тузиш усуллари кенг ривож топди. 1923 йилда АҚШда 1922 йилги кўрсаткичлар натижалари бўйича тўлов балансини тузиш ва уни эълон қилишга уриниш бўлган. 1943 йили америка иқтисодчиси Х. Лэри АҚШнинг 1919-1939 йилги тўлов балансини тузди. Унинг асосида И Жаҳон урушидан кейин тўлов баланси тузилди. 1946 йилдан бошлаб чорак ва йиллик тўлов баланслари ҳисоботлари АҚШ савдо вазирлиги журнали «Сурвей оф суррент бусинесс»да чоп этила бошлади.

1947 йили БМТ ҳужжати сифатида тўлов баланси схемаси яратилди. У ХВФнинг тўлов балансини тузиш шакллари ва тамойилларини ишлаб чиқишга асос бўлди. ХВФ «тўлов баланси бўйича қўлланма» чиқариб ривожлантиришни давом эттирди. Улар ўз схемаларини универсаллаштиришга ҳаракат қилишади, чунки бу ривожланган ва ривожланаётган давлатлар балансларини солиштириш имконини беради. Жорий маълумотларни қайта ишлаб, ХВФ экспертлари аниқликлар киритади, норасмий маълумотлардан фойдаланишади, тўлов баланслари моддаларини қайта гуруҳлашади ва бошқа ишларни бажаришади. Бу текширилаётган жараённинг кўлами тўғрисида фикр юритиш имконини беради.

ХВФ қўлланмасига биноан, тўлов баланси моддалари таснифи.

А. Жорий операциялар.

– Товарлар.
– Хизматлар.
– Инвестициялардан даромадлар.
– Бошқа хизматлар ва даромадлар.
– Хусусий бир томонлама ўтказмалар.
– Расмий бир томонлама ўтказмалар.
Жами А: жорий операциялар баланси.

В. Тўғри инвестициялар ва узоқ муддатли капитал

– Тўғри инвестициялар.
– Портфель инвестициялар.
– Бошқа узоқ муддатли капитал.
Жами: А+В (АҚШнинг базис баланси консепциясига мувофиқ)* *

С. Бошқа узоқ муддатли капитал.

Д. Хато ва ҳисобга олмайдиган қисмлар.

Жами; А+В+С+Д (АҚШ ликвидлик консепциясига

мувофиқ)*

Е. Балансловчи моддалар.

Олтин – валюта захираларининг қайта баҳоланиши,

СДРнинг тақсимланиши ва ишлатилиши.

Олтин – валюта захираси ҳаракати.

10. Сальдони қоплашнинг фавқулотдаги манбалари

11. Хорижий расмий қўмиталарнинг валюта захираларини ташкил этувчи мажбуриятлар.

Жами: А+В+С+Д+Е+Ф+Г (АҚШнинг базис баланси консепциясига мувофиқ)*

Н. Резервларнинг якуний ўзгаришлари.

– Олтин.

– СДР.

– ХВФ нинг захира ҳолати.

– Хорижий валюта.

– Бошқа талаблар.

– ХВФ кредитлари.

Миллий ва халқаро даражада тўлов балансини бошқариш.

Тўлов баланси давлат бошқаруви талаб қиладиган объектлардандир. Тўлов баланслари ўз табиатига кўра, доимий актив ва пассив бўла олмаса ҳам, уларнинг ўзгариши валюта курси ва капитал оқими, айниқса, «иссиқ пуллар» оқимининг беқарорлигини кучайтиради. Бу ўз навбатида пул муомаласига, охир-оқибатда эса иқтисодиётга салбий таъсир этади. Бунда тўлов балансини нарх бошқаруви автоматик жараёни орқали стихияли тенглаштириш механизми жуда кучсиз таъсир этади. Шунинг учун халқаро ҳисоб-китоблар мувозанатини тиклаш мақсадли давлат ташкилий ишларини талаб қилади.

Халқаро ҳисоб-китобларни мувозанатлаштириш масаласи давлатнинг асосий иқтисодий мақсадлари қаторига киради (иқтисодий ўсишни таъминлаш, инфляция ва ишсизликка қарши кураш билан биргаликда). Тўлов балансини давлат томонидан бошқариш – тўлов балансининг асосий моддаларини шакллантиришга қаратилган иқтисодий, шу жумладан, валюта, молия, пул-кредит чора-тадбирлари йиғиндисидир. Тўлов балансини бошқаришнинг кўплаб усуллари бор: булар халқаро ҳисоб-китобларнинг валюта-иқтисодий аҳволига мувофиқ ташқи иқтисодий операцияларни рағбатлантирувчи ёки чегараловчи усуллардир. Тўлов баланси дефицит давлатлар

экспортни рағбатлантириш, импортни чеклаш, чет эл капиталини жалб этиш, капиталнинг чиқиб кетишини чеклаш учун қуйидагилардан фойдаланади:

Дефиляцион сиёсат, девальвация, валюта чекловлари, молия ва пул-кредит сиёсати, тўлов балансига таъсир этишнинг махсус усуллари(унинг асосий моддаларини ташкил этиш чоғида).

Актив сальдони тўлов балансида бошқариш бу ортиқча актив сальдони йўқотишга қаратилган. Бунда молиявий, кредит, валюта усуллари ва ревальвация импортни кенгайтириш, экспортни чеклаш, капитал экспортини ошириш ва импортни камайтиришда қўлланилади. Актив сальдо ташқи қарзни тўлаш, хорижий давлатларга кредит бериш, олтин-валюта захираларини оширишда фойдаланилади.

Тўлов балансларини халқаро усулларда бошқаришга*:*

– экспорт кредитлари шартларини келишиш;

– икки томонлама давлат кредитлари, своп келишувига мувофиқ Марказий банкларнинг миллий валютадаги қисқа муддатли кредитлари;

– Халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотларининг (аввалом-бор ХВФ) кредитлари ва бошқалар киради.

Қуйидаги таянч сўзларни таърифланг

1. Савдо баланси.
2. Тўлов баланси.
3. Ҳисоб-китоб баланси.
4. Актив баланси.
5. Пассив баланс.
6. Тақчиллик.
7. Халқаро қарздорлик баланси.
8. Капитал ва кредит ҳаракати
9. Баланси.
10. Дефиляцион сиёсат.
11. Девальвация.
12. Валюта чекловлари.

Мавзувсига оид саволлар

1. Савдо балансининг ўзига хос хусусиятлари?
2. Пассив савдо баланси нима?
3. Актив савдо баланси нима?
4. Тўлов балансига таъсир қилувчи омиллар?
5. Тўлов балансининг тақчилликгига барҳам бериш усуллари.
6. Халқаро ҳисоб-китоб баланслари.
7. Тўлов балансига таъсир этиш усуллари.

XI боб. Кредитнинг зарурлиги, моҳияти ва функциялари

1-§. Ссуда капитали ҳаракати, унинг хусусиятлари, ссуда капитал бозори

Иқтисодий назарияда ссуда капитали деганда фоиз тўлаш шарти билан вақтинча фойдаланишга бериладиган ялпи пул маблағлари тушунилади. Ссуда капиталининг моҳиятини тўла тушуниш учун аввало унинг айланма ва савдо капиталларидан фарқини, характерли хусусиятини аниқлаш керак. Ссуда капитали капитал бозорида муҳим ўрин тутиб, миллий иқтисодиёт эҳтиёжларини қондиради.

Ссуда капиталининг ўзига хос хусусиятлари, унинг кредитордан қарз олувчига бўлган ҳаракатида ва аксинча жараёнда кўпроқ кўринади. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1. Ссуда капитали капитал сифатида – бу мулк унинг эгаси қарз олувчига капиталини доимий эгаликка эмас, балки вақтинча фойдаланиш учун беради. Бу ҳолда капиталга бўлган эгалик капитал ҳаракатидан ажралади. Капитал корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилишнинг бошидан охиригача қатнашиб, унинг ҳажми ортиб борса-да, белгиланган капитал миқдори охир-оқибатда ўз эгаси – кредиторга қайтиб тўланиши лозим.

2. Ссуда капиталининг ўзига хос хусусияти, унинг товар сифатида эканлигидир. Кредитор томонидан пул маблағлари қарздор корхонага «сотилади». Корхоналар бу капитал ҳисобидан ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучини сотиб оладилар. Ссуда капиталининг товар сифатидаги истеъмол қиймати – қарз олувчи томонидан унинг самарали ишлатилиши натижасида қарздор оладиган фойда ҳисобланади. Ссуда капиталининг истеъмол қиймати оддий товарнинг истеъмол қийматидан фарқ қилади. Ссуда капитали бўйича олинган фойданинг бир қисми ссуда фоизини тўлаш учун ишлатилади.

3. Ссуда капиталининг яна бир хусусияти, кредитор ва қарз олувчи ўртасидаги муносабатнинг узоқ давом қилишидир. Ссуда капиталининг кредитордан қарз олувчига ўтиш жараёни даврлар бўйича тарқатилган тўлов механизмининг босқичларида ифодаланади. Масалан, оддий савдо сотиқ жараёнида сотилган товарнинг нархи шу заҳотиёқ тўланади. Кредит ресурслари ва улардан фойдаланганлик учун тўловлар, одатда, маълум вақт ўтгандан кейин тўланади.

4. Ссуда капитали ҳаракатининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, ссуда капитали ҳаракати саноат ва савдо капитали ҳаракатидан фарқ қилиб, «сотувчи» (кредитор) ва «харидор» (қарз олувчи) ўртасидаги иқтисодий муносабат, яъни капитал ҳаракати, пул (П-П′) кўринишида бўлади.

Судхўрлик капиталидан фарқли ўлароқ ссуда капитали аввало давлат, юридик ва жисмоний шахслар, кредит ташкилотларидан жалб қилинган молиявий ресурслар ҳисобига шаклланади (бу банкларнинг ссуда капитали бозорида ихтисослашган воситачилик ўрнини аниқлаб беради). Молиявий ресурсларнинг ссуда капиталига айланишининг икки асосий манбасини кўрсатиш мумкин.

а) кредит муносабатлари ривожланишининг биринчи босқи-чида ссуда капитали шаклланишининг ягона манбаи сифатида давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинчалик бўш пул маблағлари манбаи сифатида намоён бўлди. Улар молиявий воситачиларга ихтиёрий равишда вақтинча фойдаланишга, мавжуд маблағни капиталга айлантириш ва улардан фойда олишга берилади. Бу маблағлар кредит ташкилотларига тегишли бўлган депозит ҳисобларда қайд қилиниб, ўзларининг биринчи эгаларига шу қўйилмалар бўйича фоиз кўринишидаги даромад келтиришни таъминлайди. Бу манба ўзининг аҳамиятини ҳозирги, ривожланган давлатлар шароитида ҳам йўқотган эмас;

б) нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг банк орқали ўтишида ишлатиладиган маблағлар ҳам ссуда капитали шаклланишининг янги манбаи бўлиб, бу маблағлар айланма маблағларнинг доиравий айланиш жараёнида юзага келади. Корхоналарда молиявий ресурсларнинг вақтинча бўш бўлиб қолишининг қуйидаги асосий сабабларини кўрсатиб ўтиш мумкин;

– ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш вақти билан олинган хом ашё, материаллар, ишчиларга иш ҳақи ва бошқа тўловлар вақтининг мос келмаслиги;

– асосий фондларнинг эскиришини қоплаш учун мўлжалланган пул ажратмаси, яъни амортизация фондининг шакллантирилишидир.

Амортизация фонди маблағлари ҳам ссуда капитали манбаси сифатида ишлатилиши мумкин.

Корхоналардаги фаолият натижасида юзага келувчи тақсимланмаган фойда ёки унинг ишлатилиш жараёнида пайдо бўлган бўш маблағлар (масалан, йил охирида тўланадиган дивиденд шаклида) юридик шахсларнинг уларга хизмат кўрсатувчи кредит ташкилотларидаги ҳисоб-китоб ҳужжатларида жамғарилади.

Бу маблағлар банк томонидан корхона ва ташкилотларнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун маълум муддатга ўтказилади.

Ссуда капитали бозорининг таркиби. Ссуда капитали бозори молиявий бозорнинг таркибий қисми ҳисобланади ва унинг ҳолати ссуда капиталининг доиравий айланиш жараёни билан боғлиқ.

Ссуда бозорининг асосий иштирокчилари бўлиб:

* дастлабки инвесторлар, яъни турли банкларда сақланувчи, ссуда капиталига айланувчи бўш молиявий ресурсларнинг эгалари;

* ихтисослаштирилган воситачилар, пул маблағларини бевосита жалб қилувчи, уларни ссуда капиталига айлантирувчи ва фоиз кўринишида ҳақ тўлаш ва қайтариш шарти билан вақтинчалик фойдаланишга қарз олувчига берувчи кредит-молиявий ташкилотлари бўлиши мумкин;

* молиявий ресурсларда етишмовчилик ҳис қилувчи ва ихтисослашган воситачиларга уларнинг бўш маблағларини вақтинчалик ишлатиб турганлиги учун тўлов тўлай оладиган давлат ташкилотлари, юридик ва жисмоний шахс кўринишидаги қарз олувчилар бўлиши мумкин.

Банклардан бериладиган кредит ресурсларнинг мақсадли йўналишидан келиб чиққан ҳолда ссуда капитали бозори қуйидаги асосий сегментларга бўлиниши мумкин:

пул бозори – айланма маблағларнинг ҳаракатини таъминловчи қисқа муддатли кредит операцияларнинг йиғиндиси;

капитал бозори – асосий маблағлар ҳаракатини таъминловчи қисқа ва узоқ муддатли операциялар тўплами;

фонд бозори – қимматбаҳо қоғозлар бозорига хизмат қилувчи кредит операциялар тўплами;

ипотека бозори – кўчмас мулк бозорига хизмат қилувчи кредит операциялар тўплами ва бошқалар.

Ҳар бир санаб ўтилган бозор сегментлари ўзига хос хусусиятларга эга. Бу эса амалиётда молия-кредит институтларининг махсус тури ихтисослаштирилган тижорат банкларининг ташкил топишига олиб келади.

Замонавий ссуда капитали бозори асосий икки бўғин кредит тизими ва қимматли қоғозлар бозори (бирламчи ва иккиламчи бозорлар) бўлишини тақозо қилади. Ссуда капитали бозорининг таркибини қуйидаги чизмада келтириш мумкин.

-чизма



Келтирилган схемадан кўриниб турибдики, кредит тизими ҳар хил кредит молия институтларининг йиғиндисидан иборат. Қимматли қоғозларнинг бирламчи бозорида янги муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар сотилади ва сотиб олинади. Иккиламчи бозорда (фонд биржасида) олдиндан муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар сотилади ва сотиб олинади. Биржадан ташқарида қимматли қоғозларнинг сотилиши ва сотиб олиниши, одатда, биржадан ташқари савдо деб юритилади.

Қимматли қоғозлар бозори ва кредит тизимининг мавжудлиги ҳамда ривожланиш даражасига қараб ссуда капитали бозорининг ривожланиши тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Жаҳон амалиётида капитал бозори АҚШ, Ғарбий Европа мамлакатлари ва Японияда юксак тараққий қилган.

2-§. Фондларнинг айланишининг ўзига хос хусусиятлари ва кредит зарурлигининг бошқа омиллари

Ўзининг тарихий ривожланишида кредит бир неча босқичларни босиб ўтган.

Илк шаклланиши босқичининг асосий белгиси ссуда капитали бозорида махсус воситачиларнинг йўқлиги эди. Кредит муносабатлари, бўш пул маблағларнинг эгаси ва қарз олувчи ўртасида бевосита амалга оширилар эди. Бу ерда кредит судхўрлик капитали сифатида намоён бўлади. Унинг ўзига хос белгилари сифатида қуйидагиларни белгилаб ўтиш мумкин:

1. қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги, тўғридан-тўғри келишувга асосланган қарз муносабатларининг тўлиқ марказлашмаганлиги;
2. маблағларни тақсимлашнинг чекланганлиги;
3. қарз маблағларидан фойдаланганлиги учун жуда юқори фоиз меъёрларининг белгиланганлиги ва бошқалар.

Бу босқичнинг тугалланиши ишлаб чиқариш мақсадлари учун молиявий қарз ресурсларига бўлган эҳтиёжнинг кескин ошишига олиб келган капиталистик ишлаб чиқариш усули билан боғлиқ. Алоҳида олинган судхўрларнинг индивидуал капиталлари кўрсатилган талабларни қондириш учун етарли эмас эди. Бу эса баъзи мулкдорлар томонидан бошқа мулкдорлар пул маблағларини жалб қилиш ҳисобидан ўз фаолиятини олиб боришга мажбур қиларди.

Таркибий жиҳатдан ривожланиш. Кредит ривожланишининг бу босқичи ссуда капитали бозорида кредит-молия ташкилотлари кўринишидаги махсус воситачиларининг пайдо бўлиши билан характерланади.

Катта судхўрлик ва саррофлик идоралари заминида вужудга келган дастлабки банклар ўз зиммасига кўпчилик кредит институтларига кейинчалик анъанавий бўлиб қолган, энг керакли функцияларни олди. Булар:

– бўш молиявий маблағларни фоиз билан вактида тўлаш мажбурияти асосида қарз олувчига беришига асосланиб жамғариш;

– юридик ва жисмоний шахслар учун ҳар хил тўлов ва ҳисобкитоблар бўйича хизмат кўрсатиши (кейинчалик давлат учун ҳам);

– қатор махсус молиявий операцияларни ўтказиш (масалан, вексель муносабати механизми бўйича хизмат кўрсатиш ва бошқалар).

Махсус воситачиларга ссуда капитали бозорида бўлган талаб, шунингдек, фойданинг юқори меъёри банк тизимининг бошқа фаолият соҳаларидан келадиган капитал оқими ҳисобига ривожланишини аниқлаб беради (янги вужудга келаётган кредит ташкилотларининг тузувчилари судхўр ва саррофлар бўлмай, балки саноат ва савдо капиталистлари эди). Ривожланиш босқичида ссуда капитали бозоридаги муносабатлар маълум даражада шаклий тус ола бошлади, кредитлашнинг маьлум бир турдаги жараёнлари ўрнатилди, ссуда капиталининг ўртача минтақавий ва миллий меъёрлари ўрнатилди ва ҳ.к. Бироқ кредит ташкилотларининг фаолияти ҳалигача марказлашмаган эди. Бу эса ссуда капитали бозорининг ривожланишига тўсқинлик қиларди ва иқтисодиётнинг даврий ривожланиш шароитларида молиявий бозорнинг бошқа бўғинларида номутаносибликларни келтириб чиқарди.

Ҳозирги аҳволи. Бу босқичнинг асосий белгиси - иқтисодиётда кредит муносабатларини давлат томонидан марказлашган ҳолда бошқарилишидир. Давлат миқёсида кредит муносабатларининг марказлашуви ҳар бир давлатнинг Марказий банки ёрдамида амалга оширилади. Дастлабки умуммиллий давлат кредит институтларининг пайдо бўлиши нақд пулсиз ҳисоб китобларни олиб бориш учун қўл келди ҳамда тижорат банкларининг операциялари ва хизмат кўрсатиш кўламининг кенгайишига олиб келди, масалан, фонд бозорига хизмат кўрсатиш бўйича. Кейинчалик Марказий банклар фаолияти бозор иқтисодиётини барқарорлаштиришнинг самарали омили бўлган кредит дастакларини ишлатиш бўйича йўналтирилди. Бу эса давлатники бўлмаган кредит ташкилотларини назорат қилишни кучайтиришни талаб қилди. Шунингдек, иқтисодиётда информацион технологиянинг ривожланиши, глобал банк тармоқларининг компьютер коммуникациялари ва маълумотлар базаларининг шаклланиши кредит муносабатларини янги сифатли даражага, яъни мижозга хиз-мат кўрсатиш билан бирга уларнинг молиявий фаолиятининг ҳамма жабҳаларига, шунингдек, халқаро бозорга ҳам тарқалишига олиб келди.

Жамият фаолиятининг ўта муҳим жиҳати – бу ишлаб чиқаришдир. Ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий ресурслар ишлатилади, маҳсулотлар ва хизматлардан иборат ҳаётий неъматлар яратилади.

Ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини моддий ва меҳнат омиллари таъминлайди. Ишлаб чиқаришнинг бу омиллар билан бир текисда таъминланиши муаммодир.

Бу муаммо ўз ечимини кредит орқали топади.

Кредит товар-пул муносабатлари мавжуд шароитдаги такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ажралмас бир қисми бўлиб, товар ишлаб чиқариш кредит муносабатлари вужудга келишининг табиий асоси ҳисобланади. Кредитнинг вужудга келишини нафақат ички истеъмол учун товар ишлаб чиқариш доирасидан эмас, балки асосан юридик жиҳатдан мустақил, бир-бирига мулкдор сифатида қарама-қарши турувчи ва иқтисодий муносабатларга киришишга тайёр товар эгалари фаолият кўрсатаётган муомала доирасидан қидириш керак.

Ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланишидаги ва фондларнинг бир марта айланишидаги қийматнинг ҳаракати кредит муносабатлари пайдо бўлишининг иқтисодий асосидир.

Бизга маълумки, корхоналарнинг ишлаб чиқариш фондлари (қиймат шаклидаги меҳнат воситалари ва предметлари) муайян бир муддатда пул (П), ишлаб чиқариш ва товар (Т) шаклларида бўлиши мумкин. Корхона ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланишини қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$\textbf{П - Т ... Ишлаб чиқариш ... } Т^{И} - П^{И}$$

Фондлар доиравий айланишининг биринчи босқичида (П-Т) пул фондларининг ишлаб чиқариш фондларига айланиши содир бўлади. Бунда мавжуд пул маблағларига меҳнат предметлари ва воситалари сотиб олинади.

Фондлар айланишининг иккинчи босқичида ишлаб чиқариш жараёни содир бўлиб, бунда тайёр маҳсулотни яратиш рўй беради, маҳсулот кўриниши товар кўринишини олади, ишлаб чиқариш воситалари қийматига янги қиймат қўшилади.

Учинчи босқичда ($Т^{И}$ - $П^{И}$) тайёр маҳсулот сотилади. Товар ўзининг бошланғич пул шаклига ўтади, лекин бунда товар ҳам, пул ҳам ўзининг ишлаб чиқариш жараёнидан олдинги ҳолатига нисбатан қиймат жиҳатдан ва миқдор жиҳатдан ортган ҳолда бўлади.

Маҳсулотни сотгандан кейин олинган пул фондлари, ўз навбатида, яна харажат қилинади, яъни янги ишлаб чиқариш жараёни учун янги ишлаб чиқариш воситалари сотиб олинади, иш ҳақи тўланади ва бошқа харажатларга сарфланади. Шундай қилиб, айланма маблағларнинг айланиши қайта-қайта такрорланаверади ва фондларнинг доиравий айланиши вужудга келади.

Фондларнинг ҳар бир индивидуал доиравий айланиши ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг бир қисми сифатида бошқа доиравий айланишлар билан узвий боғланган.

Маълумки, 1-бўлим корхоналари томонидан яратилган маҳсулот 2-бўлим корхоналари ва ноишлаб чиқариш соҳаси томонидан истеъмол қилинади. Ўз навбатида, 2-бўлим маҳсулоти нафақат ўз истеъмолчилари эҳтиёжини, шунингдек, 1-бўлим истеьмолчиларининг ҳам эҳтиёжини қондириш учун ишлатилади.

Буларнинг ҳаммаси айланма фондларининг доиравий айланиши узлуксизлигидан ва фондларнинг индивидуал айланишлари ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлигидан далолат беради.

Асосий фондлар қиймати ҳаракати жараёнида ресурсларни ишлаб чиқаришдан бўшатилиши кўзга ташланади. Маълумки, ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш жараёнида узоқ муддат хизмат қилади ва уларнинг қиймати товар маҳсулоти қийматига аста-секин ўтиб боради. Асосий фондларнинг аста-секин эскириш қиймати ўз ўлчами бўйича корхонанинг янги воситалар сотиб олиш ҳажмини таъминлай олмайди.

Фондларнинг айланишида асосий фондларнинг ўзгарувчан ҳаракати рўй беради. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бунда баъзи корхоналарда бўш пул маблағлари тўпланиб қолади, бошқаларида эса катта харажатларга эҳтиёж туфайли маблағлар етишмовчилиги юзага келади.

Худди шундай вазият айланма фондлари ҳаракатида ҳам вужудга келади. Бу ерда уларнинг узлуксиз айланишидаги тебранишлар янада хилма-хилдир. Даставвал бу тебранишлар ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги, маҳсулот ишлаб чиқариш даври билан маҳсулотни сотиш вақти бир-бирига мос келмаслиги туфайли вужудга келади.

Маблағлар ҳаракатидаги тебранишлар товар маҳсулотини жўнатиш билан боғлиқ харажатлар туфайли ҳам вужудга келади. Маълумки, маҳсулотни жўнатиш вақти билан уни сотишдан олинадиган тушумнинг корхона ҳисоб рақамига келиб тушиш вақти кўп ҳолларда тўғри келмайди. Бу ҳол турлича сабаблар туфайли юзага келиши мумкин. Масалан, маҳсулотни ишлаб чиқарувчи корхона билан уни истеъмол қилувчи корхона бир-биридан муайян масофада жойлашганлиги, мол сотиб олувчи корхонанинг айни вақтда товар ва хизматларга тўлаш учун ҳисоб-китоб рақамларида пул маблағларининг етарли эмаслиги ва бошқалар туфайли келиб чиқади.

Фондларнинг доиравий айланишидаги тебранишлар заминида ишлаб чиқариш вақти билан маҳсулотларни сотиш вақтининг мос келмай қолишидан вужудга келадиган қийинчиликларни бартараф этувчи муносабатларнинг пайдо бўлиши табиий ҳолга айланади. Бу муносабатлар маблағларнинг вақтинча бекор туриб қолиши билан бу маблағларга бўлган эҳтиёж ўртасидаги қарама-қаршиликни бартараф этади. Бундай муносабатлар одатда, кредит муносабатлар деб юритилади ва кредит муносабатлар асосида иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган **кредит** тушунчаси юзага келади.

Кредит орқали жамиятимизда қуйидаги ижобий натижаларга эришиш мумкин:

биринчидан, фондлар айланиши жараёнида четга чиқиб, бўш қолган маблағларнинг ҳаракатсиз туриб қолишининг олди олинади;

иккинчидан, такрор ишлаб чиқаришни кенг доирада узлуксиз давом эттиришга имконият яратилади.

Кредитнинг вужудга келиши реалликка айланиши учун муайян шароитлар бўлиши зарур. Шу масала бўйича баъзи иқтисодий адабиётларда келтирилган фикрларни таҳлил қилиб, иқтисодчилар томонидан кредит юзага келишининг қуйидаги шартларига кўпроқ эътибор берилганини кўрсатиб ўтиш мумкин. Кредит муносабати бўлиши учун:

биринчидан, кредит муносабати иштирокчилари – қарз берувчи ва қарз олувчи – ҳуқуқий жиҳатдан мустақил субъект бўлиши керак. Мустақил субъект сифатида ҳар иккала томон бир-бири билан ўзаро алоқалардан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажаришини моддий жиҳатдан кафолатлай олиши керак. Мажбуриятларни бажара олиш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда мустақил ҳуқуқий субъект сифатида томонлар иқтисодий муносабатга киришишлари керак.

иккинчидан, қарз берувчи ва қарз олувчи манфаатлари бир-бирига мос тушган тақдирдагина кредит заруриятга айланади. Бу манфаатлар, аввалambор, объектив жараёнлар, ўзаро манфаатларни тақозо этувчи аниқ вазият билан боғлиқ.

Кредитор(қарз берувчи) томонидан пул маблағларини қарзга бериш бўйича, қарз олувчи томонидан эса шу маблағларни олиш бўйича қизиқиш туғилган тақдирдагина кредит муносабатлари вужудга келади.

Кредитнинг вужудга келиши кредит муносабатлари иштирокчилари манфаатларининг йўналишига боғлиқ. Томонлар манфаатларининг мос келиши кредит шартномаси тузилишини таъминлайди.

Лекин кредит муносабатлари иштирокчилари манфаати нафақат вақт ва макон жиҳатдан, шунингдек, сифат жиҳатдан ҳам мос тушган тақдирдагина бу муносабатлар реалликка айланади. Шу билан бирга, кредитнинг бу муҳим сифатлари кредит муносабатлари содир бўлишининг асосий сабаби бўлолмайди. Кредит вужудга келиши учун, юқорида айтилгандек, аниқ бир иқтисодий асос - фондларнинг доиравий айланиши ва шунга ўхшаш бошқа аниқ шароитлар бўлиши зарур. Фақатгина ана шу таъсир этувчи омиллар бўлган тақдирдагина кредитнинг вужудга келиши реалликка айланади.

Баъзи иқтисодий адабиётларда кредитнинг зарурлиги хусусида бир неча бошқа фикрлар ҳам учрайди. Масалан, кредит корхоналар фаолиятини назорат қилишни амалга ошириш учун зарур, деб таъкидланади. Агар бу фикр тўғри деб қарайдиган бўлсак, кредитнинг зарурлиги фақат кредитор учун тушунарли бўлади, чунки у қарз бериш орқали қарз олувчи фаолиятини назорат қилиш имкониятига эга бўлади.

Бундай шароитда кредитнинг чегараси ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланишига асосланган объектив жараёнларга эмас, балки банкнинг кредит операциялари орқали қарз олувчининг фаолиятини назорат қилиш истагига боғлиқ бўлиб қолади.

Бу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиб айтиш мумкинки**,** кредитнинг объектив зарурлиги такрор ишлаб чиқариш жараёнида фондларнинг доиравий айланиши қонуниятларига асосланган**дир.**

Кредитга зарурат туғилганда қуйидаги манбалардаги бўш маблағлардан кредит ресурслар сифатида фойдаланиш мумкин. Бу манбалар асосан қуйидагилардир:

- асосий фондларни тиклаш, капитал таъмирлаш учун ажратиладиган амортизация сифатидаги пул маблағлари;
- товарларни сотиш ва янги моддий ресурсларни сотиб олиш вақтларининг бир-бирига мос келмаганлиги туфайли юзага келган бўш пул маблағлари;
- товарлар реализациясидан тушган тушум билан иш ҳақини тўлаш вақтлари орасида вақтинча бўш туриб қолган пул маблағлари;
- кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида йиғиладиган ва капиталлаштириш учун мўлжалланган қўшимча маблағлар;
- шахсий сектор даромадлари, жамғармалари ва бошқа бўш пул маблағлари.

Кредитнинг зарурлигини ифодаловчи омиллар моҳиятини очишда, уларнинг ҳар бирининг аҳамиятини кредит шартномасини тузиш даражасигача олиб келиш хато ҳисобланади. Алоҳида олинган бир омилнинг ўзи кредит берилиши учун у ёки бу даражада етарли бўлмаслиги мумкин.

Масалан, айтайлик корхоналарда ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланиши жараёнида уларда кредитга эҳтиёж туғилади. Шунга асосан кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш зарурлигидан келиб чиқади, деган шартга асосланган ҳолда кредит берилиши керак. Аммо бунда қўшимча ресурсларга муҳтожлик ўз-ўзидан автоматик тарзда кредит берилиши керак-лигини ифодаламайди. Бунинг учун кредитнинг зарурлигини ифодаловчи бошқа шароитлар ҳам мавжуд бўлиши керак.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири кредит муносабатларини ривожлантиришда банклар кредит учун характерли муҳим шартлар ва қонунларга асосланган ҳолда кредитлаш жараёнини амалга оширишлари зарур.

Хулоса қилиб айтганда, корхоналарнинг хўжалик ҳисобида иш юритишида ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш, корхонанинг асосий ва айланма фондларининг доиравий айланишининг тўхтаб қолишига йўл қўймаслик, корхоналарнинг молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражасининг маромийлигини сақлаш, корхоналар томонидан товар маҳсулотини сотганда сотилган товар учун тўлов суммасини олиш объектив ва субъектив сабаблар туфайли кечиктирган ҳолда кредитнинг зарурлиги келиб чиқади.

Аммо кредит бериш унинг зарурлиги билангина кифояланиб қолмасдан унинг мақсадли ишлатилиши шарт-шароитлари билан ҳам белгиланади.

Иқтисодиётнинг бир текисда ривожланишини ижтимоий ишлаб чиқариш таъминлайди. Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнини эса кредит воситасида узлуксиз давом эттириб, бир зум бўлса-да, тўхтаб қолишига йўл қўйилмайди.

Демак, кредит иқтисодиётнинг бир текисда ривожланишини таъминловчи дастаклардан бири деган хулосага келишимиз мумкин.

3-§. Кредитнинг моҳияти ва унинг функциялари

Бизга маълумки, пул маблағларига кўп ҳолларда кредитларни, корхоналарнинг ҳисобварағдаги маблағларини ва нақд пулларни, айланма маблағларини ва молиявий ресурсларни киритадилар.

Бу иқтисодий категориялар ташқи томондан ўхшагани билан, уларнинг ички хусусиятлари жуда хилма-хил ва бир-бирига ўхшамайди.

Кредит - бу вақтинча бўш турган пул маблағларини пул эгаси ёки бошқалар томонидан маълум муддатга, ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир.

Кредит ёрдамида товар-моддий бойликлари, турли машина ва механизмлар сотиб олинади, истеъмолчилар маблағлари етарли бўлмаган шароитда тўловни кечиктириб, товарлар сотиб олишлари ва бошқа ҳар хил тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўладилар.

Кредит иқтисодий категория бўлиб, ижтимоий муносабатларнинг аниқ бир кўриниши сифатида юзага чиқади.

Кредит ҳар қандай ижтимоий муносабат эмас, балки ижтимоий ишлаб чиқариш маҳсули, қийматнинг ҳаракати, қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ифодаловчи категориядир.

Кредитнинг моҳияти унинг ички белгиларини очиб беришга қаратилган. Кредитнинг моҳиятини очиш – бу унинг сифатларини, муҳим томонларини, иқтисодий муносабатлар тизимининг бир элементи сифатида кўрсатувчи асосларини билиш демакдир.

Иқтисодий категория сифатида кредитнинг моҳияти кўпгина иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилиб чиқилган ва улар томонидан кредитнинг моҳияти бўйича турлича фикр билдирилган.

Масалан, Э. Вознесенский, А. Зверев, Д. Аллахвердян каби олим кредит махсус категория ҳисобланса-да, у молия таркибига киради, деб ҳисоблашади.

В. Захаров, О. Лаврушин, М. Пессель, И. Левчук, В. Рыбин, А. Қодиров, Т. Қоралиев каби олимлар эса кредитни молия билан параллел равишда фаолият кўрсатувчи алоҳида мустақил иқтисодий категория, деб ҳисоблайдилар.

Кредитнинг мустақил категория сифатида моҳиятини аниқлаш мураккаб саволлардан биридир.

Кредит қарзга бериладиган қийматнинг ҳаракати сифатида тушуниш мумкин.

Захаров В. «Кредит вақтинчалик фойдаланишга бериладиган қиймат бўйича бўладиган ижтимоий муносабатдир» деб хулоса қилган бўлса, Қодиров А., Пессель М. эса кредит иқтисодий категория бўлиб, унда ишлаб чиқариш муносабатлари ўз аксини топади ва давлат, хўжалик ташкилотлари, корхоналар, муассасалар бир-бирига қийматни маълум вақтга, қайтариб бериш ва тўлаш шарти билан берадилар, деб уқтирадилар.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда кредитнинг баъзи муҳим томонлари аниқланади:

биринчидан, унинг ижтимоий маҳсулот яратиш, миллий даромад ва пул ресурсларини қайта тақсимлашга боғлиқлиги;

иккинчидан, кредитнинг ҳаракат шаклига (товар ёки пул тарзида) эга эканлиги;

учинчидан, такрор ишлаб чиқаришдаги ҳаракатнинг асосий ҳал этувчи белгиси (қарз) эканлиги ва ҳ. к.

Берилган кредит қайтувчанлик характерига эга. У худди шу сифати билан молиядан фарқ қилади.

Ссуда капитали манбаларининг таҳлили кредитнинг иқтисодий категория сифатидаги моҳиятини аниқлашга асос бўлиб хизмат қилди.

Бир қатор иқтисодчиларнинг фикрича, кредит жамиятдаги вақтинча бўш пул маблағларини йиғиш ва уларни тақсимлаш шаклидир.

Бу нуқтаи назардан, кредит вақтинча бўш пул маблағларини қарзга бериш бўлиб, муайян белгиланган муддатдан сўнг бу маблағлар ўз манбасига қайтиб келиши керак.

Кредитнинг моҳиятини янада аниқлаштириш учун унинг таркибини, ҳаракат босқичларини, иқтисодий тушунча сифатидаги муҳим белгиларини ва ижтимоий - иқтисодий характеристикасини кўриб чиқамиз. Кредитнинг моҳиятини тушуниш учун, аввалambор, унинг таркиби нимадан иборат эканлигини тушуниб олиш зарур. Кредит муносабат бўлиши учун унинг зарур элементлари – кредитнинг объекти ва субъекти бўлиши зарур.

Кредит муносабатларида субъектлар икки хил бўлади:

1. **Кредитор (қарз берувчи)**
2. **Қарз олувчи**

Бундан ташқари, кредит муносабатлари таркибининг элементи сифатида кредитнинг объекти юзага келади.

4-чизма



Кредит муносабатларининг объектлари ва субъектлари.

Кредит объекти - бу (кредитор) қарз берувчидан қарз олувчига бериладиган ва қарз олувчидан кредитор (қарз берувчи)га қайтиб бериладиган қийматдир.

Бунда қарзга берилган маблағ ўз қийматини сақлаб қолиши кредитнинг асосий сифати ҳисобланади.

Кредит таркиби унинг элементлари бирлигини ифодалайди.

Кредитнинг ҳаракат босқичлари ҳам унинг муҳим белгиси ҳисобланади. Қарзга берилувчи қиймат ҳаракатини қуйидаги схемада ифодалаш мумкин:

$$Б_к - О_{кз} - И_к \ldots В_р \ldots К_к - Ф_{кс}$$

$Б_к$ – кредитнинг берилиши;

$О_{кз}$– кредитнинг қарз олувчи томонидан вақтинчалик эҳтиёжларини қондириш учун олиниши;

$И_к$ – кредитнинг ишлатилиши қарз олувчининг кредитни нима мақсадда олганлиги билан узвий боғлиқ бўлади;

$В_р$ – қарз олувчининг хўжалигида қарзга олинган қиймат айланмаси тугалланишини ресурсларнинг айланмадан чиқарилишини ифодалайди;

$К_к$ – кредитни қайтариш;

$Ф_{кс}$ – вақтинчалик берилган қийматни кредитор қўлига қайтиб келиши (% билан).

Кредитнинг моҳиятини маълум вақтдан кейин қайтариб бериш ва фоиз билан қайтариш шарти янада кенгроқ очиб беради. Бу ҳар иккала шартдан ташқари, кредитнинг иқтисодий категория сифатида ҳаракат қилишини асослаш учун иқтисодий муносабатларнинг чуқур ижтимоий - иқтисодий белгиларини ҳисобга олиш зарур.

Кредит моҳиятининг таҳлили узлуксиз жараён. Таҳлил жараёнида янгидан янги белгилар, хусусиятлар юзага чиқиши мумкин.

Ҳар қандай иқтисодий категория ўзининг функцияларига эга бўлгани каби кредит ҳам ўзининг бир қатор функцияларига эга. Ижтимоий иқтисодий тизимда кредитнинг ўрни ва аҳамияти бажараётган функциялари билан аниқланади. Кредитнинг функцияси – бу кредитнинг иқтисодиётдаги фаолияти конкрет равишда намоён бўлишидир.

Кредитни таҳлил қилишда, функция, унинг моҳияти ва аҳамияти ўртасидаги оралиқ бўғин сифатида кўриб чиқилади.

Кредитнинг функциялари ҳақида олимлар ўртасида ягона изчиллик йўқ.

И. Лаврушиннинг фикрича, кредитнинг функцияларини таҳлил қилишда иккита ечилмаган муаммо мавжуд:

1. Функцияни тушунишнинг услубий асослари.
2. Функцияларнинг таркиби ва структураси.

Кредитнинг таркибий қисмидан келиб чиққан ҳолда унга қуйидаги муносабатларга хос функциялар тааллуқли:

а) кредиторнинг қарз олувчи ва қарзга берилувчи қиймат билан муносабати орқали;

б) қарз олувчининг кредитор ва қарзга берилувчи қиймат билан муносабати орқали;

в) қарзга берилувчи қиймат билан кредитор ва қарз олувчининг муносабати орқали.

Кредитор ва қарз олувчи ўртасидаги муносабат шундай аниқланадики, бунда кредитор қарз олувчига ресурсларни таклиф қилади, қарз олувчи бу ресурсларни ишлатади ва бунда қарзга берилувчи қиймат кредитор ва қарз олувчи ўртасида айланади. Бу ердан кредитнинг биринчи функцияси келиб чиқади:

Қарзга берилувчи қийматни вақтинча фойдаланишга бериш функцияси.

Кредит ва пул маблағлари ўртасидаги муносабатлардан келиб чиққан ҳолда, кредитнинг ҳақиқий пулларни кредит пуллари билан алмаштириш функцияси олдинга сурилган. Лекин бу функция ҳозирги кунда иқтисодий муносабатлар «саҳнасидан» чиқиб кетган.

Кредитнинг ташқи муҳит билан алоқаси унинг иккинчи функциясини келтириб чиқаради.

2. Қайта тақсимлаш функцияси.

Кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча фазаларига - ишлаб чиқариш, тақсимлаш, муомала ва истеъмолга хизмат кўрсатади.

Такрор ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ ҳолда кредит, ишлаб чиқариш, тақсимлаш ёки истеъмол жараёнида кечадиган функциялардан фарқли ўлароқ қайта тақсимлаш функциясини бажаради.

Бозор иқтисодиёти шароитида ссуда капитали бозори вақтинча бўш молиявий ресурсларни бир фаолият жабҳасидан бошқасига йўналтирувчи ва натижада юқори фойдани таъминловчи ўзига хос дастак сифатида намоён бўлади.

Қайта тақсимлаш функцияси ёрдамида корхоналар, ташкилотлар, давлат ва шахсий секторнинг бўш пул маблағлари ва даромадлари ссуда капиталига айлантирилади ва вақтинча фойдаланишга, муайян тўлов асосида берилади. Бу функция ёрдамида ишлаб чиқаришдаги пропорциялар ва пул капитали ҳаракати бошқарилиб турилади.

Ўзининг турли тармоқлар ва минтақаларда табақаланиш даражасига таяниб, кредит иқтисоднинг стихияли макробошқарувчиси сифатида намоён бўлади. Баъзи ҳолларда бу функциянинг амалга оширилиши бозор тизимида номутаносибликнинг чуқурлашувига олиб келиши мумкин. Худди шундай ҳолат МҲД давлатларида бозор иқтисодига ўтиш босқичида намоён бўлмоқда. Шунинг учун кредит тизимини давлат томонидан бошқаришнинг муҳим вазифаларидан бири бу иқтисодий устунликни оқилона тавсифлаш ва кредит ресурсларини у ёки бу тармоққа жалб қилишни рағбатлантиришдан иборатдир.

3. Муомала харажатларини тежаш функцияси.

Кредит вужудга келиш давридан бошлаб ҳақиқий пулларни (олтин, кумуш) кредит пуллари – векселлар, банкноталар, чеклар билан алмашинишини таъминлаб келган. Лекин, олтиннинг монетар аҳамияти йўқолиши туфайли кредит шу функцияси ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириб, ҳисоб-китобларнинг тезлигини ва кам харажатлигини таъминламоқда. Капиталнинг муомалада бўлиш вақтининг иқтисод қилиниши унинг ишлаб чиқаришда бўлиш вақтини оширади ва бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, фойданинг ортишига олиб келади.

Бу функциянинг амалга ошиши кредитнинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқади. Унинг манбаи саноат ва савдо капиталининг

доиравий айланиши жараёнида вақтинча бўшаган молиявий маблағлар ҳисобланади. Хўжалик субъектлари пул маблағларининг келиб тушиши ва ишлатилиши ўртасидаги вақт бўйича фарқ фақатгина ортиқча маблағлар ҳажмини эмас, балки молиявий маблағларнинг етишмовчилигини ҳам аниқлаб беради. Шунинг учун корхона ва ташкилотларнинг ўз айланма маблағларининг вақтинчалик етишмовчилигини тўлдириш учун ссудалар бериш кенг тарқалиб борган.

4. Капитал тўпланишининг жадаллашуви ва концентрациялашуви функцияси.

Капитал тўпланиши жараёни иқтисодий ривожланишнинг барқарорлашуви ва хўжалик юритувчи ҳар бир субъектнинг мақсадга эришишининг муҳим шарти ҳисобланади. Бу масалани ҳал қилишга ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, шунинг билан бирга қўшимча фойда олишга қарз маблағларидан фойдаланиш ёрдам беради. Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, иқтисодий инқироз даврида бу ресурсларнинг қимматлилиги кўпчилик хўжалик фаолияти жабҳаларида капитал тўпланишини жадаллаштириш масаласини хал қилишда тўсқинлик қилади. Шунга қарамасдан, кўриб чиқилаётган функция хозирги шароитда режали иқтисодиёт даврида ривожланмаган ва маблағлар билан таъминланмаган фаолият жабҳаларини молиявий маблағлар билан таъминланиш жараёнини сезиларли тезлаштирди.

5. Муомалага тўлов воситаларини чиқариш функцияси.

Бу функциянинг амалга ошиши жараёнида кредит фақатгина товар эмас, балки пул муомаласининг жадаллашувига, ундан нақд пулларни сиқиб чиқариб, тўловлар айланишининг тезлашувига ижо-бий таъсир кўрсатади. Кредит туфайли пул муомаласи доирасига вексель, чек, кредит карточкалари каби воситалар киритилиб, нақд пулли ҳисобкитобларни нақдсиз операциялар билан алмаштиради. Бу эса ички ва халқаро бозордаги иқтисодий муносабатлар меха-низмини осонлаштиради ва тезлаштиради. Бу масалани ҳал этишда тижорат кредити замонавий товар алмашинувининг керакли эле-менти сифатида муҳим ўрин тутади.

Фан-техника тараққиётининг жадаллашуви ҳам кредит орқали самаралироқ амалга оширилиши мумкин. Урушдан кейинги йилларда фан-техника тараққиёти ҳар бир мамлакат ёки алоҳида хўжалик юритувчи субъект иқтисодий ривожининг ҳал қилувчи омилига айланган. Кредитнинг фан-техника тараққиётини жадаллаштиришдаги ўрнини фан-техника ташкилотларининг фаолиятини молиялаштириш жараёни орқали кузатиш мумкин. Илмий тадқиқот

ишларини олиб борувчи марказларнинг нормал ишлаб туришини таъминлаш учун ҳам, улар фаолиятини молиялаштиришда кредит ресурслари ишлатилиши мумкин. Шунингдек, кредит инновацион жараёнларда ишлаб чиқаришга илмий тадқиқот натижаларини жорий қилиш ва ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш жараёнларини амалга ошириш учун зарур.

Албатта, корхоналарнинг маблағлари етарли бўлгани ҳолда, бу турдаги харажатлар дастлаб корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади, шунингдек, ўз маблағлари етарли бўлмаган шароитда банкнинг мақсадли ўрта ва узоқ муддатли ссудалари ҳисобидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Кредитни ишлатиш самарадорлиги уни позитив равишда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига таъсири билан аниқланади.

Кўриб ўтганимиздек, кредит хўжалик субъектлари томонидан ишлаб чиқариш ва сотув, тўлов жараёнидаги маблағлар етишмовчилигини қоплаш учун олинади. Агар корхона ишлаб чиқариш заҳираларини сотиб олиш учун кредит маблағлардан фойдаланадиган бўлса, шу кредит фондлар айланишининг барча босқичларини босиб ўтади ва миқдорий жиҳатдан ўсган ҳолда айланишдан чиқарилади ва қарз берувчига қайтарилади.

Кредит ресурсларидан корхона қуйидаги ҳолларда фойдаланиши мумкин:

1. Корхона кредитни харажатларнинг бирон турини амалга ошириш учун, масалан, хом ашё, материаллар сотиб олиш, тугалланмаган ишлаб чиқариш учун ёки жўнатилган товарлар учун олиши мумкин.

2. Корхона айланма фондларнинг доиравий айланишининг бар-ча босқичларига кредитни жалб қилиши мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш захиралари сотиб олишга, тугалланмаган ишлаб чиқаришга, тайёр маҳсулотга, жўнатилган товарларга ва бошқа харажатлар учун.

3. Корхонани комплекс кредитлаштириш зарур бўлганда амалга оширилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда хўжаликлар томонидан кредитдан фойдаланиш вариантларини қуйидагича схема кўринишида ифодалаш мумкин:

I вариант

кредитнинг чиқарилиши
к
|
П - $ИЧ_3$ . . . ТИЧ . . . ТМ - ЖТ - П айланиши
к |
кредитнинг киритилиши

II вариант

$к_1$ $к_2$ $к_3$ $к_4$ кредитнинг чиқарилиши

| | | |
П – $ИЧ_3$ . . . ТИЧ . . . ТМ - ЖТ - П айланиши
| | | |

$к_1$ $к_2$ $к_3$ $к_4$ киритилиши

III вариант

▲к ▲к ▲к ▲к кредитнинг чиқарилиши
| | | |
П - $ИЧ_3$ . . . ТИЧ . . . ТМ - ЖТ - П айланиши
| | | |
▲к ▲к ▲к ▲к киритилиши

П – дастлабки пул маблағлари;
$ИЧ_3$ – ишлаб чиқариш захиралари;
ТИЧ – тугалланмаган ишлаб чиқариш;
ТМ – тайёр маҳсулот;
ЖТ – жўнатилган товарлар;
П – айланишдан бўшаган пул маблағлари;
К – кредит.

Юқоридаги ҳоллардан кўриниб турибдики, ҳар бир корхона ўз фаолияти давомида кредит ресурсларига муҳтож бўлиши мумкин.

4-§. Кредитлаш тамойиллари

Кредит муносабатлари иқтисодиётда мавжуд аниқ услубий асосларга таянади. Унинг асосий элементлари бўлган ссуда капитали бозори операциялари маълум тамойиллар асосида олиб борилади. Бу тамойиллар кредит ривожланишининг биринчи босқичида кўзга ташланган эди, кейинчалик эса улар умумдавлат ва халқаро кредит

қонунчилигида яққол ўз аксини топди. Иқтисодий тушунча сифатида кредит бир неча тамойилларга эга. Булар кредитнинг қайтиб берилиши, кредитнинг муддатлилиги, кредитнинг таъминланганлиги, мақсадлилиги ва тўловлилик тамойилларидир. Қуйида биз ҳар бир тамойилнинг мазмунини қисқача таърифлаб ўтамиз.

1. Кредитнинг қайтиб бериш тамойили

Бу тамойил кредитнинг мустақил иқтисодий тушунча эканлигининг шартидир. Қайтиб бериш кредитнинг умумий белгиси ҳисобланади. Қайтиб бериш ўз-ўзидан вужудга келмайди: у моддий жараёнларга, қиймат айланишининг тугашига асосланади. Аммо айланма ҳаракатнинг тугаши бу – қайтариб бериш эмас, фақат қайтариб бериш учун замин тайёрлашдир. Кредитни қайтариш айланмадан чиққан маблағлар қарз олувчига пул маблағларини қайтариш имкониятини берган тақдирда амалга оширилади. Қайтариб бериш лаёқати иккиёқлама жараённи ифода этади, у кредитор учун ҳам, қарз олувчи учун ҳам бир хил даражада муҳимдир.

Қийматнинг қайтувчи ҳаракатининг ҳуқуқий томони ҳам муҳимдир. Муайян бир муддатга бериладиган қийматга эгалик ҳуқуқи кредитордан қарз олувчига ўтмайди.

Қарзга бериладиган қиймат фақат муайян бир муддатгагина ўз эгаси қўлидан узоқлашади, лекин эгасини ўзгартирмайди.

Бўш турган ресурсларни аккумуляция қилувчи банклар бу ресурслардан хусусий ресурслар сифатида фойдалана олмайди. Банк қарзга берувчи маблағнинг эгаси бўлиб, корхона, ташкилот, алоҳида шахслар ҳисобланади.

Қайтариб бериш муайян шартномада акс эттирилади.

Қайтариб бериш объектив белги ҳисобланади. Кредитни қайтариб берувчи томон уни бошқа иқтисодий категориялардан, жумладан, молиядан фарқ қилиш имкониятини беради.

Кредитдан самарали фойдаланиш асосида қайтариб бериш – бутун банк фаолиятининг марказий пункти ҳисобланади. Кредитнинг бу тамойили кредит ва ундан фойдаланганлик учун фоиз суммасини кредит берган муассаса ҳисобига кўчириш йўли билан ифодаланади. Шу йўл билан банклар кредит ресурсларининг қайта тикланишини таъминлайдилар. Бизнинг амалиётимизда марказлашган режали иқтисодиёт шароитида кредитлашнинг «қайтарилмайдиган ссуда» деган норасмий тушунчаси бор эди. Кре-дитлашнинг бу шакли халқ хўжалигининг кўп тармоқларида, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг тарқалган эди. Кредит давлат банки томонидан қарз олувчининг

молиявий аҳволини ҳисобга олмаган ҳолда берилар эди. Ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра, қайтарилмайдиган ссудалар бюджет субсидиясининг қўшимча шакли сифатида намоён бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида «қайтарилмас кредит» тушунчаси бозор иқтисодиёти тамойиллари учун бегона ҳисобланиб, бундай кредитнинг амалиётда бўлиши иқтисодиёт учун жуда хавфлидир.

2. Кредитнинг муддатлилиги

Бу тамойил кредит берувчидан олинган кредитни ўз вақтида қайтариб бериш муддатини, яъни кредитнинг қандай муддатга берилганлиги билан тавсифланади. Бунда шу муддатлилик тамойилига кўра, кредит узоқ ва қисқа муддатли кредитларга бўлинади.

Кредитнинг муддатлилик тамойили қарздор учун қулай бўлган ҳар қандай вақтда эмас, балки кредит битимида кўрсатилган маьлум муддатда кредитнинг қайтарилиши зарур эканлигини билдиради. Кредитнинг муддатлилиги ҳар иккала томон, кредитор ва қарз олувчи учун муҳимдир. Агар кредитор қарзни фоизи билан ўз вақтида қайтиб олса, уни эгасига ўз вақтида қайтариш ёки яна кредитга бериш имкониятига эга бўлади. Қарз олувчи кредитни самарали ишлатиб, уни ўз вақтида кредиторга қайтариш ва шу билан шартномадаги жазо чораларидан қутилишидан манфаатдор. Кредитнинг муддати бўйича кредит шартномада кўрсатилган шартларнинг бузилиши натижасида қарз берувчи қарз олувчига иқтисодий чоралар (жарималар шаклида, кредит бўйича фоиз даражасини ошириш, кредитнинг муддатини қисқартириш ва бошқалар)ни қўллаши мумкин. Бу чоралар ҳам ёрдам бермаган ҳолларда қарз берувчи молиявий талабларни хўжалик суди орқали ундириб олиши мумкин. Кредитнинг муддатлилиги келиб тушувчи бойликларни тежамли ва қайта ишлатиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни жўнатиш, товарларни сотиш муддатларига ва пировард натижада айланма фондларининг доиравий айланишининг тезлигига боғлиқдир.

3. Кредитнинг таъминланганлик тамойили

Бу тамойил ёрдамида иқтисодиётнинг ривожланишида қиймат ва моддий ишлаб чиқариш ўртасида бўлиши зарур бўлган пропорцияларнинг бир меъёрда бўлиши рағбатлантирилади. Бу тамойилнинг асосий моҳияти шундаки, бунда хўжалик айланмасида иштирок этувчи банк маблағларининг ҳар бир сўмига муайян моддий бойликларнинг бир сўми қарама-қарши туриши керак. Банклар томонидан халқ хўжалиги тармоқларига берилган кредитлар тўлиқ товар моддий бойликлари ва маьлум харажатлар билан таъминланган бўлиши ке-

рак. Тармоқларга таъминланмаган кредитларнинг берилиши банк кредитларининг банкка қайтиб келмаслигига асос ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, банкнинг ликвидлилигига ва пул муомаласига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам, бозор иқтисодиёти шароитида банклар томонидан бериладиган кредитларнинг товар моддий бойликлар ва харажатлар билан таъминланган бўлишига муҳим эътибор берилмоқда. Ҳозирги шароитда бу жараённинг амалга оширилишини қуйидагича ифодалаш мумкин.

Кредит олаётган корхона банкка товар ёки товар ҳужжатларини, бошқа бирор шаклдаги мулкни гаровга қўяди. Агарда банк берган кредит қарз олувчи томонидан ўз вақтида банкка қайтарилмаса, банк товарни сотиш ҳисобидан қарз ўрнини қоплаш ҳуқуқига эга бўлади. Баъзида кредит варрант асосида ҳам берилиши мумкин. (Варрант – гаров учун хизмат қилувчи ҳужжат). Бунда кредитор бераётган кредити товар - моддий бойликлар билан таъминланганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Банк ссудаларининг товар - моддий бойликлар билан тўлиқ таъминланганлиги пул муомаласининг барқарорлигини таъминлайди, чунки банк айланмасидаги пуллар нақд пулга трансформацияланиб туради.

Хулоса қилиб айтганда, кредитнинг таъминланганлик тамойили қарз олувчи ўзига олган мажбуриятларни бузиш шароитида қарз берувчининг мулкдорлик манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди ва кредитни бирор гаров ёки молиявий кафолат асосида беришда ўзининг амалий аксини топади. Бу умумиқтисодий барқарорлик даврида, айниқса, муҳимдир.

4. Тўловлилик тамойили

Бу тамойил айланма фондларининг доиравий айланишини, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи тўлов ресурслари суммасини аванслаштириш заруриятидан келиб чиқади.

Бу тамойилга асосан корхоналар фойдаланилган қарз маблағлари учун кредиторга фоиз шаклида тўловни ўтказадилар. Кредитнинг тўлаш уни тўлиқ суммада ўз эгасига қайтарилишинигина эмас, шу билан кредит учун фоиз шаклидаги тўлов билан қайтарилишини ифодалайди. Демак, кредитор ўз маблағларини ҳеч вақт ўз ҳажмида қайтариб олиш шарти билан бермайди, бунда у маблағни қарзга берганлиги учун муайян тўлов талаб қилади (фоизсиз имтиёзли кредитлар бундан мустасно).

Кредитнинг тўлови нафақат банклар хўжалик ҳисоби мақомига, шу билан бирга, корхоналарни бевосита фойдаси билан боғлиқ хўжалик ҳисобига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

Кредит учун ҳақ тўлашнинг иқтисодий моҳияти қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги қўшимча олинган фойданинг тақсимланишини қайд қилишда намоён бўлади. Кўриб чиқилаётган тамойилнинг амалиётда учта асосий функциясини бажарувчи банк фоизи меъёрини ўрнатиш жараёнида намоён бўлади:

– юридик шахслар фойдасининг ва жисмоний шахслар даромадининг тақсимланиши;

– ишлаб чиқаришни тартибга солиш ва ссуда капиталининг тақсимланиши орқали тармоқ, тармоқлараро ва халқаро миқёсда айланиши;

– иқтисодиёт ривожининг инқирозли босқичида банк мижозларининг пул маблағларини инфляциядан ҳимоялаш ва бошқалар.

Ссуда фоизининг ставкаси ссуда капиталидан олинган йиллик даромад суммасининг берилган кредит суммасига нисбати билан аниқланиб, кредит ресурсларининг баҳоси сифатида намоён бўлади.

Бошқа товарлар баҳоси белгиланишининг анъанавий механизмидан фарқли ўлароқ, кредитнинг баҳоси, ссуда капитали бозоридаги талаб ва таклифнинг нисбатини ўзида акс эттиради ва у бир қатор омилларга боғлиқ бўлади:

– бозор иқтисодиётининг даврий ривожланиши (инқироз даврида ссуда фоизи ўсади, юксалиш даврида эса пасаяди);

– инфляция жараёни суръатлари (амалиётда ссуда фоизининг инфляция ўсиш суръатларидан орқада қолиши учраши мумкин);

– тижорат банкларни кредитлаш жараёнини амалга оширувчи Марказий банк орқали давлат кредитини тартибга солишнинг самарадорлиги;

– халқаро кредит бозоридаги ҳолат (масалан, бирор мамлакатда кредит бўйича фоиз ставкасининг ошиши шу мамлакатга чет эл капиталининг оқиб келишига олиб келади ва бу миллий бозорлар ҳолатига таъсир кўрсатади.);

– жисмоний ва ҳуқуқий шахслар пул жамғармаларининг динамикаси (уларнинг ҳажми қисқарган ҳолда ссуда фоизи ўсади);

– потенциал қарз олувчиларнинг кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини аниқлаб берувчи ишлаб чиқариш динамикаси;

– ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги (чет эл амалиётида банклар мавсум даврида кредитлар бўйича фоизларни оширадилар);

– давлат томонидан бериладиган кредит миқдори билан давлатнинг ички қарзлари ўртасидаги нисбат (ссуда фоизи ички давлат қарзлари ўсиши билан бирга ўсиб боради).

5. Кредитнинг мақсадли бўлиши

Бу тамойилнинг моҳияти шундаки, қарз олувчи томонидан олинган кредитлар аниқ бир мақсадни амалга оширишга йўналтирилган бўлиши зарур. Кредитнинг қайси мақсадга йўналтирилганлиги, масалан, товар-моддий бойликлар сотиб олишга ёки бирор ишлаб чиқариш харажатларини қоплашга ва ҳоказо аниқ бирор объектга мақсадли йўналтирилганлиги корхона билан банк ўртасида тузиладиган кредит шартномада кўрсатилган бўлади. Корхона олган кредитини фақатгина кредит шартномада кўрсатилган ишни бажаришга сарфлаши керак . Бунда кредит муайян, аниқ объектга: ишлаб чиқариш харажатларига, ишлаб чиқариш захираларига, тайёр маҳсулотга, жўнатилган товарларга, ҳисоб-китоб ҳужжатларига ва ҳоказоларга берилади.

Юқорида келтирилган тамойиллар кредитнинг иқтисодий категория сифатида мавжуд бўлиши ва ҳаракат қилишининг муҳим томонларини ўзида ифодалайди.

Бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиёти шароитида кредитнинг юқорида келтирилган тамойилларидан ташқари, кредитдан оқилона фойдаланишни ифодаловчи тамойил кредитнинг самарадорлиги тамойилини киритишимиз зарур. Бу тамойил нафақат кредит ва фоиз суммасини банкга қайтариб тўлашни, бундан ташқари, шу кредит ёрдамида кредитланадиган ёки молиялаштириладиган соҳа , тармоқ, корхона қанча самарадорликка эришишини ифодалаши зарур. Бозор иқтисодиёти шароитида бериладиган кредитлар маълум бир лойиҳаларнинг бажарилишига йўналтирилган бўлади. Банклар лойиҳаларни кредитлаш ёки молиялаштиришдан олдин лойиҳани бажариш учун йўналтириладиган маблағларнинг самарадорлигини ҳисоблаб чиқишлари зарур. Агар биз бозор иқтисоди юқори ривожланган мамлакатларда кредитлаш ва лойиҳаларни молиялаштириш амалиётига эътибор берадиган бўлсак, бу мамлакатларда корхона, ташкилотларга кредит беришдан олдин қўйиладиган маблағларнинг самарадорлиги ҳисоб-китоб қилиб чиқади. Агарда лойиҳага қўйиладиган маблағлар самара берадиган бўлсагина, шу лойиҳа учун маблағ ажратилади.

Ҳар бир корхона ва ташкилот учун кредитдан фойдаланишда унинг самарадорлигига алоҳида эътибор бериш фойдадан холи эмас, чунки самарадорлик кредитнинг зарурий шартларидан бири ҳисоб-

ланади. Кредитнинг самарадорлиги ишлаб чиқариш ва савдо ҳажмига тўғридан-тўғри боғлиқ. Самарадорлик тамойилининг мавжудлиги ва унга риоя қилиш кредитнинг бошқа тамойилларининг бажарилиши учун асос ҳисобланади. Самарадорлик кредитдан аниқ, мақсадли фойдаланишни тақозо қилади. Шунга асосланган ҳолда кредитнинг самарадорлигини содда қилиб қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\text{Самарадорлик} = \frac{\text{Сотилган товар маҳсулот ҳажми}}{\text{Кредит қўйилмаларининг ўртача қолдиғи}}$$

Бу кўрсаткич кредит қўйилмалар ўртача қолдиғининг 1 сўмига тўғри келадиган сотилган товар-маҳсулотнинг ҳажмини кўрсатади. Кредитни жалб қилиш ёрдамида ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши, товарларни сотиш ҳажмининг ошиши кредитнинг самарадорлигини белгилаб беради. Корхона кам кредит ресурслар ҳисобига кўп маҳсулот сотувига эришадиган бўлса, кредитнинг самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Кредитлашнинг юқори самарадорлиги минимал меҳнат харажатлари орқали максимал фойдага эришадиган корхоналар учун характерлидир.

Агар кредит самарадорлигига таъсир қилувчи бошқа омилларни ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, кредитнинг самарадорлигини кенгроқ олган ҳолда қуйидаги формула орқали ифода қилиш мумкин.

$$С_{кр} = \frac{Р}{ОФ_к = К} - \frac{Р}{ОФ_к = К \times О_{оф}} * *О_{кр}$$

$С_{кр}$ – кредит қўйилмаларининг самарадорлиги;

Р – тўла таннархида реализация қилинган товар маҳсулоти;

$ОФ_к$ – кредитор қарздорликни ҳисобга олган, лекин қарз маблағларини ҳисобга олмаган ҳолдаги айланма фондларининг ўртача қолдиғи;

К – қисқа муддатли кредит қўйилмаларининг ўртача қолдиғи;

$О_{кр}$ – ҳисобот давридаги қисқа муддатли кредитнинг айланиш сони;

$О_{оф}$ – ҳисобот давридаги айланма фондларининг айланиш сони;

Формуладан кўриниб турибдики, кредит ресурсларнинг самарадорлиги асосан икки омил: сотилган маҳсулотнинг ҳажми ва кредит ресурсларининг айланиш даврига боғлиқ. Савдо ҳажми қанчалик катта бўлса ва кредит ресурсларининг айланиш даври қанчалик қисқа бўлса, кредит қўйилмаларининг самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Банк томонидан берилган маблағлар хўжалик айланмасида, ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилинса ва кредит маблағлар ишлаб чиқариш ва муомала жараёнини тезроқ босиб ўтса, улар келтирадиган самарадорлик шунчалик юқори бўлади. Банк кредити маблағлар доиравий айланишининг бирор босқичида ушланиб қоладиган бўлса, бу ҳол кредитни тўлаш муддатининг кечиктирилишига олиб келади. Бу, албатта, кредитнинг самарадорлиги пасайганлигидан далолат бериши мумкин.

Кредитнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида ғарб мамлакатлари амалиётида кредитлашнинг биз учун янги қоидаси қўлланилади. Бу қоида кредитлашда «5 «С»лар қоидаси» деб юритилади.

«5 «С» лар қоидаси»га асосан ҳар бир «С» бўйича корхонанинг фаолияти таҳлил қилиб чиқилади ва корхона фаолияти талабга жавоб берсагина корхонага кредит берилади. Қоидага асосан «С» ҳарфлари корхоналарнинг хўжалик фаолиятининг қуйидаги жиҳатларини ифодалайди.

Character – қарз олувчининг характерини баҳолаш, унинг аввалги қарзлари; қарзни тўлай олиш қобилияти ҳамда бозордаги обрўси;

Capasity –қарз олувчининг бошлаган ишни охирига етказа олиш, тегишли даромад олиш ҳамда банк кредитларини қайтара би-лиш қобилияти;

Capital – қарз олувчи сармоясининг етарлилиги;

Conditions – шартлар. Бунда иқтисодий муҳим ва мазкур бизнеснинг ривожланиши назарда тутилади;

Coloteral – гаров (кафолат, кафиллик, суғурта полиси, товар-моддий бойликлар) ва бошқалар.

Режали иқтисодиёт даврида кредитлашнинг бу тамойилларидан ташқари яна бир неча бошқа тамойиллар қўшимча равишда амал қилар эди. Социалистик хўжалик даврида юқоридаги тамойиллар иккинчи даражали ҳисобланар эди. Қуйидаги тамойиллар эса асосий, биринчи даражали тамойиллар бўлиб, кредитлаш жараёнида банклар кўпроқ шу тамойилларнинг бажарилишига эътибор берар эди.

Кредитни режанинг бажарилганлигига қараб бериш

Бу тамойилнинг моҳияти шунда эдики, банк кредитларининг умумий ҳажми ва шакллари банкларнинг кредит режалари асосида ўрнатилар эди. Бунда корхона ва ташкилотларга бериладиган кредитлар уларнинг ишлаб чиқариш режаларини бажаришларига қараб берилар эди. Ундан ташқари, кредит ҳажми бўйича муайян режа тузилар ва шу режага асосан кредит берилиши, унинг ҳажми ва шакли белгиларди ва бу банк томонидан бошқарилар эди.

Бу тамойилга асосан, кредит режасида кўзда тутилган банк ссудалари квартал ёки ойига бир марта эмас, балки товар-моддий бойликларини яратиш жараёнига ва уларни ишлаб чиқариш мақсадларига сарфлаш ёки сотишнинг маълум босқичларида банк томонидан ўрнатилган миқдорда берилар эди.

2. Дифференциялаштириш (кредитлашда ҳар хил ёндашиш) тамойили.

Бу тамойил ижтимоий зарурий меъёрларга мос ҳолда ишлаб чиқариш ва маҳсулотни реализация қилиш асосида корхона ва ташкилотларнинг қандай молиявий натижага эришганлигига қараб белгиланган. Хўжалик фаолиятининг натижаларига қараб корхоналар «яхши ишлайдиган» ва «ёмон ишлайдиган» корхоналарга бўлиб кредитланган. Бу тамойилга асосан ижобий молиявий натижаларга эришган корхона ва ташкилотларга кредитлаш жараёнида маьлум енгилликлар берилган. Корхоналарда молиявий қийинчиликлар бўлганда ишчиларга иш ҳақи тўлаш учун ёки бошқа тўловларни амалга ошириш учун кредитлар берилган. Ундан ташқари, яхши ишлайдиган корхоналарга енгил шароитда кредитлар берилган, масалан, кредитнинг фоиз ставкаси камайтирилган, корхона учун зарур бўлганда кредитнинг муддати узайтирилган ва ҳоказо.

Агар корхона ишлаб чиқариш режасини бажармаса ёки банкдан олинган кредитлар бўйича ўз мажбуриятларини вақтида амалга оширмаса, бундай корхона ёмон ишловчи корхоналар қаторига киритилган ва банк томонидан бундай корхоналарга иқтисодий чоралар қўлланилган. Ёмон ишловчи корхоналарга кредитлашда банк қаттиқ ёндашган, яъни кредитларни жуда қисқа муддатга, юқори фоиз ставкалари бўйича берган. Баъзида банк олдиндан берган кредитларини муддатидан илгари ундириб олган, корхона юқори ташкилотининг кафолати асосида кредит берган ёки баъзи ҳолларда кредит беришни умуман тўхтатиб қўйган.

Бозор иқтисодиёти шароитида бу тамойилларнинг барчаси ҳам ўринли бўлмаслиги мумкин.

5-§. Кредитнинг шакллари ва турлари, уларнинг тавсифи

Кредитга бўлган талаб қайси усулда ва муддатда, ким томондан қондирилишига ва қарз олувчиларга таклиф қилинишига қараб, кредит бир неча тур ва шаклларга бўлинади.

Узоқ даврлардан буён кредитнинг қуйидаги турлари қўлланилиб келинмоқда.

1. Қисқа муддатли кредитлаш;
3. Узоқ муддатли кредитлаш.

Қисқа муддатли кредитлашда кредитлар бир неча ойлардан бир йилгача бўлган муддатга берилади. Бу турдаги кредитлар ишлаб чиқариш айланма фондлари ва муомала фондларининг доиравий айланишининг узлуксизлигини таъминлайди. Бизга маьлумки, айланма фондларнинг доиравий айланиши деярли барча ишлаб чиқариш соҳаларида бир йил ва ундан камроқ вақт давом қилади. Бир йил фондлар айланишининг табиий ўлчови сифатида хизмат қилади. Шунинг учун ҳам, бир йил қисқа ва узоқ муддатли кредитлашнинг чегараси бўлиб хизмат қилади. Қисқа муддатли кредитлар ўз табиатига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

1. Кредитлаш объектларининг иқтисодий моҳиятига қараб:

* товар моддий бойликлари учун бериладиган кредитлар;
* ишлаб чиқариш харажатлари (маҳсулотнинг янги турини ўзлаштириш, мавсумий харажатларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни) учун бериладиган кредитлар;
* ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун бериладиган кредит-лар (аккредитив очилганда, тайёр маҳсулотни жўнатганда ва бошқа ҳолларда).

2. Тўлаш муддатига қараб:

* муддатли, муддати кечиктирилган ва муддати ўтиб кетган кредитлар.

3. Кредитни тўлаш манбаларига қараб:

* қарз олувчининг ўз маблағлари ҳисобидан;
* грант маблағлар ҳисобидан;
* янги кредитлар жалб қилиш ҳисобидан.

4. Таъминланганлик тамойилининг амал қилишига қараб:

* тўғридан-тўғри таъминланганликка эга бўлган кредитлар;

* эгри (бирор корхона ва ташкилот воситасида) таъминланганликка эга бўлган кредитлар;

* таъминланмаган кредитлар.

5. *Тўланадиган фоиз даражасига қараб:*

* ўртача (нормал) фоиз ставкали;

* юқори фоизли;

* паст фоиз ставкали;

* фоизсиз кредитларга бўлинади.

Узоқ муддатли кредитлашда, кредитлар бир йилдан ортиқ муддатга берилади. Узоқ муддатли кредитлар асосан, асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш ва улар билан боғлиқ соҳаларни таъминлашда ишлатилади. Ҳозирги даврда узоқ муддатли кредитлар банклар томонидан жуда кам миқдорда берилса-да, улар капитал қўйилмаларини, лойиҳаларни молиялаштиришнинг асосий манбаи сифатида давлатимиз иқтисодини ривожлантиришда катта аҳамият касб этмоқда. Узоқ муддатли кредитлар хўжалик ташкилотлари томонидан қуйидаги объектлар учун жалб қилиниши мумкин:

– қайта тиклашга капитал харажатларни амалга ошириш учун;

– ҳаракатдаги асосий фондларни кенгайтириш ва модерниза-ция қилиш билан боғлиқ харажатлар учун;

– янги қурилиш ва қўшимча юқори самарали тадбирлар бўйича харажатларни амалга ошириш учун;

– янги фан, илмий техника соҳасида тадқиқотлар олиб бориш ва ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун ва бошқалар.

Кредит муносабатларининг субъектлари ва объектига, фоиз ставкасига ва кредитнинг ҳаракат доирасига қараб, кредитнинг қуйидаги мустақил шакллари амалиётда қўлланилиши мумкин. Булар банк кредити, тижорат кредити, истеъмол кредити, давлат кредити, халқаро кредит. Амалиётда кредитнинг ҳар бир шакли ҳам ўзига хос хусусиятларига кўра бир неча бўлакларга бўлиниши мумкин.

Банк кредити. Иқтисодиётда кенг тарқалган кредит муносабатларининг шаклларидан биридир. Унинг объекти пул маблағларини бевосита ссудага бериш жараёни ҳисобланади. Банк кредитини берувчи кредит муассасалари кредитлаш жараёнини амалга ошириш учун Марказий банкдан махсус лицензия (рухсатнома) олган бўлишлари зарур. Қарз олувчи сифатида юридик шахслар, аҳоли, давлат, хорижий давлат мижозлари иштирок қилишлари мумкин. Кредит муносабатларининг воситаси бўлиб, кредит шартнома ёки кредит келишуви ҳисобланади. Бу кредит тури бўйича олинадиган даромад

ёки ставка томонлар билан келишилади ва банк фоизи ёки ссуда фоизи кўринишида бўлади.

Жаҳон амалиётида банк кредитидан фойдаланишда унинг турли хил хусусиятлари ҳисобга олинади.

Қисқа муддатли банк кредитлари қарз олувчи корхонанинг хўжалик фаолиятида айланма маблағлар етишмовчилигини тўлдириш учун қўлланилади. Бозор иқтисодиёти тамойилларига мос келувчи бундай жараённинг бўлиши ссуда капитали бозорида мустақил сегмент пул бозорининг юзага келишига олиб келади. Қисқа муддатли кредитлар фонд бозорида, савдо ва хизматлар кўрсатишда, банклараро кредитлаш режимида кўпроқ қўлланилади.

Ҳозирги шароитда қисқа муддатли кредитлар қуйидаги кўрсаткичлар билан характерланади:

– кредитларнинг жуда қисқа муддатларга (баъзида бир ойгача муддатга) берилиши;

– кредитнинг муддати ва фоиз ставкасининг бир-бирига тескари пропорционал (кредитнинг муддати жуда қисқа бўлса-да, фоиз ставкаси жуда юқори) бўлиши;

– ишлаб чиқариш соҳасидан кўпроқ муомала соҳасига хизмат кўрсатиш.

Ҳозирги вақтда бир йил муддатга бериладиган кредитлардан тижорат характеридаги фаолиятни амалга ошириш, аграр секторда ва инвестицияларни талаб қилувчи инновацион жараёнларни кредитлашда кенг фойдаланилмоқда.

Узоқ муддатли кредитлар асосий фондлар ҳаракатини таъминлайди ва улар кредит ресурсларнинг катта ҳажми билан ажралиб туради. Узоқ муддатли кредитлар 1 йилдан ортиқ муддатга, давлат томонидан тегишли молиявий кафолатларни олган ҳолда, кредитнинг муддати 10 йил ва ундан ортиқ муддатга узайтирилиши мумкин.

Қарзни тўлаш усули. Қарздор томонидан тўлиқ суммада тўланадиган кредитлар. Бу усул қисқа муддатли кредитларни қайтаришнинг анъанавий усули ҳисобланиб, ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилиши жуда содда механизмга эга бўлади, чунки бу усулда табақалаштирилган фоиз ставкасини ҳисоблаш механизмини қўллаш талаб қилинмайди.

Кредитни тўлашда кредит шартномасида кўрсатилган муддат давомида бўлиб тўланадиган кредитлар бўлиши мумкин. Қарзни тўлашнинг бу усулида кредитни қайтаришнинг аниқ шарт-лари кредит шартномада келтирилган бўлади. Кредитни бўлиб - бўлиб

тўлаш усули кўпинча узоқ муддатли кредитларни тўлашда ишлатилади.

Кредит бўйича фоизни ундириб олиш усули Амалиётда олинган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини тўлашнинг бир неча хил усуллари мавжуд:

* Кредитни тўлаш муддати келганда, фоиз ставкасини ҳам қў-шиб тўлаш усули. Бу усул бозор иқтисоди яхши тараққий қилган мамлакатларнинг хўжалик ташкилотлари фаолиятида кенг қўл-ланиладиган анъанавий усул бўлиб, у ҳисоб-китоб характери жиҳа-тидан оддий бўлади. Бу усул кўпроқ қисқа муддатли ссудаларни тўлашда қўлланилади.

* Кредит шартномасида кўрсатилган муддат давомида бир текис-да қарз олувчи томонидан тўланадиган кредит бўйича фоизни ундри-риб олиш усули. Амалиётда бу усул узоқ муддатли кредитларни тўлашда қўлланиладиган аньанавий усулдир ва томонлар келишган ҳолда кредит бўйича фоизларни тўлашга ҳар хил ёндашишлари мумкин. Масалан, кредит узоқ муддатга берилган бўлса, кредит бўйича фоиз ставкасини тўлашни кредитдан фойдаланиб бошлагани-дан бир ёки икки йил ўтгандан кейин белгилаб бериш мумкин.

* Қарз олувчига кредит берилаётган вақтда кредит учун тўлана-диган фоиз бевосита банк томонидан ушлаб қолинадиган кредитлар. Кредит учун фоиз ставкасини бу усулда тўлаш ривожланган бозор иқтисодиёти шароитига мос келмайди ва у учун характерли эмас. Бу усул фақат судхўрлик капиталида ишлатилади. Мамлакатда иқтисодий ҳолат нобарқарор бўлганида банклар қисқа муддатли кредитлашни ва кредитлар бўйича фоизлар тўлашни шу усулда олиб борганлари улар учун қулай ҳисобланади ва амалиётда шу усулдан кенг фойдаланадилар.

Таъминланганликнинг мавжудлиги. Ишончли кредитлар ва уларнинг қайтарилишини таъминловчи бирдан-бир гаров шакли бевосита кредит шартномаси ҳисобланади. Кредит шартномаси шартларининг бажарилишини кредит таъминланганлигининг шарти сифатида қабул қилиш, хорижий банклар томонидан чекланган ҳажмда, ишончга сазовор бўлган доимий мижозларни қисқа муддатли кредитлаш жараёнида қўлланилади. Узоқ муддатли кредитлашда ҳам берилган кредитларни суғурта қилиш шарти билан истисно тариқасида қўлланилиши мумкин. Одатда, суғурта қилиш, қарз олувчи ҳисобидан амалга оширилади. Бизнинг амалиё-тимизда бу

баьзи ҳолларда тижорат банклари томонидан ўз шўъба-ларини ва муассасаларини кредитлашда қўлланилиши мумкин.

Яхши таъминланган кредитлар. Бундай кредитлар замонавий банк кредитининг асосий тури сифатида таъминланган ссудалар ҳисобланади. Таъминланганлик сифатида қарз олувчининг ҳар хил шаклдаги мулки, кўпроқ - кўчмас мулки ва унинг ихтиёридаги қимматли қоғозлар, бошқа мулк шакллари бўлиши мумкин. Қарз олувчи ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолларда таъминланганлик асоси бўлган мулк банк ихтиёрига ўтади ва банк уни сотиб етказилган зарарларни қоплаш ҳуқуқига эга бўлади. Банк томонидан берилаётган кредит миқдори таклиф этилаётган таъминланганликнинг ўртача бозор нархидан паст бўлади ва мулк баҳоси томонларнинг келишуви натижасида аниқланади.

Кредитнинг таъминланганлиги учун қабул қилинадиган мулк тез сотиладиган, олдин бирор мажбурият бўйича гаровга қўйилмаган, корхонага тегишли бўлган мулк бўлиши керак.

Учинчи шахснинг молиявий кафолати ёки кафиллиги билан бериладиган ссудалар. Кредит бошқа бир ташкилотнинг кафолати асосида берилади. Кафолат берувчи корхона ёки муассаса, агар қарз олувчи кредит шартномасида кўрсатилган шартларни вақтида бажармаса, шу туфайли банк кўрган зарарларни қоплашга кафиллик беради ва фаолият давомида ҳақиқатда шундай аҳвол рўй берса ўз маблағлари ҳисобидан зарарни қоплаб беради. Молиявий кафиллик берувчи томон сифатида юридик шахслар, шунингдек турли даражадаги давлат ҳокимияти органлари иштирок қилишлари мумкин.

Банк кредитининг мақсадлилиги. Жаҳон амалиётида умумий бирор эҳтиёжни қоплаш учун ишлатиладиган кредитлар мавжуд. Бунда банк томонидан бериладиган кредитлар қарз олувчининг молиявий ресурсларга бўлган турли эҳтиёжларини қондириш учун ўз ихтиёри бўйича ишлатилади. Ҳозирги шароитда улар қисқа муддатли кредитлаш соҳасида чекланган тарзда қўлланилади, ўрта ва узоқ муддатли кредитлашда умуман қўлланилмайди. Бизнинг амалиётимизда банклар томонидан бирор мақсадни амалга ошириш учунгина кредитлар берилади.

Кредитнинг қайси мақсад учун берилаётганлиги кредит шартномасида кўрсатилади ва банк томонидан берилган ресурслар қарз олувчи томонидан фақатгина шартномада кўрсатилган масалани ҳал этиш учун ишлатилади. (масалан, олинаётган товарлар бўйича ҳисоблашиш, иш ҳақи тўлаш ва ҳ.к. учун) Қарз олувчи томонидан кўр-

сатилган мажбуриятларнинг бузилишида битимда кўрсатилган жарималар қўлланилади.

Қарз олувчиларнинг категориялари. Ўзининг фаолият доирасига қараб, қарз олувчи корхона ва ташкилотлар бир неча гуруҳларга бўлиниши мумкин. Масалан, аграр соҳада кредит олувчилар. Бу соҳанинг бўлиши – махсус кредит муасасалари - агробанкларнинг, кейинчалик қишлоқ хўжалиги соҳаларига хизмат кўрсатувчи бошқа банклар Пахтабанк, Ғаллабанк ва бошқа шу турдаги банкларнинг ташкил топишини белгилаб берувчи асос ҳисобланади. Бу банклар фаолиятининг ўзига хос хусусияти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган мавсумийликни эътиборга олган ҳолда кредитлаш ҳисобланади.

Тижорат соҳаси учун кредитлар бериш. Бу соҳа бўйича кредитлар савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатувчи хўжалик субъектларига берилади. Бу кредитлар тез айланиб келиш хусусиятига эга бўлиб, тижоратчилар эҳтиёжини қондиришда катта аҳамиятга эгадир.

Банк томонидан кредитлар қимматли қоғозлар бўйича олди-сотди операцияларини амалга оширувчи, фонд биржаси воситачилари: брокер, маклер, дилер фирмаларига берилади.

Кўчмас мулк учун ипотека кредитлари берилиши мумкин. Улар ҳам оддий, ҳам ихтисослашган ипотека банклари томонидан берилади. Бу ҳозирда хориж амалиётида кенг тарқалган бўлиб, ҳатто баъзи манбаларда кредитнинг алоҳида шакли сифатида намоён бўлади. Бизнинг амалиётимизда эса бу фақатгина 1996 йилдан бошлаб кенг тарқала бошлади. Хусусийлаштириш жараёнининг ривожлани-ши, мулкка эгалик асосларининг қонунлаштирилиши ипотека кредитини янада равнақ топишига олиб келди.

Банклараро кредитлар – банк кредитининг кенг тарқалган шаклардан бири. Банклараро кредитнинг жорий ставкаси маълум бир тижорат банкнинг бошқа турлардаги ссудалар бериш сиёсатини аниқлаб берувчи муҳим омил ҳисобланади. Бу меъёрнинг аниқ миқдори (ҳисоб ставкаси) Марказий банк томонидан белгиланади.

Тижорат кредити. Иқтисодиётда кредит муносабатларининг вужудга келишининг биринчи шаклларидан бўлиб, вексель муомаласини вужудга келтирган ва нақд пулсиз ҳисоб китобларнинг ривожланишига ёрдам берган. Тижорат кредитининг субъектлари сифатида юридик шахслар: мол етказиб берувчи ва мол сотиб олувчи корхоналар, кредитнинг объекти сифатида сотилаётган товар иштирок қила-

ди. Тижорат кредити ўзининг амалий кўринишини ҳуқуқий шахслар ўртасида товар ва хизматларнинг тўлов муддатини чўзиш орқали сотиш шаклидаги молия хўжалик муносабатларида топади. Бу кредит шаклининг асосий мақсади товарларни сотишни тезлаштириш ва шу орқали фойда олишдан иборат.

Тижорат кредитнинг анъанавий воситаси бўлиб, қарз олувчининг қарз берувчига нисбатан молиявий мажбуриятларини акс эттирувчи вексель ҳисобланади. вексель бу қарз мажбурияти бўлиб, қарз олувчи ўз зиммасига қарзни кўрсатилган суммада, кўрсатилган жойда, белгиланган муддатда тўлаш мажбуриятини олади.

Амалиётда векселнинг икки тури қўлланилади. Оддий ва ўтказ-ма вексел. Оддий векселни қарз олувчи корхона қарз берувчи корхо-нага беради ва товарлар ҳамда кўрсатилган хизматлар учун унга тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Ўтказма векселда кредитор томонидан белгиланган товар ва хиз-матлар суммаси унинг топшириғига асосан учинчи шахсга ёки векселни кўрсатувчига ўтказилиши зарур. Кредиторнинг векселда кўрсатилган суммани учинчи шахсга тўлаш тўғрисидаги буйруғини ифодаловчи ҳужжат амалиётда тратта деб ҳам юритилади.

Тижорат кредити банк кредитидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

1. Кредитор (қарз берувчи) ролида махсус кредит-молия таш-килотлари эмас, балки товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳамда сотиш билан шуғулланувчи турли юридик шахслар иштирок қилади.

2. Тижорат кредити фақатгина товар шаклида берилади.

3. Тижорат кредитида ссуда капитали, саноат ва савдо капитали билан интеграциялашган ҳолда ҳаракат қилади. Бу бозор иқтисодиёти шароитда турли ихтисосдаги ва фаолият йўналишдаги корхоналарни ўз ичига олувчи холдинг, молиявий компанияларнинг вужудга келишида ўз аксини топади.

4. Берилган вақт оралиғида тижорат кредитининг ўртача қиймати доимо банк фоизининг ўртача ставкасидан кичик бўлади.

5. Қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги шартнома ҳуқуқий расмийлаштирилганда тижорат кредити бўйича тўлов (фоиз ставка-си) алоҳида аниқланмайди. Фоиз тўлови товар баҳосига қўшилган ҳолда расмийлаштирилади.

Хорижий мамлакатлар амалиётида тижорат кредити кенг тарқал-ган. МДҲ давлатлари банк амалиётида тижорат кредити қўлланил-майди. Собиқ иттифоқ даврида кредит муносабатларининг ривож-

ланишига назар соладиган бўлсак, 1930-32 йиллардаги кредит ислоҳотигача амалиётда тижорат кредитидан фойдаланилган. Бу кредит товарлар ишлаб чиқаришнинг мўл-кўлчилиги шароитида товарларни сотиш жараёнини тезлаштиришда қулай ҳисобланади. Ўтган асрнинг 30- йилларда кредитнинг бу шаклидан фойдаланишда маьлум камчиликларга йўл қўйилгани учун кредит ислоҳоти ўтказиш давомида бу кредитдан фойдаланиш бекор қилинди ва хўжаликлар тўғридан-тўғри банк томонидан кредитлашга ўтказилган.

Ҳозирги шароитда жаҳон амалиётида тижорат кредитнинг, асосан 3 тури қўлланилади:

* қайд қилинган тўлов муддати бўйича кредит;
* товарларни сотгандан кейингина қарзни тўлаш бўйича кредит;
* очиқ ҳисобварақ бўйича кредитлаш.

Бунда тижорат кредити шартлари бўйича, кейинги товар партиясини жўнатиш, олдинги жўнатилган товарлар бўйича қарзларни тўлаш муддатигача амалга оширилиши зарур.

Корхоналар томонидан тижорат кредитидан фойдаланиш улар томонидан банк кредитидан фойдаланишни инкор қилмайди. Тижорат кредити банк кредитидан фарқ қилса-да, уларнинг ҳаракати бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиши мумкин. Корхоналар тижорат кредитидан фойдаланганда, банк кредити корхона фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир қиладиган кредит сифатида намоён бўла олмайди. Тижорат кредитида корхоналарнинг ҳисоб рақамларида маблағлари бўлмаган шароитда корхоналар товарларни кредитга сотиб оладилар. Шунинг учун истеъмолчи корхоналар банк кредитига эҳтиёж сезмаслиги мумкин. Айни вақтда мол сотувчи корхона фаолиятида товарларини кредитга сотганлиги учун маблағга муҳтожлик сезилиши мумкин. Мана шу шароитда мол етказиб берувчи корхона пул маблағларга бўлган эҳтиёжини қоплаш мақсадида кредит олиш учун банкга мурожаат қилиши мумкин. Бу ҳол, ўтган асрнинг 30-йиллар амалиётида банк томонидан эгри кредитлаш деб юритилган. Эгри кредитлаш деб юритилишининг сабаби шундаки, кредитни ҳақиқатда маблағи етарли бўлмаган корхона, мол сотиб олувчи корхона оли-ши зарур эди. Мол сотиб олувчининг хўжалик фаолиятидаги маблағ-лар етишмовчилиги мол етказиб берувчига банк томонидан кредит бериш йўли билан қопланган.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни ҳисобга олмаган ҳолда тижорат кредити товарлар сотиш жараёнини тезлаштиришда ва

корхоналарнинг айланма маблағларини хўжалик фаолиятидан тезроқ бўшашини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Истеъмол кредити. Истеъмол кредити ўзининг мақсади билан кредитнинг бошқа шаклларидан фарқ қилади. Унинг фарқли белгиси жисмоний шахсларни кредитлаш ҳисобланади. Кредитнинг бу шаклида кредит берувчи сифатида махсус кредит муассасалари билан бирга товар ва хизматларни сотишни амалга оширадиган жисмоний шахслар ҳам бўлиши мумкин.

Истеъмол кредити икки шаклда: пул шаклида ёки товар шаклида берилиши мумкин. Жисмоний шахсларга кўчмас мулкка эгалик қилиш учун, қиммат бўлган даволанишни тўлаш, ҳар хил товарлар ва уй жиҳозлари сотиб олиш ва бошқа эҳтиёжларни қондириш учун истеъмол кредитлари берилиши мумкин. Пул шаклида истеъмол кредити банклар томонидан, товар шаклида эса товарлар чакана савдоси жараёнида тўлов муддатини чўзиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистонда ҳозирги кунларда уй-жой сотиб олиш, уй-жой қуриш учун пул шаклидаги, узоқ муддатли истеъмол кредити ва товар шаклида автомобиль кредит берилмоқда.

Давлат кредити. Кредитнинг бу шаклининг асосий хусусияти кредит муносабатларида давлатнинг қатнашувидир. Давлат кредитида давлат бир томондан қарз берувчи ва иккинчи томондан қарз олувчи сифатида иштирок қилиши мумкин. Қарз берувчи вазифасини бажара туриб, давлат, давлат кредит институтлари, жумладан, Марказий банк орқали иқтисодиётнинг ҳар хил соҳаларини кредитлашни ўз зиммасига олади. Давлат томонидан:

– иқтисодиётнинг устувор тармоқларини кредитлаш;

– молиявий ресурсларга эҳтиёж сезаётган давлат аҳамиятига эга бўлган аниқ тармоқ ёки минтақаларга, агар бюджетдан молиялаштириш имконияти тугаган бўлса, вақтинча фойдаланишга маблағ ажратилиши мумкин.

Ундан ташқари, тижорат банкларига банкларараро кредитлар бозорида кредит ресурсларни ким ошди савдоси йўли билан ёки тўғридан-тўғри сотиш жараёнида давлат томонидан маблағлар вақтинча фойдаланишга берилиши мумкин.

Давлатнинг қарзлари кўпайган ҳолларда давлат бюджети камомадини молиялаштириш мақсадида, давлат қарз олувчи сифатида, давлат қарзларини жойлаштириш жараёнини амалга оширади.

Давлат кредитининг характерли хусусияти шундаки, давлат томонидан олинган қарз маблағлар ишлаб чиқариш фондлари айланишида ёки моддий бойликлар яратишда иштирок қилмайди. Бу маблағлар давлат қарзларини қоплаш учун ишлатилади.

Давлат хазина мажбуриятларини чиқариш, молия бозорларида давлат қимматли қоғозларини жойлаштириш, давлат заёмларини чиқариш ва сотиш йўли билан банклар аҳолининг ва бошқа молия - кредит институтларининг пул маблағларини йиғади ва уларни давлат қарзи ва бюджет камомадини қоплашга (молиялаштиришга) сарфлайди.

Шуни таъкидлаш зарурки, ўтиш даврида давлат кредити фақатгина молиявий ресурсларни жалб қилиш манбаи сифатида эмас, балки иқтисодни марказлашган кредит тизими орқали тартибга солишнинг самарали воситаси сифатида ишлатилиши керак.

Халқаро кредит. Кредит муносабатларининг халқаро миқёсда (давлатлар ўртасида) амалга оширилиши халқаро кредитнинг юзага келишига олиб келади. Халқаро кредитга халқаро миқёсда харакат қилувчи кредит муносабатлари тўплаши сифатида қараш зарур. Кредитнинг бу шаклини бевосита иштирокчилари миллатлараро молия-кредит институтлари, тегишли давлат ҳокимияти, кредит ташкилотлари ва алоҳида юридик шахслар бўлиши мумкин.

Халқаро кредит бир давлат, шу давлат банки, юридик шахси томонидан иккинчи бир давлатга, унинг банкларига, бошқа юридик шахсларига муддатлилик ва тўловлилик асосида бериладиган кредит ҳисобланади.

Халқаро кредит давлат ва халқаро институтлар иштирок этган муносабатларда пул (валюта) шаклида, ташқи савдо фаолиятида эса товар шаклида бўлиши мумкин.

Халқаро кредит қуйидаги хусусиятлари билан характерланади:

– қарз олувчи ва қарз берувчи сифатида давлат ташкилоти ва муассасалари, банклар, компаниялар, халқаро валюта-кредит ташкилотлари қатнашадилар;

– қарзга олинган маблағлар қарз олувчи мамлакат томонидан даромад келтирувчи капитал сифатида ишлатилади;

– қарз берувчи мамлакатга тўланадиган ссуда фоизининг манбаси қарз олувчи мамлакат аҳолиси томонидан яратилган миллий даро-мад ҳисобланади.

Халқаро кредит маҳаллий кредит билан бир қаторда фондлар айланишининг барча босқичларида қатнашади.

Халқаро кредит халқаро иқтисодий муносабатлар доирасида қуйидаги функцияларни бажаради:

* мамлакатлар ўртасида капиталнинг қайта тақсимланишини таъминлайди;

* капиталнинг концентрациялашувига ва марказлашувига шароит яратади ва бу жараённи тезлаштиради;

* ҳар хил валюталарда халқаро ҳисоб-китобларни олиб боришда муомала харажатларини қисқартиради.

Халқаро кредитлар характери бўйича – давлатлараро, хусусий, фирма кредитларига;

– шакли бўйича – давлат, банк, тижорат;

– ташқи савдо тизимида тутган ўрни бўйича – экспортни кредитлаш, импортни кредитлашга;

– муддати бўйича – қисқа муддатли-1 йилгача, узоқ муддатли -5 йилдан ортиқ муддатга;

– объекти бўйича – товар ва валюта;

– таъминланганлиги бўйича – товар-моддий бойликлар билан ёки ҳужжатлар билан таъминланган кредитларга бўлинади.

Товар шаклида бериладиган халқаро кредит ёки фирма кредитлари тижорат кредитининг халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида қўлланилиши ҳисобланади ва бир мамлакат фирмасининг товари иккинчи мамлакат фирмасига кредитга - тўлов муддати кечиктирилиб сотилади. Бу жараён, одатда, тратта (ўтказма вексель) билан расмийлаштирилади. Экспортни кредитлашда давлат томонидан субсидия ажратилганлиги учун фирма кредитлари бўйича фоиз ставкалари, одатда, фоиз ставкаларининг бозор баҳосидан паст бўлади.

Халқаро банк кредитларининг банк экспорт кредитлари (хорижий импорт қилувчиларга хусусий тижорат банклари, махсус ташқи савдо банк-лари томонидан бериладиган кредит), еврокредит (йирик тижорат банклари томонидан евровалюта бозори ресурслари ҳисобидан евро-валютада, 2 йилдан 10 йилгача бўлган муддатга, ўзгарувчан фоиз ставкада кредитлар бериш) каби турлари мавжуд.

Халқаро давлат кредити икки томонлама келишув асосида ривожланган мамлакатлар томонидан ривожланаётган мамлакатларга товар ёки валюта шаклида, фоиз тўлаш ёки фоиз тўламаслик шарти билан, узоқ ёки қисқа муддатга берилади.

Халқаро валюта - кредит ташкилотларининг кредитлари қисқа муддатли – 1 йилгача (халқаро валюта фондининг кредитлари), ўрта муддатли – 5 йилгача (Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки) ва узоқ

муддатли – 20 йилгача (Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва бошқалар) кредитлар бериши мумкин. Халқаро валюта-кредит ташкилотларидан олинган кредитлар хусусий тижорат банкларидан олинган кредитлардан (бу кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси йилига 7-9% ни ташкил қилади) арзонга тушади.

Судхўрлик кредити. Кредитнинг ўзига хос шакли. Хорижда бу тарихан кенг тарқалган кредит ҳисобланади. Амалда судхўрлик кредити Марказий банк томонидан тегишли лицензияга эга бўлмаган жисмоний шахслар, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маблағларни вақтинча фойдаланишга бериш йўли билан амалга оширилади. Судхўрлик кредити ссуда фоизининг юқори ставкаси билан характерланади (120-180%). Миллий кредит тизими инфраструктураси ривожланиши ва ҳамма турдаги потенциал қарз олувчиларга кредит ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш натижасида судхўрлик кредити ссуда капитали бозоридан йўқолади.

5-§. Кредит ва унинг бозор иқтисодиётидаги аҳамияти

Кредитнинг аҳамияти унинг моҳияти ва функциялари орқали аниқланади.

Кредитнинг аҳамиятини кредитни интенсификациялаш дастаги ва рағбатлантирувчиси, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда бажарадиган функцияларининг натижаси сифатида аниқлаштириш мумкин.

Кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштиради ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайди.

Корхоналарга бериладиган кредит уларнинг вақтинчалик молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондиради ва такрор ишлаб чиқариш жараёнини узлуксиз давом этишини таъминлайди.

Пул маблағларига эҳтиёж ишлаб чиқаришнинг нафақат мавсу-мий, шунингдек, бошқа сабабларига ҳам боғлиқ. Барча ҳолларда кредитни жалб этиш асосий ва айланма фондларининг узлуксиз- доиравий айланишини, ишлаб чиқариш жараёни ва товарлар муома-ласини тезлаштиришни таъминлайди.

Бошқа иқтисодий категориялар сингари кредит маҳсулот ишлаб чиқариш ва муомала соҳасини рағбатлантиради. Шунингдек, кредит ижтимоий-иқтисодий мақсадларни амалга оширишга, иқтисодий вазифаларни бажаришга муҳим таъсир кўрсатади.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни интенсификациялаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муаммолари ечилаётган бир

даврда кредитнинг илмий-техник ютуқларни ишлаб чиқаришга жалб этишдаги аҳамияти ортиб бормоқда.

Кредитнинг илмий-техника тараққиётига ижобий таъсири жаҳон талабларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат харажатларини камайтириш, меҳнат унумдорлигини сезиларли даражада оширишга имкон берувчи янги техника ва технологияларни киритиш жараёнларини имтиёзли кредитлашда кўринмоқда.

Ҳозирги кунда кўпгина корхоналарда чуқур таркибий ўзгаришлар туфайли ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни янги техник асосдаги асосий фондлар билан таъминлаш эҳтиёжини қондира олмайди. Бундай шароитда корхоналар техник қайта қуролланиш учун кредитга эҳтиёж сезади. Бундан кўриниб турибдики, кредитни пайдо бўлиш шарт-шароитларига нафақат унга бўлган эҳтиёж, шунингдек, бўш пул маблағларининг мавжудлиги, уларни вақтинчалик фойдаланишга бериш имкониятига боғлиқ.

Кредит технологик жараёнларни такомиллаштириш, асбоб-ускуналарни модернизация қилиш, асосий фондлар паркини янги машиналар билан таъминлаш асосида, минимал капитал харажатлар ҳисобига халқ хўжалигига керак маҳсулотнинг ҳажмини оширишда корхоналарнинг самарали йўлларни танлашида уларга иқтисодий туртки берувчи воситадир.

Самарали тадбирларни амалга ошириш учун бериладиган кредит фонд қайтими ва капитал харажатлар самарадорлигини оширишга, асосий фондлар структурасини яхшилашга ва ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга туширишга ёрдам беради.

Кредитнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини оширишга таъсири фондлар ва меҳнат унумдорлигини қиймат шакллари ўсиш суръатларини бир-бирига муносабатини ифодалайди ва ўз навбатида, ишлаб чиқариш фондлари самарадорлиги даражасини характерлайди.

Кредит шундай ишлаб чиқариш воситалари сотиб олиш ва киритишга ишлатилиши керакки, бунда бу воситалар асосида меҳнат унумдорлигини ва меҳнатнинг фонд билан қуролланиш даражалари ошсин.

Кредитнинг муҳим вазифаси соф даромадни ишлатишда воситачилик механизмини таъминлашдан иборат. Соф даромадни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш мақсадларида ишлатиш учун аввал уни пул кўринишида жамғариш керак.

Кредитнинг ўрнини тўғри аниқлаш учун уни ишлатиш мақсадларини, шу жумладан, умумий ва хусусий мақсадларини ёритиш керак.

Кредитнинг умумий мақсади бу ижтимоий ишлаб чиқаришни динамик ва пропорционал ривожланиш асосида аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражасини ошишини таъминлайди.

Кредитнинг асосий мақсади ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг интенсив омилларини қўллаш асосида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдир.

Кредит давлатнинг иқтисодий дастакларидан бири сифатида бутун иқтисодиётнинг ривожланишига ва алоҳида корхона фаолия-тига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

Кредит ишлаб чиқаришга ижтимоий харажатларни иқтисод қилиш йўли билан таъсир этади.

Аммо кредит товар-моддий бойликлардаги жонли ёки буюмлашган меҳнатни бевосита иқтисод қила олмайди, чунки унинг ўзи ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этмайди.

Кредитнинг аҳамияти уни халқ хўжалигига таъсир этиш механизми ва йўналишида ифодаланган назарий тушунчадир.

Кредитнинг иқтисодиётни ва илмий техника тараққиётини ривожланишига таъсири уни хўжалик ҳисобини мустаҳкамланишидаги мавқеини оширади.

Хўжалик ҳисобида қарз олувчи юридик мустақил шахс сифатида кредитор билан кредит шартномаси туза олади.

Кредитнинг хўжалик ҳисобига таъсири қуйидагича амалга оширилади:

- қарз мақсадли йўналишига эга бўлади;
- қарзни қайтариб бериш ва муайян тўлов тўлаш мажбурияти қарз олувчини олинган қарзни самарали ишлатишга ундайди.

Кредитнинг ҳозирги шароитдаги мавқеини ошириш учун банклар кредит ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашлари, ликвидлик қобилиятига эга бўлмаган захиралар ва харажатларга кредитлар бермасликлари, кредитни муомала харажатларини иқтисод қилишда кенг қўллашни ҳисобга олишлари зарур.

Халқаро иқтисодий алоқалар доирасида кредитнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республикамиз халқаро иқтисодий муносабатлар доирасига кириб бормоқда ва бунда кредит ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кредит мамлакатлараро ўзаро ҳамкорликларни амалга ошириш-да, хусусан қўшма корхоналар қуришда ва уларнинг фаолиятини таминлашда муҳим ўрин тутади.

Республикамизнинг ички кредит тизимида кредитнинг аҳамияти янада муҳимроқ бўлиб кўринади.

Буни республикамизнинг кредит тизимига тааллуқли қонунлар, қарорлар, меъёрий ҳужжатлари орқали кўриш мумкин.

Республикамизнинг «Корхоналар тўғрисидаги қонун»ида, «Фермер хўжаликларига кредит бериш ва улар билан ҳисоб-китоб қилиш қоидалари», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонуни ва бошқа шунга оид қонунлар давлатимиз олиб бораётган пул-кредит сиёсатини ривожлантириш истиқболларини белгилашда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

6-§. Ссуда капитали жаҳон бозори (СКЖБ) ҳақида тушунча ва унинг эволюцияси

Ссуда капиталининг жаҳон бозори (СКЖБ)нинг моҳиятини тушуниш учун уни кенг ва тор маънода кўриб чиқамиз. Тор маънода СКЖБ деганда – халқаро кредит операциялари рўй берадиган бозор ёки ссуда капиталининг халқаро бозори тушунилади. У ўз ичига чет эл кредитлари ва заёмлар бозорини олади. Бу бозор, ўз навбатида, ссуда капитали (СК) миллий бозоридаги халқаро операцияларини келтириб чиқаради. Евровалюта бозори ёки евробозор бу чет эл валютасида мамлакат ташқарисида нақд пулсиз депозит – ссуда операциялари рўй берадиган бозордир. Евровалюта операциялари СКЖ бозорини деярли қамраб олганлиги туфайли баъзи адабиётларда СКЖБ синоними сифатида евробозор тушунчаси ҳам ишлатилади. (Баъзи бир маълумотларга қараганда СКЖБ даги 70-90% операциялар евровалюта операцияларига тўғри келади). Кенг маънода СКЖБ деганда ссуда капиталининг жаҳон миқёсида тақсимланиши ва кайта тақсимланишининг иқтисодий механизми тушунилади. Яъни бу жараён ссуда капитали миллий бозорини ва евробозорни мувофиқлаштиришга асос бўлади.

СКЖБ эволюцияси жаҳон иқтисодиётининг байналминалла-шув жараёни динамикасида ўз аксини топади. Бу ривожланиш босқичларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Биринчи босқич ривожланишининг монопол даражаси, СКЖБ кўп тарқалган СК миллий бозорларининг мувофиқлашуви сифатида кўринган.

Иккинчи босқич, юқори ривожланиш даврида хўжалик алоқаларинишш байналминаллашуви ва халқаро кредитнинг ривожланиши асосида СКЖБ шаклланади. Дастлаб халқаро кредитнинг ривожланиши миллий бозорларда фақат халқаро операциялар шаклида намоён бўлган. Аста-секин йирик бозорлар (Лондон, Париж, Нъю-Йоркда) жаҳон молия марказларига айланади. Бу молия марказларида ўтказилган операциялар жаҳон бозорининг иккинчи секторини шакллантирди. Бу марказлар оффшоринг. Off-shove – мамлакат ташқарисида маълум бир масофада жойлашган. Жаҳон молия марказларига банклар ва кредит-молия институтлари жамланган. Халқаро кредит олтин ва чет эл валютасида операциялар олиб борадиган бу муассасалар СКЖБ нинг ташкилий марказлари бўлиб қолди. 1929-1933 йилларда жаҳон иқтисодий таназзули, ундан кейин депрессия ва II Жаҳон уруши даврида ташқи савдо ҳажми шунингдек, жаҳон марказларида ҳам, миллий бозорда ҳам халқаро операцияларнинг сони қисқариб борди. Кейинги босқичларда СКЖБнинг ривожланишининг 50-йиллардаги евробозорнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Валюта муносабатларини олиб боришда валюта чекловларининг юзага келиши ва СК миллий бозорлари орасидаги фарқланиш мавжудлиги шароитида халқаро молия капиталининг ҳаракати ва ривожланиши ягона, миллий давлат бошқарувидан устунроқ бошқарилувчи бозорни талаб қилди. Евробозор шундай бозор сифатида вужудга келди. У миллий бозорлар ўртасида ўзига хос фаолият олиб борувчи воситачи ҳисобланади. Чунки бунда операциялар миллий давлат ташкилотлари томонидан бошқарилмайди. Евробозорлар дастлаб евродоллар бозори шаклида ривожлана борди. Евродолларнинг пайдо бўлиши долларнинг чет эл банкларида жамғарилишига ва уларнинг кредит операцияларда ишлатилишига олиб келди. 60-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб евробозор операциялари евромарка, евростерлинг еврофранклар каби бошқа валюталарда олиб борила бошланди. Евробозор таъсирида Европада йирик жаҳон молия марказлари вужудга келди. Лондонда, Цюрихда, Парижда ва бошқа ривожланган давлатларда молиявий марказлар пайдо бўлиб борди. «Евробозор» терминидаги евро қўшимчаси шу билан изоҳланади. 60- йиллар иқтисодиётининг яна бир хусусияти шундаки, бу даврда Америка доллар бозори пайдо бўлди, 70-йиллардан бошлаб эса, Яқин шарқ доллар бозори таркиб топди. Шунинг учун «евро» қўшимчаси ўзининг дастлабки географик чизимини йўқотди.

«Евровалюта» географик жиҳатдан нафақат Ғарбий Европа мамлакатларига, балки бундан ташқаридаги мамлакатларга ҳам тегишлидир. СКЖБ ривожланишининг замонавий босқичи 80-йиллардан бошланди. Бу даврга келиб байналминаллашув ва интеграциянинг чуқурлашуви СКЖБларида валюта чегараларининг сусайиши ёки бекор қилинишига, миллий кредит механизмининг мукаммаллашувига, миллий бозорлар орасидаги фарқларнинг камайишига олиб келди.

Энди, СКЖБнинг таркибини кўриб чиқадиган бўлсак у таркибий жиҳатдан 2 хил бўлиб, улар институционал ва операциондир. Институционал таркибий қисми расмий институтлар (марказий банклар, халқаро молия-кредит ташкилотлари), хусусий молия-кредит муассасалари (тижорат банклари, суғурта компаниялари. пенсия фондлари), биржалар, фирмаларни ўз ичига олади. Бу ерда трансмиллий банклар ва корпорациялар асосий ўрин тутади.

Ссуда капиталининг ҳаракат қилиш муддатига қараб халқаро бозор 3 секторга бўлинади. Жаҳон пул бозори, ўрта ва қисқа муддатли чет эл ва еврокредитлар бозори, ва молия бозори. Жаҳон пул бозори бу қисқа муддатли (1 кундан 3 ойгача) чет эл ва еврокредитлар бозори бўлиб, бу бозор операцияларининг аксарияти банклараро ссудалар ёки банклараро депозитларга асосланади. Бу депозитларни (банк депозитларини бошқа банклардаги счётларга қўйиш) депозит сертификатлари, векселлар, банк акцептлари ташкил қилади. Жаҳон бозорининг 2-секторида 70-йилларда операциялар сонининг кескин ўсиши револьвер кредит техникасининг ривожланиши билан боғлиқ. Бу даврдаги бозорни кўпинча синдикатлаш ёки синдикатлаштирилган бозори деб ҳам аталади. Банк синдикатлари синдикатлаштирилган асосда кредитлар таклиф қиладилар. СКЖБда 50-70-йиллар охирларида корпорациялар томонидан 3-6 ой муддатга «сузувчи» ставкаларда чиқараладиган қимматли қоғозлар-евроноталар тарқатилди. Евроноталар қисқа муддатли қоғозлар бўлишига қарамасдан улар ўрта ва узоқ муддатли кредит сифатида берилган. Банклар заём чиқарувчи (фирмалардан евроноталарни сотиб олиб уларни иккиламчи бозорда сотиш билан шуғулландилар.

Жаҳон молия бозори – облигация заёмлари бозори 80-(йиллар-дан бошлаб шакллана борди. Унинг пайдо бўлиши билан СКЖБ да 2 та параллел бозор фаолият кўрсата бошлади:

–анъанавий хорижий заёмлар бозори ва еврозаёмлар бозори.

90-йиллар бошларида жаҳондаги заёмларнинг 80%и евроза-ёмлар ҳиссасига тўғри келди. Еврозаёмларнинг асосий устунлиги шундаки, улар кредитор ва қарздорлар учун ҳам валюта заёми мавқеига эга бўлади. Заёмларнинг бу турлари Буюк Британия, АҚШ тарқалган. Яна бошқа бир фарқи анъанавий хорижий заёмлар бирор мамлакат миллий бозорида чиқарилса, еврозаёмлар эса бир пайтда бир неча давлатларда тарқатилади. Еврооблигация, одатда, 7 йилдан 15 йил муддатга чиқарилади. 80-йилларда 30 ва ҳатто 40 йил муддатли облигациялар чиқарилди. Асосий заём чиқарувчилар бўлиб, давлат, халқаро ташкилотлар маҳаллий ҳокимият органлари, давлат ташкилотлари фаолият кўрсатган. Еврозаёмлар, одатда, йирик банклар томонидан чиқарилган. Бу йирик банклар еврозаёмларни халқаро консорциумлар ва синдикат ташкилотлари сифатида чиқардилар. Консорциумлар фаолиятига банклар, ҳар хил молия-кредит институтлари: пенсия фондлари, суғурта ва инвестицион компанияларни жалб қилдилар. Жаҳон молия бозорида ҳар хил турдаги оддий ёки «доимий», «сузувчи» фоиз ставкали, ноль фоизли (купон билан), конвертирланган облигациялар кабилар амал қилади. Бу облигацияларнинг 60% ини оддий облигациялар ташкил қилади ва бу бўйича облигация эмитенти заём муддати тугагунча мустахкам (ўзгармас) фоиз тўлайди. «Сузувчи» ставкали облигациялар ставкаси ва даромади ҳам бозор фоизлари ўзгаришига боғлиқ ҳолда тебраниб туради.

Облигациялар бўйича сузувчи фоиз ставкалари Либор ставкасида ифодаланади. Ўзгарувчи ставкали облигациялар фарқли равишда индексацияланган фоизли облигациялар ҳисобланади. Бу облигациялар фоизи капитал бозоридаги фоиз ставкаларининг ўзгаришига эмас, балки маълум бир товар баҳоси индексига боғлиқ бўлади. Келишувга биноан бу облигациялар фоиз ставкалари у ёки бу товар баҳоси ўзгаришига қараб ўрнатилади. Масалан, 80-йилларда мис, нефть ёки олтин баҳосига асосланган бир неча облигациялар машҳур бўлган. Бунда «сузувчи» фоизли обигацияларнинг фоиз сгавкаси баҳоларга қараб ўзгариб туради ва маълум бир даражага етганда барқарор фойда келтира бошлайди ёки облигациянинг бошқача бир тури мустаҳкам (ўзгармас) фоизли облигация бўлиб, бунда облигация чиқарилганидан кейин биринчи беш йил давомида бир фоиздан маълум даражага етгунча даромад тўланган. Ноль купонли облигация ҳар йили эмас, балки фақат бир марта облигация қайта сотиб олинганида фоиз олиш имконини беради. Бу

облигацияларга фоиз уларнинг эмиссияси курси бўйича тўланади. Эмиссия баҳоси номинал баҳода амалга оширилиши туфайли облигация эгаси эмиссион ва номинал курс суммалари орасидаги фарқ миқдорида даромад олади. Бу облигациялар бўйича инвесторлар фойдадан солиқ тўлашдан озод қилиниши мумкин. Шу туфайли бу облигацияларга бўлган талаб юқоридир. Конвертирланадиган облигациялар 80-йилларда кенг тарқалди. Бу турдаги облигациялар камроқ фойда келтиради. Бу облигацияларнинг ижобий томони шундаки, агарда заём чиқарувчи компания акцияларига тўланадиган дивиденд облигация фоизидан катта бўлса, конвертирланадиган облигацияларни акцияга алмаштириб олишга имкон беради.

80-йилларда еврооблигация бозорида пайдо бўлган яна бир янгилик аукционли облигациялар жойлашувини таъминлаш, яъни инвесторга ҳар хил шартнома вариантларидан ўзига қулай бўлган турини танлаб олиш ҳуқуқини берган. Бу усулнинг моҳияти шундаки, олдиндан ўрнатилган баҳо бўйича облигация эгасига 1 троя унция олтин сотиб олиш имконини берувчи заём чиқарилади. Агар олтиннинг бозор баҳоси ўрнатилган баҳодан юқори бўлса, бундай облигацияни сотиб олиш қизиқиш уйғотади. Бошқа опционли облигациялар бир қимматли қоғозни бошқасига алмаштириш имконини беради. Масалан, облигацияни – акцияга, «сузувчи» ставкали облигацияни қатъий белгиланган ставкали облигацияга алмаштириш имконини бериш ва турли хил облигацияларни чиқариш шубҳасиз, инвестор ва кредиторларни жалб этади. Маблағларни еврозаём бозорига жалб этишда заём чиқарувчилар томонидан турли хил қимматли қоғозларни турли хил шартларда чиқаришга ёки облигацияларнинг кечиктириб сотиши ёрдам беради. Сотиб олувчи облигациянинг курс қийматини дастлаб бир қисмини тўлайди. Маълум вақтдан кейин қолган қисмини тўлайди.

80-йиллар ўрталарда СКЖБни қамраб олган «секьюритизация» нинг пайдо бўлиши билан облигациялар билан бўладиган операциялар сони кескин ошиб кетди ва банк операцияларининг сони қисқарди. Ривожланаётган мамлакатлар – Багами ороллари, Панама, Сингапур, Гонконг ва бошқа давлатлардаги халқаро молия марказлари нисбатан ёш ва янги халқаро молия-кредит бозорларидандир. Ривожланган мамлакатлардаги кредит-молия марказларининг шаклланиши ва кескин ўсиши СКЖБ ривожланишидаги қонуний босқичдир. Охирги йилларда дунё мамлакатларининг жаҳон хўжалиги структураси ва халқаро меҳнат

тақсимотига кириб келиши кенгаймоқда. Ривожланган мамлакатларнинг йирик трансмиллий банкларининг ривожланаётган мамлакатларда халқаро бизнес ва миллий банк капиталига хизмат кўрсатиш фаолиятини кенгайтириб юборди. Лотин Америкаси, Жануби-шарқий Осиё ва Яқин Шарқдаги ссуда капиталига бўлган таклиф бу ҳудудларда ташқи миллий минтақавий евробозорларнинг ривожланишига олиб келди. Уларнинг вужудга келиши туфайли капитал ҳақиқий глобал аҳамият касб этди. У ўз ичига ривожланган мамлакатлар, ривожланаётган мамлакатлар марказларини ва ўзаро тўлдирувчи ҳамда алмашинувчи минтақавий халқаро молия комплексларини олди. 70-йиллардан бошлаб халқаро молиявий марказларда халқаро молия-кредит фаолияти бўйича ихтисослашув бошланди. Ғарбий Европа доирасида Лондон, аввало, ўзининг евровалюта операциялари бозори, турли хил фондлари, олтин, фьючерс билетлари билан машҳурдир. Цюрих халқаро капиталлар, олтин бозори ва уни сақлаш жойи вазифасини бажаради. Люксембург ўзининг фонд биржалари ва узоқ муддатли заёмлар маркази сифатида машҳур. Шунга ўхшаш ҳолат бошқа минтақаларда ҳам юз берди. Сингапур бош фондларни жамлаш вазифасини бажарди. Гонконг халқаро кредитлаш маркази сифатида машҳур. Баҳрайн Яқин Шарқда қисқа муддатли кредитларнинг асосий маркази, шунингдек, валюта, олтин бозори маркази сифатида машҳур. Йирик халқаро суғурта маркази Бермунд ороллари ҳисобланади. Бу йирик марказлар кўпрок Лотин Америкаси давлатлари эҳтиёжларига хизмат қилишга йўналтирилган.

1. Халқаро кредитларнинг таснифланиши.

Халқаро кредит ссуда капиталининг халқаро иқтисодий алоқалардаги ҳаракатини ифодалайди. Халқаро кредит XIV-XV асрларда халқаро савдо муносабатлари негизида пайдо бўлган. Бу кредит қайтарувчанлик, муддатлилик, тўловлилик, таъминланганлик ва мақсадлилик тамойилларига асосланади.

Халқаро кредит шаклларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

– манбаларига кўра ички ва ташқи кредитлар;

– вазифасига кўра тижорат (ташқи савдо ва хизматлар билан бевосита боғлиқ), молиявий (тўғри капитал қўйиш, объектлар қурилишига, қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш, ташқи қарздорликни тугатиш, валюта интервенциясини ўтказишга), оралиқ (капитал чиқаришининг турига хизмат қилувчи);

– кўринишига кўра товарлар шаклида (экспорт қилувчи томонидан импорт қилувчига) валюта (банк томонидан пул шаклида) шаклида;

– валюта турига кўра қарздор мамлакат валютасида, кредитор мамлакат валютасида, учинчи мамлакат валютасида, маълум давлатлар пул бирлигида (ЭКЮ, ЕВЮ ва бошқалар);

– муддатига кўра жуда қисқа (кунлик, ҳафталик, 3 ойгача) қисқа (бир йилгача), ўрта (бир йилдан 5 йилгача), узоқ, (беш йилдан ошиқ) муддатли бўлиши мумкин. Қисқа ва ўрта муддатли кредитлар узайтирилганда улар давлат кафолати билан узоқ муддатли ҳисобланади;

– таъминланганлигига кўра таъминланган (товар ҳужжатлари, векселлар, қимматбаҳо қоғозлар, кўчмас мулк ва бошқалар билан), бланкали-қарздор жавобгарлиги (соло-вексель);

– таклиф этилиши нуқтаи назаридан нақд акцептли (траттани банк ёки импорт қилувчи томонидан акцептланганда), депозит сертификатли облигация заёмли кредитларга бўлинади:

Ссуда капиталининг ҳаракати мобайнида ташқи савдони кредитлаш жараёни амалга оширилади.

Ташқи савдони кредитлаш деганда экспорт ва импортни кредитлаш тушунилади. Экспортни кредитлаш қуйидаги шаклларда олиб борилади.

1) Харидор бўнаклари шаклида юзага келувчи кредит муносабатлар бўлиб, бунда харидор бўнаклари бирор бир мамлакатга ёки экспорт қилувчига берилади. Харидор бўнаклари мазмуни қуйидагича: биринчидан, улар хорижий буюртмачининг буюртмасини таъминлашнинг асоси сифатида хизмат қилади. Иккинчидан, бўнак суммаси экспорт қилувчи капиталининг салмоғини оширади.

2) Банк томонидан кредитлаш шаклларига кўра: экспорт қилувчи мамлакат гарови остида кредит бериш, импорт қилувчи мамлакатдан товар ҳужжатлари ёки товарларини гаровга олган ҳолда кредит бериш.

Банк билан анчадан бери бирга ишлаб келаётган ишончли йирик экспорт қилувчи фирмалар товарларни гаровга қўймасдан банк кредити олишлари мумкин.

Импортни кредитлаш ҳам тижорат ва банк кредити шаклида бўлади. Тижорат ёки фирма кредитлари 2 га бўлинади. Очиқ ҳисоб бўйича кредит (экспорт қилувчи юкланган товарларни импорт қилувчи қарзи сифатида унинг ҳисобига ёзиб қўяди, импорт қилувчи эса кредитни маълум бир муддатда тўлаш жавобгарлигини олади).

Бунда қарздорлик даврий тугатиб борилади. Товар ҳам, ўз навбатида, мунтазам жўнатилиб борилади. Бу ҳолатда банклар савдо контрагентлари ҳисоб-китобларида воситачи функциясини бажаради.

Харидорнинг тўловга лаёқатсизлик таваккалчилигини камайтириш учун ташқи савдога бериладиган кредитларни суғурталаш усуллари ишлаб чиқилган бўлиб, улар қуйидаги шаклларда бўлади. Хусусий суғурта, бунда махсус суғурта компаниялари хорижий импорт қилувчиларнинг тўловга лаёқатсизлик ҳолатида уларнинг қарзларини экспорт қилувчига тўлаш жавобгарлигини олади. Бу давлат кафолати шаклида бўлади ва таваккалчиликнинг олдини олишни давлат ўз зиммасига олади. Буюк Брианияда экспорт кредитларини кафолатлайдиган давлат департаменти мавжуд. У экспорт қилувчига тўланмаган кредитнинг 85- 100% ини қоплашни кафолатлайди. АҚШ да бу функцияни экспорт-импорт банки, Францияда ташқи савдо «Савдо учун француз суғурта» агентлиги, ГФРда «Гермес» акционерлик жамияти ва халқаро вазирлик қўмитаси (экспорт кредити бўйича) бажаради. Экспорт кредитини суғурталаш суғурта ташкилоти томонидан экспорт қилувчи хорижий харидорга кредитга сотган товарлари учун ўз вақтида тўлаш жавобгарлигига асосланади. Импорт қилувчи кредитни тўлай олмаганда, суғурта ташкилоти экспортга кафолатланган суммани қайтаради.

Вексель кредит – бунда экспорт қилувчи товарни кредитга сотиш битимини имзолаб, тратта (ўтказма вексель)ни импорт қилувчига тақдим этади. Охирида товар ҳужжатларини олган шахс траттани акцептлайди, яъни вексель суммасини кўрсатилган муддатда тўлаш жавобгарлигини олади. Кўпинча, Англосаксония давлатларида фирма кредитларининг ҳисоб-китобида аккредитив шаклини қўллаш тез-тез учраб туради. Бу ҳолатда импорт қилувчи экспорт қилувчи билан келишган ҳолда аккредитив ҳисоб очади. Товар юклаб жўнатилганлиги ҳақида ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин экспортга аккредитив ҳисобдан товарлар учун тўлов тўланади. Импорт бўйича банк кредитлари қуйидагича ҳам бўлиши мумкин:

1) Акцептли кредит-акцепт ёки импорт қилувчи банкнинг экспорт қилувчи траттасини тўлаш розилиги билан берилади. Бунда импорт қилувчи тўлов вақти келганда банкка қарз суммасини маълум қилади, банк унинг экспорт қилувчи олдидаги жавобгарлигини ёпади.

Акцептли кредит нафақат йирик банклар томонидан ўзи учун, балки хорижий экспорт қилувчиларга ҳам таклиф этилади. Масалан, I Жаҳон урушигача ўша пайтларда жаҳон молия маркази ҳисобланган

Лондондаги банклар нафақат Англия ташқи савдоси учун, балки бошқа давлатлар учун ҳам хизмат қилганлар. II Жаҳон урушидан сўнг Америка банклари орасида акцептли кредитлаш операциялари кенг миқёсда қўлланилган.

2) Акцепт тўловли кредит импорт қилувчи томонга хизмат кўрсатаётган хорижий банк томонидан кафолатлаш шарти билан банк томонидан векселни акцептлаш орқали амалга оширилади. Бу ҳолда импорт қилувчи траттани тугаши вақтида ўз траттасини акцептлайдиган хорижий банкка ўтказиш учун ўз банкига олиб келиши керак. Шундан сўнг охирги шахс экспорт қилувчига траттани ўрнатилган муддатда тўлайди. 50-йиллар охири ва 60-йилларнинг бошида ривожланган мамлакатларда экспортни молиялаштиришнинг янги усуллари пайдо бўлади. Улар орасида хорижий харидорларни банк тўғри кредитлаши алоҳида ўрин тутади. Бунда банк фирма кредити беришга оид ўзига хос функцияларни бажаради. Банк кредити кредитор-мамлакат товарини харид қилиб олувчи томонга қисқа ўрта муддатли кредит сифатида берилади.

Баъзи давлатларда фирма кредити унча катта бўлмаган суммада қисқа муддатга берилади. Агар 60-йилларнинг бошларида Буюк Британия ва Францияда ўрта ва узоқ муддатли кредитлашнинг умумий ҳажми бўйича банк ва фирма кредити орасидаги нисбат 1:2 бўлган бўлса, охирги йилларда банк кредити ҳиссасига экспорт кредитлашнинг 3/4 қисмидан ортиқроғи тўғри келган. Банкнинг бевосита кредитлаштириш механизми ривожланишида давлатнинг аҳамияти сезиларли кўтарилган. Давлат кафолати бўйича экспорт кредити зарур бўлган ҳолда, давлат кредит институтларида ўзининг хорижий активларини имтиёзли ставкаларда молиялаштирилади. Банклар маълум муддат ичида таклиф қилинадиган кредит ҳажмини оширадилар ва қарз олувчилар учун келтирилган қийматини таъминлайдилар. Дастлаб импорт қилувчиларни бевосита кредитлаштириши кредитни бир шартли битим билан «боғлаш» орқали амалга оширилган. Кейинги пайтларда кредит линиялари деб аталган банклар томонидан таклиф қилинган янгилик кенг тарқалди. Бу линиядан ташқи савдо битимларини тўлаш учун хорижий қарздорлар фойдаланади. Бундан ташқари, 70-йилларда экспортни кредит-молиявий рағбатлантиришнинг янги шакллари пайдо бўлади: қайта тузиладиган ёки револьвер кредит линияси (евровалюта бозори операцияларида қўлланиладиган кредит линияси тури) кабилар пайдо бўлди.

Факторинг – факторинг компаниялари товарини кредитга сотган экспорт қилувчи учун турли хизматлар кўрсатувчи махсус молия муассасалари ҳисобланади. У қарзни ундириш, экспорт операцияларини баҳолаш, назорат қилиш ва бошқаларни ўз зиммасига олади. Мижознинг қарздорга бўлган талабини қабул қилиб, фирма қарздордан ундирилган пулларни мижозига тўлашга жавобгар бўлади. Мабодо битимда кўрсатилган бўлса нақд пулда ҳам қарзни тўлаши мумкин. Харидордан қарзни ундириш ва кредит таваккалчилигининг олдини олиш билан бирга (факторинг компанияси саноат фирмаси экспорт операциялари билан боғлиқ бўлган жараёнларни) тижорат банки ва суғурта компанияси функцияларини ҳам бажаради. Факторинг қиймати одатдаги банк ссудасидан қимматроқдир. Берилган қарз воситалари ҳажмида факторинг 20 % дан ошади, шуни ҳисобга олиш керакки, унга нафақат олинган кредитни тўлаш ҳақи, балки бошқа хизматлар баҳоси ҳам киради. Шундай қилиб, факторинг тизими экспорт қилувчиларнинг қисқа муддатли кредит бериш имкониятларини кенгайтиради.

Форфейтинг операцияси. У 50-йилларда Fарбий Европада пайдо бўлиб, айланмани молиялаштириш деб аталган база асосида ривожланади. Бу усул АҚШда векселларни қайта молиялаштириш номи билан камроқ тарқалган. Бу операцияларнинг мазмуни шундаки, экспорт қилувчи томонидан импорт қилувчига талаб ҳуқуқи банк-форфейторига берилади, у эса бу ҳуқуқни сақлаши ёки халқаро бозорда сотиши мумкин. Банк эса экспорт қилувчига бу қимматли қоғозларни қийматини нақд пул билан тўлайди. Бунда қатъий ҳисоб ставкаси, мукофот (банк томонидан мажбуриятларни тўламаслик хавфини олганлиги учун) чегириб ташланади. Форфейтинг операцияларида ишлатиладиган молиявий воситалар банклардаги анъанавий савдо векселлари ҳисоб-китоблари каби қўлланилади. Фарқи шундаки, вексель эгаси ягона импорт қилувчи сифатида форфейтингда таваккалчилик билан боғлиқ бўлади. Оддий ҳисоб-китобда эса вексель қонунчилигига биноан кўпгина ҳолларда қарздорлик жавобгарлиги экспорт қилувчининг харидорни кредитлашни узайтиришига имкон беради. Банкнинг форфейтинг операциялари бўйича таваккалчиликни ўз зиммасига олиши инвесторлар учун ўз маблағларини узоқ муддатга қўшимча жойлаштиришга қизиқишни оширади. Форфейтинг операцияларида иштирок этувчи банклар учун евровалюта бозори, молиявий

воситалар бозори бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун форфейтинг ҳисоб ставкаси бу бозордаги ўрта муддатли кредит фоиз ставкаси билан чамбарчас боғлиқ. Асосий валюта битимлари нисбати ГФР маркаси –50%, АҚШ доллари 40% ва Швецария франки– 10 % миқдорида амалга оширилади.

Халқаро лизинг операциялари халқаро миқёсда машина ва жиҳозлар савдосининг шакли бўлиб бормоқда. Лизинг – ижара операцияларининг бир кўриниши бўлиб, бунда ижарага берувчининг мулкка эгалик ҳуқуқи сақланиб қолади. Ижарага олувчи вақти-вақти билан товардан вақтинча фойдаланганлиги учун ҳақ тўлаб туради. Лизинг жиҳозларини махсус кредит муассасасининг компанияси томонидан олдиндан сотиб олишни англатади. Бу компания кейинчалик ижара берилувчи товар истеъмолчиси билан билан бевосита алоқага киришади. Бундай операцияларнинг объекти, асосан, турли хил жиҳозлар, транспорт воситалари, ЭҲМ ва бошқалар ҳисобланади. Лизинг операцияларини суғурталаш харажатлари ижарачи зиммасида бўлади. Ижара кредит олишнинг ўзига хос шакли бўлиб, экспорт қилувчи товарининг ташқи бозордаги ҳаракатини енгиллаштиради. Оддий товар кредити билан лизинг операцияларини ўтказиш шартларини бир-бирига яқинлаштиради. Ижарага олувчи ўз пул маблағларини марказлаштиришдан холос бўлади. Ижара тўловлари бўлак-бўлак шаклида бутун ижара даврида тўлаб борилади. Аммо лизингнинг мақсади товарга эгалик ҳуқуқини олиш эмас, балки товарнинг истеъмол хусусиятларидан фойдаланиш ҳуқуқини олишдир. Халқаро савдода ижара операцияларининг ҳажмининг ошиши кўплаб молия маблағлари жалб этилишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам, кўпчилик мамлакатларнинг йирик тижорат банклари лизинг компанияларини молиялаштиришда фаол иштирок этадилар. Кейинчалик лизинг компаниялари банклар ихтиёрига ўтади. Кейинги йилларда экспортни молиялаштиришнинг миллий тизимларининг байналминаллашув анъанаси нафақат фирмани кредитлаш, балки форфейтинг бозоридаги ва банк кредити соҳасидаги операцияларни кенгайтиришда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Банклар компенсация битимлари бўйича узоқ муддатли кредитларни тақдим (бу операциялар бир хил қийматда товарларни келтиришга асосланган тез-тез учраб туради) қиладилар. Бунда қарз олувчи давлат 15-20 йилга фойдаланишга олинган материаллар, жиҳозлар, табиий ресурсларни ўзлаштириш учун олинган кредит бўйича қарзни тугатиш мақсадида қарз эвазига қурилган корхоналар

ишлаб чиқарган маҳсулотидан кредит суммасига мос равишда кредиторга етказиб беради. Компенсация битимларининг ўзига хос хусусиятларига кенг миқёсда узоқ муддатли ва экспорт-импорт битимларининг ўзаро келишилганлигини киритиш мумкин. Мультмиллий шартномалар деб ном олган йирик суммадаги шартномалар бажарилишини мустақил пудратчилар сифатида турли хил мамлакат фирмалари ўз зиммасига оладиган шартномалар кенг тарқалган. Бундай шартномалар унда қатнашувчи давлатларининг банклари ва экспортни кредитлаш миллий суғурта муассасалари томонидан суғурталанади. Шуни таъкидлаш жоизки, бир неча мамлакатнинг фирмалари томонидан шартномаларни молиялаштириш мақсадида вақтинчалик банк корпорациялари тузилиши мумкин. Молиялаштириш муаммолари концорциум ичида яъни қарз олувчи учун ягона муассаса сифатида кўринувчи ташкилотда ҳал этилади. Экспорт кредитлари тушунчалари билан бу шаклдаги молиялаштиришни бирлаштирувчи нарса – унинг молиявий асоси эмас, балки мақсадли характерда бўлиши ва операцияларнинг кафили сифатида тегишли давлатларнинг ҳукумат ташкилоти иштирок қилишидир.

Халқаро узоқ муддатли кредит четга капитал чиқариш, тадбиркорликни қўллаш мақсадида ажратилган ва ташқи қарз кўринишидаги ссуда капиталининг ҳаракати шаклида бўлади. Халқаро қарзлар, аввало, кредит муносабатларининг субъектлари бўйича фарқланади:

Ташқи қарзларга кўра қарздорлар: саноат ва бошқа хусусий корхоналар – ҳокимият, муниципалитетлар ва бошқа ҳуқуқий муассасалар бўлиши мумкин. Ташқи қарзларга кўра кредитлар: хусусий ишлаб чиқарувчилар ва банклар, облигация заёмлари эгалари, давлат, халқаро валюта-кредит ташкилотларига бериладиган кредитларга бўлинади. Шунга мувофиқ равишда халқаро узоқ муддатли кредит хусусий, давлат ва хусусий-давлат турларига бўлинади, 50-йиллар охирларидан бошлаб халқаро хусусий кредит халқаро кредит муносабатларининг ажралмас бир қисмига айланади. Бу даврда ривожланган мамлакатлар кредити ўз валютасида тўлашни жорий қилдилар. Халқаро молиявий кредитларнинг урушдан кейинги тез ривожланишига кўпчилик Ғарбий мамлакатларда юзага келган иқтисодий танглик асос бўлди. Урушдан кейинги вайрон бўлган иқтисодиётни тиклаш учун йирик молиявий харажатлар зарур эди. Бу вақтда ягона тўловга қобилиятли давлат АҚШ бўлиб қолди. Бошида

ижарага олувчи давлатлар АҚШдан кредитларни шу давлатнинг ўзида товарларни сотиб олиш шарти билан олишар эди. Лекин секинлик билан долларнинг кўпроқ миқдори бошқа давлатларнинг товарларини сотиб олиш учун сарфланди. Бу эса долларнинг Ғарбий Европа банклари ҳисобларида тўпланишига олиб келади. Шундай қилиб, евродоллар бозори вужудга келди. Шу асосда эса хусусий молиявий кредит ва қарз бериш институтлари шаклланди. Халқаро молиявий кредит ва қарзларнинг асосий манбаси халқаро депозитлар ва евродоллар депозит сертификатлари гарови остидаги қўйилмалар ҳисобланади. Кўпгина депозит ва қўйилмалар қисқа муддатли, шунинг учун банкларнинг долзарб вазифаси уларни узоқ муддатга жалб қилишдан иборат эди. Узоқ муддатли ссудалар, одатда, облигация кўринишида чиқарилиб улар хорижий ва халқаро облигация заёмларига бўлинади. Халқаро облигация 60-йилларда узоқ муддатли инвестициялашда асосий ўрин тутган. Улар савдоси евровалюта бозорида ўтказилганлиги учун еврооблигация ҳам деб аталади. Охирги йилларда уларнинг миқдори ошиб бормоқда. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институти маълумотига кўра 1985 йилда облигация ҳажми 167,8 млрд.долларни ташкил этган бўлса, 1989 йилда эса 254 млрд.долларгача ошган. Давлатлараро заёмлар I Жаҳон уруши даврида АҚШда Европага қурол-аслаҳалар етказиб бериш билан боғлиқ равишда кенг ривожланган. Бу даврда давлатлараро қарзларнинг умумий суммаси 11 млрд. долларга етди. 1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий таназзули даврида Германия, Франция ва бошқа бир қанча давлатлар қарзни тўлашдан бош тортдилар. Шунга мувофиқ, II Жаҳон уруши даврида АҚШ кредит ўрнига қурол-аслаҳа, воситаларни қарзга беришга кўпроқ эътибор берди. Урушдан кейин 50-йиллар ўрталаригача АҚШ давлатлараро кредит бериш бўйича монопол давлат эди. 1946 йилдан 1950 йиллар орасида АҚШ ва бошқа ривожланган мамлакатлар қарзлари 30,2 млрд. долларини ташкил қилди. Шундан 2/3 қисми Ғарбий Европа мамлакатларига тўғри келади. Улардан энг каттаси Буюк Британиянинг АҚШга 3750 млн. доллар миқдоридаги қарзи эди. Бу қарз 50 йил муддатга 2% фоиз олиш шарти билан берилган. Қарзни бундай имтиёзли бериш билан бирга, АҚШ Буюк Британияга АҚШ капиталининг стерлинг зонасига киришидаги тўсиқлар ва валюта чекловлари олиб ташланишини талаб қилди. 1946 йил май ойида АҚШ Францияга 650 млн. доллар миқдоридаги қарзни 35 йил муддатга фойдаланишга берди ва бу суммaнинг ярмидан урушдан

сўнг Францияда қолган Америка ҳарбийлари билан боғлиқ харажатларни қоплашда фойдаланиш шартини қўйди. Давлатлараро кредитлар баъзида молиявий ёрдам тариқасида ҳам берилади. Масалан урушдан кейинги даврда «Маршал режаси» доирасида иқтисодиётни тиклаш учун молиявий ёрдам сифатида йирик кредит ажратилди. 1950-55 йиллардаги АҚШнинг 17 та Ғарбий Европа давлатларига берган ёрдам ҳажми 17 млрд. долларни ташкил этди. Бу ёрдам асосан Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти (ОЭСР) давлатларидан ривожланаётган давлатларга берилди. 70-80-йилларда валюта интервенцияси ўтказиш йўли билан валютани қўллаб-қувватлаш мақсадида давлатлараро қарзлар саноати ривожланган мамлакатлар томонидан ривожланаётган мамлакатларга берилган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин қарз бериш халқаро валюта-кредит ташкилотлари томонидан амалга ошрила бошлади.

Халқаро ва минтақавий валюта-кредит молиявий муносабатлар ташкилоти бу халқаро иқтисодий бошқарув, шунингдек, валюта-кредит ва молиявий назорат мақсадларида давлатлараро келишувга биноан тузилган институтлардир. Бундай ташкилотларга Халқаро ҳисоб-китоблар банки, Халқаро валюта фонди, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, шунингдек, минтақавий банклар киради. Халқаро ҳисоб-китоблар банки (ХҲБ)-биринчи давлатлараро банк бўлиб, 1930 йилда Марказий банкларнинг халқаро банки сифатида Базелда ташкил топди. Унинг ташкилотчилари: Англия, Франция, Италия, Германия, Белгия, Япония эмиссион банклари ва Морган банкир уйи бошчилигида бир гуруҳ америка банклари ҳисобланади. ХҲБ нинг асосий вазифаларидан бири марказий банклар ва улар орасидаги ҳисоб-китобларни мувофиқлаштиришдан иборат эди. ХҲБ ўзининг асосий функциясидан бири ҳисобланувчи ривожланган мамлакатлар Марказий банкларининг координатори функциясини ҳалигача сақлаб турибди. У, асосан, Европа банкларини бирлаштиради. ХҲБ Европа валюта тизими мамлакатлари орасидаги ҳисоб-китобларни ишлаб чиқади. Европа кўмир ва пўлат уюшмаси депозитарияси функциясини бажаради, ХҲБ депозит, ссуда, валюта ва фонд операцияларини бажаради. Шунингдек, савдо-сотиқ ва олтин сақлаш вазифалари билан бирга муайян мамлакат Марказий банкининг агенти вазифасини бажаради. ХҲБ Ғарбий Европа халқаро банкининг бўлими сифатида валюта-кредит муносабатлари бошқарувини амалга оширади.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) – БМТнинг махсуслаштирилган муассасаси мақомига эга бўлган валюта-кредит ташкилотидир. ХВФ Бруттон Вудс (АҚШ)даги халқаро валюта-молия конференциясида тузилган. У 1944 йилда ташкил қилинган бўлса-да, 1947 йилда фаолият кўрсата бошлади. ХВФ бошқаруви 5 та бош департаментларда: Африка, Европа, Осиё, Ўрта Шарқ ва Ғарбда тузилган. ХВФ капитали унинг мижозларига ўрнатилган квотага мос равишда тўланадиган бадаллар ҳисобига шаклланади. Квота мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти даражасига, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро савдодаги ўрнига қараб белгиланади. 1947 йили фондга 49 мамлакат кириб, квотанинг умумий суммаси 7.7 млрд. долларни ташкил этган. 1991 йилнинг ўрталарига келиб ХВФ аъзолари 155 тага ва унинг капитали 90 млрд. долларга етди. Шундан 2/3 қисми саноати ривожланган мамлакатларга (шу жумладан, АҚШга 1/5 қисми), 1/3 ривожланаётган мамлакатларга (фонднинг 4/5 қисми) тўғри келади. ХВФ бошқарув органларига квоталар ўлчамига қараб мамлакатлар орасида овоз тақсимланди. Барча овознинг 46% и АҚШ ва Европа Иттифоқи давлатларига тегишли, қолган овозлар ривожланаётган давлатларига тегишли. ХВФ бошқарув органи бўлиб, бошқарув кенгаши ҳисобланади. У ҳар йили бир марта қатнашувчи мамлакат вакиллари билан бирга тўпланади. Ижро этувчи орган Директорат бўлиб, у 6 та аъзодан, яъни кўпроқ квота олган мамлакат аъзоларидан ташкил топган. Шунингдек, географик белгисига кўра танлаб олинган 6 аъзо ҳам шунга киради. Мажлис ўтказувчи орган бўлиб бошқарув қўмитаси шўъба қўмитаси ҳисобланади, унинг таркибига 22 мамлакат Молия вазирлари киради.

ХВФ кредитлари бир неча турларга бўлинади: 1) ХВФнинг захира позицияси чегарасида турувчи мамлакатларга бериладиган кредит. Тўлов баланси дефицитини қоплаш учун мамлакатлар валюта фондидан қарз олишлари мумкин. Бу қарз миллий валютани хорижий валютага алмаштириш йўли билан 3-5 йил муддатга олинади. Ссуданинг тўланиши эса аксинча бўлади. Миллий валюта эркин конвертирланадиган валютада сотиб олинади. 25% квота атрофида мамлакат кредитни чекловларсиз олиши мумкин. Шунингдек, олтин фонд меъёрида белгиланган кредит ҳажмида хорижий валютада кредит олиши мумкин. Бу кредит салмоғи 200% квотадан ошмаслиги керак; 2) юқори захира улушига бериладиган кредит. Бундай ссудалар мамлакат валютасининг иқтисодий ҳолатини ўрганиб чиқиб, ХВФнинг барқарорлаштириш чора-тадбирлари талабини

бажаргандан сўнг берилади. ХВФнинг барқарорлаштириш дастури ички кредитларни чегаралаш, бюджет харажатларини камайтириш каби масалаларни ҳал қилади. Бироқ ХВФ дан кредит олиш мамлакатларга хусусий банклардаги кредитларни ҳисоб-китоб қилиш имконини беради. ХВФ давлатлараро валюта-кредит муносабатларини бошқаришда асосий ўрин эгаллайди. Бреттон Вудсдаги келишувга биноан, фонд олдига аъзо мамлакатлар валюта паритетларини бошқариш ва қўллаб-қувватлаш, валюта курсларини бошқариш вазифаси қўйилган. Низомга мувофиқ аъзо-давлатлар мустаҳкам валюта курслари асосида жорий операциялар ўтказиши ҳамда валюта чегараларини бекор қилишга қаратилган сиёсат олиб бориши лозим эди. Аммо амалда бу вазифаларни кўпгина давлатлар ўзлари мустақил бажардилар. Валюта чегаралари фақатгина 60 та давлатда бекор қилинди. Натижада, 1973 йилда ўрнатилган паритетлар ва валюта курслари бекор қилиниб, «сузувчи» валюта курслари киритилди. 1979 йил апрелдан валюта тизимида ҳуқуқий жиҳатлар мустаҳкамлангандан кейин ХВФ аъзолари унга расмий олтин захиралари ва валюта захиралари, иқтисодиётнинг ҳолати, тўлов баланси, пул муомаласи, инвестициялар ҳақида ахборот бериши лозимлиги тўғрисида йўриқлар қабул қилинди. Бу маълумотлар қарз олувчи мамлакатга қарз берувчи хусусий банклар томонидан уларнинг тўловга лаёқатлилиги текшириш учун фойдаланади. Шуни таъкидлаш лозимки, ХВФ га аъзо бўлган давлатлар учун Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкига мурожаат қилиб, унинг шўъбаси бўлган халқаро тараққиёт ассоциациясидан имтиёзли кредитлар олиш муҳим ҳисобланади. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) БМТнинг махсус муассасаси, давлатлараро инвестицион институти ҳисобланади. У Бреттон-Вудс халқаро конференциясидаги Қарорга биноан ва ХВФ муассислигида ташкил топган. ХТТБ низоми расмий равишда 1945 йилда кучга кирди. У Вашингтонда жойлашган бўлиб, 1946 йилдан иш бошлади. ХЁТТБнинг мақсади аъзо давлатлар иқтисодиётига узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар бериш, хусусий инвестицияларини кафолатлашдан иборат. Дастлаб, ХТТБ капиталистик давлатлардан йиғилган давлат бюджети маблағлари асосида бошлади. 50-йиллар ўрталарида Ғарбий Европа давлатлари хўжалигига ёрдам беришдан кейин, ХТТБ фаолияти Осиё, Африка ва Лотин Америкасига қаратилди. ХТТБнинг олий органи Бошқарув кенгаши ва ижро этувчи Директорат ҳисобланади. Банк аъзолари ХВФ аьзоси бўлиши лозим,

овозлар ҳам мамлакатнинг ХТТБ капитали (35,2 млрд. доллар)даги квотаси улушига қараб белгиланади. ХТТБнинг 155 аьзоси бўлишига қарамай асосий ўринни етти йирик давлат: АҚШ, Япония, Буюк Британия, ГФР, Франция, Канада ва Италия кабилар эгаллайди. Банк ресурслари манбасини акционерлик капиталидан ташқари америка бозори ҳисобига олинган валюталар ташкил этади. ХТТБ томонидан кредитлар давлат кафолати остида берилади. ХТТБ, шунингдек, бошқа банкларнинг узоқ муддатли кредитлари бўйича кафолатлар беради. Шуни қайд этиш зарурки, банк ўзининг кредити билан объектнинг 30% қийматини қоплайди. Кредитларнинг қолган қисми эса инфраструктурасинининг бошқа тармоқларига: энергетика, транспорт, алоқага сарфланади. 80-йиллар ўрталаридан банк қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасига берадиган кредит ҳажмини оширади. Саноатга 15% дан камроқ кредит сарфланади. Охирги йилларда ХТТБ ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини бошқаришни кучайтириш муаммоси устида ишламоқда. Кредитларнинг 1/3 қисми хамкорликда молиялаштириш шаклида берилади. Банк иқтисодиёт структурасини бошқариш, тўлов балансини ҳолатини ижобийлаштириш учун структуравий кредитлар беради. Халқаро муносабатларнинг ривожланиши ХЁТТБга қўшимча равишда Халқаро тараққиёт уюшмаси, халқаро молия корпорацияси, кўп қиррали инвестициялар бўйича агентликлар каби институтлар тузилди. 1991 йилда бу ташкилотларга 155 мамлакат аъзо эди. Шу давр мобайнида банк ва унинг ташкилотлари 245 млрд. долларлик 5 мингдан ортиқ заём чиқардилар. Деярли 3/4 қисм заём ХТТБга тўғри келди, яъни улар учун йилига 15 млрд. доллар молия бозори ставкаси даражасида фоиз тўланди.

Халқаро тараққиёт ассоциацияси – (ХТА) 1960 йилда ривожланаётган давлатларга имтиёзли кредитлар (0.75% йиллик фоиз ставкада) бериш мақсади ташкил этилган. ХТА йилига 5 млрд. долларгача кредит ажратади.

Халқаро молия корпорацияси – (ХМК) 1950 йилда ривожланган мамлакатларга капитал қўйишни кенгайтириш мақсадида АҚШ ташаббуси билан тузилган. ХМК ХЁТТБ дан фарқли равишда давлат кафолатисиз юқори самарадор хусусий корхоналарга кредитлар беради. Кредитлар 15 йил муддатга лойиҳанинг 20% игача миқдорида берилади. Шундай қилиб, ХМК хусусий сектор томонидан тузилган лойиҳаларни қўшимча молиялаштиришга ҳамкорлик қилади.

Кўп қиррали инвестициялар бўйича агентлик капитал қўйилмаларни сиёсий таваккалчиликлар: урушлар, фуқаролар норозилиги ва шартномалар бузилиши кабилардан ҳимоялайди. Бундан ташқари, 60-йилларда минтақавий тараққиёт банклари пайдо бўлади. Хусусан, 1949 йилда америкааро тараққиёт банки ташкил қилиниб, унга минтақанинг 27 ривожланаётган ва 16 ривожланган мамлакатлари кирди. 1964 йилда Африка тараққиёт банки тузилиб унга ҳам минтақанинг 50 та ривожланаётган ва 25 та ривожланган мамлакатлари киритилди. 1966 йилда Осиё тараққиёт банки (31 та ривожланаётган, 14 ривожланган мамлакатлар) тузилди. Минтақавий банкларнинг умумийлиги уларнинг мақсадлари ва молиялаштириш услубларида намоён бўлиб, кредитлаштириш объектлари: инфраструктура қурилиши, портлар, аэропортлар қурилиши соҳалари, шунингдек, қўшимча ва қайта ишлаш саноати ҳисобланади. Минтақавий банкларнинг асосий мақсади, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, ривожланаётган мамлакатлар интеграциясини чуқурлаштириш орқали эски мустамлакачиликдан халос бўлишдан иборат. Европа инвестиция банки (ЕИБ) 1958 йилда тузилган бўлиб, мақсадлари: қолоқ туманларга 20 йилдан 25 йил муддатгача кредит бериш орқали уларнинг иқтисодий аҳволини тиклаш, давлатлараро лойиҳаларни амалга ошириш ишлаб чиқариш тарифлари тузилмасини замонавийлаштиришдан иборат.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) 1990 йил 29 майда ташкил қилинди. Бу ташкилот Парижда Марказий ва Шарқий Европа давлатларининг бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан ҳамкорлик қилиш мақсадида иш бошлади. Банкнинг асосчилари 40 та мамлакат: Албаниядан ташқари Европанинг барча давлатлари, шунингдек, АҚШ, Канада, Мексика, Венесуэла, Марокаш, Миср, Исроил, Япония, Жанубий Корея, Австралия, Янги Зеландия ва икки халқаро ташкилот – Европа иқтисодий жамияти ва Европа инвестиция банки ҳисобланади. ЕТТБ ўз фаолиятини 1991 йил апрелдан бошлади. Унинг 70 млрд. долларлик капитали қуйидагича тақсимланади: 50 % и Европа ҳамжамияти комиссиясига ва 12% – Европа тизими давлатларига, 11,3% бошқа Европа давлатларига, 24% бошқа давлатларга, шу жумладан: АҚШ – 10%, Япония – 8,52%, Шарқий ва Марказий Европа давлатларига – 13,7%, Россия Федерациясига 6% миқдоридаги капитал тўғри келади. ЕТТБ нинг мақсади – Марказий ва Шарқий Европа давлатларида тармоқ инфратузилмасига капитал жалб қилишни рағбатлантиришда

етакчилик қилиш, кредитлаш билан бирга, банк Ғарб саноатчиларига Шарқдаги бозорларни эгаллашда мавжуд таваккалчиликларни бартараф қилишда кўмаклашишдан иборат. Бу, ўз навбатида, Шарқий Европа давлатларининг иқтисодий ва валюта барқарорлигига эришиш ва унинг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Қуйидаги таянч сўзларни таърифланг

1. Кредит.
2. Қарз.
3. Ссуда.
4. Фоиз.
5. Кредит учун фоиз.
6. Капитал.
7. Кредит чегараси.
8. Ипотека кредити.
9. Лизинг.
10. Факторинг.
11. Истеъмол кредити.
12. Судхўрлик кредити.
13. Кредит таъминоти.
14. Кредит варақчаси (карточкаси).
15. Кредит-нота.
16. Кредит хатари.
17. Кредит шартномаси.
18. Кредиторлик қарзи.
19. Вексель.
20. Облигация.
21. Чек.

Мавзуга оид саволлар

1. Кредитнинг зарурлигини белгиловчи қандай омилларни биласиз?
2. Кредит қобилияти деганда нимани тушунасиз?
3. Кредит таъминотига нималар киради?
4. Кредит таваккалчилиги ва уни келтириб чиқарувчи омиллар?
5. Лизинг ва факторинг кредитининг ўзига хос хусусиятлари.
6. Кредитлаш шартларига нималар киради?
7. Қайта тақсимлаш функцияси нима?
8. Муомалага кредит воситаларини чиқариш деганда нима тушунилади?
9. Тижорат кредитининг асосий қуроли нима?

XII боб. Тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоизлари ва уларни ҳисоблаш усуллари

1-§. Тижорат банкларининг фоизлари тўғрисида тушунча

Тижорат банкларининг даромад олиш соҳаси фаолияти унинг фоиз сиёсати орқали амалга оширилади. Банк кредит бера туриб мижознинг фойда олиши учун шарт - шароит яратар экан, демак, ўзининг манфаатини ҳам амалга оширган бўлади. Банклар фоиз сиёсатини амалга оширишда омонатлар бўйича тўлайдиган фоизни уларнинг ўзлари тақдим этадиган ссудалар учун оладиган ссуда фоизидан пастроқ қилиб белгилайди. Олинган ва тўланган фоизларнинг суммалари ўртасидаги фарқ банкларнинг фойдасини ташкил этади. Унга бошқа хил операциялардан кўрилган даромадлар ҳам киради. Банк фойданинг бир қисмини солиқларни тўлашга, ўз харажатларини (банк хизматларига, ходимларига иш ҳақи тўлаш, биноларни сақлаш, идора чиқимлари, реклама харажатлари, транспорт харажатлари ва бошқалар учун маблағ сарфлаш) қоплашга ишлатади, қолган қисми эса соф фойдани ҳосил килади.

Тижорат банклари юқори фойда олиш мақсадида ўзларининг фоиз сиёсатини юритадилар. Тижорат банкида кўп фойда олиш имкониятлари чекланган. Биринчидан, катта маржа кетидан қувиш мижозлардан маҳрум бўлиб қолишга олиб келиши мумкин, чунки улар ҳаддан ташқари юқори қўйилган фоиз ставкали кредитдан воз кечишлари мумкин. Иккинчидан, банклараро рақобат шароитида бошқа тижорат банклари орасидаги бир қадар самаралироқ ишлар учун анча арзон кредитлар таклиф этилиши мумкин. Фойда олиш қоида сифатида шуни англатадики, бусиз банк мавжуд бўла олмайди. Банк тижоратининг бу қоидаси асосан “Арзонроқ сотиб олиш, қимматроқ сотиш” формуласи орқали амалга ошади. Бироқ бу қоидага маданий ёндашмоқ лозим. Демоқчимизки, ҳар бир шароитда мижозга берила-диган кредит у учун қулай ва самарали бўлиши лозим. Мижоз учун самара келтирган кредит банк учун ҳам самарали ҳисобланади. Чунки кредит учун фоизлар мижознинг фойдаси ҳисобидан тўланади.

Россиялик йирик иқтисодчи Н.Г.Антоновнинг фикрича, фоиз ставкаси бу томонларнинг кредит асосида юзага келадиган иқтисодий муносабат бўлиб, кредитнинг оқилона фойдаланишини таъминлайди.

Кредит учун фоиз ставкаларининг вужудга келиши ва кредит нархининг шаклланиши.

Барча товарларга бўлгани каби кредит учун ҳам нарх талаб ва таклиф асосида вужудга келади. Буни схематик тарзда қуйидагича кўришимиз мумкин.

Алоҳида келишувлар бўйича фоиз ставкаси вужудга келади.



Ссуда маблағлари бозори

Юқоридаги схемани мисол билан тушунтирамиз. Фараз қилайлик, қарз олувчи кредит ҳисобига кичик бир ғишт ишлаб чиқарувчи корхона барпо этмоқчи. Самарадорлик унинг ҳисоби бўйича 15 % ни ташкил этади. Яъни ҳар бир сўм 1 сўм 15 тийин бўлиб қайтиб келади. Шундан 32% турли солиқларни тўлаш учун, 35 % ишчиларга иш ҳақи сифатида сарфлайди. Ва у олинадиган кредит учун 5 % миқдорида фоиз тўлаб беришга тайёр. Аммо кредит ресурслари бозорида эса 3 та ҳолат сабабли бу фоиз туширилади ёки оширилади.

Кредитнинг асосий шарти - бу қарз учун ҳақ тўлаш. Бу ҳақ қарз қилинган йиғиндисига нисбатан фоиз ҳисобида олинганидан уни кредитнинг фоиз ставкаси деб юритилади. Кредитнинг фоиз ставкаси пул бозорида амал қилади. Бозорга чиқарилган пулнинг нархи фоиз бўлади. Бошқа товарлардан фарқлироқ қарз пулининг нархи – бу унинг маълум тўлов эҳтиёжини қондиришдек хоссасидан фойдаланилганлик учун бериладиган ҳақ бўлади. Қарз пули капитал сифатида ёки одатдаги тўлов ёки харид воситасида ишлатилади. Шунинг учун ҳам қарздор шахс пул эгасига фоиз ставкасини тўлайди.

Фоиз миқдори ёки даражаси олдиндан белгиланади. Фоиз даражаси (ФД) қарз фоизининг (ЎФ) берилган қарз миқдорига (ЎМ) бўлган фоизларда ифодаланган нисбатидир.

Кредитларнинг фоиз ставкаси мамлакатнинг ссуда капиталлари бозорида аниқланади. Банк даромадининг асосий манбаи фоиз ҳисобланади.

Умуман олганда кредит фоизи ссуда фоизининг бир кўриниши ҳисобланади. Ссуда фоизининг ўзи эса таснифланиш белгиларига эга бўлган турли хил кўринишларда намоён бўлади. Бунда таъкидлаш жоизки, кредит муассасаси ссудага асосан ўз маблағларини эмас, жалб қилинган маблағларини жойлаштиради. Банк даромади бўш турган пул маблағларини тақсимлаш юзасидан олинади.

Бозор иқтисодиёти шароитида кредит муносабатларида банк фоизининг аҳамияти ўсиб бораётганини кўриш мумкин.

Умуман олганда, фоиз сиёсати нафақат пул-кредит маблағларининг бошқарувчиси ҳисобланади, шу билан бирга, бутун кредит муносабатларини бошқариб турувчи иқтисодий усули ҳамдир.

Тижорат банклари ҳар бир аниқ келишувларида фоиз меъёрини ҳисоблаганда қуйидагилар эътиборга олинади:

таъминланган ссудалар бўйича энг кредитга лаёқатли мижозлар учун аниқ муддатга бериладиган базавий фоиз ставкасининг даражасини;

ҳар бир алоҳида келишувнинг шартларини инобатга олган ҳолда таваккалчилик учун қўшимча тўлов.

Базавий фоиз ставкаси қуйидаги формула билан аниқланади:

базавий фоиз ставкаси $С_1 + С_2 = П$

$С_1$ – кредит ресурсларининг ўртача реал баҳоси;

$С_2$ – банк фаолиятининг таъминоти бўйича режалаштириладиган харажатларнинг кутилаётган жойлаштирилган маблағларнинг ҳажмининг нисбати.

П – банкнинг ссуда операциялари бўйича режалаштирилаётган даромадлилик даражаси.

Ғарб мамлакатларининг пул-кредит муносабатларида турли хил фоиз ставкалари қўлланилади. 1-даражали фоиз ставкаси Марказий банкнинг қайта молиялаш фоиз ставкаси ҳисобланади. Бу муҳим аҳамиятга эга. Ставканинг Марказий банк томонидан пасайтирилиши бозорда кредит ресурсларининг таклифини кўпайишига ва арзонлашишига олиб келади. Бу фоиз ставкасини пасайтиришдан мақсад - инвестиция ҳаракатини тезлаштириш, мамлакатнинг иқтисодий ўсишига туртки беришдир.

Қайта молиялаш фоиз ставкасини ошириш орқали пул-кредит ҳажмининг қисқаришига, инфляция суръатининг пасайишига, шу билан бирга, иқтисодиётга инвестициялар ҳажмининг қисқаришига олиб келади. Демак, Марказий банкнинг қайта молиялаштирувчи фоиз сиёсати инфляция даражасини ҳамда иқтисодий ўсиш ҳаракатларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатнинг пул-кредит тизимининг ҳолатидан келиб чиқиб амалга оширилиши керак.

Тижорат банкларининг фоиз сиёсати икки асосий йўналишни ўз ичига олади. Биринчиси, бу банк ресурсларини яратишда маблағларни жалб қилиш жараёнида олиб бориладиган фоиз сиёсати, иккинчиси, банклар томонидан ресурсларни жойлаштириш соҳасида олиб бориладиган фоиз сиёсатидир.

Кредитлар ва депозитлар бўйича фоизлар тўлаш вақтида эмас, балки фойда кўриш даврида ҳисобланиб, молиявий ҳисоботларда даврийликка мос акс эттирилиб борилиши лозим. Депозит ва кредитлар бўйича ҳисобланган фоизларни ифодалаш учун ҳар бир депозит тури ва кредит бўйича алоҳида ҳисобварақлар очилади.

Депозитлар ва кредитлар бўйича фоиз ставкалари, уларнинг суммаси, уларни тўлаш вақти даври, тўлаш шартлари ва бошқалар мижоз билан банк ўртасида келишиб олинади ва тўзиладиган шартномада акс эттирилади. Кредитлар бўйича фоиз ставкалар кредитнинг муддати, қарз олувчи томонидан тавсия қилинган гаров ҳолати ва қиймати, унинг ликвидлилигига, кредит ресурслари баҳосига, кредит таваккалчилигининг даражасига кўра тижорат банки томонидан мустақил белгиланади ва у кредит шартномасида акс эттирилади. Кредит бўйича фоизлар муддати келганда, мемориал ордер билан расмийлаштирилиб, мижознинг асосий талаб қилиб олингунча бўлган депозит варағидан график бўйича ундириб олинади.

Фоизларни ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилиши мумкин.

$$\frac{\text{сумма} * \text{фоиз ставка} * \text{амалдаги кунлар сони}}{360}$$

Микрокредитлар бўйича Ўзбекистонда фоиз ставкалар Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган миқдорда, якка тартибдаги тадбиркорлар учун қайта молиялаштириш ставкасининг 50 % миқдорида имтиёзли фоиз ставка ўрнатилиши мумкин.

Таълим ва истеъмол кредитлари бўйича фоиз ставкалар томон-лар келишувига асосан сузиб юрувчи фоиз шаклида, лекин қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган суммада белгиланади.

Фоиз ставкаси қуйидагиларга боғлиқ ўзгариб туради:

1. Пул бозоридаги талаб ва таклифнинг нисбати, яъни бозор-да қандай миқдорда қарз пулига талаб бор ва унга нисбатан қандай миқдорда қарз бериладиган пул чиқарилган.
2. Молиявий ресурснинг истеъмол қиймати, яъни уни ишлатиш-дан келадиган наф даражаси. Агар у тадбиркорга кўп фойда келтирса, фоиз юқори, аксинча эса паст бўлади.
3. Қарзни тўлаш муддати ва шарти.
4. Инфляция даражаси.
5. Пул эгасининг маблағини даромад келтирадиган бошқа со-ҳаларнинг нафлилик даражаси.
6. Қарз беришнинг хатар даражаси, яъни маблағларнинг қайтиб келиши кафолати.

2-§. Фоиз ставкаси ва унинг турлари

Фоиз ставкаси кредитга берилган маблағлардан маълум бир миқдорда фойдаланилганлиги учун тўланадиган фоиз тўловлари-нинг нисбий кўрсаткичидир. Фоизнинг бозор даражаси ўзгаришига қараб, таъсирланиш даражаси бўйича фоиз ставкасининг қатъий ва сузиб юрувчи фоиз ставкалари мавжуд.

Қатъий фоиз ставкаси – қарз маблағларидан фойдаланиш дав-рида қайта кўриб чиқиш ҳуқуқисиз ўрнатиладиган ставкадир.

Сузиб юрувчи фоиз ставкаси – алоҳида вақт ўтгандан кейин вақти-вақти билан ҳажми қайта кўриб чиқиладиган ўрта ва узоқ муддатли кредитларга қўлланадиган ставкадир.

Сузиб юрувчи фоиз ставкаси 2 қисмдан тузилган. Биринчи қисм пул-кредит бозори конъюнктурасига боғлиқ равишда ўзгарадиган ҳаракатланувчи қисмдир. Унинг ўрнида, одатда, кредит ресурсларини таклиф этишнинг банкларараро ставкалари қатнашади: **ЛИБОР, ПИБОР, ФИБОР** ва бошқалар. Иккинчи қисм бўлиб қатъий ўрнатилган ҳажм қатнашади. У томонлар келишувининг предмети ҳисобланиб қоида бўйича, кредит шартномасининг амал қилиш муддатида ўзгармайди. Қайд қилинган қўшимчанинг ҳажми келишув шартлари ва таваккалчилик даражасига боғлик.

Ғарб мамлакатларининг пул-кредит соҳасида фоиз ставкалари турли хил кўринишда маълум қилинган. Буларга расмий фоиз ставкалари, банкларараро бозорда таклиф этиш ставкаси, "Прайм-рейт" ставкалари, корхона ва хусусий шахсларга бериладиган, таваккалчилик даражаси юқорироқ бўлган ссудалар бўйича ставкалар киради.

Алоҳида давлатларнинг Марказий банклари томонидан тижорат банкларига бериладиган кредитлар бўйича расмий фоиз ставка-лари ўрнатилади. Бу ставкалар ҳисоб ставкаси ёки қайта молия-лаштириш ставкаси номига эга. Чет эл банклари амалиётида тижорат банкларини қайта молиялаштириш Марказий банк томонидан вакил-ларни (тратталар) қайта ҳисобга олиш билан амалга оширилади, шунинг учун бу ставкалар ҳисоб ставкалари номини олганлар.

Етакчи банклар биринчи даражали банкларни евровалютада кредитлашда, уларда ўз депозитларини жойлаштириб, кредит ре-сурсларини таклиф этишнинг (банкларараро бозорда) ставкаларидан фойдаланадилар.

Бундай ставкага **ЛИБОР (ЛИБОР)** – "Лондон банкларараро таклиф этиш ставкаси" мисол бўла олади**. ЛИБОР** ставкалари бир неча ривожланган, мамлакатлар валюталари бўйича ва даврлар (1 ҳафта, 1, 2, 3, 6, 9 ва 12 ой) бўйича аниқланади. Кўпдан-кўп ҳоллар-да "Либор ставкаси" терминида фунт стерлингдаги депозитлар бў-йича ставка тушунилади. У расмий қайд этилган ставка эмас. Ҳар бир йирик тижорат банки ҳар иш кунининг эрталаб соат 11:00 да ҳо-лати бўйича пул бозори коньюнктурасига боғлиқ равишда ставкани қайд этади.

Тижорат банклари биринчи даражали қарз олувчиларга кредит-ларни беришда **"ПРАЙМ – РЕЙТ"** ставкаларидан фойдаланадилар. Фоиз ставкаларининг кейинги даражаси бу корхона ва жисмоний

шахсларга бериладиган, таваккалчилик даражаси юқорироқ бўлган ссудалар бўйича ставкалардир.

3-§. Фоиз ставкаларини ҳисоблаш усуллари ва методлари

Банк амалиётида фоизларни ҳисоблашнинг турли хил метод ва усуллари мавжуд. Банк амалиётида оддий ва мураккаб фоиз ставкалар кўлланади.

Оддий фоизлар биринчи навбатда қисқа муддатли кредитлаш-да фойдаланилади. Унда шартнома бўйича аниқланган ҳар чорак ёки бошқа муддатда фоизларни ҳисоблаш ва кредиторга тўлаш амалга оширилади.

Ҳозирги кунда кўпинча юқорида кўрсатилган усулдан фойда-ланилади. Бунда қарзнинг асосий суммасини ҳисобга олган ҳолда қарздорнинг жами тўловлари ҳажми қуйидагича бўлади:

С =П* (1+н*и);

Бунда:

С – бошланғич қарзни ҳисобга олган ҳолда кредит бўйича тўловлар суммаси

П – бошланғич қарз

и – фоиз ставкаси

н – ссуданинг йиллар ёки кунлар бўйича давом этиши.

Кўпдан кўп ҳолларда банк амалиётида процент ҳисоблаш жараёнига тескари бўлган операцияни бажаришга тўғри келади. Бу ҳол, кўпинча, дисконт вакилларига мурожаат қилинганда содир бўлади. Бу ҳолда, бошланғич қарзни аниқлашда махсус формула қўлланади.

Векселларни ҳисобга олиш жараёнида, муддат ўтгач, улар тақдим қилинганда тўлов суммасини аниқлаш учун қуйидаги формула ишлатилади:

$$С = П* (1 – н*д);$$

Бунда, д – оддий ҳисоб ставкаси.

Масалан, банк муддати келмасдан туриб мажбуриятларни тўлаш бўйича 20 кунлик векселни қайта ҳисобга олади. Бунда векселнинг номинал суммаси 100 млн. сўм, ҳисоб ставкаси – йилига 130 %.

Бу ҳолда, вексель ҳисобга олингандаги сумма қуйидагича бўлади.

П=100 (1 – 1,3 * 20 / 360)

Банк амалиётида **мураккаб фоизлар** ҳам қўлланиши мумкин. Улар, одатда, узоқ муддатли кредитлашда ишлатилиб, ҳисобланган процент суммалари шартнома тугалланмагунча кредиторга тўланмайди, балки қарзнинг асосий суммасини кўпайтиради. Биз-нинг банк амалиётимизда мураккаб процент ҳисоблаш методи асосан юридик ва жисмоний шахсларнинг депозит ва омонат ҳисоблари бўйича қўлланади.

Бу методдан фойдаланганда ҳисобланган маблағлар ҳажми қарзга қўшилади ва уларга нисбатан фоиз ҳисобланиб бораверади.

Мураккаб процентларни ҳисоблаш ва қарзнинг жами суммасини қуйидаги формулада ҳисоблаш мумкин.

С = П (1 + и); I - доимий процент ставкаси бўйича,

С = П (1+ и) * (1 + и) . . . (1+ и) - сузиб юрувчи фоиз ставкаси бўйича.

Бундан,

С – К йилдан кейинги қарз суммаси;

П – берилган ссуда ҳажми;

и – фоиз ставкаси.

н – берилган ставка қўлланилган қарзнинг йиллар бўйича муддати шартли мисолни кўриб чиқамиз. Масалан, банк томонидан қарз олувчига П 10000 сўм ссуда, 5 йил муддатга, йилига 10 % ставкаси билан берилди. 5 йилдан кейинги қарз ҳажмини аниқ-лаш керак.

С = 10000 * (1 + 0,1) = 16105 сўм кўрсатилган усулда ҳисобланган 5 йил учун фоизлар жами суммаси қуйидагича бўлади:

С - П = (16105 – 10000) = 6105 сум

Агарда, банк оддий фоизларни ишлатиб, ҳар йили талаб қилганда, бу шартномадан келадиган даромад:

Р = 10000 * 10 % * 5 = 5000 сўм га тенг бўлар эди.

Кўриб турганимиздек, сезиларли фарқ вужудга келиб, у банк соф даромадини 1105 сўмга [6105 – 5000] кўпайишига олиб келди.

Бир усулда фоизларни бир неча марта ҳисоблашда юқоридаги мураккаб фоиз формуласи қуйидаги кўринишга келади:

С = П*(1+ и*м);

Бунда, м – бир йилда фоиз ҳисоблаш сони;

Н – фоиз ҳисоблаш даврларининг жами сони.

Банк барча ҳолатларни диққат билан қилиши керак, чунки улар банк операциялари даромадлигига охирги натижада таъсир қилиши

мумкин. Масалан, инфляция ҳарактерини хисобга олиш керак ва шу билан банк учун нима мақсадга мувофиқроқ эканлигини аниқлаши керак. Қарз суммасини ҳисобланган, лекин талаб қилиб олинмаган фоизлар билан ўстириш ёки кредит учун йиллик тўловни олиш.

Фоиз ҳисоблашнинг турли усуллари бўлиши мумкин. Улар қарздан фойдаланиш кунлари сонини ўлчаш характери билан ва йилнинг кунлар бўйича тузилишига кўра аниқланади. Бундан қарз кунлари сони аниқ ёки тахминан аниқланиб, ҳар қайси ойнинг давом этиши 30 кунга тенг деб тан олинади. Вақтинчалик база йилнинг аниқ давом этишига (365 ёки 366 кун) ёки тахминан 360 кунга тенглаштирилади. Буларга мувофиқ тарзда қуйидаги мураккаб фоизларни ҳисоблаш вариантлари қўлланади:

1. Қарз кунларининг ҳақиқий сони бўйича аниқ фоизлар; бу усул энг аниқ натижаларни беради ва кўпгина марказий ва тижорат банклари томонидан қўлланади. Унинг аҳамиятли жиҳати шундаки, ҳисоблаш учун қарз кунининг аниқ сони, вақтинчалик база йилнинг ҳақиқий давом этишига тенглаштирилади.

Масалан,

П – берилган кредит суммаси – 100000 сўм;

и – фоиз ставкаси йилига – 9 %;

К– қарз кунларининг аниқ сони – 260 кун;

С - ўсган қарз суммаси.

Унда,

$$С = 100000 * (1 + 0,09 \% * 260 /365) = 106411 \text{ сўм}$$

2. Қарз кунининг ҳақиқий сони бўйича оддий фоизлар. Бу ҳолда, худди юқоридагидек, ҳисоблаш учун қарз кунларининг аниқ сони олинади, лекин вақтинчалик база 360 кунга тенглаштирилади. Агар кредит муддати 360 кундан ошса, унда ҳисобланган фоизлар суммаси кўпроқ бўлади. Масалан, ссуда даври 364 кунга тенг бўлса, унда 364 / 360 = 1,011 фоиз ставкаси бўйича қўшимча фоиз тўланади. Бу усулни юқоридаги намунада берилган мисол билан кўриб чиқамиз:

$$С = 100000 * (1 + 0,09 \% * 260 / 360) = 106499 \text{ сўм}$$

3. Қарз кунларининг яқинлашган сони бўйича оддий фоизлар. Бунда ссуданинг кунлар бўйича давом этиши яқинлашиш билан аниқланади, вақтинчалик база 360 кунга тенг. Кўп ҳолларда ссуда кунларининг аниқ сони яқинлашиш сонидан катта бўлади, шунинг учун ҳам ссуда кунларини аниқ сони бўйича ҳисобланган фоизлар ҳажми, одатда, яқинлашиш бўйича ҳисоблангандан катта бўлади.

Бизнинг мисолимизда ссуда кунларини яқинлашиш сони 257 кунга тенг, буни ҳисобга олган ҳолда:

С = 100000 * (10,09 % * 257 / 360)= 106424 сўм

Амалиётнинг кўрсатиши бўйича фоиз ҳисоблашнинг иккинчи усули, яъни ссуда кунларини аниқ сони бўйича оддий фоизлар усули қолган икки вариантга нисбатан каттароқ натижани беради.

Чунки

С > С > С .

Бун кредитор ссуда расмийлаштирилишида инобатга олиши зарур.

4-§. Банк маржаси ва фоиз ставкаларига таъсир қилувчи омиллар

Банк кредитидан фойдаланилган вақт учун ҳақ тўлаш кредит нархини ташкил этади, у ҳисобот ойи бошлангунга қадар банк бўйича юзага келадиган ўртача фоиз ставкаси ва маржани ўз ичига олади.

Банк оладиган ва тўлайдиган фоиз ўртасидаги фарқ маржа деб юритилади. Яъни фоизли маржа – банк активларидан даромад келтирувчи фоизли даромад ва банк мажбуриятлари бўйича фоизли харажат ўртасидаги фарқдир. Фоизли маржани фоизлар бўйича келадиган соф даромад деб ҳам аталади. У қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\textbf{М}\ \text{далил} = \frac{\text{Дф} - \text{Рф}}{\textbf{Ад}} * 100\ \%$$

М факт – далилланган фоизли маржанинг ҳажми;

Дф – фоизли даромад;

Рф – фоизли тўловлари бўйича харажатлар;

Ад – фоиз кўринишида даромад келтирадиган активлар.

Кредит нархи Марказий банкнинг “қайта молиялаш” ставкаларининг меъёрлари билан тартибга солинади ҳамда маҳсулот ва хизмат таннархи даражасини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган чегара кўрсаткичларидан ошмаслиги лозим. Амалда қайта молиялаш ставкаси “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонуннинг тегишли моддасига мувофиқ, Марказий банк томонидан мустақил равишда белгиланади.

Ҳозирги кунда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш фоиз ставкаси ойига 1,167 % ни ҳамда йилига 14 % ни ташкил этади.

I. Демак, жорий давридаги қайта молиялаштириш фоиз ставкаси орқали Марказий банк тижорат банкларининг ортиқча кредит нархини белгилайди, яъни:

1) қайта молиялаштириш фоиз ставкаси – 1,167,0 %

2) кредит нархи 2,0 % * 1,5 % = 3,0 % (1 ойга)

II. Тижорат банкларига ўз муддатида қайтарилмаган кредитнинг нархи қуйидагича белгиланади:

1) қайтариш муддати ўтган 1 кундан 1 ойгача бўлган кредитлар учун белгиланган кредит нархи 1,3 марта оширилади. Масалан:

а) муддатли кредитнинг нархи – 3 %

б) 1 кундан 30 кунгача муддати ўтган кредит учун:

3,0 % * 1,3 % = 3,9 % ;

2) қайтариш муддати ўтган 31 кундан 90 кунгача бўлган кредитлар учун ўрнатилган кредит нархи 1,5 марта оширилади, яъни 3,0 * 1,5 = 4,5 %

2) агарда муддати ўтган кредитлар 90 кун ичида қайтарилмаса, фоиз ҳисобланиши тўхтатилади. Кредитнинг қайтарилиши эса ўрнатилган тартиб ва қонун асосида хўжалик суди ва бошқа маъмурий ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Кредитларнинг фоиз ставкасига таъсир этувчи омилларига тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ. Улардан асо-сийлари қуйидагилар:

1. Пул бозоридаги талаб ва таклифнинг нисбати, яъни бозорда қандай миқдорда қарз пулига талаб бор ва унга нисбатан қандай миқдорда қарзга бериладиган пул чиқарилган. Талаб ошса, фоиз ортади таклиф ошса, у камаяди.

2. Қарзга олинадиган пулни ишлатишдан кутиладиган наф даражаси, аниқроғи шу пулнинг истеъмол қиймати. Қарз пули тадбиркор учун кўп фойда келтирса ёки истеъмолчи эҳтиёжини тўлароқ қондирса, фоиз юқори бўлади, акс ҳолда у пасайиб кетади.

3. Қарзни тўлаш муддати ва шарти. Агар қарз узоқ муддатга берилиб, уни секин – аста кичик – кичик қисмларга бўлиб, бемалол қайтариш мумкин бўлса, қарздор юқори фоизга рози бўлиши мумкин. Агар қарз қисқа вақтга берилса, уни бир йўла тўлаш шарт бўлса, қарздор пай фоизни маъқул кўради. Демак, қарз қанчалик узоқ муддатга берилса, шунча муддат уни ишлатиб, кўп марта даромад кўриш мумкин ва шунинг эвазига фоиз тўлаш енгил бўлади.

4. Қарзнинг қандай валютада берилиши. Агар қарз эркин конвертирланган валютада берилса, фоиз юқори белгиланади, агар у миллий валютада берилса, фоиз нисбатан паст ўрнатилади.

5. Инфляция даражаси. Инфляция юз берса, қарзга берилган пул эгасига қайтиб келгунича, ўз қадрини қисман йўқотади. Бунда пул эгаси ютқазади.

Шу сабабли, фоиз инфляция суръати ҳисобга олинган ҳолда ўрнатилади.

6. Пулни қарз беришдан кўра бошқа йўл билан ишлатишдан тушадиган даромад. Бунда пул эгасининг афзал кўриш тамойили амал қилади. Агар акция дивиденди юқори бўлса, фоиз пасаяди ва аксинча, агар акция дивиденди паст бўлса, фоиз ундан юқори бўлиши шарт. Акс ҳолда, пул эгаси уни қарзга бермай, акция сотиб олишни афзал кўради.

7. Қарз беришнинг хатар даражаси. Агар қарзнинг қайтиб келиши кафолатланса, фоиз паст, агар бу хатарли бўлиб, қарз қайтиши шубҳали бўлса, фоиз юқори бўлади. Юқори ва паст фоиз ўртасидаги фарқ пул эгалари учун маълум даражада қарз хатарини камайтиради, чунки бир ерда фоизнинг камлиги, бошқа ерда унинг ортиқ бўлиши билан қопланади.

5-§. Хорижий давлатлар амалиётида қўлланиладиган фоизлар

Жаҳон амалиётида фоиз ставкалари қуйидаги гуруҳларга бўлинадиган турли хил сузиб юрувчи фоиз ставкаларидан фойдаланилади:

А. Расмий фоиз ставкалари (ҳисоб ставкаси ёки қайта молиялаштириш ставкаси) ҳар бир давлатда Марказий банк томонидан белгиланади. Мана шу ставкалар бўйича Марказий банклар тижорат банкларига кредит беришади. Марказий банкларнинг кредитлаш операциялари тижорат векселларини қайта ҳисоблаш шаклида амалга оширилади.

Б. Кредит ресурсларини тақдим қилишнинг банклараро ставкалари энг кўп қўлланиладиган базис ставка сифатида **ЛИБОР** – Лондон банкларараро ставкаси ҳисобланади. Бундан ташқари, Франкфурт-на-Майнда **(ФИБОР),** Парижда (**ПИБОР),** Мадридда (**МИБОР),** Римда **(РИБОР),** Стокгольмда **(СТРИБОР),** Гонконгда (Грибор) ўзига хос банкларараро ставкалари ҳам машҳур.

В.“Прайм – рейт” ставкаси (биринчи даражали ставка) – бу энг обрўли қарз олувчиларга бериладиган кредитларга АҚШ банклари томонидан белгиланадиган ставкадир. У кредит қиймати-нинг мўлжал бўлиб хизмат қилади ва дастлабки икки ставкадан 1 – 2 % га юқори бўлади.

Г. Ўрта ва катта бўлмаган фирмалар ва хусусий шахсларга бериладиган кредитлар ставкалари. Улар, одатда, “прайм – рейт” дан ҳам юқори бўлади.

Ҳозирги пайтда энг муҳим ставка **ЛИБОР** ҳисобланиб, евровалюта бозоридаги биринчи даражали банклар ўртасидаги кредитлашда энг кўп қўлланиладиган ставкадир.

Одатда**, “ЛИБОР** ставкаси” дейилганда, фунт стерлинг ва АҚШ долларидаги депозитлар бўйича фоиз ставкалари тушунилади.

Фунт стерлингдаги **ЛИБОР** ставкаси ҳар куни эрталаб 11:00 да (Лондон вақти) қуйидаги банкларнинг қатъий ставкаларининг ўртача арифметик катталиги сифатида ҳисобланади: Ллойдс, Мидленд, ВОА, Барклайз, Сосьете Женераль ва Нэтвест.

Мана шу тамойил асосида АҚШ долларидаги **ЛИБОР** ставкаси аниқланади, бунда қуйидаги банклар қатъий ставкалари ишлатилади: Барклайз, Бэнк оф Токио, Банкерс Траст, Нэшнл Вестминстер банк.

Еврокредитлар бўйича **ЛИБОР** ставкаси, одатда, 12 та валюта бўйича ва бир неча даврлар бўйича (1 ҳафта, 1, 2, 3, 6, 9 ой ва 1 йил) ҳисобланади.

Еврокредит – бу сузиб юрувчи ставкада евровалюталаридан бирида бериладиган ўрта муддатли банк кредитидир.

Банклар кредит бўйича **фоиз ставкаларини ҳисоблашда** турли хил усуллардан фойдаланилади. Мисол учун, АҚШда энг кўп тарқалган усуллар: йиллик фоиз ставкаси усули, оддий фоиз усули, дисконт ставка усули, қўшиш усули ҳисобланади.

Йиллик фоиз ставкаси усули – кредит бўйича йиғилган тўловларни кредит суммасига бўлган нисбатини кўрсатади, яъни даромадлилик ставкасини ифодалайди. Бу усул кредитнинг қанчалик тез қайтарилаётганлиги ва қарздор кредитлаш муддати давомида ҳақиқатда қанча сумма ишлатаётганлигини кўзда тутади.

Оддий фоизлар усули ҳам ҳақиқатда ишлатган кредитни кўзда тутади. Агар қарздор кредит қайтаришни аста оширса, оддий фоизлар усули қарздорлик қолдиғи пасайишини ва тегишли тўланадиган фоиз ставкаларини аниқлаб беради. Бу усулни қўллашда қарздор кредит

қайтарилиши муддати яқинлашган сайин фоиз тўловларида харажатларни тежашга эришади.

Дисконт ставка усули. Кредитларнинг асосий қисми кредитлаш муддати давомида қисман фоиз ва қисман асосий қарзни тўлашни кўзда тутади, бироқ дисконтлаш усули фоизларнинг аванс тўловини кўзда тутади. Бу ҳолатда қарз олувчи келишилган кредит суммасини фоизларни чегиришдан сўнг олади. Муддат тугаши билан келишилган асосий қарз суммасини қайтариши лозим.

Фоиз ошириш усулида кредит қайтариш бадалларини қарздорга эълон қилингунча қадар фоиз тўловлари асосий қарз суммасига қўшиб борилиши назарда тутилади. Агар кредит ва фоизлар муддат охирида бир вақтда қайтарилган ҳолатдагина фоиз ошириш ставкаси оддий фоиз ставкасига тенг бўлади. Ҳар қандай бошқа ҳолатда қарздор шартномада кўрсатилган ставкада эмас, балки кредит бўйича юқори бўлган реал ставкани тўлайди.

Фоиз ставкаларини ҳисоблашнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд.

Кредит бўйича фоиз ставкаси тебраниб туради.

1. Баъзи бир бошқа лойиҳаларнинг самарадорлиги бундан баланд ёки паст бўлиши мумкин.
2. Баъзи бир корхоналар ўз ишлаб чиқаришини фақатгина кредит маблағлар ҳисобига ташкил қилмай, балки хусусий маблағларига ҳам таянади. Шунда хусусий маблағлари айланмасидан келиб тушган фойда ҳисобидан банк кредити фоизини тўлашга тайёр, бўлгани учун, фоиз ставкаси 5 % дан ошиши мумкин.
3. Бозор иқтисодиёти ривожланмаган давлатлар иқтисодиёти-нинг халқ хўжалиги жуда нотекис ривожланган бўлади. Шу сабабли, турли соҳаларнинг самарадорлиги турлича бўлади. Оқибатда кимдир кредит учун 100 % қўшимча тўлаб беришга тайёр бўлса, кимдир учун 5 % ҳам оғирлик қилади. Демак, кредит фоиз (қарз олувчи истаётган фоиз ставкаси) қуйидагича аниқланади.

$$р = е – т – б$$

е – кредит ҳисобидан амалга оширилаётган фаолият самарадорлиги;

т – самарадорлик ҳисобидан тўланадиган солиқлар;

б – самарадорлик ҳисобидан амалга ошириладиган ижтимоий ҳаражатлар.

Бизнинг мисолимизда $р = 15 – 0{,}32 * 15 – 0{,}35 * 15 = 5$ %

Кредитор ҳам худди шу йўл орқали ўзи истаган фоиз билан кредит ресурсларини таклиф этади. Фараз қилайлик, р = 8 %, Аммо бу фоиз

қарз олувчининг аҳволи, кредит муддати, таваккалчилик даражаси каби омилларнинг таъсири натижасида ўзгариши мумкин. Бундан ташқари қарз берувчи кредит ресурсларини кредит бозоридан ўзи ҳам олиши мумкин. Масалан, жамғарма банклардан, тижорат банки жамғарма банкига 4,5 %= р даромад тўлаб беришга тайёр. Жамғарма банки ўз набатида р дан келиб чиққан ҳолда омонат ва депозитлар бўйича фоиз ставкасини р= 4 % белгилайди.

Давлат ҳам р дан келиб чиқиб, ўз облигацияларига фоиз ставкасини белгилайди. Агарда фоиз ставкасини р дан тушириб юборса, аҳоли давлат облигацияларини сотиб олмайди. Ошириш эса давлат учун ортиқча харажатдир, чунки р = р бўлганда аҳоли асосан р ни ҳарид қилади. Сабаби, давлат облигациялари жамғарма банклардаги депозитларга нисбатан ишончлироқдир.

Ҳиссадорлик жамиятлари ҳам ўз акциялари бўйича фоиз ставкасини р > р каби белгилайди, чунки корхона акциялари давлат облигацияларига нисбатан таваккалчилига юқори ҳисобланади.

Марказий банк, ўз навбатида, қайта молиялаштириш ставкасини р дан келиб чиққан ҳолда белгилайди. Сабаби, Марказий банк р ва р орқали мамлакат ссуда капитали бозоридаги аҳволни назорат қилади. Агар давлат инвестицион фаолликни кучайтирмоқчи бўлса р тушади ва аксинча активликни камайтирмоқчи бўлса р ни оширади.

Шу орқали давлат капитал бозоридаги ссуда ресурсларининг таклифини бошқаради, оқибатда эса кредит фоиз ставкалари ҳам мос равишда ўзгариб боради.

Баъзи бир акцияларни дивиденд олиш мақсадида сотиб оладилар, баъзилар эса бу акциялар нархининг ўзгариши натижасида пайдо бўладиган спекулятив фойда, яъни маржа учун харид қиладилар. Акцияни сотиб олмоқчи бўлган киши акциянинг нархини у бўйича кутилаётган ёки амалдаги диведенд орқали ҳамда бу киши учун фойда меъёрисининг қониқтириш даражасига асосланган ҳолда белгилайди. Яъни:

Па= д / и

бунда д – дивиденд;

и - фойда меъёрининг қониқтириш даражаси.

Акция бўйича фойда меъёрисининг қониқтириш даражаси эса бир қанча кўрсаткичлар орқали аниқланади. Масалан, депозит ва омонатлар бўйича фоиз, ставкасига қараб р дан юқори бўлган акция бўйича фоиз бу акция эгаси таваккал қилгани учун мукофотдир.

и = р + а

бунда а - таваккалчилик учун мукофот. Демак,

Ра = д / р + а

Мисол учун, агарда дивиденд $ 3 бўлса, омонотлар бўйича фоиз ставкаси 4 % бўлса, таваккалчилик учун мукофот - 6 % бўлса, у ҳолда харидор учун акциянинг ҳақиқий баҳоси келиб чиқади. 3 / (0,04 0,06) = 30. Худди шу йўл билан фоиз ставклар билан давлат облигацияларнинг ўзаро боғлиқлигини кўриб чиқишимиз мумкин. Чунки р = р

Яна муҳим боғлиқлардан бири бу – капитал қўйилмалар самарадорлиги билан фоиз ставкалари орасидаги боғлиқликдир. Акция сотиб олаётган киши қуйидагича ўйлаши мумкин: “Акция сотиб олмасдан, пулимни кичик кафе очишга ёки бўлмаса бир-икки кишини тўплаб, бўш турган пулларга завод сотиб олишга ҳам сарфлашим мумкин-ку. Ўшанда капитал қўйилмаларнинг самарадорлиги миқдорида фойда олишим мумкин”. Аммо шуни таъкидлаш керакки, капитал қўйилмалар бўйича фойда меъёрисининг қизиқтириш даражаси унинг бозордаги фойда меъёридан паст бўлади. Чунки капитал қўйилмалар бўйича бошқарув, ташкилий ва сотиш каби ҳаражатлар мавжуд. Акция эгаси эса бундай ташвишлардан озоддир. Шу сабабли, акция эгаси ортиқча ташвишларсиз даромад кўришни танлайди, демак,

Ра = д / е - л

бунда е – капитал қўйилмаларнинг самарадорлиги

л - Бизнесда иштирок этмаганлик чегирмаси

мисол учун, е-15 % , л-5 % бўлса, акция сотиб олмоқчи бўлган киши учун акциянинг баҳоси аниқланади.

Ра = 3 / 0,15 - 0,05 = $ 30

Акцияни қайта сотишдан даромад кўрмоқчи бўлган киши учун акциянинг кечаги нархи билан қизиқади. Агарда бу нарх ошиши мумкин бўлса, у акцияларни кечаги нархда сотиб олишга ҳаракат қилади. Юқоридагиларни умумлаштириб, биз қуйидаги тенгликка тўғри келамиз.

Ра= д / и * δ + П * δ

бунда, и – акциядан келадиган фойда меъёри;

Р – акцияларнинг кечаги нархи;

– дивиденд ҳисобида даромад кўрмоқчи бўлганлар салмоғи;

– нархлар орасидаги фарқ ҳисобида даромад кўрмоқчи бўлган шахслар салмоғи

Мисол учун, Р – 28 $, д – 3 $, и – 10 %, δ - 60 % бўлса, у ҳолда акция сотиб олувчи учун акциянинг нархи биринчи кўринишда қуйидагича бўлади.

Ра = 3 / 0,1 * 0,6 + 28 * 0,4 = 29,2 $

Демак, умумий қилиб айтганимизда, ссуда капиталларининг баҳоси ва уларга тўланадиган фоиз ставкалари бозорда, рақобат муҳитида вужудга келади. Бунда ссуда капитали аукциони бошланади. Бу аукционда кредит ресурслари эркин, очиқ тарзда сотилади. Аммо бу аукцион бўлганлиги сабабли бу ресурсларга нарх сунъий тарзда ошиб кетиши мумкин. Аммо бу иқтисодиёти унча ривож топмаган давлатлар учун кредит ресурсларининг реал баҳосини аниқлашда энг оқилона йўлдир. Яна кредит ресурсларининг реал баҳосини аниқлашда инфляция ҳам эътиборга олинади. Бунда номинал ва реал фоиз ставкалари вужудга келади. Унга кўра

Реал инфляция	=	**номинал фоиз ставка**	-	**инфляция даражаси**

Булардан ташқари, қатъий белгиланган (фиксирланган) ва Сузиб юрувчи фоиз ставкалари ҳам бордир.

Фиксирланган фоиз ставкаси бу – кредит шартномаси бажарилгунга қадар ўзгармасдан қолувчи фоиз ставкасидир. Бу ставка тижорат банки учун ноқулайдир, яъни бунда банк ўз активларининг маълум қисмини йўқотиши мумкин. Масалан, банк 30 % ставкада бир йиллик кредит берди. Уч ойдан ссуда капитали бозорида бир йиллик капиталларнинг фоиз ставкаси 35% га кўтарилса, бу банк учун зарардир. Сузиб юрувчи фоиз ставкаси бу ссуда капиталидаги талаб ва таклифга нисбатан ўзгариб борадиган фоиз ставкасидир. Сузиб юрувчи фоиз ставкаси банк учун зарар эмас. Мисол учун, валютадаги кредитларни кўриб чиқамиз. Агар Либор - 6 % бўлса, банк спреди 1 % бўлади, демак кредит нархи 7%, агарда Либор 5 % га тушса ҳам, банк спреди 1 % лигича қолади, аммо кредит нархи тушиб, 6 % ни ташкил қилади.

Қуйидаги таянч сўзларга таъриф беринг.

1. Фоиз сиёсати.
2. Фоиз тури.
3. Фоиз даражаси.
4. ЛИБОР.
5. ФИБОР.
8. Прейм- рейт.
9. Маржа.
10. Фоизли маржа.
11. Еврокредит.
12. Дискон.

6. ПИБОР.
7. МИБОР.
13. Реал фоиз ставка.

Мавзуга оид саволлар.

1. Тижорат банкларининг фоиз сиёсати деганда нимани тушунасиз?
2. Фоиз ставкаси қандай ўрнатилади ва қайси омилларга боғлиқ?
3. Фоиз даражаси қандай аниқланилади?
4. Кредитнинг баҳоси деганда нимани тушунасиз ва у қандай аниқланади?
5. Оддий фоизлар қандай аниқланади?
6. Мураккаб фоизлар қандай аниқланилади?
7. Банк маржаси қандай аниқланади ва у қайси омиларга боғлиқ?
8. Хорижий давлатлар фоиз сиёсатининг қандай хусусиятларини биласиз?
9. Реал фоиз ставкаси қандай аниқланади ва унга қандай омиллар таъсир қилади?

XIII боб. Банкнинг моҳияти ва банк тизими

1-§. Банкларнинг келиб чиқиши ва унинг моҳияти

Банк деб пул маблағларини йиғувчи, сақлаб берувчи, кредит-ҳисоб ва бошқа ҳар хил воситачилик операцияларини бажарувчи муассасага айтилади.

Банклар пайдо бўлишининг асоси товар-пул муносабатларининг ривожланиши ҳисобланади. Товар-пул муносабатларининг юзага келиши ва уларнинг ривожланиб бориши барча ижтимоий-иқтисодий тузумларда банкларнинг мавжуд бўлишини тақозо қилади.

Банклар ўрта асрларда пулдорлар томонидан пулни қабул қилиш ва бошқа давлат, шаҳар пулига алмаштириб бериш асосида келиб чиққан. Кейинчалик пулдорлар ўз бўш турган маблағларидан фойда олиш мақсадида уларни вақтинча фойдаланишга маблағ зарур бўлган субъектларга беришган. Бу ҳол пул алмаштирувчи пулдорларнинг банкирларга айланишига олиб келган.

Банк сўзи итальянча «банса» сўзидан олинган бўлиб «стол», аниқроғи «пуллик стол» деган маънони англатади. Ўрта асрларда италиялик пулдорлар ҳамёнларидаги, идишлардаги монеталарни стол устига қўйиб ҳисоб-китоб қилганлар.

XII асрларда Генуяда пул алмаштирувчилар «банчерии» деб атаган. Агар пулдорлардан бирортаси ишончни оқламаса ва ўз ишига масъулиятсизлик қилса, у ўтирган столни синдириб ташлашган ва уни «Бансо ротто», яъни банкрот деб аташган. Яъни бизга маълум бўлган «банкрот» сўзи ҳам итальянча «банса» сўзидан олинган.

Банклар пайдо бўлишининг бошланғич босқич XВИ асрда Флоренция ва Венецияда ташкил қилинган кичик жиробанклар ҳисобланади. Кейинчалик шундай банклар Амстердамда (1605 й.), Гамбургда (1618 й.), Миланда, Нюрнбергда, Генуяда вужудга келган. Бу банклар асосан ўз мижозлари–савдогарларга хизмат қилган, улар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни олиб борган. Бу банклар ўз мижоз-ларини монеталар таркиби бузилиши туфайли зарар кўришдан ҳимоя қилган. Улар ҳисобларни маълум суммадаги қимматбаҳо металлни ифодаловчи махсус пул бирлигида олиб боришган. Ўзларининг бўш пул маблағларини жиробанклар давлатга, шаҳарларга, чет эл савдогарларига ссудага беришган.

Тарихда биринчи юзага келган банк Англия банки ҳисобланиб, у 1694 йилда акционерлик банки сифатида ташкил бўлган. Бу банк

акционер-эмиссион банк бўлиб, унга давлат томонидан банкнотлар чиқаришга рухсат берилган. Кейинчалик, саноат ривожланиши натижаси-да банклар бошқа мамлакатларда ҳам ташкил қилиниб борган. Банкларнинг келиб чиқиши ва ривожланиш ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар ва талабларнинг ошиши, савдо капитали айланишининг тезлашуви билан боғлиқ бўлган. Натурал хўжалик муносабатларининг тугаши, савдо-сотиқ муносабатларининг ривожланиши пуллик ҳисоб-китоблар олиб боришга, кредитнинг ривожланишига йўл очди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ёлланма меҳнатни жалб қилишга олиб келган. Ёлланма меҳнат учун ҳақнинг пул шаклида тўланиши, доимий пул айланишини юзага келтирди. Пул айланишини эса банк томонидан бошқарилиши зарур эди. Шундай қилиб, банклар маблағларни йиғиш ва тақсимлаш орқали ссуда капитали ҳаракатини бошқара бошлади. Ссуда капиталистидан фарқли ўлароқ банкир тадбиркор сифатида ўз иш фаолиятини олиб борган.

Агар саноат соҳасидаги пулдор ўз капиталини саноатга, савдогар ўз маблағини савдога қўйса, банкир ўз капиталини банк ишига қўяди. Ссуда капиталисти асосан ўзининг бўш капиталини қарзга берса, банкирлар асосан четдан жалб қилинган маблағларга таянади. Ссудага маблағ берувчи пулдорнинг даромади ссуда фоизи бўлса, банкирнинг даро-мади банк фойдаси ҳисобланади. Банклар корхона, ташкилот, давлат муассасалари, аҳоли бўш пулларини жалб қилиш орқали катта ҳажмдаги капитални ўз қўлларида жамлайдилар ва даромад келтирувчи капитал ҳаракатини бошқариб борадилар. Банкларнинг йириклашуви ва улар фаолиятининг такомиллашуви уларнинг махсус корхоналар – кредит муассасаларига айланишига олиб келади.

Шундай қилиб, банк фаолияти халқ хўжалиги мавжуд бўлган бўш маблағларни жалб қилиш ва ссуда капиталини тақсимлашни ўз ичига олади. Банк ўз фаолияти давомида маълум даромадга эга бўлади. Бу даромад банк жалб қилган ресурсларга йўналтирилган фоиз ва жойлаштирган ресурслар бўйича оладиган фоиз ўртасидаги фарқдан иборат бўлади.

2-§. Банкларнинг функциялари

Бу бобда биз банкларга тааллуқли бўлган умумий функциялар тўғрисида гапириб ўтмоқчимиз. Кейинги бобларда биз алоҳида-

алоҳида олинган ҳолда биринчи ва иккинчи бўғин банкларининг функциялари тўғрисида фикр юритамиз.

Шундай қилиб, банк тизими миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, банклар қуйидаги функцияларни бажаради:

6. – вақтинча бўш турган маблағларни йиғиш ва капиталга айлантириш;

7. – кредит муносабатларида воситачилик қилиш;

8. – тўлов жараёнларида воситачилик қилиш;

9. – муомалага кредит воситаларини чиқариш.

Халқ хўжалигидаги вақтинча бўш турган маблағларни йиғиш ва уларни капиталга айлантириш – банкларнинг илк функцияларидан бири ҳисобланади. Бу функция амалга оширилиши натижасида бир томондан, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар жалб қилинган маблағлари бўйича маълум миқдорда даромадга эга бўладилар, иккинчи томондан бу маблағлар банкларнинг кредитлаш салоҳиятини ташкил қилади ва шу ресурсларга асосланган ҳолда банклар ссуда операцияларини олиб боради.

Вақтинча бўш пул маблағлар банклар иштирокисиз бир корхона (тармоқ) томонидан иккинчи корхона (тармоқ)га вақтинча фойдаланишга бериладиган бўлса, бу муносабатларни ташкил қилишда маълум қийинчиликлар юзага келиши мумкин:

– биринчидан, кредитга сўралаётган сумма билан кредитга берилиши мумкин бўлган сумма ўртасида номутаносиблик бўлиши мумкин;

– иккинчидан, ортиқча бўш маблағга эга бўлган корхонанинг маблағларни вақтинча фойдаланишга берадиган муддати маблағ зарур бўлган корхонани қониқтирмаслиги мумкин;

– учинчидан, банклар иштирокисиз корхоналарни тўғридан-тўғ-ри кредитлашда қарз берувчи қарз олувчи корхонанинг молиявий аҳволини тўлиқ ўргана олмаслиги мумкин. Қарз олувчининг тўловга лаёқатсиз бўлиши кредитор корхонанинг ҳам молиявий аҳволининг ёмонлашувига ва бошқа салбий ҳолларга олиб келиши мумкин.

Халқ хўжалигидаги барча бўш маблағларнинг банк томонидан йиғилиши натижасида вужудга келадиган кредит ресурслар ҳисобидан қарз олувчи корхонага зарур бўлган суммада, зарур бўлган муддатда кредит беришга имконият яратилади. Ундан ташқари, банк корхоналарнинг тўловга лаёқатлилигини ҳар томонлама таҳлил қилиши, уларнинг молиявий аҳволини яққолроқ баҳолаб бера олиши мумкин.

Иқтисодиётнинг ўсиши банк кредитининг қўлланилиш кўламини кенгайтириб боради. Кредит фақатгина ҳар кунлик фаолият билан боғлиқ ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг қисқа муддатли эҳтиёжлари учун эмас, балки узоқ муддатга капиталга бўлган эҳтиёжни қоплашга йўналтирилади. Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб, банклар йирик мижозларга хизмат кўрсатишга ихтисослаша борди. Бу мақсадни амалга ошириш учун банклар маблағларни жалб қилиш миқёсини, истеъмол учун кредитлар бериш кўламини кенгайтирди.

Тўловларда воситачилик функциясида банклар ўз мижозларининг топшириғига асосан тўлов жараёнларини амалга оширади, ҳисоб варақларига маблағларни қабул қилади, пул тушумларининг ҳисобини олиб боради, мижозларга пул маблағларини беради.

Ҳисоб-китобларнинг банк орқали олиб борилиши муомала харажатларининг камайишига олиб келади. Мижоз мамлакат ичида ва бошқа мамлакат билан қийинчиликсиз ўз маблағларини банк орқали ўз ҳисобварағидан бошқа корхона ҳисобварағига ёки бошқа мамлакат банкига ўтказиши мумкин.

Муомалага кредит воситаларини чиқариш. Банк кредитининг манбаи фақат вақтинча бўш маблағлар ва капитал бўлиб қолмасдан, кредит асосида чек-депозит эмиссияси ҳам амалга оширилади. Банк томонидан бериладиган кредит миқдори мавжуд жамғармалардан кўп бўлса, банк чек-депозит эмиссиясини амалга ошириши мумкин.

Ундан ташқари, кредит ёрдамида муомалага нақд пуллар - банкноталар чиқарилади.

Банк кредит пуллар чиқариш, депозитлар яратиш йўли билан тўлақонли пуллар ўрнини босувчи кредит воситаларини вужудга келтиради.

3-§. Кредит тизими ва унинг тузилиши

Кредит тизими деб кредит муносабатлар мажмуаси ва кредит муносабатларни ташкил қилувчи ва амалга оширувчи кредит институтлар йиғиндисига айтилади. Кредит тизими орқали ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш маблағлари йиғилади ва корхона, ташкилотларга, аҳолига, давлатга вақтинча фойдаланишга берилади. Кредит тизими бир неча бўғинлардан иборат бўлиши мумкин. Маблағларни жалб қилиши ва тақсимланишига қараб кредит тизими бўғинлари ўз хусусиятларига эга бўлади. Жаҳон амалиётида кредит

тизими ўзининг ташкил қилиниш турига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

– Марказий банк;

– тижорат банклар;

– махсус-кредит институтлар.

Бозор иқтисодиёти шароитида икки поғонали кредит банк тизими кўп мамлакатлар иқтисодининг асоси ҳисобланади. Бу Марказий банк, банк институтлари ва нобанк кредит муассасаларидир.

Банк институтларига қуйидаги банклар киради:

– тижорат банклар;

– инвестиция банклари;

– жамғармалар жалб қилувчи банклар (Ўзбекистонда Халқ банки);

– ипотека банки;

– савдо банклари;

– ташқи иқтисодий алоқалар бўйича банклар;

– тармоқлар бўйича ихтисослашган банклар ва бошқалар.

Нобанк кредит ташкилотларга:

– инвестиция компаниялари;

– суғурта компаниялари;

– нафақа ва бошқа фондлар киради.

Кредит тизимида асосий ўринни банк институтлари, банк институтлари таркибида салмоқли ўринни тижорат банклари эгаллайди. Тижорат банклари кредит тизимининг бошқа бўғинларига нисбатан кўпроқ бўш ресурсларни жалб қилади ва кўп миқдорда мижозларга кредитлар беради.

Махсус ихтисослашган кредит институтлари (банклар) тижорат банклари фаолиятини тўлдиради ва улар иқтисодиётнинг кам рентабеллик, кам фойдали тармоқларига (қишлоқ хўжалиги, уй-жой қурилиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқалар) енгил шароитда кредитлар бериш йўли билан уларнинг фаолиятини рағбатлантириб, ривожлантириб боради.

Кредит уюшмаси деб юридик ва жисмоний шахслар томонидан кредитлар бериш мақсадида ихтиёрий тенг ҳуқуқли аъзолик асосида тузиладиган кредит ташкилоти эътироф этилади. Кредит уюшмаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк ҳисобварақларини белгиланган тартибда очишга ҳақлидир.

Кредит уюшмаси ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган манзили кўрсатилган юмалоқ муҳрига эга

бўлиши лозим. Муҳрда айни пайтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Кредит уюшмасининг фирма номида "кредит уюшмаси" сўз бирикмаси ифодаланиши ва у бошқа кредит уюшмаларининг фирма номига ўхшаш бўлмаслиги керак. Ушбу Қонун талабларига жавоб бермайдиган юридик шахс ўз номида "кредит уюшмаси" сўз бирикмасидан фойдаланишга ҳақли эмас.

Кредит уюшмаси ўз номи ёзилган штампларга, бланкаларга ва ўз эмблемасига эга бўлишга ҳақлидир.

Кредит уюшмаси ишлаб чиқариш, суғурта, савдо-воситачилик ҳамда ушбу Қонунда назарда тутилмаган бошқа фаолият билан бевосита шуғулланишга ҳақли эмас" деб айтилган. Аммо бу Қонун 2006 йил 14 апрелда киритилган ўзгартиришларни инобатга олиб талқин қилинганда, тўрт йиллик давр ичидаги ўзгаришларни ва қонунга бўлган талабни инобатга олган ҳолда лойиҳа тузилганлиги маълум бўлади. Қонун лойиҳасини тайёрлашдан мақсад, кредит уюшмалари тизимини янада ривожлантириш, уларни ташкил этиш ва бошқариш, шунингдек, кредит уюшмалари тизимини тартибга солиш ва назорат қилиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган.

Микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва ушбу Қонунга мувофиқ бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатувчи юридик шахс микрокредит ташкилотидир.

Микрокредит ташкилоти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк ҳисобварақларини белгиланган тартибда очишга ҳақли.

Микрокредит ташкилоти ишлаб чиқариш, суғурта, савдо-воситачилик ва қонунда назарда тутилмаган бошқа фаолият билан бевосита шуғулланишга ҳақли эмас.

Ломбард ташкилотлари деб қимматбаҳо металларни гаровга олган ҳолда кредит берувчи юридик шахс мақомига эга ташкилотлар ҳисобланади. Ломбард ташкилотлари жисмоний шахсларга ўзининг молиявий хизматларини кўрсатади.

Банклар маълум белгиларига қараб қуйидаги турларга бўлинади.

–мулк шаклига қараб: акционер, ноакционер, кооператив, коммунал, давлат, аралаш, халқаро банклар;

– кредит берувчи банклар.

Миллий мавқеи бўйича: миллий ва хорижий банкларга бўлинади.

Фаолият кўрсатиши ва бажарадиган функцияларига кўра: депозит, универсал, ихтисослашган банкларга бўлинади.

Акционер банклар акционер компаниялар сифатида юзага келган банклар бўлиб акциялар чиқариш ҳисобидан улар капиталининг асосий қисмини юзага келтиради. Кўпгина ривожланган мамлакатларда банк тизимининг асосий қисмини акционер банклар ташкил қилади.

Ноакционер банклар пайчилар маблағлари ҳисобидан ташкил қилинган банклар бўлиб, улар бир ёки бир неча шахс ихтиёрида бўлиши мумкин.

Майда ишлаб чиқарувчилар, ҳунармандларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида кооператив банклар ташкил қилинади. Бу банкларнинг маблағлари иштирокчиларнинг маблағлари ҳисобидан вужудга келтирилади ва мижозларга уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун енгил шароитда кредит берилади. Коммунал банклар ихтисослашган кредит ташкилотлар бўлиб, коммунал хўжалик ва уй-жой қурилишини кредитлаш ва молиялаштириш билан шуғулланади.

Давлат банклари давлат ихтиёрида бўлган кредит муассаса бўлиб, биринчи марта қадимий Римда, Мисрда, кейинчалик XВИ-XVII асрларда Европада вужудга келган. Давлат банкларининг қуйидаги турлари амалиётда бўлиши мумкин: марказий, тижорат банклари ва махсус кредит институтлар. Аралаш банклар капитали давлат томонидан ва бир қисми хусусий капитал томонидан вужудга келтирилади. Халқаро банклар халқаро пул, ҳисоб ва кредит мунособатларини олиб борувчи банк бўлиб, давлатлар ўртасида валюта, кредит ва молия муносабатларини бошқариб боради. Йирик халқаро банклар қаторига Европа ривожланиш ва тараққиёт банки, Халқаро валюта фонди, Халқаро Молия корпорацияси, Халқаро ҳисобкитоблар банкини, Европа инвестиция банкини ва бошқаларни киритиш мумкин. Хорижий банклар тўлиқ ёки қисман чет эл инвесторларига тегишли бўлган банклар бўлиб, улар ўз фаолиятини маҳаллий қонунлар доирасида олиб боради. Ҳозирги вақтда бундай банклар йирик банкларнинг шўъбалари сифатида фаолият кўрсатади. Баъзи давлатларда депозит банклар жалб қилинган депозитлар ҳисобидан ҳисоб, кредит, ишонч операцияларини олиб боради. Депозит банклар, асосан аҳоли жамармаларини жалб қилиш ва жойлаштириш билан шуғулланади. Универсал банклар турли хил банк операциялари: депозит, кредит, ҳисоб, фоиз, воситачилик ва бошқа операцияларни бажарувчи банк ҳисобланади. Германия, Швейцария, Австрия каби мамлакатларнинг тижорат банклари универсал

банклар ҳисобланади. Ихтисослашган банклар халқ хўжалигининг маълум соҳаларига ва аҳолига хизмат кўрсатувчи банклардир.

Ихтисослаштирилган банкларнинг турлари сифатида инвестиция, жамғарма, ривожланиш ва тараққиёт банкларини келтириш мумкин. Кредит тизимининг яна бир қисми нобанк кредит муассасалари бўлиб, давлат ва корхоналарни молиялаштириши, узоқ муддатли кредитлаш билан шуғулланади. Ўзбекистонда 1997 йилда нобанк кредит ташкилотлари тўғрисида қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Унда суғурта компаниялари, нафақа фондлари ва бошқа фондларнинг маблағларидан оқилона фойдаланиш ва бу маблағларнинг самарадорлигини таъминлаш масаласи қўйилган. Ҳар бир мамлакатнинг кредит тизими ўз хусусиятига эга бўлиб, ривожланган йирик универсал банклар тармоқларининг кўплиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Германия банк тизими энг юқори даражада ривожланган давлат ҳисобланади. Қуйидаги схемада Германия банк тизими келтирилади.

5-чизма

Германия банк тизимининг таркиби



Германиянинг кредит тизими бошида Бундесбанк туради. Унинг асосий бўғини юқори универсаллашган тижорат банклари ҳисобланади. Германия грос (йирик) банклари ташқи савдонинг 60% тўловини ўтказиб беради.

4-§. Марказий банк унинг вазифалари ва функциялари

Марказий банк – кредит тизимининг бош банки бўлиб, мамлакатда пул-кредит сиёсатини, эмиссия жараёнларини олиб боради.

Биринчи Марказий банклар бундан қарийб уч юз йил олдин тижорат банкларининг ривожланиши натижасида вужудга келган. Булар 1668 йилда ташкил қилинган Швед Рикс Жиро банки, 1694 йилда ташкил қилинган Англия банкларидир.

Европа мамлакатларида Марказий банклар анча кечроқ, асосан XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фаолият кўрсата бошлаган.

Банклар пайдо булишининг бошланғич даврларида улар марказий (эмиссия) ёки тижорат банклари тариқасида юзага келган эмас, яъни банклар ўртасида ҳозиргидек бўлиниш бўлмаган. Банк иши ривожланишининг биринчи босқичларида ривожланган мамлакатларда тижорат банклари капиталларни йиғиш мақсадида муомалага банкнотлар чиқарганлар. Банкларнинг йириклашуви, банк ишининг ривожланиши натижасида банкноталарни муомалага чиқариш йирик тижорат банклар қўлига ўта борган ва кейинчалик бирор йирик банк ихтиёрига берилган. Бу банк миллий ёки эмиссион банк кейинчалик марказий банк деб аталган. Марказий банк яъни кредит тизимини бошқариб турувчи, барча банклар фаолиятини назорат қилиб турувчи кредит институти сифатида намоён бўлади.

Жаҳон амалиётида марказий банклар вужудга келишининг икки асосий йўли мавжуд:

Биринчи йўл– бу узоқ давр давомида тижорат банкларининг ривожланиши натижасида, уларни милллийлаштириш йўли билан Марказий банкларнинг ташкил қилиниши. Бунга мисол қилиб, Англия банкини(1844 йил), Франция банкини(1848 йил), Испания банки(1874 йил), Германия Рейхсбанки(1875 йил), Италияда(1893 йил), Испанияда (1874 йил) мавжуд банкларнинг эмиссион марказ сифатида фаолият кўрсатишга мослашганлигини келтириш мумкин.

Иккинчи йўл ташкил қилингандаёқ Марказий банк – эмиссион марказ сифатида қабул қилинган банклар. Бундай банкларга АҚШнинг Федерал банклари, 1913 йилларда кўпгина Лотин Америкаси мамлакатларида ташкил қилинган банклар, Австрия банки ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

АҚШда Марказий банк функциясини 12 та Федерал Захира банкларидан иборат Федерал Захира тизими бажаради. Федерал Захира банклар акционер банклар бўлиб, бу банкларнинг

акционерлари сифатида миллий тижорат банклари фаолият кўрсатади. Тижорат банклар акционер сифатида дивиденд олишади.

Марказий банклар ижрочи ташкилотлар таъсирисиз, ўз фаолиятини олиб боришлари керак.

Жаҳонда ўз фаолиятини олиб боришда энг мустақил бўлган банклардан бири бу Немис Федерал банки ва Бундес банки ҳисобланади. Баъзи бир давлатларда Марказий банк Парламентга ҳисобот беради. Кўпгина ҳолларда Марказий банклар ўз фаолиятида мустақил бўлса-да, шу билан бирга, давлат банки ҳисобланади:

Марказий банк қуйидаги асосий функцияларни бажаради:

– банкнотлар (нақд пуллар) эмиссияси;

– давлатнинг олтин валюта-захираларини сақлаш;

– пул-кредит сиёсати инструментлари ёрдамида иқтисодиётни мувофиқлаштириш;

– кредит институтлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

– давлат банки сифатида фаолият кўрсатиш;

– тўлов-ҳисоб муносабатларини ташкил қилишни белгилаб бериш;

– валюта курсини мувофиқлаштириш.

Жаҳоннинг барча мамлакатларида банкноталарни муомалага чиқариш функцияси марказий банкларнинг асосий функцияларидан бири ҳисобланади ва бу соҳада монопол ҳуқуқга эга. Кредит пуллар Марказий банк томонидан қонунда белгиланган равишда чиқарилади ва Марказий банк муомалага чиқарилган пулларнинг қайтиб банкка келиб тушиши чораларини ишлаб чиқишга зарур.

Давлатнинг олтин-валюта захираларини бошқариш функцияси

Марказий банк давлатнинг олтин, қимматбаҳо металл ва валюта захираларини бошқаради. Давлатнинг расмий олтин-валюта захиралари халқаро ҳисоб-китобларда активлар захираи, ҳисоб-китоблар бўйича давлатнинг кафолатли суғурта фонди сифатида намоён бўлади. Одатда, мамлакат олтин захираларининг асосий қисми Марказий банк ихтиёрига берилган бўлади. Баъзи давлатларда олтин захиралар Молия вазирлиги ихтиёрида бўлиб, Марказий банк олтин билан боғлиқ операцияларни олиб боради.

Марказий банклар мамлакат валюта захираларини ўзида йиғади ва бу захиралар халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, тўлов баланси тақчиллигини қоплаш ва мамлакат миллий валютаси курсининг барқарорлигини таъминлаш учун ишлатади.

Марказий банк орқали давлатнинг иқтисодий сиёсати, янада аниқроғи давлатнинг пул-кредит сиёсати олиб борилади. Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати давлатнинг иқтисодни бошқариш сиёсатининг бир қисми бўлиб, муомаладаги пул массаси, кредит ҳажми, фоиз ставкалари даражасини ва бошқа пул муомаласи ва ссуда капитали бозори кўрсаткичларининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар йиғиндисидан ташкил топади.

Пул-кредит сиёсатининг асосий мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, валюта курси ва фоиз ставкаларини оқилона ўрнатиш асосида инфляция суръатларини камайтириш, кредитдан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ва иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашдан иборат.

Пул-кредит сиёсати икки йўналишда олиб борилиши мумкин. Биринчи йўналиш – кредит экспанцияси бўлиб, бу сиёсат пул-кредит эмиссиясини рағбатлантириш йўли билан олиб борилади, яъни ишлаб чиқарши суръатлари тушиб кетган ҳолда, коньюнктурада ривожланишга эришиш мумкин. Иккинчи йўналиш – кредит рестрикция сиёсати бўлиб, у иқтисодий ўсиш даврида пул-кредит эмиссиясининг қисқаришига асосланади. Марказий банк «тор» ва «кенг» маьнода пул-кредит сиёсатини олиб бориши мумкин. «Тор» сиёсатда валюта бозорида инвестиция, ҳисоб ставкаси ва қисқа муддатли кредитлар бўйича фоиз ставкаларига таъсир қилувчи бошқа инструментлар ёрдамида валюта курси мақбуллилигига эришиш тушунилади. «Кенг» сиёсатда муомаладаги пул массасига таъсир қилиш орқали инфляцияга қарши кураш олиб бориш тушунилади. Пул-кредит сиёсатининг халқаро жиҳатлари валюта курси, валюта захиралари ва тўлов баланси каби масалаларнинг ечимига қаратилган бўлади. Марказий банк рухсат этилган инструментлар ёрдамида пул муомаласини бошқариб боради. Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатининг асосий инструментлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– минимал мажбурий захира меъёрларини ўрнатиш;

– фоиз (дисконт) сиёсати;

– тижорат банкларини қайта молиялаштириш, очиқ бозор сиёсати;

– таргетирлаш ва бошқалар.

Муомаладаги пул массасининг ҳажмини, банкларнинг ликвидлилигини мувофиқлаштириш ва инфляция суръатларини тушириш мақсадида Марказий банк тижорат банклари учун мажбурий захиралар меъёрини ўрнатиб бериш сиёсатини амалга оширади. Пул муомаласини мувофиқлаштиришнинг бу усули

биринчи бўлиб 1913 йилда АҚШда қўлланилган. Минимал захиралар бу тижорат банклари ресурсларининг Марказий банкда мажбурий сақланиши зарур бўлган қисмидир. Мажбурий захира миқдори тижорат банкининг четдан жалб қилинган ресурсларига нисбатан фоизда белгиланади. Бу захира бевосита банкларнинг кредитлаш имкониятини чегараласа-да, уларнинг минимал ликвидлилигини таъминлаш омили бўлиши мумкин.

Минимал захира меъёри жамғарма турига, унинг ҳажмига, банкнинг жойлашиш ўрнига боғлиқ бўлган ҳолда турли мамлакатларда турлича бўлиши мумкин. Мавжуд манбалар шуни кўрсатади, масалан, Японияда минимал захиралар ставкаси 2,5% ни: АҚШда– 12% ни, Германияда– 12,1% ни, Португалияда– 17% ни, Узбекистонда 15% миллий валютада ва хорижий валютда 8% ни ташкил қилади.

Марказий банк томонидан захира миқдори баъзи бир омилларни ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Марказий банкнинг ҳисоб (дисконт) сиёсатининг моҳияти шундаки, у тижорат банклардан векселларни сотиб олади. Айтайлик, мол сотиб олувчи корхонанинг етказиб берилган мол (товар, хизмат ва ҳ.қ)ларнинг ҳақини тўлаш учун маблағи етарли бўлмаса, у товар учун тўловни маълум вақт ўтгандан кейин амалга ошириши тўғрисида вексель бериши мумкин. Мол сотувчи корхонага пул маблағлари зарур бўлган вақтда у векселни тижорат банкига сотиши мумкин. Тижорат банки векселни сотиб олганда унда кўрсатилган суммадан кам суммага (маълум фоиз ушлаб қолган ҳолда) сотиб олади. Зарур бўлганда, тижорат банки векселни Марказий банкда ҳисобга қўйиши мумкин. Бу ҳолда Марказий банк ҳам ўз фойдасига маълум фоиз – ҳисоб ставкаси ушлаб қолиши мумкин. Марказий банкнинг ҳисоб ставкаси турли давлатларда ҳар хил – 5% дан 15% гача бўлиши мумкин. Тижорат банклари векселларни сотиб олишда Марказий банкнинг ҳисоб ставкасига таянадилар. Марказий банкнинг ҳисоб ставкаси тижорат банклари ўрнатадиган ҳисоб ставканинг энг паст чегараси ҳисобланади. Одатда, тижорат банкларининг ҳисоб ставкаси Марказий банкнинг ҳисоб ставкасидан юқори (0,5 дан – 2% гача) бўлади.

Тижорат банкларининг қайта молиялаштириш сиёсати бу тўғридан-тўғри кредитлаш, векселларни ҳисобга олиш, қимматбаҳо қоғозларни гаровга олган ҳолда кредитлар бериш ва кредит аукционларни ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Бундан келиб

чиққан ҳолда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш операцияси қуйидаги усулларда олиб борилиши мумкин:

– тижорат банкларининг ихтиёридаги векселларни ҳисобга олиш йўли билан кредитлаш;

– тижорат банклари ихтиёридаги қимматбаҳо қоғозларни гаровга олиш йўли билан кредитлар бериш. Бундай кредитлар ломбард кредитлар дейилади. Уларнинг фоиз ставкалари ломбардли фоиз ставкалар деб юритилади. Жаҳон амалиётида ломбард бўйича (фоиз ставкаси доимо ҳисоб ставкасидан 1-2% юқори бўлади;

– тўғридан-тўғри кредит бериш усули. Кредит ташкилотлари фаолиятида молиявий қийинчиликлар бўлган ҳолларда улар Марказий банкка кредит олиш учун мурожаат қилиши ва Марказий банк кредитидан фойдаланиши мумкин. Қайта молиялаштиришнинг асосий мақсади пул муомаласи ва кредит муносабатларининг ҳолатига таъсир кўрсатишдан иборат. Қайта молиялаштириш сиёсатини олиб бора туриб Марказий банк охирги кредитор сифатида майдонга чиқади.

Ўзбекистон Республикасида Марказий банк ўрнатган қоидаларга асосан, қуйидаги активларни гаровга олган ҳолда 3 ойгача бўлган муддатда кредитлар бериши мумкин:

– олтин, чет эл валютаси, халқаро захиралар тоифасига кирувчи валюта бойликлари ва бошқа бойликлар;

– давлатнинг қарз мажбуриятлари ва давлат томонидан кафолатланган бошқа қарз воситалари.

Марказий банкда депозитга ўтказилган ва унинг депозитарийси учун мақбул бўлган, харид қилиниши ва сотилишига рухсат берилган ва Марказий банк улар билан ушбу қонун доирасида бошқа хил операциялар ўтказиши мумкин бўлган активлар, тўланишига банклар кафолат берган тижорат векселлари асосида кредитлар бериши мумкин.

Очиқ бозор сиёсати деганда, марказий банкнинг очик бозорда кимматбаҳо қоғозларни ўз ҳисобидан сотиб олиши ва сотиши тушунилади. Марказий банкнинг очиқ бозор сиёсати асосан хазина мажбуриятларини, саноат компаниялари ва банкларнинг облигацияларини, Марказий банкда ҳисобга олинган тижорат векселларини сотиш ва сотиб олиш орқали амалга оширилади. Марказий банкнинг очиқ бозор сиёсати орқали банк тизимининг ва алоҳида олинган тижорат банкларнинг ўз захиралари миқдори оширилиши (агар қимматбаҳо қоғозлар сотиб олинса) ёки

камайтирилиши (агар қимматбаҳо қоғозлар сотилса) мумкин. Очиқ бозор сиёсати орқали Марказий банк кредит баҳосининг ўзгаришига эришиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, пулга бўлган талабнинг ўзгаришига олиб келади. Одатда, Марказий банк бу сиёсат орқали ортиқча пулларни муомаладан олади ва пул муомаласини мувофиқлаштириш бўйича актив пул-кредит сиёсати олиб боради.

Жаҳон амалиётида Марказий банкнинг, очиқ бозор сиёсатида асосий ўринни давлатнинг қисқа муддатли мажбуриятлари билан бўладиган операциялари эгаллайди. Бу фаолият АҚШда, Германияда яхши йўлга қўйилган. Бундан ташқари, Германияда Немис Федерал банки пул-валюта сиёсатини тартибга солиш учун очиқ бозорда қуйидаги қимматбаҳо қоғозларни бозор ставкасида сотиши ва сотиб олиши мумкин:

– Федерал банк билан битим шартларига яровчи векселлар;

– Федерал банк томонидан лойиқ деб топилган бошқа қарз мажбуриятлари.

Федерал банк очиқ бозорда қарз мажбуриятларини эмитентнинг ўзидан сотиб ололмайди. Бу ҳолда шартнома очиқ бозор сиёсати эмас, аксинча кредитлаш бўлиб қолади.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига асосан Марказий банк ўзи чиқарган қимматли қоғозларни, шунингдек, қарз мажбуриятларини очиқ бозорда сотиш ва сотиб олиши мумкин. Марказий банк бюджетни молиялаштириш учун очиқ бозорда операциялар олиб бориш, қимматбаҳо қоғозларни биринчи жойлаштиришда уларни сотиб олишга ҳақли эмас.

Марказий банкнинг очиқ бозорда олиб борадиган операция-лари қуйидаги хусусиятлар бўйича фарқланади:

– битим шарти бўйича: нақд пулга ёки қайта сотиш мажбу-рияти билан маълум муддатга сотиб олиш (РЕПО операцияси) билан боғлиқ операциялар;

– битим объектлари бўйича: давлат ёки акционер жамиятлари қимматбаҳо қоғозлари билан бўладиган операциялар,

– битим муддати бўйича: қимматли қоғозлари билан қисқа муддатли (3 ойгача) ва узоқ муддатли (1 йил ва ундан ортиқ) операциялар,

– операциялар ўтказиш доирасига қараб: банк тизими доирасида ёки нобанк тизим доирасида қимматли қоғозлари билан бўладиган операциялар,

– фоиз ставкаларини ўрнатиш бўйича: Марказий банк ёки бозор томонидан аниқланадиган ставкалар.

Таргетирлаш. Пул массаси ҳажмининг ўзгаришни ўрнатилган усуллар ёрдамида чегаралаш таргетирлаш деб аталади. Таргетирлашда маълум бир даврда пул массаси ҳажмининг тахминий юқори ва паст даражаси белгилаб берилади.

Жаҳон амалиётида пул массаси ҳажмини чегаралашнинг тахминий даражаси қуйидаги мақсадли йўналишлар бўйича белгилаб берилади. Масалан, Францияда бу усул назорат рақамлари, АҚШда депозит шаклида, Японияда истиқбол шаклида белгилаб берилади.

Марказий банк таргетирлашни пул муомаласини мувофиқлаштиришнинг бошқа воситалари билан биргаликда олиб боради. Таргетирлашнинг аҳамияти шундаки, маълум бир даврда ҳақиқатда муомалага чиқарилган пул массасини тахминий белгилаб берилган пул массаси билан солиштириш натижасида пул муомаласидаги аҳвол тўғрисида маълумотга эга бўлиш мумкин ва олдиндан зарурий чоралар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш имкониятига эга бўлиш мумкин. Бу эса ўз навбатида Марказий банк пул кредит сиёсатининг самарадорлигини таъминлайди.

Таргетирлашда фойдаланиладиган кўрсаткичлар пул-кредит сиёсатини олиб бориш анъаналарига, пул муомаласини мувофиқ-лаштириш усулларига боғлиқ бўлади.

Марказий банкнинг навбатдаги функцияларидан бири бу –кредит институтлари фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат. Тижорат банклари фаолиятини Марказий банк томонидан назорат қилиниш зарурлиги бозор иқтисодиёти шароитида Марказий банкнинг муҳим мавқега эгалиги билан асосланади. Марказий банк бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт билан банк тизими ўртасида воситачи сифатида фаолият кўрсатади. Банк назорати икки мақсадни амалга ошириш учун:

– жамғармачилар манфаатларини ҳар хил мумкин бўлган зарарлардан ҳимоя қилиш,

– таваккалчиликларнинг олдини олиш билан бирга, молиявий бозорнинг барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган бўлиши мумкин.

– Марказий банк тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш функциясини амалга оширишда қуйидаги вазифаларни бажаради:

– банк фаолиятини олиб боришга лицензиялар бериш;

– банклар ҳисоботларини текшириш;

– жойларда текширишлар ўтказиш;

– банк операцияларини бажаришда меъёрларга риоя қилишни иазорат қилиш.

Банк фаолиятини олиб боришга лицензия (рухсат) бериш орқали Марказий банк ташкил қилинаётган кредит институтининг банк фаолиятини олиб бориш имкониятларини аниқлайди. Кредит ташкилотига лицензия беришда қуйидаги маълумотларга эътибор берилади:

– банкнинг асосий акционерлари;

– бошланғич капиталнинг манбалари;

– банк раҳбар ходимларининг малакаси ва қобилиятининг мос келиши;

– кўрсатиладиган хизмат турлари ва банк стратегияси;

– низом капиталининг миқдори;

– банк активларининг тўғри баҳоланганлиги;

– юзага келадиган таваккалчиликларни қоплаш мақсадида захира фондини ташкил қилиш сиёсати ва бошқалар.

Жаҳон амалиётида 80-йиллардан бошлаб кўпгина банклар инқирозга учраганлиги муносабати билан Марказий банклар тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш мақсадида банклар ва уларнинг шўъбалари тўғрисида ҳисоботлар топширишни белгилаб берди.

Марказий банк тижорат банклари амалга оширадиган операцияларни текшириш, ички аудит ҳолатига баҳо бериш ҳуқуқига эга. Бунда, аввалambор, тижорат банкларининг активлари: кредитлар ва қимматли қоғозлар ҳолати, банкларнинг ликвидлиги ва барқарорлиги текширилади. Текшириш ўтказишдан асосий мақсад:

– банкнинг молиявий ҳолатига объектив баҳо бериш;

– банкни бошқариш сифатига ва унинг раҳбари фаолиятига баҳо бериш;

– банкнинг молиявий аҳволини ва унинг бажарадиган операцияларининг самарадорлигини таьминлаш бўйича чоралар ишлаб чиқиш;

– банк фаолиятининг мавжуд қонунлар ва меъёрий ҳужжат-ларига мувофиқ олиб борилишини таъминлаш ва бошқалардан иборат.

Марказий банк, шунингдек, тижорат банкларининг олиб борадиган операцияларининг меъёр бўйича бажарилишини назорат қилиб боради. Бу ҳолда Марказий банк тижорат банкларининг қуйидаги кўрсаткичларини текширади:

– банк капиталининг активларига нисбати;

– бир мижозга тўғри келувчи кредитнинг лимити;

– ликвидлилик коэффициенти меъёрларига риоя қилиш;

– фоиз ставкаларининг ўзгариши натижасида даромаднинг ўзгариши ва бошқалар.

Марказий банк давлат банки сифатида фаолият олиб боради ва ҳукуматнинг молиявий маслаҳатчиси ҳисобланади. Бу функцияни бажара туриб Марказий банк давлат ташкилотларига ҳисоб хизматларини кўрсатади ва давлат бюджетининг кассавий ижросини амалга оширади. У давлатнинг хазина тўловларни амалга оширади ва давлатга кредитлар беради. Давлат хазинасидаги бўш пул маблағлари Марказий банкда депозит шаклида сақланади. Марказий банк давлатнинг қисқа ва узоқ муддатли қарзлари бўйича касса хизматини кўрсатади.

Марказий банк тўлов, ҳисоб-китоб муносабатларини ташкил қилиш функциясини бажара туриб, молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш, тўлов тизимининг самарали бўлишини таьминлаш, пул-кредит сиёсатини ўтказиш каби масалаларни ҳал қилишни ўз олдига қўяди. Молиявий тизимнинг самарадорлиги, аввалambор, тўлов тизимининг қай даражада ташкил қилинганлигига боғлиқ бўлади. Иқтисоидётда тўлов механизмининг яхши йўлга қўйилиши, банклараро ҳисоб-китобларнинг тўғри олиб борилиши иқтисодиётда тўланмаган қарзларнинг камайишига олиб келишига асос бўлиб хизмат қилади. Тўлов тизимида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шаклларини ривожлантириш, электрон тўловлар тизимини жорий қилиш ва ривожлантириш каби вазифалар амалга оширилади.

Марказий банк валюта курсини бошқариш функциясини бажаради. Марказий банкнинг бу функцияси бозор ивтисодиёти тизимини тартибга солишда асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Марказий банкнинг асосий валюта сиёсатига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Валюта интервенцияси.
2. Девиз сиёсати.
3. Своп операциялари.
4. Девальвация.
5. Ревальвация.
6. Валюта чекловлар сиёсати ва бошқалар.

Валюта интервенцияси деб Марказий банкнинг миллий валюта курсига таъсир қилиш мақсадида чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш бўйича ўтказадиган операциялари билан валюта бозори

фаолиятига аралашувига айтилади. Миллий валюта курсини ошириш мақсадида Марказий банк чет эл валютасини сотади ва аксинча, миллий валюта курсини туширмоқчи бўлганида, у чет эл валютасини сотиб олади. Марказий банк томонидан биринчи валюта интервенцияси XIX асрдан қўлланила бошланган. XX асрнинг 30- йилларидан бошлаб бу операциялар ривожланган мамлакатларда миллий валюта курсини тушириш ва шу асосда экспортни рағбатлантириш мақсадида қўлланила бошланган. Бреттон-Вудс валюта тизими доирасида валюта интервенцияси ўзгармас валюта курси ва паритетини таъминлаш воситаси сифатида қўлланилган бўлса, ўзгарувчан валюта курси мавжуд бўлган мамлакатларда миллий валюта курсидаги катта ўзгаришларнинг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Марказий банк валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш учун маълум миқдорда халқаро тўлов воситалари (олтип-валюта захиралари, СДР, ХВФнинг захира позицияси) захираларига ёки чет эл заёмларига эга бўлиши керак. Валюта захиралари бу давлатнинг Марказий банкдаги валюта захиралари ҳисобланади.

Своп операциялари. Валютавий своп операциялари ва гаров эвазига ссудалар бериш билан боғлиқ валюта операциялари Германия Марказий банкининг валюта сиёсатида кенг қўлланилади. Своп бу банк операцияси бўлиб, валюта маълум муддатга накд сотилади (сотиб олинади) ва бир вақтнинг ўзида валютавий савдо бўйича қарши битим тузилади. Масалан, Марказий банк тижорат банкларидан своп битими бўйича чет эл валютасини сотиб оладиган бўлса, Марказий банк улар ихтиёрига пул маблағларини маълум даврга бериб қўяди, ва аксинча. Марказий банкнинг валюта сиёсатининг муҳим жиҳатларидаи бири шундаки, у орқали кредит инструментларининг ликвидлилигига таъсир кўрсатиш мумкин. Уларнинг ликвидлилигига таъсир кўрсатишнинг муҳим усулларидан бири гаров эвазига ссудалар бериш билан боғлиқ валюта операцияларини амалга оширишдир. Ушбу операцияни амалга ошириш учун тижорат банкларига Марказий банкнинг чет эл валютасидаги активларидан вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Активларнинг ўзи эса Марказий банкнинг мулки бўлиб қолаверади ва шу сабабли унга фоиз ҳисоблаб борилаверади. Жаҳон аматиётида, одатда, Марказий банкнинг валюта операцияларининг асосий қисми своп операцияларига тўғри келади.

Девальвация (лотинча сўз бўлиб, қадри тушиш деган маънони англатади) – миллий валютанинг чет эл валютаси ёки бошқа халқаро тўлов воситаларига нисбатан қадрининг тушишини англатади. Олдинги мавзуларимизда таъкидлаганимиздек девальвациянинг келиб чиқишига сабаб бўлиб инфляциянинг кучайиши ва мамлакат тўлов балансининг салбий қолдиққа эга бўлиши ҳисобланади. Девальвация сиёсатини мамлакат тўлов балансида аҳвол ёмонлашганда ва импорт оқими кучайганда амалда қўллаш иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатади.

Ревальвация (лотинча сўздан олинган бўлиб, қадри ошиш деган маънони англатади) – миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан қалрининг ошишидир. Ревальвация сотиб олиш қобилияти кучли бўлган валюталар бўйича, масалан, Германия, Швейцария, Япония каби мамлакатларда қўлланилади. Бу мамлакатлар узоқ вақт давомида актив тўлов балансига эга бўлиб келган.

Бу мамлакатларнинг экспорт қудрати юқори бўлиши, инфляция даражасининг пастлиги ҳам ревальвация ўтказишга асос ҳисобланади. Ревальвация девальвацияга нисбатан жаҳон амалиётида камроқ қўлланилади. Ревальвациянинг салбий томонлари ҳам мавжуд. Ревальвация мамлакатнинг экспорт потенциалини камайтириши мумкин. Бунга сабаб ревальвациядан кейин мамлакат товарларининг жаҳон савдо бозорида чет эл валютасидаги нархининг ошишидир. Бу эса мамлакат тўлов балансига салбий таъсир кўрсаташи мумкин. Ревальвация яна ишсизлик муаммосини келтириб чиқариши мумкин. Ревальвацияда чет эл валютасида кредит олган қарз олувчилар ютади. Шу билан бирга, импорт қилувчилар олиб келган товарлари учун арзонроқ чет эл валютасини олиш имконияти туғилади ва импорт учун қулай муҳит юзага келади.

Валюта чекловлари деганда, одатда, чет эл валютаси олтин ва бошқа валюта қийматликлари билан бўладиган операцияларни давлат миқёсида қонун асосида чеклаш тушунилади. Бу чорани амалга оширишдан мақсад тўлов балансининг активлигига ва миллий пул бирлиги курсини қўллаб-қувватлаш ва унинг барқарорлигига эришишдан иборат. Миллий валюта барқарорлигини таъминлаш мақсадида Марказий банк мамлакатга чет эл капитали келиб тушишини таъминловчи чоралар ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Қуйидаги таянч сўзларни таърифланг

1. Марказий банк.
13. Клиринг

2. Федерал заҳиралари тизими.
3. Функция.
4. Давлат банки.
5. Банк;
6. Суғурта компанияси.
7. Давлат банки.
8. Инвестицион компания.
9. Жамғарма банки.
10. Кредит уюшмаси.
11. Ипотека банки;
12. Марказий банк.
13. Марказ.
14. Рўйхатга олиш.
15. Пул-кредит.
16. Воситалари.
17. Миллий валюта
18. Инвестицион банк.
19. Бизнес фонд.
20. Банкрот.
21. Тижорат банки.
22. Клиринг банк.
23. Банк тизими.
24. Кредит тизими.
25. Нобанк кредит ташкилотлари.

Мавзуга оид саволлар

1. Марказий банк қандай мақомга эга?
2. Марказий банк фаолиятининг асосий мақсади?
3. Марказий банк вазифа ва функциялари нималарда намоён бўлади?
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қандай операциялар бажариш ҳуқуқига эга ва у қайси қонунда ўз аксини топган?
5. Чет мамлакатлар Марказий банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан қандай хусусиятлари билан фарқланади?
6. Марказий банкнинг давлат банки сифатида олиб борадиган фаолияти.
7. Марказий банк давлат билан қандай операцияларни амалга оширади?
8. Қадимги банклар қандай кўринишда вужудга келган?
9. Банкларни вужудга келиш зарурияти ва аҳамияти нималардан иборат?

10. Банклар илк даврларда қандай вазифаларни бажарган?
11. Банк тизими деганда нимани тушунасиз?
12. Банк тизимининг ривожланиш босқичлари ҳақида нимани биласиз?
13. Кредит тизими деганда нимани тушунасиз?
14. Кредит тизими қандай тузилган?
15. Махсус молия-кредит институтларига нималар киради?
16. Ўзбекистон Республикасида илк банклар қачондан бошлаб шаклланган?
17. Ўзбекистонда мустақил банк тизимининг шаклланиши.
18. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиш босқичларини санаб беринг?
19. Банклар қандай вазифаларни бажаради?

XV боб. Ўзбекистон Республикаси банк тизими ва унинг шаклланиш босқичлари

1-§. Ўзбекистонда замонавий банк тизимининг ташкил қилиниши.

Банк тизими бозор иқтисодиётининг муҳим ва ажралмас қисмидир. Товар пул муносабатларининг кенг миқёсда ривожланиши банклар олдида янгидан-янги операциялар бажаришга имкониятлар очиб беради.

Шунинг учун ҳам, республикамизда бозор иқтисодиёти талабларига мос келувчи замонавий банк тизимини яратиш зарурияти туғилди. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг бош мақсади жаҳон талабига мос келувчи, ривожланган миллий кредит тизимига эга бўлиш, хўжаликлар ва аҳолининг бўш турган маблағларини жалб қилиш ва уни самарали тақсимлаш асосида аҳолининг талабларини қондириш учун замин яратиш ва яшаш шароитини яхшилашга эришишдан иборат. Бу мақсадга эришишни таъминлаш учун давлатимиз томонидан мамлакатимиз банк секторининг ривожланишини таъминловчи зарурий макроиқтисодий шароитларни ҳамда банк тизими барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, банк назорати тизимини ва банклар фаолиятини бошқариш усулларини такомиллаштириш, банкларнинг депозит, кредит, ва инвестиция фаолиятини янада ривожлантиришга эришиш ва банклар ўртасида рақобат бўлишини таъминлашга асос яратишдан, нобанк ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, молия-кредит секторининг ҳуқуқий базасини яхшилаш, уларнинг моддий-техник жиҳатдан самарали таъминланганлигига эришиш каби чораларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Банк тизимини қайта ташкил қилишни амалга ошириш қуйидаги тамойилларга асосланган ҳолда олиб борилиши мумкин:

– хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг ишончини қозониш мақсадида банк-молия тизими барқарорлигига эришиш;

– Банк тизимидаги ислоҳотлар умумиқтисодий ислоҳотларнинг ўтказилиши билан мос келиши;

–банк-молия тизимини босқичма-босқич такомиллаштириш йўли билан жаҳон банк тизимига яқинлаштириш;

– пул-кредит сиёсатини олиб боришда мамлакатнинг ички эҳтиёжлари ва иқтисодиётнинг хусусиятини ҳисобга олиш;

– банклар фаолиятида мижозлар манфаатини устун қўйиш ва бошқалар.

Бизнинг заминимизда мавжуд бўлган банкларнинг ривожланишини икки йирик даврга бўлиб қараш мумкин. Биринчи давр бу –Ўзбекистон мустақилликка эришгунгача бўлган даврдаги банк тизими ва иккинчи давр Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги даврдаги банк тизими ва унинг ривожланиш босқичларини ўз ичига олади.

Биз таъкидлаганимиздек, Ўзбекистонда банк тизими икки поғонали бўлиб, банклар тизимининг биринчи поғонаси – бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, иккинчи поғонаси – тижорат банклари, уларнинг шўъбалари, чет эл банклари шўъбалари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси банклар тизимини кенгайтирган ҳолда қуйидагича чизмада келтириш мумкин.

6-чизма

Ўзбекистон Республикаси Банк тизими таркиби



1991 йилнинг 31 августида Республикамиз мустақиллигининг эълон қилиниши тарихий воқеа бўлди. Мустақиллик бизга ўз-ўзимизни бошқариш, имкониятларимиздан ўзимиз фойдаланиш, шахсия-тимизни қайтиб олишимизга катта йўл очиб берди.

Бутун дунё мамлакатлари томонидан тан олинган бозор иқтисодиёти бизнинг республикамизга ҳам кириб келди. Шунинг учун ҳам республикамизда бозор иқтисодиёти талабларига мос келувчи замонавий банк тизимини яратиш зарурияти туғилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар бўлган банк тизимининг ривожланишини таҳлил қилиб қарайдиган бўлсак, унинг ривожланишининг қуйидаги босқичларини келтириш мумкин:

– биринчи босқич XIX асрнинг охиридан 1930-32 йилларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр ичида олдинги мавжуд бўлган банклар заминида Собиқ Совет Иттифоқининг кредит тизими ташкил қилинди. Бу даврда 30-йилларда иқтисоднинг ривожланишига мос келувчи банклар: тармоқ банклари, ўлка банклари, тижорат банклари, махсус банклар, давлат банклари каби банклар фаолият кўрсатган;

– иккинчи босқич 1932 йилдан 1959 йилларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда банклар фаолиятида ўзгаришлар юз берди ва банклар вексель орқали кредитлашдан (ўша даврларда бу кредитлаш амалиётда «эгри» кредитлаш деб ном олган) тўғридан-тўғри корхоналарни кредитлашга ўтказилган. Бу даврда хўжаликлар ўртасидаги вазифалар тақсимланган ва иқтисодиёт соҳалари бўйича банклар ташкил қилинган ҳамда бу банклар фақат шу соҳаларни узоқ муддатли кредитлаш ва молиялаштириш билан шуғулланган. Давлат банки эса асосан қисқа муддатли кредитлаш жараёнларини олиб борган;

– учинчи босқич 1959 йилдан 1988 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда мавжуд тармоқ банклари қайта ташкил қилиниб, мамлакатдаги барча кредит муносабатларини олиб бориш мақсадида учта банк ташкил қилинди. Булар: Давлат банки, қурилиш банки, ташқи савдо банки бўлган. Давлат банки иқтисодиётнинг барча соҳаларига фақат қишлоқ хўжалигининг баъзи эҳтиёжлари учун узоқ муддатли кредитлар берилган) қисқа муддатли кредитлар бериш билан шуғулланган. Қурилиш банки капитал қўйилмалар билан богғлиқ бўлган харажатларни, қурилишни молиялаштириш, узоқ муддатли кредитлар бериш билан боғлиқ операцияларни бажарган. Ташқи савдо банки Москвада жойлашган бўлиб, мамлакатнинг экспорт-импорт билан боғлиқ фаолиятини бошқариб борган;

– тўртинчи босқич банк тизимини қайта ташкил қилиш даври бўлиб, у 1988 йилдан 1990 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган. Бу даврда банк тизимида катта ўзгаришлар рўй берди ва Давлат банки билан бир қаторда махсус тармоқ банклари ташкил қилинди.

Бу банклар жумласига, Саноат Қурилиш банки, Агросаноат банки, Уй-жой қурилиш ва ижтимоий таъминот банки, жамғарма банк ва ташқи иқтисодий фаолият банки кабилар киради. Бу банклар фаолиятининг хусусиятли томони шунда эдики, улар ўзи хизмат кўрсатадиган соҳага узоқ ва қисқа муддатли кредитлар бериш ҳуқуқига эга эдилар.

Шу даврдан бошлаб Давлат банкидан кредитлаш функцияси олиб ташланди ва у эмиссион банк сифатида фаолият кўрсатадиган бўлди. 90-йилларда банк тизимини қайта ташкил қилишдан асосий мақсад мамлакатда юз бераётган асосий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда банклар зиммасига корхоналар ва ташкилотларга комплекс хизмат кўрсатишни таъминлаш ва корхоналар билан банклар ўртасидаги муносабатларни хўжалик ҳисобига ўтказиш, қуйи банк муассасаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини оширишдан иборат эди.

Мустақилликка эришгунга қадар Ўзбекистон ҳудудидаги банк муассасалари СССР банк тизими таркибий қисмига кирар эди. Шу билан бирга бу банклар собиқ «Иттифоқ» банк тизими доирасидан ташқарида фаолият кўрсата олмасдилар. Собиқ СССР банк тизимида Давлат банки монопол мавқега эга бўлиб, у бир вақтнинг ўзида эмиссия институти, қисқа муддатли кредитлаштириш ва хўжаликларга ҳисоб-китоб операциялари бўйича хизмат кўрсатувчи марказ ҳисобланарди. Давлат банкининг ҳам эмиссия функцияларини ҳам ҳисоб-китоблар ва 90-йилларгача кредитлар бўйича мижозларга хизмат кўрсатиш функцияларини бажаришга монополлашуви уни давлат бошқарув ва назорат органига айланган эди.

Маъмурий буйруқбозлик даврида кредит муносабатлари иқтисодиётни бошқаришда нормал характерга эга. Давлат банки кредит ресурслари бўйича чекланмаган монопол мавқега эга эди. Кредит ресурслари ҳаракатини ҳам бошқариш ҳам назорат қилиш Давлат банкининг монопол таъсири остида эди. Ривожланган мамлакатлар банк тизимига хос барча хусусиятларининг инкор этилиши, собиқ «Иттифоқ» банк тизимининг тор доирада ривожланишига олиб келади.

Марказлаштирилган банк тизими бошқарув асосида фаолият кўрсатаётган республика банклар тор доирада пул ресурслари ҳаракатини бошқарар, лекин ресурсларни тақсимлаш, эмиссион жараёнларни амалга ошириш ва назорат қилиш собиқ «Иттифоқ» Давлат банки қўлида эди.

Иқтисодиётни бошқаришнинг марказлаштирилган усулидан воз кечиш ва бозор иқтисодиёти томон дастлабки қадамлар қўйилиши биланоқ марказлаштирилган банк тизимини қатор камчиликлари рўёбга чиқди. Бу эса банк тизимида туб ўзгаришларни амалга оширишни талаб этарди. Албатта, бу бозор иқтисодиётига илк қадамлар қайта қуриш шарофати билан бозорга хос баъзи бир белгиларни тоталитар иқтисодиётга татбиқ этилиши билан тушунилади. Бу жараёнда банк тизимининг ташкилий структурасини ўзгартириш, банкларнинг ролини ошириш, иқтисодий тизимни ривожланишига уларнинг таъсирини кучайтириш, кредитни ҳаракатдаги иқтисодий дастакка айлантириш кўзда тутилганди.

Банк тизими ривожланишининг иккинчи даври асосан Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги даврни ўз ичига олади. Бу даврни қуйидаги босқичларга бўлиб таҳлил қилиш мумкин:

– мустақил Ўзбекистон банк тизимини ташкил қилишнинг биринчи босқичи. Бу 1991-1994 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда 1992 йилнинг сентябргача Ўзбекистон давлат банки собиқ СССР Давлат банкининг республика бўлими сифатида фаолият кўрсатди ва у кредит ресурсларни давлат корхоналари миқёсида тақсимлаш, эмиссион операцияларни олиб бориш билан шуғулланди. Қолган тармоқ банклар ҳам давлат мулкига асосланган эди.

Ўзбекистонда икки поғонали банк тизимини ташкил қилишга 1988 йилдан бошлаб киришилган бўлса-да, бу мақсаднинг тўлиқ амалга оширилишига шароит 1994 йилдан бошлаб юзага келди. Бу даврга келиб Марказий банкнинг ташкилий таркибий асоси, фаолият олиб бориш услуби ўзгарди, тижорат банкларнинг сони ва улар бажарадиган операциялар салмоғи ошиб борди.

Банк тизимини ташкил қилишнинг биринчи босқичида марказлашган режалаштиришда Марказий банкнинг мавқеи ҳали ҳам юқори эди, соҳаларнинг деярли ҳамма қисми давлат тасарруфида эди.

Ўзбекистон Республикасида икки босқичли банк тизимининг ташкил этилиши тамал тоши 1991 йил 15 февралдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги» қонун ҳисобланади. Бу қонунга биноан давлат бошқарув органлари республика Марказий банки фаолиятига

аралашмасликлари керак, у фақат Республика Олий Мажлисига ҳисобот бериш ўринли эканлиги белгилаб берилди. Бу қонунни амалга татбиқ этиш асосан Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг бошланди.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш йўлини танланганлиги боис, биринчи босқичдаги пул-кредит сиёсати соҳасидаги асосий вазифалар қуйидагилардан иборат қилиб белгиланди:

– Марказий банк бошчилигида кенг тармоқли тижорат ва хусусий банкларни икки босқичли банк тизими шаклида вужудга келтириш;

– Республика ҳудудида йирик чет эл банкларининг бўлимлари ва ваколатхоналарини очиш учун қулай шароит яратиш;

– Барқарор пул муомаласини таъминлаш, кредит ва нақд пул эмиссиясини, асоссиз ўсишини кескин чеклаш;

– Ўзбекистон Республикасининг миллий пулини муомалага киритиш учун зарур иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар ҳамда имкониятларни яратиш ва бошқалар.

Қайта ташкил этиш жараёнининг биринчи босқичида давлат банкларини янги структурасини ташкил этиш бошланди. Қайта ташкил этиш модели қуйидагиларни ўз ичига олди:

– икки босқичли банк тизимини вужудга келтириш: Марказий эмиссион банк ва бевосита хўжаликларга хизмат кўрсатувчи ихтисослашган банкларни ташкил қилиш;

– ихтисослашган банкларни тўлалигича хўжалик ҳисобига ва ўз-ўзини молиялашга ўтказиш:

– иқтисодий тизим доирасида ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан бўладиган кредит муносабатлари услублари ва шаклларини такомиллаштириш ва бошқалар.

Банк тизимини такомиллаштириш жараёни давомида давлат банки ўзининг кредит тизимидаги марказий ўрнини сақлаб қолган ҳолда корхона ва ташкилотларга кредит бериш ва улар билан ҳисоб-китобларни олиб бериш функциясини махсус ихтисослашган банкларга топширади, яъни банкнинг эмиссион фаолияти, кредитлаш фаолияти билан бирга олиб бориш функциясига чек қўйилди. Давлат банки ихтисослашган банклар фаолиятини бошқарувчи, барча банклар учун бир хил пул-кредит сиёсатини олиб борувчи муассасаларга айланади.

Банк тизимининг такомиллаштирилиши натижасида вужудга келган махсус ихтисослашган банклар: Саноат Қурилиш банки,

Коммунал Қурилиш ва ижтимоий тараққиёт банки, Аграрсаноат банки, Ташқи иқтисодий фаолият банки, Жамғарма банки хўжаликлар билан банклар ўртасидаги алоқаларни тобора яқинлаштиришда ихтисослаштирилган давлат банклари ўзларида маълум даражада бошқарувчилик мавқеини сақлаб қоладилар. Банк тизимини такомиллаштириш жараёнида жуда муҳим натижаларга эришилди, лекин ташкил қилинган банклар иқтисодий муносабатларининг хусусиятларини тўлиқ ифода қилолмасди. Шунинг учун ҳам, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида банк тизимини такомиллаштиришнинг иккинчи босқичи объектив заруриятга айланди.

Ўзбекистонда банк тизимини ташкил қилишнинг иккинчи босқичи 1994 йилдан кейинги даврни ўз ичига олади. Бу даврда банк тизимининг такомиллашган фаолиятини белгилаб берувчи банк қонунлари: 1995 йил 21 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги ва 1996 йил 25 апрелда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилинди. Бу қонунларга асосан банклар фаолиятининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди ва уларнинг ишлаш усулларини такомиллаштириш чоралари ишлаб чиқилди.

Тижорат банкларининг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида банк назорати ва мониторингини амалга ошириш, тижорат банклари фаолиятини бошқариш усулларини такомиллаштириш ва халқаро талабларга мослаш, янги счетлар тизимига ўтиш, чет эл банкларининг шўъбаларини очиш, тўлов тизимини такомиллаштириш, тижорат банкларининг қимматбаҳо қоғозлар билан операцияларини ривожланлантириш, пул ва валюта бозорида банкларнинг актив фаолиятини таъминлаш каби долзарб масалалар ҳозирги кунда мустақил банк тизимининг ривожланиши туфайли ўз ечимини топмоқда.

Республикамизда икки поғонали банк тизимини жаҳон тажрибасида қабул қилинган тамойилларга мувофиқ шакллантириш кўзда тутилган. Ихтисослашиш ва кредит-инвестицияларни иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимлаш Республикамиздаги банк муассасаларининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Уларнинг фаолияти асосан устувор тармоқлар қишлоқ хўжалиги ва унинг маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар, уй-жой қурилиши, автомобилсозлик савдо ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга қаратилган. Ҳозирги банклар акциядор-тижорат банклари сифатида

ташкил қилиниб, бозор иқтисодиёти шароитида ишлашга мослашган ва улар ихтисослашган банклар бўлса-да, бошқа тармоқлардаги мижозларга ҳам кредит ва ҳисоб-китоблар бўйича хизмат кўрсатишлари мумкин. Банклар фаолиятининг универсаллашуви улар ўртасида рақобатнинг юзага келишига, бу эса уларнинг бозор иқтисодиётига барқарор кириб боришини таъминлайди.

Мустақил банк тизимини вужудга келтиришнинг иккинчи босқичининг хусусиятларидан бири шундаки, 1995 йилдан бошлаб Ўзбекистонда махсус нобанк кредит ташкилотлари ташкил қилина бошланди. Бозор иқтисодиётига ўтишни тезлаштириш, корхона ва ташкилотлар фаолиятини ривожлатириш мақсадида махсус молия-кредит институтлари – «Мадад» суғурта компанияси, «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси, хусусийлаштириш инвестицион фондлари ва бошқалар ташкил қилиниши республика банк-молия тизимининг ривожланишини тезлаштирмоқда.

Ҳозирда республикадаги кенг тармоқли банклар замонавий талабларга жавоб берадиган шаклда хўжаликлар, ташкилотлар ва аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

2-§. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг вазифалари ва функциялари

Олдинги параграфда келтирилган Марказий банкнинг вазифалари ва функциялари тўғрисидаги фикрлар Ўзбекистон Марказий банкига ҳам тегишлидир. Бу параграфда биз Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятининг баъзи бир хусусиятли томонлари тўғирисида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Рсспубликасида Марказий банкнинг асосий мақсади пул-кредит тизими ва миллий валюта барқарорлигини таъминлаш асосида иқтисодий ўсишга эришишдан иборат.

Пул-кредит сиёсатини самарали амалга ошириш учун Марказий банк пул-кредит сиёсатини ривожлантиришнинг бир йилга мўлжалланган асосий йўналишларини ишлаб чиқади. Бу йўналишлар Олий Мажлис томонидан тасдиқлангандан кейин ҳаракат дастури сифатида қабул қилинади. Марказий банкнинг вазифалари хилма-хил бўлиб, бу қонунда акс эттирилган.

Ўзбекистон Реснубликаси Марказий банки ҳуқуқий шахс сифатида, давлат мулкига асосланган бўлиб, иқтисодий жиҳатдан мустақил муассаса сифатида ўз харажатларини даромадлари ҳисобидан қоплаши керак. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

ўз миқёси ва фаолият даражасига кўра республикамиздаги энг йирик банк ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонун асосида фаолият кўрсатмоқда. Бу қонуннинг 3-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдир. Валюта барқарорлиги пул массаси, нарх-наво ва миллий валюта курсининг барқарор бўлиш тушунчасини ўз ичига олади. Албатта, пул массаси, валюта курси, нарх-навога таъсир қилувчи бошқа омиллар ҳам мавжуд. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қатор муҳим вазифаларпи ҳал этади. Уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

– монетар сиёсатни ва валютани бошқариш сиёсатини шакллантириш, қабул қилиш ҳамда амалга ошириш;

– Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил қилиш ва таъминлаш;

– банклар фаолиятини тартибга солиш ва банклар фаолияти устидан назорат қилиш;

– Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта захирасини сақлаш ва уларни бошқариш;

– Молия вазирлиги билан биргаликда давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш.

Марказий банкка айрим банк корхона ва ташкилотларнинг капиталида қатнашиши, уларга молиявий ёрдам кўрсатиши, тижорат туридаги фаолиятларни олиб бориши ман қилинади. Марказий банкни бошқаришнинг юқори ташкилоти бошқарув бўлиб, у монетар сиёсатни ҳамда ўз зиммасига юклатилган бошқа вазифаларни амалга оширишда бошқа давлат ташкилотларининг бевосита ва билвосита аралашувидан ҳоли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги асосий функцияларни бажаради.

1. Иқтисодиётни пул-кредит дастаклари ёрдамида бошқариш.

2. Ҳисоб-китоб ва пул ўтказиш операцияларини бажаришни йўлга қўйиш.

3. Тижорат банклари фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш.

4. Бошқа кредит муассасаларининг касса захираларини сақлаш.

5. Расмий олтин-валюта захираларини сақлаш.
6. Ҳукумат учун ҳисоб-китоб ва кредит операцияларини бажариш.
7. Тижорат банкларига кредит бериш.
8. Пул эмиссияси.

Марказий банк ўз сарф харажатларини даромадлари ҳисобидан қопловчи иқтисодий жиҳатдан мустақил муассасадир. Марказий банкнинг мол-мулки унинг пул ва бошқа моддий бойликлардан иборат бўлиб, уларнинг қиймати Марказий банк балансида акс эттирилади.

Республика Марказий банкининг низом капитали 2 млрд. сўм деб белгиланган. Шунингдек, Марказий банк солиқлар ва божлардан «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасига мувофиқ озоддир. Марказий банк келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси монетар сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади ва ҳар йили кейинги молия йили бошланишидан 30 кун олдин Олий Мажлисга бу ҳақда ахборот беради. Марказий банк пул-кредит, молия, валюта ва нарх муносабатларининг аҳволига асосланиб, муомаладаги пул муассасининг битта ёки бир қанча кўрсаткичлари ўзгаришининг аниқ мақсадли мўлжалларини белгилаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсати иқтисодиёт вазиятни таҳлил қилиш ва олдиндан айтишни, пул миқдорини йиллик ўстириш суръатларининг мақсадли кўрсаткичларини, кредит, фоиз ва валюта сиёсатини амалга ошириш йўналишларини ўз ичига олиб муҳим макроиқтисодий жараёнлар: пулнинг қадрсизланиши, миллий ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ҳамда меҳнат ресурсларининг бандлиги, тўлов балансини барқарорлаштришга йўналтирилган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўзаро ҳисоб-китобларнинг Ўзбекистон тижорат банки томонидан белгиланган ва ҳамма банк ҳамда мижозлар учун мажбурий бўлган қоидалар асосида олиб борилишини назорат қилади. Чунки белгиланган қоидаларнинг бир тахлитда қўлланилиши бутун республика ҳудудида ҳисоб-китобларнинг узлуксизлигини таъминлайди.

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 50-моддасига мувофиқ, банкларни назорат қилишдан асосий мақсад банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш, омонатчи ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк фаолиятини амалга

оширишга рухсат беради. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк муассасаларининг ривожини хар томонлама ҳисобга олиб ва кузатиб боради, капиталнинг айнан бир хиллиги, ликвидликка доир талабларни ўз ичига олувчи иқтисодий меъёрларни (52-модда), шунингдек, кредитлаш ҳажми, лимитларини белгилайди. Капиталнинг етарлилиги, активларининг сифати, фойдалиги ва ликвидлилигига қараб тижорат банкларининг молиявий аҳволи баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валютани тартибга солиш ва валютани назорат қилиш давлат органидир. Шу билан бирга, Марказий банк юридик ва жисмоний шахсларга чет эл валютасида операциялар ўтказишга лицензиялар беради ва миллий валютани чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлаш шартини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки халқаро ҳисоб-китобларда захирадаги актив ва кафолатли суғурта фонди вазифасини бажариш билан бирга дунё молия бозорларида операцияларни амалга ошириш йўли билан мамлакатимизнинг олтин-валюта захиралари қийматини ҳам яратади. Бошқа молия муассасалари, корхоналар ва хусусий шахслар ҳам хорижий валютага эга бўлиш ва валюта операциялари ўтказиш ҳуқуқи борлигига қарамасдан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта захираларини сақловчи асосий депозитарий бўлиб қолиши лозим.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг банкири, маслаҳатчиси ва хазина вакили сифатида иш тутади.

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонуннинг 44-моддасига мувофиқ Марказий банк ҳукумат банкири сифатида ҳукумат муассасалари ва ташкилотларининг ҳисоб варақларини юритади, ана шу ҳисоб варақларда маблағларни жамғаради ва улардан тўловларни амалга оширади; давлат қимматбаҳо қоғозлари билан операциялар ўтказиб туради; давлатга бевосита қисқа муддатли ва узоқ муддатли ссудалар шаклида ёки давлат облигацияларини харид қилиш тарзида кредит беради; ҳукумат идораларининг топшириғига биноан олтин билан ёки хорижий валютада операциялар бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳукуматнинг хазина вакили сифатида ҳукумат ҳисобварақларини юритади, Ҳукуматнинг молия операцияларига кўмаклашади бюджет даромад ва харажатлари масалалари юзасидан маслаҳатлар беради, давлат қимматли қоғозларини жойлаштиради, улар бўйича ҳисобварақлар юритади ва

давлатнинг бошқа қарз мажбуриятлари бўйича тўловларни амалга оширади.

Банклар банки сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоб-китоб-тўлов операцияларини ўтказиш, банклараро тўловларнинг ҳисоб-китоб-клиринг хизматини уюштириш тартибини белгилайди, тижорат банкларига кредитлар, тегишлича кўрсатмалар беради.

Тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ўз ҳисоб варақаларидан ўзаро ҳисоб-китоблар учун фойдаланадилар. Бундан ташқари, уларнинг ўз маблағлари камлик қилса, Марказий банкдан кредит олишлари, нақд пул бўйича ҳам Марказий банкка мурожаат қилишлари мумкин.

Шунингдек, ўз ҳисоб ва кредит операциялари бўйича ставкаларни мустақил равишда белгилайди. Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний тўлов воситасида банкноталар ва танга кўринишидаги пул белгиларини муомалага чиқаради.

Марказий банк ва у ваколат берган талабга кўра бир номинал қийматдаги банкнота ва тангаларни бошқасига ҳеч қандай тўловсиз ёки воситачилик ҳақисиз алмаштириб беради. Нақд пул маблағларини муомалага чиқариш ва қайтариб олишни фақат Марказий банк амалга оширади.

Марказий банк тижорат банклари учун мажбурий захира миқдорини белгилаб беради. Ҳозирги кунда бу кўрсаткич миллий валютада 15 % ва хорижий валютада 8 %ни ташкил қилади. У пул муомаласини барқарорлаштириш ва банклар ликвидлигини таъминлашда аҳамиятга эга.

XV боб. Тижорат банклари ва уларнинг функциялари
1-§. Банк фаолиятини ташкил қилишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг фаолияти фойда олишга йўналтирилган бўлади. Бозор иқтисоди шароитида банк фойдасининг иқтисодий моҳияти янгича ижтимоий-иқтисодий тус олиб бормоқда, чунки тижорат банкларининг фойдаси банк капитали тўпланишининг ва банк ривожланишининг асосий манба-сидир.

Банк фойдасининг ўсиб боришига таъсир қиладиган бир неча хил омиллар мавжуд улар – банкнинг рентабеллиги, вақтинча бўш маблағларнинг самарали ишлатилиши, турли хил пуллик хизматлар доирасини (факторинг, лизинг, траст хизматлари ва ҳ.к.) кенгайтириш, фойда келтирмайдиган активларни камайтириш, фойда келтирувчи активларни кўпайтириш ва бошқалар ҳисобланади. Иқтисодий ривожланиш босқичида тижорат банкларининг асосий иш тамойилларидан бири юқори даражада фойда олишга қаратилган бўлади. Банкларнинг фаолияти доимо фойда кўриш билан боғлиқ бўлмасдан, улар фаолиятида зарар кўриш эҳтимоли ҳам учраб туриши мумкин. Банклар фаолияти ижобий бўлган ҳолларда банкларнинг фойда олиши ва салбий фаолият натижасида банкларнинг зарар кўриш эҳтимоли юқори бўлади. Юқорида айтилган фойда келтирувчи захираларни амалда татбиқ қилиш жараёнида банкнинг иш фаолияти иқтисодий жиҳатдан таваккалчилик (зарар кўриш эҳтимоли билан) билан боғлиқ бўлади.

Тижорат (акцияли, пай асосида ва хусусий тартибда ташкил қилинган) банклар ҳуқуқий ва хусусий шахсларга «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги» қонунда назарда тутилган операцияларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш орқали шартнома асосида кредит, ҳисоб-китоб ва бошқа хил банк хизматларини кўрсатади.

Тижорат банкларининг низом жамғармаси кимга қарашли эканлигига ва уни ташкил қилиш услубига қараб, бажарилаётган операцияларнинг тури, фаолият кўрсатиш ҳудуди ва тармоқ белгиларига қараб бир-биридан фарқ қилади. Республикада, минтақаларда кўзда тутилган маълум дастурларни бажариш ва ўзга фаолият турларини пул маблағлари билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа ҳужжатларида назарда

тутилган тартибда махсус тижорат банклари ташкил этилиши мумкин.

Тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан тегишли лицензияни олганларидан сўнг чет эл валютасида операцияларни амалга оширадилар.

Тижорат банклари ўз низомлари асосида иш олиб борадилар. Давлат тижорат банкининг низоми банкни тузишга қарор қилган орган томонидан тасдиқланади. Шерикчилик асосида тузилган тижорат банкининг низоми муассислар (қатнашувчилар) йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Банкнинг низомида:

– банкнинг номи ва унинг манзилгоҳи (алоқа манзилгоҳи);

– банк амалга оширадиган операцияларнинг рўйхати;

– банк ташкил этадиган фондларнинг рўйхати;

– низом фондининг миқдори;

– банкнинг ҳуқуқий шахс эканлиги ва ўзини-ўзини молия ресурслари билан таъминлаши негизида ишлаши тўғрисидаги низом;

– банкнинг бошқарув идоралари, уларнинг таркиби ва тузилиши тўғрисидаги низом;

– банкка қарашли муассасаларнинг рўйхати ва уларнинг мақоми;

– банк ва унинг филиалларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби;

– фаолияти тўғрисидаги маълумотларни матбуотда эълон қилиш мажбурияти (тартиби);

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ўзаро муносабатлари акс эттирилган бўлиши лозим.

Шерикчилик асосида тузилган банкнинг низоми юқорида келтирилган талаблардан ташқари, акцияли жамиятлар ва масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисидаги амалдаги қонунларда кўрсатилган талабларга жавоб бериши лозим.

Банк низомига банк фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бошқа қоидалар ҳам киритилган бўлиши мумкин. Низомга ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси қонунларидаги ўзгаришлар муносабати билан киритилади.

Акционер тижорат банкларининг низоми фонди қатнашчиларнинг бадаллари ҳисобидан ёки акциялар чиқариш ва сотиш ҳисобидан вужудга келтирилади.

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг ҳамма бўлимлари ва уларнинг ижроия органлари, сиёсий ташкилотлар ва ихтисос-

лашган жамоат фондларидан ташқари барча ҳуқуқий ва хусусий шахслар тижорат банкларининг муассислари (ҳиссадорлари), акционерлари бўлишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрел-даги 56-сонли Қарорига асосан тижорат банкларининг капиталлашуви-ни ошириш мақсадида уларнинг низом жамғармаси қўйиладиган минимал талаблар қуйидагича ўзгартирилди:

2005 йил 1 июлдан бошлаб:

Банкларнинг мулкчилик шакли	**Капиталнинг талаб қилинадиган минимал суммаси**
Хусусий тижорат банклари учун	1,500,000 млн. АҚШ доллари эквивалентида
Акционер тижорат банклари учун	3,000,000 млн. АҚШ доллари эквивалентида
Чет эл капитали иштирокидаги тижорат банклари учун	5,000,000 млн. АҚШ доллари эквивалентида

2006 йил 1 январдан бошлаб:

Банкларнинг мулкчилик шакли	**Капиталнинг талаб қилинадиган минимал суммаси**
Хусусий тижорат банклари учун	2,000,000 млн. АҚШ доллари эквивалентида.
Акционер тижорат банклари учун	4,000,000 млн. АҚШ доллари эквивалентида.
Чет эл капитали иштирокидаги тижорат банклари учун	5,000,000 млн. АҚШ доллари эквивалентида.

2007 йил 1 январдан бошлаб:

Банкларнинг мулкчилик шакли	**Капиталнинг талаб қилинадиган минимал суммаси**
Хусусий тижорат банклари учун	2,500,000 млн. АҚШ доллари эквивалентида.
Акционер тижорат банклари учун	5,000,000 млн. АҚШ доллари эквивалентида.
Чет эл капитали иштирокидаги тижорат банклари учун	5,000,000 млн. АҚШ доллари эквивалентида.

Тижорат банклари Ўзбекистон Республикасининг солиқ тўғрисидаги амалдаги қонунларига мувофиқ солиқ тўлайдилар.

Қуйидаги маблағлар банкларнинг ўз маблағлари ҳисобланади:

– низом фонди;

– захиралар ва фойда ҳисобига вужудга келадиган ҳамда банкнинг балансида турадиган бошқа фондлар;

– тақсимланмаган фойда, акциячилар ёки пайчилар ўртасида акцияларни тақсимлаш ҳисобига ёхуд пай миқдорини ошириш ҳисобига олинган маблағлар.

Тижорат банклари йўл қўйилиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун олинадиган фойдадан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгилаб қўйилган тартибда захира фондлари ташкил этадилар.

Тижорат банклари шартнома асосида бир-бирларининг маблағларини депозит, кредит шаклида жалб этишлари, жойлаштиришлари, ўз низомларида кўрсатилган бошқа ўзаро операцияларни амалга оширишлари мумкин.

Мижозларга кредит бериш ва ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш учун маблағ етишмай қолган тақдирда тижорат банклари кредит ресурслари олиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мурожаат қилишлари мумкин.

Банклар билан мижозлар ўртасидаги муносабат шартномавий тавсифга эга бўлади.

Мижозлар ўзларига кредит ва касса хизматини кўрсатадиган банкни мустақил танлайдилар.

Тижорат банклари қимматбаҳо қоғозлар бўйича операциялар олиб борадилар.

Тижорат банклари фонд бозорларининг келишувларида фаол ва бевосита иштирок этавермайдилар. Масалан: АҚШ даги тижорат банкларига қимматбаҳо қоғозлар билан бўладиган операцияларни ўтказиш, фонд биржаларига аъзо бўлиш тақиқланади. 1933 йилда (Гласс-Стигал қонуни) қабул қилинган қонунга мувофиқ тижорат банклари саноат компанияларининг облигациялари ва акцияларини чиқаришни ташкил қилишда иштирок эта олмайдилар. Шунга қарамай қонунда жуда кўп истиснолар мавжуд бўлиб, улар банкка пулларни оператив қўйиш, давлат қимматбаҳо қоғозларини чиқаришни ташкил этиш, штат ва маҳаллий ҳокимият органларининг облигациялари, шунингдек, турли халқаро ташкилотлар ва федерал муассасалар чиқарган қарз ҳужжатлар (мажбуриятлари) билан ишлаш ҳуқуқини беради. Булардан ташқари, банкларга ўзларининг мижозлари ҳисобига саноат компанияларининг акция ва облигацияларини сотиш

ва сотиб олиш каби брокерлик функцияларини бажаришга рухсат этилган. Шу билан бирга, Америка тижорат банклари саноат компаниялари ва фирмаларнинг акция пакетларини ҳақиқий эгаси сифатида траст операцияларининг (қимматбаҳо қоғозлар портфелларини бошқариш операциялари) катта ҳажмини амалга оширадилар.

АҚШ да тижорат банклари брокер фирмалари ва инвестицион компанияларнинг асосий кредиторлари ҳисобланади. АҚШ нинг еттита йирик инвестицион компанияларни 40 дан 80%гача активлари тижорат банклари кредити ҳисобидан таъминланади.

Японияда тижорат банкларининг фонд биржаларига аъзо бўлиши тақиқланган. Лекин улар лицензия олган ҳолатда қимматбаҳо қоғозларнинг ҳамма турини ўзларининг ҳисоблари бўйича ёки мижозларнинг топшириқлари бўйича сотиш ва сотиб олиш (брокер компаниялари ва биржага аъзо бўлган фирмалар воситачилигида) ҳуқуқига эгадирлар. Булардан ташқари, тижорат банклар давлатнинг қимматбаҳо қоғозлари билан бўлган қисқа муддатли операцияларни амалга оширишлари мумкин. Узоқ вақт япон тижорат банкларининг янги қимматбаҳо қоғозлар воситачиликни амалга оширишига ҳуқуқлари бўлмаган. Фақат 1981 йили уларга давлат облигацияси ва саноат компаниялари облигациясини биржа ташқарисида воситачилик қилишга рухсат этилган. Шунингдек, япон тижорат банкларига мижозларнинг қимматбаҳо қоғозларини бошқариш ман этилган.

Банк муассасаларининг қимматбаҳо қоғозлар билан бўладиган операцияларига актив қатнашишига Германия тажрибаси ёрқин мисол бўла олади.

Бу давлатда қимматбаҳо қоғозлар билан бўладиган ҳамма операцияларда фақатгина тижорат банклари қатнашиш ҳуқуқига эга. Аслида,Германия давлатида брокер компаниялар ва фирмалар йўқ. Тижорат банкнинг функциялари универсаллиги мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларига юқори даражада жавоб беради. Германиянинг қимматбаҳо қоғозлар бозорини банк муассасаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Уларнинг бу бозорда ўрни жуда катта.

Банклар катта миқдорда облигациялар чиқаради, инвестицион гуруҳларнинг эгалари ва йирик инвесторлик вазифасини бажаради, уларга қимматбаҳо қоғозлар билан бўладиган операциялар ҳажмининг энг катта қисми тўғри келади, банк синдикатлари давлат қарз ҳужжатларини чиқариш ва тарқатишда катта жонбозлик кўрсатади.

Банк облигацияларни чиқариш учун 3 та асосий шартни бажариши зарур:

– молиявий кўрсаткичлар пропорциясини сақлаш;

– банк молиявий аҳволининг ошкоралиги;

– жами капиталнинг ва банк захираларининг 8 млн. ДМ даражасидан ошиши.

Облигацияларни чиқариш тўғрисидаги рухсат Молия вазирлиги томонидан олиниши керак. У ҳақидаги хабар эса Федерал юстиция вазирлиги газетасида босилиб чиқарилади. Одатда, 3 йилдан ортиқ муддатга чиқарилган облигациялар ГФР фонд биржаларида муомалада бўлади.

Лекин уларни сотиш ва сотиб олиш келишувларининг кўп қисми биржадан ташқари айланмада амалга оширилади. Универсал тижорат банклари кўпинча ядро вазифасини бажариб, молия-банк гуруҳларни, бир неча нисбатан мустақил бўлинмаларни ўз ичига олган.

Бу мустақил бўлинмалар, масалан инвестицион фондлар ва консультацион фирмалар бўлиши мумкин. Мустақил бўлинмалар даромад олиш марказлари ҳисобланади. Аслида гуруҳнинг ядросини ташкил этган банк, марказий аппаратдан маҳаллий ва чет эл филиалларидан иборат. Банкларнинг марказий аппаратлари, одатда, фонд бир-жалари бўлган катта шаҳарларда жойлашган. Ривожланган мамлакат-ларда асосий даромад манбаи кредит операциялари бўлиб, иккинчи ўринда қимматбаҳо қоғозлар билан боғлиқ операциялар туради.

2-§. Тижорат банкларининг ташкилий тузилиши

Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан банк бу – тижорат муассасаси бўлиб, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг бўш турган пул маблағларини жалб қилиш ва уларни ўз номидан, тўлов, муддатлилик, қайтиб бериш шарти асосида жойлаштириш операцияларини ва бошқа банк операцияларини бажаради.

Баъзи адабиётларда банк корхона сифатида ҳам изоҳланади. Маълумки, банк яхлит олинган корхона сифатида ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширмайди. Тижорат банкларининг фаолиятини корхона фаолиятига жиҳатидан ўхшатиш мумкинки, тижорат банклари ҳам корхоналар сингари фаолиятини ўз даромадини кўпайтиришга ва шу асосда биринчидан ўз асосчилари - акционерларининг манфаатларини, иккинчидан ўз мижозларининг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаши.

Тижорат банклари, бизнинг фикримизча, шунчаки корхона эмас, махсус корхонадир. Чунки тижорат банклари ссуда капитали ҳарака-

тини амалга оширади ва шу асосда банк ўз акционерларига, пайчиларига фойда олишни таъминлайди.

Тижорат банклари банк тизимининг муҳим бўғини бўлиб, кре-дит ресурсларининг асосий қисми шу банкларда йиғилади ва бу банклар ҳуқуқий, жисмоний шахсларга хизмат кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари банк тизимининг Марказий банкдан кейинги иккинчи поғонаси ҳисобланади.

1987 йилдан бошлаб ташкил қилинган банк тизими бозор иқтисоди тамойилларига мос келувчи банк тизимининг бошланғич пиллапояси ҳисобланади. Охирги йилларда тижорат банкларининг сони, улар бажарадиган операциялар, уларнинг низом жамғармаси ва қўйилмалар салмоғи ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 30 дан ортиқ тижорат банклари фаолият кўрсатмоқда. Салмоқли низом жамғармаси кредит ресурслар ва мижозларга эга бўлган – катта банклар Ўзбекистон саноат қурилиш банки, Ташқи иқтисодий фаолиятлар миллий банки, Пахта банк, Асакабанк ва бошқалар кенг фаолият олиб бормоқда. Тижорат банкларни ташкил қилишдаги низом капитали миқдори 1 январь 2000 йил Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатувчи банклар учун 20 млн, экю эквиваленти миқдоридаги маблағга эга бўлиши керак. Мулкчилик шаклига қараб банклар: давлат банкига, акционер банкларга, кооператив, хусусий, минтақавий, аралаш мулкчиликка асосланган банк кабилар бўлинади. Юксак ривожланган мамлакатларда тижорат банкларининг аксарият қисми мулк шакли бўйича акционер банк ҳисобланади.

Акционер банклар акционер жамият каби очиқ турдаги ёки ёпиқ турдаги акционер банклар бўлиши мумкин. Акционерлар сафига кириш акцияларни сотиб олиш йўли билан амалга оширилади. Ҳуқуқий ва жисмоний шахслар банкларнинг акцияларини сотиб олиши ва акционер бўлишлари мумкин.

Баъзи тижорат банклари пайлар (бадаллар) ҳисобидан ташкил қилиниши мумкин. Бу турдаги банкларнинг қатнашчилари ҳам ҳуқуқий ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

Хусусий банклар – жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ҳисобидан ташкил қилинган банклар ҳисобланади.

Бажарадиган операцияларига кўра тижорат банклар – универсал ва махсус банкларга бўлинади.

Универсал банклар хилма – хил операциялар бажариш, ҳар хил хизматлар амалга ошириш хусусиятига эга бўлади. Махсус банклар маълум йўналишларга хизмат кўрсатиб, ўз фаолиятини шу йўна-

лишларда ютуқларга, самарадорликка эришишга бағишлайди. Бундай банкларга тармоқларга хизмат кўрсатувчи банклар, экспорт-импорт операцияларини олиб борувчи банклар, инвестиция банклари, замин банклар кириши мумкин.

Жойлашиш белгисига кўра тижорат банклар: халқаро, республика, минтақавий, вилоят банкларига бўлиниши мумкин.

Банклар тармоқларга хизмат кўрсатишига қараб, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқа банкларга бўлиниши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг ўрни, уларнинг иқтисодга таъсири ўсиб бормоқда.

Кредит муассасалари аҳоли, корхона, ташкилотлар, компанияларнинг бўш пул маблағларини йиғиш ва жойлаштиришдан ташқари, капитал жамғарилишини, ҳаракатланувчи капитал ёрдамида корхоналарнинг хўжалик фаолиятини такомиллаштиришга кўмаклашади ва корхоналар фаолияти устидан назорат олиб боради.

Банклар ва унинг кредити ёрдамида мавжуд капитал тармоқлар ўртасида, ишлаб чиқариш ва муомала соҳасида тақсимланади ва қайта тақсимланади.

Саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшимча инвестицияга бўлган талабларни молиялаштириб, банклар халқ хўжалигида прогрессив ютуқларга эришишни таъминлаши мумкин.

3-§. Тижорат банкларининг функцияларига қисқача тавсиф

Тижорат банкларининг иқтисодий мавқеи фаолият доирасининг кенг бўлишига олиб келади.

Тижорат банклари қуйидаги асосий функцияларни бажаради.

1. Вақтинча бўш турган пул маблағларни йиғиш ва уларни капиталга айлантириш.

2. Корхона, ташкилотлар, давлат ва аҳолини кредитлаш;

3. муомалага кредит пуллар (муомаланинг кредит воситалари) ни чиқариш.

4. Иқтисодиётда ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш.

5. Молия - валюта бозорида фаолият кўрсатиш.

6. Иқтисодий-молиявий ахборотлар бериш ва консультация хизматларини кўрсатиш.

Банклар бўш пул маблағларини йиғиш ва уларни капиталга айлантириш функциясини бажара туриб, мавжуд бўш пул даромадлари ва жамғармаларни йиғади. Жамғарувчи (бўш пул маблағи

эгаси) ўз маблағларини банкка ишониб топширгани учун ва банк бу маблағлардан фойдалангани учун маълум фоиз ҳисобида даромад оладилар. Бўш пул маблағлари ҳисобидан ссуда капитали фонди вужудга келади ва бу фонд халқ хўжалиги тармоқларини кредитлаш учун ишлатилади.

Тижорат банклар фаолиятида асосий ўринни корхона, ташкилотларни, аҳолини, давлатни кредитлаш эгаллайди. Кредитлаш жараёнини ташкил қилишда банк молиявий воситачи ролини ўйнайди. У бўш турган маблағларни жалб қилади ва ўз номидан мижозларга вақтинча фойдаланишга беради. Банк кредити ҳисобидан халқ хўжалигининг муҳим тармоқлари – саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқалар молиялаштирилади ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга асос бўлади.

Муомалага кредит пулларни чиқариш функцияси тижорат банкларини бошқа молия институтларидан ажратиб туради. Тижорат банклари депозит-кредит эмиссия қилганида, ссудалар берганида, пул массаси ошади ва ссуда банкка қайтарилганда, муомаладаги пул массаси камаяди.

Тижорат банклари кредит пулларни яратишнинг эмитенти ҳисобланади. Тижорат банк томонидан мижозга берилган кредит унинг ҳисоб рақамига ўтказилади ва банкнинг қарз мажбурияти ортади. Мижоз бу маблағнинг маълум қисмини нақд пул шаклида ҳисоб рақамидан олиши мумкин. Бу ҳолда муомаладаги пул массасининг миқдори ошади. Шунинг учун ҳам, Марказий банк тижорат банкларининг фаолияти устидан назорат олиб боради.

Тижорат банкларининг муҳим функцияларидан бири ҳисоб-китобларни олиб боришдир. Ҳисоб-китобларни олиб боришда банк мижозлар ўртасида воситачи бўлиб хизмат қилади.

Тижорат банклари қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ва жойлаштириш билан ҳам шуғулланиши мумкин.

Тижорат банклари иқтисодий аҳволни назорат қилиш жараёнида мижозларга ҳар хил ахборотлар, маслаҳатлар бериши мумкин.

Акционер тижорат банкларнинг юқори органи – акционерлар-нинг умумий йиғилиши ҳисобланади. Ҳар йили акционерларнинг йиғилиши низомдаги ва низом капиталидаги ўзгаришларни, йиллик фаолият ва унинг натижаларини, банк даромадларини тасдиқлаш, Банк Кенгаши таркибини сайлаш банкнинг шўъба муассасаларини ташкил қилиш ва бекор қилиш каби масалаларни кўриб чиқиши мумкин.

Тижорат банклари қуйидаги операцияларни бажаради:

– пассив операциялар;

– актив ссуда операциялар;

– банк хизматлари ва воститачилик операциялари;

– банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган операциялар ва бошқалар.

Тижорат банкларни очишга лицензия (рухсатнома)ни Марказий банк беради. У тижорат банклар фаолиятини олиб бориш бўйича иқтисодий нормативлар белгилаб беради ва уларнинг бажарилишини назорат қилиб боради

Қуйидаги таянч сўзларни таърифланг.

1. Иқтисодий асос.
2. Ҳуқуқий асос.
3. Тижорат банки.
4. Лицензия.
5. Бош лицензия.
6. Бошқарув тизими.
7. Ташкилий тузилма.

Мавзуга оид саволлар

1. Банк фаолиятини ташкил қилишнинг асослари нималардан иборат?
2. Тижорат банкларининг ҳуқуқий асослари деганда нимани тушунасиз?
3. Дастлабки лицензия тижорат банкларида қандай шартлар асосида берилади?
4. Асосий лицензия тижорат банкларида қандай тадбирлар ўтка-зилгандан кейин берилади?
5. Тижорат банкларининг бошқарув тизимида нечта орган фаолият юритади?
6. Тижорат банкларининг функциялари нималардан иборат?

XVI боб. Тижорат банкларининг пассив, актив ва бошқа операциялари

1-§. Тижорат банкларининг пассив операциялари

Банк ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган операциялар банкларнинг пассив операциялари дейилади. Пассив операциялар ёрдамида тижорат банкларнинг пассив ва актив – пассив ҳисобидаги пул маблағларининг салмоғи ошиб боради. Банкларнинг пассив операциялари уларнинг фаолиятини ташкил қилишда катта мавқега эга. Тижорат банкларининг пассив операциялар ёрдамида тижорат банклари кредитлаш учун зарур бўлган кредит ресурсларини ташкил қилинади.

Тижорат банклари пассив операцияларининг, асосан, тўртта шакли мавжуд:

1. Тижорат банклари қимматбаҳо қоғозларини муомалага чиқариш йўли билан ресурслар йиғиш.
2. Банк фойдаси ҳисобидан ҳар хил фондлар ташкил қилиш ёки фондлар суммасини ошириш.
3. Бошқа кредиторларнинг маблағларини жалб қилиш.
4. Депозит операцияларни амалга ошириш.

Тижорат банкларининг ресурслари банкнинг хусусий маблағ-лари, жалб қилинган ва эмитентлашган маблағлар ҳисобидан шаклланади.

Юқорида келтирилган пассив операцияларнинг биринчи ва иккинчи шаклларида банкларнинг хусусий маблағлари юзага келади ва қолган охирги икки шаклида кредит ресурсларнинг иккинчи қисми, жалб қилинган ресурслар юзага келади.

Банкларнинг ўз маблағларига банкнинг низом капитали, захира капитали, махсус фондлар, моддий рағбатлантириш фонди, бошқа ҳар хил ташкил қилинган фондлар ва тақсимланмаган фойдаси киради. Амалиётда асосан банк пассивларининг 20 фоизи банкларнинг хусусий маблағларига тўғри келади.

Банкларнинг хусусий маблағлари ичида асосий ўринни банкнинг хусусий капитали эгаллайди. Банкнинг хусусий капитали таркибига биз юқорида келтириб ўтган капиталнинг бир қисми, яъни низом капитал, таваккалчиликларни қоплаш учун ташкил қилинган захира фонд, тақсимланмаган фойда киради. Банкларнинг хусусий капитали банк кредиторларининг манфаатини ҳимоя қилиш, банк фаолияти-

нинг барқарорлигини таъминлаш, банк фаолиятини бошқариш каби функцияларни бажаради.

Банкнинг низом капитали суммаси банк низомида кўрсатилади ва банк ишини бошлашнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Банкларни ташкил қилишнинг шаклларига қараб банкнинг низом капитали ҳам ҳар хил. Агар банк акциядорлик жамияти тариқасида ташкил қилинадиган бўлса, низом капитали ёки фонди акциялар чиқариш ва жойлаштириш йўли орқали ташкил топади. Банкларнинг низом капи-тали миқдори қонун йўли билан чегараланмайди. Банкларнинг бар-қарор фаолиятини таьминлаш мақсадида унинг минимал миқдори белгилаб берилади.

Банкнинг низом капитали балансининг пассивида кўрса-тилади. Низом жамғармаси миқдорининг оширилиши банк акционерлари томонидан умумий мажлисда ҳал қилинади.

Банкларнинг капитали уларнинг мажбуриятиларини бажаришнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Банк кредитлари ҳисобидан банкларнинг низом капиталини ташкил қилиш мумкин эмас. Низом капиталини ташкил қилишда четдан бошқа пул маблағларини жалб қилиш ҳам мумкин эмас. Банклар ташкил қилинганда, низом капиталининг таркиби моддий маблағлардан ва пул маблағларидан ташкил топади. Банк фаолиятининг бошланғич босқичларида банкнинг хусусий маблағлари ҳисобидан биринчи навбатдаги банк харажатлари (ер, бино, асбоб-ускуна, иш ҳақи) қопланади. Банкларнинг хусусий маблағлари узоқ муддатли активларга қўйилмалар қилишнинг асосий манбаси ҳисобланади.

Банкларнинг акционер капитали қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топиши мумкин. Булар: а) хусусий акционерлик капитали, бу капитал оддий ва имтиёзли акциялар чиқариш ва сотиш ҳисобидан, тақсим-ланмаган фонд ҳисобидан юзага келади; б) ҳар хил кўзда тутилмаган харажатларни ва тўланмаган қарзларни қоплаш учун ташкил қилинган захиралар; в) банкнинг узоқ муддатли мажбуриятлари (узоқ муддатли вексель ва облигациялар) бўлиши мумкин.

Банкларнинг захира капитали ёки захира фонди фойдадан ажратмалар ҳисобига ҳосил бўлади ва кўзда тутилмаган зарарлар ҳамда қимматбаҳо қоғозлар курсининг тушиши натижасидаги йўқотишларни қоплаш учун мўлжалланган.

Тақсимланмаган фойда – захира фондига ажратмалар ва дивидендлар тўланганидан сўнг қоладиган фойданинг бир қисмидир.

Банкларнинг хусусий маблағлари тижорат банклари фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Банкларнинг хусусий капитали ҳиссасининг камайиши баъзи ҳолларда банкларнинг синишига олиб келади.

АҚШ да катталиги бўйича йигирманчи ўринда турувчи «Франклин натионал банк»ни синишининг сабабларидан бири, бу банкнинг хусу-сий капитали ҳиссасининг банк балансида кескин қисқариши бўлди. Худди шу сабаб, 1979 йил активида 250 млн. доллар ва 44 минг омонатчисига эга бўлган АҚШ даги «Днуверз натионал банк оф Чикаго» банкининг синишининг асоси ҳисобланади.

Иқтисодий ёки банк инқирозлари даврида пассивлар ва уларни жойлаштириш соҳасида етарли даражада ўйлаб чиқилмаган сиёсат банкларнинг синишига олиб келади.

1980 йилларнинг иккинчи ярмида АҚШ да банкларнинг банк-ротлик сони ўсди. 1984 йилда ҳукуматнинг махсус дастури орқали АҚШ да биринчи ўнликда турувчи йирик банклардан бири бўлган «Континентал Иллинойс» банк синишининг ҳолатининг олди олинди.

Федерал захира тизими бўлган АҚШ Марказий банки ўз ихтиё-рига олган бир неча миллиард АҚШ долларини мувофиқлаштириб-гина қолмай, депозитларни суғурталаш, Федерал уюшма ва АҚШ молия вазирлиги билан бирга банк тўлов қобилиятини мустаҳ-камлаш соҳасида кафил сифатида чиқди.

Тижорат банклари синишларининг энг кўпи 1988 йилга тўғри келган. Кейинчалик иқтисодий кўтарилиш туфайли АҚШ да тижорат банклари синишининг сони ўзининг аввалги ҳолатига тушган. Шу туфайли 1994 йилда фақатгина 13 та тижорат банки синган.

Шу билан бирга, муаммоли, яъни молиявий ҳолати беқарор бўлган банклар сони юқорилигича қолмоқда.

Банкнинг эмитентлашган маблағлари. Банклар мижозлар маблағларидан узоқроқ фойдаланишни амалга оширишдан, манфа-атдордир. Шу сабабли банклар облигация қарзлари, банк вексел-лари ва бошқаларни чиқариш йўли билан хусусий ресурслари миқдорини кўпайтириб борадилар.

Облигация қарзлари облигациялар кўринишида эмитентлашади.

Ҳозирги даврда чет эл амалиётида икки валютали облигациялар учрайди. Бу облигациялар бўйича даромадлар облигация эгаси ихтиёрига кўра миллий валюта ҳамда АҚШ долларида ёки бошқа чет эл валютасида тўланиши мумкин.

Банк томонидан элементлашган қимматли қоғозларнинг турларидан бири «сузувчи фоиз ставкали» қимматли қоғозлардир. Масалан, АҚШда 1970 йиллар ўрталарида иккита йирик тижорат банклари - «Ситибенк» ва «Чейз Манхэттен Бэнк» холдинг компаниялари орқали «сузувчи фоиз ставкали» қимматли қоғозлар чиқардилар. Бу қўйилмалар бўйича фоизлар 3 ойлик хазина векселларига нисбатан бир фоиз юқори тўланади.

Банклар мижозларнинг хоҳишига қараб бир йилда икки марта уларни тўлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар. Бунинг учун мижоз кўрсатилган муддатдан бир ҳафта олдин маблағларни олиши тўғрисида банкка хабар бериши шарт. Банк пассивларида ўтган асрнинг 90 – йиллари давомида банкнинг хусусий маблағлари миқдорининг қисқариши давом этди ва хорижий мамлакатлар каби бизнинг банкларимизда ҳам жалб қилинган ресурслар салмоғи ошди.

Жалб қилинган маблағларнинг яна бир тури банк балансида турган ва уларни қайта сотиб олиш тўғрисидаги келишув асосида сотиладиган қимматли қоғозлар ҳисобланади.

2-§. Депозитлар ва уларнинг салмоғини кенгайтириш

Тижорат банкларининг кредит ресурсларини шакллантиришда депозитлар асосий ўрин эгаллайди.

Уларнинг асосийси талаб олинадиган депозитларга, муддатли ҳамда жамғарма депозитларига бўлинади.

Талаб қилиб олинадиган депозитлар жорий ҳисобварақлардан омонатчиларнинг биринчи талаблари билан олинади. Жорий счеҳисобварақнинг эгаси банкдан чек дафтарчасини олади. Бунда у пул олиш билан бирга иқтисодий муносабат вакиллари бўлган корхона, ташкилот, муассасалар билан ҳам ҳисоб-китоб операцияларини олиб бориши мумкин.

Муддатли омонатлар – мижоз томонидан банкка маълум муддатга қўйиладиган қўйилмалар бўлиб, улар орқали мижозларга банк томо-нидан юқори фоизлар тўланади. Бунда фоиз ставкалари қўйилманинг муддати ва миқдорига боғлиқ бўлади.

Муддатли қўйилмаларнинг турларидан бири, бу маблағларни жалб қилишнинг аниқ қайд этилган вақтга мўлжалланган депозит сертификатлар ҳисобланади. Уларни муомалага 1961 йили биринчи бўлиб «Ферст нейшнл сити бэнк» киритган. Ҳисоб эгаларига уларнинг номлари ёзилган, тўлаш муддати ва фоиз даражаси кўрсатилган махсус гувоҳномалар берилади.

Ҳозирги вақтда тижорат банклари бўш пул маблағларини жалб қилишда депозит сертификатларидан фойдаланмоқда. Сертификатда кўрсатилган қўйилма муддати тугагандан сўнг, унинг эгаси қўйилма миқдорини ва келишилган фоизларни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Банк ресурслари таркибида аҳолининг омонат қўйилмалари муҳим аҳамият касб этади. Улар тўлиқ суммада ёки бўлиб-бўлиб қўйилиши ва берилиши мумкин. Омонатчи ва банк ўртасидаги маблағ қўйиш билан боғлиқ муносабат омонат дафтарчасини бериш билан тасдиқланади. Банклар тўловчилик асосида турли хил мақсадли қўйил-маларни, муддатли ёки талаб қилиш ҳамда олиш мумкин бўлган жамғармаларни қабул қиладилар. Шунингдек, баъзи мамлакатларда «Янги йил қўйилмалари» деб номланган тури ҳам мавжуд. Бунда банк йил давомида, янги йилни нишонлаш учун катта бўлмаган қўйилмаларни қабул қилиб боради ва йил охирида омонатчиларга пулларни қайтаради, пул жамғаришни хоҳловчилар пул жамғаришни кейинги янги йилгача давом эттиришлари ҳам мумкин. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда бу қўйилмалар оддий фуқаролар орасида кенг қўлланилади.

Банклар учун муддатли қўйилмалар жуда қулай ҳисобланади.

Банк ресурсларининг муҳим манбаси банклараро кредитлардир, яъни бошқа банклардан олинадиган ссудалар.

Ушбу ресурслардан фойдаланиш сезиларли даражада ривожланган. Пул-кредит бозорида қисқа муддатли банклараро кредитлар, шунингдек «қисқа пуллар» салмоғи кўпчиликни ташкил этади.

3-§. Тижорат банкларининг актив операциялари

Мобилизациялашган пул маблағлари банклар мижозларини кредитлаш учун ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш учун фойдаланади. Даромад олиш мақсадида банк ресурсларини жойлаштириш билан боғлиқ бўлган операциялар банкларнинг актив операциялари дейилади. Банкнинг актив операцияларида асосий ўринни уларнинг кредит ёки ссуда операциялари эгаллайди.

Ссудалар берилишининг таъминотидан келиб чиқиб, кредитлар моддий бойликлар, товарлар ва бошқалар билан таъминланган кредитларга берилади.

Банкларнинг мижозларга берадиган ссудалари ёки кредитларнинг муддатидан келиб чикиб, улар муддатли ва онкол кредитлар (инглизчадан **он салл** – талаб бўйича)га бўлинади.

Ссудалар берилишининг таъминотидан келиб чиқиб кредитлар моддий бойликлар, товарлар, векселлар, фондлар (қимматли қоғозлар) ва бошқалар билан таъминланган кредитларга бўлинади.

Вексель операциялари векселларни қайд ёки ҳисобга олиш бўйича операциялар ва векселлар бўйича ссудалар бериш операцияларига бўлинади.

Векселларни қайд қилиш деганда, банк томонидан уларни тўлаш муддати тугагунга қадар векселларни сотиб олиш тушунилади. Ўз навбатида, банк, агарда маблағлар билан таъминланганликда қийинчилик сезаётган бўлса, Марказий банкнинг худудий бошқармаларида берилган векселларни қайта ҳисобдан ўтказиши мумкин. Векселни ҳисобга олиб банк унинг вақтинчалик эгаси бўлади ва векселни эмитент қилган ёки уни ҳисобга олиш учун тақдим қилган шахсга маълум миқдорда пул тўлайди. Бу операция учун банк мижоздан қайд этиш фоизи ёки дисконт деб аталувчи маълум фоиз ундиради. Дисконт – бу векселда кўрсатилган сумма билан вексель эгасига тўланадиган сумма ўртасидаги фарқдир. Баъзи давлатларда банклар ўзларида алоҳида мижозларнинг кредитлаш қобилиятини ўрганувчи айрим корхона ва шахслар вексель ҳисоби лимитини ўрнатувчи ҳисоб бўйича қўмиталарни ташкил этадилар.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, тижорат, молиявий ва «дўстона» (бронза) векселларини фарқлаш керак.

Тижорат векселлари товар муносабатлари асосида вужудга келади. Улар бошқа векселларга нисбатан ишончлидир.

Кўпгина векселлар молиявий характерга эга, яъни улар брокер ёки маклер томонидан ҳисоб фоизини олиш учун муомалага чиқа-рилади.

«Дўстона векселлар» – бу икки шахснинг ҳар қандай товар ҳаракатисиз банкдан маблағ олиш учун бир-бирларига берадиган векселлардир.

Тадбиркорлар томонидан чиқарилган векселларни «бронза» векселлари деб ҳам аташади.

Банкнинг актив вексель операцияларига акцепт ва аваль операциялар киради.

Акцептли операцияда банк ўзи акцептлаштираётган векселни ишончли мижозга чиқариш ҳуқуқини беради. Яъни берилган вексель бўйича ўз ҳисобидан тўловини кафолатлайди. Шундай акцепт кредитдан фойдаланаётган мижоз вексель ҳақини тўлаш учун тегишли суммани банкка тўлаш мажбуриятини олади.

Халқаро миқёсда векселлар билан боғлиқ бўлган ҳамма операциялар 1930 йилда қабул қилинган Женевада тузилган конвенция билан қатъий белгиланади.

Вексел бўйича бериладиган кредитдан фойдаланишнинг муҳим шакли аваль ҳисобланади. Бунда вексель бўйича ҳақ тўлаш бевосита вексель берувчи билан амалга оширилади. Аваль эса ҳақ тўлашни кафолатлайди. Акцепт – аваль операцияларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар бир вақтнинг ўзида ҳам актив, ҳам пассив операцияларга тегишли бўлади.

Банк авали вексель муносабатларини ҳамда уларнинг бошқа банклардаги ҳисоб-китобини енгиллаштиради. Чунки йирик авалда ҳисоб ва қайта ҳисоблашда мутлақ тартибда амалга оширилади. Бир банк томонидан аваллашган векселлар бошқа банк томонидан ҳам ҳисобга олинади.

«Вексель бўйича ссуда» операциясида вексель эгаси бўлиб аввалги вексель олувчи қолади, банк эса унинг таъминоти остида мижозга вексель қийматининг 50-70% миқдорида ссуда беради.

Банклар актив операцияларининг муҳим тури товарлар бўйича ссудалар, яъни товарларни гаровга қўйиб ссуда олиш ҳисобланади. Ҳужжатлар, вариантлар (товарларни омборда сақлаш жавобгарлиги билан қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома), темир йўл ҳужжатлари, коносаментлар (юкни кемага қабул қилинганлиги тўғрисидаги пароход жамиятлари гувоҳномаси), юкларни ташиши тўғрисидаги ҳужжат бўйича ссудалар олиш ҳисобланади.

Товарлар бўйича ссудалар банк томонидан товарнинг тўлиқ бозор қийматида эмас, балки унинг бир қисми (одатда, 50-60% дан юқори бўлмайди) берилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида асосий муаммо бу товарлар реализацияси, чунки ишлаб чиқарилган ва жўнатилган товар ўз харидорини топмаслиги ҳам мумкин. Бозор шароитида кредит муносабатларининг маъмурий буйруқбозлик тизимидан фарқи ҳам шудир.

Бозор иқтисодиёти шароитида товарлар мўл-кўлчилигида оддий талаб эмас, балки тўловга қобилиятли талаб зарурдир.

Бозор шароитида товар таъминоти бўйича ссуда бераётган кредит муассасалари таваккал қиладилар. Агар ссуда ўз муддатида қайтарилмаса, банк товарларни хат қилиб ўз ихтиёрига олади, уларни сотишдан тушган тушум ҳисобидан мижознинг қарзини қоплайди.

Товарлар бўйича ссудалар кўпинча чайқовчилик мақсадларида ишлатилади.

Кўтарилиш даврида, товарларга бўлган талаб ўсганда, тадбиркорлар баҳоларнинг ўсишини ҳисобга олиб товарлар реализация-сини атайлаб тўхтатиб, товар захираларини тўплайдилар. Бу хусусан, хом ашё товарларига ҳам тегишлидир. Бу, ҳолатда ссуда товарларнинг ҳақиқий реализациясини тезлатмасдан, балки секинлаштиради ҳамда чайқовчилик ва товарларни ортиқча ишлаб чиқарилишининг ривожланишига олиб келади.

Тижорат банклари актив операцияларининг яна бир тури фонд операцияларидир.

Турли қимматли қоғозлар унинг объекти бўлиб хизмат қилади. Банкларнинг қимматли қоғозлар бўйича операцияларининг 2 тури кўпроқ қўлланилади. Булар қимматли қоғозларни кредитнинг таъминланганлиги учун қабул қилиш йўли билан ссудалар бериш ва уларни банк томонидан ўз ҳисобига сотиб олиш йўли билан операциялар ўтказиш.

Қимматли қоғозлар таъминоти бўйича ссудалар уларнинг тўлиқ бозор курси қиймати бўйича эмас, балки уларнинг маълум бир қисми (60-80%) бўйича берилади.

Қимматли қоғозлар сохта капитални ифодаласа-да, улар бўйича ссудалар ҳақиқий товар ишлаб чиқариш билан боғланган жараёнга хизмат қилади.

Бундан ташқари, қимматли қоғозлардаги банк инвестициялари ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳолда банк турли эмитентлардан қимматли қоғозларни сотиб олади ва банк қимматли қоғозлар портфели вужудга келади.

Банк томонидан қимматли қоғозларнинг харид қилинишидан мақсад – бу қимматли қоғозларни кейинчалик қайта сотиш ёки капиталнинг узоқ муддатга қўйилиши йўли билан фойда олишдан иборат.

Охирги йилларда Республиканинг кўпгина тижорат банклари юқори фойда олиш мақсадида, давлатнинг хазина мажбуриятларини кўп миқдорда сотиб олишди. Чунки қимматли қоғозларнинг бу тури банкка кафолатланган даромад келтиради. Ҳозирги кунда тижорат банклари томонидан берилаётган кредитларнинг таъминоти сифатида кўчмас мулк, бошқа банк ёки суғурта ташкилотининг суғурта кафолати ҳам қабул қилиниши мумкин. Тижорат банкларининг актив операциялари ичида кредитлаш жараёни асосий ўринни эгаллайди. У қуйидаги асосий босқичларни ўз ичига олади:

– кредит олиш учун берилган мижознинг ариза талабномасини кўриб чиқиш;

– қарз олувчининг тўловга ва кредитга лаёқатлилигини банк томонидан ўрганиб чиқилиши;

– кредит қўмитасининг қарори;

– кредит битимини расмийлаштириш;

– кредит берилиши;

– ссуда ва у бўйича фоиз тўлашнинг банк томонидан назорат қилиниши.

Кредит ва уни тўлаш жараёни кредит шартномасида кўрсатилган бўлиб, кредит ва қарз олувчи ўртасидаги мажбурият ва ҳуқуқларни белгилаб беради. Унда кредитлашнинг мақсади ва объекти, кредит миқдори, ссудани бериш ва уни тўлаш муддати, кредит таъминотининг турлари, кредит учун фоиз ставкаси ва бошқалар кўрсатилади. Ссудани тўлашни назорат қилиш банкнинг кредит портфелини мунтазам таҳлил қилиш асосида олиб борилади ва кредитларнинг сифат даражаси аниқланади.

Тижорат банклари томонидан бериладиган барча кредитлар унинг кредит портфелида ўз ифодасини топади.

Молиялаштириш манбаларига ва қарз олувчининг минтақавий ўрни ва манзилига қараб тижорат банкларининг кредит портфелини таснифлаш мумкин. Тижорат банклари таснифлашни асосан миллий валютада олиб борадилар ва баъзи ҳолларда қайта молиялаштириш ва хусусий маблағлари ҳисобидан бериладиган кредитлар, масалан, Миллий банк ва шунга ўхшаш банкларда қаттиқ валютада ҳам ифодаланиши мумкин.

Ҳозирги вақтда марказлаштирилган кредитлар давлатнинг қарорларига асосан устувор тармоқларни ривожлантириш учун миллий валютада берилади. Қайта молиялаштириш ва банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан бериладиган кредитлар мижоз кредитга лаёқатли бўлганда миллий валютада ёки хорижий давлат валютасида берилиши мумкин.

Тижорат банклари фаолиятида турли хил таваккалчиликлар учраб туради, лекин уларнинг фаолиятига кўпроқ кредит таваккалчилиги, ликвидлилик таваккалчилиги ва фоиз ставкаси таъсир қилади. Тижорат банклар фаолиятининг асосий қисми кредитлар бериш ва шу асосда фойда олишга йўналтирил-ган бўлганлиги учун улар фаолиятида бу таваккалчиликларнинг салмоғи ҳам юқори бўлади.

Таснифланган кредитларнинг қайси гуруҳга кириш даражаси тез сотиладиган активлар ва юқори ликвид маблағларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йилда 9 ноябрда тасдиқланган 242-сонли "Активлар сифатини таснифлаш, мумкин бўлган йўқотишлар бўйича тижорат банклари томонидан захиралар ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш тўғриси"даги низомга асосан тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар юқорида келтирилган мезонлар бўйича "яхши", "стандарт", "субстандарт", "шуҳбали", "умидсиз" ёки "ишончсиз" кредитларга таснифланади.

Яхши кредитлар. Кредитнинг бундай сифатда баҳоланиши, мижознинг активлари, уларнинг ҳолати бўйича ҳеч қандай гумон йўқлигидан далолат беради. Молиявий жиҳатдан барқарор, хўжалик айланмаси юқори даражада хусусий капитал билан таъминланган, юқори рентабеллик кўрсаткичларига эга, дебитор ва кредитор қарзларнинг айланиш муддати қисқа бўлиши лозим. Бу кредит эгалари молиявий барқарор хўжалик субъекти бўлиб, у юқори даражада таъминотга эга бўлади. Бунда асосий эътиборни қарз олувчининг аввалги фаолия-тидаги мажбуриятларига муносабатига, осон реализация қилинувчи активлар ва юқори ликвидли маблағлардан ташкил топган ишончли кредит таъминотига қаратиш керак. Ушбу тоифадаги кредитларда қайтармаслик белгилари мавжуд эмас, банклар учун зарар кўриш имкониятлари минимал даражада бўлади, кредит таъминланган-лигининг гаров, кафолат ва бошқалар сифати, таъминланганликка олинган мол-мулк, гаров ва бошқаларнинг таркибида тез пулга айла-надиган активлар ва юқори ликвид маблағлар салмоғининг кўплиги эътиборга олинади. Кредит бўйича олинган таъминланганлик (гаров, мол-мулк ва бошқалар) кредит суммаси ва у бўйича фоиз ставкаларини тўлашга етарли бўлгандагина кредит таъминланган деб баҳо-ланиши мумкин.

Кредит бўйича барча ҳужжатлар қонун бўйича расмийлаштирилиши ва банк зарур бўлганда кредитни ундириб олиш имкониятига эга бўлиши зарур (кредитнинг қайтарилмаслик эҳтимоли чекланган бўлса-да). Кредитнинг бу гуруҳида мижознинг фаолиятидаги икки асосий омилга алоҳида эътибор бериш зарур. Булар:

– мижознинг олдинги фаолиятидаги ўз мажбуриятларига бўлган муносабати;

– кредит бўйича аниқ таъминланган (гаров, кафолат, мулк ва бошқалар) бўлиши ва унинг тўғри расмийлаштирилганлиги.

Стандарт кредитлар. Бундай кредитлар бўйича вақти-вақти билан кредитни ўз вақтида қайтара олмаслик шароити юзага келади. Лекин кредитни белгиланган муддатда тўлай олмаганда тўлов муд-

дати бир марта узайтирилиши ва кредит бўйича фоиз-ларни тўлай олмаслик даври 30 кундан 60 кунгача, тўлиқ таъмин-ланмаган кредитлар учун 30 кундан ошмаслиги лозим. Олган кредити стандарт кредит деб топилган мижозларнинг молиявий аҳволи, одатда, барқарор бўлади, лекин сабаблар туфайли унинг фаолиятида салбий молиявий ҳолат юзага келган бўлиши мумкин. Бундай кре-дитлар қаторига яхши расмийлаштирилмаган кредитлар, гаров, таъминланганлиги бўйича тўғри ҳужжатлаштирилмаган ёки ҳужжатлар етарли бўлмаган кредитлар ҳам кириши мумкин. Бу кредитлар бўйича 10 фоиз миқдорида захира ташкил қилиниши зарур.

Субстандарт кредитлар. Бу гуруҳга кирувчи кредитлар уларнинг сифати етарли даражада эмаслигини билдирувчи аниқ белгиларга эга бўлади. Бу, асосан, кредитларнинг банкка қайтиб тўланишида маълум камчиликлар мавжудлигини ва қарзни тўлаш учун қўшимча манбаларни топиш зарурлигини кўрсатади. Субстандарт кредитлар қарз олувчининг ишончли молиявий аҳволи ва тўлов қобилиятининг юқори даражаси билан ҳимояланмаган. Бу кредит кредитнинг таъминланганлигини ташкил қилувчи манбалар маълум таваккалчиликлар билан боғлиқлигини, кредитнинг жорий ҳолати бўйича етар-ли ахборотнинг мавжуд эмаслиги, гаров ҳужжатларида маълум кам-чиликлар мавжудлиги билан характерланади. Бу кредит бўйича 60 кундан 90 кунгача тўланмаган қарзлар мавжуд бўлиши мумкин. Бу кредитлар молиявий аҳволи барқарор бўлмаган, корхонанинг тўловга лаёқатлилигида камчиликлар бўлган ҳолларда юзага келади. Субстан-дарт кредитлар бўйича тўланмаган қарзларни қоплаш учун 25 фоиз миқдорида захира ташкил қилинади.

Шубҳали кредитлар. Бу кредитларга юқорида келтирилган гуруҳлардаги кредитларнинг барча салбий томонларини ўзида ифода қилган, тўлиқ таъминланмаган, тўланиш эҳтимоли кам бўлган кредитлар киради. Бу кредитлар бўйича олинган кредит яхши таъминланган бўлганида асосий қарз бўйича фоизларни тўлаш муддати 120 кундан ортиқ муддатга кечиктирилган бўлса, зарар кўриш имконияти юқори, бироқ ушбу кредитларнинг сифатига ижобий таъсир кўрсатиш мумкин бўлган омиллар мавжудлиги сабабли уларни йўқотилган, деб таснифланиши вақтинча тўхтатилади. Бу гуруҳга кирувчи кредитлар бўйича 50 фоизгача захира ташкил қилиниши лозим.

Ишончсиз кредитлар. Бу кредитлар бўйича қарзларнинг тўланиш эҳтимоли деярли йўқ. Агар кредит тўлиқ таъминланмаган бўлса, энг камида битта муаммоли тавсифга эга бўлса, тўлов муддати 180

кундан ошган бўлса ҳамда кредитни "шубҳали" деб таснифлаб бўлмаса, бундай активлар "ишончсиз" деб ҳисобланади. Бу активлар жуда паст қийматга эга бўлиб, уларни активлар сифатида ҳисобга олиб бориш мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун банклар бу кредитларни ўз балансларида зарар сифатида ҳисобга олишлари мумкин. Ишончсиз кредитлар фойда ҳисобига бунинг учун фойда етмаган ҳолларда эса, банк сармояси ҳисобига балансдан чиқарилиши мумкин. Банк учун бу кредитлар зарар сифатида таснифланади.

Бир йил ва ундан ортиқ муддатда ҳаракатсиз бўлган активлар, муддати ўтган ва фоизлар бўйича қарзлар зарар сифатида тавсифланиши мумкин. Шу сабабли бу гуруҳга кирувчи кредитлар бўйича 100 % захира ташкил қилиш лозим бўлади.

Тижорат банкларининг кредит портфели берилган ссудалар-нинг таъминланганлик даражасига кўра қуйидаги турларга ажратилиши мумкин:

– биринчи даражада таъминланган;

– бошқа таъминотга эга бўлган;

– тўлиқ таъминланмаган;

– таъминланмаган ссудаларга бўлинади.

Биринчи даражада таъминланган кредитлар гуруҳига тўлиқ таъминланган кредитлар киради. Улар қуйидагилар билан таъминланади:

– Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кафолати;

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кафолати;

– Ўзбекистон Марказий банки розилиги билан биринчи синф хорижий банклари кафолати;

– эркин айирбошланадиган валютадаги гаров;

– Ўзбекистон Республикаси давлат қимматли қоғозлари кўринишидаги гаров;

– стандартлаштирилган қимматбаҳо металлар қўйилмалари кўринишидаги гаров;

Бошқа таъминотга эга бўлган ссудалар гуруҳига қуйидагилар билан таъминланган кредитлар киради:

– мол-мулк гарови;

– қимматли қоғозлар кўринишидаги гаров;

– бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг кафолат хати ва бошқалар киради.

Тижорат банклари томонидан кредит операцияларини тўла-тўкис олиб бориш улар томонидан кредит сиёсатининг қай даражада тузилганлигига боғлиқ.

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда МДҲга кирувчи давлатлар тижорат банкларининг кредит сиёсати мамлакат иқтисодиётини тез-роқ ривожлантиришга йўналтирилган. Ҳозирги вақтда бу мустақил давлатларнинг банклари аксарият ҳолларда воситачилик операция-ларини ўтказиш учун кўпроқ қисқа муддатли кредитлар бермоқдалар. Шу билан бирга, кредитни узоқ муддатга инвестиция қилиш банк-ларга ва жамиятларга катта фойда бериши мумкин.

МДҲга кирувчи давлатларнинг банклари учун лизинг операциялари янги операциялар тури ҳисобланади. Бу операция турида банклар ёки лизинг компаниялари ижарага берилган мулкнинг эгаси бўлиб қолаверадилар.

Лизинг операцияларини ўтказишнинг банк учун фойдали томони шундаки, одатда, ижара учун тўлов худди шу муддатга бериладиган узоқ муддатли кредитлар фоиз ставкасига нисбатан юқори бўлади.

Бундан ташқари, бу ерда мижознинг тўлов қобилиятига эга эмаслигидан йўқотиш таваккалчилиги бўлмайди. Битимда кўрсатилган шартларнинг бузилиши юз берган ҳолларда банк ижарага берилган мулкни қайтаришни талаб қилиши мумкин. Ривожланган хорижий мамлакатларда лизинг операциялари кенг тарқалган. Ўзбекистон ва бошқа МДҲ давлатларида лизинг операциялари кам ҳажмда қўлланилади. Ҳозирги кунда лизинг операцияларига шароитлар яратиш соҳасида ишлар олиб борилмоқда.

4-§. Тижорат банкларининг молиявий хизматлари

Тижорат банклари ўз фаолияти давомида турли хил хизматлар кўрсатадилар. Тижорат банкларининг бу хизматлари улар учун маълум даромад олиб келади. Бу даромадлар комиссион мукофот, ўтказмалар ва йиғимлар шаклида бўлиши мумкин. Кейинги йилларда банк хизматларининг турлари ва миқдори ўсиб, бу соҳа банк фаолиятининг сезиларли йўналишига, уларнинг даромадининг манбаларидан бирига айланиб бормоқда. Ўзбекистонда тижорат банклар фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, баъзи банклар даромадлари таркибида асосий ўринни ҳар хил хизматлардан келадиган тушумлар ташкил қилади.

Кейинги йилларда тижорат банклари фаолиятида ижара ёки лизинг (Leasing – инг. «ижара») операцияларини молиялаштириш билан боғлиқ фаолият турлари кенг ривожланмоқда. Бу

операцияларнинг моҳияти шундаки, банклар машина-ускуна, жиҳозлар, транспорт воситаларини саноат корхоналарига узоқ муддатли ижарага беради ва улар билан лизинг шартномаларини тузади. Бу ҳолда банк воситаларни сотиб олиш учун саноат корхоналарига ссуда бериш ўрнига уларни ўзи сотиб олади ва истеъмолчиларга ижарага берган ҳолда эгалик ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Бунда банк ссуда фоизини эмас, балки ижара ҳақини (лизинг тўловини) олади. Корхоналар учун эса лизинг инвестицияларни молиялаштиришнинг махсус усулларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодий ўсишга эришишни таъминлаш шароитида, ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш ва уни кенгайтириш учун ликвид маблағлар ҳажмининг чекланганлиги ва илмий-техника тараққиётини жорий қилиш шароитида инвестицияларни оптималлаштириш зарурияти лизинг операцияларнинг аҳамиятини оширади ва уларни иқтисодий фаолиятнинг муҳим воситасига айлантиради. Лизинг корхонага керакли воситаларни шу вақтнинг ўзида унчалик катта бўлмаган харажатлар эвазига олиш имконини беради. Ижарага олувчи восита (асбоб-ускуна, жиҳоз ва ҳоказоларни) сотиб олиш ва молиялаштиришни бир вақтда ҳал қилади. Лизинг усулида истеъмолчиларнинг илғор технологияга тезроқ ва арзонроқ эришиши енгилроқ кечади ва бу ишлаб чиқариш воситаларининг маънавий эскириши билан боғлиқ харажатлардан қутилиш имконини беради. Саноат корхоналари учун амортизация даражасининг юқорилиги, ишлаб чиқариш воситаларининг юқори самарадорлиги, ликвидликнинг сақланиши, хусусий капитал ҳаракати, ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида олиб борилиши, ўзаро қарздорликларнинг бўлмаслиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг бозор талабларига жавоб бера олиши ва бошқа омиллар уларнинг молиявий жиҳатдан барқарор бўлишини таъминлашнинг асосларидан ҳисобланади.

Лизинг операцияларида уч субъект – ижарага берувчи, ижарага олувчи ва мол етказиб берувчи иштирок қилади.

Ижарага берувчи бу – молиявий характердаги вазифани бажарувчи, ихтисослашган молиявий (лизинг) корхонадир. Лизинг, энг аввало, молиявий инвестицияларнинг воситаси ва ишончли молиявий манбаларни талаб қилгани учун жаҳон амалиётида лизинг компаниялари банклар томонидан назорат қилинади ёки уларнинг шўъба корхоналари бўлади.

Ижарага олувчи – ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш учун воситаларни ижарага олувчи ишлаб чиқариш ёки савдо корхонасидир.

Мол етказиб берувчи томон лизинг шартномаси объектини ишлаб чиқарувчи корхона ёки ташкилот бўлиб, у ишлаб чиқариш ёки савдо корхонаси сифатида бўлиши мумкин.

Одатда, мол етказиб берувчи ва ижарага олувчи тижорат шартномасининг асосий шартларини ишлаб чиқади. Шу билан бир қаторда, ижарага берувчи (банк) молиялаштириш шартларини ўрганиб чиқади ва ижарага олувчи билан ижара шартномасини имзолайди.

Молиялаштириш масаласини ҳал қилишда банк мижознинг даромад даражасини ўрганиб чиқади. Лизинг объектидан тўғри ва самарали фойдаланиш имкониятларини баъзида мутахассислар кўриб чиқиши ва қўшимча кафолатлар талаб этилиши мумкин. Шартномада лизинг операциялари бўйича ижара муддати, миқдори, валютасини, ижара ҳақини тўлаш муддати ва шартлари, ижарага олинувчининг воситанинг (асбоб-ускунанинг) таркиби, ишга яроқлиги бўйича мажбуриятлари ва бошқа кўрсаткичлар ўз ифодасини топиши лозим.

Лизинг муносабатларини ташкил қилишнинг мажбурий шартларидан бири лизинг шартномаси даврида лизинг объектини суғурталаш ҳисобланади. Лизинг қиймати доимий (ҳар ярим йил, чорак, ой...) ижара тўловларининг йиғиндисидан ташкил топади. Ижара тўловининг асосий ташкил этувчилари амортизация ва кредит учун тўланадиган фоиздир. Бундан ташқари, лизинг тўловлари таркибига, шунингдек ижара шартномасида кўзда тутилган ижарага берувчи хизматлари ҳам киритилиши мумкин. Ижара тўловлари йиғиндиси ижарага берувчига ўз харажатларини қоплаш ва даромад олишини таъминлайди.

Амалиётда лизингнинг бир неча турлари қўлланилади. Булар оператив ёки ишлаб чиқариш лизинги, молиявий лизинг ва бошқалардир.

Оператив лизинг кўпроқ ишлаб чиқариш даври билан боғлиқ бўлиб; объект қисқа даврга, яъни унинг ҳаётий яроқлилик давридан қисқароқ вақтга ижарага берилади. Бу ҳолда объектнинг амортизацияси (эскириши) тўлиқ амалга ошмайди, яъни объектни яна бир неча марта ижарага бериш имконияти сақланиб қолинади.

Тижорат банклари ва уларнинг лизинг компаниялари томонидан, одатда, кўпроқ молия лизинг операциялари ўтказилади. Лизингнинг

бу тури энг кўп тарқалган лизинг шаклларидандир. У шартноманинг ўрта ва узоқ муддатлиги билан тавсифланади. Бунда амортизация тўлиқ бўлиши ёки ижара объекти қолдиқ баҳода қайтариб берилиши мумкин. Бу ҳақда ижарага олувчи ижара муддати тугашидан олдин эълон қилади.

Молиявий лизинг ҳақиқатда ижара объектини узоқ муддатли кредитлаш бўлиб, оддий савдо-сотиқдан (эгалик ҳуқуқи харид вақтида истеъмолчига ўтади) фарқ қилади. Лизинг компания асосий воситаларни ижарага олувчи корхонанинг кўрсатмасига биноан сотиб олади. Уни шу корхонага узоқ ёки ўрта муддатга (3, 5, 7 йилга) ижара шартномасига асосан сотиши ва лизинг муддати тугагандан кейин қолдиқ баҳода сотиб олиш ҳуқуқи билан ижара шартномасини тузиши мумкин.

Тижорат банкларининг молиявий операцияларининг яна бир тури бу факторинг операциялари ҳисобланади. Бу операциялар бутун хўжалик кўламида тўловлар айланишини амалга ошириш билан боғлиқдир. Факторинг (инг л. Factor – воситачи) – ҳисоб-китобларни ташкил этиш соҳасидаги янги хизмат турларидан бўлиб, мижознинг айланма капиталини кредитлаш билан мувофиқлашади. Бундай операцияларни чет элларда, одатда, махсус факторинг компаниялари амалга оширадилар. Улар банклар билан боғлиқ ёки уларнинг ихтисослашган шўъбалари ва компаниялари ҳисобланади.

Факторинг оперцияларида банк ўз мижозларининг дебиторларга бўлган талабларини сотиб оладилар. Бунда банк талабнинг 70-90 % ни (фоиз даражаси мижознинг молиявий ҳолати, ликвидлик даражаси ва бошқа молиявий кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда турли хил бўлиши мумкин) бўнак тариқасида бирданига тўлаши, қолган қисмини эса (кредит учун фоизни ҳисобга олмаган ҳолда) белгиланган муддатда, дебитордан тўлов тушишидан қатъий назар тўлайди. Ҳозирги вақтда тижорат банклари талабларини (даъволарини) сотиб олганда молиявий таваккалчиликларни аниқлашлари мумкин, чунки кўпчилик корхоналарнинг, жумладан, хорижий корхоналарнинг молиявий аҳволи тўғрисида маълумотлар олиш имконияти қисман бўлса-да мавжуд. Бу имконият ривожланган давлатлардаги кенг қамровли йирик банклар ўртасидаги компьютер тармоқлари туфайли юзага келган. Бундай тизим доирасида банклар ўз мижозларига бухгалтерия, статистика ва бошқа ахборотларни тақдим этишга тайёр.

Факторинг мижозларга хизмат кўрсатишнинг универсал шакли ҳисобланади. Чунки мижозлар ўз талаблари (даъволари) бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш уларнинг тўловлигини текширишдан ҳоли бўлишади. Банклар мол сотиб олувчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги ахборотни мижозларига етказишлари хорижий давлатлардаги тўловлар кафолатини ўз зиммасига олишлари мумкин. Банклар учун бу операциялар юқори даромад келтиргани учун ҳам улар бу операцияларни бажаришдан манфаатдор ҳисобланадилар. Ривожланган давлатларда факторинг операциялари мижознинг молиявий аҳволи, акционерлик капитали миқдори, маҳсулот тури, иш ҳажми ва бошқларга қараб йиллик айланмасининг сезиларли қисмини ташкил этади.

Молиявий активлар миқдорининг ўсиши билан ривожланган мамлакатларда тижорат банкларининг ишонч (траст инг. Trust- “ишонч”) операцияларининг ҳажмининг ошишига олиб келмоқда. Банкнинг бу хизматлари банк билан мижоз ўртасида ишончлилик муносабатларининг ўрнатилиши билан боғлиқ. Тижорат банкларининг траст бўлимлари, мижозлар топшириғи бўйича унинг номидан асосан мулк эгалиги билан боғлиқ ва бошқа хизматларни бажаради. Банклар траст операцияларини хусусий корхона ва фирмалар, шахслар ва бошқа ташкилотлар учун амалга оширади. Траст операцияларини уч турга бўлиш мумкин: далолатнома, ғамхўрлик билан боғлиқ операциялар ва воситачилик хизматлари бўйича кўрсатиладиган операциялардир.

Меросни бошқариш билан боғлиқ траст операциялари хусусий шахслар далолатномаси бўйича амалга оширилиб, банкнинг траст бўлими қатор мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Уларнинг асосийларига: меросхўрнинг меросини суд қарори ёки мерос хати асосида тўплаш, бошқарув маъмурий харажатларини тўлаш, меросхўрлар ўртасида меросни бўлиши ва шу оила аъзоларига хусусий хизматларни кўрсатиш киради.

Траст бўлимлари балоғат ёшига етмаганлар, меҳнатга лаёқатсиз кишиларга оталик, ғамхўрлик қилиш учун айрим шахслар ишончномасига биноан мулкни бошқариш бўйича операцияларни бажаради. Ишончлилик бўйича энг кўп тарқалган операцияларга мулкни ишонч асосида бошқариш киради. Бунда мулкдор мулкни ўзи ишонган шахсга беради. Бу шахс, ўз навбатида, мулкни мулкдорнинг манфаати асосида ишлатади: уни сақлайди, инвестиция қилади, шартномага мувофиқ асосий сумма ва даромаддан фойдаланади.

Унинг асосий вазифаси мулкни тўғри инвестиция қилиш ва маълум миқдордаги даромадни таъминлашдир. Инвестиция давлат қонуни, шартнома ва траст бўлим сиёсати асосида амалга оширилади.

Воситачилик хизматларини тижорат банкларининг траст бўлимлари ўз зиммасига воситачилик вазифасини олиш орқали бажарадилар. Агар операция мулк билан боғлиқ бўлса, мулк эгалиги унинг эгаси қўлида сақланади. Хизматлар эса активларни сақлаш, бошқариш, юридик хизмат кўрсатиш ва бошқа воситачилик операциялари билан боғлиқ бўлади.

Корхона ва фирмалар бундай хизматлар учун ўз тижорат банкларининг траст бўлимларига мурожаат қиладилар. Ишонч операцияларига облигация заёмига хизмат кўрсатиш (заём кафолати бўлиб хизмат қилувчи мулкдан фойдаланиш ҳуқуқининг ўтиши билан бирга олиб борилувчи) киради. Акционерлик компаниялари банк хизматларига акция ва облигацияларни, пенсия фондларини бошқариш (эгалик ҳуқуқининг ўтиши билан) акцияларни рўйхатдан ўтказиш ва бошқалар билан боғлиқ операциялар бўйича мурожаат қилишлари мумкин бўлади.

Траст бўлимлари депозитарий функциясини ҳам бажарадилар. Масалан, овоз беришни ишонган акционерларнинг акцияларини сақлаш (овоз бериш трасти). Компания қайта ташкил топганда, тугатилган ёки банкрот бўлганда банк уни вақтинчалик бошқариши мумкин.

Траст операцияларини амалга оширгани учун тижорат банклари комиссион тўловлари олади. Меросни бошқариш операциялари бўйича комиссион тўловларни ўрнатиш ва тўлаш қатор мамлакатларда қонун йўли ёки суд қарори билан белгиланади. Воситачилик хизматлари бўйича турлича тўловлар кўлами шартнома асосида белгиланади. Комиссион тўловлар траст даромадидан йиллик чегирмалар йиғиндиси ҳисобига ташкил топиши, шартноманинг асосий суммасидан йиллик бадал ва баъзи ҳолларда траст шатномаси тугагандан кейин умумий суммадан ажратма шаклида белгиланиши мумкин. Траст операцияларини амалга оширишда уларнинг ҳажми операциялар билан боғлиқ харажатларни қоплаб, банкка фойда келтирадиган даражада бўлиши керак.

5-§. Тижорат банкларининг халқаро операциялари

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари нафақат мамлакат ичкарисида, балки бошқа мамлакатлар билан ҳам турли хил

операцияларни олиб борадилар. Тижорат банкларининг бошқа мамлакатлар билан олиб борувчи операциялари уларнинг халқаро операциялари деб юритилади. Тижорат банкларининг халқаро операциялари ўз ичига халқаро савдода иштирок қилувчилар ўртасидаги муносабатларни, ссуда капитали бозорида инвестиция фаолиятини юритувчи, туризм, хорижий қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш ва сотиш, валюта айирбошлаш, чек, вексел, инкассация учун банк акцептларини қабул қилиш билан шуғулланувчи мижозлар томонидан талаб қилинадиган хизматларни ўз ичига олади.

Халқаро операциялардан банкка тушадиган даромаднинг энг асосий қисмини кредит беришдан тушадиган даромадлар ташкил қилади. Халқаро савдони банк томонидан кредитлаш товар ва товар ҳужжатларини гаровга олиш асосида кредит бериш, вексель бўйича кредит ва акцепт кредитларни, банк ссудаларини бериш шаклида амалга оширилади. Ташқи савдони кредитлашнинг янги шаклларига лизинг, факторинг ва форфейтирлаш кабиларни киритиш мумкин. Ўрта ва узоқ муддатли халқаро банк кредитлари евро-кредит шаклида ҳам берилади.

Банкларнинг халқаро операцияларининг яна бир тури бу банкларнинг валюта операциялари ҳисобланади. Банкнинг бир валютани бошқа валютага алмаштириш билан боғлиқ халқаро операциялари валюта операциялари дейилади. Уларни амалга ошириш зарурияти мавжудлигининг асосий сабаби халқаро савдо, халқаро кредит ва хизматлар бўйича ҳисоб-китобларда ягона тўлов воситасига эга бўлиш зарурлиги ҳисобланади.

Турли хил валюта операциялари йиғиндиси жаҳон ссуда капитали бозорининг асосий қисмларидан бири бўлган валюта бозорини ҳосил қилади. Валюта бозорида хорижий валютага талаб ва таклиф мужассамлаштирилади. Таклиф сотилган товар ва хизматлари учун даромад олган экспорт қилувчидан, талаб эса сотиб олинган товар ва хизматларни тўлаш учун хорижий валютага муҳтож импорт қилувчилардан келиб чиқади. Валюта операциялари асосини товарлар ва хизматлар, капитал ва кредитларнинг халқаро ҳаракати ташкил этади.

Валюта бозорида операцияларни махсус банклар, компаниялар ва жисмоний шахслар амалга оширадилар. Биржа ичида ва ундан ташқаридага валюта бозорлари бир-биридан фарқ. қилади. Валюта операцияларининг кўпчилиги биржадан ташқаридаги бозорларда тижорат банклари орқали амалга оширилади.

Банклар бир-бири билан (бевосига ёки брокерлар орқали), мижозлари билан валюта операцияларини халқаро банклараро валюта бозорида ва биржаларда олиб боради. Валюта шартномаларининг асосий қисми халқаро банклараро валюта бозорида тижорат банклари ўртасида имзоланади.

Валюта чекловлари йўқ ёки сезиларли бўлмаган давлатларда (АҚШ, Япония, ГФР, Буюк Британия, Гонконг, БАА ва бошқа) валюта муомалаларини ихтиёрий банк амалга ошириши мумкин. Миллий валюта конвертирланмаган давлатларда валюта операцияларини фақатгина давлат рухсат берган банклар амалга оширади.

Банкнинг валюта бозоридаги фаоллиги банкнинг йириклигига, унинг обрўсига, хорижий бўлимлари ва филиаллари тармоқларининг ривожланганлик даражасига, ЭҲМ билан таъминланганлигига, телефон ва телеграф алоқаларининг ривожланганлигига боғлиқ. Валюта операцияларининг асосий қисми йирик тижорат банкларига тўғри келади. Улар валютани сотиш, сотиб олиш, халқаро ҳисоб-китобларни бажариш билан бирга, хорижий валюта захираларини сақлайди ва валюта курсларини аниқлайди. Бошқа банклар уларга котировка бўйича мурожаат қилади ва ўз мижозлари учун валюта сотиб олади.

Кўпчилик мамлакатларда (Япония, ГФР, Франция, Италия, Австралия, Нидерландия) яхши тараққий қилган махсус валюта биржалари мавжуд. 70-йиллардан бошлаб фонд ва товар биржаларида валюта билан савдо қилиш кенг тарқалган.

Банклар томонидан валюта операциялари банкнинг хусусий маблағлари ҳисобига ёки мижозлар ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Валюта операциялари хорижий валютада ифодаланган нақдсиз тўлов воситалари: банк депозитлари, чеклар, векселлар, ўтказмалар ҳисобига амалга оширилади. Нақд хорижий валютаси ҳисобига амалга ошириладиган операциялар ҳажми анча кичик ҳисобланади.

Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб операцияларида турли ҳисоб шакллари қўлланилиши мумкин. Булар қаторига банк буйруғига асосан пул ўтказиш (ўтказма тури), банк чеки, банк вексели, аккредитив, инкассо шакллари ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўтказма бу – банкнинг ўз мижозининг талаби, асосан, унинг маблағи ҳисобидан тўланиши зарур бўлган суммани олиши зарур

бўлган хорижий корхонага (бенефициарга) маблағи почта ёки телеграф йўли билан ўтказиб қўйиш тўғрисидаги бошқа мамлакатдаги банк корреспондентга берган буйруғи ҳисобланади. Валюта олишнинг энг тез ва ишончли воситаси телеграф ўтказмасидир. Банк-корреспондентлар томонидан махсус коднинг қўлланиши валюта маблағлари бўйича зарар келтириш ва ўз мижозларига маблағларни ўтказишда банк томонидан хатоларга йўл қўйилишидан сақлайди. Ўтказмада банк икки операцияни бир вақтнинг ўзида бажаради: миллий валюта ҳисобига мижозига хорижий валютани сотади ва хорижий валютани чет элга ўтказиб беради.

Банк чеки – банкнинг хорижий банк корреспондентга маълум миқдордаги пулни чек эгасига унинг шу банкда мавжуд бўлган корреспондентлик варақасидан тўлаш тўғрисидаги ёзма буйруғидир.

Банк вексели –ўтказма вексель (тратта) бўлиб, банк томонидан хорижий банк корреспондентига тўлаш учун берилади.

Халқаро ҳисоб-китоблар деганда биз талаблар ва мажбуриятлар бўйича тўловларни мувофиқлаштириш тизимини тушунамиз. Халқаро ҳисоб-китоблар тижорат банк корреспондентлари орқали ўтказма, чеклар, векселлар, ўзаро талаб ва мажбуриятларни тенглаштириб воз кечиш йўли билан нақд валютасиз амалга оширилади.

Халқаро ҳисоб-китоблар шаклларининг баъзилари ўтказилиш йўллари билан ички ҳисоб-китобларга ўхшаш бўлса-да, уларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу хусусиятларни қуйидагича таърифлаш мумкин.

Биринчидан, одатда, улар ҳужжат тарзида, яъни молия (чек, вексель) ва тижорат (коносамент) ҳужжатлари ёрдамида амалга ошади.

Иккинчидан, халқаро ҳисоб-китоблар унификациялашган (бир шаклга келтирилган). Бундай ҳисоб-китобларни амалга оширишда аксарият мамлакатлар банклари, жумладан, МДҲ вексель ва чек конвенцияларига амал қилади (Женевада 1930 ва 1931 йилларда қабул қилинган ва Париж халқаро савдо палатаси эълон қилган «Ҳужжатли аккредитивлар бўйича унификациялашган қоида ва анъаналар» ва «Инкассо бўйича унификациялашган қоидалар»га мувофиқ халқаро миқёсда ҳисоб-китоб операциялари олиб борилади. Бу ҳужжатларга ташқи савдо алоқаларида банкка аккредитив

тўғрисида буйруқ берилганда ва инкассо топшириқномалари берилганда мурожаат этиш лозим бўлади.

Классик ва энг кенг тарқалган ҳужжатли ҳисоб-китоблар шакли ҳужжатли аккредитив ва ҳужжатли инкассо ҳисобланади.

Аккредитив банк (банк-эмитент) мажбурияти бўлиб, мол сотиб олувчи (импорт қилувчи) кўрсатмасига биноан мол сотувчи (экспорт қилувчи) варағига маблағни ўтказиш ёки траттани тегишли суммада (хизмат ёки товар) акцептлашни сотувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатга мувофиқ амалга оширишни ифодалайди. Аккредитив шаклидаги ҳисоб-китобларда бир қанча банклар иштирок этиши мумкин: аккредитгивни очувчи банк-эмитент; сотувчига аккредитив очилгани тўғрисида хабар берувчи банк; аккредитивни тўловчи ёки траттани акцептловчи банк. Шу билан бирга, банк эмитентдан бошқа банклар ўрнида бир банкнинг ўзи ҳам иштирок этиши мумкин.

Аккредитив операциялари 4 та асосий босқични босиб ўтади.

Биринчи босқич. Импорт қилувчи товар жўнатилишга тайёрлиги тўғрисида хабар олгандан кейин ўз банкига (банк-эмитент) экспорт қилувчи банкида маълум сумма ва муддатга аккредитив очиш топшириғини беради. Аккредитив очиш топшириғи билан бирга аккредитив берилиши учун талаб қилинадиган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилади.

Иккинчи босқич. Банк эмитентга тегишли банкда аккредитив очилади ва экспорт қилувчига бу ҳақда хабар қилинади, зарур бўлса, аккредитив очилганлиги тасдиқланади.

Учинчи босқич. Товарни жўнатган экспорт қилувчи банкка талаб этилган ҳужжатларни тақдим этади ва товар учун тегишли тўловни олади (одатда, у экспорт қилувчининг ҳисоб рақамига ўтказилади).

Тўртинчи босқич. Экспорт қилувчи банки товар ҳужжатларини банк-эмитентга юборади. У, ўз навбатида, бу ҳужжатларни импорт қилувчига тақдим этади ва аккредитив суммасини қоплайди (импорт қилувчи бу суммани тўлаб беради).

Мажбурият турига кўра банк аккредитиви «чақириб олинадиган» ва «чақириб олинмайдиган» бўлади. «Чақириб олинадиган» аккредитив муддатдан илгари импорт қилувчи ёки банк-эмитент кўрсатмасига биноан бекор қилиниши мумкин. Бундай аккредитив экспорт қилувчи манфаатларига жавоб бермайди ва амалиётда кам учрайди. «Чақирилмайдиган» аккредитив экспорт қилувчи рухсатисиз бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин эмас. У банк эмитентнинг экспорт қилувчига тўловни амалга ошириш ёки

траттани акцептлашнинг қатъий мажбуриятини олади. «Чақирилмайдиган» аккредитив қўлланилиши жиҳатидан экспорт қилувчи учун афзал ҳисобланади. Агар банк-эмитент аккредитивни очувчи банкка валюта қопламасини жўнатса, аккредитив таъминланган; акс ҳолда, таъминланмаган ҳисобланади.

Ҳужжатли инкассо операциясида экспорт қилувчи ўз банкига инкассо топшириқномасини беради ва ташқи савдо шартномасида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим қилиш билан импорт қилувчидан маълум валюта миқдорини олиш лозимлигини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, экспорт қилувчи ўз банки орқали импорт қилувчи банкига инкассация учун ҳужжатларни жўнатади. Инкассация операцияси тўрт асосий босқичда ўтади.

Биринчи босқич. Экспорт қилувчи ўз банкига инкассо топшириқномаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни беради.

Иккинчи босқич. Экспорт қилувчи банки импорт қилувчи мамлакатдаги банк-корреспондентга инкассо топшириқномаси ва ҳужжатларни юборади.

Учинчи босқич. Банк-корреспондент импорт қилувчига ҳужжатларни тақдим этади ва инкассо топшириқномасига кўрсатилган суммани олади ёки траттани акцептлайди.

Тўртинчи босқич. Олинган тўлов миқдори импорт қилувчи банки экспотёр банкига, ундан эса экспорт қилувчи счётига ўтказилади.

Валюта операцияларини валюталар ўртасидаги нисбатни аниқламасдан ва уларни алмаштирмасдан ўтказиш мумкин эмас. Бу нисбатлар валюта «котировка»лари ёрдамида амалга оширилади.

Валюта котировкаси деганда алмаштириш учун тақдим этилган валюталар курсини ва улар орасидаги нисбатни ўрнатиш тушунилади.

Валюта котировкаси расмий ва бозор котировкасига бўлинади. Расмий валюта котировкасини давлат амалга оширади (асосан Марказий банк). Расмий валюта курсидан давлат валюта операцияларида, божхона ишларида, тўлов балансини тузишда фойдаланилади.

Валюта курсини аниқлаш усуллари валюта тизимларининг хусусиятларига кўра турли мамлакатларда турличадир. Қаттиқ валюта чекловлари мавжуд давлатларда валюта курси икки усулда ўрнатилиши мумкин. Биринчиси, соф бошқарув усули – ҳукумат ёки Марказий банк талаб ва таклифдан қатъий назар миллий валюта курсини белгилайди. Бунда валюта курси бошқа валюта ёки бир

қанча валюталар (валюта савати)га нисбатан белгиланади. Шу билан бирга, кўпчилик Марказий банклар турли операцияларда турлича валюта курсларини белгилайди.

Иккинчи усул. Польша, Чехия, Словакия, Болгария, Руминия каби давлатларда кўпроқ қўлланилади. Бу усулда Марказий банк расмий валюта курсини биржа курси даражасида белгилайди ва биржа курсининг расмий валюта курсига нисбатан ўзгариш чегарасини белгилаб беради. Валюта курсининг шу ўзгариш чегарасини белгилаб бериш банк ишида валюта коридори деб ҳам юритилади. Амалиётда валютанинг биржа курсининг расмий курсга нисбатан ўзгариш хавфи кузатилса, Марказий банк валюта интервенциясини амалга оширади, яъни хорижий валютани сотади ёки сотиб олади.

Валюта чекловлари йўқ ёки сезилмас даражада бўлган давлатларда Марказий банк талаб ва таклиф (миллий валютанинг эркин сузиб юришида) ҳамда валюта интервенцияси (бошқарилувчи курс)дан келиб чиққан ҳолда валюта курсини белгилайди. Валюта биржалари фаолият кўрсатувчи давлатларда валюта курси қарийб ҳар бир биржа маклери ва Марказий банк томонидан валютани сотиш ва сотиб олишга берилган аризалар, Марказий банк интервенцияси сиёсати бўйича фаолиятини инобатга олган ҳолда ўрнатилади.

Бозор котировкаси талаб ва таклиф асосида биржага оид бўлмаган валюта бозорида амалга оширилади.

Қаттиқ валюта чекловлари мавжуд мамлакатларда бозор котировкаси деярли қўлланилмайди. Ҳамма операциялар расмий курс бўйича амалга ошади. Валюта чекловлари деярли йўқ (сезиларсиз) ёки йўқ мамлакатларда бозор курсини бир-бири билан доимий мулоқотда бўлган йирик тижорат банклари ўрнатади. Бу банкларни маркет-мейкерлари деб атайдилар. Бошқа банклар котировка юзасидан уларга мурожаат қилишади. Банкларараро валюта котировкалари маркет-мейкерлар томонидан ҳар бир валюта бўйича мавжуд бўлган ёки кутилаётган талаб ва таклифни таққослаш (бу операция амалиётда фиксинг деб аталади) асосида белгиланади.

Валюта биржаси йўқ давлатларда валюта бозори қатнашчилари банкларараро курслардан фойдаланади. Банкларараро бозордаги ўртача курс банк мижозлари учун валюта курсини ўрнатишнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Валюта биржалари мавжуд давлатларда банкларараро котировкалар банкларнинг тўлов айланиши, тўловга лаёқатлилигини ҳисобга олган ҳолда, расмий биржа котировкалари атрофида ўзгариб туриши мумкин. Бундай банкларда расмий биржа котировкаси

уларнинг мижозлари учун валюта курсларининг асоси бўлиб хизмат қилади. Эркин валюта бозорида унинг ҳар бир элементлари (биржадаги ва биржадан ташқаридаги) бир-бирига таъсир этади ва улардаги валюта котировкалари ўзаро боғлиқ бўлади.

Валюта бозорида валютани котировка қилишнинг икки усули мавжуд: тўғри ва эгри. Кўпчилик давлатларда тўғри котировка қўлланилади. Бу усулнинг моҳияти шундаки, хорижий валюта бирлигининг курси тўғридан-тўғри миллий валютада ифодаланади. Эгри котировкада миллий валюта бирлиги маълум миқдордаги хорижий валютада ифодаланади. Бу усул (эгри котировка) Буюк Британияда, 1987 йилдан эса қисман АҚШда қўлланилади. Банкларарo валюта бозорларида валюта курсининг котировкаси кўпроқ АҚШ долларига нисбатан белгиланади. Бу ҳол долларнинг халқаро тўловларда кўп қўлланилиши ва захира воситаси сифатида сақланиши билан боғлиқ. Савдо-саноат соҳасида фаолият олиб борувчи мижозлар учун валюта котировкалари амалга ошириш кросс-курсга асосланади.

Кросс-курсда икки валютанинг курсга асосланган нисбати учинчи валютага қиёсан аниқланади. Масалан, Ўзбекистон Марказий банки сўмнинг япон иенига нисбатан курсини аниқламоқчи дейлик. Бу ҳолда иеннинг сўмга нисбатан курси долларга асосланган ҳолда аниқланади. Айтайлик, 1250 сўм - 1 доллар; 1 доллар – 125 япон иени десак, у ҳолда кросс курсда 1 япон иени неча сўм туришини 1 япон иени = 1250 сўм х 1х1/1х125 = 0,1 сўм ёки 10 япон иени 100 сўмга тенг.

70-йилларнинг охирларидан бошлаб Ғарбий Европада валюталарни сотиш ва сотиб олишда Америка долларидан кўра Германия Федератив Республикасининг маркаси кўп қўлланила бошлади. Бу эса халқаро иқтисодий муносабатларда Германия маркасининг обрўсининг ошишига олиб келди.

Кўпгина валютаси конвертация қўлланмайдиган, валюта чекловлари мавжуд бўлган давлатларда расмий валюта бозори билан бирга норасмий валюта бозори, яъни қора бозор ҳам мавжуд.

Банклар валюталар котировкасини ўтказганда, валюта бўйича сотувчи курсини ва сотиб олувчи курсини белгилайдилар. Валютани котировка қилувчи банк валюта битимини доимо ўзи учун қулай бўлган курс бўйича тузади. Банклар доимо хорижий валютани сотиб олганидан (сотиб олувчи курси ёки сотиб олиш курси) кўра қиммат (сотувчи курси ёки сотилиш курси) сотадилар.

Масалан: Нью-Йорк ва Лондон валюта биржаларидан долларнинг фунт стерлингга тўғри котировкаси амалга ошириладиган бўлса, 1 фунт стерлинг = 1.5020 доллар – сотиб олиш курси; 1 ф.ст. = 1.5060 доллар – сотиш курси.

Нью-Йорк банки Англия валютасини арзонга (1,5020 доллар) сотиб олади ва қимматга сотади.

Тўғри котировкада сотувчи курси доимо сотиб олувчилар курсидан юқори бўлади. Ўртадаги фарқ маржа дейилади ва банкнинг фойдасини ташкил қилади.

Ҳамма банклар ҳам бозор (олдин айтиб ўтганимиздек, маркет-мейкерда)да актив валюта котировкасини олиб бора олмаслиги мумкин. Бунинг учун банклар маълум миқдорда ўзларининг валюта захираларига эга бўлишлари лозим. Банкларнинг валюта битимларининг салмоғи улар фаолиятининг салоҳиятига боғлиқ бўлади. Масалан жаҳонда йирик банклардан бири бўлган Дойче Банк, Барклайс Банк каби банкларнинг валюта битимларининг кам суммаси 10-15 млн долларни ташкил қилса, баъзи бир кичик банкларнинг валюта битимининг энг юқори ҳажми 3-5 млн. долларни ташкил қилиши мумкин. Маржа ҳажми турли омилларга боғлиқдир. Одатда, беқарор коньюнктура даврида, валюта курсларидаги фарқдан зарар кўриш эҳтимоли юқори даврларда маржа ошади. Маржа миқдорига шартнома ҳажми ҳам таъсир этади: у кичик бўлса, маржа юқори бўлади. Расмий ахборотномаларда валюта сотиш ва сотиб олиш бўйича ёки иккала курс улардан бири ёки ўртача курс кўрсатилиши мумкин. Ўртача курс – сотувчи ва сотиб олувчи курсларининг ўрта арифметиги. Сотувчи ўртача курси сотувчи ва ўртача курснинг ўрта арифметик қиймати. Харидор ўртача курси – харидор ва ўртача курснинг ўрта арифметик қиймати.

Халқаро тўлов айланмасида хорижий валюта нақд эмас, балки нақдсиз ҳолатда амал қилади. Табиийки, турли хил тўлов воситалари курслари турлича, чунки уларнинг ишончлилик ва валюта таваккалчилиги даражалари турличадир. Телеграф ўтказмаси бўйича валюта курси энг юқоридир. Чунки унда хорижий валюта шу заҳоти ёки келаси куни тўланади. Бу операция валюта таваккалчилигини деярли четлаб ўтиш имконини беради. Одатда, уларнинг курслари расмий бюллетень ва котировка жадвалларида эълон қилинади. Бошқа тўлов воситалари курси шу асосида аниқланади.

Валюта бозорида турли турдаги шартномалар амал қилади. Уларнинг кўпчилиги спот шартлари асосида амалга оширилади.

Унинг асосий хусусияти шундаки, битимни имзолаш ва бажариш вақтлари қарийб мос келади. Битимнинг бундай турида валюта сотувчидан сотиб олувчига шартнома имзоланиши биланоқ (кўпи билан икки иш куни ичида) етказилади. Спот шартномаларига жами валюта шартномаларининг 90% и тўғри келади.

Иккинчи валюта шартномаси тури – муддатли шартнома. Бундай шартномаларнинг икки хусусияти бор. Биринчидан, шартнома имзоланиши ва бажарилиши орасида маълум вақт оралиғи мавжуд: бир ҳафтадан олти-ўн икки ойгача.

Иккинчидан, валюта курси шартнома имзоланган даврда белгилангани бўйича қабул қилинади. Валюта курслари ўзгаришлари унга таъсир этмайди. Муддатли шартномалар валюта таваккалчиликларидан суғурталаш ёки валюта чайқовчилиги мақсадида амалга оширилади. Экспорт қилувчи ўзини хорижий валюта курсининг тушишидан суғурталаш мақсадида келгуси валюта даромадини муддатли курс бўйича сотиши мумкин. Импорт қилувчи хорижий валюта курси ошишидан ўзини суғурталаш мақсадида келгуси валюта тушумини маълум муддатга муддатли курс бўйича сотиши мумкин. Ривожланган давлатларда валюта бозорларида валюта курсининг ўзгаришига қараб ишловчи валютачилар фаолияти тўғрисида қисқача тўхталиб ўтиш мумкин. Бу валютачиларнинг асосий мақсади валюта бозорларида валюта курсларининг ўзгариши асосида катта фойда олишдан иборат. Валюта курсининг ошиши ёки пасайишига қараб фаолият кўрсатувчилар халқаро амалиётда “айиқлар” ва “буқалар” деб аталади. Улар фаолиятининг моҳияти қуйидагилардан иборат. Агар амалиётда валюта курси тушиши кутилса, валюта курси пасайишига ўйновчилар валютани шартнома тузилган давр (муддатли курс) курси билан сотиш тўғрисида муддатли шартнома тузадилар. Агар бу муддатда валюта курси тушса, “айиқлар” валютани бозордан пасайган курсда сотиб олиб, уни муддатли курс бўйича олдинги шартномада кўрсатилган юқори курс бўйича сотадилар ва курслар ўртасидаги фарқ миқдорида фойда оладилар.

Валюта курсининг кўтарилишига ўйновчилар («буқалар») эса валюта курси ошиши кутилганда, валютани кейинчалик шартнома тузилган вақтдаги курс бўйича сотиб олишга келишилган муддатли шартнома тузадилар. Курс ошганда эса валютани муддатли шартномада белгиланган (олдинги) нарх бўйича сотиб оладилар ва ошган юқори нархда сотиб фойда кўрадилар.

Банклар томонидан амалга ошириладиган муддатли операциялар форвард операциялари деб юритилади.

Форвард операцияларидаги валюта курси спот шартномаси бўйича курсдан фарқланади. У мукофот ва чегирма (скидка) усули билан ўрнатилади. Мукофот форвард курси спот курсидан мукофот миқдорига кўплигини билдиради. Форвард маржаси, яъни спот ва форвард орасидаги фарқ жаҳон капитали бозоридаги депозитларнинг фоиз ставкаларига боғлиқ бўлади. Депозит фоизи кичик давлатларда валюта курси мукофот билан, катта давлатларда валюта курси чегирма билан белгиланади.

Касса ва форвард операцияларини мувофиқлаштирувчи валюта шартномаларидан бири своп шартномасидир. Бу шартнома икки валюта савдо-сотиғини дарҳол амалга ошириш шарти (спот), шу билан бирга, унга қарши муддатли шартномани тузишни англатади. Масалан, долларни маркага спот шартида сотиш ва шу заҳоти уни сотиб олиш бўйича муддатли шартномани тузиш ёки унга тескари операция долларни маркага сотиб олиш спот шартномаси ва уни сотиш бўйича муддатли шартномани тузиш киради.

Форвард шартномаси турларидан бири опцион шартномаси-дир. Опцион шартномасининг ўзига хос хусусияти бу сотиб олувчи-нинг валютани эмас, балки уни сотиб олиш ҳуқуқини сотиб олиши-дир. Бунда сотувчи маълум валютани маълум миқдорда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олади. Сотиб олувчи эса шу миқдордаги валютани сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланмаслик ҳуқу-қига ҳам эга. У бу учун сотувчига опцион мукофот тўлайди. Агар со-тиб олувчи ўз ҳуқуқидан фойдаланмаса, у мукофот суммасида зарар кўради.

«Спот», форвард ва опцион шартномалар банклараро бозор-ларда ва биржаларда амалга оширилади. Биржада амалга оширила-диган ихтисослашгаи шартномаларга фьючерс шартномалари киради. Фьючерс операциялари фьючерс шартномаларини сотиш ва сотиб олиш бўйича тузилади. Фьючерс операцияси валютани сотиб олиш ёки унга қарама-қарши операция билан тугайди. Фьючерс операциясининг натижаси бу ютқазган томоннинг ютган томонга шартнома тузилган ва амалга оширилган вақт орасидаги курс фарқини тўлашидир. Бу фарқни биржанинг ҳисоб-китоб (клиринг) палатаси тўлаб беради. Фьючерс шартномалари имзоланиши билан биржанинг ҳисоблаш марказида рўйхатдан ўтади.

Фьючерс ва бошқа муддатли шартномаларининг мақсади валюта операцияларини хеджирлаш ёки чайқовчилик асосида фойда олишдир. Банклар ўз мижозларининг валюта таваккалчиликларини ўз зиммасига олсалар (форвард операция ўтказганда), унга тескари фьючерс битими ёрдамида бу таваккалчиликларни камайтиради (йўқотади)лар. Фьючерс битими тугаганда эса,улар реал товарлар битимидан кўрган зарарни, валюта курси орасидаги фарқдан олган даромади ҳисобидан қоплаш имкониятига эга бўладилар.

Валюта курси орасидаги фарқ туфайли фойда олиш мақсадида банклар валюта арбитражини ўтказишади. Бу валютани сотиш ёки сотиб олиш бўлиб, кейинчалик тескари битим орқали валюта курсларидаги фарқ ёрдамида фойда олиш мақсадида арбитраж ўтказишни ифодалайди. Арбитраж икки хил – жойлашувга кўра ва вақтли бўлади. Жойлашувга кўра арбитраж банкларнинг турли валюта бозорларидаги курс фарқи орқали фойда олишини билдиради. У валюта таваккалчилиги билан боғлиқ эмас, чунки валюта савдоси бир вақтнинг ўзида амалга ошади. Масалан, банк вакили Гонконгда валютани сотиб олади (сотади) ва шу вақтнинг ўзида у ўзининг Нью-Йоркдаги корреспонденти орқали шу валютани сотади (сотиб олади).

Вақтли арбитраж вақт ўтиши билан валюта курси орасидаги фарқ орқали фойда олишдир. Валюта арбитражи спот ва форвард шароитида амалга оширилиши мумкин ва бу турдаги операцияларда валюта таваккалчиликлари мавжуд бўлади

Банк валюта операцияларини бажарганда унга хусусий валюта ресурсларининг бир қисмини сарфлайди. Бунда банкнинг хорижий валюталар бўйича мажбурият ва талаблари орасидаги нисбат ўзгаради. Банкнинг хорижий валюталарни сотиш ва сотиб олиш жараёнида валюталар бўйича талаб ва мажбуриятлар нисбий ҳолати банкларнинг валюта ҳолати дейилади. Валюта бўйича мажбуриятлар ва талаблар тенг бўлган ҳолат ёпиқ, тенг бўлмагани очиқ валюта ҳолати дейилади.

Очиқ валюта позициясида – банк валюта бўйича қарши битимни амалга оширганда валюта курсининг ўзгариши натижасида олдинги сотган валютасига нисбатан кам валюта олиши, яъни зарар кўриши мумкин. Шунинг учун бу ҳолатда валюта курсининг ўзгариши валюта таваккалчилигининг вужудга келишига олиб келади. Очиқ валюта ҳолати узоқ ёки қисқа бўлиши мумкин.

Қисқа валюта ҳолатида сотилган валюта бўйича мажбуриятлар сотиб олинган валюта бўйича талаблардан ошади, яъни хорижий

валютани сотиш уни сотиб олишдан юқори бўлади. Узоқ валюта ҳолатида эса, аксинча, хорижий валютани сотиб олиш уни сотишдан юқори бўлади, яъни сотиб олинган валюта бўйича талаблар уни сотиш мажбуриятлардан кўп бўлади. Бу ҳолатларни қуйидаги мисоллар билан батафсил тушунтириш мумкин.

Масалан, эрталаб банкда япон иени ва фунт стерлинг бўйича ёпиқ валюта ҳолати бўлсин. Банк очилиши билан мижоз банкка унга иена фунт стерлинг сотиш тўғрисида мурожаат қилсин. Агар шу пайтда 1 фунт стерлинг –172 иена бўлса, бу банк мижозга валюта курси бўйича 1 миллион фунт стерлинг сотсин. Бунда банк очиқ валюта ҳолатига эга бўлади.

Англия фунт стерлинги бўйича қисқа валюта ҳолати = 1000000 фунт стерлинг;

Япония иени бўйича узоқ валюта ҳолати = 172000000 Япония иени.

Банклар ҳар бир валюта ҳолати бўйича таваккалчилик даражасини белгилайдилар.

Ривожланган мамлакатлар амалиётида валюта ҳолатини доимий равишда назорат қилиш учун улар билан боғлиқ жараёнлар ЭҲМларга киритилади ва ундаги маълумотлар бўйича валюта таваккалчиликларининг олдини олиш чоралари кўриб борилади.

Қуйидаги таянч сўзларни таърифланг

1. Депозит.
2. Баланс.
3. Кредит портфели.
4. Эмитент.
5. Яхши кредит.
6. Стандарт.
7. Субстандарт кредитлар.
8. Шубҳали кредит.
9. Умидсиз кредит.
10. Лизинг.
11. Молиявий лизинг.
12. Оператив лизинг.
13. Кредитлаш тамойиллари.
14. Факторинг.
15. Траст операциялари.
16. Инкассо операциялари.

Мавзуга оид саволлар

1. Юридик ва жисмоний шахслар пул маблағларини банк ҳисоб-варақларига, жамғармаларга жалб қилиш деганда нимани тушунасиз ва у қандай операцияларга киради?
2. Депозитлар нима ва улар ҳажмини кенгайтириш йўллари?
3. Қандай операциялар пассив операциялар дейилади?
4. Пассив операцияларнинг шакллари ва уларга мисол келтиринг?
5. Банк актив операцияларининг мазмуни ва банк фаолиятидаги аҳамияти?
6. Актив операцияларнинг қандай тури мавжуд ва уларга таъриф беринг.
7. Кредит портфелидаги кредитларнинг таснифи бўйича турлари?
8. Қандай операциялар банкнинг бошқа актив операциялари таркибига киритилади?
9. Банкларнинг воситачилик операциялари деганда нимани тушунасиз?
10. Банкларнинг ишонч операциялари нима ва уларнинг қандай ўзига хос хусусиятлари мавжуд?
11. Банк фаолиятида актив ва пассив операцияларни бошқаришнинг аҳамияти.

XVII боб. Қимматли қоғозлар бўйича инвестицион операциялар

1-§. Инвестициялар, банкларнинг инвестицион сиёсати

Ривожланган иқтисодиётда тижорат банклари ўз фаолиятини доимий равишда ўсиб борувчи рақобат шароитида амалга оширадилар. Улар ўзаро ва бошқа кредит-молия муассасалари билан, шу жумладан, охирги вақтда таклиф этилаётган ҳар хил хизмат турларини амалга оширувчи хорижий банклар билан рақобатлашадилар.

Кучли рақобат шароитида тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири инвестицион фаолият ҳисобланади.

Инвестиция – бу хусусий, давлат корхоналари ва ташкилотлари қимматли қоғозларига узоқ муддатга қўйилган маблағлардир. Тижорат банклари кредити инвестициясидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

Биринчидан, банк кредит берганда, банк маблағларини нисбатан қисқа вақт ичида фойдаланишга беради ва кредит суммаси ҳамда у бўйича фоиз ставкасини ўз вақтида қайтаришни талаб қилади. Инвестицияда эса қўйилган маблағлар (қўйилмалар) ҳали ўз эгасига қайтиб келишидан олдин узоқ давр мабайнида банкка маблағ (даромад) олиб келишини билдиради.

Иккинчидан, банк кредитида кредит муносабатларини юзага келтириш бўйича ташаббус қарз олувчи томонидан ўртага ташланадиган бўлса, инвестицияда эса қимматбаҳо қоғозлар бозорида активларни сотиб олишга интилувчи тижорат банки ташаббус кўрсатади.

Учинчидан, банкнинг кредит шартномасида банк кам миқдордаги кредиторлар орасида асосийдир. Инвестицион шартномаларда эса тижорат банки кўплаб кредиторлардан биридир.

Тўртинчидан, банк кредитида банк ва қарз олувчи бевосита кредит шартнома орқали боғланган бўлиб, уларнинг фаолиятига ҳеч ким аралашмайди. Инвестицияда эса турли хил қимматли қоғозлар орқали корхона, ташкилотларнинг фаолияти билан банкнинг фаолияти боғланиб кетади.

Тижорат банклари томонидан инвестицион фаолият олиб боришдан асосий мақсад уларнинг даромадлилиги ва ликвидлилигини (банкнинг мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиш қобилияти) таъминлашдан иборат. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида тижорат банкларининг инвестицион сиёсати банк фаолиятининг асосий йўналиш-

ларидан бири ҳисобланади ва банкларнинг ликвидлилигини таъминлашда асосий ўрин тутади. Банкларнинг инвестицион фаолияти турли хил қимматли қоғозлар: оддий ва имтиёзли акциялар, облигациялар, давлат қарздорлик мажбуриятлари, депозит сертификатлари, вексель ва бошқаларга маблағларини қўйиш орқали амалга оширилади.

Алоҳида олинган давлатларда банклар тизимининг ривожланиши ва банклар ўтказадиган операцияларнинг турлари ва кўламига қараб уларнинг инвестицион фаолияти турли йўналишларга қаратилган бўлиши ва шу операциялар турлари бўйича олинадиган даромад салмоғи ҳам турли хил бўлиши мумкин.

Масалан, Америка банклари амалиётида давлатнинг қисқа муддатли қарз мажбуриятларини ифодаловчи қимматли қоғозларига инвестиция қилиш, одатда, кам даромад келтиради, аммо улар юқори ликвидлиликка эга ва улар бўйича тўланмаслик таваккалчилилиги нолга тенг бўлиб, бозор ставкасининг ўзгариш таваккалсилилиги ҳам кичик бўлган қим-матли қоғозлар ҳисобланади.

Узоқ муддатли қимматли қоғозлар юқори даромад келтиради, шунинг учун банклар уларни муддати тугагунча сақлашади. Банклар ўз маблағларини муниципалитетларнинг қимматли қоғозларига ҳам қўйишади, чунки улар бўйича тўланадиган фоиз солиққа тортилмайди.

Ўз ликвидлилигини таъминлаш мақсадида банклар унча катта бўлмаган суммани бошқа қимматли қоғозлар: банк акцептлари, қимматли қоғозлар бозоридаги тижорат қоғозлари, брокерлик ссудалар ва товар-кредит корпорациялари сертификатларига қўйишади.

Даромадлиликни таъминлаш мақсадида, лекин ликвидлигини хавф остига қўйган ҳолда банклар ўз маблағларини баъзи бир ҳукумат муассасалари облигациялари ва корпорацияларнинг биринчи даражали облигацияларига инвестиция қиладилар.

Ривожланган мамлакатларда тижорат банкларининг инвестицион фаолияти даромад келтириши нуқтаи назаридан банк даромади таркибида кредит фоизидан кейинги иккинчи манбадир.

Тижорат банклари инвестицион фаолиятининг даромадлилик даражасига бир қатор иқтисодий ва ташкилий омиллар таъсир кўрсатади. Бу омиллар орасида асосийлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин. Булар:

– давлатнинг барқарор ривожланувчи иқтисодиёти;

– товар ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасидаги турли мулкчилик шаклларининг мавжудлиги, шу жумладан, банк фаолиятида хусусий ва акционер мулк шаклларининг устуворлиги;

– кредит-молия тизимининг силлиқланган ва аниқ фаолият юритувчи структурасининг мавжудлиги;

– қимматли қоғозлар бозорининг замонавий ва ривожланган муассасаларининг мавжудлиги;

– қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ва қимматли қоғоз-лар бозори қатнашчилари фаолиятини назорат этувчи қонуний актлар ва тартибларнинг мавжудлиги;

– тижорат банкларининг халқаро инвестицион фаолиятини юритиш амалиётида бўлган юқори сифатли қимматли қоғозлар муомаласининг амал қилиши;

– инвестицион фаолият соҳаси ва қимматли қоғозлар бозори учун мўлжалланган юқори малакали мутахассислар ва тадбиркор-ларнинг мавжудлиги, уларни тайёрлаш ва бошқалар.

Алоҳида олинган қимматли қоғозлар турлари ва гуруҳларининг даромадлилиги банклар инвестиция портфелининг бозор баҳосига боғлиқ бўлади. Ўз навбатида, қуйидаги омиллар таъсирида ўзгариб туради. Булар: облигацияларнинг фоиз ставкалари, ҳисобга олинган фоизлар, векселлар бўйича фоизлар, акция бўйича девидендлар ва қимматли қоғозларга бўлган талаб ва таклифлардир.

Одатда, қимматли қоғозларнинг бозор нархи ва ундан тижорат банклари оладиган даромад тескари мутаносибликдадир. Қимматли қоғозлар баҳоси паст бўлганда, улардан келадиган даромад юқори ва аксинча бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, фоиз ставкаларининг ошуви салбий ва ижобий томонларга эга бўлади.

Қимматли қоғозларнинг фоиз ставкалари ошганда, маблағларни инвестиция қилиш банкка фойда келтириши мумкин, аммо юқори фоиз ставкалари, ўз навбатида, банкнинг инвестиция портфелининг қадрсизланишини билдиради. Бундай ҳолат қимматли қоғозлар бозорида юз берганда, амалиётда банкнинг инвестицион маблағлари боғланган ёки «ёпилган» дейилади.

Қимматли қоғозларнинг алоҳида турлари бўйича даромадлилик даражаси фоиз ставкасининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган ҳолларда қимматли қоғозларнинг муддати муҳим ўрин тутади. Қимматли қоғознинг амал қилиш муддати қанчалик қисқа бўлса, унинг баҳоси

ҳам шунчалик барқарор ва аксинча, муддати қанчалик узоқ бўлса, фоиз ставкалари даражасининг ўзгариши шунчалик тебранишлар таъсирига учрайди.

Банкнинг қимматли қоғозларни сотиб олиш асосида банкларнинг инвестицион портфелини ташкил қилишдан асосий мақсади нафақат банкка даромад келтириш ва захирани тўлдиришнинг биринчи манбаини ташкил этиш (нақд пул ва бошқа банкларнинг қарзлари), балки амалда деярли йўқотишсиз, энг кам таваккалчилиги билан, энг қисқа вақти ичида қимматли қоғозларни нақд пулга айлантириш имконига эга бўлишдан иборат.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўзининг юқори самарадорлик, тўловлилик, ликвидлилик даражасини ушлаб туриш мақсадида тижорат банки доимо инвестицион фаолиятининг марказий муаммоларидан бири – банкка омонат қўйганлар ва акционерлар ўртасидаги бир-бирига мос келмайдиган манфаатларни қондириш масалаларига эътибор бериши ва ҳар томоннинг манфаатига мос келувчи даражада бўлишини таъминлашдан иборат. Бу муносабатларда томонлар манфаатининг мос келмаслиги банкнинг ликвидлиги ва банк операцияларининг даромадлилиги ўртасидаги қарама-қаршиликда ўз аксини топади. Аниқроғи бу қарама-қаршилик деярли банкнинг ҳар бир операциясида ўз аксини топади. Бир томондан акционерлар юқори даромад олишни исташади, яъни бу ҳолда банк маблағларни узоқ муддатли қимматли қоғозларга инвестиция қилишлари лозим ва иккинчи томондан банкка омонат қўювчилар ўз омонатларини тезда қайтариб олиш имконига эга бўлишлари лозим.

Ликвидлик ва даромадлилик орасидаги зиддият инвестиция таваккалчилигини аниқлайди ва у тижорат банки томонидан юқори даромадга ликвидлилик даражасини пасайтирмаган ҳолда эришиш имкониятлари эҳтимоли сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Тижорат банкларининг инвестицион фаолиятида қуйидаги таваккалчилик омилларини учратиш мумкин. Булар: кредит, бозор ва фоиз таваккалчиликларидир.

Кредит таваккалчилиги қимматли қоғоз эмитенти молиявий аҳволининг, имкониятининг пасайиши билан боғлиқ бўлиб, бунда у молиявий мажбуриятларни бажаришга қодир бўлмайди. Бундан ташқари, кредит таваккалчиликлари ҳукумат ва давлат ташкилотларининг аҳолидан олинган заём маблағлари бўйича тўлаш қобилияти билан ҳам боғликдир.

Давлат ҳокимиятининг нафақат заёмлар олиши, балки ўз мажбуриятларини тўлаш қобилиятига эга бўлиши давлатнинг қимматли қоғозлар бозорини ташкил қилиш ва бутун молия-кредит механизмининг аниқ фаолият юритиши учун муҳимдир.

Бозор таваккалчилигининг моҳияти қимматли қоғозлар бозорида кутилмаган ўзгаришлар юзага келиши билан боғлиқ бўлиб, бу ўзгаришлар натижасида баъзи бир қимматбаҳо қоғозларнинг инвестиция объекти сифатида қадри тушиши мумкин ва уларнинг сотувини фақатгина катта чегирма билан амалга ошириш мумкин бўлади.

Тижорат банкининг ўз ликвидлилигини хавф остига қўйиб, даромад олиш мақсадида салмоқли маблағларини инвестицион фаолиятга қўйиши банк ишида катта ёки кичик миқдорда инвестицион таваккалчиликнинг юзага келишига имконият яратади. Бундай ҳолда тижорат банкларининг инвестицион фаолияти қимматли қоғозлар билан актив операциялар олиб бориш таваккалчилиги билан боғлиқдир. Бу эса, ўз навбатида, банк раҳбариятидан бу соҳада аниқ тактика, стратегия ва иш режасини ишлаб чиқишни, яъни инвестиция сиёсатини олиб боришни талаб этади.

Шундай қилиб, банклар тизимида инвестиция сиёсати – тижорат банклари фаолиятининг бир йўналиши бўлиб, у маълум таваккалчилик даражасига асосланган банкнинг қимматли қоғозлар билан актив операцияларини ўз ичига олади ва банк фаолиятининг даромадлилиги ва ликвидлилигини таъминлашга қаратилган бўлади.

Жаҳон амалиётида тижорат банклари инвестиция соҳасида юқори тажрибага эга. Шунинг учун ҳам жаҳон амалиётида эришилган ютуқларга асосланган ҳолда инвестиция фаолиятининг асосий мақсадлари, вазифалари, омиллари, стратегияси ва тактикасини ҳисобга олган ҳолда тижорат банкларининг инвестиция сиёсатини амалга ошириши бўйича «инвестициянинг олтин қоидаси» ишлаб чиқилган. Унга кўра: «Қимматли қоғозлардан келадиган даромад ҳар доим инвестор шу даромадни олиш учун тўқнаш келадиган таваккалчилик дара-жасига тўғри пропорционалдир».

Инвестиция фаолиятининг тамойиллари ва қимматли қоғозларга маблағларни қўйишининг асосий омиллари – даромадлилик, ликвидлик ва таваккалчилик – орасидаги боғлиқликдан келиб чиққан ҳолда ҳар бир тижорат банки юқоридаги омиллар таъсирини англаган ёки англамаган ҳолда ёки бу инвестиция сиёсатини яхши ёки ёмон

амалга оширади. Бу, ўз навбатида, банкнинг инвестиция сиёсатида банк томонидан маълум даражадаги инвестиция таваккалчиликка боришини англатади ва тижорат банкининг инвестиция сиёсатида тегишли чоралар ишлаб чиқиш зарурлигини англатади.

Инвестиция билан боғлиқ таваккалчиликларни камайтириш усулларидан бири бу банкларнинг инвестиция портфелини диверсификация қилишдир. Инвестиция портфелини диверсификация қилиш банк-нинг инвестиция портфелида турли хил кўпдан кўп қимматли қоғоз-ларнинг мавжудлигига эришишни билдиради. Диверсификация усу-лида инвестиция сиёсатини амалга оширишда қимматли қоғозлар-нинг ҳар хил хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Булар:

– уларнинг тўлаш муддати ва сифати (тақсимлангани), эмитент-нинг салоҳияти, қимматли қоғозларнинг сифати бўйича диверсифика-ция қилиш;

– қимматли қоғозларнинг географик тарқалиши бўйича дивер-сификация қилиш;

– қимматли қоғозларнинг тўланиш муддати бўйича мажбурият-ларининг тури ва бошқалардир. Юқоридаги белгиларнинг таъмино-тига кўра, диверсификация қила туриб инвестиция сиёсатининг мақ-садлари аниқланади.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар портфелини диверси-фикация қилишнинг қуйидаги турлари мавжуд. Булар:

– диверсификация қилиш,

– қимматли қоғозларнинг эмитентлари бўйича диверсификация қилиш ва бошқалар.

Қимматли қоғоз сифатига доир диверсификация мақсади – таваккалчиликни минималлаштириш (у эмитентнинг ўз мажбуриятларини бажара олмай қолиш эҳтимоли билан белгиланади). Шу муносабат билан акция сифатининг таъминланганлик даражаси бўйича диверсификация усули ҳам мавжуд бўлиб, назариётчилар фикрича, у қуйидаги бир қатор омилларни ўрганиб чиқишни талаб қилади: Булар эмитент қандай фаолият билан шуғулланишини, акция даромади, дивидент миқдори, компания акциясининг жорий нархи, захираси, компанияни ким бошқараётганлиги ва бошқалар бўлиб, кўрсатилган саволларга жавобни эмиссия проспекти ва биржа ахборотномаларидан олиш мумкин.

Қимматли қоғозларнинг географик тарқалишига нисбатан диверсификация мақсади – тегишли ҳудудлардаги иқтисодий қийинчиликлар рўй берганда юзага келадиган таваккалчиликларни камайтиришдан иборат ҳисобланади.

Қимматли қоғозларнинг тўлаш муддати бўйича диверсификация мақсади – фоиз ставкаларининг тебраниши билан боғлиқ таваккалчиликларнинг олдини олишдан иборатдир. Бу инвестиция сиёсатини амалга оширишда тижорат банклари, одатда, қимматли қоғозларнинг тугатилиш муддати бўйича поғонали структурадан фойдаланади. Бундан поғонали структура натижасида муддати тугаган кимматбаҳо қоғозлар бўлмайди ва уларни узоқ муддатли юқори даромадли қимматли қоғозларга қайта инвестиция қилиш имкони туғилади.

Қимматли қоғозларнинг фоиз даражалари прогнози амалиётда назариядан фарқ қилади. Шунинг учун тижорат банклари прогноз натижаларининг ишончлилик даражасини ошириш мақсадида фоиз ставкаларининг таркибини таҳлил қиладилар.

Одатда, жаҳон амалиётида тижорат банклари ўз инвестиция сиёсатини ишлаб чиқариш ва амалга ошириш учун бошқариш структурасида махсус инвестиция бўлимларини ташкил қилишади. Бўлимдаги ходимлар сони бир қатор омилларга боғлиқ бўлиши мумкин. Булар: қимматли қоғозлар портфели катталиги, бўлим томонидан қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш бўйича бажариладиган функцияларга, банкнинг мижозларига кўрсатадиган хизматларга, қимматли қоғозлар тури ва сифатига ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Бўлим ишчиларининг малакаси қанчалик юқори бўлса, улар бажараётган вазифа, ишнинг сифати ҳам, шунчалик юқори бўлади. Мутахассислар инвестиция дастурида кўзланган мақсад ва вазифаларни яхши тушунишлари, инвестиция хизматлари бўйича маълумотларга эга бўлишлари, молиявий-иқтисодий маълумотлардан хабардор бўлиш-лари, қимматли қоғозлар бозорини мустақил таҳлил қила олишлари, қайси қимматли қоғоз турлари банкка тўғри келиши ёки келмаслиги-ни аниқлашлари, даромадлилик эгри чизиқларининг кўра олишлари, бу билан инвестиция фаолиятини бошқаришни таъминлашлари лозим.

2-§. Қимматли қоғозлар ва уларнинг таснифи

Қимматли қоғоз – ўзи билан боғлиқ мулкий ҳуқуқларни акс эттирадиган ҳужжатдир. У даромад манбаи бўлиб хизмат қилади.

Бозорда муомалада юритилиши ёки олди-сотди воситаси бўлиши мумкин. Жаҳон амалиётида қимматли қоғозларнинг ҳар хил турлари ишлатилмоқда.

Қимматли қоғозлар бозори кредит муносабатлари билан биргаликда, ўз қийматига эга бўлган, сотиш, сотиб олиш ва тўловни амалга ошириш мумкин бўлган махсус ҳужжатлар (қимматли қоғозлар)га эгалик қилиш билан ҳам бевосита боғлиқ. Қимматли қоғозлар ўзида мулкчилик ҳуқуқини мужассамлаштирган бозорда эркин айланадиган, сотиб олиш, сотиш ва бошқа битимларнинг объекти бўладиган, доимий ва бир марталик даромад олиш манбаи бўлиб хизмат қиладиган, пул капиталининг бир кўринишидаги ҳужжатдир. Қимматли қоғозлар турли субъектлар томонидан чиқарилиши мумкин. Умумий ҳолда бу эмитентлар 3 гуруҳга бўлинади:

– давлат;

– хусусий сектор;

– чет эл субъектлари.

Ҳамма қимматли қоғозларни давлат, хусусий ёки халқаро қимматли қоғозларга ажратиш мумкин. Хусусий сектор томонидан чиқарилаётган қимматли қоғозлар таркибига турли ишлаб чиқариш корхоналари, тижорат банклари, инвестицион банклар, инвестицион фондлар ва бошқаларнинг қимматли қоғозлари алоҳида ўрин тутади. Халқаро қимматли қоғозлар уларнинг ҳисобланадиган валюта ва эмитентлари бўйича бўлинади. Қимматли қоғозлар муомалада бўлиш ҳудудига кўра минтақавий (маҳаллий), миллий ва халқаро қимматли қоғозларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, 1993 йил 2 сентябрида Олий Кенгаш томонидан «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун қимматли қоғозлар бозорини ташкил қилиш бўйича биринчи ва асосий ҳужжат бўлди. Кейинчалик бу қонунга 5 маротаба қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди (1994 йил 23 сентябрда, 1995 йил 22 декабрда, 1999 йил 26 апрелда, 30 августда, 27 декабрда).

Бу қонунга асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги турдаги қимматли қоғозлар чиқарилиши ва муомалада бўлиши мумкин:

– акциялар;

– облигациялар;

– хазина мажбуриятлари;

– депозит сертификатлари;

– векселлар;

– қимматли қоғозлар ҳосилалари, яъни опцион ва фьючерслар киради.

Қимматли қоғозларнинг бу турларига қисқача таъриф берамиз:

– Акция – бу қимматли қоғоз бўлиб:

– ҳаракат муддати чекланмаган;

– юридик ёки жисмоний шахс томонидан Акционерлик жамиятига қўшилган улушини ва мазкур жамият мулкидаги иштирокини тасдиқловчи;

– акция бўйича дивиденд кўринишида фойда олиш ҳуқуқини берувчи акциядорнинг шу жамият бошқариш ишига қатнаша олишини тасдиқловчи юридик ҳужжатдир.

Облигация. «Облиго» – лотин тилида «қарз олиш» мазмунини билдиради. Эмитентга облигация эгаси томонидан маълум бир пул маблағини киритганлиги ва унда кўрсатилган муддатда номинал қийматини ҳамда қўшимча фоиз тўлаб бериш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоздир. Облигация унинг эгасига эмитентнинг ишини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини бермайди.

Хазина мажбуриятлари – унинг эгаси томонидан маълум бир пул маблағини бюджетга киритган ва унинг бутун айланиш даврида аниқ чегараланган фоизни тўлаб бериш мажбуриятини гувоҳловчи қимматли қоғоздир.

Депозит сертификатлари жамғармачининг банкка қўйган пул маблағини ифодаловчи ва муомала муддати тугаганидан кейин қўйган пул маблағини ҳамда фойда сифатида устама фоизини ҳуқуқ ва имкониятини берувчи қимматли қоғоздир. Депозит сертификати банк томонидан берилади.

Вексел – қарз мажбурияти бўлиб, вексель берувчининг ушбу векселни кўрсатилган муддатда тақдим этганда, вексель ушловчига унинг номинал қийматини тўлаб бериш гувоҳини берувчи қимматли қоғоз ва тўлов воситасидир.

Қимматли қоғозлар хосилалари – булар шундай қимматли қоғозларки, уларнинг фойдаси ёки зарари бир нечта бозор кўрсаткичлари билан, яъни бозор индекслари билан боғлиқдир. Қимматли қоғозлар ҳосилалари – «опцион» ёки «фьючерслар» кўринишида бўлади.

3-§. Банкларнинг қимматли қоғозлар билан операциялари ва уларнинг моҳияти

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунга асосан тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорида турли хил фаолият олиб боришлари мумкин. Шу билан бир қаторда, «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти мазкур қонун, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлар билан тартибга солиниши белгиланган.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунга биноан тижо-рат банклари қимматли қоғозлар бозорида:

– қимматли қоғозлар (вексель, акция, облигациялар, депозит сертификатлар ва бошқалар)ни чиқариш;

– қимматли қоғозларни сотиб олиш, сотиш, сақлаш, улар билан бошқа операцияларни амалга ошириш;

– товар етказиб бериш ва хизмат кўрсатишдан келиб чиқадиган талаб ҳуқуқини олиш, бундай талабларни инкассация қилиш;

– мижозлар ишониб топширган операцияларни; маблағларни жалб этиш ва жойлаштириш ҳамда қимматли қоғозларни бошқариш ва ҳоказо ишларни бажариш;

– фонд бозори иштирокчиларига бу борада банк фаолияти юза-сидан маслаҳатлар бериш каби операцияларни амалга оширишлари мумкин.

Бу фаолият турларини амалга ошириш борасида тижорат банк-лари учун чекловлар йўқлиги сабабли, улар фонд бозорида ҳақиқий қатнашчи-инвестицион институт сифатида иш юритади. Банкларнинг қимматли қоғозлар билан операциялари кўп мақсадларни кўзлаган ҳолда юритилади. Шу боис, банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятдан асосий мақсадлари сифатида:

– қимматли қоғозлар чиқариш асосида кредит ва ҳисоб-китоб фаолияти юритиш учун қўшимча пул ресурсларини жалб қилиш;

–қимматли қоғозларга сарфланган ва ўз инвестицияларидан банкка тўланадиган фоиз ва дивидендлар эвазига ҳамда қимматли қоғозларнинг курс қиймати ошиши туфайли фойда олиш;

– мижозларга қимматли қоғозлар операцияларига доир хизмат-лар кўрсатишдан фойда олиш;

– эркин рақобат асосида банкнинг хизмат соҳасини кенгайтириш ҳамда корхона ва ташкилотларнинг капиталларида қатнашиш эвазига янги мижозларни жалб қилиш;

– банкнинг қимматли қоғозлари орқали ресурсларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш;

– банкнинг ликвидли маблағларига қўйилмаларнинг даромадлилигини таъминлаган ҳолда ликвидликнинг зарурий захирасини сақлаб бориш;

– мижозларнинг қимматли қоғозларни меъёрида олиб-сотишдан ҳамда молиявий таваккалчиликларни қимматли қоғозлар ҳосилалари билан амалга ошириладиган операциялар орқали суғурта қилиш кабиларни келтириш мумкин.

Ривожланган мамлакатлар, масалан, АҚШ тажрибасидан маълумки, яқин вақтларгача тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги бевосита фаолият кўрсатиши чекланган ёки тақиқлаб қўйилган эди. Бироқ ҳозирги пайтда бундай чекловларга барҳам берилган ва натижада, жаҳон молия бозорида тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги салмоғи ва аҳамияти ошиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, Республикамизда банклар фаолияти банк-нинг назорати остида Халқаро Базел қўмитаси қоидаларига асослан-ган жаҳон банк қонунчилиги ва иқтисодий меъёрларга мувофиқ амалга оширилмоқда. Хусусан, банкларнинг қимматли қоғозлар би-лан операцияларга маълум чекловлар, масалан, банкнинг молиявий институтлардан ташқари корхоналар низом капиталининг 20 фоизидан ортиғига эга бўлмаслик: банкнинг олди-сотди учун нодавлат қимматли қоғозларга қўйилмаси ҳажми биринчи даражали банк регулятив капиталининг 25 фоизидан ошмаслик шартлари қўйилган. Ушбу чекланишлар банклар фаолиятида таваккалчиликни камайтиришга, банк активларини диверсификациялашга, молиявий ва ликвидлик ҳолати белгиланган меъёрлар доирасидан чиқиб кетмаслигига, пировард натижада эса банк омонатчилари ва кредиторларининг мол-мулкини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Мамлакатимизда банк тизимини ислоҳ қилиш жорий даврда акциядорлар ҳуқуқи ҳимоясини таъминлашга қаратилган – акциядорлик банклари, уларни бошқарувчи органлар фаолиятини белгилаш, шунингдек, кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш юзасидан қабул қилинган «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги (1998 йил 2 октябр), «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва

ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2000 йил 21 март) Президент фармони ва бошқа меъёрий ҳужжатларда таъкидлаб ўтилган.

Банклар қимматли қоғозлар билан амалга оширадиган операциялари учун қонун бўйича қимматли қоғозлар бозорини назорат этувчи органнинг махсус рухсати талаб қилинмайди, шу сабабли, банклар бу операцияларни банклар фаолиятини амалга ошириш учун Марказий банк томонидан берилган умумий лицензия асосида бажаради. Қонунларда тижорат банкларига акциялар, облигациялар, депозит сертификатлари ва жамғарма сертификатлари, векселлари каби қимматли қоғоз турларини чиқаришга рухсат берилади. Банклар низом жамғармаларини шакллантириш мақсадида акциялар чиқаради.

Банклар қарз маблағлари жалб этиш учун ўзининг қарз мажбуриятлари – облигациялар, депозит ва депозит сертификатлари, векселлар чиқарадилар. Бундан ташқари, улар қимматбаҳо қоғозлар ҳосилалари чиқариши мумкин. Фақат йирик саноат корхоналарининг акцияларигина банк қимматли қоғозлари билан рақобатлаша олади.

Банк қимматли қоғозлари узоқ муддатли манфаатларни кўзлайдиган инвесторлар учун ҳам, вақтинча бўш турган маблағларини жамловчилар учун ҳам анча манфаатли қўйилма объектидир. Узоқ муддатга мўлжалланган мақсадларни амалга ошириш кўзланганда йирик ва ўртача тижорат банкларининг акцияларига маблағ инвестициялаш юқори самара бериши мумкин.

Ҳозирги вақтда мавжуд қоидаларга биноан, банкларнинг депозит сертификатлари ва векселлари – Марказий банк томондан акциялар, облигациялар, қимматли қоғозлар ҳосилалари – Давлат мулки қўмитаси томонидан мувофиқлаштирилади. Ундан ташқари, Республикада қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази, Корпоратив қимматли қоғозлар маркази ташкил қилинган.

Қимматли қоғозлар бозорида молиявий брокер сифатида банклар комиссион шартнома ёки топшириқ шартномаси асосида мижознинг ҳисобидан амалга ошириладиган қимматли қоғозлар олди-сотдисида воситачилик вазифасини бажаради.

Брокерлик операциялари – ўз мижозларининг топшириқларига биноан банклар комиссионер сифатида ҳаракат қилиб, комиссион операцияларни амалга ошириши, яъни ўз номидан мижознинг ҳисобидан қимматли қоғозлар олди-сотдисига оид битимларни тузиши мумкин. Бунда банк мижознинг ҳамма кўрсатмаларини бажариши

лозим ҳамда комиссион ҳақ олишга, мижознинг топшириғини бажаришда қилинган қўшимча сарф-харажатлар компенсациясини олишга ҳақлидир. Комиссион битим қуйидаги 2 шартномага асосланади:

– банк (комиссион) билан мижоз (комитент) ўртасидаги шартнома;

– комиссионер билан битимнинг учинчи шахси ўртасидаги шартнома.

Одатда, қимматли қоғозлар сотиб олишга доир комиссион шартнома тузишдан олдин харидор-комитентлар воситачи банкнинг тасаррufига бериш учун ўз ҳисоб-китоб варағига зарурий қимматли қоғозлар сотиб олишга етарли пул суммасини ўтказади. Қимматли қоғозлар сотишга оид комиссион шартнома тузишда сотувчи-комитент ўзи сотмоқчи бўлган қимматли қоғозни воситачи банкга олдиндан депонентлаб қўяди.

Банк кредитидан фойдаланиб қимматли қоғозлар сотиб олинган тақдирда (агар кредит бошқа банкдан олинган бўлса), мижоз унинг учун қимматли қоғозлар сотиб олиш операциясини бажарадиган воситачи банкни бундан хабардор қилиши лозим.

Банк иштирокидаги қимматли қоғозлар комиссияси деганда - қимматли қоғозларни мижоздан ўз маблағлари ҳисобига сотиб олиш ёки ўз портфелидан қимматли қоғозларни сотиш назарда тутилади. Бу битимларни амалга оширишда банк ўз номидан ва ўз ҳисобидан ҳаракат қилади. Банк тартибга солинадиган фонд бозорида расмий савдога ёки фонд биржаларининг тартибга солинадиган бозорида рухсат этилган қимматли қоғозлар билангина ўзининг иштирокидаги комиссион операцияларни амалга оширади. Бундай операция бажарилганда банк операцияси тўғрисида мижозга тақдим этадиган ҳисоботида банк ёки олган нарх расмий биржа курсига тўғри келишини тасдиқлайдиган маълумотларни келтириш лозим.

Транзит комиссион битимлар деганда биржада қатнашиши ҳуқуқига эга бўлган бошқа, яъни бундай операцияларда қатнашишига рухсат берилмаган банклар ва бошқа кредит институтларининг топшириғига биноан амалга ошириладиган операциялар тушунилади. Бунда, банк бошқа комиссионерларнинг буйруғига биноан комиссионер ролини бажаради. Дастлабки комиссионер транзит комиссионернинг тўғри танловига жавобгар бўлади.

Банкларнинг топшириқ шартномаси асосида брокерлик операцияларида мижоз банкка унинг номидан қимматли қоғозлар сотиб олиш ёки сотиш топшириғини беради. Бу фаолият топшириқ шарт-

номаси бўйича бир томон банк номидан ва ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Мижоз банкка ҳақ тўлаши билан банк тузилган шартномага биноан, ўзига берилган топшириқни бажариши лозим. Бунда, банк берилган топшириқни фақат мижознинг кўрсатмаларига биноан бажариши керак.

Мижоздан олинган топшириқномада қимматли қоғозларнинг биржада қабул қилинган номи (қатъий, фоизли қимматли қоғозларнинг чиқарилган йили, серияси ва фоиз ставкаси), миқдори (акциялар юзасидан – доналарда, қатъий фоизли қимматли қоғозлар юзасидан – номинал қиймати бўйича сўмда), курс чекловлари (лимит), топшириқноманинг амал қилиш муддати, топшириқ берувчи мижознинг номи ва тўлиқ манзили, мижоз ҳисоб-китоб варағи ва депозит варағининг рақами, қимматли қоғозларни етказиб бериш ва сақлаш тартиби, топшириқномада тузилган сана, корхона ва ташкилот масъул шахсининг имзоси бўлиши шарт.

Мижозлардан оғзаки равишда ёки телефон орқали олинган топшириқлар ёзма равишда расмийлаштирилади ва масъул шахснинг имзоси билан тасдиқланади. Қандай операция тўғрисида гап бораётгани талабноманинг матнида аниқ кўрсатилиши керак.

Тижорат банклари инвестиция компаниялари сифатида фаолият юритганида эмитент билан келишув асосида қимматли қоғозлар чиқаришнинг ташкилотчиси сифатида ҳаракат қилиши мумкин. Банк эмитентнинг қимматли қоғозларини чиқаришни ташкил этиб, аслида қимматли қоғозлар эмиссиясини амалга оширади, яъни воситачи сифатида ҳаракат қилади. Эмитентлар ва инвесторлар билан бўладиган муносабатларда тижорат банклари имкон қадар катта фойда олишни кўзлаб ҳаракат қилади. Эмиссияни тайёрлаш жараёнида тижорат банклари эмиссиясининг тури, ҳажми ва шарт-шароитлари тўғрисида эмитент билан музокаралар юритиб, битим тузади.

Қуйидаги таянч сўзларни таърифланг.

1. Инвестиция.
2. Инвестиция сиёсати.
3. Инвестиция портфели.
4. Диверсификация.
5. Қимматли қоғоз.
6. Акция.
10. Банк сертификати.
11. Брокер.
12. Дилер.
13. Маклер.
14. РЕПО.
15. Қимматли қоғозлар

7. Облигация.
8. Чек.
9. Хазина мажбуриятлари.
классифика-цияси.
16. Эмитент.
17. Қайти инвестициялаш.

Мавзуга оид саволлар

1. Инвестиция деганда нимани тушунасиз?
2. Банк кредитининг инвестициядан фарқларини қандай исботлаш мумкин?
3. Тижорат банкларининг инвестицион фаолияти деганда нимани тушунасиз ва у қандай омиллар асосида олиб борилади?
4. Қимматли қоғозларнинг қандай турларини биласиз?
5. Акциянинг қандай турлари мавжуд?
6. Ўимматли қоғозлар портфелини диверсификациялашнинг банк фаолиятига таъсири?
7. Инвестиция таваккалчилиги нима?
8. Қимматли қоғозлар фоиз даражаси қандай белгиланади?
9. Қимматли қоғозлар қандай тавсифланади?
10. РЕПО операциялари деганда нимани тушунасиз?
11. Банкларнинг қимматли қоғозлар билан операцияларини мисоллар асосида таснифланг?

XVIII боб. Банклар фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш

1-§. Банкларнинг тўловга қобилияти тўғрисида тушунча ва уни таъминлаш йўллари

Тижорат банкининг фаолиятини олиб боришнинг асосида, энг аввало, унинг ликвидлилиги ётади. Ликвидлилиги бўлмаган банк тўловга лаёқатли бўла олмайди. Амалда айнан ноликвидлик банкларнинг тўловга лаёқатсизлиги, уларни банкротликка ва банк тизимининг беқарорлигига олиб келади.

“Ликвидлик” атамаси (лотинча ликуидус - оқувчан, суюқлик) сотиш, активларни пул маблағларига айлантиришнинг амалга оширилишини, яъни банкнинг Марказий банк ёки вакил банклардаги нақд пул маблағларидан оқилона фойдаланиш, ликвид активларни сотиш имконияти ва ҳ.к.ларни англатади.

Тижорат банкининг ликвидлиги унинг баланс тузилмаси бўйича белгиланиб, унда активлар пассивга доир муддатли мажбуриятларни қоплаш учун ўз қийматини туширмаган ҳолда йўқотишларсиз пул маблағларига айлантирилиши лозим.

Банк ўз ликвидлигини таҳлил қилиш масаласи банк назорати бўйича Базел битимида, айниқса, чуқур кўриб чиқилган. Ушбу битимга мувофиқ “ликвидликни таҳлил қилиш банкнинг ўз мажбуриятларини муддатида ва зарар кўрмаган ҳолда бажариш лаёқатини аниқлаш заруратини кўзда тутади. Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи банкларнинг ўз мажбуриятларини бенуқсон бажаришига боғлиқ. Демак, банкларнинг ликвидлиги ҳамда тўловга лаёқатлилиги банкларнинг умумий молиявий барқарорлигини таъминлаш лозим бўлган банк назорати органларини кўпроқ ўйлантирадиган соҳа ҳисобланади. Мижоз ҳар сафар ўз ҳисобварағидан пул олмоқчи бўлганда банкнинг ўз мажбуриятини бажариш зарурати юзага келади. Мажбурият бажарилмаган тақдирда банк ўз обрўсини йўқотади ва бу ҳам банкни банкротликка олиб келиши мумкин. Ликвидликни таъминлашнинг энг оддий усули банкнинг бир қисм активларини ликвид шаклида, масалан нақд пул, Марказий банк ва бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварағидаги қолдиқлар, давлат қисқа муддатли облигациялари (ДҚМО) шаклида сақлаш ҳисобланади.

Банклар ликвидлигининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда ликвид активларининг зарур миқдорини белгилаб олишлари лозим. Мазкур омилларга қуйидагилар киради:

– омонатларнинг кўпайиши ёки камайишига кўра маблағларга эга бўлиш ёки уларни йўқотиш; банк жалб қилинган маблағлар бўйича мажбуриятларни яқин муддатларда бажариши лозим, бу омонатлар ва бошқа пассивларнинг муддатлари билан боғлиқ ҳамда банкда қоладиган депозитлар миқдорини (асосий депозитлар) ҳисобварақдан олинадиган ёки дарҳол тўланадиган депозитлар ва бошқа пассивлар (“Учувчан маблағлар”) билан қиёслаган ҳолда таҳлил қилишни кўзда тутади;

– омонатлар суммасининг ўсиши ёки қисқаришига мувофиқ мажбурий захиралар меъёрий миқдорининг кўпайиши ёки камайиши ҳам ликвидликка бевосита таъсир кўрсатади, чунки мажбурий захиралар меъёрини бажаришга йўналтирилган маблағлар ликвид активларнинг асосий шаклларидан бири ҳисобланади;

– ссудалар ва инвестициялар суммасининг ошиши ёки камайишига кўра маблағлар оқиб келишининг кўпайиши ёки камайиши; ушбу омилнинг таъсири шундан иборатки, ссудалар ва инвестициялар миқдорининг ошиши ликвид активлар улушини камайтиради, чунки инвестициялар аксарият ҳолларда узоқ муддатга жалб қилинади.

Даромадлилик ошаётган бир пайтда ликвидликнинг мақбул даражасини таъминлаш учун банк жалб этилган омонатлар муддатлари ва уларга доир харажатларни таҳлил қилиб чиқиб, кредит қўйилмалари ва инвестициялар муддатлари ҳамда режалаштириладиган даромадлар билан таққослаш лозим. Бундай таққослаш жойлаштирилган ва жалб этилган маблағларни муддатлари бўйича солиштириш асосида банк ликвидлиги ҳолатини аниқлаш, шунингдек, ликвидликнинг зарур даражада энг кўп фойдага эришиш учун қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитларнинг оптимал нисбати билан кредит сиёсатини олиб бориш имкониятини беради.

“Тўловга лаёқатлилик” “ликвидлик”ка нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, банк зарур муддатларда кредитлар-омонатчилар, банклар давлат олдидаги мажбуриятларини тўла суммада бажара олиш лаёқатини билдиради. Лекин у фақат баланс ликвидлигига боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки бошқа бир қатор факторларга ҳам боғлиқдир. Улар қаторига қуйидагилар киради: минтақа ёки республикадаги сиёсий ва иқтисодий ҳолат, пул бозорининг ҳолати, Марказий банкнинг қайта молиялаштириш имконияти, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлиги, банк қонунчилигининг мавжудлиги ва замонавийлиги, банкнинг ўз капитали билан таъминланганлиги, мижозлар

ва партнер-банкларнинг ишончлилиги, банкдаги менежмент даражаси, мазкур кредит муассасаси банк хизматларининг махсуслаштирилганлиги ҳамда хилма хиллиги ва бошқа омиллар киради. Шу билан бир вақтда кўрсатилган омиллар тўғридан-тўғри ёки билвосита банк баланси ликвидлигига таъсир кўрсатади, шунингдек, бир-бири билан маълум даражада алоқада бўлади. (Айтилганларни чизма тарзида кўрсатиш мумкин).



6-чизма. Банкнинг тўловга лаёқатлилиги ва ликвидлилигига таъсир қилувчи омиллар

Тижорат банкларининг баланси икки қисмдан иборат бўлади: актив ва пассив. Банк пассивлари таркибий жиҳатдан ва иқтисодий мазмунига кўра, банкнинг ўз маблағлари ва унинг мажбуриятларидан ташкил топади. Ўз навбатида банк мажбуриятлари иқтисодий мазму-

нига кўра жалб қилинган ва қарз маблағларга бўлинади. Демак, банк пассивлари:

1.Банк капитали– банкнинг хусусий маблағлари

2. Жалб қилинган маблағлар.

3. Қарз маблағларидан иборат.

Банк активларини иқтисодий мазмуни таркибига кўра бир неча қисмларга ажратиш мумкин. Бунда активларнинг муддатига кўра ёки ликвидлигига кўра маълум таркибий қисмларга ажратиш мумкин. Активларни ликвидлигига кўра қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Юқори ликвидликка эга бўлган активлар.
2. Ўртача ликвидликка эга бўлган активлар.
3. Ликвидлиги паст бўлган активлар.

Тижорат банкининг баланси шу банк ресурсларининг аҳволини, буларни шакллантириш манбаларини, шунингдек, ҳисобот даврининг бошидан охиригача бўлган банк фаолиятининг молиявий натижаларини пул билан ифодалаб, таърифлаб беради. Балансдаги маълумотларни таҳлил қилиб чиқиш йўли билан банкларнинг маълум давр ичидаги фаолиятини ҳар томонлама билиб олса бўлади. Баланснинг таҳлили банкнинг ўзига тегишли маблағлари қай тариқа ўзгариб бораётганлигини, банк активларининг таркиби ва уларнинг қайси томонга қараб ўзгараётганини, банкнинг ликвидлилик ва тўловга лаёқатлилик кўрсаткичлари даражаларини билиш имконини беради.

2-§. Банк ликвидлиги ва уни таъминлаш йўллари

Тижорат банклари ликвидлигини таҳлили жараёнида уларнинг ликвидлик кўрсаткичлари бўйича белгиланган меъёрларга амал қилаётганлигини текширамиз.

Сармоя етарлилиги коэффициенти банк сармояси билан тавакалчилик ҳисобга олинган ҳолдаги активлар умумий суммаси нисбати сифатида белгиланади.

$$Н = \frac{К}{А_т}$$

Бунда: К – банк сармояси, капитали

Ат – таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активлари суммаси. Бу коэффициентнинг минимал миқдори 0,1 (10%) га тенг.

Фақат тижорат банки таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгаришларни рўйхатдан ўтказиш учун ўз вақтида тақдим этган ҳолларда низом сармоясининг Марказий банкда рўйхатга

олинганидан ортиқ тўланган қисмини сармоя ҳисоб-китобига қўшишга рухсат этилади.

Тижорат банки активлари таваккалчилик даражаларига қараб 4 та гуруҳга бўлинади. Таваккалчилик даражаси бўйича биринчи гуруҳга минимал таваккалчиликли активлар, иккинчи ва учинчи гуруҳга катта таваккалчиликли активлар, тқртинчи гуруҳга максимал даражада таваккалчиликли активлар киради.

Бир қарз олувчига катта ҳажмда кредитлар берилиши тижорат банки учун жуда таваккалчиликли эканлиги муносабати билан «бир қарз олувчига тўғри келадиган таваккалчиликнинг максимал ҳажми» меъёрига риоя этилиши, айниқса, қаттиқ назорат қилинмоғи керак:

$$\frac{Kt}{K}$$

Бунда: Кт - бир қарз олувчига тўғри келадиган банк таваккалчилигининг умумий суммаси қўшув банк мазкур қарз олувчига нисбатан берган балансдан ташқари мажбуриятларнинг 75%и айирув депозитлар билан таъминланган мажбуриятлар.

К – банк сармояси (хусусий маблағлари)

Ушбу меъёр кредитларнинг ҳукумат кафолати билан таъминланган қисмига, жумладан халқаро қарзлар бўйича такрор молияланадиган кредитларга тааллуқли эмас. Бошқа кредитлар учун қарз олувчи мажбуриятларининг умумий суммасидан Ўзбекистон Республикаси давлат қимматли қоғозларини гаровга қўйиб олинган қарзлар гаров суммасининг 90% ҳажмида чегириб ташланади.

Бу кўрсаткичи 0,25 дан ошмаслиги керак.

Бир қарз олувчига берилган қарзлар бўйича жами қарздорлик ҳамда балансдан ташқари мажбуриятларнинг 75%и биргаликда банк капиталининг 15% идан ортиқ бўлса, бундай кредитлар йирик кредитлар деб аталади. “Йирик” кредитларни банк бошқаруви алоҳида назорат қилиши керак ва улар тижорат банки кенгаши янги қарор қабул қилгандагина берилиши мумкин. Банк кенгашининг шундай кредитлар бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколати Бошқарувга топширилиши мумкин эмас.

Йирик кредитлар берилиши ва улар қайтарилиши билан боғлиқ барча ҳоллар тўғрисида тижорат банклари сира кечиктирмай Марказий банкнинг тижорат банкини назорат қилувчи бошқармаларига маълумот тақдим этишлари лозим.

Барча йирик кредитлар учун максимал таваккалчилик ҳажми йрик кредитлар таваккалчиликлари максимал ҳажми йирик кредитлар умумий ҳажми билан банкнинг хусусий маблағлари (сармояси) ўртасидаги нисбат сифа-тида белгиланади:

$$\frac{ССК}{К}$$

Бунда: ССК - йирик кредитлар умумий суммаси қўшув банк мазкур қарз олувчиларга берган балансдан ташқари мажбуриятларнинг 75%и (депозитлар билан таъминланганлари бундан мустасно),

К - банк сармояси.

Банк балансдан ташқари мажбуриятларнинг 75%ни ҳисобга олиб берган йирик кредитлар уму-мий ҳажми (депозитлар билан таъминланганларидан ташқари) банк сармоясининг 3 бараваридан ошиб кетмаслиги белгилаб қўйиладики.

Тижорат қимматли қоғозларига қўйилмалар меъёри:

$$\frac{Ц}{АК}$$

Бунда: Ц - нодавлат қимматли қоғозларини сотиб олишга йўналтирилган банк капитали

АК - акционер капитали (Низом капитали).

Бу кўрсаткичнинг ҳақиқий аҳамияти 0,25 дан ошмаслиги лозим.

Банкнинг хусусий маблағларидан инвестицияларда фойдаланиш меъёри.

Банк бошқа банклар, молия муассасалари, давлатга қарашли ва ҳусусий корхоналар низом жамғармаларига йўналтирадиган инвестициялар умумий ҳажми банкнинг хусусий сармояси 20% идан ошмаслиги керак. Бунда ҳар қандай корхона, ташкилот низомнинг сармоясида иштирок улуши банк низом сармоясининг 15%идан ошмаслиги даркор.

Ушбу кўрсаткич қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\frac{Син}{К}$$

Бунда: Син - банк инвестициялари умумий суммаси,

К - банкнинг хусусий маблағлари (сармояси)

Бу кўрсаткичнинг максимал даражаси 0,2 ҳажмида белгиланади.

Банк ҳар қандай бир корхона ёки ташкилот низом сармоясида улушбай асосида иштирок этганда (инвестиялаши) ушбу юридик шахс низом сармоясининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим. Фақат банк ва молия фаолияти билан шуғулланувчи бирлашмаган филиаллар бундан мустасно.

Тўловга лаёқатсизликнинг асосий сабаби ноликвидлик ҳисобланганлиги учун Тижорат банклари ликвидлик кўрсаткичлари таҳлили муҳим аҳамиятга эга.

Жорий ликвидлик коэффициенти ликвид шаклдаги баланс активлари банкнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган ва муддати 30 кунгача бўлган ҳисобварақлар бўйича мажбуриятлари суммаси ўртасидаги нисбатни тавсифлайди:

$$\frac{Лак}{Обо}$$

Бунда: Лак - банк яқин 30 кун ичида қайтариш шарти билан берган ликвид активлар ва кредитлар (ақалли бир марта муддати узайтирилган ҳамда илгари берилган қарзларни қайтариш учун тақдим этилган кредитлар бандан мустасно),

Обо - талаб қилиб олингунча сақланадиган ва сўндириш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар.

Бу кўрсаткичнинг йўл қўйиши мумкин бўлган минимал даражаси 0,3 ҳажмида белгиланади.

Лаҳзалик ликвидлик кўрсаткичи.

Бу кўрсаткич баланснинг экстремал вазиятларда тез сотилиши мумкин бўлган ликвид шаклдаги активлари билан банкнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган ҳисобварақлар бўйича мажбуриятлари суммаси ўртасидаги нисбатни тавсифлайди:

$$\frac{ЛА}{ОВ}$$

Бунда: ЛА - банкнинг пул шаклидаги активлари,ОВ - банкнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган ҳисобварақлар бўйича мажбуриятлари.

Ушбу кўрсаткичнинг йўл қўйиш мумкин бўлган минимал даражаси 0,25 ҳажмида белгиланади.

Қисқа муддатли ликвидлик кўрсаткичи деганда банкнинг сўндириш муддати 30 кундан 1 йилгача бўлган активлари билан 30

кундан 1 йилгача қабул қилинган депозитлар ва ресурсларга нисбати тушунилади.

Яна қуйидаги ликвидлик коэффициентлари мавжуд:

Ликвид активлар /жами активлар; Доимий бўлмаган мажбуриятлар/

/жами активлар;

Ликвид активлар /Доимий бўлмаган мажбуриятлар;

Кредитлар/Депозитлар;

Гаровга қўйилган қимматли қоғозлар/

/жами қимматли қоғозлар.

Банк раҳбарияти ликвидлик кўрсаткичларини мустақил ишлаб чиқиши ва улардан танлаб фойдаланиши мумкин, фақат жорий ликвидлик кўрсаткичи бундан мустасно. Капиталнинг етарлилиги коэффициентларидан ташқари тижорат банклари левераж коэффициентини аниқлашлари лозим. Бу кўрсаткич қуйидагича ҳисобланади.

$$Кл = \frac{\text{И даражали капитал}}{\text{(Умумий активлар - номоддий активлар - гудвил}}$$

Левераж коэффициентининг минимал миқдори 0,06 ёки 6% бўлмоғи лозим.

Юқоридаги коэффициентлар асосида типовой банкларнинг молиявий аҳволига тўлиқ баҳо бериш мумкин.

Банкларда тўловга лаёқатлилик ва ликвидлик муаммосининг муваффақиятли ҳал этилиши актив ва пассив операцияларнинг бир пайтда самарали бошқарилишига боғлиқ. Банклар актив операцияларни ўтказиш учун пул ресурсларига эҳтиёж сезадилар. Уларни пассив операцияларни амалга ошириш орқали жалб этиш мумкин ва шундан сўнг банк белгиланган муддатларда ўзининг қарз мажбуриятларини қоплаб бориши лозим. Қарз мажбуриятларини қоплаш учун банклар фойда олиб фаолият юритишлари ва бунда тўловга лаёқатлиликнинг мақбул даражасини сақлашлари ҳамда ликвидликни таъминлашлари керак.

Актив ва пассив операцияларни, шунингдек, ликвидликни комплекс ва ўзаро боғлаб бошқариш зарурати шундай изоҳланади.

Юқорида қайд этилганидек, банклар ликвид маблағларга бўлган заруратни қондириш учун керакли миқдорда омонатлар ва депозитларни сафарбар этадилар. Бунда банклар депозитлар миқдорининг

ўсишини кредит портфелининг ўсиши билан таққослайдилар ҳамда депозит базасининг барқарорлигини аввало муддатли жамғарма депозитлари ва талаб қилиб олинувчи депозитлар ҳисобидан таъминлаш лозим.

Тижорат банклари тўловга лаёқатлилигини мустаҳкамлаш, мажбуриятлари бажарилиши узлуксизлигини таъминлаш мақсадида бошқа кредит институтларидан кредит олинади.

Кредит бериш тўғрисидаги қарор тижорат банки молиявий таҳлили асосида чиқарилади. Бунда банкнинг ўз маблағларининг шаклланиши, банк томонидан корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб-китоб, жорий, депозит ва бошқа ҳисобларга жалб қилинган маблағлари ҳисобга олинади. Тижорат банклари бошқа кредит институтларидан кредитни шартнома асосида унда белгиланган муддат ва шартларда олади.

Ликвидлик муаммоси юзага келганда банклар тезкор чоралар кўришади. Бунинг учун улар ликвид маблағларини кўпайтириш учун кредитлар беришни вақтинча тўхтатиши ёки берилган кредитларни қоплаш муддатларини қайта кўриб чиқиши ёки илгари берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарзларни қайта ишни яхшилаш ва уларнинг қайтарилишини таъминлаш мумкин.

Активларни конвертациялаш ноликвид активларни қисқа ва ўрта муддатли ликвид активларга айланишни таъминлайди. Банклар асосий воситаларининг бир қисмини сотиб, уларнинг ўрнига юқори ликвид воситалар қаторига кирадиган давлат қисқа муддатли мажбуриятларини сотиб олиш мумкин. Кўпгина банклар асосий эътиборни актив операцияларни бошқаришга қаратадилар, бироқ банкларнинг тўловга лаёқатлилигини ва ликвидлиги ёмонлашганда қарз маблағларини тез топиш имконияти банк фаолияти барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Банк ликвидлилигини ва тўловга лаёқатлилигини мустаҳкамлашда тезкор чораларни қўллаш банк харажатларининг ошишига ва фойданинг камайишига олиб келади.

Банклар тўловга лаёқатлилигининг мустаҳкамлиги мижозларининг, қарз олувчиларининг молиявий ҳолатига ҳам боғлиқ. Кредит беришда банклар мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини аниқ ва реал ҳисоблаб чиқишлари ва уларнинг кредитга лаёқатлилик даражасига эътибор беришлари лозим, лекин бунда бир ёки бир нечта олинган кредитни вақтида қайтармаслик ҳоллари бўлиши мумкинлигини эътиборга олиш керак. Олинган кредит ўз вақтида қайтарил-

маса, бу банкнинг ўз мажбуриятларини қоплашида қийинчиликлар келтириб чиқармаслиги керак. Банк тажрибаси кўрсатишича, бундай ҳолатнинг олдини олиш учун бир қарз олувчига бериладиган кредитни чегаралаш керак. Акс ҳолда бир клиентнинг патта ҳажмдаги кредитни вақтида қайтармаслиги банкнинг ноликвидлиги ва тўловга лаёқатсизлигини келтириб чиқаради.

Тижорат банклари тўловга лаёқатлилигини мустаҳкамлаш мақсадида, банк жамғармачиларининг манфаатларини ҳимоялаш мақсадида Марказий банк мажбурий захиралар миқдорини белгилайди. Тижорат банки белгилаган муддатда ажратмаларни ўтказмаса ёки қайтарилиши лозим бўлган суммадан қайта молиялаштириш фоиз миқдорини иккига кўпайтириб, ҳар бир иш куни учун жарима ундирилади.

Махсус мақсадлар учун фондларнинг ҳам тўловга лаёқатлиликни мустаҳкамлашда аҳамияти катта.

Агар бу фондлар ҳам кредитлаш мақсадида ишлатиб юборилса, фавқулодда ҳолатлар юз бериб қолса, банк ўз ликвидлиги ва тўловга лаёқатлилигини ушбу фондлар ҳисобидан таъминлай олмайди.

Тўловга лаёқатсизликнинг яна бир сабаби гаровни баҳолашдаги хатоликка йўл қўйишдир. Гаровни тўғри баҳолаш ва уларнинг баҳоси ўзгариши устидан доимий назорат олиб бориш тўловларда қийинчиликлар келиб чиқишининг олдини олади.

Баланс ликвидлигининг бузилиши ва тўловга лаёқатсизлик мижозлар молиявий ҳолатини ёмонлигидан ҳам келиб чиқади. Қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини тўғри баҳолаш ва улар устидан доимий назоратнинг мавжудлиги кредит хатарини ўз вақтида билиш ва тўловга лаёқатлилик бўйича зарур чораларни ўз вақтида кўришни таъминлайди.

Банклар янги операциялар бажаришга бунинг учун махсус тайёрланган кадрларга эга бўлмасдан киришиши оқибатида ҳам тўловга лаёқатсизлик келиб чиқиши мумкин.

Бир шахсдан йирик миқдорда депозитлар қабул қилиш, уларнинг молиявий ҳолати бирдан ёмонлашган ҳолларда ҳам тижорат банкларида тўловлар бўйича қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам, бир омонатчи(кредитор)га тўғри келадиган максимал хатар ҳажми белгилаб қўйилган.

Тижорат банклари низом капиталининг минимал миқдори ҳам Марказий банк томонидан белгилаб қўйилган. Уни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

Ҳар бир тижорат банки ўз низом капиталини ҳар чораклик ажратмалар асосида (йиллик кўзда тутилган ўсишга нисбатан 25%) тўлдиришлари лозим.

Юқоридагилардан ташқари, ҳисобни тўғри йўлга қўйиш, бошқаришдаги хато ва камчиликларни тугатиш, кадрлар малакасини ошириш ҳам банкларнинг тўловга лаёқатлилигини таъминлашга таъсир кўрсатади.

3-§. Банклар фаолиятига таъсир қилувчи омиллар

Бирор мамлакат иқтисодиётида юз бераётган тангликлар, номутоносибикларнинг бир учи банк тизими ҳолати ва тижорат банкларнинг фоалиятига бориб тақалади. Айниқса, ўтиш даврини бошдан кечираётган давлатларда юз берган ва юз бераётган инқирозларнинг бош омиллари сифатида банкларнинг синиши ва банкротлиги саналади. Россияда 1995 йил ва 1998 йилда содир бўлган инқирозларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, аҳолининг банкларга ишончининг йўқолиши, сиёсий омиллар ва молиявий пирамидаларнинг тушкунлиги ҳолатлари банкларнинг тўловга қобилиятини йўққа чиқаради. Шундай экан, тижорат банкларнинг ликвидлиги ва тўловга қобилиятини таҳлил этиш давомида бунга таъсир этувчи омилларни аниқлаш лозим. Чунки ликвидлик ва тўловга қобилиятлилик мураккаб иқтисодий тушунчалар саналади ва юзаки баҳолаганда таҳлил самараси паст бўлиш мумкин.

Банклар фаолиятига таъсир қилувчи омиллар турлича таснифланади. Одатда, улар ички ва ташқи омилларга ажратилиб ўрганилади. Тижорат банкларнинг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини белгилайдиган ички омиллар қаторига қуйидагилар киради:

– банкнинг мустаҳкам капитал базаси;

– активлар сифати;

– депозитлар сифати;

– ташқи манбаларга қарамлик даражаси;

– активлар ва пассивларнинг муддатлари бўйича мутаносиблиги;

– малакали менежмент;

– банкнинг имиджи.

Банкнинг мустаҳкам капитал базаси хусусий капиталининг мутлақ қийматини ифода этиб, активлар бўйича

таваккалчиликларнинг ҳимоя манбаси ҳамда омонатчилар ва депозитчилар маблағларининг кафолати ҳамдир. Банкнинг хусусий капитали низом фонди ва бошқа мақсадли фондлардан иборат бўлиб, молиявий барқарорлик учун ҳам асосдир. Шундай қилиб, банкнинг хусусий капитали қанча катта бўлса, ликвидлилик ҳам шунча юқори бўлади.

Активлар сифати асосан тўрт хил мезон асосида аниқланади: ликвидлилик, таваккалчилик даражаси, даромадлилик ва диверсификация бўйича. Активларнинг ликвидлиги шу активларнинг пул шаклига ўтиш лаёқатидир. Ликвидлик хизматидан активлар бир неча гуруҳларга ажралади. Биринчи гуруҳга юқори ликвидли активлар – касса ва вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар ҳамда давлатнинг қимматли қоғозларини киритиш мумкин. Иккинчи гуруҳга қисқа муддатли ссудалар, банкларараро кредитлар, факторинг операциялари ва акционерлик жамиятларнинг тижорий қимматли қоғозлари ташкил этади.Узоқ муддатли инвестициялар, қўйилмалар ва лизинг операциялари учинчи гуруҳ ликвид активларни ташкил этади. Ниҳоят, тўртинчи гуруҳ ликвид активлар муддати узайтирилган ссудалар, бино ва иншоотлардан иборат. Таваккалчилик даражаси бўйича ҳам активлар тўрт гурухга ажратилади ва мос ҳолда 0,20, 50, 100% лик таваккалчилик даражасига эга активлардан иборат.

Шуни таъкидлаш лозимки, таваккалчилик даражаси қанчалик юқори бўлса, ликвидлик шунчалик паст бўлади. Активларнинг даромадлилиги активларнинг ишчанлиги ва самарадорлигини намоён этади. Даромадлик бўйича активлар даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активларга бўлинади. Даромадлар қанчалик кўп бўлса, банкда капитал базани мустаҳкамлаш имконияти пайдо бўлади. Лекин кўр-кўрона даромадлиликка интилиши активларнинг йўқотилишига ва ликвидлиликнинг пасайишга олиб келади. Активлар сифатини кўрсатадиган мезонлардан яна бири уларнинг диверсификациясидир. Активларнинг диверси-фикацияси кўрсаткичлари бўлиб, банк активларининг асосий йўналишлари бўйича таркиби, кредит қўйилмаларининг объект-лари ва субъектлари таркиби, қимматли короялар портфели тар-тиби, валюталар структураси (валюта операциялари бўйича), ҳам-кор банклар тартиби ҳисобланади. Активлар диверсификацияси қанчалик юқори

бўлса, ликвидлилик шунча юқори бўлади. Банк активларининг сифати ликвидлилик ва тўловга қобилиятлилик-ни белгилашда катта ўрин тутади. Активлар таркиби шундай оптимал танланиши керакки, бир вақтнинг ўзида ҳам ликвид-лилик, ҳам тўловга қобилиятлилик ва банк учун кераклиси фойдалилик таъминланиши лозим.

Ликвидлиликка таъсир этувчи муҳим омиллар сирасига банкнинг депозит базасининг сифати ҳам киритилади. Депозит жорий ҳисобларда, муддатли депозит ва омонат жамғармалари кўринишда йиғилган юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ташкил қилади. Депозитлар (талаб қилиб олгунча, муддатли ва жамғарма) сифати мезони бўлиб, уларнинг барқарорлиги ҳисобланади. Депозитларнинг барқарор қисми қанча юқори бўлса, ликвидлилик шунча юқори таъминланган бўлади, уларнинг улушининг ортиши банкнинг ликвид активларга эҳтиёжини камайтиради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, талаб қилиб олгунча бўлган депозитлар уларнинг фоиз ставкасига боғлиқ эмаслиги нуқтаи назаридан барқарорлиги билан ажралиб турса муддатли ва жамғарма депозитларнинг қолдиқлари қатъий муддатга эга эканлиги билан барқарордир. Лекин уларнинг фоиз ставкасига боғланганлиги фоизлар ўзгариши билан бундай депозитлар миграциясини вужудга келтириши мумкин.

Банкларнинг ликвидлилиги ва тўловга қобилиятлиги ташқи манбаларга қарамлик даражасига, яъни банклараро кредитларнинг улушига ҳам боғлиқ. Маълум бир чегарадаги банклараро кредит ликвидлигига ҳеч қандай хавф туғдирмайди, аксинча, у ликвид маблағларга бўлган қисқа муддатли эҳтиёжни бартараф ҳам этади. Агар банклараро кредит жалб қилинган ресурслар таркибида салмоқли ўринни эгалласа, банклараро кредит бозорида ноқулай конъюнктура вужудга келганда банк таназзулга юз тутиш мумкин. Ташқи манбаларга каратлиги юқори бўлган ривожланиш истиқболига эга бўлмайди ва ресурс базасининг беқарорлиги эвазига катта таваккалчилик остида бўлади.

Актив ва пассивларнинг муддатлари суммалари ўртасидаги номутаносиблик ликвидлиликка жиддий таъсир ўтказади. Банкнинг мижоз олдидаги мажбуриятларини бажариш учун мижоздан олинган маблағларни қайтариш муддати шу маблағлар ҳисобига қўйилган кредит (инвестициялар)ни қайтиш муддати

билан мос бўлмоғи лозим. Тўғри, мажбурият бошқа манба ҳисобига қопланиши мумкин, лекин амалда актив ва пассивларнинг асосий қисми муддат ва суммада муносиб бўлиши банк барқарорлигининг гарови ҳисобланади.

Менежмент, яъни банк фаолиятини бошқариш ликвидлиликка жиддий таъсир ўтказувчи омиллардандир. Банкнинг бошқариш сифати оқилона банк сиёсати, банк ташкилий структураси, актив ва пассивларни самарали бошқариш механизмда намоён бўлади. Юқори даражадаги менежмент малакали кадрларни талаб этади, шунингдек, зарурий ахборот базаси тезкор чораларни амалга оширишда қўл келади.

Керакли ликвидлилик даражаси менежмент билан бирга банкнинг имиджига ҳам боғлиқ. Ижобий банкка ресурслар жалб қилишда ва ликвид маблағлар камомадини тўлдиришда баҳо рақобатчи банкларга нисбатан устунлик яратади. Яхши репутациясига эга бўлган банк барқарор депозит базасини ҳосил қила олади, чунки у молиявий барқарор мижозлар билан алоқа қилишда катта имкониятга эга бўлади. Ижобий имиджга эга бўлиш ўта мураккаб жараён, у йиллар давомида натижалар эвазига шаклланади ва ривожланиш стратегиясини тўғри танлаш, мижозларга хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, маркетинг тадқиқотларини чуқурлаштириш, ишончли ва оммабоп реклама, фаолият натижаларини жамоатчилик учун очиқлиги кабиларга асосланади.

Юқорида кўрилган омиллар банкнинг хусусиятларига боғлиқ равишда турлича аҳамиятга эга бўлиш мумкин. Баъзи ҳолларда ликвидлилик муаммосини ресурс базаси сифати ва таркиби туғдирса, баъзида активлар сифати бунга сабаб бўлади. Асосан эса ликвидлилик ва тўловга қобилиятлилик муаммолар комплекс омиллар уйғунлигида пайдо бўлади. Ликвидлилик муаммосини кўп омилли категория эканлигини тан олган холда, ҳар бир банк ўзининг оғриқли нуқталарини белгилаб олиши керак, яъни банк ликвидлигини белгилайдиган омиллар тўғри талқин этилгандагина бу муаммо оқилона ҳал этилади.

Кўриб ўтганимиздек, банкнинг ликвидлилик ва тўловга қобилиятлилик ҳолати банк фаолиятидан ташқарида бўлган бир қатор ташқи омилларга ҳам боғлиқ. Булар қаторига қуйидагилар киритилади:

– мамлакатдаги умумий сиёсий ва иқтисодий вазият;

– қимматли қоғозлар ва банкларарo кредит бозорларининг ривожланиш даражаси;

– қайта молиялаштириш тизими;

– Марказий банк назорат функциясининг самарадорлиги.

Мамлакатдаги умумий сиёсий ва иқтисодий вазият банк операциялари ривожига туртки беради, банк фаолияти иқтисодий асосларини мустаҳкамлигини таъминлайди, мамлакатдаги ва хорижий инвесторларни банкларга ишончини мустаҳкамлайди. Кўрсатиб ўтилган шартларсиз банклар пухта депозит базасини ҳосил қила олмайди, операцияларнинг рентабеллигини таъминлаш, активлар сифатини ошириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш кабиларни уддалаш қийин кечади. Тижорат банклари банк тизимининг бир қисми сифатида мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларни ўзида акс эттиради, ўз навбатида, тижорат банкларнинг ҳолати мамлакатдаги умумий аҳволни белгилайди.

Қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлиги ликвид маблағлар фойдалилигини йўқотмаган ҳолда активларни пул шаклига айлантиришни энг тез ва оптимал вариантини қўллаш имкониятини беради. Бундай ҳолат фонд бозори ривожланган давлатлар учун, айниқса, характерлидир. Чунки активларни қимматли қоғозларга жойлаштириш воситасида банк бир вақтнинг ўзида ҳам ликвидлиликни таъминлайди, ҳам керакли даромадга эга бўлади. Банкларарo кредит бозорининг ривожланганлиги банклар ўртасида вақтинча бўш ресурсларни тезда қайта тақсимлаш имконини беради. Банкларарo бозордан ликвидлиликни таъминлаш учун турли муддатларга маблағларни жалб қилиш мумкин, шу жумладан, бир кунга ҳам. Бу бозордан маблағларни олиш оперативлиги умумий молиявий конъюнктура, банкларарo бозорнинг ташкилий шакли ва албатта банк*нинг обрўсига боғлиқ.

Юқоридаги омил билан бирга қайта молиялаштириш тизимининг ликвидлиликка таъсири ўзаро чамбарчас боғлиқ.

8-чизма



Банклар фаолиятига таъсир қилувчи омиллар

Қайта молиялаштириш тизими Марказий банкнинг тижорат банкларини кредитлаш жараёнидир. Ликвид маблағларга эҳтиёж туғилганда тижорат банклари Марказий банкдан қайта молиялаштириш ставкасида кредит олиши мумкин бўлади. Бу омилнинг бевосита таъсири шундан иборатки, қайта молиялаш ставкаси ортганда ликвидликни таъминлаш учун кредитлар омили қимматлашиб қолади ёки аксинча.

Марказий банкнинг назорат функциялари самарадорлигини акциядорлик тижорат банклари билан ликвидлиликни таъминлашга доир муносабатларда ўз аксини топади. Марказий банк белгиланган тартибда иқтисодий нормативларни, шу жумладан, ликвидлилик меъёрларини ҳам ўрнатади. Иқтисодий ўзгаришлар таъсирида Марказий банк ҳам меъёрларни ўзгартириб боради. Масалан, ўтиш даврини бошдан кечираётган Ўзбекистон шароитида Марказий банк иқтисодий меъёрларни қатъий ва нисбатан «қаттиққўллик» билан ўрнатган, буни мавжуд шарт - шароит ҳам талаб этади. Шундай ҳолатда тижорат банклари ликвидлиликка оғишмай амал қилади ва ликвидлиликнинг зарарига даромадлиликни суиистеъмол қила олмайдилар.

Кўриб ўтилган омиллардан бири алоҳида ликвидлиликка, яна бири тўловга қобилиятлиликка алоҳида таъсир ўтказмайди. Балки, санаб ўтилган омиллар бир вақтнинг ўзида ҳам ликвидлилик, ҳам тўловга қобилиятлиликни белгилайди. Чунки ликвидлилик ва тўловга қобилиятлилик ўртасида соф чегара мавжуд эмас, яъни улар ўта яқин тушунчалар ҳисобланади.

Қуйидаги таянч сўзларни таърифланг

1. Ликвидлилик.
2. Жорий ликвидлилик.
3. Капитал.
4. Мажбуриятлар.
5. Ликвид активлар.
6. Активларни бошқариш.
7. Пассивларни бошқариш.

Мавзуга оид саволлар

1. Тижорат банкларининг ликвидлилиги деганда нимани тушунасиз?
2. Тижорат банкларининг ликвидлилигига қандай омиллар таъсир қилади?
3. Банкларнинг тўловга қобиллиги нима ва уни амалга ошириш йўллари қандай?
4. Банк ликвидли бўла туриб тўловга қобил бўлмаслиги мумкинми ёки аксинча?
5. Тижорат банклари фаолиятига Марказий банк томонидан белгиланган қандай иқтисодий меъёрларни биласиз ва улар қандай аниқланади?
6. Банк капитали деганда нимани тушунасиз?
7. Пассивлар ва активларни бошқариш назарияси тўғрисида нималарни биласиз?

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1995 йил 21 декабрь.

2. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 йил 25 апрель.

3. Ўзбекистон Республикасининг "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги қонун 2002 йил 4 апрель.

4. «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги Фармони.

5.«Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги Қарори.

6. «Бозор ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 2005 йил 14 июнь.

7. «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январдаги 24-сонли Ўарори.

8. «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартидаги 104 сонли Қарори.

9. «Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида» низом, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан, 1998 йил 2 декабрь, 559-сон

10. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида Тошкент – «Ўзбекистон», 1995 йил.

11. Каримов И.А. Ўзбекистон: Буюк келажак сари. Тошкент – «Ўзбекистон»–1998 йил.

12. Каримов И.А. Ўзбекистон Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент –«Ўзбекистон» 1993 йил.

13. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция, молиявий барқарорлик тўғрисида.-Т.: “Ўзбекистон”, 2005 йил.

14. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: 1997 йил.

15. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳот-ларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифамиз. 2004 йил февраль.

16. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик/ Ш.З. Абдуллаева. - 2003

17. Абдуллаева Ш.З. Банк ресурслари ва уларни шакллантириш асослари. 1-китоб/ Ш.З. Абдуллаева, Каримов Ф.Ш., К.Н. Наврўзова , У.Д. Ортиқов. – 2004.

18. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш/ Ш.З. Абдуллаева. – 2002.

19. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари фани бўйича магистратура тингловчилари учун муаммоли маърузалар тўплами. Банк иши кафедраси/ Ш.З. Абдуллаева. - 2000

20. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар/ Ш.З. Абдуллаева . - 2000

21. Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта-кредит муносабатлари. Ўқув қўлланма./ Ш.З. Абдуллаева. - 2004

22. Аверьянова Л.В. Международные банковские расчеты.Учебное пособие по английскому языку./ Л.В. Аверьянова. - 1998

23. Александрова Н.Г. Банки и банковская деятельность для клиентов/ Н.Г. Александрова. - 2002

24. Алексеева В.И. Банковское кредитование/ В.И. Алексеева. - 1998

25. Балабанова И.Т. Банки и банковское дело/ И.Т. Балабанова. - 2001

26. Банки и баковской дело: Учебник для вузов/ Под ред И.Т.Балабанова. - 2003

27. Банки и банковское дело/ Под Ред. Г.Н. Белоглазовой. - 2002

28. Банкноты стран мира: денежное обрашение 2001 года.В 2-х и каталог справочник. - 2001

29. Банковское дело./ Под ред. Г.Белоглазовой и Л.Кропивецкой. - 2002

30. Баталов А.Г. Банковская конкуренция / А.Г. Баталов. - 2002

31. Беляков А.В. Банковские риски: Проблемы учета, управления и регулирования./ Беляков А.В.. - 2003

32. Беляков А.В. Банковские риски:проблемы учета управления и регулирования/ А.В. Беляков. - 2003

33. Боровиков В.И. Денежное обрашение, кредит и финансы:курс лекций/ В.И. Боровиков. - 2002

34. Вешкин Ю.Г. Банковские системы зарубежных стран:Курс лекций/ Ю.Г. Вешкин, Г.Л. Авагян. - 2004

35. Воронцова В.П. Деньги.кредит.банки.:Учебное пособие./ В.П.

Воронцова, С.П. Федосеева. - 2002

36. Галикицкая С.В. Деньги. Кредит. Финансы./ С.В. Галикицкая. - 2002

37. Галицкая С.В. Денежное обрашение.Кредит.Финансы(теория и российская практика).Учебное пособие/ С.В. Галицкая. - 2002

38. Гулямов С.С. Деньги.Банки.Кредит.(Учебное пособие для студентов Вузов)./ С.С. Гулямов, Ю.Т. Додобаев. - 2002

39. Деньги, кредит, банки Ценные бумаги: Практикум/ Под Ред. Е.Ф. Жукова. - 2001

40. Деньги,кредит,банки/ Г.Н. Белоглазова. - 2005

41. Деньги.Кредит.Банки./ О.И. Лаврушина. - 2005

42. Деньги.Кредит.Банки:Учебник для Вузов/ Е.Ф. Жуков, Л.М. Максимова, А.В. Печникова. - 2003

43. Жарковская Е.П. Банковское дело/ Е.П. Жарковская. - 2004

44. Иванов А.Н. Банковские услуги:зарубежный и российский опыт./ А.Н. Иванов. - 2002

45. Ильясов С.М. Устойчивость банковской системы: механизмы управления,региональные особенности. Учеб.пособие./ С.М. Ильясов. - 2001

46. Колпакова Г.М. Финансы. Денежное обрашение. Кредит: Учебное пособие./ Г.М. Колпакова. - 2004

47. Коробов Ю.И. Банковский 1 портфель/ Ю.И. Коробов; Книга банкира. Книга клиента. Книга инвестора.. - 1994

48. Лаврушина О.И. Банковское дело: Учебник.2-е изд.Перераб. и доп./ О.И. Лаврушина. - 2003

49. Либерализация банковской системы республики в условиях углубления экономических реформ. Правовые и организационные основы банковской системы Республики Узбекистан:Учебное пособие.Книга 1./ Абдуллаева Ш.З.Арзуманян С.Ю. Муругова И.А.. - 2003

50. Малахова Н.Г. Деньги. Кредит. Банки. Конспект лекций/ Н.Г. Малахова. - 2005

51. Масленников В.В. Зарубежные банковские системы: Науч.изд./ В.В. Масленников. - 2001

52. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: Учебник./ Под.ред.Л.Н.Красавиной.-2-е изд. перераб и доп.. - 2002

53. Миллер Л.Р. Современные денги и банковское дело./ Л.Р. Миллер. - 2000

54.Моисеев С.Р. Международные валютно-кредитные отношения/ С.Р. Моисеев. - 2003

55.Обшая теория денег и кредита: Учебник для вузов/ Под ред. Е.Ф.Жукова.. - 1999

56.Ромаш М.В. Финансирование и кредитование инвестиций/ М.В. Ромаш. - 2004

57. Роуз П.С. Банковский менеджмент/ П.С. Роуз. - 1997

58. Рудакова О.С. Банковские электронные услуги.: Учеб.пособия для вузов./ О.С. Рудакова. - 2000

59. Рудый К.В. Финансово - кредитные сестемы зарубеж. стран: Учеб. пособие/ К.В.Рудый. - 2003

60.Свиридов О.Ю. Деньги кредит банки/ О.Ю. Свиридов. - 2001

61. Семенюта О.Г. Деньги, кредит,банки В Р Ф : Учеб. пособие/ О.Г. Семенюта. - 1998

62. Тосунян Г.А. Деньги и власть. Теория разделения властей и проблемы банковской системы. 3-е изд., перераб и доп. / Г.А. Тосунян. - 2000

63. Тосунян Г.А. Несостоятел.ность (банкротство) кредитных организаций: Учеб практ. пособие. / Г.А. Тосунян. - 2002

64. Ўзбекистон Республикаси банк тизими/ Ф.М.Муллажонов таҳрири остида. - 2001

65. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида валютани тартибга солиш оид меъёрий ҳужжатларга тўплами. - 2003

66. Финансы и кредит: Учебное пособие/ Под ред. проф. А.М.Кавалевой. - 2003

67. Финансы и кредит:Учебник/ М.В. Романовского, Г.Н. Белоглазовой. - 2004

68.Финансы, деньги, кредит: Учебник/ Под ред. О.В.Соколовой. . - 2000

69. Финансы.Денежное обрашение.Кредит.Конспект лекций. Пособие для подготовки к экзаменам для студентов всех форм обучения. – 2005.

70.Черкасов В.Е. Банковские операции: Финансовый анализ/ В.Е. Черкасов. - 2001

71.Чернова В.Э. Финансы, денежное обрашение и кредит: Конспект лекций./ В.Э. Чернова. - 2000

72.Чиликина З.Н. Анализ финансовой отчётности предприятий при их инвестировании и кредитовании (на основе бух. учёба) . / З.Н. Чиликина. – 2001.

73. Шелопаев М. Финансы.денежное обрашение и кредит. Краткий курс лекций./ М. Шелопаев. - 2004

74. Шербакова Г.Н. Банковские системы развитых стран/ Под ред. Г.Н.Шербакова. – 2001

75. www. сбу.уз

76. www.мисрофинансе.уз

77. www.узрепорт.сом.

78. www.гоогле .сом

79. www.бир.уз.

80. www.банкинг.сом

81. www.сер.уз

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ **3**
I боб. Пулнинг зарурлиги ва моҳияти……..8
1-§. Товар ишлаб чиқариш ва пулнинг зарурлиги 5
2-§ Пулнинг моҳияти ва унинг хусусиятлари 7
II боб. Пулнинг функциялари ва роли **12**
1-§. Пулнинг функциялари ва уларга тавсиф 13
2-§. Пул функцияларининг ўзаро боғлиқлиги..... 23
III боб. Пул айланмаси ва унинг тузилиши **23**
1-§. Пул айланмасига тавсифнома ва унинг тузилиши 24
2-§. Нақд пулсиз пул айланмаси, уни ташкил қилиш тамойиллари, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг шакллари..... 30
3-§ Нақд пул айланмаси ва унинг хусусиятлари..... 30
4-§. Пул муомаласи қонуни 62
5-§. Пул агрегатлари ва пулни тартибга солишнинг амалиётда қўлланилиши 64
IV боб. Инфляция ва пул муомаласини барқарорлаш-тиришнинг усуллари **68**
1-§. Инфляция, унинг мазмуни, келиб чиқиш сабаблари ва шакллари..... 69
2-§. Инфляциянинг турлари ва тоифалари 72
3-§. Пул муомаласини барқарорлаштириш ва инфляцияни бартараф қилиш йўллари..... 78
4-§. Пул ислоҳотлари ва унинг пул муомаласини барқарорлаштиришдаги ўрни 83
V боб. Пул назарияси **86**
1-§. Пул назариялари тўғрисида умумий тушунча..... 87
2-§. Пулнинг металлик назарияси..... 88
3-§. Пулнинг номиналлик назарияси..... 91
4-§. Пулнинг миқдорий назарияси 92
5-§. Пул назариясининг янгича талқин қилиниши 94
VI боб. Пул тизимининг моҳияти, турлари ва элементлари **97**
1-§. Пул тизими ва унинг асосий элементлари 98
2-§. Ривожланган мамлакатлар пул тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари 102

VII боб. Ўзбекистон Республикасининг пул тизими 104
1-§. Ўзбекистон Республикасида пул тизими ва унинг ривожланиш тарихи 105
2-§. Ўзбекистон Республикасида мустақил пул тизимининг жорий қилиниши 109
3-§. Пул тизимининг бақарорлиги ва миллий валютанинг конвертабеллигини таъминлаш йўллари 112
VIII боб. Халқаро валюта муносабатлари 114
1-§. Халқаро иқтисодий алоқалар валюта муносабатларининг асоси сифатида 115
2-§. Валюта тизими ва унинг асосий элементлари 115
3-§. Валюта курси ва унга таъсир қилувчи омиллар, валюта курсларининг турлари 123
IX боб. Халқаро ҳисоб-китоб операциялари 131
1-§. Халқаро ҳисоб-китобларни ташкил қилиш асослари 132
2-§. Халқаро ҳисоб-китобларнинг шакллари 134
X боб. Савдо, тўлов ва ҳисоб-китоб балансlари 143
1-§. Ҳисоб-китоб баланси ва унинг ташқи иқтисодий алоқалардаги ўрни..... 144
2-§. Тўлов баланси, уни тузиш тамойилларининг асосий бўлимлари.....146
XI боб. Кредитнинг зарурлиги, моҳияти ва функциялари 152
1-§. Фондлар айланишининг ўзига хос хусусиятлари ва кредит зарурлигининг бошқа омиллари..... 157
2-§. Кредитнинг моҳияти ва унинг функциялари 164
4-§. Кредит ва унинг бозор иқтисодиётидаги роли 191
XII боб. Тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоизлари ва уларни ҳисоблаш усуллари..…….....….....141
1-§. Тижорат банкларининг фоиз сиёсати тўғрисида тушунча..141
2-§. Фоиз ставкаси ва унинг турлари……...…….....145
3-§. Фоиз ставкаларини ҳисоблаш усуллари ва методлари.....149
4-§. Банк маржаси ва фоиз ставкаларига таъсир қилувчи омиллар.....151
XIII боб. Банкнинг моҳияти ва банк тизими 157

1-§. Банкларнинг келиб чиқиши ва унинг моҳияти 157
2-§. Кредит тизими, унинг тузилиши 158
3-§. Банкларнинг функциялари 161
4-§. Ўзбекистон Республикаси банк тизими, унинг поғоналари, мақсад ва вазифалари 163

XIV боб. Марказий банк, унинг вазифалари ва функцияси
1-§. Марказий банк ва унинг тузилиши 167
2-§. Марказий банк фаолиятининг асослари, мақсад ва вазифалари 168
XV боб. Тижорат банклари ва уларнинг функциялари . 171
1-§. Банк фаолиятини ташкил қилишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари 171
2-§. Тижорат банкларининг ташкилий тузилиши 270
3-§. Тижорат банкларининг функцияларига қисқача тавсиф 272
XVI боб. Тижорат банкларининг пассив, актив ва бошқа операциялари 180
1-§. Тижорат банкларининг пассив операциялари 180
2-§. Депозитлар ва уларнинг салмоғини кенгайтириш 182
3-§. Тижорат банкларининг актив операциялари 279
4-§. Банкларнинг бошқа операциялари 287
5-§. Кредитлаш тамойиллари .....
XVII боб. Қимматли қоғозлар бўйича инвестицион операциялар 205
1-§. Инвестициялар, банкларнинг инвестицион сиёсати 205
2-§. Қимматли қоғозлар ва уларнинг таснифи 210
3-§. Банкларнинг қимматли қоғозлар билан операциялари ва уларнинг моҳияти..... 212
XVIII боб. Банклар фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш 320
1-§. Банкларнинг тўловга қобилияти тўғрисидаги тушунча ва уни таъминлашнинг йўллари 321
2-§. Банк ликвидлилиги ва уни таъминлаш йўллари..... 324
3-§. Банклар фаолиятига таъсир қилувчи омиллар..... 331
Адабиётлар рўйхати.....234

АБДУЛЛАЕВА ШАРБАТ ЗУЛФИҚАРОВНА

ПУЛ, КРЕДИТ ВА БАНКЛАР

Муҳаррирлар: Ҳ. Тешабоев
Л. Баҳронов
Компьютерда саҳифаловчи Б. Гафурова

Босишга рухсат этилди 26.05.2007. Қоғоз бичими 30х42
Ҳисоб-нашр табоғи 16,9 б.т. Адади 500. Буюртма № -

“ИҚТИСОД–МОЛИЯ” нашриёти,700084,Тошкент, Кичик ҳалқа йўли кўчаси,7–уй

Тошкент Молия институти босмахонасида ризография усулида чоп этилди.

700084, Тошкент, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй